



ЎЗБЕКИСТОН ССР ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ

МУСО ТОШМУҲАММАД ЎҒЛИ
ОЙБЕК

МУКАММАЛ АСАРЛАР ТҮПЛАМИ

УН ТҮҚҚИЗ ТОМЛИК

Таҳрир ҳайъати:

Марат Нурмуҳамедов, Комил Яшин,
Шоназар Шоабдураҳмонов, Иззат Султон,
Ҳомил Еқубов, Зарифа Сайдносирова

ЎЗБЕКИСТОН ССР «ФАН» НАШРИЕТИ

А. С. ПУШКИН НОМИДАГИ ТИЛ ВА АДАБИЕТ ИНСТИТУТИ

МУСО ТОШМУҲАММАД ЎҒЛИ
ОЙБЕК

МУКАММАЛ АСАРЛАР ТЎПЛАМИ

ЕТТИНЧИ ТОМ

ОЛТИН ВОДИЙДАН ШАБАДАЛАР

Р о м а н

ТОШКЕНТ — 1976

Изоҳлар билан нашрга тайёрловчилар:

Наим КАРИМОВ,

Осим БОҚИЕВ

Масъул муҳаррирлар:

Зарифа САЙДНОСИРОВА,

Гаффор МУМИНОВ

Ойбек Мусо Тошмуҳаммад ўғли.

Муқаммал асарлар тўплами. 19 томлик.
Таҳрир ҳайъати: Нурумурхамедов ва бошқ.

т. 7. Т., «Фан», 1976.

(ЎзССР ФА А. С. Пушкин номидаги Тил
ва адабиёт ин-ти).

Олтин водийдан шабадалар.
(Изоҳлар билан нашрга тайёрловчилар:

Н. Қаримов ва бошқ. Масъул муҳаррирлар:
Ҳ. Ёқубов ва бошқ.) 1976. 16 б.

Айбек М. Т. Полное собрание сочине-
ний. В 19-ти т., т. 7, Ветер золотой
долины. Роман.

Уз2

О $\frac{70403-475}{355(06)-76}$ 97-76



Ўзбекистон ССР «Фан» нашриёти, 1976 й.

ОЛТИН ВОДИЙДАН ШАБАДАЛАР

I

Куннинг қизигида кенг тош йўлда пухта этикларини қалдиратиб, илдам юрган аскар йигит икки томони адил тераклар билан безангани, текис, майдада шағалли йўлга бурилгач, терлаган юзида бирдан шабада нафасини сезди. У гўё туғилиб ўсган қишлоғининг томларини кўрмоқчидай бошини кўтариб, ҳаяжон ва соғинч билан узоқларга тикилди. Поезд чўлдан кўм-кўк водийга бирдан учуб киаркап, нақ темир йўл полотноларига туташган кўркам мевазорларни, қатор-қатор ишкомларни, унда-мунда дараҳтлар орасида кўзга ташланган қўрғончаларни, баҳаво, енгил, дилкаш шийпонларни кўриш биланоқ фарғоналик аскарнинг кўзларидан ихтиёrsиз равишда қайноқ ёш томчиланган эди. Ҳозир айни ҳиснинг мавжуларини у ўз юрагининг қаърида яна ҳам кучлироқ туйди. Станциядан чамаси икки тош ма-софани бирон ерда тўхтамай шахдам босган йигит, тераклар остида кўм-кўк барра ўтларга кўмилиб шарқираб оққан сувнинг қўшиғидан сеҳрлангандек ариқ бўйида тўхтади, чамадончасини, қопчиғини ерга қўйди, 20 улар устига қадрдан шинелини ташлади-да, эркакча чимирилган, ўсиқ қошлиригача тушган пилоткасини кўтарди, яллиғланган юзидан бир бармоғи тўмтоқ сўл қўли билан терини сидирди, кейин ариқни чатоноги орасига олиб, ҳовуч-ҳовуч сув ичди. Унинг бутун тани яйраб, кўзлари аллақандай ёришиб кетди, келишган, куч барқ урган қаддини кўтариб, мириқсан отдай, кенг кўкраги билан узун сўлиш олди. Аскар йилларча жанглар оловида Сталинграддан Будапештга қадар бепоён ма-софани одимлаб, не-не дарёларнинг тўлқинларини ўлим 30 бўронлари орасида кечиб ўтмади, не-не тошқинлар, кўллар, кўлчалар ва кўлмаклардан сув ичмади! Лекин дам

күёшда кўз олғич чарақлаб, дам кўкатлар орасига яши-
рингап бу кичкина ариқнинг тоти, ҳузури, нашъаси
бошқача эди. У ҳеч ерда сувнинг шундай куйини тинг-
ламади. Бу қўшиқ олтин ҳавода жаранглаб, шамол ва
кўм кўй баргларнинг қувончли ивир-шивирига жўр бў-
либ, юракларини эркалабгина қолмай, бу жонли, шўх
қўшиқ нималардир сўйлайди... Буни ариқ ва сув ярат-
ганларнинг юраги тушунади. Бу ерда ариқ доимо куй-
ламаса, ҳаёт ваҳм, қора бир ўпқонликдир. Поёнсиз пах-
10 та далаларининг ҳусни ва баракати, сўлим боғларнинг
шарбати ва гулларнинг минг товланган ранглари —
ҳаммаси сув туфайли. Бу ўлканинг одамлари ернинг
қон томирлари — ариқларни азалги тажриба ва уқув
 билан бениҳоя зўр, доимий меҳнат билан яратибди, ҳар
кун, ҳар соат тер тўка-тўка ерни қарич-қарич эгал-
лайди.

Кўёш селида мириқиб чўмилган бўйдор тераклар
қучоғида торая-торая ғойио бўлган текис йўлда аскар
енгил одим отади. Бу йўлни урушдан бурун колхозлар
20 қурган эдилар. Илгари бу ерда ёғингарчилик палласи-
да балчиқ отнинг қорнига етарди. Аскарнинг кўз олди-
да йўл қуриш манзараси жонланди. У — ёш колхозчи,
ўз тенгқурлари билан бирга қандай жон куйдириб иш-
лаган эди. 1941 йилнинг кузида, аччиқ изғиринли бир
кунда у Ватан мудофааси учун армияга жўнаркан, бу
тераклар нозик новда кўчатлар эди. Мана букун қулинг
ўргилсин бир хиёбонки, кўланкасида ястангинг келади.
Аскарнинг юраги тўлқинланиб, одим-одим жойда тўх-
тар ва ҳар ёнга суқланиб қарап эди. Ўнг томонда учи
30 кўринмас, кўм-кўк, текис пахта даласи очилди: «Бунда
шундай яхлит пахта майдони йўқ эди-ку. Бурун тепа-
ликлар, ажриқзорлар орасида кичик-кичик ҳар нав экин
майдонлари учаради. Қойилман «Маркс» колхозчилари-
га! Қандай иш қилишибди-я. Пахтага ана шундоқ қу-
лочкаш майдон керак. Меҳнатни аямасанг, бу ерда
ҳосил қайнайверади. Аҳ, ғўзаси пича кечикипти-да...», —
деди ўз ичиде аскар. Ариқларда қий-чув билан чўми-
либ, қизғин тупроққа ағанаган қора-қура болалар, ўрик-
зорда ўрик қоққан қизлар, ҳавода зарғалдоқнинг «биёв-
40 биёв»и ва тракторнинг гулдури, девор орқасида тандир-
да пишаётган ноннинг ҳиди, олисларда чайлалардан, да-
ла шийлонларидан кўтарилаётган тутун кўмалари, боғ-
ларда меваларни қушлардан қўриқловчиларнинг шов-

қини — ҳамма нарса унга тинч ҳаётни ва эркин меҳнат нашъасини гавдалантираш эди. Бу ҳаётни окопларда, землянкаларда, қорда, бўронда, ўт ва ўлим гирдобида, хастахоналарда бағри хун бўлиб согинмаганмиди у? Ёлғиз у эмас, ҳамма жангчиларнинг ягона орзуси разил душманни тез ва омонисиз парчалаши, ҳаётга, меҳнатга, ижодга қайтиш эмасмиди? Йигит баҳтиёр эди. Урушда кечирғанлари қора босриқдай, баъзан хотирадан ўтажак. Фақат... Унинг ўнг оёғи энди умрбод оқсайди, сўл қўлида битта бармоқ етмайди, яна гавдасида 10 бир неча яра излари... Бироқ миллионларча кўзлар тупроққа қоришиди. Улар зафар нашъасини кўрмадилар, орзу-армониларини, ардоқланган асл фикрларини қучиб, ҳаёт билан мардона видолашдилар... Аммо улар ўлмадилар. Аскарнинг эсига батальон агитаторининг сўзлари тушди. Бир вақт энг оғир ва масъулиятли ҳужум олдидан агитатор, кучи ва ҳусни гуллаган ёш лейтенант камар қайишнга гранаталарни қистириб, жуда чарчоқ, очиқкан ва совуқдан жунжиган жангчиларга мурожаат этган эди: «Биламан, ҳаммамизга ҳам беҳад оғир. Шу 20 топда биз ҳаммамиз бир қултум қайноқ сув, бир-бири мизнинг тиззаларимизга бош қўйиб, бир чимдим уйқуни хаёл қиласиз. Лекин шу минутда ҳаммамиз сўнгги кучларимизни юракларга йигиб, олдинга отилишимиз, душманни қириб ташлашимиз керак. Балки ҳаммамиз қон бўлиб оқармиз. Аммо бу ўлим — ҳаёт номига, унинг тантанаси номига! Йўқ, бу ўлим эмас. Бизнинг юрагимиз — халқимизнинг юрагида абадий уражакдир!» Шунда энг ҳорғин, энг дармонисиз жангчилар, ҳаммадан олдинда илгарига, душман устига отилган эдилар. Ботирлар халқнинг хотирасида ҳамиша яшаяжаклар. «Бироқ,— ўйлади яна йигит,— миллионларча жангчилар қайтаётирлар ва қайтарлар. Ҳозир турли-туман жамики йўлларда жангчилар, командирлар ошиқиб-тошиқиб, уйларига югурадилар. Лекин шаҳарлари ўрнида ғишт ва тош ўюмларига, қишлоқлари, уй-рӯзгорлари ўрнида кул-тепаларга дуч келувчилар, ота-оналаридан, бола-чақаларидан ному нишон қолмаганлар озми?» Балогар душман ясаган харобалар, вайронликларнинг даҳшатли манзараси ва изтироблар, мусибатлар, айрилиқларнинг фаже гирдobi йигитнинг кўзидан ўтди. Босида бутун ғайрати, сахийлиги билан порлаган қадр-дон қуёш гўё бир зумда сўнди-ю, унинг кўз олди қора-

йиб кетгандек бўлди. Фақат яқиндан эшитилган янғроқ товуш уни ўзига келтириди:

— Ўктаам ака!

Иигит сўл ёқда, дала томондан ёлғиз оёқ йўлда эшак миниб келаётган ўн уч-ўн тўрт яшар болани кўриб, бирдан тўхталди.

— Эсон-омон келдингизми? Акаларимизни кўрадиган кун бор экан-а.— Бола эшакдан ўзини отиб, қузончадан энтикиб деди:— Мени танимаяпсизми? Қосим темирчининг ўғлиманинг-ку...

10 — Жўрабоймисан? Акаси айлансин...— Ўктаам бўш қўли билан болани ўз бағрига босди ва туғишган укасилик меҳр билан узоқ қучоқлади. Ўктаам фронтда кўп вақт хаёл суриб, бутун қишлоқ одамларини — каттадан-кичигига қадар бир-бир кўздан кечирар, отларини такрорлар, уларга хос қилиқларни эслар ва овунар эди. Ўйига хат ёзганда, ўнларча-ўнларча колхозчиларга, таниш-билишларга, қўни-қўшниларга айрим-айрим салом юборар эди. Жўрабой ҳам аскар элатнинг кўкрагига бошини согинч билан қўйди.

20 — Даданг бардамми?— сўради Ўктаам болани қўйиб юбориб.

— Дадам фронтда,— жавоб берди Жўра ва элатнинг кўкрагида ёнган қўш «Қизил Юлдуз»га, медалларга ҳавас билан тикилди.— Жуда соғинидик. Сиз дадамга бирон жойда йўлиқдингизми? Икки йилдан бўён дом-дарак йўқ.

— Даданг ҳам йўлга тушгандир, укам,— жавоб берди ишонч билан.

30 — Ҳозир ҳамманинг кўзи йўлда,— деди Жўра ва дарров аскарнинг юкини олиб, хачирдай катта, туки йилтираган, белдор эшакка илдам ортиб, чизимча билан боғлади-да, «хих» деб бир туртди ва ўзи элат билан суҳбатлашиб, пиёда кетди. Ўктаам чанг дўппини бостириб кийган, дўнг пешанали, ўйноқи ўткир кўзли, юзи офтобда пишган, оёқ яланг болага бирин-кетин савол берар, у эса худди қишлоқ оқсоқолидай, билимдонлик билан жавоб қайтарар эди. Ўктаам хурсанд бўлиб, Жўранинг елкасига қоқиб, ўз ичидаги ўйлади: «Бу азамат-40 чалар — уруш замонида суюги қотган кадрлар. Ақл ёшда эмас, бошда, дейдилар. Булар ҳар ишнинг уддасидан чиқади».

— Нега хат-пат, телеграмм юбормадингиз? Қаторқатор отлиқлар байроқлар билан кутиб олишар эдида,— деди ачиниб Жўра.— Кўкрагингиз ярақ-ярақ қиласди-ю, яна яёв келяпсиз...

— Эҳе, бунчалигини билмапман-да,— деди кулиб Ўқтам.

— Собир акалар, Ҳайитбой акалар қайтишганда нақ тўй бўлиб кетди, байрам бўлиб кетди,— деди бошини тебратиб Жўра.

Ўқтам қайтган дўстлари ва танишларини катта қизиқиш билан бир-бир суриштирди, уларни тезроқ кўрмоқ учун сабрсизлангандай, қадамларини тезлатди ва гап орасида кулиб сўради:

— Хўш, колхозда ўзинг нима қиляпсан, тойчам?

— Тойча бўлсак ҳам от изидан боряпмиз,— жавоб берди Жўра кўзларини айёрча қисиб.— «Қаҳрамон» колхозида мен тенгилар ичида бўши йўқ.

— Ўқиши-чи?

— Ҳам ўқнибиз, ҳам тўқнибиз. Раис отам ҳар вақт шундай дейди: «Ҳам ўқи, ҳам тўқи, ўйинни эртага қўй!» 20 Ҳа, Ўқтам ака, манав ёққа бир қаранг,— Жўра бирдан жопланиб, қўли билан далага ишора қилди. Ўқтам каллакланган қатор тутлар билан чегараланган пахта участкасига тикилиб қаради ва хурсанд деди:

— Мана пахта! Жуда бақувват, жуда текис... Қўллари дард кўрмагурлар! Роса ишлашибди.

— Қизлар звеноси бу!— жиддий ва мағрур деди Жўра.— Ҳозир ҳамма қизлар звено-звено бўлиб кетган. Чоллар ҳам айрим звено тузишди. Бу йил шу звено қизлари юз центнердан ҳосил олишга катта мажлисда сўз 30 беришган. Синглингиз Ҳакима опа ҳам шу звенода...

Ўқтам армияга кетганда, синглиси ўн бир яшар, соchlари сичқоннинг думидай, майда ўрилган, инжиққина, ориққина қизча эди. Қўлини акасининг бўйнидан узмай, чинқириб йиғлаб қолган эди. Ҳозир юз центнерчи пахтакор! Бир вақтлар, урушдан бурун, фалон жойда юз центнерчи чиқибди, деган хабар тарқалгандা, Ўқтам жилла ишонмаган эди: «Ўша азаматни бир кўрсак бўларди. Қўш кетмон билан чопиқ қиласмикан? Чи-ранишнинг ҳам бир марраси бўлади-да!»

Жўра унинг кўзларида гумон аломатини сезиб, деди:

— Қизлар — бало. Тиришгани-тиришган. Қечалари ҳам далага чиқишдан тап тортишмайди. Лекин қорон-

40

ғидан сал қўрқишиди. Биламан, шунинг учун гоҳ-гоҳ уйдан чиқаман-да, узоқдан ашула айтиб, уларга далда бераман. Баъзи вақтда сал қўрқитиб ҳам қўйман: кесак отаман, бўрига ўхшаб узоқдан увлайман. Лекин айниқса биттаси, биласизми, анав — ҳа, оти нима — тегирмончи қизи Тансиқ опа йигитдай юракли. Ўҳӯ!

— Ҳа, Мираҳмад тегирмончининг қизими? — деди пешанасини қашиб Ўқтам.

— Ҳа, ўша. Бувим дейдики, Мираҳмад сувни кўпайтиргани кетгандা, хотини кечаси ёлғиз ўзи тегирмонда шу қизни туққан... Ўзиям тегирмонга тушса, бутун чиқади! Ҳа, яна «юзчилар»ни бошлиги у,— Жўра ўз изоҳидан хурсанд эди, эшагини бир тепиб, ҳайдади: «Ҳай, ҳаром қоткур!»

Ҳамәлатлар гангур-гангур сўзлашиб боришиди. Мана шода-шода ҳали кўк мевалари салмоғидан новдаларини таъзимкор эгган ва қуёшда барглари кумуш тутун ранги билан товланган жийдазор йўлга қайрилишгач, узоқдан, яшиллик гирдоби орасидан қишлоқнинг ilk 20 уйлари кўзларга чалинди. Жўра юкли эшакка бирдан иргиб минди-да, шўх товуш билан қичқирди: «Сора бувимдан суюнчи олиб қолай!»— Бола кучли оёқлари билан эшакни шундай ниқталадики, жонивор енгил қизгин чанг кўтариб, қаттиқ йўргалаб кетди.

Ҳовли саҳнида ёлғиз ўзи чўққайиб ўтириб, офтобга пилла ёйиш билан овора Сорабибининг юраги бирдан «шиф» этиб кетди. Жўра кўчадан қичқириб кирган эди: «Ўқтам aka келяпти. Ўқтам aka... Ўк...» Онанинг ранги ўчиб, оёқлари титраб, гапиролмай энтикиб, бир зум 30 Жўрага бақрайди. Аскар юкини эшакдан тушириб, бола айвонга элта бошлади. Сорабиби бўшашиб, узун бир уҳ торти ва ўрнидан сапчиб турди, шошганидан, ҳаяжондан нима қилишини билмай, ҳовлида гир-гир айланди. Бу ерда йўқ қизини: «Ҳакима, ҳой, Ҳакима!» деб товуши борича қичқириб чақирди, кейин бирдан эшикка, ундан кўчага яланг оёқ ҳаллослаб югорди.

Ўқтам ҳовлига бети-қўли шира, чангга ботган бир тўда болалар билан қуршалган ҳолда кирди. Ҳалигина пашша «ғинг» деса эшитиладиган жимжит ҳовли қийчувга тўлди. Шодликдан, баҳтдан мунҷоқдай кичик кўзлари нурга, намга тўлган Сорабиби аскар ўғил бошидан ҳовуч-ҳовуч мева ҳам танга-сочиқ сочиб юборди. Қўни-қўшнилар бирпасда хабардор бўлишиди. Қучоқла-

шишлар, ҳол-аҳвол сўрашлар бошланиб кетди. Салқинга, боболар кўқартирган азим ёнғоқ остига жой солдилар. Ўктам этигини аскарча қунт билан тозалаб, қайшини бўшатиб, кўрпачага ўтириди. Онаси унинг ҳар икки томонига оппоқ ёстиқларни қалаб ташлаб, ёнбошлишга қистаса ҳам, у гўё умрида бундай фарогатга одатланмагандек, ёстиқларни четга сурин қўйди. Махоркани фронтчасига ўраб, тутунини ҳузур билан сўриб, гоҳ дараҳтнинг қубба-қубба меваларига, гоҳ эса офтобда қордек чақнаган уюм-уюм пиллага, худди уни илк 10 дафъа кўраётгандек қизиқиб қарайди, ҳаяжонли, хурсанд кишиларга тўймагур кўзлари билан тикилади, дўстлар, таниш-билишларни бир-бир суриштиради. Мана оппоққина юзи тухумдай йилтираган, хушмўйлов, калта бурун, оқ шойи кўйлак устидан ипак тизимча билам белини боғлаган нотаниш киши гапини кесди. Кўришмоқ учун у узоқдан қучоқ очиб келди: «Вой акагинаиг айлангур, омон-эсон келдингизми?»— деб Ўктамни қайта-қайта қучоқлади ва кейин унинг елкасини, худди болаларни эркалатгандай, қоқиб, деди: «Баракалла, оғарин, қаҳрамон!» Ўктам алланечук ўнғайсизланиб, қизариб, Жўрага қаради. Суюнчи учун кампирдан олган янги дўппини кийиб, катталарча чордана қурган бола бепарвогина таништириди:

— Бу киши ўртоқ Файзуллаев. Колхоз секретари.

— Насимжон Файзуллаев,— деди чучук тил билан секретарь ва гилам четига омонатгина ўтириб, сўзини давом эттириди,— ёнбошланг, иним, ёнбошланг. Ўз уйим, ўлан тўшагим, дейдилар. Биз ҳали қадрдон бўлиб кетамиз. Камина ёлғиз секретаргина эмас, юмуш беҳисоб. 30 Колхозчилик. Узингизга маълум, кадр танқис. Минг хил масала билан бош қотиришга тўғри келади. Иўқ, виждан иш талаб қилади, шундай эмасми, ботир иним? Табаррук соқолига жоним фидо бўлсин, раис Мирҳайдар отам каминага вазифа устига вазифа юклайдилар. Қаранг, шундай қутлуғ кунда ўzlари бўлмадилар-да. Чорвадан хабар олгани саҳрора кетган эдилар.

Ўктам «эшиитдим» дегандай, бошини қимирлатиб, тасдиқ этди. Гап орасида кимдир кулиб сўради:

— Бозордан барвақт қайтибсиз. Насимжон ака, қалай, мева бозори чаққонми?

— Бозор ғалваси қурсин, қўй, жиян,— жавоб берди қўлинини силтаб Насимжон.— Ботир иним билан бамаъ-

ни гаплардан гаплашайлик. Уларнинг ҳар сўзини олтин деявер! Хўш, шундай қилиб, Гитлер деган шайтонни жаҳаннамга қулатиб юбординглар. Аҳ, соз иш бўлди-да! Эхе, дарвоҷе орденлар муборак бўлсин. Аҳ, жуда ярашибди-да. Энди умрбод подшолардай яшайверасиз, ҳар орден, ҳар медаль — бутун бир хазина...

10 Ўқтамнинг пахта, ғалла, ипак ва ҳоказога доир саволлариға Насимжон «ҳаммаси жойида; хотирлари жам бўлсин» ёки «тилагимиз баланд», «ҳамма гап баракада» деган сўзлар билан жавоб берди, кейин шошиб ўрнидан турди-да, қўлини кўкрагига қўйди:

— Бизга пича рухсат берасиз.

Ўқтам колхозда «минг хил юмуш билан банд» бу жонкуярни қолишга унча қистамади. Насимжон эса янги брезент этикларида енгил йўрғалаб, эшикка эмас, балки бир чеккада шошиб-пишиб чой қайнатаётган онага томон кетди, дарров кампирнинг пинжига кириб, худди ўз онаси ёки холасига гапиргандек, унинг қулогига нималарнидир секин-секин, аммо жуда куйиниб шивирлади, хоналарга, оғилга ва томорқага ҳам кириб чиқди.

20 Насимжоннинг ҳаракатини зимдан кузатган Ўқтам таажжубланиб, секингина Жўрадан сўради:

— Қим ўзи у? Қаерлик?

— Икки йил бурун шаҳардан қариндошлариникуга кўчиб келди, колхозга кирди. Ҳамма вақт юрганинг юргранг. Ҳар ишга бош бўламан, дейди.

— Иши қалай?

30 — Устида ҳар хил гаплар юради. Тили бурро, ишбинлармон, илми зўр, дейишади,— жавоб берди Жўра кулиб.— Мана энди ишига разм солиб, кимлигини билиб оларсиз. Лақаби «Чаққонбой...»

Ўқтам маънодор илжайиб, Насимжоннинг ҳаракат ва қилиқларини зимдан кузатиб ўтириди. Насимжон «сочқи»дан талашиб-тортишиб олган ширинликларни бир-бирларига кўз-кўз қилиб ҳовлида чувиллашган болалардан биттасининг елкасини қоқиб, қулогига нимадир шивирлади. Бола «уқдим» дегандай бошини қимирлатиб, қаергадир ўқдай учди. Иккинчи боланинг қўлига чепакча тутқизиб, ҳовлига сув сепишга буюрди, кейин Сорабибининг орқасидан дам уйга, дам ошхонага кириб, яна қандайдир майда юмушлар билан машғул бўлди. Ора-сира Ўқтамнинг қошига келиб, унинг кайфини, нима орзу қилганини суриштириб кетар эди. Оға-бобоси

қассоб ўтган Эшимқул эшикдан пичогини юпқа олқинди қайроқда чархлаб кириб келгач, Насимжон боши кўкка етгудай суюнди, қассобни Ўктам қучогидан тортиб олиб, томорқага судраб кетди. Ўктам онасининг қошига бориб, ранжиган товуш билан сўради:

— Нима даҳмаза бу?!

— Яхши ният билан боқилган қўйни сўямиз, болам,— деди она қувончдан йиғламсираган товуш билан.— Ҳакиманинг ўзи ардоқлаб боқсан эди. Киши юбордим, қиз тушмагур кела қолмадиам. Билмадим, 10 пахтадами, мажлисдами...

Она ва ўғил ўртасида бўлаётган гапни қайдандир дарров пайқаган Насимжон йўрғалаб келиб қолди.

— Ботир иним, ойим холаминг раъйларини қайтарманг,— деди Насимжон қандайдир сирли товуш билан.— Холам бояқни сизни деб озмунча куймадилар, озмунча йиғламадилар! Бугун тўққиз қўй сўйилса арзиди. Яна қоннинг хосияти... Қўй чоғроқ экан, етмаса бузоқни ҳам бўғизлаймиз, обдан семирибди бузоқ, тирсиллади. Хўп, холажон, топган-тутганингизни аямай 20 тўқаверинг, халойиқ келиб қолади ҳозир.

— Холангиз айлансин, мунчаям билимдонсиз,— деди Сорабиби тўлқинланиб,— худди дилимдагини айтяпсиз-а. Болаларингизнинг тўйида хизмат қилай.

Қассоб думбаси серкиллаган қўйни маккажўхори орқасига — томорқага етаклаб ўтгандан сўнг, Насимжоннинг кўнгли тинчили. У чўнтағидан «Қазбек»ни олиб, Ўктамга тутди, кейин ўзи лабининг бир чеккасига қистирди, тутунини атайн ҳалқалантириб, мosh ранг дуҳоба дўппили чўзинчоқ бошини бир зум қашиб, Жўра- 30 га мурожаат этди:

— Жўра полвои, акаси жонидан, қуёндай югурдак боласан. Фирр этиб бориб, келин ойингни чақириб келсанг... Ўктамжон, менинг ўртоғим жуда эпчил аёл. Масаллуғ бўлса, таом тайёрлаш бобида тенги йўқ, десак бўлади. Ҳатто оврупоча овқатларни ҳам билади, масалан, катлетни у пиширсии-да. А, ўзимизнинг таомларчи — кабоб ва паловдан тортиб, то ҳалимгача дўндириб юборади. Ахир унинг отаси бутун Фарғонага донги кетган сомсапаз бўлган экан.

Жўра лабини буриб, базўр ўрнидан турди. Насимжон қассобга ёрдамлашиш учун томорқага кетди. Ўктам ҳовлида юриб, рўзгорга разм солди. Лекин аввалгидай

40

қўр-қут сезмади. Узи солдирган икки хона ва бир айвондан иборат янгича уйнинг деразаларида баъзи кўзлар синиқ, тарновлар қийшайган. Хоналардан бирида сандиқларни титкилаб, дастурхон учун мева-чева олаётган онага деразадан бош суқиб, деди:

— Ая, ортиқча ташвиш тортманг.

— Сен аралашма, жоним. Тўй тўйдай бўлсин,— деди Сорабиби хўрсиниб.

— Рўзғор қалай, қийналмадингларми?

— Ўйлама, болам, ҳеч ўйлама,— жавоб берди Сорабиби тақсимчаларни ранг-бараанг мевалар билан яшнатиб.—Худога минг қатла шукур, дийдор кўришдик. «Кафан кийган кетади, капалак кийган қайтади», дейдилар-ку. Урушнинг жабрини ҳаммаям обдан кўрди, болам. Яхшиямки, ҳукумат колхоз тузган экан. Бўлмаса мендай бир муштипар кампир ва бир қарич қизчанинг ҳоли нима бўлар эди? Хору зор бўлмадик. Колхоз юртниям, халқниям боқди, ўзиниям боқди. Колхознинг бағри кенг, меҳнати сербарака бўлиши ҳаммага аён бўлди, болам.

Уқтам онанинг жавобидан хурсанд бўлиб, яна ёнғоқ тагига қайтди, шу паллада бир тўда элатлар келишиди. Дўсти Собир Эрматов — бўйдор, бесўнақай, сўзи ва ҳаракати вазмини фронтовик йигит — елкада кетмони билан, кўкрагида жаранглаган қатор-қатор орденлари, медаллари билан келган эди. Ёш-яланг йигитларнинг кўпларини Уқтам дарров таниб ололмади. Уқтам кетган вақтда бу азаматлар Жўра ёшидаги шўх, тўполончи болалар эдилар. Чоллар тўрга ўтиришди. Уқтам ҳаммадан қўйида чўккалади. Ноз-неъмат тўла дастурхон устида суҳбат бошланиб кетди. Уруш даврида эшитилган турли шаҳарлар, дарёлар, халқлар, давлатлар ҳақида, ҳар нав қурол-аслаҳалар тўғрисида қизғин гаплашдилар. Айниқса «катиоша»нинг иши ҳаммага манзур бўлди. Шундай ёвуз қуролни ўйлаб ясаганларнинг билим ва ҳунарига қойил қолиб, чоллар уларни дуо ҳам қилишиди. Даладан ҳаллослаб, Ҳакима ҳам келди. Унинг юзи иссиқдан, тердан пўрсиллаган эди. Қиз кетмонни улоқтириб, акасига отилди. Уқтамнинг кўнгли алланечук зирқираб кетди. Отаси ўлганда, Ҳакима беш яшар гужи-ғужи қизча эди. Дадаси умрининг охирги кунида Уқтамга: «Онангни қўлингда тутсанг, синглингни бoshингда тут!» — деб ҳаёт сўна бошлаган кўзларидан жиқ-

жиқ ёш тўккан эди. Енглари шимарилган, қоп-қора соchlари дўппи айланасида чамбар, бўйн ва гавдаси етуклик палласини бошлаган қизнинг бошини Ўқтам меҳрибонлик билан силади. Ҳакима юрагини тўлдирган энг қимматли, энг соғинчли сўзларини айтишга ошиқса ҳам, одамлардан ийманди шекилли, қуюқ киприкли, йирик кўзлари билан акасига хўрсина-хўрсина тикилди-да, меҳмонларни кутиш учун хизматга киришди. Кишилар Ҳакимани ва ўзга колхозчи қиз-жувонларни мақташди.

10

— Пахтани парвариш қилишни, юқори ҳосил олиши ни булардан ўрганавер, Ўқтамжон,— деди Собир Эрматов катта бошини аста чайқаб.

— Ватанини суйган совет аёллари пахтанинг қадрига етади, албатта,— деди Ўқтам.

Кишлоқда, колхозда кейинги йилларда рўй берган турли воқеалар тўғрисида гап бошланди. Насимжоннинг хотини тайёрлаган лазиз шўрва ва ундан кейин чучвара тортилди. Насимжон ариқдан шишаларни олиб, йигитларни маст қилди. Ҳатто баъзи бир кексалар ҳам 20 бир-икки топқир пиёла чўқишитирдилар. Зиёфат ва келдикетди кечаси алла-паллагача давом этди. Энг кейин Насимжон кетди ва хайрлашаркан, деди: «Роса дил-кашлик қиласидан сўлим кеча-ю, лекин ўзингизга маълум — колхозчилик. Идорага бориб асосий вазифаларни бажариб қўяй, ботир иним». Бирдан ҳовлини жимжитлик тўлдирди. Ариқда сувнинг шилдираши, қайдадир ҳаққушнинг «ҳақ»лаши бу сукутни чуқурлаштиради эди гўё. Тепаси нураган пахса деворлар ойдинда сарғиши йилтирайди. Адил, баланд тераклар, улкан, серқу-30 ўоч қайрағочларнинг учларида юлдузлар чаман-чаман ёнади. Ўқтам она-Ватан ҳавосининг лаззатига, унинг ўманзаралари сеҳрига берилиб, анча кезди, кейин айвонда тўшакка ёнбошлагани ҳолда, синглисини тинглади:

— Ҳаммадан оғир нарса — соғиниш бўлар экан,— деди Ҳакима акасига кичкина пиёлада чой узатиб.— Гоҳ далага сизнинг дўппингизни, гоҳ Ҳамдам акамникини кийиб чиқаман. Шу билан кўнглим таскин топгандай бўлади. Ҳар кун, кеч бўлдими, она-бала юмушдан бўшаб, алла-паллагача сизларни йўқлаймиз, сўзларингизни, қилиқларингизни эслаймиз. Эрталаб туриб аям тушини айтиб беради. Кўпинча аям айтмасданоқ қандай туш кўрганини авзойидан, юриш-туришидан билиб

оламан. Алдайман, аврайман, кўнглини кўтаришга тиришаман. Мабодо хат келиб қолса, бошимиз кўкда. Дунёда биздан баҳти одам йўқдай. Аям касал бўлса, хат шарофати билан тузалиб қолади. Мен далада қўшиқ айтганим-айтган. Сиз ўқтин-ўқтин ёзиб турдингизку, лекин Ҳамдам акамдан сира дарак йўқ. Мана ўн етти ой бўлди-я ёзмаганига... Нима бўлди унга-я?

Ўқтам колхоз комсомол ташкилотининг секретари — чиройли, жасур, ғайратли укасини эслади. Пешанасини 10 сиқиб, сукутга кетди.

Сорабиби идиш-оёқни йиғиштириб бўлиб, қизининг ёнига ўтириди. Ойдинда оқ кўйлакда, оқ дока рўмолда чексиз азиз, шафқатли, гўзал туюлди Ўқтамга у.

— Ая, гапир, ҳали хирмон-хирмон гап бор, деган эдинг...— деди Ўқтам.

— Чарчагансан, ухла, дунёning нариги чеккасидан келдинг,— деди Сорабиби меҳрибонлик билан, кейин бир хўрсиниб давом этди сўзида.— Шукур, қанотимдасан. Агар Ҳамдамжон келиб, иккинчи қанотимга кирса, 20 дунёда сира армоним қолмайди. Тавба, на ўлиги, на тириги маълум. Шунча йил урушда юриб, бирон жойда дуч келмабсан-да, ўғлим. Уруш қурғур шунаقا катта жойда бўладими, aka ўз укасини йиллаб кўролмаса-я... Ҳамдамжон бир хат ёзи-ю, шўнгиди кетди. Уканг аэропландан ўзини ташлайдиган бўлган экан. Ўйлаб боқ, шу ҳам ҳунарми? Шумтака, ерда юравермайсанми! Ота-бонг қушмиди? Оловдай шўх, тентаккина бола эди-да. Аэроплан деган туяқушинг ўқтин-ўқтин вағиллаб ўтади. Юрагим «жиг» этиб кетади, болам. Шундоғ учқурки, 30 бошимни кўтариб қарагунимча, қаёққадир фойиб бўлади. Болагинам бу «шамол қанот»дан қай юрак билан ўзини ташлар экан, деб йиғлайман...

Ҳакима ранжиб, сабрсизлик билан деди:

— Неча-неча марта тушунтирдим-ку, парашют билан секин-аста учиб тушади, деб.

— Э, маҳмадана қизим, осмон қаёқда-ю, ер қаёқда!— деди она бошини ғамгин тебратиб.— Одам бўйи томдан сакраб боқ! Билмадим, ишқилиб, не балога йўлиқди. Бошига лўмба деган нарса ўлгур тушдими, замбаракми, найзагами дуч келди... Вой, эсим қурсин, нималарни алжираяпман, ношукур бандад! Ўқтамжон, энанг қоқиндиқ, тинчгина ухла! Ҳакима, сен ўрнингга ўт. Ажали етмаган бўлса, бир кунмас, бир кун азаматим

бағримни қидириб кириб келар. Агар... Унда тақдирдан кўраман. Эл омон бўлсин, юрт обод бўлсин!

— Ҳа, ая, энди ўзингга келдинг,— деди бошини ёстиқдан кўтариб Ўқтам.— Мен урушнинг қора балосида не-не баҳтсиз оталарни, оналарни, бутун-бутун оиласида кўрдим. Қай бирини айтаман! Қўша-қўша қурбон берганлар ўзимида ҳам оз эмасдир. Уруш шундай оғир нарса, лекин қон беҳуда тўкилмади. Ҳалқларнинг бахтига чангаль солған бало яксон бўлди. Ҳамма гап шунда.

— Рост айтасан, рост, болам,— деди Сорабиби ўз 10 ўрнига ўтиб.

II

Она ҳар қанча қистамасин, Ўқтам тонг отгандан сўнг қалин, юмшоқ тўшакда талтайиб ётгиси келмади. Ўчамадончасидан сартарошлиқ асбобларини олиб, соқолини қиришга ҳозирланди. Супанинг четига ўтириб, юзига совунни қалин чаплаб, бир қўлида юмалоқ ойнани тутган ҳолда, хавфсиз устара билан соқолини қирапкан, томорқадан кирган Сорабиби дастлаб қаттиқ таажжубланди. Кейин ўғлига яқин келиб, худди кўз-20 бойлағич ўйинини томоша қилгандай қизиқиш ва диққат билан қаради. Ўқтамнинг чиниққан, мардона юзининг пардоздан йилтираганини кўриб, деди: «Мунчаям ўткир шайтон устаранг. Эҳтиёт қилиб сақла. Қимматбахо нарсадир ўзиям?» Ўқтам кулиб-кулиб қаради. Унинг бир вақтлар тўла юзининг салқиганини, ажинлари кўпайганини ва оқ оралаган соchlари энди тамом оқарганини Ўқтам кеча тўй суронида яхши пайқамаган экан. Унинг кўнглини кўтариш учун Ўқтам бир неча минут у-бу тўғрисида сўзлашди, ҳазил, асқиясимон гаплар 30 айтди-да, кийиниш учун уйга кирди. Урушдан бурунги хром этигини, кенг қайтарма ёқали оқ шоҳи кўйлакни кийди. Янги чуст дўпписини бошига қўндириди, ола беқасам тўнни елкасига ташлади. Синглиси ҳали далага кетиш олдида беқасам тўнга орден ва медалларни тақиб қўйган экан. Янги ранг-баранг товланган шоҳида улар Ўқтамга ҳам чиройли кўринди. Йигит нари-бери нонушта қилиб, қаёққадир ошиқди. Фақат Сорабиби қаттиқ норозилик билдириди:

— Узоқ-ёвуқдан қанча одамлар келади. Шунча юрганинг бас, ўтир қошимда.

— Мен келинчакмани? Бир кун кўришар...— деди
Ўқтам эшикка кўз тикиб.

Сорабиби бўш келмади, ўғлини супага, қалин кўр-
пачаларга ўтқазиб, деди:

— Иzzатинг, болам, ҳам урушдан қайтганлар би-
лан гаплашганда, ота-оналарнинг юраги тоғдек қўта-
рилади. Икки оғиз илиқ сўзинг уларга бир йил дармон
бўлади. Ўзим ҳам аскар болаларни кўрмоқ учун узоқ-
яқин жойларга борганиман. Бу йил илк баҳорда уч қиши-

- 10 лоқни ошиб, бир йигитни кўргани бордим — зораки
ўғилларимнинг тўвидан бўлса, деб... Полвонлардай йи-
гит экан, кўкси тўла нуқул орденки, бир-биридан чирой-
ли. Мени жуда яхши кутишди. Ундан-мундан анча гап-
лашдик. Йигит эшиккача кузатиб, қўл қовуштириб қол-
ди: «Ҳеч қайғирманг, холажон, яқинда ҳамма болалар
қайтади, тайёрлик кўраверинг», деди. Хурсанд бўлиб,
ёлғиз ўзим келаяпман. Оқсойдан ўтганимдан кейин
бирам жала қўйди. Қаёққа бораман? Яланғоч дала,
одам нишони йўқ. Лой тизза бўйи. Яна осмон ёрилган-
20 дай, момақалдироқ. Тепамда сариқ илонга ўхшаб чақ-
моқ жилпанглайди. Юрагим қинидан чиққудай гуп-гуп
уради. Коронги тушмасдан етиб олай, деб зўр бераман.
Йиқиламан, тураман, йиқиламан, яна сургаламан...

- Ўқтам индамади, фақат юрагида тўлқинланган меҳр
 билан онага узоқ тикилди ва эътиroz билдиримай, меҳ-
мон кутишга қолди. Чиндан ҳам, онаси айтгандай, ўн-
ларча таниш-билишлар, яқинлар, бегоналар келишди.
Йигит уларни жўнатиб, қиём чоғида теваракни айлан-
гали чиқди. Ҳаво иссиқ ва шабадасиз эди. Дараҳтлар-
30 нинг яшил чодири остида у ёқ-бу ёқни аста кезди. Үрик-
лар ғарқ пишган. Йўлларга тўқилиб, офтобда олтинала-
ниб ётади. Олдин пишар жоноқи олмалар оловдай ёна-
ди. Ҳали думбул шафтолиларнинг шохлари ерда. Қи-
зил сultonлар ёқутдай чақнайди. Ўқтам меваларни
сараплайди, ҳидлайди, бироқ егиси келмайди, кўзи тўқ.
Фронтда ўнлаб совет ҳалқларининг ўғиллари гулханини
қуршаб, ўзлари униб-ўсган ерларнинг бойликларини,
гўзалликларини ҳикоя қилишаркан, Ўқтам ён бермас
эди. Ўзбекистоннинг табиатини, пахтасини ва хил-хил
40 меваларини шавқ билан таъриф этар, эътиroz қилган-
ларни ишонтиришга астойдил тиришар эди: «Ез бўйи
бизда ариқлардан мева оқади. Пишиқчилик вақтида

ариқ бўйида бир соат ўтири, мевага қорнинг ҳам тўяди,
этагинг ё саватинг ҳам...»

Ўктаам жийдазордан ўтиши биланоқ пахта майдон-
лари бутун улканлиги, кенглиги, салобат ва гўзаллиги
билин қаршисида очилди. Ҳар томонда трактор ё от
билин культивация ёки кетмон чопиқ қизғин бормоқда
эди. Собиқ дала ботири — пахтакор йигитнинг юраги
завққа тўлиб кетди. «Қаҳрамон» колхозининг ғўзалари-
га синовчи кўзлари билан қараб, текшириб борди. Но-
гаҳон у Собирниг звеноси участкасига чиқиб қолди. 10
Даланинг этагида трактор биронта ғўзага халал бер-
май, культиватор билан эгатларни бир текис чуқурлик-
да ёриб, тупроқни сўлқиллатиб борар эдики, ғўза пар-
варишининг ва айниқса чопиқнинг бутун машаққатини
бир қарич ёшидан жуда яхши билган Ўктаам, машина
ишининг тезлиги ва сифатига яна бир карра қойил қол-
ди. Иккинчи томондан культивация қилинган жойда Со-
бир звено аъзолари билан бирга ғўза ораларини кетмон
чопиқ қилар эди. Ўктаамни кўриб, Собир кетмонини ерга
қўйиб, ғўза ичидан қичқирди. Унинг яноқлари йирик,
кенг юзидан шов-шов тер қўйилар эди. Айниган эски
гимнастёркаси ҳам сувга чайилгандай жиққа ҳўл, эски
галифе шим почалари тиззагача қайрилган, енглари
тирасаккача ҳимарилган, пешанаси рўмолча билан тан-
фиқ. Ўктаам девкор дўстининг ёнига борди. Нарироқда
терга ботиб, кетмонларини илдам ўйнаётган колхозчи-
лар — ўқлоғидай кичик, пишиқ йигит Шокир силлиққа,
новча, кўса, даҳани чўзиқ Баратбойга ва чорпаҳил, гир-
дифум, бароқ қош, темир қўл (мушти билан ғиши туша-
тар эди) Нортой полвонга қичқирди Ўктаам: «Ҳорманг-
лар!» 30

Қизгин, сокин ҳавода бирин-кетин мардона товуш-
лар янграб кетди: «Бор бўлсинлар, ҳой!» Собир ўз ғўза-
си тўғрисида Ўктаамниг фикрини сўради. Ўктаам тева-
рагига қаради, кейин қўли билан кунни пана қилиб,
олисларга кўз югуртди-да, деди:

— Бўлимли кўринади. Фақат бўйингга ўхшатиб,
ғовлатиб юбормасанг бас.

— Хўш, Шокир силлиққа ўхшаб бир қарич бўлсин-
ми? — кулди Собир. 40

— Ваъданг қанча центнер?

— Қирқ-қирқ беш берсам деган ниятим бор.

— Эҳе, Одерда жанг қилган қаҳрамон! Қизлардан ибрат ол!— деди Ўқтам дўстининг елкасига бир уриб.

— Кечак сенга нима дедим?— ўқрайиб деди Собир.— Ахир мен келганимда, ғўза тўрт энлик бош кўтарган эди. Юз центнерчи бўлиш учун қиш бўйи далани пишитиш керак. Мана, келар йил мени юқори ҳосил чўққисида кўрасан. Бутун Ўзбекистонда рекорд бўлсин!

10 — Ҳозир ҳосил учун курашнинг авжи вақти,— деди Ўқтам жиддий тус билан.— Яхши парвариш қилсанг, ғўзани овқатдан, сувдан толиқтирмасанг, кун сайин ҳосилга ҳосил қўшасан.

— Кўрамиз,— деди ўйланиб Собир,— агар масала меҳнатда бўлса, осон нарса бу: дала меҳнатини обдан соғинганман.

Атак-чечак қила бошлаган чоғларидан буён бирга ўйнаб ўсган, ораларидан қил ўтмас, тенгқур дўстлар мириқиб-мириқиб дилкашлик қилишга, сирдошликка муҳтоҷ әдилар. Қуёш сели остида узоқ суҳбатлашгандан кейин, кечқурун учрашишга ваъдалашдилар. Собир 20 катта ғойнакдаги яхна кўк чойни қулт-қулт ютиб, чопиққа киришди.

Ўқтам хивич ўйнаб, ёлғиз оёқ йўлдан борар экан, сўлдан — ғўза орасидан Хадича хола югуриб чиқиб, қарши олди. Худди она ва ўғилдай кўришдилар. Бу баланд бўйли, қотма, қирра бурун ва қошлари ҳамиша аллақандай мағрур чимирилган, эллик яшар аёл эди... Хадича хола қишлоқда илк марта паранжи ташлаган, колхозлаштириш даврида қизғин ташвиқотчи, жасур, сўзамол хотин эди.

30 — Кечир, арслоним, ҳозир уйингга бормоқчи эдим,— деди Хадича хола қувониб,— кеча бош қашишга ҳам вақтим бўлмади, яна тунда эшийтдим.

— Сизни мен ўзим йўқлашим керак эди, холажон. Хўш, бардаммисиз? Нима қиляпсиз?

— «Саломалайкум»ни юляпман, ўғлим,— жавоб берди аёл қорайган юзидан терни артиб,— бу сурбет кўй балонинг илдизини сира қуритолмадим. Кўзимга чиёндек кўринади — дарров юламан. Яна эртасига бош кўтаради сабил. Энди чимқирқар машина соламан, бу текинхўр газандага. Пахтам қалай? Янги кўз билан чоғлаб кўр, ўғлим.

— Чакки эмас,— деди кўкракдор, кенг далага қараб Ўқтам.

— Феълим сенга аён. Чакана ишни ёмон кўраман. Илгаридан катта қадамга ўрганиб қолганман,— деди хола тухумдай силлиқ носқовоғидан нос отиб.

— Хўш, Қорабой поччам қалай?

Хадича хола, ўзининг эски одатича, дастлаб эрининг бўшлиги, соддалиги тўғрисида ҳазилсимон шикоятланди-да, кейин кулиб, деди:

— Бояқиши анча рўёбга чиқиб қолди. Бурноғи йил орден олди. Ўтган йил Тошкентга паҳтакорлар қурултойига борди. «Фарҳод»да сепоячи бўлиб донг чиқарди. О, Ўқтамжон, уруш палласида ҳар одам — хоҳ эрекак, хоҳ аёл — ишга тиш-тирноғи билан ёпишди.

Ўқтам ва Хадича хола дала бўйлаб аста юриб, кечган кунларнинг воқеаларини ёдлашди. 1930 йилда қишлоқда колектив хўжалик учун кураш қизиган пайти Ўқтам ўн икки яшар бола эди. Қулоқлар, руҳонийлар тарқатган миш-мислар, ифволар, талашув-тортишувлар, муштлаш ва пиҷоқбозлик билан тугайдиган йиғилишлар, душманларнинг заараркунандалиги, камбағал деҳқонларнинг ва қишлоқ активларининг янги ҳаёт учун уюш-қоқлик билан олиб борган фидокорона шонли кураш саҳифаларини ёдладилар.

— Эски қишлоқ гузаридағи йиғин эсингиздами?— мурожаат этди Ўқтам Хадича холага.— Оломон гувгув қайнайди. Мен, Собир, яна бир қанча болалар қайрағоч шохларига қушдай қўниб олиб, томоша қилар эдик. Райондан келган вакилдан кейин сиз сўзга чиқдингиз, ҳамма қулоқларни, бойларни ном-баном кўрсатиб, астар-аврасини ағдардингиз. Тўхтажон бойни «қишлоқ бўриси», Мирғиёс оқсоқолни «Николай замонидан 30 қолган кўппак», дедингиз. Ҳа, яна Шаҳобиддин домлани «салладор бойқуш» деб, халқни алдаш учун тўқиган бутун найрангларини фош қилдингиз. Қулоқлар ва уларнинг думлари ҳар ёқдан дағдаға қилиб, сизни сўкишди. Лекин халқ ғазабга келганини кўриб, уларнинг нафаси ичига тушиб кетди. Сельсоветдан Ақбар Мардонов колхозлаштириш тўғрисида гапирганда, душманлар яна сурон кўтариб, орага иғво солмоқчи бўлишди. Биз болалар қайрағочдан ўзимизни таппа-таппа ерга отдик. Қулоқларнинг толзорда боғлоқлик отларини саройга 40 қамаб, дарвозани қулфладик. Собир калитни чўнтакка ҳолиб, менга қараб, деди: «Бойларнинг арғумоқда гердайиш вақти ўтди. Тунов кунгидай, тўполоқ кўтариб,

10

20

30

40

23

отларга миниб ура қочмоқчилар шекилли. Мана қоча кўрсинглар! Улоқчи қора тўриқни мен ўзим боқаман. Майли, сен Амин карвоннинг жийронини ола қол!» Мен кўнмадим. Шу ерда икковимиз от талашиб ҳам қолдик. Бари эсимда бор...

Хадича хола ғурур билан кулиб қўйди ва рўмол учи билан елпиниб, деди:

— Эҳе, қанча-қанча воқеалар бошимиздан ўтди!

Сенлар ёлғиз бир учнингина биласанлар. Мана шу сен 10 айтган кундан бошлаб, қишлоқ бойлари менга ашаддий душман бўлиб қолиши. Иложи бўлса, мени от думига боғлаб, пойга қилсалар! Ахир улар менинг, яна бир қанча активларнинг боши учун минг-минглаб пул, бутун-бутун аргумоқларни тикишган. Лекин биз сира қўрқмасдан, сира бўшашмасдан, курашни кучайтиравердик. Партия, совет ҳукумати, қишлоқ камбағаллари суюнган тоғимиз эди. Бир кеча Қўшоқ ўғри изимизга тушибди. Биласанми, йўқми, у вақтларда қўй терисига кириб олган шундай бир босмачи бор эди. Йўқ, ҳозирги 20 раис Мирҳайдар, сенинг даданг (бечора ювош, азамат одам эди у), бундан хабардор бўлишган экан, ҳалиги Қўшоқ босмачини эшигим ёнида тутиб олишди-ю, дўп-послаб-дўппослаб, кейин дарахтга чандиб боғлаб қўйиши. Эртаси қамоққа жўнатиши. Ҳа, бир кун Ниёс домла ўлгур мени четга чақириб олиб, шундай деди: «Кофири бўлдинг, пайғамбаримиз замонидан, то шу вақтгача ҳеч бир мусулмон аёл сенчалик гуноҳга ботган эмас. Лекин ҳозир ҳам кеч эмас, қайт йўлингдан, тавба қил!» Мен унга дангал: «Қайтмайман!» дедим. Домла 30 ғазабидан қалт-қалт титраб, яна вайсади: «Қуръон устида бир қарғайманки, умрбод гунг ва фалаж бўлиб қоласан». Мен бурнимни қийшайтириб, дедим: «Қарғайвер, қарғишинг бир тола сочимниям узолмайди!» Ана шундай, Ўқтамжон, колхоз осонлик билан тузилмади. Партия қўлимиздан етаклади-ю, биз енгиб чиқдик, қишлоқ қузғунлардан қутулди. Мана энди бу кўм-кўк далаарни, шарқираб оққан сувларнингроҳатини халқ кўраяпти. Лекин уруш туфайли колхоз рўзгори бирмунча оқсанб қолди. Аввалги колхоз қаёқда! Ўзинг биласан, 40 ўт ичидан қайтдинг, мохов Гитлерни яксон қилиш ҳазилакам иш бўлдими? Уруш тугаб, халқнинг кўнгли тоғдай кўтарилиди-ю, лекин қийинчилик, етишмовчилик ҳали бисёр. Энди йигитлар қайтяпти, ҳукумат катта ёр-

дам қиляпти. Ишлар яна аввалги изига тушиб кетади.

— Албатта, Хадича хола,— деди Ўқтам ишонч билан,— эндиги ривожланиш мислсиз бўлади. Мамлакат ботир қадам билан илгари юради энди.

— Ишонаман, Ўқтамжон, халқда ғайрат, интилиш жуда зўр,— деди Хадича хола.— Қаёққа борасан? Юр бизникига, аччиққина палов қилиб берай.

— Раҳмат, ишдан қолманг.

— Ҳўп, зиёфатга бафуржа чақираман. Ҳозир қизлар звеносига бор. Ҳаммасининг бўйи етиб, кўзлари ўй-ноқи бўлиб қолган. Бирини танла, ўзим совчи бўламан, тўйбоши ҳам ўзим бўламан.

Ўқтам алланечук қизариб, кулиб деди:

— Ҳазилни қўймас экансиз-да!

— Йўқ, мен чинини айтаман,— деди Хадича хола қирра бурнининг учини, ўз одатича чимчилаб қўйиб.— Янгича тўйлар, томошалар қилайлик энди. Бу ҳам турмуш зийнати, ўғлим.

Ўқтам сояда аста юриб кетди, қатор жийдаларнинг эгилган новдалари унинг бошига тегиб, вазмин тебранади. Қизғин чанг бурунни қитиқлайди. Олисда, дараҳтлар қўйнида яширинган шийпондан патефон товуши учади:

Дарёдан оқиб келади шода-шода марварид...

Ўқтам сийрак тут ёки мева дараҳтлар қатори билан, ариқлар, зовурлар билан бир-биридан чегараланган кенг далаларни ёқалаб кезди. Ғўзанинг ўсишида катта тафовут кўрди у. Ҳатто бир-бирига ёндош далаҳарнинг манзараси кескин фарқ қиласр эди. Бир ёққа қараб хурсанд бўлса, завқланса, иккинчи ёққа бошини ўғириб, ўсиши мужмал, аллақаңдай касалсимон ғўзаларни кўрар, юраги ачишар эди. У турли бригадаларда, звеноларда, ғўза парвариши бир хилда эмаслигини англади. Ниҳоят, баландликдан ошиб, этаги кўз илғамас узоқликларга туташган ва қуёшда кўм-кўк ёнганд майдонга тушди йигит. Унда-мунда ҳаракатдаги кетмонларнинг чақини ялтираср эди. Бир участкада ишловчиларнинг ёрқин кўйлаклари, рўмollари товланар эди. Ўқтам одимини тезлатди. Илгари далада ишлаётган аёлларга яқинлашмас, анча наридан «ҳорманглар», деб ўта қолар эди. Ҳозир эса худди ўртоқларига боргандай, дадил юрди-да, илк учраган қиз қошида тўхтаб, юмшоқ

оҳангдор товуш билан деди: «Ҳорманг, синглим!» Қиз қўл узатиб, «Эсон-омон келдингизми?»— деб сўрашди ва кетмон дастасига суюниб, ловиллаган, сўлим юзидан терини сидириб, деди: «Кун ёняпти».

Ўктаам қора-сарғиш сочли, сузук кўэли, оғзи ғунчадай (эски шарқ шоирлари таъриф қилганидек), бўйдор, кучли қизга бир зум тикилиб, сўради:

— Мираҳмад тегирмончининг қизимисиз?

— Ҳа, мен.

10 — Ўсиб кетибсиз, кўзим тегмасин, Тансиқ опа. Сиз звено бошлиғисиз-а?

— Дарров ҳаммасини билиб олибсиз-ку,— деди Тансиқ ва илжайиб ерга қаради.

— Нега культиваторни ишга солмайсизлар? Жилла бўлмаса, от билан культивация қилиш керак. Бир от, бир одам озмунча ерни ўмариб қўядими бир кунда! Бу далага чопиқ учун қадимги Шодмон туяга ўхшаш азamatлардан йигирмалаб чопиқчини туширилса, бу бошқа гап,— деди Ўктаам.

20 — Культивация қилдик, яна кўп марта қиласиз,— жавоб берди Тансиқ жиддий тус билан,— лекин ҳозирги пайтда кетмон чопиқ фойдали. Раис ҳам шундай маслаҳат берди.

Ўктаам эътиroz қилмади. Айниқса, раис Мирҳайдарнинг бу бобда чуқур тажрибакорлигига ишонар эди... Тансиқ иймангандай, у ёқ-бу ёққа аланглади-да, жаранг овозини борича қўйиб, қичқирди: «Ҳакима! Ҳакима-ю... ҳо...» Кейин кафтларини ишқалаб, кетмонни олди. Ўктаам синовчи кўзлари билан қизнинг ишини ан-30 ча вақт кузатди.

Унинг ўзи бир вақт уста чопиқчилардан эди ва чопиқнинг сифатига катта эътибор берар эди. Қиз расмана кетмон билан тез ва пишиқ ишлаб кетди. Гоҳ-гоҳ қаддини ростлайди-да, юзидан терни сидиради, баданга ёпишган жиққа ҳўл гулдор қўйлакни кўчиради, қақраган лабини ялаб, яна ишга берилади. Ўктаам қўёшда ранг-баранг товланган беқасам тўнини кескин бир ҳаракат билан ечиб, буқлаб, қаёққадир отди ва индамасдан борди-ю, кетмонни шартта ушлади:

40 — Менга беринг!

— Йўқ, йўқ. Вой, қизиқ экансиз-ку...— астойдил эътиroz этди Тансиқ.

Ўқтам бўш келмади, кафтларига тупуриб, чопиққа тушди. Дастрраб у қандайдир ўнғайсизлик сезгандай бўлди. Қўллар милтиқ, автомат тутишга ва граната улоқтиришга роса ўрганиб қолган экан. Йигит ишнинг маромини унугландаи, эркин ва тез ишлай олмади. Кетмонни сал қаттикроқ урса, ғўзанинг илдизига шикаст бераётгандек қўрқади. Ўқтам зимдан қиз томонга се-кингина қаради. Тансиқ ҳаво ранг рўмолчасининг учини ҳимариб, унинг ишидан кўз узмаганини пайқади-да, тикланди ва бошини сал тебратиб, деди:

— Чопиқдан қўл қочинқираб қолибди.

— Нега, туппа-тузук...

Ўқтам оқ шоҳи кўйлагининг енгларини тирсагигача ҳимариб, яна ишлади. Бир оздан кейин эскича, ўзига хос илдамлик ва усталик билан ишлай бошлаганига ишонди. Баъзан орқасига қараб, ўз чопигига танқидий разм солади, лекин дидига ёқади. Ғўза қаддини кўтарган, тетиклангандек, унинг кўзларига кўпроқ яшнаб чиройли кўринади, яна завқ билан кетмон уради. Бироқ Ўқтамнинг боши қизиб ёнади, тер томчилари манглайдан юмалаб, киприкларини намлайди, лаблари қовжирайди, кўйлак елкага ёпишиб, унинг ғашини келтиради. «Илгари ҳам кун шундай қизирмиди? Е бу йил ёз ис-сиқроқми?»— ўйлади йигит.

Ҳакима келиб, ҳайрон бўлиб Тансиққа қаради.

— Узлари кетмонни қўлимдан юлиб олдила,— деди Тансиқ.— Сен айт, етар энди. Кечагина келиб, бугун...

Ҳакима яп-янги кийимда, тер ва чангда беланиб ишлаётган акасини койимоқчи бўлди, лекин унинг ҳавас билан кетмон ураётганини кўриб индамади, бир қумғон яхна кўк чой элтди. Ўқтам совуқ хуштаъм чойни қултқулт ютиб, қўли билан лабларини артди, бир онда то бошидан товонигача аллақандай роҳат ва ҳузур сезди.

— Қани, пучатой, мен билан баслашасанми?— кулиб, синглисидан сўради Ўқтам.

— Баслашавераман, чарчаб қолмасангииз майли-я,— ҳазилсимон жавоб берди Ҳакима.

Чамаси икки соатдан кейин Тансиқ зўрлаб Ўқтам қўлидан кетмонни олди. Ўқтам ғўзадан чиқиб, нарида — тол тагида елпиниб, дам олди. Ариқдан майин оҳанг билан сув оқар, фир-фир шамол эсар. Сув ва дарахт — Ўзбекистон ёзида оромбахш маскан бу. Оғир ишдан кейин шунда бирпас чўзилиб, бир чимдим ухла-

санг, кучга тўлиб яйрайсан. Қуёш узоқда, тераклар орқасига ўтганда, чопиқчи қизлар ҳордиқ чиқаргали салқинга келишди. Ўктаам звенонинг ўзга аъзоларини — меҳнатда чиниқкан содда, камтар қизларни кўрди. Тансиқ юзи кенг, лўппи, бодом қовоқ ва ёшига нисбатан дуркун қиз — Дилшодни мақтади: «Жуда полвон қиз. Уч кунлик нормани ҳазил-ҳазил билан бир кундаёқ бајариб қўяди».

Ўктаам ҳазиллашиб, деди:

10 — Бир ўтиришда неча нон ейди Дилшодхон?

Дилшод қизариб, кулиб юзини бурди ва бир зумдан кейин дадиллик билан ўзи жавоб берди:

— Нон ейишда синглингиз ҳам мендан сира қолишмайди.

Ҳакима ҳам дарров жавоб бера қолди:

— Ҳа, сиз билан ҳазиллашган бошқалар-ку, кепчикни бизга чаласизми?

20 Қизлар бирдан кулиб юбориши: Дилшоднинг юзи кенг бўлгани учун ўртоқлари унга «кепчик» лақаб қўйған эдилар. Звенодаги ҳамма қизларнинг ҳам лақаби бор эди. Лекин лақаблар фақат звено доирасида сиркаби ғақланар эди. Ўктаам ҳам бу пичингга тушунмади. Ҳаммадан нарида ўтирган рангпар, сепкилли, қотма ва майда ўрилган тим қора, узун соchlари орқасини тўлдирган уятчан Анзират қизларнинг йигит олдида ҳазиллашиб кулишларини ёқтиргмагандек, нимадир пичирлаб, секингина дараҳт орқасига яширинди. Звенонинг яна бир аъзоси Анорхон олисда, шохлари ҳар ён тарвақайлаган катта дараҳтда ўрик қоқар эди. Мана, у эр-30 ка, шўх товуш билан қичқирди:

— Ҳай қизлар, кела қолинглар! Этакларингни тутинглар!

Анорхоннинг ўртоқлари бир-бирларини қувлашиб, қий-чув билан югуришди. Ўктаамни яна далалар — қуёш селида зангори, тоза кўк остида олтинланиб яшнаган оқ олтин даласи имлар эди. Йигит тўнини елкага ташлаб, эсига тушган шўх бир қўшиқни секин айтиб, хурсанд, мағрур ҳолда одим отди.

* * *

40 Кечаси Сорабиби супада, лампа олдида кўзойнак тақиб, колхознинг қоп-қанорларини тикиш ва ямаш

билин овора бўлса-да, қулоқлари ўғли ва қизининг жонли, дилкаш сұхбатида эди. Ҳакима фронт учун колхоз ва колхозчилар қандай совғалар юборганлари, қизлар жангчиларга қандай ҳавас ва меҳр билан шоҳи дастрўмлочалар тикканлари ҳақида гапирав эди. Она баҳтли табассум билан баъзан уларга тикилар ва гап қистирав эди: «Ўғлимга тегмаса, ўртоқларига тегар деб, халта-халта майиз, туршак юбордим...»

Шу орада раис кириб келди. Уни бутун оила қувонч ва ҳурмат билан кутиб олди. Сорабиби азиз меҳмонлар тагига соладиган кўрпачаларни тахмондан олиб чиқди. Раис Мирҳайдар колхозчиларнинг уйларига худди ўз уйидек, бетакаллуф бош сүқса ҳам, қарийб ҳамиша шундай ҳурмат билан қаршиланар эди.

Марҳум отасининг тенгқури ва дўстини Ўқтам соғинган экан, қаршисига тиз чўкиб, ҳаяжон билан тикилди. Мирҳайдарнинг мардона елкалари сал торайган, қуюқ, лекин қисқа соқолининг қораси деярли қолмаган, кенг, йилтироқ пешанасидаги чизиқлар чуқурлашган. Бироқ қуюқ қошлари остида кўзлари аввалгидаёт ўткир, туй-ғун эди. Бир вақтги оддий кетмончи, тортинчоқ, камтар ва жамоат ишларидан четланиброқ юрадиган бу одам 1937 йилда каттаофиз, бақироқ, сояпарвар ва колхоз мулкига танти раиснинг ўрнига сайланган эди. Мирҳайдар колхозни тез орада ривожлантириб юборгач, одамлар таажжубланиб, ўзаро шундай деган эдилар: «Олдингдан оққан сувнинг қадри йўқ — қарқуноқ деб юрсак, булбул экан у». Мирҳайдар ҳар ишнинг кенгаш билан бажарилишини севар, ҳар ишда қандайдир ма-ромга риоя қилиш кераклигини тинмай уқтирав эди. 30 «Маром», «бомаслаҳат» каби сўзларни кўп қўллагани учун, колхоз чойхонасида ё бирон ўтиришда асқия бошланса, асқиябозлар уни шу жиҳатдан кулгига олар эдилар. Лекин ҳаммадан бурун раиснинг ўзи қота-қота кулар эди.

Даҳшатли жанг манзаралари ва аскарларимизнинг ботирликлари тўғрисида гап тинглашни севган раис ҳозир Ўқтамнинг ҳол-аҳволи, қаердан қайтганлиги ҳақида бир неча саволлар билан чекланди-да, колхоз мавзуига ўтди, чорва учун янги яйлов қидириб, тоғ, қир ошиб, 40 оқшом қишлоққа қайтганлигини ва отдан туша солиб, кичкина мажлис ўтказганини ҳорғин, бўғиқроқ товуш билан айтди.

— Колхознинг кучи қалай, довруғи қалай? — сўради Ўқтам ва раиснинг оғзидан аниқ, эътиборли жавоб ёшимоққа ошиқди.

— Бир чеккасини ўзинг сезгандирсан,— жавоб берди Мирҳайдар ва пиёлани узатиб, ўзи сўради.— Оилангнинг рўзгорига разм солдингми, аввалги ҳолига ўхшайдими? Унча-мунча кемтик жиҳатлари бор, дурустми? Худди шундай, албатта, колхозни хароб, қолоқ, деб бўлмайди. Бироқ бурунги шукуҳи йўқ. «Қаҳрамон» деган

- 10 номига жилла муносиб эмас. Биз илгари карвоннинг бошида бўлмасак ҳам хийла обрўли ўринда эдик. Эсингда борми, колхозчиларга янгича форум уйлар қура бошлаган эдик. Клубимиз биносидан кўп колхозлар андоза олишга орзу қиласр эди. Ҳатто кичкинагина электр станция ҳам қурмоққа тайёрланган эдик. Колхоз тўйлари-чи! Машиналаримиз-чи! Шунисига суюнаманки, ўша вақтларда яхшигина рўзгор тузиб, қўр-қут орттирган эканмиз, бари ҳалқнинг корига яради. Фронтга, давлатга ёрдамни аямадик. Уруш вақтида ҳам колхозимиз катта-катта қурилишларда зўр куч билан қатнашди. Мана, Берлин тепасига байроғимизни тикдик. Бу улуғ ғалабада кичкина ҳиссамиз бор, деб кўнглимиз кўтарилди. Ҳалиям ҳолимиз ёмон эмас, Ўқтамжон. Колхознинг илдизи жойида. Жонкуярлик қилсак, тез орада гуллаб кетгудек туси бор. Колхознинг қандай туганмас куч эканини, унинг қандай улуғ барака дарёси эканини мен шу уруш даврида айниқса яхши синадим. Гарчи бутун азаматларни жангга юборсаям, қўли қисқариб қолсаям, колхоз бир қарич ерни бўш қолдирмади. Мана энди йигитлар қайтаверса, бамаслаҳат ишласак, яна яшнаб кетамиз. Партия ва ҳукумат ҳар жиҳатдан, кун сайин ёрдамни кучайтиряпти. Бу ёрдам орқасида биз бу йил тўрт юз ўттиз гектар пахта экдик. Биласанки, пахта — колхоз рўзфорининг фили.
- 20 30

Ўқтам дастурхон ёзди, патир ушатди, раисга чой қуиб, теварагида ранго-ранг гул барглари каби парвоналар учишган лампанинг пилигини кўтарди. Раис Сорабибини хурсандчилик билан қайта-қайта қутлади.

Ўқтам деди:

- 40 — Раҳмат, ота, оғир йилларда колхозни шунчалик етаклаб келибсиз.
— Йўқ, йигитча, менда ҳам кўп нуқсонлар содир бўлди. Айбни яшиromoқ — нодонлар иши,— деди раис

қизишиб.— Кўпинча темирни қизифида босолмай қолдим. Қийинчилликлар гоҳ довдиратиб қўйди. Катта колхоз, тармоғи кўп: пахта, ипак, чорва, фалла... яна мактаб кўрмаганлигим ҳам таъсир қилди. Раҳмат райкомгаки, ҳар ишда ҳамиша йўл-йўриқ кўрсатди, ғамхўрлик қилди. Қези келганда танқид этди, қези келганда мақтади. Мана энди ҳалқ бало тоғини емириб, олтин йўлга қадам қўйгандан, юрга хизмат қилиш орзуси катта-ку, бироқ қарилик қурғур гоҳ-гоҳ сезилиб қоляпти-да...

— Эй, ҳали чинордай бақувватсиз,— деди Ўқтам ва 10 ўзининг чаккаларига ишора қилди.— Мана сочимга оқ тушди — йигирма етти ёшимда... Фронтда жафо чекдик.

— Умрни иш эмас, ғам емиради,— деди раис ва атрофга зимдан қараб, секин шивирлади. — Ўртоғинг Олимжон...

— Нима бўпти унга?— ҳаяжон билан сўради Ўқтам.

— Бурноғи йил қорахат келди. Энасига билдирамдим. Ёлғиз ўғил...— шивирлади раис ва яширин қолсин дегандай кенг панжаси билан пиёлани қоплади.

Ўқтам бошини қуи солиб, сукут қилди. Раиснинг 20 ёлғиз фарзанди унинг қалин ўртоғи эди. Ҳалол кураш тушувчи забардаст полвон, хушовоз ашулачи, шўх, чиройли Олимжон билан бирга кечирилган чоғлар — болалик ва йигитлик даври хотиралари — Ўқтамнинг кўз олдидан бир-бир ўтди. Отага қай сўз билан тасалли беришни билмас эди у.

— Ватан учун бир эмас, тўқиз ўғилни берса арзиди ҳар ота,— деди раис.— Шукур, бефарзанд эмасман: бир ўғилчам, бир қизчам бор, иккови ҳам уруш етимчалиридан, рус гўдаклари. Улар омон бўлсин, уларнинг 30 баҳтини, колхоз ўғил-қизларининг баҳтини кўрайин.— Раис енгилланиб, қаддини кўтарди, яна колхозга доир масалалар тўғрисида сўзлаб кетди.

— Қалай, бу йил пахта планини бажарасизми?— сўради Ўқтам.

— Кечаю кундуз бошимни ковлаган савол мана шу,— жавоб берди раис кўзларини сал юмиб, ўйланиб.— Қадимгилар айтгандай, ҳалво деган билан оғиз чучукланмайди. Шундай раислар борки, чигит унмасдан бурун ўз хаёлхонасида планни ортиғи билан бажариб 40 қўядилар. Осмонда қор ҳиди, план ё етмиш ё саксон, далада хом кўсакдан ўзга нарса қолмаган-ку, бажарамиз деяверади улар. Эсиз сўз! Ишингни бошдан пухта

қил, охиригача жиловни қўлдан берма, эрта тур, кеч ёт. кўсакни тўқ қилиб, офатдан сақлаб, олдин пишир — ана шунда планинг юз! Пахта — хуросахўр, талабкор, инжик экин. Қарасанг — қанд ейсан, қарамасанг — панд ейсан. Бултур биз бажаролмай қолдик-да. Бешу чорак процент етмай қолди. Ўкташон, жуда қизардим, партия олдида, раҳбарлар олдида қизардим. Ахир номим — эски пахтакор. Районда слёт бўлган эди. Қай юз билан ошна-офайниларга қарайман, деб бормадим. Бир неча кун қирга чиқиб кетдим. Ҳар нимадан ор-номус ба-ланд...

10 — Бу йил ҳиссасини чиқарасиз, албатта,— деди Ўк-там ишонч билан.

— Бу йил ялпisisiga ўттиз икки центнердан ҳосил олмоққа ваъда бердик. Билмадим, маромдан бир қадар чиққанга ўхшаймизми? Дилемда орзу баландроқ эди, лекин кўклам бир оз ноқулай келди. Баъзи жойларга қайта-қайта экдик. Ўғит ҳам танқисроқ.

20 — Шундай қилиб, бу йил ҳам иш хуржун — қиза-раман денг,— деди киноя билан Ўкта.

— Қизаришдан ўлим афзал,— деди раис оғир сўлиш олиб,— аммо санамай саккиз дейишдан қўрқаман. Би-роқ хотиринг жам бўлсин, мақсадга етиш учун қўлимдан келганини аямайман. Мабодо қизаришга тўғри келса, иккимиз баравар қизарамиз-да, шундай эмасми? Е сен бирон ўзга юмушни ҳавас қиласанми?

Ўкта дастлаб индамади, ичидা ўйлади: «Бало чол бу, кулни ўз кўмачига тортишни билади!»— кейин ил-жайиб жавоб берди:

30 — Колхознинг туз ҳақини унутамиزمи, ота?

— Балли, ўғлим, шунқор қанча баланд учмасин, қанча олисланмасин, барибир, ўз уясига қайтади. Се-нинг юрting — колхоз. Албатта, мен эртагаёқ далага чиқ, демайман. Пича дам ол, гашт қил, ўйин-кулгини соғингансан. Аскар болаларни кафтимиизда кўтарсак ар-зиди.

— Бугуноқ чопиққа киришиб кетдилар-ку,— ҳам ғу-рур, ҳам норозиликни ифодалаган товуш билан қичқириди Ҳакима айвон томондан.

40 — Шундайми, отасининг боласи-да!— қихиллаб кулди раис.— Биларсан, эл тинар, қуш тинар — отанг ти-ним билмас эди.



Ойбек. 1948 йил фотоси.

Шу вақт эски папкани қўлтиқлаб, бир қиз кириб келди ва раисни сельсоветга чақирганларини билдирида, лабларининг учидаги ширин табассум билан Ўқтамга сузук қаради, дўпписини беихтиёр равища сал кўтариб қўйиб, айвонга, Ҳакима ёнига ўтди. Раис ҳовлига тушиб, Сорабиби билан пича ҳазиллашди, унинг бир мажлисда айтган сўзларига тақлид қилиб, ҳаммани кулдирида, эшик томон салмоқдор одим отди.

III

- 10 Қалин толзор орасидаги катта-кичик супаларга жойлашган ёзлик колхоз чойхонасига даладан ўтиш биланоқ райком секретари Рустам Сайрамов, худди ҳаммомнинг иссиқхонасида узоқ ўтириб чиқсан кишидай, ҳузурли бир уҳ тортди, оёқларини супурилган тоза ерга гурс-гурс уриб, паст пошна, юмшоқ, қизғиш хром этигидан чангни қоқди, козирёги бир оз кирланган оқ шапкани дараҳт бутогига илди, соқоли тоза қирилган тўлагина юзидан ва қоп-қора, тиккайган, дағалроқ сочли юмалоқ бошидан, қизарган кучли бўйнидан терни артди, жиққа ҳўл дастрўмолни ғижимлаб, шим киссасига тиқди-да, узун кенг парусин кители киссасидан янги рўмолча олиб, у билан елпиниб, супалар оралаб бир оз юрди, кейин ариқ бўйидаги супа чеккасига ўтириди ва юқорида, қуюқ яшиллик орасида чуғуллашган қушларга бир зум кўз югуртди. Елкаси чиқиқроқ, тиришган бўйнида олмадек бўқоғи бор, ҳаракатлари юмшоқ ва чаққон чойхоначи пиёлани обдан ювиб-артиб, кўк чой қўйиб узатди.
- Хўжайин, далада жуда узоқ юрдингиз,— деди чойхоначи ачинган товуш билан,— иссиқ бугун чакана эмас. Шундай салқинда ўтириб, худди сувдан чиқарилган балиқдай оғзимни каппа-каппа очаман.
- Исигани яхши, Дадамат ака,— деди Рустам Сайрамов чойни тез-тез ҳўплаб,— пахтага майдай ёқади иссиқ. Қалай, яна қаттиқроқ исирмикан?
- Яна исийди.
- Нега? Қайдан биласиз?— қизиқиб сўради райком секретари.
- Ахир саратон боши ҳозир,— жавоб берди Дадамат мўйлов учини бураб.

— Биламан, лекин саратон ланжроқ ўтиши ҳам мумкин. Нима учун яна қаттиқроқ исийди, бирон сабабини биласизми?

— Буни ҳисобдонлар билади, ўртоқ Сайрамов.

Райком секретари, Тошкентдаги тўқимачилик фабрикасининг собиқ мастери, бурунлар оби ҳаво ҳодисаларига тамом бепарво қарар эди. Ҳут-ют, айём-ажуз, саратон, асад, сунбула каби фасллар ва оби ҳаво ўзгаришларига ишора қилувчи халқона таъбирлар бекорчи чол ва кампирларга эрмак бўлган, аллақандай кераксиз 10 сўзлар каби кўринар эди унга. Аммо уч йил бурун райкомга секретарь этиб тайин қилингач, қишлоқ хўжалигида доир ҳамма масалалар билан бир қаторда оби ҳаво билан ҳам қизиқишга мажбур бўлган эди. Рустам йил бўйи колхозма-колхоз, қишлоқма-қишлоқ гоҳ отда, гоҳ машинада, гоҳ пиёда кезиб, дехқонлар орасида турли масалаларни ҳал этиб, дехқончиликнинг тилини яхшигина ўрганган, ўзининг ғайрати ва колхозчиларнинг ёрдами билан, айниқса пахтакорлик бобида чуқур тажриба, билим орттирган эди. Чексиз далаларда, ердан иноқ, бехато униб, кўклам қуёшида яшнаган, нозик ғўзаларни бир тунги изғирин қорайтганини, ёзниң ялиғи кучаймаганидан ғўзалар авж ололмаганини, кузнинг ноқулайлигидан ҳар тупда шода-шода кўсаклар очилмай ириганини юраги қон бўлиб кўрган эди у. Шунинг учун секретарь ҳавонинг равишини, ноз ва қиликларини олдиндан сезишга интилар, мутахассис олимлардан ва билимдон чоллардан бу тўғрида, қиттай бўлсин, маълумот олмоққа тиришар эди.

Рустам Сайрамов чанқов босди қилгандан кейин, супада ёнбошлиди ва қунт билан очилган қалам билан блокнотини чиқарди. Ҳозир Үктам билан бирга далани кезгандан олган таассуротини, эсига тушган фикрларини ва кечқурунги ишларини ўзидан бўлак ҳеч ким тушуна олмайдиган даражада қисқа равищда айрим-айрим варақларга қайд этиб қўйди, икки қош ўртасидан юқорига тортилган қалин томирли, текис очиқ пешанаси устидага ҳурпайган сочини қалам билан қашиб, тараб, ҳосилни оширмоқ, ғўзани парвариш қилмоқ ҳақида 40 Үктамнинг фикрларини ўйлади ва ичидаги деди: «Ғайратли ва ақли равшан йигит кўринади. Раис билан аҳил бўлиб ишласа, колхознинг иши юришиб кетар». Лекин шу онда уни шундай мудроқ босдики, ухлаб қолмаслик учун кўз-

ларини уқалаб, бошини кўтарди-да, папирос чекди. Тунларда қониқиб ухлаш сийрак мұяссар бўлгани учун секретарни кўпинча ногаҳон мудроқ босар эди. Уйида, овқат устида унинг боши бирдан қуйи солиниб, кўзлари қисилар экан, эрининг ишидан ва мавқеидан рози, ҳатто бу билан фахрланадиган хотин ҳам бир зум жиғибийрон бўлар эди: «Тушидаям, ўнгидаям нуқул пахта! Майли, лекин бирон мажлис сизсиз ўтса, нима бўпти? Ленин ҳам мажлисни озроқ қилинглар, деган-ку».

10 Чойхоначи Дадамат унда-мунда қуёш тангалари йилтираган, тоза текис саҳнга миришкорлик билан сув сепди, гулзорга ҳам жилдиратиб сув оқизди.

— Мана, шамол ҳам ғивиллаб қолди,— деди чойхоначи челакни бармоқлари билан дингирлатиб,— ёстиқ берсам, бир чимдим ҳордиқ чиқарсангиз.

— Раҳмат,— деди Сайрамов ва бош ҳаракати билан кескин рад этди.

— Бутун район пахтасининг паст-баланди сизга беш бармоқдай маълум,— деди чойхоначи.— Лекин орада 20 бизники қалай? Бу йил умидимиз зўр.

— Халқ ғайрат қилса, умиди туш бўлиб қолмайди,— деди маънодор кулиб,— бироқ одамлар салқинда чойхўрликка берилса, иш пачава, албатта.

Дадамат бу сўзлардан ўзи учун пичинг сезди. Унинг тиканакдай дағал соқол билан қопланган юзидағи бурушиқлар гўё оғриқ туйгандек, бужмайиб кетди.

— Колхоз — ўзимизнинг катта уйимиз,— деди чойхоначи ажинли пешанасини қашиб.— Ҳарне юмуш қилсак, ўзимиз учун қиласмиш, ўртоқ Сайрамов. Мен уч кун бурун арпа ўроғидан қайтдим. Мана тез орада буғдойга жўнаймиз. Чойхонада ёлғиз ўзи самовар сурнайини тинглайди, деб ўйламанг яна.

— Йўқ, ҳар сўздан ҳуркаверманг ундей,— деди Сайрамов.— Қаловини билсангиз, қор ёнар эмиш. Ишнинг кўзини бил — дала ҳам обод, чойхона ҳам...

Дадамат, қойилман дегандай, бошини қайта-қайта силкиб, қаёққадир мамнун йўрғалади. Ўктаам толзор орқасидаги даладан чиқди. Унинг қорамтири юзи ёнар эди, ариқдан шопир-шопир юзини ювди, қайишни бўшатиб, кўкрагини елпиди-да, секретарь ёнига ўтириди.

— Тез келишадими?— сўради Сайрамов.

— Қеляптилар. Телефон бўлганда бирпасли ишку-я.

— Олдинни кўзлайверинг. Ўктаамжон: электрлашти-

ринг, телефонлаштиинг,— деди Сайрамов ишонч билан,— халқимиз қурилишни ва ижодиётни севади жуда. Мана, «Элобод» колхозида ҳар томондан телефон жараглайди.

— Эсимда бор, бир вақтлар номсизроқ, ўртамиёна колхоз эди шекилли. Раиси ким?

— Кўрмадингизми? Комила Салимова. Донгдор қиз,— жавоб берди секретарь.

— Бизда маданият ишлари ҳам жуда оқсабди,— деди Ўкташ ва катта йўлнинг устида, адил тераклар орқасида юксалган оқ бинога ишора қилиб, давом этди сўзида:

— Ана клуб. Ҳамма вақт бўм-бўш. Жиҳозларининг бир қисми йўқолган, бошқаси эскирган. Клубда газеталар, китоблар ўқилмаса, музика чалинмаса, фойдали докладлар қилинмаса — унинг нимага, кимга кераги бор? Савлат учунми?

— Ҳайронман, шундай раислар борки,— деди ранжиган товуш билан Сайрамов,— уларга юз уқтири, минг уқтири, барибир маданият, маориф ишларига жуда оз эътибор берадилар. Бизнинг жамиятда ҳаёт ёлғиз моддий жиҳатдан эмас, маънавий жиҳатдан ҳам мислсиз бой, сермазмун бўлиши керак. Азалдан буён қоронфида қолган қишлоққа катта маданият киряпти, унинг ҳамма тармогини гуллатиш керак. Ёлғиз уйимиз, тўнимиз, қуролимизгина эмас, юрагимиз ҳам бой, кўркам бўлсин. Онгни ёритавериш керак. Энди хўжалик масаласи билан маданият ва сиёсий тарбияга баб-баравар эътибор бериш пайти. Хўжалик маданиятнинг, маданият хўжаликнинг яна чиройлироқ, кучлироқ гуллашига сабабчи бўлади. Энди қаҳрамонлик — меҳнат ва ижод соҳасидаги ғалабаларимиздир. Мана энди сиз бир неча кундан буён парткомсиз. Коммунистларга таяниб, уларни курашга қуроллантириб, бир иш кўрсатасиз-да, Ўкташ жон. Тунов кун райкомда менга айтган сўзларингиз ёдингиздами? Курск дугадаги жангларда партияга кириш олдидан деган сўзларингизни сиз энди ҳаётни гуллатиш учун бўлган курашда, большевикча меҳнат ва ижодда қўллайсиз. Коммунистларни ҳар ишда етакчи қила билсангиз — марра сизники. Сиздан олдинги секретарь бу масалада бўшанглик қилди. Эсада тутинг буни.

Ўкташ нечукдир бир хўрсаниб қўйди. Қўринишда ювош, юмшоқ, лекин чоғи келганда ғоят талабкор ва

қаттиқ қўлли, иродали экани сезилган секретарга, жуда яқин одамдек, сирдошдек узоқ тикилди-да, камтарона табассум билан деди:

— Ёрдам берсангиз, хато ва камчиликларимни кўрсатиб турсангиз, колхозни кўтариш учун куч-қувватимни аярмидим. Чол ақлли одам, унга ўргатиш ҳам мумкин, ундан кўп нарсани ўрганиш ҳам мумкин. Баъзи вақтда қизиқ, нодир ишлар қиласиди, ҳамма ёқасини ушлайди. Масалан, сиз Мирҳайдар ота халқа глобус

10 ўргатганини эшиганимисиз?

— А, глобус? — бирдан қизиқиб сўради Сайрамов.

— Ҳа, глобус ўргатган, — жавоб берди кулиб Ўктаам.— Бир замонлардаги воқеа бу. У киши раис бўлиб кўтарилиган йили эди. Қўллари титраб, қофозга базур қўйиб. Газеталарда йирик ҳарфлар билан ёзилган сарлавҳаларни қийналиб, терлаб ўқиди. Лекин қишлоқ мактабига тез-тез кириб тартиб-интизомдан хабардор бўлиб чиқади. Баъзи вақтда синфларга ҳам бош сүқиб, муаллимлар болаларни қандай ўқитаётганини ҳам билишга қизиқади. Яхши муаллимларни гоҳо у-бу билан мукофотлайди ҳам. Бир кун бу киши синфга кирганда, бир муаллим ҳисоб дарси ўрнига болаларга ўз таржими ҳолини, афтидан, ёшлидаги ўйинларини, шўхликларини эртакдай сўйлаб бераётган экан. Эртаси уни чақириб, роса қизартирган: «Бугун нима дарс берасиз? Бувингизнинг никоҳ тўйи тўғрисидами? Ҳисоб ўргатинг, колхоз саноқ билан тирик!» деган. Ҳа, гап аслида глобус устида эди-я. Бир кун раис жукрофия дарсига кириб қолади. Стол устида глобус йилтираб турибди.

30 Муаллим уни аста айлантириб, болаларга қитъалар, океанлар, мамлакатлар тўғрисида маълумот беряпти. Раис жуда берилиб тинглайди. Дарс битгандан кейин глобусни қўлига олади-да, муаллимга, «Юринг, иним», деб уни бирга олиб кетади, чойхонага келиб, глобусни ўртага қўяди, колхозчиларга дейди: «Мана, бутун олам! Бир қариб болалар буни ўрганяпти-ю, сенлар бу ерда вақир-вуқур билан оворасанлар. Қани, муаллимжон, оламнинг сирини буларга ўргатинг. Ҳа, дастлаб Москвани кўрсатинг, шундай бўлсин, гапни оламнинг кинидиги бўлган Москвамиздан бошланг, иним!» Чойхўрларнинг ҳаммаси — ёшу қари ўринларидан дув қўзғалиб, глобусни қуршайди. Муаллим лекция ўқийди...

— Ажойиб одам у,— деди руҳланиб Сайрамов.—
Уруш йилларида катта хизмат қилди — сўзи билан, иши билан. Лекин қартайди, бир оз чарчади. Қўлтиқлаш керак! Хўп, яхши, биз ҳали далада бошлаган гапни давом эттирайлик. Қолоқ участкаларни олдинлатиш ва олдинги участкаларни яна яхшиласак, планни жуда ортиғи билан bemalol бажарамиз, дедингиз. Имконсиз нарса йўқ. Fўза ҳосилга кирадиган, уни кўпайтира оладиган, пиширадиган бир палла энди бошланди. Кузда тонналаб олинадиган ҳосилни граммлаб-граммлаб ундириш палласи ҳозир. Лекин сиз менга конкрет равиша 10 да айтинг: юқори ҳосил учун курашни нимадан ва қандай бошламоқчисиз?

— Механизацияни тўла амалга оширамиз, ғўзани росса парвариш қиласиз,— жавоб берди Ўкта.

— Жуда соз. Механизация бобида ортиқча қийинчилик бўлмас. Янги машиналар оласиз. Мен ваъда бераман. Бироқ билиб қўйингки, масала ёлғиз бу билан ҳал бўлмайди. Халқни ялпи кўтариш, руҳлантириш, курашга шайлаш керак. Бунинг учун, биринчи навбатда, ижтимоий мусобақани мукаммал амалга оширмоқ даркор. Биламанки, айниқса бу колхозда мусобақа оғизда, қоғозда. Мен ана шу мусобақа масаласини илдизи билан ҳал қилиш учун бугун колхоз активини мажлисга чақиришга мажбур бўлдим ва ўзим асосан шу ҳақда гапирмоқчиман. Ўртоқлар мусобақани тўла амалга ошириш тўғрисида неча марта ваъда беришди-ю, лекин ишга келганда сустлик, ҳафсаласизлик қилишди. Мана, Ўкта Носиров, гап нимада. Сиз шундай қилингки, бутун бригадалар, звенолар, барча колхозчилар мусобақа 30 руҳи, ўти билан нафас олсин. Ана шунда одамлар яхши сифатларини ёрқин кўрсатадилар. Албатта, сизга ўргатишга ҳожат ҳам йўқ, бу масалада халққа коммунистлар намуна бўлсинлар, улар байроқдор бўлиб чиқсинлар.

— Тўғри, ўртоқ Сайрамов, бу ишни қизитамиз,— деди Ўкта дафтарчасига нималарнидир тез-тез ёзиб.— Кўп звено аъзолари мусобақа тўғрисида ўйламайдилар ҳам, аҳамиятини тушумайдилар ҳам. Фақат бригадирларгина баъзи вақтда бу тўғрида гаплашиб қўйишади, 40 холос.

Сайрамов енгилланиб ўрнидан турди, кителининг тутгmalарини қадаб, бирон нарсани қолдирмадимми де-

гандай киссаларини ушлаб кўрди-да, Ўктам билан бирга қўёш тангалари сочилган толзор оралаб, клуб орқасидаги идора томон юрди.

IV

Насимжон Файзуллаев сағрисига кирланган қордай кўпиклар ёпишган, ҳаллослаган жийрон отни тутга нари-бери боғлади, икки «кўзи» ҳар нав моллар билан тўла хуржунни елкага ташлаб, кичкина кўримсиз эшикка инқиллаб кирди; айвонга юкни қўйиб, қариyb бутун 10 ҳовлини қоплаган қалин, баланд маккажўхори орасидан кимнидир қидиргандек, сабрсизлик билан ҳар ёқقا кўз югуртди.

— Қайдасан, ҳай? Мастура!— қичқирди мойли товуш билан Насимжон.

— Нима гап? Мен мунда,— жавоб берди хотини ўт-кир товуш билан.

Насимжон бир неча қадам орқага юриб, томга қаради. Юзи ширмой нондек лўппи, гавдаси юм-юмалоқ, 20 кўкракдор, ёш аёл том лабига келиб, ҳорғин чўққайди.

— Руш илдам, нима қиляпсан авжи кун тифида?— сўради Насимжон.

— Туршагимни йиғяпман,— жавоб берди Мастура ва овозини пасайтириб деди.— Уч қопни лим-лим тўлдириб, саранжом қилдим. Яна анча бор.

Насимжон қовжироқ, ташна лабини сал қисиб, «бас», деди ва пастга тушишни қўл ишораси билан бу-юрди.

— Мен айтганларимни олдингизми?— бир парча киргина рўмолча билан яллиғланган юзини артиб, сўради 30 Мастура.

— Ҳаммасини олдим,— жавоб берди лабини ялаб Насимжон.— Лекин гулдор крепдишин ўлгурни қидира-қидира тинкам қуриди.

— Топдингизми ахир?

Насимжон илжайиб, бошини қимирлатди. Хотини ширингина кулиб, ўрнидан турди. Насимжон бир пиёла сувни симириб, бир кекирди-да, кейин шалоқ нарвонни сўка-сўка қопларни томдан олиб тушди ва қоронғи ҳужрага жойлаштириди, колхоз ўригидан яхши «фойдалана 40 билган» хотинидан мамнун бўлди.

— Қулинг ўргилсин «чумчуқ тили» паловга тайёр-гарлик кўринг!— деди Насимжон қўлларининг шираси-ни ювиш билан банд хотинига.

— Яна қанақа мәҳмон? Борган сайн керилиб, қадамингизни катта босадиган бўлиб кетяпсиз-а?— деди Маствура жеркиниб.

Насимжоннинг хотини бир қарич ёшдан чайқовчиликка ўрганган эди. Қиши ва ёз гузарда, серқатнов кўчаларда, бозорчаларда кун бўйи тентирар, қурт, папирос, гугурт, конфет каби нарсаларни доналаб сотар эди. 10 Магазинларга не мол келса — унга керак-нокерак — қизча биринчи бўлиб сотиб олмоққа тиришар эди. У вақтларда майда хизматчи Насимжон бир кун магазинда Маствура билан танишади, унинг таъсирида Торгсиндан мол олиб сотишга киришади, бебилски пул топишга одатланиб, хизматни тарк этади ва, ниҳоят, чайқовчиликда қизга шерик бўлади. Маствура Насимжоннинг ёш хотини билан гўё опа-сингил тутиниб, у боёқишини шундай аврайди, унинг ишончини шундай қозонадики, хотин ўз эри билан бу «сингил»ни баъзи оқшомлар те- 20 атрга ё кинога юбориб, ўзи эшикда кузатиб қолади:

«Боринглар, кўрганларингни менга айтиб берасиз-лар. Ҳа, Маствурахон, акангиз билан бирга тўғри бизни-кига қайting. Узун кеча, гаплашамиз. Мен ўз қўлим билан ширингина палов қилиб қўяман». Лекин бир-икки йил орасида айёр қиз Насимжонни хотинидан айнитиб, ўзи тегиб олади. Шундан кейин эр бутун ихтиёрини улдабурон, қув, хасис хотин қўлига топширади. Маствуранинг сўзи, диди, раъий унинг учун гўё «фарзи айн» каби бўлиб қолади. Аслида ювош, камтар, лекин ўз иши- 30 га пишиқ Насимжонни Маствура қувлика, олғирликка, қалбаки ишларга ундейди. Насимжоннинг топган-тутгани неча бор совурилган, ҳаёти ва эрки неча бор хавф остида қолган эса ҳам, «тарки одат маҳол» дегандек, ҳали таъзирини емаган ва тавба қилмаган. Икки йил бурун бу оила «тинч, мойли макон» қидириб, қишлоққа кўчиб келган ва колхозга суқилган эди.

— Ўқтамни чақирайлик, нима дейсан?— деди Насимжон қора ипакдай йилтираган мойли мўйлови остига кулгисини яшириб. 40

Маствуранинг қора мунчоқдай кўзлари айланиб кетди. Тирсагигача очиқ, семиз қисқа қўлини кескин силтаб, бидирлади:

— Нимасига чақирасиз уни? Ҳеч бир қилифи менга ёқмайди. Кечагина қайтиб, бугун ҳар нарсани, ҳар кимни кўз тагига оляпти. Соғ келганингга шукур қилиб, ўз йўлингда юравер. Йўқ, раис бўлмоқчи шекилли! Ўқтам келгандан буён колхоз боғига борсам, юрагим гуп-гуп уриб, бир чеълак мева узгунимча, минг ёққа қарайман. Эрталаб пиёзга борсам, унда ҳам қоровул: Қосим шалгомни тирмизаги ўтириби!

— Иш кўрсатиб, обрў орттириб, каттакон бўлмоқчи.

- 10 Ҳайтовур бир дарди бор,— деди Насимжон ноҳуш.— Ғайрати баланд, дам далада, дам колхозчилар орасида, дам ўзи аравасозлик қиласди. Раис содда, юмшоқ кўнгил одам — ҳамма ишни унга топшириб қўйгудай. Йўқ, хонаси келганда, бу йигитнинг асли ярамас нияти тўғрисида раис билан алоҳида гаплашаман. Аммо районом билан ҳам чоғида мана шундай,— Насимжон икки қўлининг кўрсаткич бармоқларини бир-бирига маҳкам жуфтлаштири ва давом этди сўзида.— Модомики, гап шундай экан, биз ўзимизни Ўқтамга яқин тутган бўлайлик, кўнглига қўл солиб, сирини ҳам билайлик, яна бундақа одамнинг оғзини мойлашда катта ҳикмат бор...

Мастура бўшашиб, эрининг таклифига рози бўлди, лекин шу онда иккиланиб, деди:

— Майли, чақирысан қақирайлиқ у баттолни. Бироқ қори поччам келмоқчилар-ку.

— Нега?

— Муҳиджон ёниб ётиби. Ёлғиз ўғилнинг ҳолидан хабар олайин ҳам демайсиз, бепарво ота.

— Безгаги хуруж қилган. Хин беринг, токчада ёғоч қутича ичида. Ҳа, домлага хабар беринг, келмасин. Ҳўш, нонингиз қалай? Қотинқираган дейсизми? Тўрттагина ёғлиқ патир ёпинг. Яна икки шишани сувга ташлаб қўйинг!

Хасис Masturanning ранги ўчиб, энсаси қотди. Жаҳл билан қўлинни палаҳса қилиб, бобиллади у:

— Ундақа талтайманг. Индамаганим сайин қуюшондан чиқиб кетяпсиз. Очилган битта шиша бор — етади. Кошки иззатга арзийдиган азиз меҳмон бўлса!

40 Насимжон хотинининг авзойига қараб, нафаси ичига тушиб кетди, индамасдан айвонга борди. Қийимларини алмаштириб, Masturanning қовоғидан қўрқандек, эшик томон югурди.

— Ҳа, бу ёққа қаранг! — чақирди Мастура жаҳл билан.

Насимжон ялт этиб қаради, хотинининг юзида алланечук ўзгача ташвиш кўрди у.

— Яна нима? — яқин келиб, сирли товуш билан сўради Насимжон.

— Қаерда ўтирасизлар, яна уйга таклиф қилманг, ясатиб қўйибман-а.

Насимжон узунчоқ — гуваласимон бошини қашидида, ариқ бўйидаги кичик кўримсиз супани кўрсатди ва 10 секингина деди:

— Уйни қулфлаб қўя қолинг. Яна томорқага қулф уринг, бизники нормадан уч ҳисса ортиқча.

Мастура бошини чайқаб, ташвишли бир уҳ тортди.

Насимжон майин новдалари ерга теккудай осилган кўркам мажнунтол орқасида бирпас тўхтаб, мажлис бўлаётган, деразалари очиқ катта хонага мўралади. Ўқтамнинг кескин ва ҳаяжонли овози янграмоқда эди. Насимжон баҳона учун чойхонадан икки чойнак чой олиб, мажлисга кирди, оёқ учида юриб бориб, бир чойнакни 20 Сайрамов олдига, иккинчисини раис қаршисига қўйида, қуйида, эшикка яқин секингина ўтирди. Правление аъзолари, бригадирлар, звено бошлиқлари ва ўзга пахта усталари Ўқтамни диққат билан тинглар эдилар. Раиснинг кўзлари юмуқ, қўллари кўксига, ўқтин-ўқтин, сўзни маъқуллагандай, бошини вазмин қимиратиб қўяр эди. Хадиҷа хола оқ сочли бошига рўмолчани сатанг-чароқ қўндириб, дераза ёнида кеккайиб ўтирап эди. Райком секретари тинмасдан папирос чекиб, нимадир ёзиш билан банд. Насимжон ёнидаги Тансиқнинг қулоғига шивирлади: «Рустам акамлар гапирмадиларми?» — «Гапирди», — деб жавоб берди қиз. Насимжон, «Аттанг, эшитолмай қолибман», дегандай, бошини тебратди ва пешанасини буруштириб, Ўқтамга тикилди.

— Ўртоқлар, ҳозир энг ҳал қилувчи палла! — нутқини давом эттирап эди Ўқтам. — Пахта далаларида меҳнатни, мусобақани қизитиш палласи. Мўл ҳосил учун ҳозир курашмасак, саратоннинг ҳар кунини, ҳар соатини ғанимат билмасак, планимиз чала қолади. Шунинг учун бутун кучни, файратни, бутун имкониятларни ишга солмоқ керак. Пахтачиликда халқимиз ўз уқувини, тажрибасини, усталигини бутун дунёга кўрсатган. Бу ишда янги ғалабаларга эришмоғимиз керак. Ўртоқ Сайрамов

- айтганидек, ижтимоий мусобақа, машиналардан тўла
фойдаланиш юқори ҳосил учун, планни ортиғи билан
бажариш ва колхозни мустаҳкамлаш, бойитиш учун асо-
сий гаровдир. Бироқ далани бир айланган киши равшан
кўрадики, ишимизда беҳад камчиликлар бор. Кўп зве-
ноларнинг фўзаси жуда бедармон. Чопиқ ва сугориши
сифати ҳар жойда бир хил эмас. Бу масалада учинчи
бригаданинг иши жуда хуржун. Мана, ўртоқ Сайрамов-
нинг ўзи бугун бир неча ерда қўлга кетмон олиб, си-
10 фатли чопиқ қандай бўлишини кўрсатиб берди. Наҳотки
пахтакор бўла туриб, яхши чопиқ қила олмасалар!
Иўқ, жуда яхши биладилар, бироқ масъулият сезмайди-
лар. Шошадилар. Бешинчи бригаданинг биринчи звено-
сида — тепаликка ёндош ерда — пахтага сувни дарёдай
оқизганлар. Ботқоқлик пайдо бўлиди у ерда. Наҳотки
фўзани қандай сугориши билмасалар! Жуда яхши би-
ладилар, бироқ амал қилмайдилар. Ҳозирги паллада
сувнинг қадри-қимматини билмаслик учун кишининг
кўзигина эмас, ақли ҳам кўр бўлиши керак, менимча!
20 Иўл бўйлаб ўсан дараҳтларга яқин ердаги фўзаларга
алоҳида қунт қилинмаган. Ҳолбуки, ҳар бир туп фўза
учун жонимиз ачиши керак. Ахир ҳар туп фўза — халқ
бойлиги, давлатнинг бойлиги. Бошқа қатор камчилик-
лар тўғрисида далада, звеноларда яққол, лўнда қилиб
гаплашамиз. Албатта, мақташга лойиқ кишилар ҳам оз
эмас бизда. Масалан, Тансиқ Аҳмедова, Саксон ота,
Хадича хола, Собир Эрматов звеноларини томоша қил-
санг — юрагинг қувончга тўлади. Биз ҳамма звеноларни
30 улардан ибрат олишга чақирамиз. Ҳамма тап меҳнатда
ва тажрибада. Ернинг қаймофи — меҳнат қилганники.
Ўртоқлар, биз ҳозир ёзниң қозонини ҳосил билан тўл-
дирсак, кузда роҳатини кўрамиз. Ҳозир фўзани мусобақа
асосида парвариш қилиб, ҳар туп фўзага бир неча дона
ортиқ кўсак қўша билсак, ялписига колхоз бўйича ҳа-
зилакам бойликми бу!
- Орқадагилар олдингиларни қувиб етишга жон-дили
билан курашмоқлари керак. Мана, фронтовик Собир
ҳозирги кунда гектаридан етмиш центнердан ҳосил ол-
моққа бел боғлади, янги ваздасини, албатта, бажаради.
- 40 Негаки, у бутун звеносига бош бўлиб, мардларча ишга
киришди. Хўш, ўртоқ Дехқонбоев — бу ҳам фронтовик — нега ўз ўртоғидан ибрат олмайди? Эски, тажри-
бали пахтакор Зуфар акам юқори ҳосил учун курашдан

ўзини четга тортади. Ахир қизларингиз юз центнерчилик байроғини кўтарди-я!

Ҳозирги қизғин пайтда дангасаликка, сояпарварлика, чорбозорчиликка асло йўл қўймаслигимиз керак. Бизда ёшу қари эрта-кеч далада бўлиши лозим бўлган бир паллада нима учун баъзилар ўз инларидан чиққилиари келмайди. Уртоқ Файзуллаев, келин ойимнинг тиш оғриқлари қачон қолади?

Ўқтам Насимжонга кўз қирини ташлаб, стакандан сув ича бошлади. Шу пайтда Хадича хола кеккайган вазиятини ўзгартмасдан, фақат бошини сал кўтариб, кўзларини шифтга тикди-да, ғалати товуш чиқарди:

— Хо-о! Текин томоқ тиш оғритармиш, болам!

Ҳамма беихтиёр кулиб юборди. Айниқса Хадича холанинг вазияти, унинг овозидаги тикандек ўткир киноя мажлисга зўр таъсир кўрсатди. Насимжон бирон важ кўрсатмоқ ниятида бирдан қўлини кўтарди-ю, лекин қўлини гўё оловдан тортиб олгандек, дарров киссанига тиқди, ранги ўшиб, бемаъни, ожиз илжайиш билан теваракка филт-филт қаради.

— Бригадир ўртоқ Холботировнинг ўғли Илёсхон ҳам учига чиққан дангаса,— сўзида давом этди Ўқтам қизишиб.— Тўғриси, жуда эркатой у. Ахир ўзи сўлоқ-мондай йигит. Лекин дам тагида тепки арава, физ-физ учади, тентираиди, дам қўлида тўр, ёнида лайча, эс-ҳуши беданада... Тўғри, мен ҳам шундай овни, гашт қилишни яхши кўраман. Лекин ҳар нарса ўз вақтида. Ҳалол меҳнат қил, кейин бедана тугул бургут овла! Ҳосилот раисининг қизлари, келинлари ҳам далада оз кўриннишади, ҳам хўжа кўрсин учун, қўл уни билан ишлашади. Албатта, биз ҳосилот раисини ҳурмат қиласиз, аммо келинлари ва қизларини иш бобида бир оз тарбия беришларини сўраймиз. Шундай қилиб, орамизда дангасалар, ўжарлар, ножўялар, сояпарварлар, енгил хизмат ҳаваскорлари оз эмас. Улардан қатъий талабимиз шуки, бундан буён ҳалол меҳнат билан ўз доғларини ўзлари тозаласинлар! Умуман, бизнинг колхоз оиласиз аҳил, соғлом, яхши оила; ҳар қандай тоғни қўпорадиган бир куч. Бу куч, бу оила колхозимиз номига — «Қаҳрамон» номига яраша шону шарафли ишлар қилиши керак.

Мажлис Хадича холанинг мўл ҳосил учун ҳаммани курашга, мусобақага чақирган қисқа, жонли сўзи билан

10

20

30

40

45

- тугади. Кишилар ташқарига, шабадага чиқдилар, колхоз идораси ва клуб биноси олдида атласдай ранг-бранг ёнган гулзор теварагида юриб, хушчақчақ сұхбатлаша бошладилар. Сайрамовнинг кўзлари гулзордан узилмас эди. У гулларни севар, уларни эринмасдан парвариш қилишдан ҳамиша завқланар эди. Секретарнинг отаси — собиқ оддий мардикор ҳам нозик гулчи эди. Мардикор отанинг Тошкентдаги тор ҳовлисини илк баҳордан то биринчи қоргача ҳар хил гуллар безар эди.
- 10 Сайрамов гулзор орасига эҳтиёт билан кириб, кўркам, чўғдай ёнган тўқ қизил гулни узун банди билан узиб чиқди, тирноқлари билан тиканларини юлиб, кейин Саксон отанинг чаккасига қистириди. Чол — Алимқул ота бу йил илк кўкламда тантанали мажлисда ҳар ёшига бир центнердан пахта топшиromoққа ваъда қилиб, кексалар звеносини тузган эди. Шундан буён қишлоқда саксон яшар Алимқулни Саксон ота деб атай бошлаган эдилар. Ҳали михдай тетик, адил, чайир чолнинг жиддий, нуроний юзи табассум билан, гул ҳусни ва ранги билан аллақандай яшнаб-яшариб кетгандай бўлди. Сайрамов чолни икки қўли билан енгил, лекин самимий равиша секин қучоқлаб, кулиб, деди:
- Ҳали кўнглингиз ғунчадай ёш, биламан, ота.
- Қошки умрни қайтаришга имкон бўлса-ку, сизлар билан бирга мардча ишлаб, бу замоннинг ҳузур-ҳаловатини кўраверсам, ҳикматли ишларни томоша қиласкерсан...— деди чол узун, сийракроқ, тоза соқолини аста силаб.
- Ҳали кўп яшайсиз, кўп нарса кўрасиз, ҳозир ҳам
- 30 чинакам ёшларча ишлайпсиз, отахон.
- Саксон ота бир қўлинини Сайрамов елкасига оталарча қўйиб, гулларга қараб, Шарқда машҳур «Гул ва бул-бул» афсонасини — булбулнинг гулга ошиқу бекарорлиги, ҳар тун унинг тепасида ишқини — дардини куйлаб, ғунча энди очила бошлаган онда булбулни мудроқ босиши, юраги қон құш кўз очиб, яна дардлироқ, яна ўтлироқ куйлашини ҳикоя қилди. Бу афсонани Рустам Сайрамов болаликда, узун қиши кечалари танчадан бoshини чиқарип, ўзининг сўзга чечан эртакчи бувисидан
- 40 кўп марта эшитган бўлса ҳам, чолнинг ўзига хос рангдор сўзи ва услубини диққат билан тинглади. Носвойини бир чеккага туфлаб, эски гулдор кўйлакка тақиб олган Меҳнат Қизил Байроқ орденини қунт билан тузади.

тиб, Хадича хола уларга яқинлашди ва ҳар вақтги ўқтамлиги билан секретарга деди:

— Холагинангни унудингми, райком болам? Қўшни звеноларда бўлибсан-ку, меникига ўтмабсан...

— Сизнинг звенодан хотирим жам, холажон,— деди Рустам.— Лекин фурсат бўлса, сизникига маҳсус келаман.

Хадича хола ўзининг ҳар вақтги ҳазилвони — Саксон отага қошлиарини чимириб, деди кинояли оҳанг билан: «Ярашибди!»

— Эркакка ярашаверади, наинки эркак кўнгли сира қаригиси келмайди...— деди Саксон ота атайин кўкрагини кериб.

— Ҳали кўнглингиз бошқа нималарни тусаб қолар!— пичинг қилди Хадича хола.

Сайрамов барча гуллар ичидаги ўз кўркамлиги билан ажralиб турган бир парча тоза ёлқиндан гулни узиб, Хадича холанинг сочиға қўндириди.

— Умринг, ишинг гулдай очилиб турсин ҳамиша,— тилак тилади Хадича хола қувониб.

— Қиздай яшнаб кетдинг, Хадичахон,— деди кулиб Саксон ота.

— Биламан, эс-хушингиз қизда,— деди Хадича хола ва кейин Сайрамовга мурожаат этди у кўзини қисиб.— Эски шўхлигини соқоли оқарсаям, сира ташламайди бу.

— Ҳўш, ота шўхмиди?— анчайин ҳангама учун сўради Сайрамов.

— Оҳо, қора кўз деганда девор ошадиган мана шу эди бир вақтларда!— деди Хадича хола кўзини ҳазила-кам ўйнатиб.

— Бу билан тенг келиш қийин, ҳазилни она сути билан эмган,— деди Саксон ота ерга қараб кулиб.— Лекин барака топсин, Хадича — яхши аёл: кўнгли тоза, мард, тўғри сўз. Колхоз тузишда ҳам Хадича жонбозлик қилган, бари эсимда.

— Мен ҳам эшитганман,— деди аёлнинг елкасини ўғлидай қоқиб Сайрамов.— Қулоқлар холамни қаерда бўғизламоқчи бўлганларини ҳам эшитганман. Лекин илгариги хизматлари билан мақтамасдан, ҳозирги ишга, вазифага актив қатнашиб, ҳамма вақт олдинда бўлишга интилиш керак, шундай эмасми, холажон?

— Тўғри, ўртоқ райком, киши обрўси иш билан бўлади. Партия, ҳукумат йўл-йўриқларини, худди бугун-

10

20

30

40

47

тидай тушунтириб турсанг, қадамни олдинга каттароқ босаверамиз. Яхши ишласак, ўз турмушимиз фаровон, юрт обод бўлади.

Шу орада кимдир даладан бир қоп ҳандалак келтириб, ерга ағдарди. Собир Эрматов гимнастёркаси устидан боғлаган шоҳи қийиққа осиғлиқ серҳашам қиндан сопи гулдор, ўткир, фарғонача пичоқни суғурди, ҳидлаб-ҳидлаб қўлда томоша қилишга арзийдиган юмалоқ, майин, сарғиш ҳандалакларни кўкимтири йўллари бўйи-
10 ча чапдастлик билан тилимлаб, одамларга улаша кетди. Ҳандалакни шу паллада қарийб ҳар боланинг қўлида, қучофида кўрасиз, қарийб ҳар томорқадан унинг ширин ҳиди анқийди. Колхозчилар бир-бирларига қизиқиб, ҳар тиликни лабга бир марта ишқалаб, пўчоғини четга улоқтира бошладилар. Собир жангда, меҳнатда қотган, дағаллашган бармоқларидан ҳандалак шарбатини ширшир оқизиб, хурсанд қичқирди: «О, жоним Фарғонам, оқ олтиним, боғим, ширингинам!» Бу товуш йилларча фронтларда ўт ичидаги юрган мард йигитнинг она ерга
20 бўлган севгисини ифодалар эди. Саксон ота завқ билан хўрсиниб, деди Сайрамовга:

— Фарғонага олтин кунлар келяпти. Ана шундай азамат йигитларнинг шўх қийқириғини эшитсан, юрагимга худди кўклам киргандай, яйраб-яйраб кетаман.

— Ота, юртимизнинг бу куни баҳтли, чиройли, лекин эртаси, индими яна чиройлироқ, баҳтлироқ бўлади. Узбекистон йўлини Кремль юлдузлари ёритяпти,— деди Сайрамов ва ҳаяжон билан чолнинг қўлини сиқди ва ўзга колхозчилар билан биродарона хайрлаши.

30 Үктам мажлисдан хурсанд бўлган эди. Сайрамовнинг кенгашлари, кўмаклашиш ваъдаси муваффақиятга унинг ишончини орттирган эди. У энди сўздан ишга ўтиш, юқори ҳосил учун колхозчилар ўртасида ялпи ҳаракат туғдириш тўғрисида ўйлаб, қолоқ участкалардан бирига дала йўли билан кетаркан, бедазор ёқасида, салқинда ёнбошлаган ҳосилот раиси — сут фермасининг соғиқ бошлиғи уни чақирди. Үктам келганда, Каримқулнинг уккиникидай чақчайган қизғиши-сарғиш тусли кўзларида қандайдир нохушлик сезди.

40 — Хўш, хизмат? — ўтиришни истамай, шошинқираб сўради Үктам.

Каримқул кичкина, юмалоқ, йилтироқ бошини кўтариб, пихиллаб чордана қурди, белбоғ устидан осилиб

тушган қорнини яхтак билан елпиб-елииб, ҳазилсимон оҳангда деди:

— Ўтиринг, бўзчининг мокиси!

— Вақт шундай, оғир карвон!— деди Ўқтам кўмкўк бедага ўтириб.

— Илдамлик, югуриклик йигит учун яхши нарса, лекин...— Каримқул Ўқтамга зиддан ўқрайиб, жим бўлди.

— Гапни ямламанг,— деди Ўқтам ҳосилотга тикилиб.

— Лекин сўзда, ваъдада югурик бўлиш яхши эмас,— деди Каримқул ва бирдан ранги ўчиб, қақшаб давом этди.— Биласизми, мажлисда оғизда тоғ-тоғ пахта ясадингиз. Ваъданি ҳам таноби бўлади-да! Қозонда нима бор — буни мен биламан...

— Яшанг, ошпаз!— киноя билан қичқирди Ўқтам.— Билиб қўйингки, деҳқончиликнинг қозони бошқача бўлади: мёҳнатни аямсангиз, баракаси ошаверади, тошаверади. Мен тажрибада синалган бу хосиятни назарда тутиб, кишиларни курашга чақирдим. Қозон тўла бўлса, ошпаз ҳам хурсанд бўлар, деб ўйлайман...

Каримқул худди шишгандай йўғон бармоқлари билан мўйловини бирпас бураб, кейин пичинг қилиб мин-фирлади:

— Далада қизларнинг изига кўз ташлайдиган одатингиз ҳам бор экан, шекилли-а!

Каримқулнинг қизлари ва келинларини мажлисда танқид қилганини Ўқтам энди хотирлади ва унинг танқид кўтармаслигига, гиначилигига жаҳли чиқди-да, таъкидлаб, деди:

— Изларига эмас, ишларига кўз ташлайман. Менимча, ёмон одат эмас бу. Бунга одатланиш сизнинг ҳам вазифангиз. Энди тўғри танқиддан эгри хулоса чиқариш одатингизни ташланг.

Ҳосилот раиси қизариб-бўзариб эътиrozга ҳозирланган экан, қўққисдан Хадича хола келиб қолди. У сир бой бермаслик учун дарров аёл билан, пойма-пой бўлса ҳам, асқия қила кетди.

* * *

Насимжон Файзуллаев ҳовлига кирганда, пахса де-ворга ёпишириб қурилган янги тандирдан унинг хотини, тўйдан кеч қолмасликка тирицгандай аёллар каби, ку-

йиб-пишиб ҳаллослаб, патир узаётир эди. Мастуранинг лўппи юзи оловланган, соchlарини кўйдириб, бошини қизғин тандирга тез-тез тиқар эди.

— Нима гап? Нега қовофингиз солиқ?— сўради хотин уни дудланган косов билан оловни титиб.

Насимжон, ҳеч нима, дегандай қўлини силкиди ва тандир ёнидаги саватда буғланган патирларни кўзи билан санай бошлади.

— Хўш, меҳмоннингиз қани?— ўшқириб сўради Мас-
10 тура.

— Мажлисдан кейин таклиф этдим, унамагандан кейин, ялиндим. «Раҳмат, вақт зиқ, бошқа кун», деди. Райкомга қўшилиб, дала йўли билан сельсоветгами, қа-
ёққадир кетди.

— Яхши бўпти!— Мастура жаҳл билан бурнини қийшайтириб қичқирди.— Ўз иззатини билмаган кек-
10 каймажонларга ялинишнинг нима кераги бор?! Патирни курсиллатиб-курсиллатиб ўзим ейман — нуқул мой-а. Яхшиям паловга ўт ёқмаган эканман. Бугун сизга суюқ ош қилиб бера қолай.

Насимжон индамасдан айвон четига ўтириб, папиросни лабга қистирди. Унинг авзойи бузуқ эканидан хотининг дили гаш эди. Кейинги бир неча патирни тандирга ёпишириб, Мастура эрининг қошига келди ва хафалиги сабабини суриштириди.

— Гап бошқа ёқда,— деди кайфсиз товуш билан Насимжон.

— Нимада ахир?— кўзларига ваҳм тўлиб, бирдан
30 ерга чўққайди Мастура.

— Мажлисда Ўқтам бизни расво қилди-ку,— жавоб берди эр папиросини алангалашиб.— «Нега Файзуллаевнинг хотини ишга чиқмайди? Келин ойимнинг тиш оғриқлари қачон қолади?»— деди. Айниқса шум кампир Хадича холанинг гапи жигаримга ўқдай тегди. Сени «текин томоқ» деди у!

Мастура гўё чаён чаққандай, ўрнидан саҷради ва куйиниб бобиллади:

— Мен далада ишлашим керакмишми? Мен-а! Аям мени бундақа офтобда жизғанак бўлиш учун туққан
40 эмас! Хўш, сиз нима жавоб бердингиз?

Насимжон индамади, бошини икки қўли орасига олиб, уҳ тортди, холос. Бироқ Мастура баттарроқ қичқириб, қистаганидан кейин жавоб берди:

— Мен дарров справка бермоқчи бўлдим. Ҳаммани ишонтирадиган важларим, баҳоналарим ҳам бор эди. Бироқ нима бўлди-ю, довдирадим, гапим тилим учидаголди. Мени бурун ҳам мажлисларда унча-мунча чўқиб ўтишар эди, лекин бу сафаргиси жуда ўтиб кетди-да!

— Бўйсиз, лақмасиз! — оғзини кўпиртириди Маствура.— Мен бўлсам эди, қўйл кўтариб сўз олардим-да, шундай баҳоналар топардимки, ҳамма «Ишга чиқмаганингиз маъқул», деган бўлар эди. Ўша беҳаё Ўктадан чўчиб, тилингиз фулдираб қолдими? Оҳ, эркак яна! Ҳа, 10 майли, танқид қила қолсин, мен ўша Ўкта мни шундай қўлга туширайки...

Насимжон, ўз айбига иқороп бўлгандаи, ерга қаради. Патир эсга тушиб, Маствура бирдан лапанглаб юурди ва бошини тандирга тиқиб, куя бошлаган патирни рафидасиз узиб олди-да, куйган қўлини «их» деб сувга ботирди.

* * *

Оқшом мастава устида эр ва хотин томорқа тўғрисида узоқ вақт бош қотирдилар. Баланд девор билан 20 ўралган катта участканинг тевараги мевали дараҳтлар ва саҳни нуқул «бозорбоп» ҳар нав экинлар билан банд эди.

— Нима қиласай энди? — ниҳоят деди бошини қашиб Насимжон.— Томорқа буюм эмаски, сандиққа жойласанг-қўйсанг. Лекин бир илож қилиб тишимда сақлайман уни.

— Бир қаричини ҳам қўлдан бермаймиз, пишиқ бўлинг,— деди Маствура қошиқни косага уриб.

— Ёмон билан тенглашиб бўлмайди, жоним,— деди 30 Насимжон касалдай инқиллаб.— Яхшиси шуки, бизга тикилган балони даф қилиш учун сен эрта-индин дала-га чиқ, оз-моз ўтоқ қил, мева тер, тарозибонлик эт. Колхозда гивирлайверсанг бас. Қейин яна кўрамиз.

Маствура лабини буриб, ниманидир пи chirlab, теска-ри қаради.

* * *

Каримқул бугун хийла кайфи бузуқ эса-да, Хадича хола билан йўл-йўлакай ҳазиллашиб, уйга қайтди. Хотини, қизи ва урушдан илгари магазинда эгри қўллик 40

қилиб қамалиб кетган ўғлининг хотини, хаҳо-тарала билан сув бўйида салқинда чучвара тугиб ўтирас эдилар. Каримқулнинг авзойи бузуқлигини дарров пайқаган қиз ва келин бир-бирига зимдан имо қилиб, лабларини тишлаб қўйдилар.

Каримқул уҳ тортиб, супада ёстиқни қўлтиққа босиб, кўрпачага ёнбошлади.

Ўн етти яшар, пакана, қорамтири, кичик кўз, пучуқроқ келган қизи чучварани туга-туга, бижиллаб дада-
10 сидан сўради:

— Дада, кайфингиз ёмон кўринади, яна нима гап?

Каримқулнинг гапиргиси келмайди, аммо қизнинг шибарлигидан зўр-базўр жавоб беради:

— Ишлар чатоқ, ҳаммангиз далага чиқар эмишсиз. «Колхоз аёллари ишлаганда, сизнинг келин-қизларин-
гиз нега уйда ўтиради?» деб гап қўзгашяпти.

Қиз товуқдай қақиллаб, жаврай бошлади:

— Қуриб кетсин, ким айтди буни? Тансиқ, Ҳакимадай илдамлар бор, кетмон улардан бери келмасин. Бо-
20 зорга қатнаб, мева сотганим яхши эмасми?

Она ва келин — Сарвиой қўлларида чучвара бир зум анграйиб қолиши, кейин она тупугини ютиб:

— Бо, худо, ранг-рўйингиздан фаҳмлагандим, ко-
йинманг, унақа гаплар колхозда бўлаверади,— деди қиймани ялаб.

Семизлигидан пишиллаб ўтирган Сарви лабини бу-
риб, миёвлади:

— Ўйинг куйгурлар, кунига янги гап чиқарадиган бўлиб қолди. Офтобда қовжираб ишлагандан уйда сал-
30 қинда дўппи тикканим яхши. Мен қамалган одамнинг хотиниман, менда не ҳақлари бор экан.

Келин ва қайнана норози товуш ила шикоят эта-
эта чучварани лўнда-лўнда тугар эдилар. Кўзи тор, маҳ-
мадана қиз эса чучварани ялатмақоқ нусхада қуритиб
тугар ва ҳаммадан кўп нолир эди.

Хаёллари тўзғин, безовталаниб ўтирган Каримқул эшикдан дўпирлаб кирган қўйларни кўрган ҳамон бирдан айёр бир фикр келди-ю, юзи ёришиб кетди. Аста туриб оғил олдига келди. Невараси биридан-бири семиз
40 учта қўйни қозиқларга бойлар эди. Булар бир вақт колхоз қўйларидан кимса билмас сараланиб келтирилган. Ростини айтганда, колхоз қўйларига Каримқулнинг хийла ёпишқоқлиги бор эди. Масалан, қишида ҳа-

ром қотди, бўри тортди, деган ҳисоб-китобларга ў уста. Чўпонлар орасида ҳам битта-яримта ўз кишилари бор. Бир-икки ориқ-туруқ арzon қўйларни семизларга алмаштириш ҳеч гап эмас. Ориқнинг ҳам, семизнинг ҳам жони бир-да!

Учта қўйдан Каримқул бирисини танлаб айирди ва набирасига буюрди:

— Обор, Ўктам акангнинг уйига. Бобом тортиқ қилиб юбордилар, дегин, уқдингми?

Ун бир яшар бола ҳайрон бўлди-ку, аммо чурқ эт-
мади, қўйни чаққон ечди-да, эшикка сурғади.

Хотинлар дув этиб ўринларидан туришди:

— Ҳай-ҳай кимга? Эсингиз жойидами? — қичқириди бир оғиздан.

Каримқул кулгинамо вазиятда қўлини силкиди ва паст, сирли товуш ила мақсадини тушунтириди.

— Вой ўлай, Сора лўмбоз учун боққан эканмизда,— куйинишиди аёллар.

Айниқса қизга жуда алам қилди, лекин буларнинг чувиллаши дарров тинди, чунки Каримқулнинг важи
ҳаммасига маъқул тушди.

— Емоннинг оғзига урмаса бўлмайди, тушундила-
рингми, қақилдоқлар? — деди Каримқул айёrona илжа-
йиб.

— Бувим-чи, икки-уч кундан кейин келадилар, де-
гин,— набирасига лабини чўзиб қичқирди бувиси.—
Бувим тортиқ қилиб юбордилар, дегин. Эрта-индин ке-
ладилар, дегин, унутма,— қайта-қайта таъкидлади у.

— Ҳай, бошбоғини ташлаб келма, ёмон бўлади-я,—
қичқирди қиз ва яна тутақиб кетди, қўлини тиззасига
уриб, отасидан ранжиди:

— Ҳар бир гапга битта қўй даркорми? Гапга гап
қайтаринг-да, ахир!

— Э, қизим, Ўктам ғоят қаттиқ кетди. Аҳволнинг
қандайлигини асло суриштирмайди у. Мана шу бир қўй
билан нафаси ўчади. Эртадан бошлаб, қараб тур, асса-
лом алайкумни қуюқ қилади.

Бола думбаси серкиллаган қўйни етаклаб жўнади.
Қўй юрмасдан, болани хафа қилса-да, охири Ўктамнинг
уйига етаклаб етказди ва Сора холага бувиси ҳам бо-
босининг ўргатганларни айтди.

— Айлана қолай, негаям мунча овора бўлибсизлар?
Яхшиликларга қайтарсин Ўктам аканг,— деб айланиб-

ўргилиб, болани жўнатди. Арқон топиб, қўйни бойлади ва ҳовли юзасидаги чирмовиқларга ўтлатиб юрди. Қўй кампирга жуда маъқул тушган эди. Думбаси катта, қади баланд, яғрини кенг, боши тиккайган, хўрагина, ажаб яхши қўй! Бирпасгина ўтлатгандан кейин охурга бойлади ва ошхона ишларига уриниб кетди.

Ўқтам уйга қайтган ҳамон қўйга кўзи тушди:

— Хўш, қандай пайдо бўлди бу қўй?— сўради она-сидан.

10 Она ошхонадан пилдираб юѓурди:

— Бояқиш Қаримқул сенинг келганингга тортиқ қилиб юборибди. Садағанг кетай, сенам тўйларида қайтарасан, болам.

Каримқулнинг танқид этилгани лоп этиб Ўқтамнинг ёдига тушди-ю, кўнгли хийлагина ғаш бўлди. Қўйни олиб қолиш маъқуллиги ва номаъқуллиги ҳақида ўйлади. Дам хаёл қилди — бир қишлоқ кишиси бўлган учун юборгандир, дам кўнглига ёмон шубҳалар ҳам келди ва қўйни қайтармоқ маъқулдир, деб ўйлади. Онасига

20 бу фикрни айтган эди:

— Вой айланай, эсон бўлгур-эй, уят бўлади-я, зинҳор-базинҳор бу фикрдан қайт, хафа бўлишади. Тортиқ хосиятли нарса, давлатга башорат бўлади, болам!— эътиroz этди она.

Ўқтам онасининг раъйини қайтаролмади, бирор тўйларида узилишарман, деб кўнгил ғашлигини тарқатди.

V

Тансиқ ариқ бошида кетмонни икки-уч марта зарб билан урди. Эгилган новдалари тунги шабадада аста 30 чиройли қимиirlаган қатор жийдалар тагидан оқаётган сувнинг шўх, шарқироқ товуши бирпасда ўчай деб қолди: сувнинг ярми пахта даласини суфориш учун, ўқариқقا жилдираб оқа бошлади, бу ердан уни қиз илдамлик ва миришкорлик билан тараб-тараб, эгатлар бўйича кенг далага оқизди, кейин кетмон дастасига суюниб, ғўза қаторлари орасидаги ингичка, лекин беҳад узун эгатларга шошмасдан, текис жилдираган кумуш уҶага диққат билан тикилди. Иссиқ ойларда ғўзани тунда суфорадилар. Кундузлари ғўза зўр иштача билан қуёшни эмади. Ниҳоят, чанқайди, тунларда, салқинда, эгатлардан оққан сув билан чанқовини қондиради, совуқ намни бутун илдизлари билан сўриб яйрайди.

Сўлим Фарғона кечаси. Қундузлари кўқимтири парда орасидан кўзларга фира-шира чалинадиган тоғлар орқасидан секин кўтарилиб, ҳалигина шийпонларга, супаларга, ҳовузларга мўралаган ойнинг қизғиши гардиши энди баландда, кўк денгизида кумуш лагандай сузди. Далалар визилдоқларнинг музикасини тинглагандай жимжит. Сертупроқ йўллар, олисдаги уйларнинг томлари ойдинда йилтириайди, бошларида, қўйинларида юлдузлар чақнаган теракларнинг бўйлари яна баландроқ, адилроқ кўринади. Лозимининг почаларини тиззагача 10 кўтарган, этаги липасига қистириғлиқ, енглари тирсаккача ҳимарилган, бош яланг Тансиқ, қўлда кетмони, шап-шап сув кечиб юради. Гоҳ оёқлари елимдай ёпишқоқ лойга ботади. Fўза мириқиб ичиши учун, қиз сувни секин, бир текис жилдиратишга тиришади. Бироқ сув баъзан шошириб қўяди уни: тошади, эгатларни бузади. Бир жойда сувни тизгинлашга улгурса, нарироқдан шириллаб уриб кетади. Fўза сувориш — нозик иш. Бунга маҳорат керак. Кечанинг дараҳтларни куйга солган салқин ёқимли шабадаси қизнинг соchlарида ўйнаса 20 ҳам, унинг тани қизийди, ҳар нафасда у пешанасидан терни сидиради. Енган юзини лойқа сув билан гоҳ апир-шапир ювади. Тошибини, бузишни севган шўх сув моҳир, чаққон ва ғайратли қизнинг майлига бўйсуниди, жила-жила пахтазорни қоплай бошлади. Ойдинда сўлқиллаган гўзал дала, сувнинг кумушланган нозик мавжлари, ширин, жонли қўшиқлари қизнинг юрагини қувонч билан, ваъдани бажариш умиди билан тўлди^{куди}. Тансиқ ва ўртоқлари гектаридан юз центнердан 30 олмоқ учун ердан қор кетмасдан далага чиқишган эди. Шу чоққача озмунча меҳнат қилинди! Кетмон тифини қайирадиган тош-метин эски пахсаларни қизлар неча чақирим ердан ташиб келиб, далага тўкишди! Баҳорги бевақт ёмғир ва совуқлар туфайли рўй берган қийинчиликларни бартараф қилмоқ учун чекилган захмат ва машаққатларни қай тил билан баён этиш мумкин? Ҳа, яна олдинда қанча меҳнат ва қийинчиликлар бор! Лекин совет қизлари ўз мақсади йўлида ҳеч нарсадан чекинмайди. Ахир бу қизлар уруш йиллари, дадалари, оғалари ўрнини эгаллаб, далада ва қурилишларда қандай мўъжизалар кўрсатишди. Юз центнерчилик улар учун яна бир синов. Лекин қизлар халққа, Ватанга ва

суюкли Партияга берган ваъдаларини бажаришга ишо-
надилар.

Даланинг бир бурчидан қўшиқ янгради. Тансиқ кет-
монга суюниб, Анорхоннинг ёқимтой товушини тинглади.

Колхоз-совхоз шайланган,
Яхши отлар бойланган.
Советларнинг даврида
Чўл чаманга айланган.

10 Гулзор қилдик чўлини,
Билдик бахтнинг йўлини,
Қўзимизга суртайлик
Ҳар гул, ҳар япроғини.

Қўпайтирди ноннимиз,
Ором олди жоннимиз.
Дунёда эсон бўлсин
Партия устозимиз.

Қўшиқ битганда Тансиқ кулиб қичқирди: «Қойил,
яна бўлсин!» Дам ўтмасдан, далага қўнгироқдай жа-
ранг овоз ёйилди. Энди Ҳакима куйлар эди:

20 Булбул сайрайди гулда,
Ҳавас қайнайди дилда,
Яша, эй Ватан, яша!
Яшнаймиз йилдан-йилга!

Партиямизнинг йўли —
Ҳаётимиз юлдузи.
Бизни ғайратга солган
Улуғ Лениннинг сўзи.

Г.Н Гар
.1 Тансиқ далада ёлғиз эмасди. Унинг ўртоқлари сув
кечиб, лойга ботиб, ғўза суғорар эдилар. Кучли Дил-
30 шод ортиқча уринмасдан, ҳар вақтдагидан илдам ва
пишиқ ишлар эди. Анорхон ва Ҳакима бир-бирларига
кўмаклашиб, куй билан, шовқин билан сув ҳайдашар
эдилар. Мана, уч кундан бўён безгаги тутган Анзират —
садда, ювош, уятчан қиз — кетмон елкада келиб қолди
тўсиндан. Тансиқ койиниб, деди:

— Нега келдинг, кечқурун қалтираб, ёниб ётган
эдинг-ку?

— Иссифим пасайди, тузукман.

40 — Безгакни ҳазил фаҳмлама. Қиши кучини суғуриб,
шалпайтиради. Қайт уйингга, ёт! — деди буюрувчи
оҳангда Тансиқ.

— Сизлар оғир ишда, мен уйда қандай ётаман? Ба-
рибир уйқум келмайди,— деди Аңзират ялинган товуш
билан.

— Үжарсан-да. Хўп, сувга туша кўрма, ариқни ёқа-
лаб юр, сувга разм сол, тошса, ўпирса, бизга айт, ду-
рустми?

Ярим кечага яқин Анорхон шудринг тушгэн муздак-
кина майсага ўтирди, бошини тиззасига қўйнб, ичидан
бир уҳ тортди. Бу — ҳорғинлик белгиси эмас эди. Та-
биати шўх, қувноқ, ашулачи, ҳазилсевар бу қизнинг 10
юрагида дарди бор эди. Бу дард ўқтин-ўқтии юрагида
шундай тўлғанардики, қиз беихтиёр инграб юборар эди. А-
норхон севарди. Икки йил бурун у колхозчилар билан
бирга катта қурилишда қатнашди. Бу ерда қиз Жамол
деган жасур, кучли, қарчигайдай чаққон ёш колхозчи
билан — ҳамқишлоғи, лекин «Социализм» колхозидан
эди у — бирга ишлаб, унга кўнгил қўйди. Қурилишда 20
Анорхон ва бир неча бошқа қиз-аёллар орасида Тансиқ
ва Аңзират ҳам бор эди. Булар тепалик бағридаги зем-
лянкалардан бирида яшар эдилар. Үн мингларча халқ-
нинг, машиналарнинг сурони билан тўла қурилишда,
оғир, лекин баланд руҳли меҳнатдан кейин чодирларда,
баракларда, землянкаларда ҳаёт қайнар эди. Қизлар,
аёллар иштаҳа билан овқатни еб, дам олишар, чўл тў-
зони билан кирланган соchlарини ювишар, Тошкент ар-
тистлари бераётган концертга боришар ёки катта май-
донда дорбозларнинг қалтис ўйинларини томоша қили-
шар эди. Кўпинча оқшомлари ўт ёқиб, гулханда қумғон
қайнатиб, колхоздан келтирилган майиз, туршак ва 30
жийда билан аччиқ чой ичишни, ундан-мундан гурунг-
лашишни севар эдилар. Қизлар яшаган землянкага эр-
каклар қарийб кирмас, улар бирон юмуш билан келса-
лар, остонаядан қайтар эдилар. Фақат раис Мирҳайдар
ўз колхозчиларидан хабар олгани келганда, дастлаб
уларга кирап, бемалол ўтириб, ҳар қиз-ҳар аёлнинг ҳол-
аҳволини суринтирар, арзларини тинглар, яхши сўзи,
оталарча насиҳати билан ҳар бирининг кўнглини кўта-
рар эди. Ҳар кун танаффус пайтларида Жамол бу зем-
лянкага бирон баҳона билан, бир зум бўлсин, кўз таш-
лаб ўтар эди: гоҳ газета ташлаб кетади, гоҳ эшикдан 40,
бирон қизиқ хабарни билдиради: масалан, фалон участ-
када бир аёл нормани беш марта ортиқ бажарибди ёки
Эшмат полвон бугун мунча тонна тош ташиди, гоҳ ни-

на ё ип сўраб келади. Фақат ҳар гал унинг ўткир, шўх кўзлари Аноҳонни қидирар эди. Қиз уялиб, ерга қарарди. Бир оқшом Аноҳон землянкада ёлгиз ўзи ўтиради. Рўпарадаги тепаликка ўрнатилган радио карнайидан чиройли, ишқий ашула совуқ саҳро шамоллари гувиллаган ҳавода учади. Қиз меҳнатдан, изғиринлардан чатнаган қўлларини қип-қизил чўққа тутиб, бутун юраги билан ашула тингларкан, эшикдан таниш овоз эшитилади:

10 — Аноҳон, нима хаёл суряпсиз?

Қиз ялт этиб қарайди-ю, Жамолни кўриб, юраги ҳовлиқиб кетади.

— Шу ашула сизга ёқадими? — сўрайди йигит.

— Ҳа, сизга-чи?

— Оҳо! Худди юрагимни сўзлаётганга ўхшайди, — жавоб беради йигит титроқ товуш билан.

Қиз унинг сўзлари тагидаги мъянони тушуниб, бошини эгиб, юзини терс буради ва шу онда йигит унинг қаршисида қандай чўққайганини сезмай қолади.

20 — Чиқинг, Жамолхон, ҳозир келиб қолишади-я. Бу нимаси тағин! — дейди ҳансираф Аноҳон.

— Аноҳон, дангал айта қолай: мен сизни жуда севаман, — дейди Жамол қизнинг қўлларини сиқиб. — Ҳўп денг, бутун умр бирга бўлайлик. Ишонаман, ота-онангиз ҳам рози бўлишади.

— Вой ўлай, нималар деяпсиз? Жуда ғалати йигит экансиз-ку. Ҳозир келиб қолишади, «қоронғида иккови нима қиляпти», — дейишмайдими? Ҳозир чиқиб кетинг, — қиз бошини яна кўпроқ эгиб ялинади. Жамол эса Аноҳоннинг билагидан маҳкам ушлайди, унинг ўт шуъласида уятдан ёнган юзларига ҳаяжон билан тикилади ва бир қўли билан унинг майнин, кўркам соchlарини силаб-силаб шивирлайди: «Мен ўз сиримни очдим, энди ихтиёр сизда...»

Аноҳ индамайди, бутун кучи билан билагини йигит қўлидан айришга уринади. Жамол ташқарида аёлларнинг товушини эшитиб, «Майли, яна гаплашамиз, юрагим сизда», — деб эшикка отилади.

40 Бундан бўён ҳар кун, ҳар соат уларни кўпроқ яқинлаштирди. Ўн етти яшар шўх, қувноқ қизнинг юрагида севги кун сайин кучлироқ ёлқинланди. У ҳар ерда — ишда ҳам, томошада ҳам Жамолга яқин бўлишга, унга

бирон сўз айтишга интилди. Буни бора-бора Тансиқ ҳам пайқади... Йигитни жуда мақтади у.

Бир кун катта баракда кино кўриб қайтишаркан. Анорхон ўртоқларидан атайин орқада қолди. Қоронғида Жамол уни дарров қўлтиқлаб, қаёққадир олиб кетди. Улар паст-баландликлардан туртиниб-суртиниб ошиб. қурилишдан узоқлашдилар. Тақир саҳрода ўнғайроқ жой қидиришиб, ниҳоят, совуқ, нам қум тепага ўтиришиди. Тим қоронғи, совуқ шамол ваҳм ғувиллайди. Қўкда сийрак юлдузлар кўз қисади. Қайдадир оч шақаллар-нинг анг-инги... Бироқ севишган ёшлар учун бу дамлар энг бахтиёр дамлар эди. Анорхон бошини йигит кўксига қўйиб, ҳаяжон билан сўзлади, кулади, хўрсинади...

Икки-уч топқир шундай учрашувлардан кейин йигит «уч кунда қайтаман», деб юмуш билан колхозга кетди. Аммо қайтмади. Кейинги кунларни қурилишда Анорхон дард ва соғинч билан, ё алдадими, деган ваҳм-ўйлар билан ўтказди. Қишлоққа қайтганда, Жамолнинг армияга кетганини эшилди. Шундан буён қиз айрилиқ дардида қовжирайди. Албатта, йигитнинг фронтга жўнаши у учун кутилмаган ҳодиса эмас эди. Лекин Жамолдан хат-хабар йўқлиги уни нотинч қилади, умидларини гоҳо қорага ўрайди. Жамолнинг синглисини ҳар кўрганда, гарчи дардини яширишга тиришса ҳам, бирон хушхабар умидида ўсмоқчилаб сўрайди.

Ҳозир эса бошини тиззасига қўйиб, Жамол тўғрисида ўй ва хаёлга ғарқ экан, бирдан Анзиратнинг товушини эшитиб, ўрнидан турди.

— Ҳай, кел, сувга қарайлик,— қичқирди Анзират.

Анорхон, кетмонни олиб, илдам югурди.

Тансиқ Ҳакимани эргаштириб, бедазор четидаги қатор шафтолиларга борди. Тунда худди расмдаги каби аллақандай жозибадор, ғалати кўринган бир дараҳтни силкитди. Ойдинда чиройли йилтираган чиллаки луччак шафтолилар дув-дув тўкилди. Қизлар этакларини тўлдириб қайтдилар. Звено баландликда ишкомча шаклида ясалган чайлада ширин, хушбўй ва муздай шафтолиларни шоша-пиша ейишар экан, секин-секин қўшиқ айтиб, Ўқтам келиб қолди: «Ҳорманглар, барчинойлар!»— қичқирди у.

Қизлар қувонишиб, дарров шафтоли тутишди унга.

— Қаердан келяпсиз шу паллада?— ғамхўрлик билан сўради Ҳакима.

10

20

30

40

- МТСдан... — жавоб берди акаси.— Үмуман ишлар чакқи эмас, опалар. Янги тракторлар, бошқа машиналар олдик. Механизация энди бизда беками-күст бўлади. Ота-боболардан қолгац, синалган азиз кетмонни улоқтиринг, демайман, у ҳали коримизга ярайди, лекин кетмонни далага озроқ чиқарамиз энди. Оғир ишларни машинага юклайверамиз. Ишларимиз машиналашган сайн қўлларимиз кўпроқ бўшайди, китоб ўқишига, қалам тебратишга вақтимиз кўпроқ қолади. Менимча, опалар,
- 10 10) колхоз деган сўзининг асли маъноси ҳам шунда.
- Бўш вақтлар уйда, чайлада китоб ўқиймиз,— деди Тансиқ.— Лекин яхши китобларимиз оз.
- Шундайми, бўпти, бир кутубхона ясаймиз клуб колдида,— кўтарики руҳ билан давом этди сўзида Ўқтам.— Колхоз меҳнатни кун сайн енгиллаштириб, содамларга роҳат ва маданият бағишлиши керак. Биз келгусида қишлоғимизда сугоришим, ер ҳайдашним, хирмонним, дазмол босиши, ош пишириши, соқол олиши, сигир соғишиням электрлаштирамиз.
- 20 20) — Чима деяпти, оз-моз кайфи борми?— шивирлади Анизат Дилшоднинг қулоғига.
- Иўқ, ҳушёр, электр шундай серхосият бўладида,— шивирлаб жавоб берди Дилшод.
- Олдин ҳар уйга биттадан электр чироқ беринг, Ўқтам ака,— деди Анорхон қувониб.
- 30 30) — Тўғри, олдин чироқ. Фақат, нега уй бошига биттадан? Иўқ, уй-айвонларингизгина эмас, оғилларингизгиям электр ёритади,— деди Ўқтам ва шафтолидан еб, ширасини лабдан артиб, пастга, ойдинда чиройли тов-панган далага қаради.— Анча ерни сугорибсизлар-ку, мироб опалар. Сугориш, зотан, эркаклар иши. Қолган ерни мен ўзим сугориб қўяман. Ҳозир уй-уйларингга марш!
- Хо, биринчи марта сугоряпмизми?— эътиroz этиди Тансиқ.
- Дам олинглар, эрта кечқурун қирга, буғдој ўроғига, баъзиларинг бир неча кунга ёрдам учун борасизлар,— деди Ўқтам қистаб.— Доннинг қадрини ҳам билиш керак. Беш йил урушда халқни, аскарни колхоз ғалласи боқди!
- 40 40) Қизлар кетмонларини ювиб, кетмоққа ҳозирланишиди. Ўқтам этикларини еча бошлади. Шу онда кўкрагида орден ва медалларини ярқиратиб, елкасида кетмон,

Собир Эрматов дарахтлар орасидан чиқиб келди ва қизларга зимдан тикилиб, Ўкта мана түхтади. Унинг чаккасида кўркам оқ гул чақнар эди.

— Ухламайсанми, Собир охун?— сўради илжайиб. Ўкта мана.

— Сенинг ялпи мусобақангдан кейин уйқу нормасини хийла қисқартиришга тўғри келди. Хўш, ўзингни ма қилмоқчисан? Мен сенга ачинаман.

— Ачинсанг, ёнимга кир, қизчаларга ёрдамлашайлий,— деди Ўкта мана кетмонни қўлда чоғлаб кўриб. 10

Собир индамасдан, жиддий ва мағрур тус билан ишга киришиди.

VI

Ўкта мана ўроқчилар қўшхонаси олдида отдан тушганда, чодирларда ҳеч ким йўқ эди. Ўроқчиларнинг хилма-хил кийимлари узоқда, қирии қоплаган олтин буғдойзор орасида кўзга чалинар эди. Отни қияликда ўсган, барги юпун, қовжироқ жунгулга боғлаб, тутун тараалаётган сойликка тушди. Тутун орасидан кўзларини ишқалаб, Мастура чиқиб келди. Ўкта мана хушвақтлик билан: «Хорманг», деди. Лекин аёл жавоб бермади. Қизариб ёнган лўппи юзидан кир терни артмасдан, аразлаган эрка қизчадай, ўшшайиб тескари қаради у. Ўкта мана индамасдан ўчоқ бошига борди. Ёнма-ён қурилган қўш қозонда кўпириб қайнаган шўрванинг totli ҳиди йигитнинг димогига урилди.

— Сиз яхши пазандасиз, таърифингизни эшитганман,— деди маънодор илжайиб Ўкта мана.

— Мени қаерларга олиб келиб ташладингиз?— бирдан Ўкта мана яқинлашиб, кўзларини тиканакдай қадаб, 30 жаҳл билан деди Мастура.— Қаранг, саҳро, дўзах... Тиккайган дарахт йўқ. Суви алла қаёқда, ҳам бемаза, илиқ. Уҳ, шўрим қурсин мени!

— Нега дўзах? Биз колхозчилар учун бу ерлар олтиндан аслроқ... Ана, қирларга бир назар солинг, тўла, кўркам бошоқлардан киши кўз узгиси келмайди.

— Мана, қўлимга, бетимга, аҳволимга қаранг. Қиши ҳуркади!— худди эрига қиладиган дўқ билан бидирлади Мастура.

Ўкта мана талабкор товуш билан деди:

— Хўш, нега бошқа аёллар, қизлар нолимайди. Тансиқ, Анорхонлардан ибрат олинг. Яна улар сиздан

40

анча ёш. Тўғри, бу ерда меҳнат қилиш осон эмас. Урганиш керак. Меҳнат таги — роҳат, деган қадимгилар. Бизнинг замонда иш билан тишни мос қилиб яшаш лозим!

— Ҳа, бу меҳнат эмасми? Эрта-кеч косовдек ўчқода куйиб ётибман. Шўрим қурсин мени,— қалбаки йиғлам-сираш билан деди Маствура.

— Йўқ, ошпазлик ҳам осон эмас. Ҳўп, ўроқчиларни, хирмончиларни лазиз овқатлар билан боқинг. Сал ҳаф-саласизлик қилсангиз, жуда хафалашиб қоламиз. Ҳа, боринг, анав хуржунда гўшт, мой бор, гуруч бор. Кеч-қурун паловни дўндирасиз. Эртага қўй сўямиз. Ишлар йирик.

Мастура жаҳлдан тушмаса ҳам, қандайдир илжайиб хуржунга югурди. Ўқтам бу ернинг рўзгорини бир-бир кўздан кечирди. Ҳар нарса саранжом-саришта эди. Паст-баландликларга кетмон билан табиий пиллапоячалар ясашган. Ўчоқларни ҳам гўё бу ерда қишиламоқчи бўлгандек ошпазларнига ўхшатишган: «Бизнинг колхозчилар ажойиб-да. Қаерга қадами тегса, у ерии бир-пасда одамбоп қилади-қўяди»,— ўлади ичиде Ўқтам, кейин баҳорги селлар қайдандир келтирган ранг-баранг майдоношлар билан тўла сойлиқдан жингиртоб тепага кўтарилди. Тепада, текис ерда эркаклар, аёллар аччиқ тўзон ичиди, тер тўка-тўка хирмон кўтарар эдилар. Бир неча жойда уюм-уюм буғдој олтинланар эди. Қўёшда қизиган донларни кафтига олиб, диққат билан қаради, дон йирик ва тўла эди. Бир неча донни оғзига солиб, йирик, бақувват тишлари билан кусур-кусур ушатиб, 30 чайнаб, таъмини ҳам тотди Ўқтам. Бу ерда ҳамма нарса жойида-ю, лекин ўрим-йиғим ишлари сустроқ бораётгани уни безовта қилди. Фалла планини катта суръат билан бажаришга жазм этган эди у. Бунинг учун баъзи янчиш асбобларини кўпайтирмоқ керак эди. Одамлар унга «Элобод» колхозига мурожаат қилишни маслаҳат беришди. Овқатдан кейин Ўқтам куннинг авжи қизиган пайтида, қалпоғини қошлирига қадар бостириб кийиб, отга минди. Бу баҳона билан донгдор колхозни кўраман, деб хурсанд ҳам бўлди у. Йўл оғир ва зериктиргич эди. Қирлар, адирлар қовжираб ётади. Кўкламги кўкатлар ҳозир шундай жиззинак бўлганки, гўё қуёш шуъласидан ловиллаб ёниб кетгундай. Юнгсиз гавдалари йилтираган туялар унда-мунда янтоқ чимдиб,

вазмин, ялқов тентирайди. Ўқтамнинг елкасини саратон куидиради. Томоғи қақрайди. Ўқтин-ўқтип пишқириб, бош силкиб йўргалаган от кўпикка беланади. Чамаси, икки соат юриб, тупроғи қизғиши, тақир қирга кўтарилигач, олисдан кўзларига ялпи кўм-кўк дала очилди. Бу манзарадан Ўқтамнинг кўнгли бир онда яшнаб кетди, кўксига ёқимли шамол теккандек бўлди. Ўжар сувни ром қилиб, ўлик чўлга ҳаёт ва ҳусн бағишлаган колхоз азаматларининг иродасига, маҳоратига қойил қолмаслик, фахрланмаслик мумкинми? Ўқтам энини, узунасини кўз қамрай олмайдиган бой пахта далаларини томоша қила-қила янги қурилган ўқдай тўғри йўлда отни секин йўртиб кетди ва йўл охирида ҳовузнинг катта доирасини зич қуршаган, узоқдан муazzзам сада дарахти каби яшил гумбаз бўлиб кўринган ёш толзорга қандай етиб келганини сезмай қолди. Ҳовуз бўйида, салқинда панжараларининг зангори бўёғи йилтираган катта ёғоч каравотда бир неча кишилар дам олиб ўтиришар эди. Афтидан, улар ҳозиргина ишдан қайтган эдилар, юзларининг тери ҳали қотмаган, қовжироқ лаблари чой талаб эди. Ўқтам отни нари-бери боғлаб, ўзини салқинга урди, одамлар билан кўришди ва қамчи дастасини қўнжига тиқиб, каравотга чиқди, қалпоғи билан елпиниб, толзор орасида сокин жимирилаган, ўт босган қирғоқларидан баъзан қурбақалар ялқовгина қуриллаган ҳовузга қараб, деди Ўқтам:

— Сўлим жой бўпти-ку. Атрофда иссиқдан қуш қаноти куйгудай, бу ерда фир-фир шамол!

Кенг, сертуқ кўкраги очиқ, кучли колхозчи кўзи билан толларга ишора қилиб, деди:

— Ажаб, кўк чодир бўлди бу. Ўткинчилар бу ерда бирпас қўнгиси келади.

Жингалак сочи ўсиқ, шапкали ўспирин колхозчи газетадан бошини кўтариб, деди:

— Э, келасида бу ерларда шундай дарахтзорлар ясайликки, Русиядаги ўрмонлардай ичига кирсангиз, адашиб қоласиз.

— Ҳаммасиям бўлади,— деди кўзлари ним юмуқ бошқа колхозчи.— Дарахтдан дарахт баҳр олади. Лекин ёлғиз мевали дарахт ўтқазиш керақ, бу ерга анжир эк — лагандай бўлмаса, калламни ол, беҳи эк — ҳандалак уз! Бу ерни офтоби, шамоли, суви ана шундай хосиятли...

10

20

30

40

Гап яқиндагина ўлик дала бўлган бу ернинг мўл
пахтаси ва илк меваларининг ажойиб сифатлари ҳақида
борар экан, қаерданdir от ўйнатиб, қиз келиб қолди. Унинг юзи қорамтири, тўлагина; кулимсираган лаблари
ингичка; иягининг ичидаги кичкина, чироили чукурчаси
бор, қоп-қора кўзлари жуда жонли, ўйноқ; қошлари ин-
гичка, сал чимирилган; соchlари янги дўппи устида чам-
бар, эскироқ атлас кўйлак устидан кийган оқ, сарғиши
шойидан торгина нимчаси унинг кучли белини, тўлаги-
на кўкрагини яна яққолроқ, қабартиброқ кўрсатар эди.
Одамлар қизни тинглашга ҳозирланиб, ҳурмат билан
тиклишиди. Кўкраги сертуқ, ярим ялангоч колхозчи
жомакорини елкага ташлади. Ўқтам каравот панжара-
си устидан ерга сакради, лекин қизга ўзини қандай қи-
либ танитишни билмай, бир қўли билан ёш толни уш-
лаб, бир қўлини камар қайишига тираб, отлиқقا зим-
дан қараб турди. Қиз, сувлиқ чайнаб, бошини тинмай
силккан, кўзлари ҳуррак, баланд, бўз отдан тушмасдан
ўткир жаранг товуш билан гапира бошлади-ю, бирдан
Ўқтамга кўзи тушиб, «Ким экан», дегандай бир зум ти-
килди-да, отдан жуда чаққон тушди, жиловини билакка
солиб, Ўқтамга қўл узатди. Ўқтам унинг тийрак кўзла-
рида, қайдансиз, кимсиз, деган саволни уқти-да, қиза-
ринқираб, деди:

— Ўртоқ Салимова сизмисиз? Мен «Қаҳрамон» кол-
хозидан. Бир юмуш билан сизга келган эдим.

— Жуда соз. Гаплашамиз. Қалай, Мирҳайдар ота
бардаммилар? Қеча йўлакай учрашиб ўтмоқчийдим,
вақт бўлмади. Лекин у колхозда мен сизни сира кўрга-
ним ўйқ эди. Яқинда қайтдингизми?

Ўқтам илжайиб, бошини қимирлатди. Комила уни
ўтиришга таклиф этди ва ўзи колхозчилар билан турли
ишлар ҳақида шундай гаплашиб кетдики, кимдир унинг
билагидан жиловни олиб, типирчилаган отни нарига
етаклаганини ҳам сезмай қолди. Колхозчилар раиса-
нинг ўткир, жонли, тоҳничинг, тоҳ ташвиш ва ҳазил
билан тинглашар, ўз таклифлари билан тўлдиришар,
гали келганда, очиқ эътиroz қилишар эдилар. Қиз маъ-
қул тадбир ва таклифларни тинглагандаги, бошини чиро-
ли силкиб қўяр эди. Ниҳоят, қўлида совиб қолган пиё-
лани симириб, ташвишли товуш билан гапирди у:

— Шу паллада кеча-кундуз тинмасдан, ғаллани ташиш керак. Ахир биз районда ғалла планини биринчи бўлиб бажаряпмиз-а! Бу кимнинг обрўси?! Баъзилар дейдики, донга қарасак, пахта қоляпти, пахтага зўр берсак, донга қўл қисқалик қиласди... Тўғри эмас. Ҳеч! Гап шундаки, дон масаласида меҳнат ўз қолипидан чиқиб кетяпти. Шунча транспортдан — машиналардан, аравалардан, туялардан яхши фойдаланолмадик. Бугун кечқурун қирга жўнаймиз, бир дона донни қолдирмасдан ташитиб, кейин қайтаман. Ҳусанбой ота,— мурожаат этди қиз қари пахтакорга,— биласиз, ҳосилот раиси касал. Олтинчи бригаданинг ғўзаси — мана мен ҳозиргина айланиб келдим — сира авж олмаяпти. Бригадир довдираб қолган, на чопифида, на сугоришида сифат бор. Ўт босиб ётган ғўзалар ҳам оз эмас. Үйтлардан ҳам тўғри фойдаланиши билмайди. «Эллобод» учун бу зўр айб эмасми? «Большевик» колхозидан мусобақадошларимиз текширишга бирдан келсалар, ким қизаради? Ўзингизга маълум, биз ўзимиз текширишга боргандা, ғўза орасида сичқоннинг думидай ўт кўрсак, мажлисда 20 бояқишлиарни роса ўсал қиласми. «Ҳа, яна бригадир агроном сўзини писанд қиласми. Ўзим биламан, энам мени ғўза ичидан туққан», дейди. Ана мақтанчоқлик! Бундан кейин пахтачиликнинг ривожи илмга боғлиқ эканини ҳаммамиз яхши тушуниб, ҳамиша бунга риоя қилишимиз керак. Илтимосим шуки, сиз ўзингиз шу бригада ишидан кўз узманг, бригадирга йўл-йўриқ кўрсатинг, дурустми?

— Хўп, қизим, хўп, Қомилажон,— деди мамнуният билан қари пахтакор.— Агар кенгашимни уқиб олса, 30 ғайрат қилса...

— Қани, кенгашни уқмасин, кўрамиз,— деди қошини чимириб кескинлик билан Қомила Салимова.— Пахта — давлат иши, колхознинг суюнган тофи... Бу ерда манманликка, сансалорликка ўрин йўқ!

Шу аснода пайваста қош, шалпанг қулоқ, бармоқла-рида бинафша ранг сиёҳ доғлари бор, ориққина йигитча — идора секретари пайдо бўлди ва машинада ҳозир бир киши келиб, раисани кутиб турганини билдириди. Қомила Салимова Ўқтамга мурожаат этиб, узр тилади ва унинг илтимосини жуда диққат билан тинглади.

— Жонимиз билан,— деди кулимсираб Қомила.— Ҳаммамизнинг ишимиз бир. Ҳаммамиз план учун ку-

рашяпмиз. Қўйнидан тўкилса, қўнжга. Мирҳайдар отанинг фойдасини кўп кўрганмиз. Қани, юрииг бўлмаса.

- Ўкта м сал ғирчиллаган паст пошина, ихчам этикда тез ва енгил одим отган, қадди-қомати расо қиздан ўзини пича тортиброқ юрди, уни-буни сурнштиromoқчи бўлди-ю, лекин Комила кўзларини яшимоқидай, бошини бир оз эгиб, жиддий, ўйчан боргани учун, яна тилини тийди йигит. Идора эшигига Комила тўхтаб, Ўкта мнинг илтимосини секретарга топширди, илдам бажаришини сўради. Ўкта м миннатдорчилик билдириди. Икковлари кулимсираб, жуда самимий хайрлашдилар. Ўкта м асбобларни олиб кетиш учун эртага арава юборишини хизматга тайёр секретарга уқтириди-да, янги қишлоқнинг манзараларини томоша қилмоқ учун аста юриб кетди. Йўллар, кўчалар ва колхозга қарашли катта-кичик ҳар турли бинолар унинг ҳавасини келтирди. Бу ерда ҳар нарса янги ва планли эди. Катта йўлдан ўнгга, сўлга тушган ўқдай адил, кенг кўчаларнинг ҳар икки томонидаги қатор янги уйларга кенг тротуар бўйлаб юксалган тераклар оромбахш соя ташларди. Уйларнинг кўпи ҳали қора шувоқда, аксар деразаларга энди ойна солинаётир. Лекин ёш боғчалар ичиди, қирқофайнин ва ўзга чирмовиқ гулларнинг ёрқин каштаси билан ўралган бу уйларда фаровон, баҳтиёр ўсувчи ҳаётнинг руҳи барқ урар эди. Даражалар оралаб, столбалардан ҳар ёққа тортилган симларга Ўкта м ҳавас билан тикилиб, колхоз гидростанциясини кўрмоққа қизиқди. Лекин юраюра кенг, сўлим майдонга чиқиб қолди у. Майдоннинг тўрини икки қаватли, деразалари кенг ва эшик олди оппоқ чиройли колонналар билан безангандан клуб биноси эгаллаган экан. Бино олдидаги каттакон гулзор ўртасида, минг ранг билан ёнган гуллар орасида Ленин юксалган эди. Ўкта м ҳаяжон билан тикилди. Унинг юраги қуёшга тўлгандай, кўзларида севинч қайнади. Ленин кулимсираб турарди. Окопларда, землянкаларда, қорда, бўронда Ўкта мни фидокорликка илҳомлантирган, даҳшатли атакаларда унинг руҳига ишонч ва темир ирода бағишилаган — халқнинг доно йўлбошчиси, меҳрибон дўсти ва ҳаёт боғбони Партиядир! Қаердадир, гуллар қўйнида сув куйлади. Шуълалар селида чўмилган ёш мевазорларда қушлар сайрайди, клубининг очиқ деразаларидан пионерларнинг жараанг овози, музика садолари олтин ҳавога оқади. Буларнинг барни кечаги ваҳшний ер-

да ёрқин, баҳтиёр ҳаёт тантанасини барпо этган улуг доҳийга мадҳия — гимн эди...

Ўқтам майдонни айланиб, ҳовуз ва фонтанларни томоша қилиб, идора рўпарасидан чиқиб қолди. Комила Салимова район бўйича ғалла тайёрлаш ишига биритирилган вакилни чанг босгани машинага ўтқазиб, хайрлашмоқда эди. Машина тўзон кўтариб юриб кетгач, Ўқтам қизга яқинлашди.

— Ҳали шундамисиз? — сўради Комила алланечук 10 қизаринқираб.

— Бой виставкага киргандай, томоша қиляпман қизиқиб. Яхши обод қилибсиз. Ҳар колхоз намуна олса арзийди. Бир вақтлар бу ерлардан киши чўчир эди.

— Ҳали ишларимиз чала. Ободончилик планимиз анча катта,— деди камтарлик билан Комила.

Ўқтам гидростанцияни кўрмоқ орзусини айтди.

— Юринг, мен ўша томонга бораман. Бир оз олис, майлими? — деди Комила йигитга зимдан разм солиб.

Комила Ўқтамни дастлаб катта боқقا олиб кирди. Киши кўрмаган мевали дараҳтлар қатори таажжубла- 20 нурли гўзал эди. Боғ — ёш, унда-мундагина нишона мевалар кўзга чалинар эди. Ҳар қарич ерга, ҳар дараҳтга алоҳида парвариш қилингани сезилар эди. Мевазорни бўйи бир қарич кўм-кўк беда қоплаган. Катта дарвозадан бошланиб боғнинг ичига қараб кетган текис йўлда Ўқтам томоша қилиб юриб, Комилага саволлар берар, қиз пишиқ-пишиқ жавоб қайтарар эди.

— Саҳни ўттиз беш гектар. Дараҳтларни уч йил бурун ўтқаздик. Олмалар бари хилланган. Неча хил, дейсизми? Жуда кўп. Бош боғбонимиз — соҳибкор одам, 30 пайванд қилиб бир дараҳтдан ҳар хил мева ундириш билан овора. Қани, бу ёққа юринг, кичкина қурилишимиз бор.

Ўқтам Комила орқасидан юриб, олчазор орқали кенг, текис, баҳаво майдонга чиқди; майдоннинг бир томонидаги тепаликка усталар икки қаватли катта иморат қурмоқда эдилар. Ҳар икки қаватдаги хоналарнинг кенг деразалари ўймакор устунли узун, лекин торроқ шарқча айвонга очилар эди. Комила пойтешаларни маҳорат билан ўйнатиб, хода текислаётган усталар қошида тўх- 40 таб, нималар тўғрисида сўзлашаркан, Ўқтам ҳавоза — тахта нарвондан болаҳонага илдам кўтарилди. Бундан кўз илғамас узоқликларга, зангори осмонинг туташган

тоғ чўққилариға қадар, ажойиб бой манзаралар очилар эди.

— Бу қандай бино, нимага мўлжаллайсиз? — сўради Ўқтам пастга тушиб.

— Бу Дам олиш уйи,— жавоб берди Комила.— Колхозчи илфорлар бу ерда истироҳат қилишади.

— Қачон очасиз?

— Бу йил томини ёпамиз. Кейин қиш бўйи наққошлар ич-ташини чиройли безайдилар. Жамики керакли ускуна ва жиҳозларни оламиз. Мана бу ерда,— майдон ўртасини кўрсатди Комила,— кўлдай катта ҳовуз қазиймиз. Тевараги гулзор бўлади. Мана бу томон — спорт майдони. Колхозчиларнинг роҳати ва соғлиғи учун нима керак бўлса, бари бунда муҳайё бўлади. Келар баҳорга очиш ниятидамиз.

— Бизга ҳам путёвка берасизми? — кўзини қисиб, ҳазиллашибди Ўқтам.

— Путёвкани кишига аъло меҳнат беради-ку,— жавоб берди Комила табассум билан.

20 Улар боғдан чиқиб, ёлғиз оёқ йўлдан, пахта майдонлари, бўйлаб юришаркан, қиз Дам олиш уйининг аҳамияти, колхоздаги ўзга қурилишлар, ишлар ҳақида сўзлади ва гап орасида Ўқтамнинг колхоздаги юмуши тўғрисида сўради. Суҳбат, муомала минут сайин кўпроқ бевосита ва дўстона бўла бошлади. Ўқтамга гидростанция дастлаб оддий ва енгил қурилиш каби кўринди. Ўқтам баландга кўтарилиб, қувур бўйича катта суръат ва куч билан отилаётган сувни томоша қилди, кейин станциянинг мустаҳкам, гиштин биносига кириб, агрегатни ва асбобларни кўрди. Станциянинг ягона ходими — ёш колхозчи унга бутун «сир»ни бирпасда тушунитириб берди.

— Сиз ҳам станция қурмоқчимисиз? — сўради Комила.

— Ҳозирча «яхши ният — ёрти мол», — жавоб берди кулиб Ўқтам.

— Қуриш керак. Электрлаштириш колхозни янги поғонага кўтаради,— деди Комила.

40 Ўқтам қизнинг қайгадир шошаётганини фаҳмлаб, қалпоғини кийди ва қадрдонларча хайрлашибди. Лекин нарироқ бориб, ихтиёrsиз равишда бир нафас орқасига қаради. Комила кўм-кўк далада бошини кўтариб, шахдам одим отар, атлас кўйлаги қуёшда чамандай ёнар,

товланар эди. Йигит иккинчи марта қарагандә, қизни күра олмади, юрагини нимадир санчгандай бўлди.

Ўқтам ғаллакорлар қўшхонасига шом қоронфисида қайтди. Колхозчилар эндиғина бет-қўлларини ювиб, кечки овқат учун дастурхон теварагига давра қурган эдилар. Мана, Мастура инқиллаб, лаган-лаган паловни келтираверди. Одамлар иштаҳа билан ошай бошлади-лар.

— Ошни боплабсиз! — қичқирди Собир.

Хотинлар даврасидан Мастура дўқ уриб, деди: 10

— Ҳай, Ўқтамжон, ҳар меҳнат кунимга қанчадан буғдой берасиз?

— Иш талаб қилсақ, ҳуркиб юз газ сакрайсиз, ҳақ сўрашга тилингиз бурро!

Ҳамма секингина кулди. Паловдан кейин эркаклар наматларга чўзилиб, чой ичишга киришди. Ўқтам «Элобод»да кўрганларини айтди, тонг отмасдан арава қўшиб бориб, асбобларни келтиришни Собирга топширди. Дўсти кулиб қичқирди:

— Есть, ўртоқ командир!

20

Қирдан фир-фир шабада эсади. Кўкда юлдуз чамани очила бошлайди. Ўқтам бир неча қизларга яқин келиб, акаларча сўради:

— Хўш, опажонлар, нега жим ўтирасизлар? Ё бир-бирларинг билан аразмисизлар?

— Йўқ, ҳамма вақт иноқмиз,— жавоб берди Тансиқ.

— Демак, роса чарчабсизлар-да. Тўғри, саратонда хирмон кўтариш ҳазилакам иш эмас.

— Чарчаганимиз йўқ. Бундан оғирроқ ишларниям 30 бажарганимиз,— деди Дилшод ғурур билан.

— Мана, Анорхон уҳ тортятти-ку. Демак, бугун пи-ча чарчадинглар,— деди Ўқтам қизларга бир-бир тикилиб.— Лекин бу қийинчиликлар ўтиб кетади: аста-аста ҳамма иш электрга кўчирилади. Аммо биз, аскарлар, совет қизларидан, аёлларидан бениҳоя миннатдормиз. Улар ёлғиз мамлакат ичиди эмас, фронтларда ҳам ажо-йиб қаҳрамонлик кўрсатишиди. Бир вақт менинг умрими ни бир қиз сақлаб қолди, бўлмаса аллақачон...— Ўқтам оғир хўрсинди ва папиросни ёқиб, тез-тез торта бош- 40 лади.

— Ўқтамжои, нима деяпсиз, эшнтайлик биз ҳам,—
деди қизиқиб аёллардан бири.

Ўқтам хотин-қизлар ёнига чўққайди.

— Биз Великие Луки деган жойда жанг олиб борар эдик,— ҳикоя қила бошлади шошмасдан Ўқтам.— Немис қаттиқ қаршилик кўрсатиб, ҳар қарич ерга тиштироғи билан ёпишар эди. Қишлоқлар кунда неча марта қўлдан-қўлга ўтарди... Душманни қонга ботириб, қувиб чиқамиз, бирпасдан кейин ўликлари устидан яна бостириб келади. Яна қирғин. Қаҳратон қиши. Ана совуқ, ана қор! Эҳтиёт бўлмасанг, бирпасда тошдай қотасан. Шундай паллада тун-кун жанг. Ер ҳам, осмон ҳам муттасил гумбурлайди. Бир кун катта станция олдида мен ярадор бўлдим, нақ елкамдан. Мен тишимни-тишимга қўйиб, орқага судралдим. Атрофимда, бошимда ўқлар ёмғирдай ёғади. Миналар қорни — ерни кўкка совуряпти. Яна сонимдан яраландим. Қимирлашга мадор қолмади. Қорни қўлим, иягим билан ўйиб ёта қолдим. Ҳа, энди иш тамом, дедим. Душман яқин, мен ўт орасида ахир. Лекин шу вақтда мени кимдир тортиб кетди, бир вақт қарасам, чуқурда ётибман, ёнимда санитарка қиз, ўзимиз билган ҳазилкаш Шура. «Қора кўз ўзбегимга ёрдамга келдим», дейди қулоғимга. Кейин мени дарров елкасига ётқизди, жаҳаннам орасида эмаклаб-эмаклаб, хавфсиз жойга олиб чиқди, сув берди, яраларимни боғлади: «Яна ўзимизга қайтиб кел, Берлингача бирга борамиз!»— деб хайрлашди, мени чанага ўтқазиб, санбатга жўнатди...

— Вой, қандай яхши қиз, туғишгандан ҳам афзал!—
30 деди бир аёл.

— Ҳозир қаерда Шура, адресини биласизми?— ҳаяжонланиб сўрашди қизлар.— Биз хат ёзамиз, чақирамиз, меҳмон қиласиз, у билан опа-сингил бўламиз.

— Мен ўз частимга қайтганда, Шурани кўра олмадим: бир жангда ҳалок бўлган экан...— жавоб берди Гамгин товуш билан Ўқтам ва шу онда бирдан ўрнидан турди-ю, қоронғида қаёққадир аста юриб кетди. Ҳамма чуқур хўрсинди, Анорхон ииқ-ниқ йиғлади. Тансиқ ўртоқларига секингина деди:

40 — Эртага ҳаммамиз ботир қиз Шура учун нормани иккι ҳисса ортиқ бажарамиз, нима дейсизлар?

Ҳамма қизлар бу таклифга юракдан қўшилишди.



«ОЛТИН ВОДИЙДАН ШАБАДАЛАР».
Романинг ўзбек тилидаги биринчи нашри.

Мирҳайдар кечга яқин уйга қайтди. У кечадан буён остонасига қадам қўймаган эди. Қеча бир тўда тажрибакор колхозчилар бошида мусобақадош «Меҳнатобод» колхозига борди, бутун кун қариyb дам олмай, гоҳ отда, гоҳ пиёда дала айланниб, ғўзани синчилаб текшириди, катта колхознинг ўзга хўжаликларини эринмасдан, қунт билан танқидий назардан ўтказди, кечки овқатдан кейин бошланиб, ярим кечага қадар чўзилган катта, суронли мажлисни тугатиб, бир чимдим ухламай, мудроқ ҳолда отга минди. Тонг қоронғисида чойхонада нарибери нонушта қилиб, далага югурди. Унинг энг суйган иши — дала айланмоқ, ғўзани парвариш қилмоқ эди. Лекин бугун алоҳида ғайрат-диққат билан кезди. Қимни мақтади, қимни оталарча койиди. Баъзи бригада ва звенополарнинг ерида ора-сира кўринган заараркунанда қуртнинг ўз вақтида йўқотилганига ишонса ҳам, яна бир топқир синчилаб текшириди. «Меҳнатобод» колхозининг тажрибакорлари яқин ўртада ногиҳон бостириб келишлари аниқ эди. Ғўзанинг бир тупидагина эмас, бирон ~~бар~~гида шираға, ҳашаротга кўзлари тушса, улар мажлисда шовқин кўтаришлари маълум. Дала ишларидан бўшагач, раис, ўз одатича, фронтчиларнинг хона-донларига кирди, томорқаларини кўздан кечирди. Чоллар, кампирлар, етимларнинг аҳволини суриштириди, илиқ сўзи, моддий ёрдами билан уларнинг кўнглини кўтарди.

Мана, ҳориб-толиб ўз ҳовлисига қадам қўйиши биланоқ қизчаси — беш яшар Юлдуз тиқмачоқдай оёқлари билан пилдираб келиб, унга талпинди. Мирҳайдар энкайиб, қизчани кўтарди, унинг оппоққина, юмшоққина, лўппигина юзидан ўпди, ҳурпайган майнин олтин сочларини силади. Юлдуз чолнинг соқолини тутамлади, хаҳолади, кейин бўйнидан маҳкам қучоқлади.

— Соғиндингми, Юлдузим? Айланай, ширин қизим, жоним қизим,— деб топ-тоза ҳовлида, шарқираб оққан ариқ бўйида аста юриб, қизчани эркалади. Ҳовли орқасидаги боғчадан хотини бир қучоқ сабзи, пиёз кўтариб чиқди. У баланд бўйли, қотма, сўл чакагида бир мирилик тангадай қабариқ қора холи бор, сочларининг қорасидан оқи кўпроқ, мулоийм аёл эди.

— Қутлуғжон қаёқда?— сўради Мирҳайдар.

Хотини Тиллабиби сабзавотни девор тагидаги ёзлик ўчоқ бошига қўйиб, жавоб берди ташвишланиб:

— Мен қайдан билай, шу кунларда Қутлуғжон шундай шўх бўлганки... Эсон бўлгур эртаю кеч дараҳт тепасида. Эс-ҳуши қушда. Унга бедана-медана топиб беринг, овунсин.

— Бедана эмиш,— койинган тусда деди раис.— Шаҳардан нуқул суратли бир қучоқ китоб, яна қанча бўёқ келтирган эдим-ку, ўқисин, чизсин.

Шу вақтда баланд пахса девор орқасида, кўчада 10 ўсган юксак, қари қайрағоч тепасидан жаранг товуш эшитилди:

— Дада, қарқуноқ ини!

— Туш ҳозир!— қичқирди Мирҳайдар.

Юлдуз туйғун ва тиниқ зангори тусли кўзларини ўйнатиб, акасидан шикоятланди: «Қуттуқ менга китоб бермади, болаларга беради. Ҳе, сопқон отиб, косани синдириди. Ҳе, тағин, тағин... кўчада аравага осилди. Ҳа, тағин-чи, дада деворда юрди, тағин қўйирчоғимни сувга оқизди...»

— Қўявер, қизим, мен унинг қулоғини чўзиб қўяди. Сен жуда ақллисан-да.

— Дада, мен ҳовли супурдим,— қувониб, мақтаниб деди Юлдуз.— Ариқда рўмол ювдим. Мана, кўйлагимни қаранг. Енгги. Аттасдан. Аям тикиб берди.

Мирҳайдар қизчанинг парча-парча шўх гуллари яр-қираган янги кўйлагига ҳавас билан қараб, бола тили билан мақтади ва чорбурчак кенг ҳовлининг қариб ярмини қоплаган баланд сўрига — шамалоқ-шамалоқ осилган узумларга Юлдузни кўтарди. Ҳар нав мевага 30 кўзи тўқ қизча, узум узмади, қора шивирғониларни ушлаб-ушлаб ўйнади, у баланд кўтарилиганига, соchlари ток баргларига текканига қувониб, қиқир-қиқир кулди, кейин дадасининг қулоғига шивирлади: «Егим келмайди, майиз қиласиз, қишида иккаламиз еймиз».

Мирҳайдар қотиб-қотиб кулди ва хотинига деди:

— Эшиласанми, нималар деяпти қизинг?

— Кўз тегмасин, жуда туйғун, жуда пишиқ,— деди меҳр тўла кўзлари билан Юлдузга қараб Тиллабиби.

Мирҳайдар Юлдузни ўпа-ўпа супага ўтқазди ва ўзи 40 ҳам ёстиққа ёнбошлиди. Шу пайтда ўғилчаси эшиқдан югуриб келди-да, даданинг қучогига отилди. Қутлуғжоннинг дўпписи, кўйлаги чанг, майин сарниқ тукли,

20

- Силлиқ юзи ва узун бармоқлы қўллари тимдашган, юлингган эди. Мирҳайдар унинг дўнгроқ пешанасидан ўпди, эркалаб елкасини қоқди. Шўхлиги учун болани койимади. Эркак бола шўх бўлмаса, ундан чинакам йигит чиқмайди, деган гапга ишонар эди у.
- Ўғлим, энди бет-қўлингни юв, кеч бўлди, ўйинни бас қил,— деди Мирҳайдар жиддий тус билан.
- Йўқ, дада,— деди Қутлуғжон типирчиланиб,— олдин мен даладан сигирни ҳайдаб келаман. Кейин ҳовузга бир шўнгисам, топ-тоза бўламан.
- 10 Мирҳайдар кулиб қучогидан уни қўйиб юборди. Бола шаталоқ отиб, бир зумда кўздан гойиб бўлди.
- Бу шўхни 1941 йил қишида Мирҳайдар фарзандликка олган эди. Уруш туфайли ота-онасиз қолган ва Ўзбекистонга юборилган гўдаклардан эди у. Чамаси уч яшар рус боласига Қутлуғжон деб от қўйишди. Мирҳайдар ва унинг хотини ўз фарзандидай, меҳр билан парвариш қила бошлади. Тиллабиби қўша-қўша кўйлаклар, камзуллар, беқасам чопонлар тикиб кийдирди.
- 20 Қўшниларининг болалари билан ҳамиша бирга ўйнаб, Қутлуғжон тез орада ўзбекча бийрон-бийрон гапира бошлади. Бошида бутун бир колхознинг ташвиши бўлишига қарамай, раис болани эркалашга, тарбиялашга вақт топди. Ҳатто баъзан уни опичиб, мажлисларга ҳам олиб борди, қиши кечалари Қутлуғжонни тиззасига ўтқазиб, бир замонлар, ўзи болалик чоғида бувисидан, бобосидан эшитган эртакларни хотирлаб айтиб берди, баъзан бола кўнгли учун от бўлиб кишинади, тух сингари бўкирди. Қизчани эса раис бир йилдан кейин Марфилодан олиб келди. Чамаси бир ярим яшар, қўғирчоқдай жажжи украиналик қизча ҳам худди Қутлуғжондай уруш етимларидан эди. Тиллабиби уни ўн ҳисса қувонч билан ўз бағрига олди, ўзининг турли ёшда, турли қасаллар билан ўлган уч қизидан энг суюклисининг номини унга қўйди. Бу қизидан жудо бўлганда Тиллабиби қайгуга чидолмай, тирноқлари билан юзларини юлиб олган эди. Ўз қизининг баҳти тўй-томошасини кўрмоқни юракдан орзу қилган ҳамма оналар каби, у ҳам биринчи кундан бошлабоқ Юлдузнинг келажагини
- 30 40 ўйлади, бўш вақтларида унга атаб гўзал кашталар тикишга киришди.

Овқатдан кейин чолу кампир суюкли фарзандларини ёиларига олиб, гангур-гангур сўзлашиб, кулишиб

ўтиришганда, тўсниндан Ўктам келди. Бир пиёла чойни тамом қилмасданоқ, йигит фалла тўғрисида гапириб кетди. Қирда ишнинг анча тезлашгани учун раис хурсанд бўлди.

— Мирҳайдар ота, сизга бир арзим бор,— мурожаат этди бирдан жонланиб Ўктам.

— Хўш, марҳамат,— соқол учини ҳимариб, диққат билан тикилди раис.

— Менга озгина ер керак,— деди жиддий тус билан 10 Ўктам.

— Ер? Биласанми, бўйрадай бўш жой йўқ.

— Кўп эмас, уч-беш гектар жой керак. Руҳсат берсанги, теваракдан ўзим очиб оламан,— деди талабкор қатъий товуш билан Ўктам.

Раиснинг кўзлари олайиб кетди, тутақиб қичқирмоқчи бўлди-ю, яна ўзини базўр тийди ва қовоғини солиб, юзини сал терс қилиб, ўйлади у: «Мана, инсофсизлик! Бундан кўра бутун колхозни сўраб қўя қол! Наҳотки шундай йигитда тил бошқа-ю, дил бошқа бўлсин?»

Ўктам раис ғазабининг сабабини дарҳол тушунди, 20 ҳам жаҳли чиқди, ҳам кулгиси келди ва кескин равишида деди:

— Сиз ўйлаган очкўз маҳлуқлардан эмасман. Мен ҳатто бир парча томорқага ҳам зор эмасман. Қимки колхоз ерини нормадан кафтдай ортиқ олса, у менинг ашаддий душманим! Томорқа масаласини ҳам текшириб юрибман. Бу хусусда баъзи акамларнинг танобини кесиб қўйишга тўғри келади.

Йигитнинг кўнглини оғритганига раис ўз ичидаги пушаймон бўлди, ўзига хос юмшоқлик билан деди: 30

— Қани, сирингни оч, эшитайлик.

— Гидростанция қурамизми, ўзингиз бу ишга бошқош бўласизми?

Раис бошини қўйи солиб, қўлидаги пиёлани бармоқлари билан қандайдир ўйин-рақс оҳангига чертиб, бир вақтлар ўзи орзу қилган бу таклифни фикр тарозусида ўлчаб, ниҳоят, илжайиб деди:

— Электр бир мўъжиза эканини қайси кўр тушумайди? Электр қишлоққа сувдай даркор. Аммо хамир қормасдан бурун тандирга ўт ёқма. Тайёргарчилик кўйрайлик. Энди тушундим, сен ташландиқ ерлардан даромад олмоқчисан. Колхоз — барака дарёси. Назаримиздан қочган ўзга кирим йўллари бордир. Бу йил

богимиизда ҳосил уч ҳисса ортиқ. Лекин ҳаммадан бурун пахтага зўр берайлик. Биз пахтакор. Пахта — меҳнатнинг ҳам кони, даромаднинг ҳам кони!

— Албатта,— деди мамнун кулиб Ўктам,— ҳамма нарсани пахта ҳал қиласди. Гидростанция ҳам «оқ олтин» ҳосилига боғлиқ. Лекин асосий даромадларни катта ўпирмасдан ҳар ёқдан маблағ жамғариб, яхшигина бир ишни бажарсак, дейман-да.

— Тўғри, тайёр ошга қошиқ солмоқ жуда осон нарса,— деди раис,— гап колхоз хўжалигининг турли қавакларидан олтин топа билишда. Дуруст, ҳийла излаб топар ақлинг бор экан, Ўктам!

Ўктам хурсанд бўлди. Энди унинг таклифи правлениеда ҳам қабул этилади. Колхозчилар оммаси гидростанция қуриш масаласини мажлисда қарсак билан ёқлашига асло шубҳа қилмас эди. Ўктам сўри устида у ёққа-бу ёққа юриб, чироқда чиройли товланган узумларга қаради, Қутлуғжон билан ҳазилакам куч синашди. Қўғирчоғини қучоқлаб, оппоқ пар ёстиқда ширингигина ухлаган Юлдузнинг соchlарини Мирҳайдар меҳр билан қўл учиди силаб-силаб, супадан тушди, икковлари идорага, правлениенинг қишлиқ ем-хашак тайёрлаш масаласига бағишлиган мажлисига кетишиди.

Идорада правлениенинг ўзга аъзолари ҳали тўпланмаган эди. Раис қўлларини орқага қўйиб, катта қўрада унга-бунга кўз ташлаб, отбоқар ё аравакашлар билан у-бу тўғрисида сўзлашиб, кимни оталарча койиб, кимни мақтаб аста юра бошлади. Ўктам бўш хоналардан бирида осма лампа остида газета ўқир экан, лабида 30 папирос, чеккасида атиргул Насимжон кириб келди ва колхознинг бутун ташвиши гўё ёлғиз унинг зиммасида бўлиб, бениҳоят чарчагандек қаттиқ керишди-да, стулга ўзини таппа ташлади. Ўктам маънодор илжайиб қўйида, ўқийверди. Насимжон уҳ тортиб ўрнидан турди ва эшик томон юрди. Ўктам бошини кўтариб, секингина деди унга:

— Бир масала бор, шу топда ҳал қилиб оламизми?

— Пожалуйста, жоним билан. Икки калла ишга тушса, ҳар қандай масала ҳал-да,— деди Насимжон ва 40 қайтиб стулга ўтирди. Ўктам кўкрак чўнтағидан бир парча қофоз олиб, бир зум кўз югуртди-да, яна солиб қўйди ва диққат билан тикилган Насимжонга деди:

— Томорқа масаласи, тушундингизми? Қулочни кат-

тароқ ёйибсиз. Колхоз ери ўлчовни яхши кўради. Хуллас калом, ортигини шартта қирқамиз. Эртагаёқ...

Насимжон алланечук қорайиб кетди, нафаси ичга тушиб, хийла вақт пешанасини қўллари билан сиқиб ўтириди-да, хўрсиниб, деди:

— Анча меҳнат сарф қилган эдик, анча тер тўккан эдик. Экин пишганда маҳрум қиласизми?

— Ҳаром меҳнат, ҳаром тер!— деди таъкидлаб Ўктам,— колхоз ерига чанг солишга ким ҳуқуқ берди сизга? Энди сиз колхозда ҳалол меҳнат билан бу доғни ювиб ташлаш, синовда ўзингизни оқлаш учун белни астойдил боғланг. Хўш, масалани ҳал қилдик шекилли?

— Балли!— деди зўраки кулги билан Насимжон.

VIII

Одамлардан уялганидан ёки Ўктомдан гап эшиитмаслик учун Қаримқул қиз ва келинини далага чиқишига кўндириди. Лекин улар бевақт чиқар, эрта қайтар, қўл учи билан ишлар эдилар. Шунинг учун ҳам ишларида ҳеч унум кўринмас, барака йўқ эди. Тез-тез дам олишини, бошқаларни ҳам гап билан чалғитиб, вақт ўтказиши 20 яхши кўрардилар. Қаримқул эса Ўктом билан зўраки борди-келди қиласар, Ўктомга учрашмасликка тиришар, агар мабодо дуч келиб қолгудай бўлса, гўзани мақтаб, ҳосил ер-кўкка сифмайди, қараб тур, деб пишқирап эди. Янги турмуш соясида ҳалқ орасида йўқолиб кетган эски одатларни қўзғаб, кимдан палов, кимдан қатламасомса таъма қилишни қўймас эди. Унинг қизи ва келини ишга қандай қараётганини яхши билган Ўктом уларни тарбиялашга киришди. Қиз базўр эпақага келса-да, аммо келиндан умид йўқ эди. Унинг гоҳ бош оғрифи, гоҳ 30 ич оғриги тутар.

Бир кун Сарви хотинларнинг бир нечасини гапга солиб ўтирган чоғи Ўктом келиб қолди. Ўктомни ҳам у гапга солмоқчи эди-ку, «Бас-бас, гап қўлни ишдан қўяди», деб қичқирди Ўктом. Сарви кеккайганича бирпас қотиб қолди-ю, кейин титраб деди:

— Даланинг иши битармиди, нима бўпти жиндай гап бўлса? Манда нима ҳаққингиз бор? Уз тирикчилигимни ўтказиб, колхозга зор бўлмасдан ўтиргандим.

— Қулоқ солинг, сўзимга,— деди Ўктом,— гап-сўз иш устида бўлаверади. Мен разм солдим, аллақачондан

бери гап сотасиз. Иш қилиш керак, ишласангиз ўзингизга фойда. Колхозда туриб, айрим тирикчилик ўтказишвиждонсизлик бўлади. Турган ерингиз, ичган сувингиз колхозники. Инсоф керак.

Сарви индамади, кетмонни иргитди-ю, уйга жўнади.

Бу воқеадан бир кун кейин Ўқтам Қаримқулга учрашди. Қаримқул чойхонада кайфи чоғ ўтирас эди, дарров қуюқ кўк чойдан бир пиёла Ўқтамга тутди. Ўқтам оғиз очган ҳамон унинг қўйнини пуч ёнгоққа тўлдирди ва гапни чалгитиб аллақайси қолоқ, иши хом бригадаларни, звеноларни мақтаб кетди. Ўқтамнинг эътиrozларига қулоқ солмай сўзида давом этди:

— Э, дехқоннинг ишини олдиндан белгилаб бўлмайди, омад келса, баракали ҳосил хирмонни тўлатади. Ҳозир керилиб юрганларнинг иши кузга бориб расво бўлиши мумкин. Дехқоннинг иши, омадга қарайди.

Ўқтам Мичурин таълимотини ўрганиб амалга ошириш лозимлигини, дехқончиликнинг бутун соҳаларида чексиз ғалабаларга етишиш имконияти борлигини ва 20 Қаримқулнинг дехқончиликка қаравшари нотўғри, ибтидоий, мутаассиб эканини англатишга киришди. Кейин Сарви ҳақида гапирди, унга насиҳат беришни, йўлга солишини айтди.

— Э, бизнинг келинми?— деди муғамбирана илжайиб.

Ўқтам қиздан умид борлигини, ишда ва чаққонликда бошқа қизларга етаётганини, аммо келиннинг ўжар, ишёқмаслигини, кеча бирдан ишни ташлаб кетганини айтиб берди.

30 — Гапиринг, таъсир этинг, йўқса, мажлисга ўзини чақириб текширамиз,— деди Ўқтам қатъий равишда.

— Йўқ, иним, мен бўйнимга ололмайман. Келиним қурғур шаддод, унга ҳеч тенг келиб бўлмайди. Ётиғи билан секин-секин эпга келтирамиз,— деди Қаримқул ва яна гапни ўзгартди. Буғдой ўроғи ҳақида гапириб, янги буғдой нонининг totli бўлишини айтди. У ўз хаёлида Ўқтамни фирибгарликка ва ўз ёнига тортишга мўлжаллаганди. Буни шипшитмоққа, агар иложи бўлса биргалашиб колхозни кемиришни ўйлар эди. Ўқтам зукко йигит, унинг ёмон ниятини тез англади. Давлат планини тўлатиш, колхозчиларни яхши таъмин этиш ҳақида сўзлади у.

40

— Ҳа, сиз тўғри айтасиз. Аввало давлатга топширайлик, давлат иши зарур, кейин ўзимизни ўйлармиз,— деди Каримқул қизариб.

Шу ҳоқ раис Ўктамни чақираётганидан хабар келди ва Ўктам гапни чала қолдириб, идорага илдам жўнади.

Каримқул Ўктамни ўз ёнига тортиш мумкин эмаслигига кўзи етди ва айтганиларига пушаймон ҳам бўлди, бошқа тадбирлар излаб хаёл сурди. Ўктамнинг кетишини пойлаб тургандай аллақаердан Насимжон пайдо бўлди.

— Эҳе, шу ерда эканлар, қандай хәёллар сизни бозовта қилияпти?— деди Насимжон Каримқул қархисига чўккалаб.

— Кел, бошга ташвиш тушса, дўстлар хабар олсин, деганлар,— деди Каримқул носвойини тупуриб.

— Хўш, нима гап ўтди, яна қандай хархаша у ёпишқоқдан?— сўради Насимжон яқинроқ сурилиб,

— Э, дам келинни ишга чиқар, деб даҳмаза кўтаради, дам у, дам бу. Ўлиб бўлдим, бир пиёла чойни ҳам тинч ичкали қўймайди,— деди Каримқул нохуш товуш билан.

— Вах-вах-вах... У, бошимизга келган бир офат, тинчлигимиз барбод бўлди. Раиснинг гапини қулоққа олсак олардик, олмасак йўқ,— товушини пасайтириб шивирлади Насимжон.— Ҳай-ҳай-ҳай, чолни чалғитиш, алдаш, авраш мумкин эди-ку, аммо бу балонинг иложи йўқ.

— Хўш, гапир қандай тадбир топиш мумкин?— аста сўради Каримқул.

— Менимча, раис билан унинг орасини бузиш кепрак. Бутун гап шунда. Раисга уни ёмон кўрсатсан бас, ошиғимиз олчи. Раис ҳам одам, унинг ҳам иззат-нафси бор. Агар биз Ўктам ўзи раис бўлмоқчи, шунга тайёргарлик кўрятти десак, унинг кўнглига ғашлик солган бўламиз.

— Балли, бафуржа гаплашамиз,— деди Каримқул ўйланиб.— Бир қулай йўл тайёр қил, олдини олмасак, бўлмайди. Унинг танқидига учраганларни бир нечтасини топиб, ишга солиш керак. Устидан шикоят аризани районга юбориш керак. Яна ўйлаймиз, дурустми?— деди Каримқул ва вафот қилган аллакимнинг йигирмасига ошга чақирилгани эсинга тушиб, ўрнидан қўзғалди.

10

Насимжон ҳам чаққон жойидан турди ва ёндашиб паст овоз билан сўради:

— Томорқа қалай? Бизларники ўлгур кўзга ташланаб турибди. Ҳайтовур ҳозирча жимжит, оқибати нима бўлади, билмадим. Аммо менга жудаям алам қиладида, озмунча меҳнат қилдикми?

Каримқулнинг томорқаси яхлит бир жойда эмас, тарқоқ эди. Шунинг учун ҳам унинг кўнгли тўқ.

— Қайдам, ҳозирча хархаша йўқ, бироқ у ҳаромининг бунга ҳам қўли етади.

Икки аламзада ҳасратлашиб, бир оз бирга бордилар, чақирилган жойга етиб, Каримқул бир зум тўхтади:

— Сиз ҳам чақирилганмисиз?

— Йў... йўқ... Паловнинг иси яхши келяпти. Дамлаб қўйишибди. Булар билан салом-алигимиз қуюқ, кирсам, хурсанд бўлади,— деди-ю, чумчуқдай дикирлаб, Каримқулнинг олдига тушди.

* * *

20 Одис тоғлар орқасидан кўтарилиган қўёш бошоқларни олтин денгизга айлантирган эди, эрталабки салқин шамол бу денгизни тўлқинлантириб, фир-фир эсарди. Ўроқчилар, хирмончилар салқинни ғанимат билиб, ҳар кунгидек саҳардаёқ ишга тушган эдилар. Мастура офтоб тегди, деб кечадан буён ётгани учун қўйида, тепа остида Анорхон чой қайнатар эди. Катта мис чойнакни кўтариб, мана Собир Эрматов пайдо бўлди.

— Ҳали қайнагани йўқ, чойхўр ака,— деди Анорхон.

Собир қуёшда чақнаган орден ва медалларини жа-30 ранглатиб, қиздан сал нари чўққайди ва ўчиқдаги қориндор қўшалоқ қумғон остига қуруқ шалдироқ хас-чўп ташлади. Анорхон ўзини қандайдир ўнғайсиз сезди. Қаерда бўлмасин, далада ҳам, мажлисларда ҳам, дов Собирдан четланиброқ турар эди. Чунки йигитнинг ўткирқийғоч кўзларининг яширин ният билан тикилганини сезар эди у. Ҳар вақт қичқириб, гуриллаб гапирадиган Собир мулойимгина деди:

— Анорхон, чойни дўндирима қилиб дамлайсиз, иккаламиш шу ерда ичамиш, дурустми?

40 Қиз индамади, гўё йигит унинг елкасига қўлини ташлаётгандай, қиз чўчиб, нарироқ силжиди.

— Лоақал, қўлингиздан бир пиёла чой ичай,— деди Собир ўзининг гавдасига, важоҳатига унча мос тушмаган ингичка мўйловини бураб.

— Галати гапларни гапирасиз!— деди титроқ товуш билан Анорхон.

Собир тўсиндан шундай узоқ ва кучли хўрсиндики, қиз ихтиёrsиз равишда кулиб юборди.

— Мен бир солдат оғангизман,— деди Собир.— Кўнглимдаги орзуга бирпас қулоқ солинг. Майли, кулинг, лекин бир секунд, бир момент қулоқ солинг!

— Собир ака,— деди қиз ҳам ачиқланган, ҳам ялингани товуш билан,— беҳуда гапдан нима фойда бор? Тўсиндан айнаб қолдингизми? Нарироқ ўтириング, бирор кўрса нима дейди?

— Бирор? Э, бутун колхоз кўрмайдими?— ҳаяжондан қичқираёзи Собир.— Хўш, ихтиёrimiz улардами? Оғиз уларники, тиллари қичиса, гапираверсиялар, юрак тоза бўлса бас! Анорхон, умр савдосида эски-эски одат бир чақага арзимайди. Янги замонда йигит ва қиз ўртасидаги муомалалар ҳам янгича бўлиши керак. Анорхон, кўпдан буён юрагимда туғилган бир сўзни айта қолай: тинмагур кўнгил нуқул сизга талпинади-да! Рози бўлмасангиз, солдат оғангиз индамай кетаверади. Аммо кўкрагида бутун умр бир парча доғ қолади, холос...

Анорхон бу сўзларни Собирдан сира кутмаган эди. Жаҳали чиқиб, бир нима демоқчи бўлди-ю, бироқ йигитнинг юраги тозалигини ва сўзларидаги самимиятни сезиб, тилини тийди, бир қўли билан пешанасини ушлаб, ерга қараб ўтираверди. Собир эса ҳаяжонланиб, ўрнидан турди, юрагида маст қилувчи ширин ҳислар тўлқинланар эди. Қирлар, адирлар қуёш селида қаёққадир жимгина сузаётгандай, гўё ўзи ҳам бу қиз билан бирга олис, ёрқин уфқларга учаБтгандай туюлди. Йигит яна беихтиёр қизга қаради. Унинг юпқа кўйлак остида тирсиллаган белида йўғон қилиб ўрилган қўшалоқ сочи қора ипакдай ёнар, товланар, қулоқларидаги кичкина олтин исирғанинг нўхатдай тоши қуёшда қон томчисидай ёнар эди.

Иккала қумғон қарийб бир вақтда шарақлаб қайнади. Анорхоннинг қўли куймасин, деб Собир ўзи қумғонларни ўчоқдан илдам олди ва чойни кафтларида эзив, мис чойнакка ташлади-да, устидан қайноқ сув қуйди.

— Яна қайнатайми ё бас? — бошини күтариб қошларини чимириб сўради Анорхон.

Собир унинг кўзларида ғазаб, жаҳл эмас, балки қандайдир чуқур ва ғамгин ўй сезди.

— Раҳмат, Анорхон. Лекин хафа бўлмайсиз. Пайти келганда дараҳт гуллайди, пайти келганда йигит юрагидаги сирни очади,— деди Собир ва ўз одатига қарши, секин одим отди.

Анорхон бутун кун уялинқираб. Собирга кўриниш бермасликка уринди. Қечқурун у Тансиқ билан бирга сувга борди. Қуёш ботган эса-да, ҳали ҳамма ёқ ёруғ, ҳали кундузнинг яллиғи билан нафас олган даштда тўрғайлар ора-сира чив-чивлашиб учишар эди. Тошбақалар, кирпитиконлар ўйнар эдилар. Майда тошлар устидан милдираб оққан илиқ сув билан челакларни тўлдиргандан кейин, бет-қўлларини ювиб, соchlарини ҳўллаб, дам олгани катта тошга ўтиришди. Бу ерда чуқур жимжитлик ҳукм сурар эди. Қизлар секин-секин қуюқлаша борган шом қоронғисида сокин мудраган адирларга, тепаларга хаёлчан термулиб, анча вақт жим ўтиришди. Кун бўйи Собирдан гоҳ ранжиб, гоҳ уни кечирган Анорхон сирни ўртоғидан яширгиси келмасди. Бугун бўлмаса, эрта очишига ишонар эди. Улар ҳамиша сирдош эдилар. Анорхон ўртоғининг елкасига бир қўлини ташлаб, бутун воқеани оқизмай-томизмай айтиб берди. Дастлаб Тансиқ ғижингандай бўлди, лекин бир неча минут индамасдан ўйлади, кейин Анорхоннинг кўзларига тикилиб, табассум билан деди у:

— Нима бўпти? Сени қутласам арзийди. Собир ака — асл йигит. Урушдан қўкраги тўла орден билан қайтди, колхозда жон куйдириб ишлайти. Содда, қўнгли очиқ азамат. Куч десанг — тоғни талқон қиласди. Тўғри, бир оз дағаллиги бор. Лекин, менимча, бу қилиғи ҳам ўзига ярашади...

Анорхон сўзларига ҳазилсимон оҳанг бериб, деди:

— Вой, ранги ўчиб, титраб гапиради-я, бошимда нақ булбулдай сайради-я. Дам жаҳлим чиқади, дам кулгим қистайди. Қарашларидан илгариям кўнглим безовта бўлар эди...

40 — Ранги ўчган, титраган бўлса, нақ юраккинасидан сенга ошиқи шайдо бўлибди у,— деди ширин кулиб Тансиқ.

— Қайдан биласан?

— Аҳ, гүё ўзинг билмайсан!— деди кўзларини ўйнатиб Тансиқ.

Анор қўлинин иякка тираб, бирпас ўй сурди. Қейин хўрсиниб, кўзларининг намини артди ва энтикиб деди:

— Кўнглим унда! Мен қандай қилиб бошқага рози бўлай?

— Жамол қайтса, баҳтинг. Қайтмаса-чи? Қиз ўтмоқчимисан? Барибир эрга тегасан. Кўряпмиз, кутакута қорахат келгандан сўнг, эрга тегишаپтилар. Менимча, тўғри йўл бу. Майли, ўйлаб кўр яна. Тур, қоронгига қолмасдан кетайлик.

* * *

Қизлар звеноси қишлоқقا қайтгандан сўнг колхоз ҳаммомида юваниб, тараниб, оқшом Дилшоднинг уйидага ўйин-кулги билан кўнгил очишиди. Эртасига ёқ суюкли далага чиқишиди. Уларнинг участкасида тахминан тўрт юз минг туп фўза чамандай гуллаган эди. Бу ерда экин ғовлаган, бўйга зўр берган эмас ва оч ерда ўсган ёки парваришиз қолган ўсимликдек пакана, нимчилик эмас. Фўза бақувват, тетик, кўркам шохли, илиги тўқ эди. Тансиқ ва ўртоқлари тажрибакорлар кўзи ва диққати билан олдин далани кезиб чиқдилар. Мана, бошига барра ўтлардан ва гуллардан катта салла ўраган, бетида кир мой йилтираган, ярим яланғоч ўспирин тракторчи қадрдан машинасига кеккайиб минди-да, культивация ишини бошлади. Ажойиб машина бирварақай қатор эгатларнинг тагини ва ёnlарини текис ва тез ёриб, ағдара кетди. Қизлар эгат ораларини кетмон билан чопиқ қила бошладилар.

Анзират жаҳл билан қарғади:

— Ҳа, тухуминг қурғур печак! Фўзани қил илондай чулғабди, мана!

— Битта ҳам бегона ўт қолмасин, яхшилаб чопинглар!— қичқиради Тансиқ. Қуёш тиккайган сайин ҳаво кучлироқ қизийди. Соч толасини елпарга шамол йўқ. Ердан иссиқ ҳовур уради. Ёш Ҳакима бошқа ўртоқларидан қолмаслик, нормани ошириб бажариш учун қизарип-бўзариб ишлайди, юзидан қуйилган терни артишга ҳам вақтни қизғанади...

Пешинга яқин звено дам олгани чайлага кетди. Чайланни баҳорда қурган эдилар. Тол пояларидан ишкомча

10

20

30

40

83

- шаклида қурилган, тепаси ва ёnlари новдалар, чўп-хас билан қопланган бу енгил, содда, ёзолоқ масканда улар ҳамиша ишдан кейин ором олишар, овқатланишар, гурнглашар ва газета, китоб ўқишар эди. Бугун ҳам қалин пичан устига солинган шолчада давра қуриб, яллиғланган юзларини елпиб, дастлаб қона-қона чой ичишди, кейин ҳазилкаш шўх янги тракторчининг баъзи қилиқларини Анорхон шундай тақлид қилиб кўрсатди-ки, ҳаммалари юмалагундай кулишди. Овқатдан кейин
- 10 Тансиқ «Қизил Ўзбекистон»ни ўқиди. Машҳур юз центнерчи қиз Назира Маҳмудова ҳақидаги очерк қизларга жуда ёқди. Тансиқ, агар бу йил қишида илғор паҳтакорлар қурултойига қатнашиш насиб бўлса, Назирани мусобақага чақириш орзусини айтди. Ўнинг орзусини ҳамма маъқуллади. «Шу донгдор қизни бир синааб кўрайлик!» дейишиди. Шу вақтда қадрдан агроном олисдан кўриниб қолди. Тансиқ суюниб қичқирди:
- Ўртоқ Акаскин!
- Дядя Миша!— чақирди Ҳакима.
- 20 Агроном иссиқдан сақланиш учун бостириб кийган эски шапкасини бир оз кўтариб аланглади-да, чайла томон юрди. Қизлар уни кўпдан буён яхши билсалар ҳам, аниқса бу йил илк баҳордан бошлаб жуда қадрдан бўлиб қолган эдилар.
- Ҳорманглар, яхши қизларим!— деди район агрономи анча наридан. Кейин лупа билан папиросини бир-пасда ёқиб, чайлага келди, кучли, серонг қўлинни қизларга бир-бир узатди-да, шолча четига ўтириб, чанг босган катта этикли узун оёқларини бемалол узатди ва
- 30 тепасигача сочсиз, сип-силлиқ, йилтироқ бошини дастрўмол билан артди-да, «пуф...» деб сўлиш олди:
- Чарчабсиз, дам олинг, мана чой, мана узум,— ҳурмат билан таклиф қилди Тансиқ.
- Қалай, паҳтамиз яхшими?— сўради Анорхон.
- Агроном сариқ-қизғиши қуюқ қошларининг остида туси қорага мойил кўзларини қувлик билан қисиб, одатича камтарона баҳо берди:
- Ўзбекларнинг «чакки эмас» деган сўзидан баландроқ, лекин «соз!» деган сўзига пича етмайди.
- 40 Қизлар завқланиб кулишди.
- Михаил Иванович Акаскин қирқ беш яшар, гавдали, мўйловдор, хушмуомала, хулқи содда ва ёқимли киши эди. Қарийб ўн тўрт йилдан буён шу районда ишлар,

йилнинг тўрт фаслида қишлоқдан-қишлоқقا, колхоздан-колхозга қатнаб, ўзбек тилини, турмушини, урф-одатларини яхши ўрганган эди. Биринчи даврда Акаскинга, худди бошқа агрономлар каби қийинчиликлар кечиришга, агрономия тадбирларини амалга изчил оширмоқ учун давомли кураш олиб боришга тўғри келди. Илгари унинг маслаҳатларига, фикрларига аксар колхоз раислари, бригадирлар қулоқ солмас, ёки диққат билан тинглаб, ўз билганларicha иш юргизар эдилар. Магрур пахта усталари эса кўп вақт уни менсимасдилар ҳам. 10 Лекин Михаил Акаскин катта ғайрат, чидам ва матонат билан ишлади, колхозчилар орасида лекциялар ўқиди, район газеталарига тез-тез мақолалар ёзди, тажриба далалари ясашга уринди, илфор совет илмининг натижаларини ҳар ерда, ҳар қачон ташвиқ қилди. Лекин биринчи йилларда Акаскиннинг ўзи ҳам янглишди. У мингларча йилги халқ тажрибасининг аҳамиятини, гарчи инкор қилмаса ҳам, лекин чуқур англаёлмади. Ҳаёт секин-секин унинг кўзини очди, колхозчилар деҳқончиликда ибтидоий тушунчаларнинг қули эмаслигини тушиуни. Акаскин ҳеч қачон мактаб ёнидан ўтмаган оддий кишилар орасида шундай пахтакорларни, шундай боғбонларни ва гулчиларни кўрдики, уларнинг маҳорати чиндан ҳам мўъжизакор эди.

Илмий китоблардаги қимматбаҳо фикр ва қарашлардан деҳқонлар ҳали хабарсиз эканини агроном яхши билар эди, бироқ халқдаги бой тажрибалар ҳали китобларда ўрин олмаганига, ёритилмаганига иқрор бўла бошлади. Михаил Иванович Акаскин колхозчиларнинг жонли ишига диққат билан қаради ва муваффақиятларининг сирини ўрганишга қунт билан киришди. Астасекин пахтакорлар ҳам унинг билим ва тажрибасига қизиқа бошладилар. Уруғларни яхшилаш ва саралаш бобида, машиналардан тўғри фойдаланишда у яхши маслаҳатлар берди. «Октябрь» колхозининг комсомоллари агрономнинг лекцияларини тинглаб, кенгашларини халқ тажрибаси билан бирлаштириб, икки йилдан бўён юқори ҳосил ола бошладилар. Бу йил кўкламдан бошлаб, у қизлар билан тез-тез учрашиб, ҳар хил кенгаш берарди. Айниқса Тансиқ агроном билан қалин ошна эди. 30

Ҳозир Акаскин ширин-қимнзак олмани япроқ-япроқ кесиб, пиёлага солди ва устидан чой қуйиб, хўр-хўр ичди ва ғўзанинг биологияси, Мичурин ва Вильямс таъли-

мотлари ҳақида содда, жонли тилда узоқ гапириб, ниҳоят, Тансиқнинг яқол, амалий саволларига ўтди:

— Тўғри айтасиз, Тансиқ,— деди ўзбекча сўзларни секин ва пишиқ-пишиқ айтиб у,— ҳозирги вақтда гулларни тўкилишидан сақлаш керак. Улар катта-катта кўсак бўлиши, вақтида пишиши керак. Ана унда ҳосилни томоша қиласиз! Бироқ бу нарса гап билан, ёлғизгина орзу билан бўлмайди. Ўёза гуллари ҳозир қизларнинг бетидаги холи эмас, қошларидаги ўсмага ўхшайди:
10 бугун бор, эртага йўқ! Лекин нобуд қилмаслик учун ҳозирги паллада алоҳида парвариш керак. Шароитни яхшиласангиз, ўёза ҳосил яратишда жуда танти бўлиб кетади. Ўёза ҳозир болалайди. Унинг иштаҳаси ҳозир зўр. Болаларига сут керак. Демак, хулоса шуки, вақтида сув, вақтида ўғит, вақтида культивация ҳам чопиқ! Буни қариялар ҳам, тажрибали пахтакорлар ҳам жуда яхши биладилар. Мен ҳали Саксон отанинг ерини кўрдим. Чол ўзага «шарбат» беряпти. Лекин суғорища, ўғитлашда, чопиқда маълум режим керак. Биласизми,
20 режим нима?

Михаил Иванович йирик, мардона иягидағи арпа бўйи, дағал, қизғиши соқолини қашиб, қизлардан жавоб кутди. Тансиқ дадил жавоб берди:

— Маълум тартиб билан, ўз гали, қоидаси билан иш кўриш-да...

— Яшанг, Тансиқхон, тўғри айтдингиз,— деди хурсанд кулиб агроном.— Қалай, китобни тугатдингизми, тушундингизми?

30 — «Ғўзанинг биологияси» деган боб анча қийин экан,— жавоб берди Тансиқ.— Саволларим бор, кейин айтаман.

— Бўпти. Бир кун суҳбатлашамиз,— деди Акаскин.

Қизлар гулдор рўмолларини танфиб, енгларини ҳимардилар ва агроном билан қадрдонларча хайрлашиб, ишга отландилар.

* * *

Қуёш яллиғи селдай қўйилар, осмон жимиirlар эди. Иссиқдан ёнган, терлаган қизлар қитдай ором олгали дараҳтлар кўлкасида ёнбошладилар.

Анорхон — эгнидаги келишган, олифта, лекин эски-
40 роқ ипак кўйлаги билан ловиллаган юзларидан терни

артди-да, оҳиста чайқалиб елпинди, кўзларини узоқларга ўйчан сузди.

Тансиқ, Дилшод ўғит ҳақида маслаҳат қилиб, алла-қандай режалар аниқлар эдилар. Дилшод уч-тўрт йилдан буён пахтада ишлайди, у пахтакорликни Каримқулдан хийла ўрганган.

— Ҳосилотни яхши биламан,— Тансиқ ранжиган, жаҳл аралаш товуш ила Дилшодга қараб деди.— У ишнинг кўзини билади дейсан; бошқа билгичлар йўқми? Раис бор, доно қариялар бор, Саксон ота бор. Мутахас-сислардан уққан, ўрганган Ўктаам ака бор. Фўзанинг баргидан илдизига қадар биладиган олим Акаскин бор. Сен нуқул Каримқулни кўндаланг қиласан! Акаскин пахта ҳунарини қайдан билсин, деб даъво қиласан! Унинг илми ҳам бор, тажрибаси ҳам бор.

— Ҳа, бў-бўпти,— бўш келмади Дилшод,— Каримқул отадан ўткир билгич йўқ.

— Бемаъни гап, ўлгидай ўжарсан,— деди Тансиқ юзини терс буриб.

Қизлар, ҳаммаси Тансиқни ёқлаб, Дилшодга ёпиш-20 дилар.

— Ҳавонинг яллиғи ютаман дейди, бирпас тинч ором олсаларинг-чи, беҳуда тортишиб ўласанлар, нимаси бу?!— ранжиди Анорхон.

— Пахта жуда нозик ва қийин иш,— деди Тансиқ Анорхонга жиддий қараб.— Гўнгнинг хислати кўп, дейдилар. Гўнг етмайди. Қани топсак, ўғитга хийла мадад бўлар эди.

Қизларга Тансиқнинг бу гапи маъқул тушди. Бу ма-салага қизғин берилиб, ҳаммаси турли режалар туза 30 бошладилар.

IX

Мирҳайдар тегирмоннинг новлари тепасида тўхтади. Ҳар ёққа тарвақайлаган қари толлар орасида лим-лим тўлиб оқаётган бир ариқ сув, қўш новдан гувиллаб пастга отилар, тегирмоннинг эски, пастак кулбаси, йи-қилаётгандай қилтиллаб турар эди. Ташқарида, тепалик остида колхоз тегирмончиси Мираҳмад чаққонлик билан катта ғалвирда буғдой элайди. Теваракда гала-гала семиз чумчуқлар тўхтовсиз чирқиллашади. Бу жуда эски тегирмон эди. Бир замонлар, инқилобдан бурун, қиши-40

лоқнинг Нормат кал деган энг ариллаган ва энг хасис бойига қарашли бу тегирмонда Мирҳайдарнинг ўзи ҳам бир неча йил қарол бўлиб ишлаган, аллофларнинг қопқанорларини кўтара-кўтара елкаси яғир бўлган эди. Раис ўтмишини хотирлади: Норматбойнинг юк тортишдаги қаллоблиги, унга кепак қўшиши ва бошқа муттаҳамчиликлари, ярамасликларини шошмасдан Ўқтамга ҳикоя қилди-да, бирдан гап оҳангини ўзгартиб, кордонлик билан деди у:

- 10 — Мен шу ерни мўлжалладим. Тайёргина жой. Алмисоқдан буён тегирмон тошларини айлантирган бу сув энди бошқа ишга хизмат қилсин. Эскилик ўрнига янгилик... Тайёр нов. Пастга агрегатни ўрнаштирасан-да, ҳар ёққа симларни тортаверасан. Майли, бу кулбани бузиб, ўрнига янги бир уйча қурамиз. Ана, қарабсанки, ҳамма ёқ юлдўздай чароғон. Қалай, сен нима дейсан?— раис қувончдан ёнган кўзларини Ўқтамга тикди. Ўқтам толга суюниб, дам чолга, дам тегирмонга қараб, индамай тураверди.
- 20 — Жуда боп жой, худди узукка кўз қўйғандай муносиб,— деди Мирҳайдар ўз диди ва Фикридан мамнун бўлиб.
- Менимча, бу жой сира боп эмас,— деди Ўқтам вазиятини ўзгартирмасдан.
- Раис бирдан чўчиб тушгандай бўлди, унинг ҳозирги на хурсанд кулимсираган юзи алланечук ўзгариб кетди, кинояли товуш билан сўради у:
- Нега? Бу қанақа ноз яна?
- Гидростанция қурмоқчимизми, ё ўйинчоқ?— беихтиёр равишда кескинлик билан савол ташлади Ўқтам.
- Энди Мирҳайдарнинг раиги ўчиб, кўзлари аллақандай пириллаб кетди ва бўғилиб, деди:
- Ҳўп, мен ўйинчоқпарастман! Улуғ ишларни сиздан кутамиз. Қишлоқда янги бир «Фарҳод» қуринг!
- Бир оз сабр қилинг,— деди Ўқтам ўзини тийишга тиришиб.— Қишлоқни ёритиш — ҳаммамизнинг орзумиз, катта маданий бир иш. Лекин мен илгари қайта-қайта айтганимдай, ҳозирги паллада масала ёлғиз чироқда эмас, олдинни, эртаги кунни кўзлаш керак. Дехончилик ишлари учун, каттакон хўжалик учун бу тегирмондан қанча қувват оласиз? Ҳеч! Шундай станция қурайлики, лоақал келажакда кучайтириш мумкин бўлсин. Мен мутахассислар билан, ўртоқ Сайрамов би-

лан ҳам бу тўғрида суҳбатлашдим. Ҳаммалари шундай кенгаш беришди. Маълумки, бу ишни эртага бошламоқчи эмасмиз. Қатта тайёргарчилик кўрамиз. Шунинг учун мен катта ариқни мўлжаллаган эдим. Сувни жуда баландликдан ташлашга ҳам имкон бор. Тўғри, кўпроқ меҳнат, кўпроқ маблағ лозим бўлади, лекин пироварида станция хийла арzon тушади. Мен-ку, бундай масалаларда алифни таёқ дейёлмайман, аммо инженерларга ишонаман...

— Бургутдай баландпарвоз бўлиш учун қулоч-қулоч 10 қанот керак,— деди раис.

— Қанотимиз — колхоз, халқ,— деди Ўқтам таъкидлаб.

Мирҳайдар хўмрайиб, пешанасини қашиб, теваракка бирпас аланглади, кейин қўлларини орқага қўйиб, индамасдан пастга тушди-да, тегирмон орқасига ўтиб кетди.

У хомуш ҳолда юриб, тўғри Қаримқул олдига келди. Қаримқул раиснинг вазиятидан унинг кайфсизлигини дарров пайқади. Мирҳайдар ота хафа бўлган вақтида 20 дарҳол бирорга юрагини очишни яхши кўрар эди.

— Хафа кўринасиз?— сўради Қаримқул меҳрибончилик кўрсатиб.

— Э, ука, Ўқтамга электр станцияга жой кўрсатсам, унамайди, жой кичкина, дейди. Арши аъло қурмоқчи.

— Тегирмонни кўрсатдингизми?— сўради Қаримқул жонланиб.

— Ҳа, тегирмонни,— деди Мирҳайдар ота бошини қимиirlатиб.

— Ана энди билингки,— деди Қаримқул истеҳзо ила 30 кулимсираб ва сирли товуш билан,— раисликни орзу қилияпти, ўзини халқقا яхши кўрсатмоқчи. Сизни қари, замонга мос келмайди, фикрлари қолоқ, деб уқтироқчи бўлади. Атрофидаги беш-ўнта лақиллаганлар унга ишонади.

Раис қовоғини солиб, ўйчан сукут этди. «Бунинг айтганлари рост бўлса-я?» ўйлади ичиди. Кейин узун бир сўлиш билан «уҳ!» деди ва туриб кетди.

* * *

Ўқтам дилгир бўлиб, ариқ бўйига чўққайди, қўлла- 40 ри билан муздай сувни, худди болалик чоғидагидай тўл-

- қинлатиб, ҳозирги тўқнашувни ўйлади. Лекин ўзи ҳақли бўлгани ва гидростанциянинг қудрати масаласида бир кун эмас, бир кун раис билан жиддий баҳслашмоқ заруриятини олдиндан пайқагани учун, дилгирлиги тезда тарқалди. Сувда бирин-кетин қалқиб келаётган олмаларни, шафтолиларни илиб олиб, яна сувга, узоққа отгандан кейин, уларнинг нозик, чиройли оқишларини кузатиб, бирпас эрмак қилди, кейин бирдан «Эллобод» колхозининг гўзал гидростанциясини бутун деталлари билан хотирлади. Станция тепасида атлас кўйлагини товлантириб, электрлаштириш тўғрисида у билан суҳбатлашган Қомила Салимова ҳам гёё шу пайтда кўз олдида эди. Ўкта муроҷаҳидини юрагида хаприқиш сезди, қиз билан хаёlda сўзлашгани ҳолда, дала томон одим отди.
- Қишлоқ советларидан бирида бўладиган катта мажлисга бормоқ учун Ўкта муроҷаҳидини юрагида, раис ўзининг ювош, кўримсизгина отига жилов солмоқда эди. Ўкта муроҷаҳидини юрагида хаприқиш сезди, қиз билан хаёlda сўзлашгани ҳолда, дала томон одим отди.
- Қишлоқ советларидан бирида бўладиган катта мажлисга бормоқ учун Ўкта муроҷаҳидини юрагида, раис ўзининг ювош, кўримсизгина отига жилов солмоқда эди. Ўкта муроҷаҳидини юрагида хаприқиш сезди, қиз билан хаёlda сўзлашгани ҳолда, дала томон одим отди.
- Кишиларни сўзлашишга интилсалар ҳам, лекин бояги воқеанинг кўлкаси дилкашликка ҳалал берар эди. Мирҳайдар бирон сўзни айтиб, яна узоқ вақт жим бўлар эди. Ўлар етиб келганда мажлис ҳали бошлангани ийӯқ эди. «Оқ олтин» колхозининг клуби қаршисидаги супаларда, дараҳтлар орасидан шарқираб юргурган сув устидаги баландгина оддий тахта каравотларда одамлар чой ичиб, узум чўқилаб гурунглашмоқда эдилар. Бу ерда колхоз раисларини, МТС ходимларини, агрономларни, миробларни, ҳосилот раисларини ва район активларини учратиш мумкин эди. Чанг босган ўнларча грузовайлар, легковойлар атрофида бет-қўллари, шапкалари, дўппилари мойли шофёрларнинг баъзилари тарвузхўрлик билан банд, баъзилари запчастлар, йўллар тўғрисида жиддий сўзлашадилар, баъзилари қизиган машиналари тагида тупроққа чалқанча ётиб, шикастларини тузатиш билан овора. Янгигина «ЭМҚА»нинг атрофида қора-қора ўнбоқ-дўмбоқ болалар шўхлик қилишади, сигнал бер, деб димоғдор шофёрга ялинишади. Олисада беданаларнинг «пит-билдиқ»лари тинмайди.
- Сайратма ҳаваскори чойхоначи мажлисга ҳалал бермасин, деб ипак тўри ранг-баранг нозиклар, пиетонлар билан безалган тўрқовоқларни ҳаммом орқасидаги чақалакка осган эди. Бир вақт катта мажлисда, доклад-

чининг нақ тепасида, беданалар бир-бирлари билан ўзишгандай галма-гал сайдай бошлагач, докладчи ўз нутқини кесишга мажбур бўлган эди. Чойхоначи узун айри билан қафасларни бир-бир илиб олиб, юзларча одамлар орасида изза бўлган, ҳам колхоз раисидан дақки еган эди. Чойхоначи шундай беданабозликдан ва сайдатма боқишидан тавба қилган бўлса-да — тарки одат маҳол — яна тавбасини бузган эди.

Ўкта отни бир четга боғлаб, супалардан бирига 10 ўтирди. Бу ерда давра қурган кишилар ион ва узум тў-ла патнисни унинг томонига бир оз суриб, чой узатиши-ди. Ўкта теваракка бирпас кўз югуртди, шунча халқ шовқин ва ҳаракат ичиди, унинг кўзлари ҳаммадан бурун Комилага тушса бўладими? Қиз катта сада ости-даги супада, афтидан, масъул ходимлардан, пахта иш-лари бўйича Тошкентдан вакил бўлиб келган бир рус киши билан нима тўғрисидадир жиддий суҳбатлашмоқ-да эди. Комила дам тез-тез сўзлаб, қўлларининг маъно-дор чиройли ҳаракати билан ниманидир уқтирас, дам 20 бошини бир томонга сал эгиб, жонли ўтга тўла, кулим-сираган, туйғун кўзлари билан ўз суҳбатдошига тики-либ, уни тинглар эди. Ўкта қизил ёқутдай бир шингил узумни оғзига дона-дона ташлаб, хийла вақт унга тики-либ қолди. Кейин, гёё ҳамма унинг сиридан воқиф бўл-гандай, йигит қизаринқираб кетди-да, бошини қарши-даги супага бурди. Бу ерда «Қизил Ўзбекистон» ва 30 «Правда Востока»нинг муҳбирлари донгдор колхознинг ёш раиси — Социалистик Меҳнат Қаҳрамонини ўртага олиб, унинг оғзидан ниманидир ёзиб олмоқда эдилар. Чаккасида гул, дўпписи яримта, хушчақчақ йигит пиё-ланни чертиб, яна чой узатгач, Ўкта ўз даврасидаги гурунгга қулоқ солди. Одамлар ғўза чеканкаси, қиши-лоқ хўжалик машиналари, колхоз ҳаммоми, Қанашнинг янги нав уруги ва ҳоказо тўғрисида сўзлашар эдилар, жиддий суҳбат орасида баъзан бир шингил асия ҳам бўлар эди. Худди сайдаги каби, кишиларнинг кайфи чоғ. Супаларда бирин-кетин шўх кулги янграб эди. Ўкта минга кўзлари, яна беихтиёр равишда, сада таги-даги супага сайд этди. Бироқ энди у ерда Комилани кўрмади. Худди шовқиндан безгандай, шу онда туриб 40 кетгиси келди: тинмагур кўнгил уни қидирар эди... Фа-қат бирпасдан кейин Комиланинг пишиқ, жонли тову-шини яқингинадан эшитди-ю, ялт этиб қаради. Қиз «Ил-

гор» колхозининг раиси билан йўлакай гаплашмоқда эди.

— Алихўжа ака, бу қандай гап?— деди Комила кулиб.— Инсофингиз борми? Кўприкни қачон тузатасиз? Ўзларинг қайси йўлдан қатнаяпсизлар? Ҳафсалани қаранг-а! Ё бизниkilар бориб янги кўприк қуриб беришинми?

Калладор, чўтирсимон, юм-юмaloқ раис катта қорнини силкиб кулди-да, ҳансираb деди:

10 — Кошкийди бир тантлил қилсангиз, Комилахон!

— Ҳо, ёқмайди-я!— деди кўзини қисиб Комила.

— Комилахон, халқ ичида мени изза қилаверманг, эрта-индин гумбурлама кўприк ясаймиз! Қани, бир пиёла чой ичсинлар...

Комила оёқда турган ҳолда, у-бу тўғрида раис билан бирпас ҳазилсимон гаплашди-да, кета туриб, бирдан Ўктам ёнида тўхтади. Гўё бу тасодифдан таажжублангандай аллақандай шошқинлик билан кўришди: «Сиз ҳам шундамисиз? Кўрмабман, кечирасиз. Ота қаерда?»

— Шу ерда, шу ерда,— энтикиб жавоб берди Ўктам. Бардаммисиз, ишингиз қалай?

— Чакки эмас, чаккидан холи эмас. Ўртоқлар билан бирга қимирлатиб турибмиз. Хайр ҳозирча,— Комила бошини чиройли силкиди ва кенг, содда оқ шоҳи кўйлагининг этакларини сал кўтариб, ариқдан сакради.

Қош қорайиб, дарахтларда чумчуқларнинг чирқиляши тинганда одамлар кенг саҳнда зич қаторлашган оддий скамейкаларга ва табуреткаларга ўтишибди. Мажлис очилди. Сўз Рустам Сайрамовга берилди. У ўз одатида, нутқни паст, лекин равshan товуш билан, вазмин бошлади. «Ғўзани парвариш қилишда рўй бераётган камчиликлар ва уларни тезда йўқотиш тадбирлари ҳақида» Ўзбекистон Компартияси Марказкомининг қарорига бағишланган докладини ҳамма зўр диққат билан тинглади. Сайрамов жуда конкрет гапирди. Ҳар масалани жонли мисоллар билан баён қилди, ғўзанинг парваришидаги ҳар камчиликни қизиқ фактлар билан кўрсатди. Ўнларча колхоздаги вазиятни, айrim бригадалар, ҳатто звенолар ишини худди ойнада кўриб тургандай, яққол намоён қилди. Доклад давомида райком секретари айrim колхоз раислари, мираблар, МТС ходимлари билан қўпол хатолар, жиддий камчиликлар ҳақи-

30 40

— очилди. Сўз Рустам Сайрамовга берилди. У ўз одатида, нутқни паст, лекин равshan товуш билан, вазмин бошлади. «Ғўзани парвариш қилишда рўй бераётган камчиликлар ва уларни тезда йўқотиш тадбирлари ҳақида» Ўзбекистон Компартияси Марказкомининг қарорига бағишланган докладини ҳамма зўр диққат билан тинглади. Сайрамов жуда конкрет гапирди. Ҳар масалани жонли мисоллар билан баён қилди, ғўзанинг парваришидаги ҳар камчиликни қизиқ фактлар билан кўрсатди. Ўнларча колхоздаги вазиятни, айrim бригадалар, ҳатто звенолар ишини худди ойнада кўриб тургандай, яққол намоён қилди. Доклад давомида райком секретари айrim колхоз раислари, мираблар, МТС ходимлари билан қўпол хатолар, жиддий камчиликлар ҳақи-

да бевосита музокара ва савол-жавоб қилиб, мажлисни қизитиб юборди. Доклад юзасидан музокара ва чиқишлар ярим кечагача чўзилди.

Ўктам йўлда, қоронғида, чанг кўтариб бораётган отлиқлар орасида Комиланн дарров таниб олди ва отни суриб, унга ёндашди.

— Ким бу? — сўл ёнига диққат билан тикилиб сўради Комила.

— Ўртоқ Салимова, мен,— жавоб берди Ўктаам бутун гавдаси билан қиз томон энгashiб.

10

Комила индамади. Баланд отда, худди аскардай, адил, пишиқ ўтириб борар эди. Баъзан отлар сиқилишганда, қиз ва йигит тизма-тиз ёндашар эдилар. Қеча сокин ва илиқ эди. Йўл бўйлаб ўсган, қоронғида қандайдир сирли шивирлашга тераклар устида юлдузлар чиройли кўз сузади. Отлар туёғидан кўтарилиган чанг бурунни ачиштиради. Баъзан итлар гўё йўлчиларни отдан узиб туширгудай, ғазаб билан вовиллаб, ҳар ёқдан югуришади, дам олдинга сапчиб, дам орқада ириллашади-да, ниҳоят, ҳафсалалари пир бўлиб, аста-секин то- 20 вушлари ўчади.

Комила тўсиндан мурожаат этди Ўктаамга:

— Мажлис қандай ўтди, нега сўзга чиқмадингиз? Езib-чизиб ўтирганингизни кўриб, сўзга чиқарсиз деб ўйлаган эдим...

— Лўнда танқид мажлиси бўлди,— деди Ўктаам бoshини қиз томон буриб,— баъзи акамлар роса терлашдиям. Сиз ва бошқа ўртоқлар айтган камчиликлар ҳаммамиизда бор: гапирсан — қайтариқ бўлар эди. Айниқса сизнинг таклифларингиз гўё ҳамманинг номидан 30 бўлди...

Комила хийла вақт жим кетди, кейин отлиқлардан бирига мурожаат этди: «Норқўзи ака, кечаси беашула юрмас эдингиз-ку, қани бир эшитайлик!» У киши қаттиқ ҳомуза тортиб, деди:

— Емон мудроқ босяпти, отдан қуламасам бас.

Комила кулиб, меҳрибон товуш билан Ўктаамдан сўради:

— А, сиз-чи?

— Қиттайгина,— жавоб берди кулиб Ўктаам.

40

— Ана холос, мудроқлар орасида қолибман. Тўғри, сизлардан юқди шекилли, кўзларим қисиляпти...— ҳазиллашди Комила.

Йўл айриққа етгунча Комила энди Ўқтам билан суҳбатлашди. Йигит унинг товушида, муомаласида қадрдонларча илиқлиқ сезди. О, кошкийди шу йўл сира тугалмаса, суҳбат бир он узилмаса! Ўқтамнинг тилаги шу эди. Мана, кўп ўтмсдан, отлиқлар «хайр», «хўш энди» каби хитоблар билан ажрала бошладилар, Комила хайрлашаркан, Ўқтамга деди:

— Биз томонларга ҳам бориб туринг.

— Раҳмат, жоним билан... Ўзларини ҳам кутаман,—
10 деди Ўқтам ва ўз колхози томон отини аста ҳайдади. Йўл устидаги далаларда ғўза сугораётган сувчилар билан паришон, ҳоргин, мудроқ гаплашди-ю, бироқ уйида ҳадеганда уйқуси келмади. Уни кечинмалар қучган эди.

* * *

Комилага онаси эшик очди. У тўғри уйга кириб, деворни тимискилаб, электрни ёқиб юборди. Ясоғлиқ хона чақнаб кетди. Шифт фанери ҳар хил ёрқин гуллар билан безалган, деворлари оппоқ ва ҳовли-боғчага очилган деразалари зангори бўёқли мўъжазгина янги
20 хонада Комила илдам ечинди-да, юпқа гулдор батист кўйлагини кийди ва ойнаванд гардеробга яқинлашди. Ойна олдида соchlарининг тўртта қора ўримини дам икки елкадан ошира юмaloқ кўксига тушириб, дам яна орқага ташлади, кейин енгил кавушини кийиб, ҳовлига бош яланг чиқди. Бетоб онани аяб, унинг кўнмаганига қарамай, ёзлик ўчоқда, декчада овқатни ўзи иситди. Томга чирмашган қирқоғайнин ва ўзга чирмовиқ гуллар чодири билан қопланган узун ва енгил айвонда қиймали
30 шўрвани иштаҳасизроқ ича бошларкан, қаршисига юзи сариқ ва сўлғин бемор она ўтирди, қизининг ҳоргин юзига, ўйчан кўзларига узоқ термулди ва ичидан хўрси-ниб, меҳрибонлик билан деди:

— Тонгда чиқиб, кечаси қайтасан, на овқатингда маза бор, на уйқунгда ҳаловат! Ноn билан ич, қиймасини қолдирма. Ол, болам. Очиқмадингми, чарчамадингми? Яна нимани ўйлаб қолдинг?

— Аяжон, биласиз, бошимда бутун бир колхоз. Ўй-ламасдан, ташвишланмасдан илож борми?

— Тушунаман, қизим, тушунаман. Мартабанг яна
40 улуғ бўлсин, ҳалққа яна кўпроқ хизмат қил,— деди она.— Обрўйнинг учун қувонаман. Лекин ўзингниям ўй-

ла оз-моз. Мана йигирма учга қадам қўйдинг. Онанг нимжон. Кўкрак оғриғим борган сари баттар бўляпти. Орзу-ҳавасларим бор, тўйгинангни кўрсам, болагинангни эркаласам...

Комила бундай гапларни онадан биринчи марта эшитиши эмасди. У ё индамас, ёки кайфсиз чоғларида, бъязан сал жеркиб ташлар эди. Бугун қосани нарироқ суреб, онага қизлик меҳри билан тикилди. Эллик яшар аёлнинг борган сари озиб, дармондан кетаётганини, 10 ҳатто қовоқлари сал шишинқираганини равшан сезди. Комиланинг бирдан йиғлагиси келди, лекин ўзини ба-зўр тийди ва юпантирувчи товуш билан деди:

— Хафа бўлманг, аяжон, соғайиб отдай бўлиб кета-
сиз. Мана Латифжон келсин, бир неча кун қишлоқда
дам олсин, кейин мен сизни у билан бирга Тошкентга
юбораман. У ерда сизни катта доктор, профессор даво-
лайди.

Она бирдан жонланиб, юзи ёришиб сўради:

— Шумтака укангдан дарак борми?

— Бугун хат олдим,— жавоў берди Комила, — 20 ўқишлари бир ой бурун битган экан. Ўғлингиз ҳамма дарслардан аъло баҳо олибди. Аям хавотир олмасин,
тез кунда бориб қоламан, дебди.

Она беҳад қувонди, ҳатто кўзларига ёш ҳам олди.
Лекин бир оздан кейин яна қизига ялина бошлади:

— Кўзим тирикда баҳтингни кўрсам, болам. Мен фалончига тег, фалончига тегма, демайман. Янги замон қизисан. Ўзинг саралаб дидингга ёқсан йигитга чиқ.
Худога шукур, ақлинг расо, номинг яхши. Йигит ҳам 30 ўзингга муносиб бўлсин, ақлли, номусли бўлсин. Умр савдоси оғир...

— Ая, сира ташвиш тортманг,— деди Комила илжа-
йиб,— дунёдан тоқ ўтмасман, бир кун эмас, бир кун
менга ҳам бир ўртоқ топилиб қолар...

Онанинг юраги умид ва қувончга тўлди, қизига узоқ умр ва баҳт тилади-да, ўрнидан худди соғ кишидай, ил-
дам туриб, идиш-оёқни йиғишири бошлади. Комила ёстиққа ёнбошлаб, узун сўлиш олди, беихтиёр ўй ва ха-
ёлга берилди. Қиз шу вақтгача ўзига ўртоқ тўғрисида жиддий равишда ўйламаган эди. Бир неча йилдан буён 40 унинг бугун вақтини, ўйини колхоз иши эгаллаб олган эди.

Комила бу ердан икки-уч километр нарида, эски ва
хароб қишлоқда, капитархонадек бир кулбада туғилди.
Етти-саккиз ёшида уни тошкентлик тоғаси олиб кетди.
Комилани мактабга бердилар. Пишиқ, туйғун қизча ях-
ши ўқиди. Бироқ түққизинчи синфга ўтганда, тұстадан
отаси вафот этди. Үн икки яшар ўғилча билангина бева
қолган ва гоҳ соғ, гоҳ касал онанинг тақдиди Комилани
ташвишга солди. Лоақал бир-икки йил күмаклашай,
10 деб 1940 йил ёзида қишлоққа қайтди-да, дастлаб кол-
хозда табелчи бўлиб ишлади. Кейин пахтакорликка қи-
зиқиб, кетмончи бўлди, звенодагина эмас, бутун брига-
дада энг яхши ишловчилардан ҳисобланди, юқори ҳосил
учун қаттиқ курашди. У вақтларда қизлар орасида но-
дир ҳодиса эди бу. Бир йилдан кейин, колхоз раиси
бошқа хизматга тайин қилингач, ишбилармон, ўқимиши
ли жасур комсомолка Комилани халқ раис қилиб сай-
лади. Комила колхозни уруш даврининг оғир шароити-
да ривожлантиришга ёш юракнинг бутун ғайрати ва
ўти билан киришди. Сув учун, янги ерларни эгаллаш
20 учун, янги қишлоқ ва маданий ҳаёт учун курашди.
Унинг эсига на севги, на истироҳат келди. Бир вақтлар
Тошкентда унинг мактабдоши, ўнинчи синф шогирди —
адабиёт тўгараги ва деворий газетанинг жонкуяри бир
шоирча — Мирза Ҳусний Комилага муҳаббат изҳор
қилган эди. Тоғадан, ўртоқларидан яширин бир-икки
марта у билан кинога ҳам борган эди. У вақтда Коми-
ла ўн олти ёшда эди. Мирза Ҳусний унга атаб апча
шеърлар ҳам ёзган эди. Шеърларини ошиқ шоир кўпин-
ча мактаб боғида Комиланинг қўлига қистирав, дарров
30 қизариб, ўсиқ соchlарини ҳилпиратиб, ура қочар эди. У
шеърлардан бири ҳали ҳам Комиланинг ёдида эди:

Юлдузларга қараб, кўраман сизни...
Жўш урар қалбимда яна муҳаббат.
Бахтим саралабди сиз каби қизни...
Эртамга қарайман, қувнайман фақат.
Ишонинг, йўлимиз тонг каби порлоқ,
Янги уфқларга очайлик қуюқ...

Колхоз раисаси ўқтин-ўқтин Мирза Ҳуснийнинг нуқ-
талар ва хитоб аломатлари билан тўла, самимий шеър-
40 ларини ҳам унинг қуш нусха имзосини табассум билан
эслаб қўяр эди.

Комила тўшакка ўтмасдан, анча вақт хаёлга, хоти-
раларга берилди. Лекин кўз олдида Ўқтам кўпроқ жил-

валанди, унинг фикрларига ҳам аралашиб кетди. Комила йўлдаги суҳбатни фикран тақорорлагиси келди, қулоқларида эса йигитнинг товуши жаранглагандай эди. Она ёстиқдан бошини кўтариб, койиниб, деди:

— Сенга нима бўлди, нега мунча хаёл сурасан, хўрсинасан? Тур дарров ўрнингдан, ёта қол, қоқиндиғим. Ҳадемай тонг отади-я...

X

Анорхон кичкина аравада звено даласига гўнг ташиш билан овора эди. Завод ўғитидан ташқари, гўнгни 10 «шарбат» қилиб далага оқизмоққа жазм қилган эдилар. Эскириб кукунланган гўнгни бир подачи бола жуда олисдан, қирдан топиб, қизларга дарак берган эди. Кичкина михти бўз эшак таниш йўллардан шошмасдан ялқовланиб юрар, унча-мунча таёққа парво ҳам қилмас эди, қияликлардан тушишда оёқлари илдам маҳлуқ, сал баландликка кўтарилишга эринар, Анорхон фиддиракни бутун кучи билан итариб, «ҳаром қот!» деб эшакни савалар эди. От қўшилган телегада гўнг ташиётган Дилшод ва Анзират йўлда учраб, гоҳо унга ҳазиллашар 20 эдилар: «Миниб олинг, опа, юки енгиллик қиляпти шекилли...» Лекин Анорхоннинг кайфи чоғ эди. Ҳамма ўртоқлари каби, у фақат звеносининг шаънини ва фақат энг юқори ҳосил олмоқ учун халқ олдида берилган ваъдани бажаришни ўйлар, звенонинг ҳар муваффақиятига қувонар, нолишни билмай ишлар эди. Чарчаса, ариқ бўйида, дараҳт салқинида ўтириб, бирпас дам олар, мевалардан тотинар эди. Анорхон куннинг авжи қизиган пайтида, тупроғи бозиллаган йўлда, қаттиқ 30 ғижирлаган аравачани ҳайдаб борар экан, сўлдан, ёлғиз оёқ йўлдан унинг ўртоғи чиқиб келди. Бу қиз — Анорхоннинг суйгани Жамолнинг синглиси эди — бир сават қора-қизил олухиротни бошига қўйиб, қаёққадир борар эди. Анорхон аравачани тўхтатди.

— Шириноими бу, эсон-омонмисан? — хурсанд бўлиб, анча наридан қичқирди Анорхон.

Шириной салқинга ўтиб, саватни ерга оҳистагина қўйди. Улар қучоқлашиб кўришдилар.

— Нега кўринмайсан? — сўради Анорхон.

Қорачагина, истараси иссиқ Шириной, нозиккина, 40 холдор юзидан терни артиб, нафасини ростлаб жавоб берди:

— Бизнинг колхозда ҳам юмуш кўп. Яқиндагина қирдан қайтдим. Неча марта учрашай дедиму, вақтим бўлмади. Яна сени хафа қилишниям хоҳламадим, ўртоқжон.

— Нима гап? — ранги ўчиб сўради Анерхон.

Шириной индамасдан бошини қуи эгди, фақат унинг қисиқроқ қора кўзларидан юм-юм ёш қуиилиб кетди. Анерхонга бутун сир аён бўлди. Унинг бутун борлиғи аламдан қақшаб, бўшашиб ерга ўтириб қолди ва гўё товуши ўчгандай, шивирлаб сўради:

— Қаердан билдинглар?

Шириной ўртоғи ёнига секин чўққайди, уҳ тортиб, энтикиб деди:

— Акамнинг ўлгани тўғрисида икки йил бурун ҳабар келган экан, лекин амаким ҳаммадан яширган экан. Мана яқинда сирни аямга очибди...

Анерхон бўғилиб-бўғилиб йиғлади. Анерхон Жамолни шундай кучли, шундай юракдан севишини Шириной энди англади, воқеани билдирганига ҳам ичидан пушаймон қилди, Анерхонни қучоқлаб, юзига юзини суриб, бошини силаб, йифи аралаш юпантира бошлади. Қаердандир кишиларнинг овози эшитилгандан кейин, Анерхон бошини кўтариб, ўзини дараҳт панасига тортди, Шириной кўзларини артиб, деди:

— Тур, бирор сезиб қолмасин. Ишингга бор. Мен ўзим эрта-индин уйингга келаман. Бемалол ҳасратлашамиз, ичимда дард кўп, ўртоқжон!

Анерхон юз-кўзини ариқда юва-юва, даррдан мажолисизланниб, секин ўрнидан турди ва ўртоғи билан хайрлашди. Қирга етганда қизиқ жанжал устидан чиқди у. Звено бошлиқларидан бири — ўжар, жанжалкаш ўспирин Мадаминжон гўнгга хўжайн ё шерик бўлмоқчи эди. Тансиқ индамас, ҳўмрайиб турар эди. Дилшод бир қўлинни белига тираб, иккинчи қўли билан йигитчага дўқ қилар, жиғибийрони чиқиб, қичқирап эди. Шу вақтда далада ғалла ташиётган аравалар фиж-фиж қилиб ўта бошлади ва чанг булути орасида Собир Эматов пайдо бўлди. Тўзонга кўмилган қошларини чимириб, ҳаммага бир-бир қараб, сўради:

40 — Яна нима ғавфо?

Қизлар ҳар ёқдан чувиллашиб, воқеани тушунтиришди. Собир интизомга риоя қилмаган жангчини сў

роққа тутган командир каби, Мадаминжонга тикилдида, сўради:

— Хўш, бу қандай зўравонлик?

— Мен кўзлаб қўйган эдим, булар қўлимдан юляпти,— жавоб берди қовоғини солиб Мадаминжон.

— Эгаси йўқ мол — олдин топғанники,— қўлини силтаб деди Собир.

— Бизга подачи кўрсатди,— деди Дилшод қувониб.

— Менга ҳам у айтган эди,— куйиниб мурожаат этиди Мадаминжон Собирга.— Ўйланг,— мен нима, шолғом экаманми? Мен ҳам паҳтакор, мен ҳам юқори ҳосил олмоқчиман!

— Хўш, ваъданг қанча?— кулиб сўради Собир.

— Қирқ центнердан,— гердайиб жавоб берди йигитча.

— А, қизлар-чи? Юз!— кўрсатгич бармогини ҳавога қадаб деди Собир.— Ҳай Мадаминжон, йигитсан, белинг араванинг ўқидай маҳкам. Инсоф қил! Қизалоқларнинг мардлигига тан бер, шу ердан, шу жазирамада қир ошиб, ўз даласига ўғит ташиганлари учуноқ мен 20 орденларимни ҳаммасига битта-битта тақиб қўйгим келяпти ҳозир. Қани, қўлни бер, ука, келар йил мусобақада иккимиз бел ушлашамиз. Юз центнерга тобинг борми? Ана унда жанжаллашсак ярашади!

Мадаминжон пўстдумбадай тоза тарашланган бошини сал эгиб, ўқрайиб аста узоқлашди. Собир бир неча минут қизлар билан гаплашди-ку, лекин Анорхонга индамади. Унинг бир четда қовоғини солиб турганини кўриб, йигит ўзидан ранжиди: «Галим қаттиқ теккан эканми?» деб ўйлади ва аравалардан бирига сапчиб 30 миниб, жўнаб қолди. Қизлар Собирни мақтاشди. Анорхон индамади, унинг қовоғи солиқ эди, баъзан беихтиёр уҳ тортар эди. Тансиқ бунинг сабабини сўради, лекин Анорхон, ўз ҳолимга қўй, дегандай бошини ғамгин силқиди. Иш яна қизиб кетди.

Кечқурун Анорхон чайлада дардини Тансиққа очди ва йиглади:

— Мен ҳам ачинаман Жамолга, лочиндан йигит эди,— деди Тансиқ хафаланиб.— Лекин энди қайғу бехуда. Бу ғам ёлғиз сенинг бошингдами? Энди дардингга 40 сув сеп. Қенгашим шуки, агар хоҳласанг... Собир ақадан қолма? Бу жуда яхши йигит. Баҳтли бўласан, Анорхон.

10

— Вой, юрагинг тошданми? Мен уни қандай унутаман? — деди жаҳл ва дард билан Анорхон.

Ҳакима чайлага қувониб келди, грузовойда шаҳардан артистлар келганини ва кечаси катта концерт бўлишини ҳовлиқиб айтди. Анорхондан бошқа ҳамма қизлар қувониб, кийиниш учун уйларига югуришди.

Қишлоқ томошага серҳафсала. Клуб орқасидаги кенг, текис саҳнда одам қалин. Ҳар ким ўзи учун ўнғай жой қидиради. Дараҳтлар тепасида болалар шамалоқ. Чойхоначи Дадамат давранинг тўрт томонига ўрнатилган

10 катта машъалларни ёқиши билан ҳамаёқ ёлқинланиб кетди. Худди ёнгин ичидаги қолгандек дараҳтлар алангalandi. Болаларнинг шовқини яна кучайди. Конферансъе ўртага чиқди, галстугуни тузатиб, қўлининг ишораси

билан халқни жим бўлишга ишора қилиб, колхоз ишига муваффақиятлар тилаб, концертни бошлади. Сув

қўйгандек жимжитлик ичидаги халқ қўшиқчиларни тинглади, ҳар бирини қарсак ва қийқириқ бўрони билан олқишлиди. Мана чирмандаларнинг вадаванг садоси

20 ҳавода янграйди. Икки ўйинчи қиз қичиқ атлас кўйлакларини машъаллар шуъласида товлантириб, кенг даврада рақсга тушди. Қўллар чапакдан ёнди. Дараҳтлар-

даги болалар ҳам ўзларининг кўм-кўк инларида чапакка қўшилдилар. Айниқса йигит-ялангларнинг шавқи авжга етди. Дадамат дам-бадам мой қўйган машъаллардек, базм ва хурсандчилик қизиб кетди. Артистларни халқ қайта-қайта чақираверди.

Тансиқ музика, қўшиқ, рақс деса жонини берувчи

30 Анорхоннинг келмаганига ачинди ва концерт тугамасданоқ ўртоғининг уйига илдам жўнади.

* * *

Мастура кечқурун ҳовлига қайтиши билан кир, ифлос кўйлагини ечмасданоқ гўшт, пиёз тўғраб, ўчоққа урина кетди. Югардак қизча, асраб олинган етимча, сув ташиб, ўчоққа ўтин қалаб, кулга қорилган ҳолда, ту тундан йўтала-йўтала олов пуллар, Мастуранинг қаҳридан зир титрар эди. Мастура ҳамиша «ер юткур», «бўйингни ер яширгур», «бўйнинг узилгур», деб бирпас тиним бермай, иш буюргани-буюрган.

40 Мана, иссиқдан пўрсиллаб Насимjon ҳам келди, узун бир «ух» тортиб, ўчоқ ёнидаги челякни бошига

кўтарди-да, қулт-қулт сув ичди. Мастура эса эрига, ҳар кунги одати бўйича, сўз ҳужумини ёғдириб, вайсай бошлади.

Сувни қониб ичган Насимжон челакдан бошини узди.

— Қани гапир, вағилламай гапир, тушунмаяпман.

— Вой, қулоғингиз тагида дўмбира чаляпманми, ганига қара,— газабидан илондай тўлганиб деди Мастура.— Бирпас идора сабилдан вахликина келиб, қозон ва масаллухни тайёрлаб турсангиз ўлармидингиз? Мен 10 шўрлик офтобда урниқиб, қора терга ботиб, ғўза ўтоғини қилсаму, яна келиб қозонга, гўшт-мойга урнасан. Ғўза қўргурниям бир ўт босибди, буям шўрим мени.

Қийшиқ-қинғир сўррайган тишларини тиржайтирди эри:

— Эҳ-э, иш кўп, кулфат кўп. Раисимиз Ўқтамнинг чизган чизифидан чиқмайди, ундан сабоқ олиб, қаттиқ-қўл бўлиб кетяпти. Ўқтамнинг малайлари кўп... ҳисобкитоб бирталай. Мен ҳам жуда чарчадим, мазам йўқ. Хўп роҳатда эдик, ойимча, тинчлик барбод бўлди,— бў- 20 шашиб астагина айвонга бориб чўқди.

Пишиқ харилар солингган, бақувват устунлар қўйилган, кенг-мўл икки уй, бир айвон. Ҳашар-ҳушар билан колхозчиларни алдаб-авраб хўп ишлатган Насимжон, ўзи қўлини совуқ сувга урмай, иморатни солиб олган.

Мастура қозонга озгина ёғ ташлаб доф қилди-да, гўшт ва пиёзни қовуриб, сув қўйди, кейин эри олдига келди:

— Узингиз ҳам ўлгидай бўшсиз, шартта-шартта гапирсангиз тилингиз йўқми?— деди эрига бодироқдай 30 потирлаб.

— Э, қизиқ гапирасан-а. Аввал хўп олишиб кўрдим, қарасам, фойдаси йўқ. Яххиси — сеники маъқул, деб тек юриш.

— О,— деди Мастура кўзларини айёrona сузиб,— ҳийла ишлатмоқ, давосини ахтармоқ керак.

— Ўйлаб-ўйлаб давосини сира топмадим; уринишнинг фойдаси йўқ. Ўқтам ўткир, пишиқ, қув йигит, уни чалғитиб бўлмайди.

— Иҳ!— деди энсаси қотиб Мастура,— бўшсиз, лақ- 40 масиз. Одам деган сағал найрангни ҳам, айёликни ҳам билса-да. Ёғочнинг юмшоғини қурт ейди, биласизми?

- Қани сўйла, отинча, сабоқ бер-чи,— ҳаҳолаб дёди Насимжон.
- Кулганингиз нимаси-я, қўйинг-э!— жаҳлидан пешанаси хунук бурушиб кетди.
- Қани, қани сўйла, қулогум сенда,— деди Насимжон жиддий оҳангда.
- Аввало қалин ўртәқ бўлишга тиришинг, ёлғондан-ку, аммо зинҳор сир берманг. Ҳа, деса чопинг, ҳа дегунича тайёр бўлинг. Ишқилиб қўлга олинг-да. Кейин у сизга секин-секин ийиди. Қараб туринг, ийиди. Яна бир макр-ҳийлани мен ишлатаман.. Ҳар кун кўчада, йўлда, далада учраганда Ўқтамга қараб ишва қиласман, сўйканаман, эркаланаман, тушундингизми?
- Ия,— деди Насимжон бўзрайиб,— хуштормисан Ўқтамга? Тавба, шарманда бўлмоқчимисан?— оқариб ўзгариб кетди жаҳлдан.
- Аҳ,— деди Мастура сохта ўпкаланиш билан ва жўрттага бир зум сукут этди-да, сўнг давом қилди дўқ билан.— Маккорлик-айёрликни ишлатмоқчиман. Босимга ураманни уни-е, ўлинг-э, бўш-баёв, билганингизни қилинг, аралашмаганим бўлсин,— ўрнидан турмоқчи бўлди.
- Шошма-шошма, хотин, ўтири-чи, тушуняпман энди. Қани оқибати не бўлади, гапир?— Мастуранинг қўлидан тортиб ўтқазди.
- Мастура макр булоғини очиб, аста шивирлаб эрига сабоқ бера бошлади.
- Ишқилиб қўлга тушираман. Кейин бир хуштор бўйсинки Ўқтам.. Секин-секин дала ишидан қутулиб оламан-да, яна бемалол бозор-ўчаримни бошлайман.
- Насимжон бир оз хомуш ҳолда сукутда ўтириди, Мастуранинг режалари устида фикр юритди.
- Дуруст, аммо эҳтиёт бўл-да. Авра, усталик қил, нозик иш, зинҳор қўлга туша кўрма.
- Вой, ўла қолай, зинҳор-базинҳор ташвиш қиласманг.
- Қотиб кулиб юборди Насимжон ва енгилланиб, ёстиққа ёнбошлади.
- Жойини топиб, яна бир карра зиёфатга таклиф қилиб кўраман. Сан бир қулинг ўргилсин манти қил; майдалаб аччиқ, ёғлиқ сомса қил, патир ёп. Ўқтам томорқани ҳам пайқаб қолди. Ўзинг биласан, томорқамиз анча кенг, кўзи тушганга ўхшайди. Эҳтимол ёмонлар

чакқандир. Ўлчаймиз, ортигини шартта қирқамиз, деди. Қулупнай бор, картошка бор, маккажүхори бор. Ичим ёнипти...

— Бошимизга бало бўлди жувонмарг,— деди куйиниб Мастура.

— Раис билмасин; далага, қирга тентираб кетадиган одати бор унинг, шундай пайтни пойлаб туриб чакирамизда. Каримқул акани ва унга ўхшашибир-икки ишончли, ўзимизга қарашли оғайниларни ҳам таклиф этамиз.

Мастура индамади, ўрнидан туриб қозон бошига борди-ю, «Ер юткур, шунчаям қаттиқ қайнатасанми», деб қизчани қарғашга тутинди.

* * *

Мирҳайдар ўз ҳовлисида артистларга ширингина зиёфат берди. Қайфи баланд меҳмонлар қий-чув билан хайрлашиб, қўшни колхозга ўтиб кетгандан сўнг, Ўқтам уйига жўнади. Гапдон, хушчақчақ меҳмонларга қизиқиб, у ҳам майни қониқиб ичган эди, чала ечиниб, тош қотиб ухлади. Эрталаб, нонуштадан кейин, онаси билан олдин-кетин далага чиқди. Сорабиби сабзавотни ўтоқлаш учун қайрилар экан, ўғлига деди:

— Болам, ўйл узоқ. Пича яқиндан, осонроқ иш берсанг менга.

— Қимиirlаган қир ошар, дейдилар-ку. Майда қадам билан бориб қоласиз, интилаверинг, ая,— деди кулиб ўғли ва колхоз ерининг этагида янги очилаётган ерга кета туриб, ўйлади ичида у: «Ватани офат таҳликага солгандা, қари-қартанглар ҳам сўнгги кучларини билакка йигиб, меҳнатда фидокорлик кўрсатдилар. Фазабдан қўлга қурол олиб, ботирлардек жанг қилган кексалар ҳам оз бўлмади (кекса баҳодир партизанлар кўз олдига келди, ўғиллари, набиралари учун немисдан ўч олишга уларнинг қисмига кўнгилли равишда қуролланиб келган, оқ соқоли кўксида, муҳтарам бир рус кексасини эслади Ўқтам). Қийинчиликлар йўқотилган сайин кексаларни ишдан дарҳон қилиш керак. Олдин уларни жуда енгил, улар учун эрмак бўладиган ишларга қўйиб, кейин тамоман бўшатиб, нимани роҳат деб билсаларинг, шуни қилларинг, дейилса... Бунинг учун ёшларнинг меҳнатини яхши уюштириш керак, энг му-

20

30

40

ҳими, машиналардан, электрдан фойдаланиб, кучни, вақтни тежаш лозим...» Шундай ўйлар билан Ўкта мөхнат майдонига келиб қолди. Бу — жарликлар орасида кичкина түқай эди. Йигирмага яқин комсомоллар — йигитлар ва қизлар гайрат билан ишлаб, түқайни қамишдан, ҳар хил ёввойи буталардан тозаламоқда эдилар. Ҳозир жар ёқаси бўйлаб, бир тутам түқай қолган эди. Очилган ерда бошлари мажақланган иккита узун, йўғон, олачипор илон ялтираб чўзилиб 10 ётар эди.

Ўкта молдига комсомол ташкилотининг секретари Ўсаржон Султонов югуриб келди. Тикан ва чўкирлардан унинг қўллари, жиддий, мардона, чиройли юзи юлинган, қирилган эди. Фақат қийғоч жавдироқ қўзларида нашъа учқунланар эди. Ўсаржон пешанасига тушган соchlарини бошини кескин бир силкиш билан кўтариб, хурсанд ҳолда деди:

— Бугун кечга қолмай битирамиз, Ўкта ака.

— Темп жойида. Мўлжалингда неча гектар?

20 Ўсаржон майдонга қирғийсимон қараб, тўртта бармогини кўрсатди ва кулиб, деди:

— Колхоз рўзгорига яхшигина супра...

Ўкта хурсанд бўлди. Ўсаржоннинг камаридан ушлаб, бўш келмайсан, дегандай, силкиб-силкиб қўйди ва буйруқ йўсинида деди:

— Эртагаёқ тракторни соласан, ерни роса ағдара-санки, бутун безгаги учеб кетсин. Сувни текис ичадиган йўсинда жўяқ олдирасан кейин.

30 — Хотиржам бўлинг, Ўкта ака,— деди ғуур билан Ўсаржон.— Ҳали қанча ўғит тўкаман? Бу ердан энг камида эллик тонна сабзавот олишга бошим гаров бўлсин! Фақат сиз усталарни қимиirlатинг, новни тезроқ ясасинлар.

Колхоз ери билан тўқай орасини кенг, чуқур жарлик айирав эди. Ўкта ва Ўсаржон жар ёқасида юриб, новни ўрнатиш учун бол жой қидирдилар. Гап орасида Ўсаржон бирдан Ўкта мурожаат этди:

— Ўзи нима гап? Раис билан ораларинг тарангроқ эмиш?

40 Ўкта илжайиб, масаланинг моҳиятини холисона тушунирди.

— Ёшлар сиз томонда,— деди Ўсаржон қатъият билан.— Энди эртанинг ўйи билан яшайдиган замон кел-

ди. Электр кўзгагина эмас, қўлга ҳам ёрдам берсин. Эски тегирмонни станцияга айлантиралишлар. Ўтмас пичоққа — олтин соп!

— Барибир бизники устун келади. Қадамимиз — замон қадами,— деди Ўкта.

— Мирҳайдар ота ақлли чол. Балони билади,— деди Ўсаржон.— «Маром»ни энди ишлатмай қўйди. Фақат «бамаслаҳат» қолди. Буниси, албатта, мақташга лойиқ. Менимча, баъзи масалаларда чолнинг ўжарлиги бежиз эмас. Баъзи одамлар чақимчилик қилиб, чолни авраб, 10 сиздан уни айнатишга уриняпти.

— Мен ҳам сезаман. Лекин кимлар?— қизиқсинди Ўкта.

— Масалан, ҳосилот раиси,— жавоб берди Ўсаржон.— Гарчи у яқин қариндошим, лекин одатларини ёмон кўраман. Шайтонроқ, ҳасадчироқ, писмиқроқ одам... Бу тўғрида, Ўкта ака, бафуржа гаплашамиз, дурустми?

Ўкта бошини қимиirlатиб, «хўп», деди. Икковлари қўлларига кетмон олиб, ҳаммани ўзишга ундан, ишга 20 қаттиқ киришдилар.

Тушки овқат вақтида Мирҳайдар келди, атрофга аланглаб ҳайрон қолди, ёшларни мақтади: «Ёш қўли — арслон панжаси!» Кейин ердан бир чимдим қора нам тупроқ олиб, кафтида аста уқалади, ҳидлади, жиндаккина тупроқни тил учи билан ялаб кўрди-да, тупурди ва Ўкта ҳам Ўсаржонга қараб, салмоқланиб, деди:

— Ўбдан пишитиш керак. Гап хамирдагина эмас, қашқарлик ошпазнинг қўлида. Лағмонга унинг қўли маза беради. Хуллас калом, меҳнатни аяманглар. Ана 30 унда бу жой хийла танти бўлади.

Бир оздан кейин Ўкта раисга ҳамроҳ бўлиб, қолоқ гўза участкаларини кўздан кечиргани кетди. Йўлда кичикроқ, сояроқ сабзавот участкасида Ўктамни таниш аёл товуши чақирди. Раис парво қилмади, қўлларини орқага қўйган ҳолда кетаверди. Ўкта ўтоқ билан банд Masturanning тепасида тўхтади.

— Хўш, қулоғим сизда,— деди Ўкта.

Аёлнинг қовоғи солиқ, пешанаси тиришган эди. Урнидан турмасдан Mastura кўзларини юқорига, Ўкта 40 тамга олайтирди ва ўтиришни сўради.

— Вақт зиқ, гапираверинг,— деди ижирғаниб Ўкта.

Мастура күйиниб бидирладі:

— Нима, менда қасднігиз борми? Үз пешана терим билан обод қылған томорқамизни, кийим бичган чевардай кесиб-кесиб аллакимларга тортиқ қылдингиз. Күйдім, ўртандым — чидадим. Мана, энди иккі құлым балчиқда. Шу ҳам ишми? Үх, эссиз умрим. Чүлда шириңшириң овқат пишириб юрганим ҳам ганимат экан...

— Жуда ношукур, жуда нозчи хотин экансиз-да,—
10 деди Ўқтам зақарханда билан.— Қирда саҳройи бўлдим, деб қулоғимни битирдингиз. Бир кун офтоб тегди, деб ётдингиз; бир кун гармсеп урди, деб инградингиз. Мана, ҳозир ўрнингизда Дилшоднинг аяси ишләяпти. Үзи ҳам, ўроқчилар ҳам хурсанд. Үтоқ — болаларнинг, кампирларнинг иши. Сизда қитдай инсоф бўлса, пахтада ишлар эдингиз! Ана унда меҳнат нима эканини билар эдингиз! Мен сизга олдиндан айта қолай — яқинда чопиққа соламан сизни. Нормани бажарнин талаб қиласман!

Мастура тўсиндан ўзгариб кетди; илжайиб, қора
20 мунчоқдай кичкина, айёр кўзларини ноз билан суздида, юмшоқ, сирли товуш билан деди: «Бирпас ўтиринг, гапи~~ш~~ бор». Мастура Ўқтамни ўз ёнига ўтқазиб, иложи бўлса, унинг елкасига секингина қўл ташламоқчи эди; ўткинчи колхозчилар кўрса, Ўқтамни таъналайди, обрўси тушади. Вақти зиқ Ўқтам ўтирамади.

Мастура лабларини ялаб, атайин теваракка аланглаб, шивирлади:

— Нуқул мендан хафа бўласиз, лекин қирда бўлиб ўтган воқеалардан хабарингиз борми?

30 — Хўш, унда нималар бўлди? — энгашиб, қизиқсигиб сўради Ўқтам.

— Айтишга тилим ҳам бормайди... — жавоб берди аёл қошини айёрча чимириб.— Бир кун эрталаб ёлғиз ўзим чодирда ётган эдим. Тепа остида Анорхон чой қайнатарди. Чой қайнатган бўлса, бир пиёлагина ичай, деб ташқарига чиқдим. Пастга қарасам, Анор ёнида Собир ака ўтирибди, кўзларини қизга шундай қадаб гапирияпти. Тепа лабида узала тушиб ётдим, қулоқ солсан, Собир ака қурғур қизни хўп алдаяпти, авраяпти; «сени яхши кўраман, жоним сенда, эс-хушим сенда. Кўзларингдан аканг, сўзларингдан аканг, мендан бошқасини ўйлама», дейди...

— Яна? — илжайиб сўради Ўқтам.

Мастура жавоб бермасдан, ўтоқ қилишга уринган бўлди. Ўкта Анорхонга кўнгил қўйган, деб ўйлар эди у. Ўкта Анорхонга табассум билан чой қуйганини, унга бир неча марта ашула айтдирганини, бир кун тепаликка чиқиша Укта қизниң қўлидан тортганини ва у суюнганини кўрган эди. Ҳозирги мақсади эса чақимчилик қилиб, қалин дўстларнинг орасини бузишга уришиш эди.

— Фақат шуми, нима бўлди яна? — жиддий сўради 10
Ўкта.

Мастура кўзларини маккорона ўйнатиб, жавоб берди:

— Улар сезмай қўя қолсин, деб жимгина орқага қайтдим. Қим билади, йигит билан қиз ёлғиз ўзлари ёнма-ён ўтиришса, кўнгиллари нималарни истамайди!

— Бу сирни менга айтишдан мақсадингиз нима? — кинояли кулги билан сўради Ўкта. — Агар сўзларингиз рост бўлса, мен жуда хурсанд бўламан. Собирдай азамат йигит билан Анорхондай жонон қиз бир-бирини севса, бир-бирига қовушса, ёмонми? Иккиси ҳам олтин. 20 Агар қиз рози бўлса, тўйбоши ўзим бўламан! Сиз мана бу гапни қулогингизга қуйиб олинг, гап ташувчи, тирноқдан кир изловчиларни, чақимчиларни мен жуда ёмон кўраман!

Мастура лабинни бурди, ўзича нималарнидир пичирлаб, тескари қаради. Ўкта пахта даласи бўйлаб, ёлғиз оёқ йўлда илдам одим отди.

* * *

Ҳаво дим... қуёш қонидан мислсиз ҳусн ва латофат кашф этган ҳудудсиз кўм-кўк ғўза денгизи қимир этмайди, гўё уйқуда... Далада, олисда қизлар чопиқ қиласётгани кўринар, гоҳо ҳавода кетмонлар чарақлаб, уларда қуёш ялт этиб кетар, ёқимли қувноқ қўшиқлар узоқдан янграб қўяр эди.

Кўркам терилган қатор адил тераклар тагида шалдираб оқаётган сув олдида Жўра ўтирас, у раиснинг буюрган юмушлари билан далани эртадан буён бир неча бор айланиб, энди бирпас тинчиган эди. Кўм-кўк майсадаги бир-биридан рангдор, бир-биридан зиёдроқ нафис гулларни узиб олар ва гўё япроқларнинг шакли- 40

ни текширгандай, гуллар, ўтлар навини ўргангандай жиддий, ўйчан ўтирап. Аммо унинг хаёли бошқа қирғоқларда... У гоҳ жабҳадаги отасини ўйлар, ҳозир қаерда экан, Ватан учун жон бағишлиб қурбон бўлдими... ёки асирикан, дер, хаёллар ўжар давом этар. Юраги ота муҳаббатига лим тўла. Соғинч, ҳасрат, муҳаббат, ҳатто ёвуз душманга ғазаб — барчаси бор унинг улуғ қалбida. Гоҳо унинг хаёли келхоз аҳволини, раис ота, Ўктам, Каримқул, Насимжон, Ўсаржон, Собирларни қамраб олар. Боланинг тоза фикри, одил муҳокамаси уларнинг яхши ва ёмон ишлари, хатти-ҳаракатлари, қилмишлари, хулқларини текшириб нуқсонларига қайғурур, фазилатларига қувонар эди.

Бирдан Жўра олдида Ўктам тўхтади, у иссиқдан қаттиқ терлаган, жиққа ҳўл эди.

— Ҳорманг, Ўктам ака,— деди Жўра,— жиндек дам олинг.

Ўктам узун бир сўлиш билан ҳорғин ёнбошлади:

— Оғочлар сояси, шарқираган сув... Маза-ку, хўп оромгоҳни топибсиз,— Жўрага табассум ила қараб.

— Шу иссиқда тангадай кўлка ҳам жонга мадад, ака,— кулиб деди Жўра.

— Хўш, нима қилиб ўтирибсиз, муздай жойда, гапиринг-чи?— сўради майсадаги гулларга гўё суқлангандай узоқ назар ташлаб Ўктам.

— Роҳат, роҳат...— жавоб берди Жўра кўзларида табассум ўчмасди.

— Роҳат, роҳат, биродар, лекин иш кўп,— ташвишли ва жиддий оҳангда деди Ўктам.— Мана беда ўрилди-ку, аммо қовжираб ётиби далада, ёняпти... Ташишга куч йўқ, одам йўқ...

— Борларнинг баъзилари дангаса, баъзилар ўйин, чўмилишдан ортмайди, баъзилари бозор-ўчар билан овора,— деди ва губорсиз чақмоқ кўзларини маъноли қилиб кулимсиради Жўра.

— Тўғри айтасан, лекин оқрин-оқрин бундай но маъқулчилик тугаяпти. Ақллари кириб қолар, ука. Аммо девдай ишлаганлар оз эмас. Одам етишмайди, фарқ қиласиз, мана сан, ёшсан, михдайсан, файратинг жойида...

— Қани энди, тузуккина бир иш берсалар, жон дердим. Раис ота майда-чўйда ишга югуртгани югуртган. Зарур ишлар-ку, лекин кўзга қўринмайди, бари

10

салмоғи йўқ. Ўзим ҳам эп кўрмайман, қачонгача Жўра чақалоқ?

— Қани, бўлмаса тенгқурларингни йиф, ишга яроқ-ли ўзингдай бақувват азаматлардан йигирма-ўттиз чиқиб қолар. Нима дейсан?— сўради Ўқтам.

— Албатта, чиқади,— суюниб кўтарики руҳ билан жавоб берди Жўра.

— Бўпти, болаларни саралаб, ишга яроқлисини йиф,— деди Ўқтам.— Болалар ҳам яхши ишлайди, лекин уларга енгил ишларни топиб, тартибли равиша 10 фойдаланиш керак. Йиф сен уларни, ўзим вазифа топшираман.

Жўра бирпас синчилаб суриштириди, кейин ҳовли-қиб жўнаб қолди.

Ўқтам илдам қадамлар билан бригадалар томон ўйл . олди.

Жўра югурга-югурга терлаб-пишиб, бақувват, чайир болалардан ўн олтитасини йиғди ва ҳадемай, пешин чоғи, кенг бедазорнинг бир четидан ишга шўнғидилар.

— Қани арава, от, тентакми ўзи?— кулди ўртоқла- 20 ридан бириси Жўрага.

— Аввал йиғиб, ғарам қилайлик, кейин аравасиз қолмаймиз, қаторлашиб қолади,— қатъият билан жа-воб берди Жўра.

Еш азаматларнинг қизғин ишлари бошланиб кетди. Тик қуёш селида ҳаво оловдай ловиллар. Лекин ёшлар писанд қилмайди, астойдил берилиб, бирпасда тоғ-тоғ бедаларни йиғдилар.

Гумбурлаб келган араваларнинг биринчисида Ўқтам ўзи эди.

— Ёпирай, кечикибмиз шекилли,— шошиб аравадан ўзини ташлади у.— Баракалла, офарин, дўстларим.

Болаларчуввос кўтариб, аравакашлар билан бирга бедани араваларга ортдилар.

— Ҳаялламай тезроқ қайтсин аравалар, Ўқтам ака, ҳали беда жуда кўп,— деди Жўра қўлини кенг силташ билан далани кўрсатиб.

— Бўлди-бўлди, бас,— деди секин Ўқтам Жўрага.— Эртага барвақт яна бир бошлаб келсанг ҳамқурларингни, тамом қилиб қўясизлар.

Болалар кўнмади:

— Саккиз арава йигибмиз, яна бир келсин, Ўқтам ака, бўптими?— ялинган оҳанг билан.

30

40

109

-- Баракалла!— деди баланд товушни янгратиб
Ўқтам ва аравакашлар билан мамнун жўнадилар.

Болалар руҳларида тошган ғайрат, шўхлик ва эп-
чилик билан яна ишга киришдилар. Улар талашиб-ури-
шиб, чаққон ва қувноқ, бир-бирларига қизиқиб, уч кун
ичида бедани йиғиб қўйдилар.

* * *

Мана энди улар тепа бағрига жойлашган, бир вақт-
лар жуда кўркам бўлган, танланган хилма-хил мева
10 даражатларга тўла, лекин ҳозир хийла қаровсиз колхоз
боғидачуввос билан йиғилдилар. Боғда айниқса шаф-
толи сероб, ҳали жилла пишганича йўқ, анорнинг нор-
дон, чучук турли навлари; сариқ, қизил, қора олчалар
новдаларда маржондай терилган, аммо тергали куч ва
қўл етишмайди.

Ўзларига хос шўхлик, хушвақтлик, шовқин-тўполон
ила болалар думбул шафтолига кўз ўйнатиб, олчани
эса тотиб-тотиб тера босладилар.

Қари, ожиз, лекин юраклари сўнмас ғайратга тўла
20 хушмуомала чоллардан бештаси болаларга бош эди.

— Чироқларим!— деди бир мўйсафид юмшоқ, ёқими-
ли, оҳангдор товуш билан, ҳовучида олча тўла қўлини
кўтариб,— шовқин қилманг, жим!

Жўра катталардай жиддий ва мағрур тусда баланд
қичқирди:

— Жим!

— Олча бу йил жуда сероб, аввал тўйиб енглар, ке-
йин яхшилаб тоза терасиз,— кулимсиради ва қўш нар-
30 вонларни оқрин сурга бошлади. Болалар дув этиб, челак-
ларни, саватларни кўтариб, нарвонларга ёпишдилар.
Болаларнинг ёқимтой шўхликлари, ғайратларига қараб,
муҳаббат-завқ тошган кексаларнинг чеҳраларида, ақл-
ли ва доно кўзларида қувонч, меҳр жилваланарди.

Мана бир қорача бола нарвондан ошиб, баланд бир
шоҳга тирмашар экан, сирғалиб кетди. Бир зум чуввос
кўтарилиди. Чаққонлик билан пастки шоҳчага ёпишиб,
аранг бешикаст қолди.

— Шўхликка барҳам бермасанг, ҳозир жўна!— қич-
қирди нарвон бошида турган Жўра.

40 — Тавба қилдим, саркардам!— ҳазиллашди аввал-
гидан ҳам баландроқ шоҳга чиқиб улгурган бола.

Ўйин-кулги, шовқин-сурон билан давом этди олча терими. Кетма-кет узатилган челак ва саватларни кексалар ерга ағдардилар, хирмон борган сари кўпайди.

Пешин хийла оққандан сўнг, эрта давом этиш шарти билан, теримни тўхтатдилар-да, чўмилиш учун болалар ўзан томон югура кетдилар.

Шу хилда болаларни идора этиб, Жўра ўн беш кун тартиб-интизом билан иш олиб борди. Меҳнатга қизиқ-қан чаққон бу ёшлар ҳар қандай ишга тайёр эдилар. Мирҳайдар ота, айниқса, Ўқтам қувонар:

— Офарин, отабоши, нор йигит бўласан!— деб Жўрани мақтар эдилар.

— Шўх ҳаммаси, ишининг тобини яхши билмайди ҳали булар,— деб катталардай салмоқдор камсуханлик билан жавоб берарди Жўра.

10

XI

Рустам Сайрамов ўз ҳовлисига кирди-ю, ариқ устига қўйилган катта, кенг ёғоч каравотга ҳорғин ўтирида дарров этигини, уст кийимларини ечди. Тунги шамол унинг тукли, бақувват кўкрагига роҳат бағишлади шекилли, енгилланиб узун нафас олди. Секретарнинг қалин қошли, бодом қовоқ, тўлагина, очиқ кўнгил хотини соатга қараб, эрининг барвақт келганига, илдам ечинганига ҳайрон қолди. Эрининг кеч қайтишига, ҳатто қайтмаслигига ҳам одатланиб қолган эди у. Яна бугун бир ўзи келди. Кўпинча секретарь областдан ё марказдан келган бирон ходимни бошлаб келар эди. Шошибишиб овқатланаркан, шунда ҳам бутун гап районнинг сиёсий ва хўжалик масалалари, турли қарорлар ва уларнинг бажарилиши, ипак, пахта, галла, сув, машиналар ремонтни ва ҳар хил иланлар ҳақида борар эди.

— Бугун байрам қилиб юбордик,— деди хотинига Сайрамов кулиб.— Болалар қани?

— Чолнинг ёнида.

Сайрамов енгил шиппагини кийди ва ҳовлининг нариги бурчида, дарахтлар орқасидаги айвонга қараб юрди. Қари бобони набиралар қуршаб, эрмак қилишмоқда эди. Қаттаси ўн бир, энг кичиги тўрт яшар болалар — икки ўғил, икки қиз сурон кўтариб, дадага отилишди. Сайрамов шўх кичик қизчасини дарров елкага миндириб, дадасининг ҳолини, кайфини сўради. Чол

20

30

40

кўркам соқоли орасида яширинган лабларини аста қи-
мирлатиб, гапирди:

— Бу шўхлар билан овуниб ўтираман. Болам, мана
бу иккита кичигингнинг тилига сира тушунмайман. Ну-
қул русча фужиллади. Иккита каттаси мен билан ўзи-
мизча гаплашади. Ҳаммасини умри узоқ бўлсин, сен
ҳам мендай қариб, буларнинг баҳтини кўр.

Чолни яқинда келини Тошкентдан олиб келган эди.
Унинг отаси бир замонлар унга: йилинг сичқон, деган

10 экан. Чолнинг ўзи тунов кун бармоқларини бир-бир бу-
киб, мучални санаб, саксон олти ёшга кирганини ўғлига
айтган эди. У ўз умрида ўн йиллаб мардикорчилик, ўн
йиллаб ҳаммолчилик, ўн йиллаб ямоқчилик билан ти-
рикчилик қилган эди, қарилигида баҳт кўргани учун
чол бениҳоят хурсанд. Рустамдан бошқа икки ўғлининг
бири доктор, бири инженер. Ўғиллари ва қизларидан —
йигирма бир набирага бобо эди у.

— Зерикмадингизми, дада? — сўради Рустам.

20 — Гоҳо бирпас эшикка чиқаман, — жавоб берди
соқолини тутамлаб чол, — ўтган-кетганга разм соламан.
Шаҳарчанг ширингина жой экан. Одамлари хушмуома-
ла... Боф меваси билан, шаҳар фуқароси билан. Суви
ҳам мазали экан.

— Сизга ёқибди, жуда хурсандман. Шаҳарчамиз
яна обод бўлади, дада.

30 — Модомики, ҳукумат сени бу ерга улуғ қилибди,
сен шаҳарни обод қил, ўғлим! Ишингда тўғри бўл, ҳу-
куматнинг чизигидан қилча ҳам четга чиқма. Мендай
бир хокисор қашшоқнинг боласини шундай шаҳарга ва
атрофга ҳоким қилиб қўйган ҳукуматга раҳмат. Адо-
лат, ҳаққоният мана бу!

— Юринг овқатга ё шу ерга келтирсинми?

— Қорним тўқ, болам. Ҳалигина келиним, илоҳи ба-
рака топсин, нуқул қиймадан сомсадай-сомсадай янги-
ча овқат берди. Юмшоққина экан, ўбдан едим. Чой бер-
саларинг бас. Ҳа, айтгандай. Қачон мени Тошкентга жў-
натасан?

40 — Кетишни ўйламанг, мен сизни жуда соғинганман-
ку, — деди кулиб Рустам ва дадаси билан яна бирпас
суҳбатлашиб, каравотга қайтди. Болалар бир оз тўпо-
лок қилишиб ётишид-ю, ухлашди. Фақат катта ўғил
Озод дараҳт шоҳида осилиб турган катта лампочка
остида, русча қалин китобни тиззасига қўйиб, мутолаа-

га берилди. Хотин бир коса жаркоп келтирди, Сайрамов маънодор илжайиб, вино сўради. Дарров бир шиша «Ҳосилот» ҳам келди. Сайрамов секин-секин косаниям, шишаниям бўшатди. Кейин эр ва хотин у-бу тўғрисида бирпас суҳбатлашдилар. Хотин ўн йиллик мактабда тил ва адабиёт муаллимаси эди. Район маориф ишларида-ги камчиликлар ҳақида гапириб, эрини танқид қил-ди у:

— Биламан, маорифга унча қунт қилмайсиз.

— Йўқ, жоним, ҳозир ундан эмас. Мактаб масала-¹⁰ сига бу йил яна кўпроқ қунт қиламиз,— деди Сайра-мов.

— Кўярмиз!— деди хотини маънодор илжайиб.

Ярим соат қадар радио тинглашгандац кейин, Сай-рамов папирос чекиб, газеталарни бир-бир кўздан кечира бошлади. Хотини расмли журналларни варақлади. Мана, Озод ҳам қалин китобини ва жингалак сочли бошини ёстиққа қўйиб, бирпаста ухлаб қолди.

Деразалари, эшиги ёзчасига ланг очиқ қаршидаги хонадан телефон жаранги эшитилди. Сайрамов гурсил-²⁰ лаб хонага югурди ва дарров қайтиб чиқди-ю, этикларини қидира бошлади. Хотини унинг юзига қараб, шошиб сўради:

— Нима гап? Тинчликми?

— Юқорида тўғон бузилибди,— жавоб берди Сайра-мов пихиллаб.

— Вой-бў!— деди аёл ташвишланиб.

Сайрамов этикларини шошиб-пишиб кияркан, хотини унинг кенг, эскироқ оқ шоҳи кителини қўлида ушлаб, кийдиришга тайёр бўлиб турди. Ҳозирги кунда колхоз-³⁰ лар учун сув нима — буни хотин ҳам яхши англар эди. Бурунлар сувга ёлчимаган бу район ерлари Қатта Фар-фона канали қазилганидан кейин сувга анча сероб бў-либ қолган эса-да, шу паллада, пахта майдонлари авжи сув талаб бир замонда, сувни жуда тежаб, қаттиқ тар-тиб билан тақсимлашга тўғри келар эди. Айрим брига-далар, звенолар орасидагина эмас, ҳатто аҳён-аҳёнда колхозлар орасида сув юзасидан талашиш-тортишиш рўй берар эди. Бузилган тўғон — унча мустаҳкам бўл-маган муваққат тўғон эди, лекин ундан бир неча кол-⁴⁰ хоз сув ичар эди.

Сайрамов уйдан илдам чиқди. Соат бирдан ошган эди. Район маркази — шаҳарча, жимгина ухлайди. Ун-

да-мунда, дарахтлар орасида чироқлар порлайди. Фақат олисдан, МТС ҳовлисидан машиналар ва одамларнинг шовқини эшитилади, ишхонаси трубасидан ҳавога учқунлар тинмай сочилади. Сайрамов йўлакай район ижроком биносига келди, ярим очиқ деразалардан раис кабинетига қаради. Раис қандайдир қоғозларни папкаларга ошигич равишда солмоқда эди.

— Воқеадан хабардормисиз? — сўради Сайрамов.

- Район ижроком раиси қирқ беш ёшлардаги Зуфар
10 Маҳкамов — ўрта бўйли, зуваласи пишиқ, кўзлари чақчайганроқ киши эди. Шошиб деразага келди.

— Ҳозир сизга телефон қилмоқчийдим. Сув қурғур ҳамиша шундай, кутилмаганда қутуриб қолади! — деди Маҳкамов ва одатicha, бурнининг учини бармоги билан бир тутиб қўйди.

Маҳкамов бу одатни ташлаёлмасди. Айниқса мажлисларда сўзга чиққанда бурнини тез-тез туртار эди. Судда хизмат қилувчи, олифта, сўзамол қизи унинг бу одатига куйинар эди: «Мажлисда сўзга чиққанда, икки

- 20 қўлни чўнтакларингизга солинг, ҳам қўлларингиз бирон нарса билан банд бўлиб турсин». Маҳкамов қизариб, астойдил дер эди: «Ўнда сўз келмай қолади, мен си-надим. Хўш, халқ олдида дудуқланганим яхшими?»

Сайрамов сабрсизланиб сўради:

— Водхоз қаерда? Биладими?

— Жўнаб кетди ҳозир.

— Чарчаган бўлсангиз, сиз қола қолинг, — деди Сайрамов.

- Йўқ, уйқу келадими энди, — деди Маҳкамов ва
30 бурнини кескин равишда тутиб қўйди.

Тош кўчалар отлар туёғидан қалдираб кетди бирдан. Мана, район раҳбарлари энди чанг булути кўтариб, дала йўлида еладилар. Бир вақтлар финансент, сельсовет раиси, инструктор ва «Қизил Ўзбекистон»нинг қишлоқ мухбири, район суд ходими каби турли мансабларда ишлаган Маҳкамов қувроқ ва расмиятчироқ эди. Бурунлар у ҳеч қандай танқидни кўтармас, кимки унинг нуқсонлари ҳақида оғиз очса, уни душмандай билар эди.

- Лекин Сайрамов келгандан бўён, унинг таъсирида, Маҳкамов хийла ўзгарди ва ўди, танқидга энди қизариб-бўзариб дош беради.

Отлиқлар катта дарвозадан «Социализм» колхози идорасининг ҳовлисига киришди. Чироқ милтираган

бир хонадан секретарь қиз ва иккى йигитча югуриб чиқди. Афтидан, улар эртанги иш планини тузмоқда эдилар.

- Раис қаерда? — сўради Маҳкамов қичқириб.
- Ҳозир уйга кетди, — жавоб берди қиз бақрайиб.
- Тўғон бузилибди. Йигитларни, сувчиларни чаққон олиб борсин, — буюрди Маҳкамов.
- Ҳозир, ҳозир! — қичқиришди ёшлар.

Райком секретари ва Маҳкамов гоҳ айрилишиб, гоҳ яна тўсиндан учрашиб, колхозларда одамларни уюштиридилар, материал ташиш учун машиналар, аравалар юбордилар. «Азамат» колхозининг раиси ҳовуз бўйида, чўғдай ёнгани гилам устида оппоқ ёстиқларга ёнбошлаб, бир неча жўралари билан кайф қилмоқда экан. Маст раис Сайрамов отининг жиловидан ушлаб, ялтоқланиб, деди:

— Э... жоним фидо бўлсин, марҳамат, марҳамат. Тушинг, бир нафас дам олинг. Ҳай, Қосимали, қаердасан, уйга югар, хабар бер.

Бу киши бир вақтлар колхоз қурилиши ва пахтачилик соҳасида хизмат кўрсатганлардан бири эди. Кейин район ва облости миқёсида юқори мансабларга кўтарилид. Лекин кеккайгани, майшатга берилгани ва ишда ўスマгани учун, балки ўзига таниш ишда тузалар, яна ўзини кўрсатар, деган умид билан колхозга қайтарилган эди. Сайрамов хўмрайиб, деди:

— Планларни бажаряпсизлар, эрта-кеч базм, кайфсафо қилсаларинг ярашади!

Бу киноя раисга худди бошидан бир челяк муздай сув қўйгандек таъсир қилди. Бирдан бўшашиб, жиловни қўйиб юборди. Тўғон бузилганини эшитгандан кейин бақириб-чақириб югорди.

Сайрамов тўғон бошига келганда, бу ерда иш қайнамоқда эди. Водхоз бошлиғи ёш инженер-ирригатор Муродов худди катта ёнгин вақтидагидай, ошиғичлик, файрат ва ҳаяжон билан иш олиб бораётир эди. Қоронғида Сайрамов энг яхши миробларни овоздаридан таниди. Одамларнинг кўпи ваҳимали гувиллаб, пастга отилаётган сувда. Яна ҳар ёқдан узлуксиз равишда тўдатўда колхозчилар келар, тўғри суронли курашга отилардилар. Кўп ўтмасдан машиналарда, араваларда уюм-уюм шохлар, ёғочлар ва ўзга материаллар кела бошлади.

— Муродов, ишни пишиқ қил, тош бос, тош!— қичқирди Сайрамов.

— Хотиржам бўлинг, боплаймиз!— қичқирди товуши борича Муродов.

Кимдир катта машъял ёқди. Сув тўлқинлари қипқизил оловланди. Колхозчилар сурон билан материал ташимоқда эдилар. Собир бутун-бутун харсангларни, ортиқча кучанмасдан, аллақайдандир кўтариб, қора терга ботиб югуради. Ўктаам эса кўпирган, ўкирган

10 сувда бўйнигача ботиб, ҳансираф ишларди. Сайрамовнинг юраги тўлқинланиб кетди. Халқнинг шовқинли, мардона курашини, қаҳрамонона ишини кўрганда, уни ҳамиша ҳаяжон қучар эди. Машҳур халқ қурилишларида ўн мингларча халқнинг баланд руҳини, фидокорлигини ва имконсиздек кўринган ишларни мўъжизадор қаҳрамонлик билан бажарганини, энг азим қийинчиликларни ажойиб уюшқоқлик, уқув ва мардлик билан бартараф қилганини Сайрамов кўп марта кўрган эди. Ҳозирги кураш, у буюк ишларга нисбатан бир томчи эди

20 гёё. Лекин томчида қуёш акс этганидек, партия тарбиялаган, чиниқтирган совет одамларининг гўзал сифатлари бунда ҳам ёрқин намоён эди. Сайрамов оқ шоҳи қителини ечиб, қаёққадир отди-да, қизғин ишга астойдил қўл урди. Ишга киришганда ўзини унутадиган даражада қизиқиш, берилиш — унинг одати эди. Кўпиреб қайнаган сувга йиқилаёзган секретарни Муродов базур ушлаб қолди.

— Ўртоқ Сайрамов, мироблик осон эмас!— ҳазиллашди водхоз бошлиги.

30 — Жуда қизиб кетдим, бир шўнғисам, маза қилар эдим-да,— деди Сайрамов ҳансираф.

Юлдузлар бирин-сирин ўчиб, тонг ота бошлади. Сайрамов район ижроком раисини чақирди. Унинг кийимлари жиққа хўл; бурнининг устига нўхотдай лой ёпишган эди. Сайрамов дастрўмолча билан артиб қўйди. Маҳкамов хаҳолаб кулди. Кейин улар колхоз раҳбарларини йиғиб, халққа овқат тайёрлаш ҳақида ўйладилар. Қуёш чиққанда ҳар ерда катта кубларда чой қайнарди, ҳар ёқдан нонлар, мевалар кела бошлади. Район ком секретари муҳим мажлисни ўтказиш учун, соат ўн бирларда ишни Маҳкамовга топшириб, отга минди ва Муродовга деди:

— Сув думини қисди, энди шошмасдан, мустаҳкамлаш керак, желеzo-бетондай қилиб юбор, ука.

— Ҳалқ кетаверсин, ўн-ўн беш полвон қолса, бас,— деди кўзлари қовжираган ҳорғин инженер.

— Кечга яқин келиб, текшираман, билиб қўй, дўстим.

— Биламан, иш жўнида отангизният аямайсиз,— деди кулиб Муродов.

— Раҳмат, ғайрат кўрсатдинг,— деди дўстона оҳангда секретарь.— Бор энди, овқатлан, бирпас дам ол! 10

* * *

Тўғондан қайтишда йўлда Ўқтамнинг кўзи Комилага тушди. Қиз ким биландир сўзлашиб борар эди. Йигит илдамроқ юриб, унга етиб олишни истади-ю, бироқ нечундир, ботинмади. Содда, одамшаванда, қувноқ қизни Ўқтам ўз хаёлида эришилмас юксак чўққига чиқарип кўйган эди. Мана, у ўз колхозига элтадиган йўлда тўхтади, бироқ қайрилгиси келмади. Уни Комиланинг излари имлади. Тепаликдан ошгандан кейин қиз ёлғиз қолди. Ўқтам одимини тезлатиб, унга бараварлашди. 20

— Салом, Комилахон,— деди Ўқтам қизаринқираб.

— Э, ўртоқ Носиров, йўл бўлсин?

Икковлари қадрдонларча кўришдилар. Ўқтам ёлғон гапираётганини гўё қиз унинг юзига солаётгандай, бир зум довдираб, деди:

— Шу томонда бир оз юмушим бор. Қаранг, мен сизни тўғонда кўрмабман-да. Оломон, сурон...

— Мен сизни кўрдим, сувда балиқдай сузардингиз,— деди кулиб Комила.

— Сиз келмасангиз ҳам бўлар эди, жуда ҳорғин кў- 30 ринасиз,— деди Ўқтам.

— О, менга сув шундай зарурки, тўғон бузилганини эшишиб капалагим учиб кетди... Биласизми, сиз-биз бир ариқдан сув ичамиз-а.

Бир неча минут улар сув, тўғон, зовур ва ҳоказо ҳақида суҳбатлашиб бордилар. Ўқтамнинг сал оқсайдиган оёғи зирқираб оғрий бошлади. Бир неча марта энгашиб, силаб-силаб қўйди у.

— Ўнг оёғим бир оз ногирон-да,— деди Ўқтам жилмайиб.— Оғриғи ҳам майли-я, лекин оқсаганим чатоқ... 40

— Ҳечқиси йўқ, оқсоқлигингиз билинмайди ҳам ўзинингизга ярашиб туриби...— деди Комила.

— Ана холос! Оқсоқликни кишига ярашғанини мен энди эшигдим дунёда. Майли, биздан кулаверинг! — деди Ўқтам.

— Нега кулай, рост айтпман. Мардлик нишонаси бу,— деди Комила астойдил ишонтиришга уриниб.

Комила унинг қайси фронтларда бўлгани, қайси жангларда қатнашгани ҳақида қизиқиб сўради. Йигит камтарона жавоб берди.

10 — Болаларингиз суюниб қолгандир,— деди Комила.
— Кампир аям билан ёлғиз синглим жуда хурсанд...— жавоб берди Ўқтам.

Комила терлаб, ҳорғин одим отар, гоҳ-гоҳ йигитга ялт этиб қараб, яна қисилган кўзларини қуёшда ловилаган кимсасиз йўлга тикар, баъзан салқин дараҳтзорлар ичига, бирпас ором олгуси келгандай, тикилар эди.

— Дам олмайсизми бир оз? Кун ёниб кетди-ку,— деди Ўқтам.

20 — Йўқ, андай йўл қолди. Мен югурукман...— деди йигит билан ёлғиз ўтиришдан бўйин товлаганини билдирувчи бир оҳанг ва табассум билан Комила.

Ўқтам бир оз юргандан кейин тўсиндан тўхтади: «Элобод» колхозида, кенг, текис, яшил кўча бошида эди у.

— Кечирасиз, мен қаерга келиб қолдим! — деди Ўқтам аланглаб.

— Ўзингиз қаерга бормоқчи эдингиз? — нозик ва маънодор табассум билан сўради Комила.

30 Ўқтам бир нафас саросимада қолди. Дастрўмол билан қизғин пешанасини артди ва қизнинг бармоқлари узун, кучли қўлини сиқиб, ҳаяжон билан деди:

— Қиз суҳбати яхши винодай. Ичгинг келаверади...

Комила қизаруб, юзини сал бурди ва қўлини айиришга тиришди. Теваракка ҳам бир зум қараб қўйди. У қанча дадил ва сарбаст бўлмасин, лекин эркаклар билан муносабатда эҳтиётли эди, баъзан, истар-истамас, қишлоқ одатига риоя қиласиди. Колхозчи йигитлар уни туғишган опадай, ё сингилдай билар, ёши улуғлар эса унга ўз қизидай қарап эдилар. Комила колхозга бирон юмуш билан келган ҳукумат ходимларини, турли ташкилот вакилларини баъзан ўз уйида ё колхоз боғида меҳмон қиласиди, аммо бундай ўтиришларга колхоз раҳбарларидан ёки қарияларидан таклиф этар эди.

Ўқтам хурсандликдан оёқ оғригини ҳам сезмай, қизғин йўлнинг дам у четига, дам бу четига ўтиб, илдам борар экан, орқадан Комила қичқирди: «Биздан битта от ола қолинг, юринг, мен ўзим миндириб юборай...»
Ўқтам қўлини кўксига қўйди: «Раҳмат, раҳмат!»

Комила тўппа-тўғри идорага келди. Қариб ҳеч ким йўқ эди. Фақат бухгалтерия жойлашган хонадан: шақшуқ чўт товуши эштиларди. Деворларига раҳбарларнинг расмлари ва ҳар хил диаграммалар осилган тоза кичикроқ хона — кабинет салқин эди, очиқ дераза орқали боқча ва гулзордан енгилгина шабада эсарди. Раисса столга биртас ёнбошлади. Унинг боши ёнар эди. Газета билан елпинди-да, кейин телефонда бригадирлар билан сўзлаша бошлади: қайси участкада қанча одам, кимлар ишга чиқмаган, ўғит тақсимоти, трактор ва бошқа машиналарнинг иши, ёқилғи масаласи ва ҳоказони суриштириди. Гап асносида қаламни тез-тез юритиб, камчиликларни қофозга қайд қила борди. Кўзлари қиси-либ, қорни оч ҳолда уйга келганда, онаси сўри тагидаги супага ўтқазди ва дарҳол бир коса мастава келтирди. Комила иштаҳа билан овқатланди-да, бошини ёстиққа қўйди ва беихтиёр равишда илжайди: у сал оқсоқланган йигитни эслади ва онасига ниманидир айтмоқчи бўлди-ю, ухлаб қолди... Онаси, салқин бўлсин, деб супа атрофига сувни қалин сепди. Комила уйғониши билан қўл соатига қаради. Она эса қизнинг шошганлигини пайқаб, сояга разм солди. Уларнинг соатлари ҳар хил эди!

— Ета тур, бу нима, қуш уйқуси? — деди она ранжиб.

Комила индамасдан, ариқда юзини ювди, дўппини ташлаб, енгил гулдор шоҳи рўмолча билан бошини танғиди-да, уйдан чиқди.

Чойхона олдида уни ёш, камтар, ёқавайрон йигит қаршилади. У афтидан, шу иссиқда узоқ масофа босиб, ҳозиргина келган. Унинг юзи чанг ва тердан кирроқ эди. Лекин чиройли, хаёлчан кўзлари уялчанроқ эди. Йигит қизариб, ўзини танитди: «Рассом Насруллаев. Ўртоқ Салимова сизми?»

— Хўш, хизмат, ўртоқ Насруллаев?

Комиланинг катта расмини яратмоқ учун атайлаб Тошкентдан келганини билдирид рассом ва ёлворган кўзлари билан вақт белгилашни сўради.

10

20

30

40

— Оҳо, вақт! — деди Комила кулиб. — Биламан, расом халқи иш бошладими, ўзиниям, вақтиниям унутади.

— Йўқ, бошингизни қотирмайман. Бу расм — катта виставка учун,— ялинди рассом.

— Шошманг, виставкани шу ерда ташкил қиласак-чи?

Рассом таажжубланди.

10 — Масала бундай,— тушунтира бошлади жиддий равишда Комила,— бизда илғор азаматлар бор — йнгитлар, аёллар, чоллар. Ҳаммаси ажойиб илғорлар. Сиз уларнинг расмларини яхшилаб ишласангиз, бу нарса клубимизни безайди, одамларнинг кўнглини кўтаради. Нима дейсиз? Менинг афти башарамни охирироқда чизарсиз... Албатта, қалам ҳақи тўлаймиз.

20 Рассом меҳнат ва илҳом манбани сезиб, қувонч билан бу таклифни қабул этди, ҳозирданоқ ижодиётга киришмоқчидай, бепоён далаларга хаёлчан кўз юргурди. Меҳмонни боққа элтиб, унга яхши шаронт туғдиришни чойхоначига ўқтириб, Комила рассом билан хайрлашди. Фақат у дала йўлида рассом тўғрисида ўйлаб, Насруллаевнинг юмалоқ бошидаги сочи тоза қирдирилганига ҳайрон қолди. Рассомларнинг сочи елкага тушган одамлар каби тасаввур қилар эди у.

30 Кўм-кўк пахта денгизида қизғин иш борар эди. Мана, Комила Михаил Иванович Акаскинга дуч келди. Улар дўстона кўришдилар. Акаскин Комилага ихломанд эди. Қиз билан рус тилида bemalol гаплашар, ҳам Комила унинг фикрларини жуда тез англар ва амалга оширишга тиришар эди. Улар ғўза парваришидаги камчиликлар, алмашлаб экиш масалалари устида гаплашиб, дала бўйлаб юрдилар. Гап орасида Комила сўради:

— У кунги лекциянгизда бўлолмадим, қалай ўтди?

— Ёшлар жуда қизиқди. Мен билан, яна бир-бirlари билан жиддий баҳслашдилар,— жавоб берди Акаскин.

40 — Колхозда пахтачилик тўгараги ва ҳосилотхона — лаборатория тузишни кўйдан бўён ўйлайман. Эшитишимга қараганда, бальзи бир колхозлар бу ишга киришибдилар. Ҳаммаси вақтга боғлиқ, ўртоқ Акаскин. Юқори ҳосил олмоқ учун колхозчилар йил бўйи далада зўр бериб ишлашлари керак. Ахир йилда уч, балки тўрт ой пахтани териш ва топшириш билан банд бўламиз!

Пахтакорликда ҳал қилиниши лозим бўлган жуда мұхим масалалар бор. Олинг юқори ҳосил масаласини. Кишилар айрим участкаларда алоҳида парвариш, алоҳида эътибор билан, зўр ғайрат орқасида жуда юқори ҳосил олишяпти. Масала шундаки, Ўзбекистонда бутун далалардан мўл ҳосил олайлик ва йил сайн ошириб борайлик. Биз далаларда ҳалқ тажрибасини расо қўллаяпмиз. Мен ўзим пахта усталарининг, чолларнинг б0шини ҳамиша қотираман: нега бундай, нега бундай эмас ва ҳоказо... Албатта, ҳалқ тажрибаси чуқур, яна 10 ўрганиш керак. Аммо бу билан чекланиш, менимча, хатто. Чунки маррамиз узоқ. Пахтакорликда чинакам қулич отиш учун энди илмга зўр бериш керак. Илм билан ҳалқ тажрибасини пайванд қилмоқ зарур. Ана унда гуллашни томоша қилинг...

— Во, во! Бутунлай тўғри, Комилахон,— деди Акасин.

— Энди олимларимиздан, агрономларимиздан катта-кatta ишлар талаб қиласмиш,— деди Комила.— Тўғри, агротехника масалаларида, механизацияда, уруғчиликда мутахассислар катта фойда етказди. Яқинда Тошкентдан бир профессор келди. Пахтанинг тезпишар хилини яратиш устида ишламоқда экан у. Мен жуда қувондим. Яратинг, дастлаб бизнинг колхозда тажрибадан ўтказамиз, дедим. 20

Михаил Акасин совет қишлоқ хўжалик илмида рўй бергаётган улуғ муваффақиятлар ҳақида, академик Лисенконинг ажойиб ишлари ҳақида муфассал гапирди, Комиланинг тўғарак ва ҳосилотхона тузиш фикрини 30 қувватлаб деди:

— Бу жуда яхши мактаб. Келгусида ҳамма колхозлар бу мактабни очади. Сиз бошланг, мен қўлдан келганча ёрдам бераман. Лекин ҳаммага намуна ва манзур бўладиган ҳосилотхона тузамиз, дурустми?

— Албатта, албатта,— деди Комила.— Биз ҳосилотхонани хўжа кўрсинг учун эмас, чинакам фойдаланиш учун тузамиз.

Улар аста юриб, турли участкаларни айланишди ва ғўзага парваришнинг сифатини текширишди. Комила биронта камчилик сезса, қовурилиб кетар эди. Михаил 40 Иванович унинг сўзларидаги ёки кўзларининг имосидаги ва қўлларининг ҳаракатидаги маъно ва оҳанг бойлигига гўё завқлангандек разм солар эди. Комила йи-

гитлар, аёллар, чоллар билан айрим тил ва услубда гаплашар; ҳазили, ранжиши, мақтови ҳам бошқача бўлар эди. Баъзан овози бор бирон кишига тўсиндан далада, иш устида ашула айттирас, бирпасда одамларнинг кўнглини кўтариб, ҳордиқларини чиқаришни ҳам билар эди.

Езинг узун, иссиқ, барқ урган куни аста-секин хирадланганда, Комила идорага қайтди, кабинет деразаларини очиб, кечки ишга тайёрланди. Бир оздан сўнг идорани бригадирлар, звено бошлиқлари, табелчилар ва

- 10 миробларнинг ҳам ғалла, чорва, сабзавотда банд кишиларнинг ва қурилиш ишлари бўйича маърузага ёки кенгашибга келган устабошиларнинг шовқини тўлдиради...

XII

Чойхонада битта-яримта чоллар кўк чойни ҳузур билан ҳўплаб, гангур-гангур сўз юритар эдилар. Ҳамма далада, кун иссиқ, қуёш яллиғи кўнгилни элитади. Баланд, қуюқ кўланкали девқайрағоч гўё уйқуда, на бир новда, на бир япроқ қимир этади...

- 20 Четроқда чордана қурган Жўра негадир бугун жуда хафа, юраги нотинч, сиқиқ: гўё уни оғир хаёллар ҳалқалагандай — она қаттиқ бетоб эди.

— Уҳ... — деди оғир сўлиш билан. — Нега келмас экан отам, тўда-тўда аскарлар қайтяпти, не бўлди экан отамга? — деди у ичида ўз-ўзига. — Эҳтимол, душман қўлига тушиб, тутқинликда юрганмикин? — деди ва ёш юраги катталарникидай зирқираб, хомуш ҳолда узоқ ўтириди. — Йўқ, мумкин эмас, наҳотки отам шундай юраксиз, номард бўлса, асло йўқ, — деди қатъият ила

- 30 хаёлида бола ва овутди ўзини.

Шу тобда Жўра салмоқли одимлардан чўчиб, қуий солиқ бошини кўтарар экан, ҳосилот раиси Қаримқулни кўрди. Жўрунинг саломига нимадир минифирлади-да, унинг ёнига оғир чўкди ва йўғон белидаги узун белбонини ечиб, бир-икки елпинди.

— Чой келтир,— деди Жўрага тўнфиллаб.

Жўра бир чойнак кўк чой билан пиёлани илдам ҳозир қилди.

- 40 — Хўш? — деди Қаримқул Жўрага. — Нега гапир-майсан, хафа кўринасан? — бир зум сукутдан сўнг давом этди. — Ҳа, бедага, боққа болаларни сургаб тоза

чарчадинг; бетайин ишлар, Ўктам тирмизакдан чиққан қилиқ.

Жўра бўш келмади, сўзга чечан йигитлардай пи-чинг, киноя билан ҳосилот раисининг жиғига тегди.

— Эҳе, тақсир, болаларни билмас экансиз,— деди яна у,— ишга ташна ҳаммаси, катталардан қолишмайди.

— Айчайин дейман-да,—истеҳзоли илжайди ҳосилот раиси ва Жўрага ер ости билан қараб қўйди-да, чойни катта-катта ҳўплади.

— Қалай, пахта дурустми?— сўради Жўра жиддий 10 тусда.

— Билмадим; мушкул, ғоят мушкул нарса,— кескин жавоб берди ҳосилот ва бир зум ўйланиб давом этди.— Пахта жуда нозик, қийин иш. Ўктам дуруст, жойида-ку, лекин қизгин, гув этади-кетади, шу хислати чакки-да. Раисимиз бўлса, пахта яхши, пахта яхши, бу Ўктам-бойнинг иши, деб унга мадҳия ўқийди. Умуман айтганда, ҳосилни кузда кўрамиз.

Жўра ҳосил яхшилигини ганириб, «холисона қарасак, Ўктам пишиқ иш олиб боряпти, колхозчилар жон-дил 20 билан меҳнат қиласяпти-ку», деб эътироуз қилди.

— Чирофим, ҳовлиқишиш ярамайди, боласан, ҳали ғўрсан, аммо биз кўпни кўрганмиз. Қари билганни пари билмайди, дейдилар,— деди кайфсиз товуш билан Каримқул.

Шу тобда ҳарсиллаб етиб келган Насимжон ҳосилот раисини кўриши билан қувониб, лабларининг таноби тортилгандан тишлари тиржайиб кўринди; дарҳол Каримқулнинг ёнбошига чўккаласб чойга ёпишди. Ҳосилот пича асқия қилиб, Жўрани, Насимжонни кулдирди; 30 палов ҳақида қизиқ кўхна сўзларни айтди. Насимжон чойни қулт-қулт ютиб:

— Бай-бай, режим жудаям кучли, Ўктам темир қўлчиқди, нафас олгани қўймайди-я, бай-бай-бай...— деди-ю, лаҳзада иўрғалаб жўнаб қолди.

Ҳосилот раиси билан Жўра унинг ортидан қараб бирпас кулишди.

— Ҳақиқатан, рост,— шивирлади Каримқул.— Кўрасан, Ўктам ҳали кўп ҳангомаларни чиқаради.

— Насимжон ака идорада усталга бошини ташлаб, 40 хур-хур ухлагани-ухлаган эди. Ундан сўнг бозор-ўчарнинг кетига тушарди, яхши бўлди, бир оз таноби тортилибди. Билмайсизми, аввал идорада одамлар нуқул

«қани секретарь?» деб пойлагани-пойлаган эдилар. Яна у киши дўқ қилиб, уришиб, ҳеч кимсани писанд қилмасди. Интизом керак-да, тақсир,— деди истеҳзо билан Жўра.

Каримқул жаҳл булути ёйилган юзини терс буриб:

— Маҳмаданасан, тирмизак! Тўғрисини айтганда, колхознинг жилови раисда бўлмоғи керак; кейин раис ёнидаги маслаҳатгўй кексаларда бўлмоғи керак.— Бир оз сукутдан сўнг таъкидлади,— Ўқтамга зинҳор бу сўз-
10 ларни етказа кўрма, дурустми? Шунчаки айтяпман-да.

Ҳосилот раиси ялқовгина ўрнидан қўзғалди. Янги фарғонача дўппи чаккасида, читдан енгил яктак елкасида, дараҳтлар панасидаги салқин ерлардан аста юриб кетди. Жўра ҳам турди. У узлуксиз, оғир хаёлларга ўралиб қолгандай хомуш, паришон ҳолда уйга қайтди.

Аср намози чоғи эди. Қуёш кўркам қизарган, уфқларда хилма-хил ранглар мавжи тўхтовсиз ўзгарар... Мислсиз гўзал бир палла... Енгил эсган шамолнинг ёқимли салқинидан нафасга енгиллик, руҳга ором қўйи-
20 лар эди. Қалдирғочлар осмоннинг майин оқшом қоронғилиғида дам пастга шўнғиб, дам юксакка ўқдай учиб, ёки завқ ила кетма-кет доиралар чизиб, шўх ўйинлари-ни бошлаган эдилар.

Олов гуриллаб ёниб турган ўчиқдаги декча олдида фивирлаб юрган онасини кўриб Жўра енгиллашиб кетди:

— Бардаммисиз, она, бошингизни кўтарибсиз?— сўради тиник, меҳрибон товуш билан.

— Ҳа, болам, тузукман. Рангим жуда синиқиб кетиби, кўр, ётавериб зериқдим. Қасал қурғур енгиб қўй-
30 масин, деб ўрнимдан турдим.

— Ая, нима ош қилдингиз?

— Болам, озгина мастава бошлаган эдим. Аччиққина, қиймали...— кулди она.

— Яхши қилибсиз,— деди Жўра ва ариқ четига чўқ-қайиб муздай сувда роҳатланиб ювинди-да, айвон қозигидан сурги олиб артинди.

Кичкинтой, энди ўнга кирган қизча копток ўйнаб, ҳовли юзида чир-чир айланарди.

40 — Ойниса, кўк пиёздан мўлроқ олиб кел, тез бўл, ўйноқи,— буюрди она.

Ойниса коптокни яна ерга уриб, айланана-айланана томрқага чиқиб кетди.

Жўра кичкина, ихчам, озода хонага кириб, токчага терилган китобларни бир-бир кўздан кечирди-да, бир китобни суғирди; бу Пушкиннинг лирик шеърлари эди. Айвон четига ўтириб, китобни вараглай бошлади. У русчани тутилиб-тутилиб ўқир, кўп сўзларга тушунмас эди. Лекин рус тили муаллими кўпдан бери шу колхоз мактабида қунт билан, иштиёқ билан болаларни ўқитар, мунтазам равишда болаларга уйга вазифа топширади. Таътилда ўқиш учун тавсия этилган китобларнинг бириси шу эди. Жўра Пушкин шеърларини севар, юқори овоз билан, завқ, мароқ туюб ўқир ва баъзи шеърларни ёд оларди.

Ойниса бир тутам кўк барра пиёзни ариқда чайқаб онасига элтти-да, оғасининг ёнбошига кирди. У тушунмаса ҳам завқ билан тинглагандай жим ўтирас, шеърнинг сеҳрли оҳанги қизчанинг руҳида сирли чайқаларди.

— Тушундингми? — сўради Жўра кулиб синглисидан.

— Ҳо, русчани сувдай биламан. Лиза опам қандай ўргатади,— жавоб берди Ойниса кўзларини ўйнатиб.

Қуёш секин думалаб уфқа яширингандай ҳамон қорон-филик гўё майин шоҳи каби оқшом бағрини ўраб олди...

10

20

* * *

Собирни болаларнинг шовқини уйғотди. Юмшоқ, эзилган барра ўтдан бошини кўтариб, юқорига қаради у. Баланд, ҳайбатли эски қайрағочда болалар қуш инига интилмоқда эдилар.

— Нимани ини? — қизиқиб сўради Собир.

— Зарғалдоқ, зарғалдоқ,— қичқиришди болалар.

Собир ўз болалигини эслади. Қуш деганда бир вақтлар унда гўё қанот пайдо бўлар эди. Қуш қидириб, худди ана шу қайрағочдан бир марта йиқилган эди ҳам. Жиндай қон тупурган, оёқларини, белини бирпас силаб, яна югуриб кетган эди. Фронтда бир кун дараҳт тепасида биқиниб, душман ҳаракатини кузатар экан, нақ боши устидаги шоҳда қушчаларнинг чий-чийини эшишиб, юраги бир зумда болалик ҳаваси билан тўлган ва ўзини тийишга қанча уринмасин, барibir ихтиёrsиз равишда бошини кўтариб, катта, чуқур инга қараган ва шу онда немис ўқига дучор бўлишга оз қолган эди. Буларнинг бари Собирга худди кечагина рўй бергандек

40

- туюлди. Собирнинг ёнгинасида, кўм-кўк ўтлар орасидан, шарқираб сув оқар, ариқ ёқалаб қатор ўсган дарахтлар қўйнида шамол ғувиллар эди. Тонг саҳардан бошлаб қаттиқ ишлаган йигит яна бирпас чўзилгиси келди-ю, лекин кўнгли иш учун безовта бўлиб ўрнидан турди, худди сув кечмоқчидай, тор шимини тиззасигача кўтариб, кетмонни елкага олди. Уйга ҳам, мажлисга ҳам кетмон билан борар эди у. Баъзан кампир онаси кулиб дерди: «Болам, елкангга ачинаман, керакли вақт-да кўтар». Собир қўлинни бепарво силкар эди: «Елкам ўбдон чиниқсан, ая. Тўрт йил миљиқ кўтардим. У ҳам керакли эди, бу ҳам керакли». Пешин вақти эди. Соядан чиқиши билан Собирни қуёш сели қучди. Жазилла-ма тупроқни билқ-билқ босиб, йирик одимлар билан борар экан, жийда тагида дам олиб, елпиниб ўтирган Мастурага дуч келди у. Аёлнинг икки томонида иккита катта чеълак тўла помидори. Собир битта қон-қизил по-мидорини кафтида ўйнаб, салмоқлаб кўрди: «Зап ети-либди-да. Ҳандалақдай-а!»
- 20 — Ея қолинг. Терган билан адо бўлмайди. Ириб-чириб кетяпти...— деди Мастура.
- «Мўйсафид»дан яримтагина бўлсайди, ярим чела-гини уриб қўярдим,— деди кулиб Собир.
- Насимжон акангиз билан улфатчилик қилинг— у киши ҳар куни, оғайнилар учун деб яримтани сувга ташлаб қўяди,— деди керилиб Мастура.
- Собир индамасдан, катта одимлар билан юриб кет-ди-да, бирдан қайрилди:
- Ўқтамни кўрмадингизми?
- 30 — Кўрдим, қизларни чайласида,— деди Мастура маънодор илжайиб.— Тавба, жуда шўх йигит экан ўртоғингиз. Биласизми, ҳамиша Анорхон атрофида парво-надай айланади. Анорни сужди шекилли. Майли, тўйла-ри бўлсин, ошларини нишолдаларини биз ҳам еяйлик!
- Собир худди оёқлари остида бир нарсани қидирган-дек, бир зум бошини қуий солди, аёлга бир нима демоқчи бўлди-ю, яна жўнаб кетди: «Наҳотки рост бўлса!— ўйлади ичиди йигит.— Хўш, нега рост бўлмасин? Бўйи етук, чиройли, лобар қиз. Ўқтам бўйдоқ. Онаси ҳам худ-ди менинг кампиримга ўхшаб, келин кўрайин, деб унинг бошини қотираётгандир. Насимжоннинг хотини янглиш-майди. Ер остида илон қимирласа биладиган қув аёл... Лекин шу ҳам ўртоқчилик бўлдими? Тўғри, мен унга

ҳали сиримни очганим йўқ эди. Лекин Ўктам қишлоққа қайтган кунлариёқ мен унга, шу қизда илинжим бор демаганимидим? Шундан ҳам пайқаса бўлар эди-ку. Демак, кимнинг қўли узун бўлса, олмани ўша узади, дебди-да дўстим...» Шунинг каби ўйлар билан Собир ўз звеносига етди — лекин беихтиёр орқага бурилди, тўғри қизлар чайласи томон юрди.

Чайла олдида, салқинда Ўктам ва Анерхон ўтирас 10 эдилар. Қиз қўлидаги шафтолиранг сўлғинроқ гулнинг баргларини бир-бир узиб, йигитни тинглар эди. Ўзга қизлар олисда, далада ишламоқда эдилар. Собир ичидаде: «Оҳо, тўй маслаҳати шекилли!»

— Ҳорма, Собиржон! — қаршилади ҳар вақтдагидай Ўктам.

Собир индамасдан, улардан нарироққа ўтириди-да, шим киссанасидан папирос олиб, жуда хумор бўлган қашандадай узоқ-узоқ торти, тутун орасидан уларга яширинча кўз қирини ташлади. Қиз энди бошини уятчан эгиб ўтирас эди. Ўктамнинг қўзларида эса қандайдир кинояли маъно, лабларида ғалати табассум сезгандек 20 бўлди Собир. Бу — уни масҳаралагандек туюлди. Шу вақт Ўктам кулиб, қизга мурожаат этди:

— Анерхон, бир шингил ашула айтмайсизми? Яхши овозингиз бор. Тўғрими, Собир, бир эшитайлик-а... Қани, тунов кунги ашулани айтинг.

— Қўйинг, ашула вақти эмас. Яхшиси, районда кўрган ҳалиги кинони айтиб беринг. Ҳа, қачон бизларга кино кўрсатасизлар? Нуқул ваъда экан-да!

Шу вақт Собир ўрнидан турди, Ўктамнинг у-бу тўғрисида берган саволларига хоҳишиз, қуруққина жавоб 30 берди-да, узоқлашди. Ўктам унинг феъли айниганини пайқаб, бирон нарсадан хафа бўлгандир, деб ўйлади. Бир оз боши оғриб, чайлада дам олмоққа келган Анерхон яна далага ўртоқлари ёнига кетди. Унинг кетидан Ўктам ҳам турди. У қалпоғи билан елпиниб, дала бўйлаб бораркан, Тансиқ уни тўхтатди ва:

— Кўсакларга қаранг, Ўктам ака,— деди суюниб.

— Нима бўпти, ғуж-ғуж кўсак. Жуда хурсандман, синглим.

— Гап бунда эмас, кўсаклар яна кўпаяди. Мен шунга қувонаманки, кўсакларнинг кўпи беш хонали! — деди Тансиқ.

— А? Беш хона? Жуда соз.

— Мана, кўсакларга қаранг,— деди Тансиқ ва ғўза орасида чўққайди.— Ҳар чаноқда беш хона. Демак, ча-ноқ тўла, серпахта бўлади.

Ўктам қизнинг ёнига ўтириб, юмалоқ кўсакларнинг кўк қобигидаги чизиқларни санай бошлади. Кейин кулиб, бошини тебратиб, деди Тансиқقا:

— О, қойилман, шуниям ҳисобга олдингизми?

— Бўлмаса-чи! Ҳар кўсак бир грамм ортиқроқ пах-та берса, ўйлаб кўринг, қанча пахта бўлади?!

10 — Тўғри,— деди Ўктам ўрнидан туриб.— Тома-тома кўл бўлар, дейдилар-ку. Ҳа, кўсакларни тўқ қилишга интилаверинглар, пахтакор сингилларим!

Собир кўйлагини ечиб, қуёш тигифда на ҳордиқни, на чанқовни билмай, кечгача қаттиқ ишлади. У ўйлашни ортиқ истамади: «Ихтиёр қизда. Қимни хоҳласа, унга тегади», деб ўйлади. Лекин у Ўктамни кечиргиси келмади. Чунки илинжи Анорхонда эканини яна бир марта Ўктамга айтганини хотирлаган эди. Оқшом кетмон ел-када, дўсти Бойматга — колхоз қоровулига борди.

20 — Қани, ниманг бор, чиқар, қаҳрамон,— деди Собир.

Кун бўйи ёлғиз ўтириб зериккан Боймат жуда хур-санд бўлди. Каттагина ариқ бўйига, қалин ўт устига ташланган бир парча эски наматга ўтиришни якка қўли билан ишорат қилди. Унинг бир қўли нақ тирсакдан кесилган эди. Собир дастлаб кетмонни ювиб, ярқиратди, кейин ариққа тушиб, бошини, кўкрагини, узун, кучли оёқларини тиззага қадар ўбдан ювди.

30 — Нимани пойляяпсан бу ерда, якка қўл?— деди Собир сувдан чиқиб.

Боймат хаҳолади ва учи юмалоқ ғадир-будур оғир таёқни енгил ўйнатиб, Собирга дўқ қилди:

— Колхоз мулкини сенга ўхшаш томтешарлардан сақлайман!

40 Собир унинг қўлига пул қистириб, магазинга юборди, ўзи наматчага ўтириб, пиёз, помидорлардан закуска тайёрлашга ҳафсала билан киришди. Қуёш ботган бўлса ҳам, ҳаво ҳали ёруғ ва тиниқ эди. Йўлларда си-гиirlар маърашар, болалар сурон кўтариб, колхознинг боқувдаги отларини ювишга элтадилар. Яшилга бур-канган уйлардан кўкимтири тутун юксалади. Боймат «Сельпо» магазинидан югуриб келди, ўт орасидан пиё-

лани қидириб топди. Собир шишанинг тагига бир уриб очди. Ароқни Боймат ўзи қуиди.

— Қани, сипқариб юбор, гвардия! — деди у хурсандлик билан Собирга.

Собир пиёлани бўшатиб, «пуф» деб қўйди. Боймат сувдай қулт-қулт ютиб, кейин лабини ялади.

— Аҳволинг қалай? — сўради Собир ғамхўрлик билан.

— Кўпчилик ичиди киши хор-зор бўлмайди, — жавоб берди Боймат. — Учта жўжамни толиқтирмай боқиб ётибман. Агар колхоз бўлмаса, албатта, аҳволим чатоқ бўлар эди. Якка шоти билан аравани судраб бўладими? Шундай, якка қўл билан бош қашиш мумкин, деҳқончилик қилиб бўлмайди. Бир қўлни Украинада қолдирмаганимда, далада санлар қатори ҳайқирадим. Ҳозир меҳнатда мардликни кўрсатадиган замон. Ҳечқиси йўқ, яқинда жўжаларим улғайиб, колхоз даласида бургутдай қанот қоқади, Собиржон.

Дўстларнинг бошлари қизиган сайин суҳбатлари жонланди. Улар наматчада ёнбошлаб, фронтлардаги азоб-уқубат, шон ва мардлик билан тўла кунларни, ҳозир эртакдай кўринган саргузаштларни хотирладилар, жангчи дўстларни, ботир командирларни соғинч ва севги билан йўқладилар. Теварак қоронғилашди, салқин шабадалар эсди. Кўкка юлдузларнинг олтин фунчалари сепила бошланди. Лекин дўстларнинг жонли, ўтли суҳбати борган сайин қизир эди. Фақат тўсиндан Насимжон келиб, суҳбат ипини узди. Боймат шиша тагида қолган ароқни унга қуйиб берди. Насимжон ичиб, туғанмас ишлардан шикоят этди ва пешанасини сиқиб, узун бир уҳ тортиди.

— Нима, тегирмон тошини юргизяпсизми? — деди Боймат ранжиб.

— Бундан ҳам баттар. Идора иши худо қарғаган банданинг бошига тушади. Айниқса, кейинги вақтларда иш чалкашиб, ўн қат оғирлашиб кетди, ботирларим.

— Колхоз — улуғ хўжалик. Яна қулочини кенгайтиряпти. Албатта, ҳар бир одам зиммасига иш кўпроқ тушаверади, — деди Собир бепарволик билан.

Насимжон киноя билан кулиб, деди:

— Үсиш — ҳали масала бу. Гап бошқа ёқда.

— Хўш, нимада? — қизиқди Собир.

— Ҳамма иллат шундаки, Ўқтамжон келди-ю, иш

бўтқа бўлди, ҳаммадан тинчлик кетди. Ахир у ҳар кун янги бир дардисар ишни ўйлаб чиқаради. Яна ҳар кимни бошида ёнғоқ чақмоқчи бўлади. Иложи бўлса, шу Боймат акамдек бояқиш инвалидга ҳам кетмон тутқизса! Дўстларим, бирпас қулоқ солинглар, мен куйиб кул бўляпман. Биласизлар, мени қайнин синглим болалар боғчасида мураббия. Жуда боадаб, жуда ўқимишли қиз. Сиёсатдан боҳабар. Ўзи адабиёт техникумини битирган-а! Мана, нақ кеча Ўқтамжон боқчага кириб, уни 10 хафа қилибди. Шундай қизни-я!

— Хўш, нима бўпти?— қаддини ростлаб, қизиқиб сўради Собир.

— Қиз бечора чарчаб салқинда чўзилибди, балки уни мудроқ ҳам босибди,— давом этди сўзида Насимжон.— Узун кун. Иссик. Қиз монанд нозик бўлади. Хуллас, болаларнинг овқати кечикибди шекилли. Болалар чувиллашиб, ўз ҳолича офтобда юришган экан шекилли. Яна шунга ўхшаш майдачўйда камчиликлар топибди мазмуни. Ана шунинг учун ўқимишли қизни ранжитиш 20 мумкинми? Шу ҳам инсофми? Йўқ, Ўқтамжон керилиб, минутдан-минутга ҳаддан ошяпти...

— Хафа бўлманг, Ўқтамжон ўзимизники,— деди Боймат, бепарвогина.— Балки ишда ҳали гўрроқдир. Ножўя ҳаракат қиласа, ётиғи билан насиҳат қилиш керак. Ақли равshan йигит, хатосини дарров тушунади у.

— Менимча, унинг қилиқлари бежиз эмас,— деди Насимжон товушини пасайтириб.— Ҳар ишни маълум маррани кўзлаб қиляпти. Ким билади, балки Мирҳайдар отамни ҳам оёғидан чалар бир кун...

30 Собир бошини эгиб, гапнинг давомини кутгандай, бирпас индамасдан ўтириди. Кейин ҳаммалари папирос чекишиди. Собир Насимжонга тикилиб сўради:

— Яна қандай гиналарингиз бор?

— Полвон иним, булар хамир учидан патир. Лекин масала равшан,— жавоб берди тиржайиб Насимжон.

Собир папиросини чекиб, орқага отди ва Насимжонни гўё биринчи марта кўраётгандай, бошини унга яқинлаштириб, шундай газаб билан қарадики, Насимжонни титроқ босди. Собир гуриллаган овоз билан деди:

40 — Насимжонга равшан нарса менга жуда қоронги!

— Аканг айлангур Собиржон, чирмандангни бармоқ билан черт, далада ҳали эл юрибди,— деди Насимжон ҳансираб.

Айбек

ВЕТЕР
ЗОЛОТОЙ
ДОЛИНЫ

АЙБЕК



АЙБЕК

ВЕТЕР
ЗОЛОТОЙ
ДОЛИНЫ



«Олтин водийдан шабадалар» романи қардош халқлар тилларида.

— Ҳақиқатни баланд төвуш билан айтаверадилар,— қичқирди Собир.— Сизга ўхшаб иғвогар бўлсам, тирноқ орасидан кир ковласам, шивирлар эдим. Ўкталининг нима айби бор? Дангасаларнинг таъзирини берса, бозорчиларнинг йўлига ғов солса, колхоздаги кам-кўстларни йўқотишига бел боғласа, бу кимга фойда? Ўкталининг нияти холис, каломи тоза. Бутун ҳаракати ёлғиз колхоз учун, халқ учун. Колхозда ҳисоб-китоб ишини йўлга қўйиш — мени пешана теримни қадрлагани учун эмасми? Ўкта қишлоққа электр берса, Насимжон ҳам ўз ҳовлисига сим тортмайдими?

Собир папиросга гугурт чақиб, янги ҳужумга тайёрланаркан, Насимжон унинг кенг елкасига қўлини ташлади ва бойқушдай совуқ кулди, кейин ялтоқланиб, деди:

— Полвон иним, унчалик тутақманг. Биламан, сизлар дўстсизлар. Дўстинг учун заҳар ют, деган гап бор. Мен ҳам аслида Ўкталинга холис дўстман. Мен балки янглишарман. Янглишмоқ Одам отадан қолган мерос. Мен фақат танқид йўсинидагина сиз дўстларимга гапирган эдим. Биласизки, танқид кишига мойдай фойдали нарса...

— Танқид эмас, бўғтон бу!— қичқирди Собир кўзларини ғазабдан чақнатиб.

Насимжон зўраки қаҳқача билан Собирнинг елкаси ни қоқди ва чўнтағидан чоракта ароқни олиб, тантанали равишда ўртага қўйди ва томогини тақиллатиб, деди:

— Боймат, қани, дарров, сета қилиб юборинг. Оҳ, қандай сўлим кеча-я. Нақ шоирлар ичадиган пайт. Дутор-мутор топмайсизларми? Оз-моз тинғиллатар эдик. Хўп, ичайлик, эсон бўлайлик!

* * *

Уч кундан кейин Собир тонг палласида кетмонни елкага қўйиб, ҳапқат, ҳўл оёқларини тупроққа тап-тап ташлаб, уйга қайтар эди. Бутун кеча у ғўза суғорган эди. Пастак девор орқасидан кетмон товуши эшитилди. Собир беихтиёр равишда, юракнинг қандайдир ички турткиси билан деворга яқинлашди ва ичкарига қарди-ю, унинг юраги «жир» этиб кетди. Анорхон ўз томорқасида сабзвот чопиқ қилаётир экан. Қиз калтагина, юпқа, гулдор кўйлакда, бошида енгил зангори рўмолча,

катақ шойи иштонининг почалари тиззага қадар кўтарилигган; юзи қизариб ёнади. Гоҳ қаддини бир зум ростлаб, узун кўркам сочларини орқага ташлайди, бир қарич ери экинсиз қолмаган кичик, чиройли боқчанинг атрофидаги ҳар хил мевали дараҳтларда эрталабки шавқ билан сайрашган қушларни бирпас тинглайди-да, ишга берилади. Собирнинг юраги гупиллайди, оёқлари қалтирайди. Бироқ қараганига афсус қиласди. Чунки қанча севмасин, юраги қанча ачишмасин, қизни унтишга, ундан умидни узишга тиришар эди у: «Ўкта 10 севибди; у мард, кўнгли баланд йигит. Севгиси ҳам чиңакам бўлади. Қизлар ҳам шундай йигитларга гулдай чирмаша қоладилар. Энди орада чақир тиканак бўлишиш — киройи номардлик!» деб ўйлаган эди. Далада қизлар еридан олисроқ юарар, Анорхоннинг қорасини кўрса, орзуларини, туйгуларини иродага бўйсундириб, ўйлини ўзгартирап эди. Девор орқасида ўсган шафтоли ва тоғолчалар орасидан сўнгги марта кўз югурттаркан, кимнингдир қадамини эшилди, ялт этиб қараб, Ўкта 20 ни кўрди. Ўаста юриб келар эди. Қатта жиноят устида ёқалангандек, Собирнинг бутун аъзойи бадани бўшашиб кетди. Шу пайтда у ер қаърига шўнфишга рози эди... Ўкта билан шу ерда юзма-юз учрашмаслик ниятида, бошини ёгиб, дам бўзарган, дам оқарган ҳолда, уйга эмас, ўзи келган томонга илдам одим отди у.

— Ҳой, Собир! — қичқирди Ўкта.

Лекин Собир гўё эшишмагандек ёки бирон ишга ошиққандек тез кетаверди. Ўкта таажжубланиб, елкасини қисди. Қейин девор орқали бир зумгина боқчага қаради-да, илжайди: «Қизиқ — қачондан буён Собир 30 бундай уятчан бўлиб қолди? Болага ўхшайди-я...»

* * *

Саратон авжида... Ҳаво тандир яллиғидай бадани қовжиратар... Олисда ғўзани культивация қилаётган бир тракторнинг оғир гурлаши эшитилар эди.

Раис, Ўкта ва ортдароқ ҳосилот Каримқўд, жўякларни оралаб борар эдилар. Раисда намат қалпоқ, олди очиқ, оқ узун кўйлак; Ўкта менинг бошида оқ қоломенка қепка, устида коломенка кителъ, оёқларида брезент этик; Каримқулда ҳар вақтдагидай чиройли фарғонача 40 дўппи, йўл-йўл сатиндан янги яқтак; улар онда-сонда қисқа ва узук-юлуқ сўзлашиб қўядилар.

Пахтазор ёқасидаги зич толлар кўланкасида супага ўтириб, униққан юзларидан қўйилган терни арта-арта елпина бошладилар. Ҳосилот раиси ташналиқдан бетоқатланиб, тол тагида жилдираб оқиб турган сувдан кафтлаб узоқ қулт-қулт ичди. Раис кулимсираб:

— Туядай ичасиз-а, дўстим,— деди.

Ҳосилот кекириб қаддини кўтараркан, шикоят қилди:

— Ёпирай, ҳеч сувга тўймайман, ичсам кетаверади.

Назаримда ҳавонинг таптидан аъзойи баданимда нам
10 қолмади, қовжираб кетдим.

— Хомсиз-да, ука! Далада пишмагансиз,— деди киноя билан раис.

Ҳазил, кулги, шўхлик гурунги ила бир тўда қизлар даладан чиқдилар, ариқ бўйига қатор чўққайиб, офтобда қорайган юзларини муздай сув билан ювдилар-да, рўмолчаларини ҳўллаб бошларига ёпдилар. Собир, Ўсаржон ва бир неча йигитлар ҳам ўзларини сувга урдилар. Юз-қўлларини роҳатланиб, апир-шапир ювиб ва қониб-қониб ичдилар-да, елпиниб қатор ўтиридилар.

20 — Маза қилиб, мириқиб ухласанг шу супада,— деди ҳўл рўмолчаси ила елпиниб Соатжон.

— Аҳ, сояпарвар муғамбир...— Анорхон юзини терс бурди.— Фўзанинг баъзи жойлари сийрак, мажмағил, тушундингизми, Соатжон aka? Үхлаш ҳам керак, аммо вақти бор,— деди кинояли оҳанг билан.

— Оббо!— кулди Соатжон.— Фўзамиз ёмон эмиш, сийрак эмиш-а, ёпирай! Оғиз очсак, танқид тайёр. Энди ҳазилни ҳам йиғиштир, денг?

30 Қизлар ёпирилиб чертиб-чертуб Соатжонга ғўза ҳақида ҳазил аралаш тихирлик қилдилар.

— Қараб тур, қизлар, кузда гаплашамиз сизлар билан,— деди Соатжон елпинишда давом этиб.

Қизлар жаранглаб кулишиди, қозонда бўлса, чўмичга чиқади-да, кўрамиз,— дедилар тегажаклик билан.

Раис томоғини қириб қаттиқ бир йўталди-да, салмоқдор сўзлар билан гап бошлади:

— Пахта масаласи фоят мушкул ва мураккабдир, нозик ва ҳикматлидир,— бошини баланд кўтариб колхозчиларга қаради,— фўзамиз қаноатланарли эмас, хийла мажмағил, Мана «Озод Шарқ» колхозининг ғўзасига қаранг, бизнинг ғўзага қаранг. «Озод Шарқ»нинг азamatлари, барака топкурлар, фидокорлик билан зап ишлаган. Сабаби не? Ери бизникидан яхши эмас, ҳаво-

си бир. Демак, сабаб ёлғиз меҳнатда. Вақтида сув, вақтида культивация, вақтида чеканка, ҳаммаси ўз вақтида бўлган. Ўфит ҳам қимматли нарса, аҳамияти зўр. Фикр қилиб, масаланинг мағзини чақиб, таажжубда қоламан, не ҳодиса бу?! Колхозчиларимизнинг ташаббуслари паст, сояпарвар, ялқовлар ҳаддан ташқари кўп. Иллат шу. Лекин ҳосилот раиси ҳозир ғўзага сув керакмас, пича вақти бор, деб ўжарлик қиляпти, хато қиляпти. Қўпчилик билан бамаслаҳат иш кўрмоқнинг хосияти кўп. Бизда сув сероб, Қашқадарё, Самарқанд 10 эмас. Уларда сув қаҳат.

Каримқул ўзгариб, бўзариб кетди:

— Жон тикиб, эрта-ю кеч шу ғўзанинг парвонасимиан-ку, яна бу гапларни қаранг. Мени фикримча, сув беришга жиндай вақт бор. Ғўзани яхши ташна қилиб, сўнг сугоришнинг фойдаси зўр. Раис Ўккамнинг маслаҳати билан қитдай адашяпти. Майли, ихтиёр сизда, сугориш лозим топилса, сугорилсин,— қизариб ўтиридан ўрнига.

— Ўртоқлар!— деди ўрнидан туриб Акаскин ва 20 жиққа ҳўл кителини қўллари билан пастга тортиб қўйди.— Раис тўғри айтди. «Қаҳрамон»нинг, «Озод Шарқ» нинг, бошқаларнинг ерларида ҳеч фарқ йўқ. Замин бир, иқлим бир, шароит бир. Аммо фарқ, дўстларим, меҳнатда. Меҳнат ҳал қилувчи кучdir. Ўфит етишмайдими, гўнгдан имконият борича фойдаланмоқ лозим. Ғўзани ҳўб кузатдим, ҳосил чакки бўлмайди. Айниқса қизлар даласи мақтовга сазовордир; баракалло уларга, бояқишлиар тинмай яхши меҳнат қиладилар. Кўринг, ғўзасига суқлансанг арзиди. Саксон ота, Собир полвон далала- 30 ри ҳам чакки эмас, яхши меҳнат қилмоқдалар. Раис ота пича қувлик ишлатяпти. Ғўза паст, ёмон ишлайсиз, деб танқид қиляпти. Тўғри, айrim далалар борки, кўнгилни ғаш қилади, хавф-хатардан дарак беради. Албатта, колхозчиларимиз пахта ҳосилини ошириш учун турли тадбир ва чораларни излаб, кучни ва дилни бағишилаб ишламоқлари лозим. Ҳозир сувнинг айни вақти, йўқ эса, ғўзани нобуд қилиб қўямиз.— Акаскин берилиб гапда ҳарорат билан давом этди. Ўсимлик оламининг турли туман хусусиятларини сўйлади. Пахтанинг навлари, 40 турлари, агротехникаси хусусида турли ибратли мақоллар, фактлар келтирди.

— Ўртоқлар, деҳқонлар пахтани жуда билади. Парвариши ернинг хусусиятига, об-ҳавога мос қилиб олиб борадилар. Илм зўр ҳикматидир. Деҳқонлар оми бўлсаларда, уларнинг кўзи, дили, ақли амалий билимларнинг булоғидир. Пахта нозик ўсимлик, парвариши ниҳоят мураккаб. Ёшларимиз саводли, улар пахта назариясини пича ўқийдилар. Биз назарий илмни бобойларнинг амалий билимлари билан пайванд қилсак — бунинг савобига не етсин!

- 10 Баланд, бақувват қаддини тик кўтариб Собир пахта ҳақида жиддий, чуқур сўзлай бошлади:

— Пахтага парвосизлик, бўлганича бўлар, дейиш жиноятдир. Мана иккинчи бригадани олинг, ғўзасини ўт босган, қадди кўтарилмаган. Ҳолбуки, бригадир ялло қилиб юрибди. Биз ғўзага жонкуярлик қилмасак, ҳосил осмондан ёғадими?! Бутун каромат бизнинг бел кучимиздадир, ўртоқлар!

Ўқтам китель тугмаларини ечиб, «уҳ!» деб елпинди ва секин сўз бошлади:

- 20 — Ўртоқ Акасқин, Собир тўғри айтадилар. Ғўза парвариши қаттиқ сүяди. Ҳосилот раиси суст, бепарво, аммо жон, Каримқул-ота, ҳаммамиз бир тан, бир жон бўлиб, иштиёқ билан меҳнат қилайлик. Сув, ўғит, гўнг беришларни, чеканка ва чопиқларни тобида ўтказиб, агротехниканинг қонун-қоидаларига том риоя билан ишлайлики, ғўзамиз бақувват бўлсин, даламиз диркиллаб турсин. Кўрганлар жойида, офарин, десинлар. Лекин, Каримқул ота, тишни-тишга қўйинг-да, фойдали гапларни қулоққа тугинг. Ҳар ишда жароҳатнинг бош давоси — танқиддир.

Каримқулнинг юрагидаги ғазаб илони тўсатдан тўлғаниб-тўлғаниб кетди. Гўё лов этиб ёнгандай ўриидан иргиб турди, безгак титроғида оқариб бақирид:

— Ўқтамбой узиб-чалиб хўб гапирдингиз, майли, гапингизга парво қилмаймиз. Танқид яхши нарса, фойда-си бор, елкамиз кўтаради. Аммо эвида бўлса яхши. Мен деҳқонман, ота-бобомдан бошлаб касб-ҳунаримиз шу, болаликдан ғўзада катта бўлдим. Об-ҳавони, рутубатни, иқлимини, жамики ғўзага тааллуқли масалаларнинг 40 сирини дилимга тукканман, текширганман. Биз шароитга қараб иш кўрамиз. Ҳолбуки, Ўқтам келди-ю, аҳвол хуржун бўлди; ўзбошимчалик, жанжал рўй бера бошлади. Хуллас, тартиб бузилди, гишт қолипдан кўчди. Аҳ-

вол шу, халойиқ!— кин тўла қаҳрли кўзлари мажлис узра сузиб ўтди.— Ўзанинг маромига қараб тобида ишласак, эҳтимол тузалур, тадбирни топурсиз. Бутун фалокат Ўқтамнинг ўзбошимчалигида. Ёшларга футбол, шахмат, икир-чикир гапларни топиб ғалва кўтаради. Қизлар валибул ўйнармиш, уят-ку бу ахир. Янги-янги бемаъни планлар, харажатлар ҳар кун кўндаланг. Аммо чироқларим, ғўза хатарда. Ҳозир ёшларни футбол, валибулга банд қилмоқ ўзи жиноятдир. Мен жон бериб ишладим, аммо энди тоқатим йўқ. Агар мумкин 10 бўлса, раис ота, вазифамни гарданимдан олинг. Бизга тинчлик керак, кўп ишладик, бас...— зарда билан таппа ўтириди.

Халқчуввос кўтарди. Анорхон ва Тансиқ бирдан ўринларидан турган эдилар, раис «Бас, ўтири!» деди.

— Беринг сўз!— деди Ўқтам.

— Ўзинг сўйла, бўш келма,— қичқирди Собир Ўқтамга.

Раис енгилланиб, Ўқтамга қатъий турда:

— Ўтири, сўзбозликтининг фойдаси йўқ, барҳам берла- 20 ринг. Битди ғалва-ғулва. Эрта-индин умум мажлис чақирамиз. Болаларим, маставани ичиб, нонни уринг-да, жиндак дам олиб ишга тушинг, вақт ғанимат, бугун тунда айрим ғўзаларга сув берамиз.— Каримқул олдида бир зум тўхтади-да,— расво бўлдингиз, уят сизга,— деди жеркиб ва тез юриб идорага кетди.

Одамлар тўда-тўда давра қуриб, тушлик хўракни бошлар эканлар, қизғин сухбат сира узилмас эди.

XIII

Бўёғи айниган эски «Эмка» катта йўл устида қўш 30 майиздай бирикиб, бир-бирини қучоқлаб юксалган икки азим терак олдида тўхтади. Сайрамов дим машинадан чаққонгина сакраб, оғиз-бурнини кафти билан беркитиб, бурқиган, қизғин, аччиқ чанг ичидан илдам югуриб чиқди. Салқинда, қатор ўриклар остида оқ кителини қоқди, ёзбоп енгил шапкасини олиб, сочи тоза тараашланган юмалоқ, силлиқ бошини елпиди ва ҳар ўтқинчининг дикқатини жалб этувчи қучоқлашган муazzам теракларга, ҳар вақтдагидек, бирпастгина қизиқиб қаради-да, дала бўйлаб юрди. У дам сўлга, дам ўнгга кўз 40 юргутиб, қинғир, тор ўйлнинг ҳар икки томонидаги ғў-

заларни таққослади. Чоллар звеносининг гўзаси уни қувонтирди. Райком секретари ҳамиша кузни, ҳосилни, планни ўйлар, яхши звенолар тажрибасини ўрганишга ва ўзгаларга тарқатишга тиришар эди.

Саксон ота узун, қаттиқ бармоқларини оқарган, қалин қошлари устига қўйиб, ҳали тийрак, чуқур кўзлари билан Сайрамовни анча наридан таниди, уни қаршилаш учун илжайиб даладан чиқди.

— Ассалом, бардаммисиз, отажон? — чолнинг қўлларини икки қўли билан узоқ сиқди Сайрамов.

— Келинг, Рустамжон, марҳамат, ўртоқ Сайрамов! — хурсандликдан шошиб қолди чол.

Райком секретари умуман қари-қартангларни ҳурмат қиласар, пайти келганда улар билан дилкашлик қилишни севар эди. Аммо бу чолга ҳурмати, ихлоси айниқса баланд эди. Чунки Алимқул — Саксон ота — ёлғиз пахта устаси, кўпни кўрган ақлли, хушмуомала бир кекса эмас, у қизгин ватанпарвар эди. Уруш йилларида Саксон ота катта йиғиниларда ўзининг содда, доно сўзлари билан халқни қаҳрамонликка, совет Ватани учун қонни, жонни аямасликка, фидокорона меҳнатга чақирган эди.

Саксон ота Сайрамовни ариқ бўйидаги кўрпачага ўтириб, бирпас дам олишга таклиф этди.

— Раҳмат, ота, юмушларим бор, йўлакай сиз билан омонлашиб ўтай, дедим. Қари ботирларнинг ғайратига ҳавасим келяпти. Фўза яхши, кўрдим.

— Бирпас шабадаланг, райком болам,— деди чол ачинган бир тур билан Сайрамовга қараб.— Сизда ҳам беюмуш, беташвиш фурсат бўладими? Уйқунгиз ҳам чала-чатти, нотинч бўлса керак. Йўқ, иш орасида бўлса ҳамки, ҳордиқ чиқаришни унутманг. Бош роҳати, танроҳати, ишга барака беради. Қани, бир пиёла чой ичинилар.

Сайрамов бир парча шолча устидаги кўрпачага ўтириди. Кул босган чўғда турган кичкина қумғондан чол каҳрабодек чойни қўйди ва нон ушатди.

— Эшитайлик, ишлар қалай, турмуш-маишат қалай? — сўради Сайрамов бир бурда нонни тишлаб.

40 — Ҳаммаси жойида, Рустамжон ўғлим. Лекин янги номим дилимга ғулгула солади, холос,— жавоб берди чол тоза, оппоқ соқолини ҳилпиратиб кулиб.— Яна кузда яшариб қолмайин, худо берган ёшимни оқлайнин, деб

уриниб ётибман. Ҳайтовур, ишимиз чаккига ўхшамайди. Қари шоввозларим ҳам сергайрат. Мана, трактор билан культивация қиляпмиз. Бу — тез ҳам пишиқ иш. Ерга нақ жон киргизади. Ғўзани шахмат қилиб экканимизда, ғўза ораларига ҳам машиналар солар эдик, байдарда бир оз шошиб қолдик, кетини ўйламабмиз. Ишни баракали қилишда машина бир мўъжиза экан-да. Ҳа, энди ўғитни ҳам машина билан сепаяпмиз. Бу ҳам улуғ иш бўлди. Лекин барибир ғўза кетмон сўрайди, парвариш сўрайди. Ғўза жўхори ё арпа эмас, ғўзани 10 ундириш учун ҳар кун кўза-кўза тер тўқади киши...

— Техникага миниб оламиз, ота,— деди Сайрамов.— Яна янги-янги, ҳилма-хил машиналар ясалади. Бари қишлоқ учун, бари ғўза учун. Машинанинг қандай мўъжиза эканини ана унда кўрасиз! Яқин орада теримни ҳам машиналаштирамиз. Инженерлар мукаммал терим машинаси яратиш учун қаттиқ ишлашяпти. Баъзи нусхаларини мен кўрдим. А электр? Деҳқончиликни ўн қат юқорига кўтаради. Мана бу йил ҳосилни мўл олсанглар, яхшигина гидростанция ҳам қуарсиз-20 лар. Унинг кучи билан не-не ишлар қилиш мумкин!

— Бизнинг Ўқтам шу ишга жуда ҳавасманд,— деди Саксон ота.— Кошкийди тунларимиз кундуздай чақнаса... чироқ даҳмазасидан бошим қотди, Рустамжон. Лампа шишаси жуда ножинс нарса: жин теккандай, кўз олдингда чирс этади-ю, синади. Ана, қоронфида кўр бўлиб ўтири! Тунов кун мен келинларимга айтдимки, ҳа, каминада уч келин бор, Рустамжон. Эрлари аскарда. Бири қорахат бўлди, ўртанча ўғлим эди. Тақдирга бўйсундик. Худога шукур, каттаси билан кичиги сиҳат ва 30 саломат. Тез-тез хат, хабар келиб туради улардан. Иккиси ҳам ҳозир герман ерида хўжайнин бўлиб, гашт қилиб юрибди. Бениҳоят хурсандман. Келинларим қанотимда. Ушоқ набираларим кўп. Аммо барака топкур келинлар дала ишиниям, болаларният эплашади. Ҳаммаси боадаб, ҳаммаси аҳил. Бир қозондан ош ичадилар. Шундай келинлар бўладики, никоҳ эртасиёқ ўз қозоним, ўз косовим бўлсин, дейди. Шундай овсинлар бўладики, бир қозондан ош ичишдан кўра, заҳар ичганим афзал, дейди. Йўқ, келинларим жуда чиқишчоқ, 40 ҳар ишда баҳамжиҳат. Мендан кенгашсиз қадам босмайдилар. Ҳа, эсим қурсин, нима демоқчийдим ўзим?

— Лампа шиша масаласи,— кулиб деди Сайрамов.

- Ўалли. Шундай қилиб, лампа шиша умримнинг эгови бўлди,— қўли билан соқолини тараб қўйиб, давом этди чол.— Келинларга айтдимки, қора чироқ ёқинглар; ёруғидан кўра иси кўпроқ бўлса ҳам, даҳмазасизроқ бўу, дедим. Бироқ кўнмайдилар — шиша топ! Ахир кечалари баъзан бичиш-тикиш керак. Ўзларигаям, болаларигаям кийимни жуда қунт билан, бурма-сурма, сертугма қилиб тикадилар... Шундай қилинг, райком ўғлим, электр тезроқ бўла қолсин. Мен ҳам қариганимда, 10 даҳмазасиз чироқ ҳузурини кўриб қолай. Ниҳоят, сув кучи билан ёнадиган бир мўъжиза экан. Ўйлаб турсам, сув асло туганмас куч экан. Ёлғиз уни баланддан югуртир! Кичкина ариқчани юқоридан сакрат — тошни чайнаб ташлайди...
- Сув биз учун куч кони ва катта хазина,— деди Сайрамов,— совет ҳукумати, партиямиз бизга сув берди ҳам унинг кучини танидти. Ўтмишда халқимиз тегирмон ва обжувоздан нарига ўтолмаган эди. Мана ҳозир Сирдарёда «Фарҳод»ни қуряпти.
- 20 — Тегирмон, обжувоз ҳам бу томонларда онда-сонда учарди,— деди Сайрамовни диққат билан тинглаб чол.
- Сув кучининг қаймогини энди оламиз, ота,— деди секретарь қизиқиб.— Бутун Ўзбекистон электрлаштирилади. Улуғ ишлар, улуғ қурилишларга киришамиз. Чўлларимиз бепоён. Нима олдик ундан? Ҳозиргача очган ерларни, менимча, парча-пурча деб ҳисоблаш керак. Чўллардан чақирилаб эмас, бутун-бутун область ва район жойлашадиган ерларни очишимиз, обод қилиши-30 миз керак. Бу ишларга, бундан ҳам зўр қурилишларга қодирмиз. Чунки суюнган тоғимиз бор. Бу — Партия. Ўзбек халқининг жонажон дўсти — Партия янги олтин водийлар беради. Бардам бўлинг, қария, олдимиздаги йўл жуда чиройли, жуда улуғвор йўл!
- Фарғонанинг баҳтини кўрдим, янги водийларнинг шабадасидан ҳам халқ билан бирга баҳраманд бўлай,— деди Саксон ота ҳаяжонланиб.— Кўнглим ҳамиша шод ва равшан, негаки улуғ жонажон партиямиз қанотида яшаш менга насиб бўлди. Лениннинг назари, 40 ақли осмондай кенг. У бутун олами кўради. Ленин ҳаммамизни қоронғидан, ковакдан офтобга олиб чиқди, ҳамиша бошимизда қуёшdir у!

Сайрамов сұхбатга берилиб, вақтнинг қандай ўтганини билмай қолди. Бир қумғон чой ичилибди ва битта аナンас қовун ейилибди. Үлар ўринларидан турганда, қаердандир Үкта м келиб қолди. Учовлари жазира ма-далада юриб, чолнинг участкасини айландилар. Ғўзанинг ҳосилдор шохлари бақувват, етук эди. Сайрамов баъзи туплардаги кўсакларни санади ва хурсанд бўлиб, чолга кўзини қисиб қўйди.

— Дилемнинг бир чеккасини куз хавф-хатари чим-чилаб қўяди-да,— деди чол жиддий турда.— Баҳор бир 10 оз белга тепган эди, ҳалиям ғўзада унинг сал-пал касри бор.

Ғўзани эртароқ пишириш зарурлиги устида ҳаммалари жуда жиддий, жуда қизиқиб гаплашдилар. Бу тўғрида Сайрамов кўпдан буён бош қотирап эди. Саксон ота ғўза ораларини чопишга киришди. Қари, тажрибакор деҳқоннинг қўлларида кетмон енгил ва чиройли ўйнар эди. Саратоннинг оловида меҳнат қила-қила ёшлидан чиниқчани учун чол унча терламас эди ҳам. Сайрамов ўзга кексалар билан ҳам қадрдонларча кўришди, уй ичи, бола-чақаларининг аҳволини сўради, ҳазиллашди. Лекин Шодибой олдида кўпроқ тўхтади. Шодибой «шарбат» учун чуқурга чириган гўнг ташимоқда эди. У Саксон отадан ўн беш ёш кичик бўлишига қарамай, ундан қаримсироқ кўринар эди. Шодибой бутун юзи ажиндан иборат, букринамо, кичкинагина киши эди. Сайрамов бир вақтлар у билан илк учрашганда, ҳатто унга ачинганди, лекин Шодибойнинг ишига бир-пас разм солиб, ортиқ даражада ҳайрон қолган эди. Шодибой чарчашни билмайдиган, фавқулодда девкорлардан эди. Унинг ўзи баъзан дўстларига мақтаниб қўяр эди: «Гаров бойлашиб, олис йўлга отдан илгари бораман!» Райком секретари, ҳар вақтдагидек, у билан бир оз ҳангамалашиб, кейин сўради:

— Янги уйга кўчдингизми?

— Кўчдик, райком ака,— жавоб берди Шодибой, пешанасини танғиган рўмолчани сал кўтариб.— Болалар саройга киргандай жуда яйрашиб қолди-да. Шукур, полизимиз серҳосил — ўн уч жонмиз.

— Кўпайгани яхши,— деди Сайрамов.— Хўш, янги 40 уйга сим калавотлар оламан, деган эдингиз, нима бўлди?

- Яна каттадан кетдик, ойнали шкафдан бошладик. Қизларимиз фасонроқ. Бүй баравар ойнага қарамасалар, күнгиллари түлмайди...
- Яшанг, Шодибай ака, демак, ишлар бекаму күст?— деди кулиб Сайрамов.
- Яна пича даҳмазамиз бор,— жавоб берди ишдан қўл узмай Шодибой.— Янги уй пардози, оқлаймиз, эшик, деразаларини осмони ранг билан бўймиз, айвонга гулчин нусха панжара қиласиз. Пардоз керак. Онангни отангга бепардоз кўрсатма, деганлар-ку.
- 10 — Шошқалоқлик қилдингиз-ку,— деди Ўқтам.— Бир оз сабр этсангиз, ўзимиз ич-ташини ялтиратиб, калидни қўлингизга берардик, мана, қадам ранжида қилинг, деб. Ҳўп, пардозига ҳам ёрдамлашамиз. Лекин зиёфатини қачон еймиз?
- Тишингни қайраб тур, ука, сал қўл бўшасин, катта тўй қилиб бераман. Атайлаб битта хумга чаросни босиб қўйдим!— хурсанд, товушини қўйиб деди Шодибой.— Аммо муборакбодга ўша куни хўжайнинг ўзлари келмасалар, тўй менга татимайди, сира татимайди...
- 20 — Раҳмат, Шодибай ака, албатта келаман. Иккаламиз қадаҳларни бир чўқиштирап эканмиз-да!— жуда самимиш деди Сайрамов ва хушчақчақлик билан хайллаши.
- Сайрамов бу колхозда ўз мўлжалига қараганда анча узоқ қолди. Ўқтам уни бир неча бригадаларга олиб борди, кўп нарса кўрсатди, кўп масалаларда кенгаш сўради. Райком секретари «Қаҳрамон» колхозида ижтимоий мусобақанинг ташкил этилиши ва бажарилишидан жуда рози бўлган эди. Ниҳоят, Ўқтам уни дам олишга қистади. Сайрамов иссиқ ва дим ҳавода пастбаланд ошиб, зовурлардан сакраб, қаттиқ терлаган ва лаблари қовжираган эди. Салқинда, сийрак майсада ёнбошладилар. Қаршида Собир от билан культивация қиласиди. Унинг гўзаси колхозда энг яхшилардан ҳисобланарди. Собир кўйлаксиз, дўппи устидан пешана орқали рўмолча ўраб олган, унинг сопол ранг кенг яғрини, елкаси йилтирап эди. Қўёшда қордай чақнасан катта оқ от бирдан тўхтади ва икки ёнига ҳорғин қараб қўйди.
- 30 Бирпастдан кейин Собир дўнгдай тарвузни келтириб, секретарь олдига юмалатди. Ўқтам ушлаб кўриб, «Муздай-ку», деди. Собир буни тонгда узиб, салқинда, ўт орасига яшириб қўйган экан. Сайрамов тарвузни бирга
- 40

баҳам кўришга таклиф этди. Собир қўлини кўксига уриб, «Раҳмат», деди-да, яна далага югурди. Муздай, қу-моқ-қумоқ, ширин тарвуз чанқоқлар учун ором бағишлади. Сайрамов қўлларини, лабларини артиб, кула-кула қорнини чертди-да, дарров жиддийлашиб, муҳим бир сирни айтмоқидай, Ўктамга тикилди ва бирдан сўради:

— Яна қандай ишлар билан машгулсиз?

— Менимча, энди сизга аёндир, кўрдингиз-ку. Лекин ҳамма масалаларнинг масаласи — пахта!

— Тўғри, ўртоқ далачи,— деди Сайрамов ингичка 10 табассум билан.— Сиз бу қишлоқ тепасида бегона қушни кўрдингизми?

Ўктам тушунмади, ҳайрон бўлиб секретарга тикилди.

— Сайд Қуддусхон эшонни танимайсизми? — сўради Сайрамов.

— Иўқ. Ким экан у, оти бир ярим қулоч? — сўради Ўктам кўзларини катта очиб. Сайрамов индамади, лабига папирос қистириб, кескин ҳаракат билан гугурт ёқди. Аллақандай сирли воқеанинг изини сезгандай, Ўктам сергакланди ва ўйланиб, деди:

— Лекин катта домла пайдо бўлибди, жуда тақводор эмиш, ром очармиш, деб қаердадир кампирлардан қулоғимга чатилган эди. Ўша эмасмикин?

— Тақводорлиги қурсин у эшакни! — деди ғижиниб Сайрамов.— Қишлоқларда паранжи кўриниб қоляпти, эски одатлар, хурофотлар унда-мунда рўй беряпти. Бу нарсада мунофиқ руҳонийларнинг таъсири йўқ, дейсизми? Эшон баъзи қишлоқларимизда содда, онгиз одамлар, айниқса аёллар орасида ўзига муҳлислар ҳам топибди. Балки бу қишлоққа ҳам оралагандир у. Нега қи- 30 зиқмадингиз, шу қадар бепарволик!

— Мен кўрмадим, бехабарман, қайдан пайдо бўлди у?

— Мен уни яхшигина текширдим... — деди кўзлари-ни маънодор қисиб Сайрамов.— Бу мунофиқ — Андижон томонда ўз вақтида машҳур бир эшоннинг тўртинчи хотинидан туғилган кенжা ўғил. Дадаси бир неча қилни пайғамбарнинг соқоли деб кўрсатиб, халқни роса талаган, юз ботмонлаб ер, сандиқ-сандиқ пул орттирган. Революциядан кейин хурофотбуруш бу хонадон тезда 40 қуриб, тўзғиб кетади. Бу кенжা эшон эгасиз итдай турли шаҳарларда санғиб юради. Самарқандда қайси бир мозорнинг тепасида садақа билан кун кечиради. Тош-

кентда кундузлари Чорсувда, Хадра атрофида бир парча бўйрага ўнта майда силлиқ тошни ёиб, ромчилик қилади. Кечалари вино дўконлари олдида бочкаларни ҳидлайди. Ҳозир кўринишида шундайки, гўё пашшага озор бермайди. Шундай хушмуомала, шундай хокисор. Хуллас, илон авлоди-да!

— Чора кўрамиз, ўртоқ Сайрамов. Колхоз қишлоғида қузғуларнинг қафиллашига йўл қўймаймиз.

— Балли, бунинг учун колхозчилар ўртасида илмий-
10 сиёсий ташвиқотни кучайтириш керак,— деди Сайрамов
таъкидловчи овоз билан.— Руҳонийлар, эшонлар ким-
лар эканини фош этиш, хурофотларнинг пуч, бемаъни
ва заарли эканини содда тилда тушунтириш керак.
Ташвиқот ишларига коммунистлар, комсомоллар актив
қатнашсинлар; бу ишда қишлоқ ўқитувчиларидаи яхши
фойдаланиш мумкин. Мен райондан ҳам лекторлар юбо-
раман.Faқат эшон пайдо бўлгани учунгина эмас, ҳалқ-
ни сиёсий-маданий тарбиялашга ҳамиша зўр эътибор
бермоқ керак. Албатта, яшириб нима қиласми, бу му-
ҳим масалада бизда ҳам айб бор. Тарбия ишига озроқ
диққат қиласми. Бу соҳадаги ишимиз кенг, чуқур ва
системали эмас. Шундай эмасми?

— Тўғри. Лекин бу лаънати товламачига қарши
бошқачароқ чоралар...

— Бу сизнинг ишингиз эмас... Ҳушёр бўлсангиз,
бас,— деди Сайрамов ва маънодор кулиб қўйди.

— Ўқтам тушундим дегандай, бошини қимирилатиб қўй-
ди. Сайрамов ўрнидан туриб, шимини қоқди, ғижимла-
рини қунт билан текислади ва Ўқтам билан хайрлашар-
кан, бирдан сўради:

— Айтинг, эшон тўғрисида кампирлардан эшитдим,
дедингизми?

— Ҳа кампирлардан.

— Сизда кампир борми?

— Ҳа, аям бор,— жавоб берди таажжубланиб Ўк-
там.

— Демак, сиз эшонларга, хурофотларга қарши таш-
виқотни ўз кампирингиздан бошланг,— деди кулимси-
раб.— Элакка чиққан қўшни хотиннинг эллик оғиз гапи
40 бор, дейдилар. Эшонлар, ромчилар тўғрисидаги «миш-
миш»лар кампирларга майдай ёқади. Баъзи ташвиқот-
чилар хурофотга, эскиликка қарши мажлислардагина
ўт очадилар, қилич кўтарадилар. Бироқ ўз уйлари ху-

рофотнинг чирик ини эканини билмайдилар ёки бунга кўз солмайдилар! Хайр, ҳозирча...

Ариқ бўйида чўзилиб ухлаган шофёр ирғиб туриб, маастларни кидай қизарган кўзларини уқалади, терлаган юзига ёпишган ўтларни сидириб ташлаб, эски шапканинг козирёгини орқага қилиб кийди-да, кабинага минди.

— Бешбулоқ сельсоветига,— деди Сайрамов машинага ўтирган ҳамон.

— Фарғонага, обкомга кечикамиз,— деди шофёр ҳо- 10 музга тортиб.

Сайрамов соатга кўз қирини ташлаб, қўлини силкиб Ўқтам билан хайрлашди-да, шофёрга деди:

— Улгур амиз, илдамроқ ҳайдай!

* * *

Болалар, Жўра бошлиқ, яна колхоз боғида тўпландилар. Боғда зотли, асл олмалар, хилма-хил гилос-олчалар, курсиллама нашвати, юмшоқ хушбўй ноклар, аччиқ ва чучук туятиш анорлар ва бошқа-бошқа мева дараҳтлар кўп. Токзорга келсак — ҳусайн, якдана, шивирғон, 20 чаросдан бошлаб, тана кўзи, қора жанжал, бедана кишмишга қадар турли-туман навлар қониб қуёш қонини эмадиган, беҳад шакар йиғадиган, тотли, хушбўй, хуштаъм узумлар ҳозир тамом ҳароб, қарамасиз эди. Лекин шунга қарамасдан, токда хийла узум бор. Чоллар эрмак қилиб, ора-сира қитдай вақт топиб, чала-ярим хомток қилиб қўярдилар.

Раис ва Ўқтам мевазор ва токзорларда ачина-ачина аста кездилар. Шум болалар сувга чанқаган боққа босиб сув қўйган ва бир-бирига сув сепиб, бир-бирини 30 ариққа босиб, иш ила шўхлик — ўйин аралаш тўполон қиласар эдилар. Жўра гоҳ уришиб, бақириб, гоҳ пўписа қилиб, гоҳ яхши сўзлар билан ялиниб ишни тартибли олиб боришга уринар, ўзи ўрнак бўлиб ғайрат қиласар эди. Бир четда қуритилган олча ва туршакларни қоплаётган чоллардан бири:

— Шум болаларнинг шўхлиги ҳаддан ошди, жўнатиб юбор, ўзимиз ишлаймиз,— деди ёнида қоп оғзини боғлаётган бир чолга.

— Эй, қўйинг, хафа қилманг уларни, бола-да. Шўхлик қилсалар ҳам жуда тўйдириб сугоряптилар. Сувга толиққан, чўлдай ер-да, бу,— деди мулоийм оҳангда.

Қуёш авжি қизиган. Осмон фирузадай кўк. Олисда, ора-сира оқ буулутлар майин шоҳидай сирпалади. Чоллар юзларидан қуйилган терни яктак этаклари билан артар ва «Шу дим, иссиқ ҳаво меваларни айни пиширадиган вақт, авжи саратон», дер эдилар.

— Чаросни қорайтирадиган иссиқ шу-да,— деди кексаларнинг бириси.

Раис гоҳ сукутда; гоҳ сухбатда боғни кезарди.

10 — Уруш белга тепди, жанинатдай сўлим боғ эди, биласанми? Токларга қара, Ўкта, жоним ачийди-я, қизғанаман...— ичидан уҳ тортди.

— Хароб, жуда хароб,— деди атрофга кенг назар солиб Ўкта,— ҳақиқатан қизғанчли манзара, қаранг, анов олмаларни! Гилосларни, асло буталмагандай.

— Тўғри, қарамсиз... Ҳар замон бир сув қўйиб қўярдик. Энди шу касбнинг пири — уста бир боғбон лозим; жуда боғ ишига миришкор бўлсин. Қўлида қайчи, боғ айланишдан ҳузур қиласидиган, завқ қиласидиган бўлсин.

20 — Бу ишни билгичлар бизда бор-ку, лекин бари бандда. Одам етишмайди бизда, кейин кўпи жуда қарida, боғни эплаш осон эмас.

— Тўғри айтасан, кўпчилиги жуда кексайди. Эски боғбонимизни биласанми? Икки йил муқаддам вафот этди, жуда фаранг эди-да. Бу ҳунарнинг тилини, тилсимиши яхши биларди. Ҳозир ҳам усталар бор, аммо баъзилари Фарғонага боғ ишига кетдилар, қолганлари ғўзада банд.

30 — Аввало боғни ўтдан тозалаш керак, кейин адил йўллар очиш керак, чопиш, буташ... Иш кўп. Кейин яхши боғбонни топиб тайин қилинг, жуда билгич бўлсин,— деди таъкидлаб Ўкта.

Улар қариялар олдида тўхтар экан, томдан ҳазилсизмон товуш билан бирор қичқирди:

— Қани, туршак енглар!

— И-я, ичи қотганилар есин,— деди дарҳол Мирҳайдар.

Чоллар кулгидан қотиб қолдилар, уларнинг бурушган юзлари руҳланиб, кўзларини кулги намлади.

40 Ҳазил-ҳазил, бир чимдим сухбатдан сўнг Мирҳайдар ва Ўкта пахта даласига йўл олдилар.

Ариқлардан айқириб келган сув қақраган, ташна боғ бағрига сингар, болалар оғочлар, токлар тагини очиб, сув ҳайдар эдилар.

Жўра жиддий, ўйчан ҳолда олмаларни кетма-кет тўйдириб сугорар эди. Унинг олдида Эргаш — ювош, мўмин, уятчан бола — секин тўхтади.

— Ўтир жиндай, чарчадинг. Дараҳтлар ҳам кўпроқ қонсин. Мен нариги ратни босиб сугордим, сира тўймайди, шимиб кетяпти.

Иккови аста дараҳт тагига ўтирдилар. Болалар сув сепишган, ёқалашган, бир-бирини қувишдан бир зум тинмас эдилар.

Жўра билан Эргаш колхоздан, ўқишидан, турли ташвишлардан сўзлашар эдилар. Эргаш кўпроқ гапни адабиётга буар, ўқиган янги китоблари, янги шеърлари ҳақида кўтаринки руҳ билан сўзлар эди. Қалбини кундузлатган завқ чайқалиб кетди-да, у тўсатдан шим киссасидан бир қоғоз олди, сирли товуш билан:

— Ўқи, қани...— деди қоғозни узатиб.

Жўра таажжубда қоғозни аста очди ва унда ёзилган шеърни чўзиб, адабиёт муаллимига ўхшаш баланд товуш ва оҳанг ила ўқиди. Эргаш қизаринқираб, жим, бошини қўйи солиб ўтирас эди.

— Эҳ!— деди Эргаш шеърни Жўра ўқиб тугатгандан кейин.— Шеърни билмайсан-да, тумтоқ-тўмтоқ ўқийсан...

— Ажойиб шеър, қаердан олдинг?— сўради Жўра.

— Мен ёздим, ўзим...— аста жавоб берди Эргаш, оптиқроқ қизариб.

— Ростданми?— анграйди Жўра.

— Чин комсомол сўзим,— бошини кўтариб, Жўранинг тиниқ кўзларига дадил қаради Эргаш.

Хаяжондан юраги ҳовлиқиб, ўрнидан иргиб турди 30 Жўра.

— Ҳеч кимга кўрсатганим йўқ, сенга маъқулми, тузукми?— сўради Эргаш титроқ товуш ила.

Жўра тик турганича қайта-қайта ичида шивирлаб ўқиди ва маъқуллаб деди:

— Жуда яхши, оловдай сатрлар бор, лекин узунроқ. Аввало адабиёт муаллимига кўрсат, у маслаҳат беради, ёрдам қиласди. Менга жуда ёқди,— Эргашнинг елкаси ни қучди.

— Адабиёт муаллими отпускада, Андижонга кетган 40 шекилли.

— Кўрсат бўлмаса бошқа муаллимларга, Уктам ака-га кўрсат. Балли, ёз шеърни, тириш. Лекин жуда уят-

10

20

чансан, тортинчоқсан-да. Адабиётни яхши кўрасан, шеърларни ёдлашни севасан. Қарасак, гап бу ёқда экан, сир бор экан. Сенда истеъдод бор, уринсанг, шоир бўласан.

— Кўп уринаман, пинҳон, пинҳон...— ҳаяжонга тўлди Эргаш.— Икки-уч йилдан бўён машақат тортаман. Яхшими, айт?— деди ялинган товуш билан.

— Жуда соз, аммо муаллимларга кўрсат; уринавер, ёзавер.

10 Адабиётдан, шеърдан суҳбат давом этди; Жўра: Пушкин шеърларини севиб ўқийман, деди ва Эргаш энди Пушкиннинг «Кавказ» шеърини ўқий бошлаган эди, тўсатдан Жўра кетмонни олиб ариқ томон чопди.

— Вой-бўй, тоза тошиб кетибди-ку,— деди Жўра ариқ қулоқларини тўғрилаб.— Қани, келинглар, ўртоқлар, ажойиб бир шоирнинг шеърини тинглаймиз!

Болалар ҳайрон бўлиб атрофга аланглар экан:

— Қани, ўқи,— буюрди кулимсираб Жўра Эргашга. Уялиб, қалтираб, секин ўқий бошлади Эргаш...

20

XIV

Ўкта́м дўсти Собир даласига қайтди. У дала чеккасида, каллакланган тутга суяниб, дам олмоқда экан. Икковлари биттадан папирос чекишидилар. Ўкта́м ра́йком секретари билан бирга бугун қилган ишларини ва унинг баъзи масалалардаги мулоҳазаларини, ниҳоят, эшон ҳақида бўлган гапни айтиб берди. Собир қизиқиб тинглади-ку, лекин ўзи ҳеч нима демади, у дам ерга ўйчан қаради, дам бир чеккада ўт чимтигани отга «ҳай», «хушу» каби хитоблар қилиб ўтираверди.

30 — Нима бўлди, кайфсиз кўринасан, полвон?— сўради Ўкта́м.

— Йўқ, кайф жойида,— деди зўраки илжайиб Собир.— Ўтир-чи, қулогингга икки оғиз гапим бор.

Ўкта́м унинг қаршиисига чўққайди ва диққат билан тикилди. Собир тунов кечаси Боймат билан кайф қилишган-да Насимжоннинг Ўкта́м тўғрисидаги бўҳтонини айтиб берди ва охирида жаҳл билан, деди:

— Бўш келма, оқ юзингга қора суряпти у. Думини мундай бураб қўй, ортиқ акилламасин!

40 — Насимжон лаганбардорлиги орқасида баъзи кишиларнинг пижига жуда кириб олган.— Улар учун гўё

Насимжонсиз иш барбод,— деди Ўқтам.— Шунинг учун бу қуён шу вақтгача колхозда ўзини арслон фаҳмлаб юрган. Мен секин-секин башарасини очяпман. Дод демасдан иложи борми! Қўявер, яна бир оз синаб кўрайлик...

— Бундай майдагапчиларнинг таъзирини бер, ишга ҳалал қилмасин, лекин ранс билан муомалада нозикроқ бўл. У яхши одам,— деди Собир ва ўрнидан туриб, отни ҳайдаб, ишга тушди.

Ўқтам унинг орқасидан аинча тикилиб, кўнгли қандайдир гаш бўлди. Чунки Собирнинг ичида қандайдир чигал борлигини ва уни яшиromoққа тиришганини ҳам ўзидан совинқираганини сезди: «Бу қандай сир? Нега мендан яширади? Орамизда не воқеа рўй бердики, мендан совиди?»— Бу саволлар Ўқтамнинг фикрини чўқилай бошлади. Шу ондаёқ Собирнинг олдига югуриб боргиси келди ва очиқ гаплашиб, сирни билмоқчи бўлди, лекин яна айниди, жаҳли чиқди: «Мендан бирон хато ўтган бўлса, бетимга айтмайдими, яна дўст!»— деб ўйлади, индамасдан кетди-қолди. У тўғри бориб, қишлоқ ёқасидаги бир тавақали янги, кўк эшикни тақииллатди. Тарих муаллими Сулаймон Зокиров узун бўйли, қийғоч, сузук кўзларининг тевараги серажин, бўйни ишгичка, ўтиз беш яшар киши — яланг оёқ, очиқ ёқали узунгина оқ кўйлакда чиқди.

— Кечирасиз, Сулаймон ака, сиз билан беш-ён мишут гаплашмоқчи эдим,— деди Ўқтам.

— Марҳамат, Ўқтамжон, марҳамат.

Ўқтамнинг унамаганига қарамай, муаллим уни уйга олиб кирди ва катта, сердарахт ҳовлининг ўртасидаги чорбурчак супага ўтқазди. Бўйлари бир-биридан оз-оз фарқ қилувчи, нусхалари жуда ўхшаш болалар ҳовлида қувлашиб, сув сепишиб ўйнап эдилар. Сулаймон Зокиров қўйл ишораси билан уларнинг шовқинини пасайтириди-да, Ўқтам қаршисига ўтириб, одат бўйича унинг ҳолаҳволини сўради. Ўқтам катта теракнинг учигача чирманишиб чиққан, уюм-уюм узуми ҳавода олтинланган аймоқи токка, тўқ қизил, йирик олуҳиротларга, шохлари ерга теккан олмаларга қаради. Ҳовлининг ўртасидан кесиб ўтган ариқнинг икки чети — бошдан-охиригача туташ гулсафсар билан қопланган эди. Ўқтамнинг завқи келиб, гул ариқни мақтади.

— Ўзбекистонда йилда қарийб етти-саккиз ой ҳов-

лида яшаймиз. Қўкламда икки-уч кун ҳовлига ҳафсала қилинса, йилнинг уч фаслида гул ичида бўлади киши... Қамина гулчиликка бир оз ҳавасманд,— деди Сулаймон ва супада тартибсиз ётган, кичик ва қалин китобларни бир чеккага йиғиштира бошлади.

— Ҳозирданоқ дарсларга тайёргарлик бошлабсиз шекилли,— деди Ўқтам.

— Балли,— деди уй эгаси.— Лекин бундан ўзга ташвишим ҳам бор: имтиҳон беришим керак.

10 — Имтиҳон?— қизиқсинди Ўқтам.

— Ҳа, бу ерда ўқитувчи, Фарғонада ўқувчиман,— жавоб берди Сулаймон.— Мен педагогик институтнинг заочний, яъни сиртқи студентиман. Яқинда З-курс учун имтиҳон бераман. Тайёрланиш керак, дўстим.

— Жуда соз,— деди Ўқтам.— Шундай замондамизки, илм-техника йўли ҳаммага очиқ.Faқат орзу ва ғайрат бўлса бас! Ҳатто «Ўқи, мутахассис бўл, олим бўл!» деб мажбур ҳам қиласидар. Менда ҳам ўқиш орзуси бор, Сулаймон ака. Үн йиллик мактаб нима беради кишига?— Илм томизғиси бу... Бошимни бир оз ёритиб келай, деб колхоз билан хайрлашаман-да.

— Шундай қилинг, Ўқтамжон,— деди Сулаймон Зокиров бошини чолларча вазмин қимирилатиб.— Ҳозир ёш колхозчиларнинг қариyb ҳаммаси етти, үн йиллик маълумотга эга!

30 Ўқтам ўз мақсадини айта бошлаганда, ёш қиз ясоғлиқ патнис ва чой келтириди. Шўх атласдан ёқаси кўкраккача очиқ, тор кўйлак кийган, қошлирига ўсманни ингичка ва узун қилиб тортган, нозик, чиройли қиз Ўқтам билан дадил кўришиди.

— Менинг синглим, Гулчеҳра,— таништириди Сулаймон.— Москвада театр студиясида ўқийди, дам олгани яқиндагина келди.

— Оҳо, яқинда колхозимизда санъат устаси етишади, дессангиз-чи!— хурсанд қичқирди Ўқтам.— Қамол топинг, синглим. Лекин бир нарсани унутманг, бу ерга қайтасиз, ўзимиз бу ерда шаҳарникидан қолишмайдиган жонон театр қурамиз. Колхозчи халқа томоша кўрсатасиз, кадрлар тайёрлайсиз. Яна қишлоғимиздан юз 40 ўгириб кетманг. Ҳа, кўпи билан, уч-тўрт йил ичида шундай обод бўладики, танимай қоласиз.

— Олдин мен мактабни битирай, санъатнинг улуғ усталаридан кўп нарсалар ўрганай, санъатни эгаллаш

анча қийин. Ана ундан кейин кўрамиз,— деди Гулчехра чиройли табассум билан.

— Фикрингиз жуда тўғри. Санъатда баландга интилаверинг, синглим,— деди Ўқтам.

Қиз нозиккина бурилиб, қўллари билан гулларни сийпаб-сийпаб айвон томонга кетди. Сулаймон Зокиров ион ушатиб, меваларни саралаб-саралаб, меҳмон олдига сурди:

— Марҳамат, дастурхонга қаранг.

Ўқтам анордай йирик қизил олмани еди-да, ўз мақсадини, ташвиқот ишларида муаллимларнинг қатнашуви масаласининг муҳимлигини айтди ва ёрдам сўради. Тарих муалими унинг фикрларини маъқуллади, терак тепасида шамол ва қуёшга роса тўйиб пишган якдона узумнинг олтин доналарини оғзига бир-бир отиб, ўз доклади учун мавзу ўйлади. Баъзан у бирдан енгилланиб, хўрсинди-да: «Манави мавзуга нима дейсиз?» деб Ўқтамга мурожаат қилди, лекин дарров ўзи айниб, қўлини умидсиз силкиб қўяди: «Қидирганда топилмайди-да!»

Ўқтамнинг сал сузук кўзлари энди беихтиёр равишда ҳовлида айланиб қолди. Келажакнинг артисткаси — Гулчехра атлас кўйлагини оловдай ёндириб, дараҳтлар орасида, гўё ўйинга тушгандай енгил, нозик йўрғалар, гоҳ ҳовлининг тўридаги айвон олдида яшнаган ва ҳар тупидан сават-сават гуллар узиш мумкин бўлган тўқ қизил, ним сариқ, тиниқ оқ гуллар орасидан бир зумгина юзини кўрсатиб қўяр эди.

— Мана бу мавзу қалай,— тўсиндан хонтахтани шақ этиб уриб сўради тарихчи.

Ўқтам чўчиб бошини бурди ва қизга тикилганимни муаллим сездими, деб йигит қизариб кетди, унга қарашга ботинмай, истар-истамас, меваларга шошиб-пишиб қўл узатди.

— «Самарқандлик Хўжа Аҳрор ва унинг кирдикорлари» деган мавзуда доклад қилсан,— деди Сулаймон.

— Хўжа Аҳрор?— муаллимга зимдан қаради Ўқтам.— Эшитганман, қариялар кўпинча тилга олишар эди уни. Тушунтиринг менга, қачон ўтган бу хўжа?

— Бу киши эшонларнинг фили, сўфиларнинг пири бўлган. Бундан беш юз йил бурун яшаган шайх!— деди Сулаймон кўрсаткич бармоғини тиккайтириб.

— Баракалла сизга! — деди ранжиб Ўқтам.— Алла-қандай тўғон-мўфон замонида юрибсиз-а. Яқингиларни, айниқса ҳозирги кунда санқиб юрган товламачиларни фош қилинг-да. Аҳоронинг гўрини ковлаб нима қиласиз?

— Бир оз сабр қилинг, Ўқтамжон,— деди Сулаймон куюниб.— Хўжа Аҳрор — машҳур руҳоний. Халқ орасида у энг кароматчи, мўъжизалар кўрсатувчи шайх ва худонинг арзандаси бўлиб танилган. Лекин ҳақиқатда 10 Хўжа Аҳрор энг алдоқчи, таловчи ва энг маккор одам бўлган. Мингларча қулларнинг, мингларча қашшоқ дех-қонларнинг кучини, қонини сўриб, дунё-дунё бойлик орттирган. Хўжа Аҳоронинг бойлиги тўғрисида бир афсона ҳам бор, қулоқ солинг: шоир Машраб бир кун эшакка миниб, саёҳатга чиққан. Биласиз, Машраб — гоҳ пиёда, гоҳ эшакда кўп ўлкаларни кезган оташнафас бир шоир. Унда бир эшагу, бир танбурдан бошиқа мулк ҳам бўлмаган экан. Хўш, қулоқ солинг, мана Машраб эшакка миниб, шаҳардан чиқади. Далада туман-туман қўй-20 ларни кўриб, подачилардан сўрайди: «Кимники?»— «Хўжа Аҳороники!» Кейин саҳрода Машраб минглаб туяларни кўради: «Кимники?»— «Хўжа Аҳороники!» Яна бир довон ошгандан кейин шоир мингларча йилқиларга дуч келади: «Кимники!»— «Хўжа Аҳороники!» Ана шунда Машрабнинг жуда энсаси қотиб, дарров эшагидан сакраб тушади-ю, уни бир тепиб, дейди: «Жўна, сен ҳам Хўжа Аҳороники бўла қол!»

— Дунёни ютмоқчи экан-да, муттаҳам авлиё! — ҳайрат билан қичқирди Ўқтам.

30 — А, унинг ер-суви? — чой ҳўплаб, қизиқиб давом этди Сулаймон.— Үҳў! Бир бурчидан иккинчи бурчига шамол ҳам етолмас экан. Мана, кўрдингизми, Хўжа Аҳрор халқа дунё лаззатларидан воз кечишни буюрган, фақир, забун бўлишликни таргиб этган; бунинг бадалига нариги дунёда жаннатни ваъда қилган. А, ўзи? Ниҳоят очкўз, мулкпаст бўлган. Ҳа, Хўжа Аҳрор илмга, мактабга, китобга душман эди. Мана, бир мисол сизга: Улуғбекнинг шогирдларидан, замонасининг зўр олимларидан астроном, юлдузшунос Али Қушчи бир тўда талабалари билан бирга Самарқанднинг қайси бир қўчасида қаёққадир бораётир экан. Шу вақтда хонақоҳнинг эшигига ўтирган Хўжа Аҳрор ўз муридларига қараб, шундай дейди: «Ана катта бир қанжиқ ўзининг кучук-

баччалари билан келяпти!..» Тушундингизми, Хўжа Аҳрор қандай қора куч! Самарқанднинг ёруғ кундузини тунга айлантирган мана шу эшон. У ва унинг шогирдлари, маслакчилари тарқатган заҳарли хурофотдан халқимиз яқиндагина қутулди. Яна, Сулаймон тўқияпти, деб ўйламанг. Ҳаммаси факт. Мен манов китобдан олиб гапирияпман (муаллим китоблардан бирини баланд кўтариб, яна жойига қўйди). Бу китобни академия босиб чиқарибди. Маълумки, олимларнинг фикрлари кўпинча баландроқда учади. Бу фикрларни содда, равшаш тилда колхоз оммасига етказиш керак Энди сиз, қулай фурсат келганда, халқни йиғасиз, камина олдин Хўжа Аҳрорнинг кирдикорларини лўнда-лўнда айтиб бераман, кейин яқингacha унинг қора йўлини давом эттирган бошқа эшонлар, сўфилар, ҳар хил авроқчилар, товламачиларни фош этаман. Қани, сизга маъқулми?

10

— Маъқул, айни муддао. Қўлни беринг.— Ўқтам муаллимнинг қўлини сиқди, кейин ҳазилсизмон деди унга.— Сулаймон ака, ўзингиз ҳам салкам академик бўлиб қолибсиз-ку.

20

— Ҳали қайда!— деди Сулаймон кулиб.— Лекин агар таним сиҳат бўлса, ўн-ён беш йил Тошкентда ёки Москвада ёлғизгина ўқиши ўрганиш билан банд бўлмоқчиман. Олдин доцент, кейин-кейин, майли, қариганимдәёқ профессор бўлиш орзуси мана бу юракда лим-лим, укажон. Замонамиз — тўхтовсиз олдинга ҳаракат замони.

— Шу мақсад йўлида ишлайверинг, етасиз срзуга. Бунинг учун Совет Ватанида ҳамма шаронт бор,— деди Ўқтам.

31

— Менда ўқиган, яқинда бир қарич болалардан бир нечаси яна икки йилдан кейин университетни битириб келади. Ҳаммаси ўз қишлоғимиздан Мен бунга қувонаман. Лекин ўзим собиқ муаллим бўлиб қолишини истамайман.

— Бу йил яна бир неча йигитча ва қизчаларни олни мактабга юборамиз,— деди Ўқтам керилиб.— Яхши, айтинг-чи, менинг қўшним Соатжон нима тўғрида доклад қилсан?

Сулаймон жавоб беришга қийналгандай, ерга қараб 40 сукут қилди.

— Ҳўш, кучи ётмайдими?

- Билмадим, ўзи билан гаплашинг,— деди Сулаймон лаблари учida қулиб.
- Айтинг, қайси илмда кучли у?
- У киши — бизнинг дўстимиз. Гарчи аччиқ бўлса ҳам, ҳақиқатни оча қолай сизга: Соатжон дастлаб ўз саводини эпақага келтирсинг, носвой чекишни, бедана-бозлики ташласин!
- Эй-е, кўпдан буён муаллим-ку... — афсусланиб деди Ўқтам.
- 10 — Мутолааси йўқ. Китоб очса, уйқуси келади. Ачинамиз, лекин бефойда.
- Рост, мен унинг қўлида китоб тугул, газета ҳам кўрмайман,— деди Ўқтам ва қулиб қўйди.— Кўпинча бир жуфт қурушқоқ эчкини боқиб юради. Йўқ, қўшнимни бир қарра танқид қиласлиқ, интил, илмингни бойит, деймиз. Интилмаса, ўзидан кўрсинг. Иши чиппакка чиққанда, кўзи очилади. Ёшлар келяпти, ёшлар!
- Сулаймон, балли, дегандай бошини вазмин қимирлатди. Жуғрофия ва физика муаллимларига табиат ҳодисалари ҳақида лекциялар топшириш тўғрисида кенгашгандан кейин Ўқтам супадан сакради, гулга, мевага бой, чиройли ҳовлида у ёққа-бу ёққа бир оз юрди, муаллимнинг думалоқ-сумалоқ, ёқимтой болалари билан сув сепар ўйнашди. Гулчеҳранинг пешанасини, бурнинг учини ва иягини Комиланикига ўхшатгиси келди, ёш артистка унга гул узиб бергиси келганини, лекин акасидан тортинганини ҳам сезди у. Сулаймон ўзи яхшилаган баъзи гулларни ва дараҳтларга қилган пайвандларни кўрсатиб, меҳмонни эшиккача кузатиб чиқди.
- 20 30 Ўқтам миннатдорчилик билдириб, у билан хайрлашаркан, яшил ҳовлидан булбулникидай янгроқ, ёқимили, тоза овоз юксалди. Икковлари ҳам илжайиб қулоқ солишиди. Гулчеҳра Москва ҳақида русча бир қўшиқнинг куйлар эди. Ўқтамни юксак ўй ва хаёл қучди, кўзлари сузилиб, бутун гавдаси секин-секин тебранди. Қўшиқ олтин ҳавода тингандан кейин Сулаймон деди:
- Қизча Москвани соғинибди, бутун юраги у ерда...
- Соғинади, она Москвани соғинмаслик мумкинми? — деди Ўқтам.

40

* * *

Каримқулнинг хотини хаста бўлиб ётиб қолди. У аввалдан касалманд, тез-тез оғриб турар эди. Маълумки,

касалманд хотинлар, ирим-чиrimга уста бўлади. У энди бир каттароқ домла топиб, яна бир дафъа ўқитишни орзу қилди. Эрининг ҳам докторларга ихлоси йўқ, у ҳам куф-суф таъсирига ишонар эди. Шу атрофда пайдо бўлган эшоннинг дарагини эшигандан буён Каримқул тинчимай қолди. Қандай қилиб унинг билан учрашиш, бир сухбат этишини ўйлар эди. Хотинининг касали унга баҳона бўлди, у эшонни қидиришга тушди. Каримқул Сайд Қуддусхон эшонни қишлоқ четида толлар орасида бир супада, кимса йўқ жойда топди. Эшон паст қоматли, фирром, чуқур кичик кўзли, оқарган соқоли кўксига тушган, кир салла, кир чопонда кўримсиз бир киши эди. 10 Үрнидан туриб Каримқул билан кўриди.

— Тақсир, бизга юринг, сизни излаб келдим,— деди Каримқул эшонга мурожаат этиб.

— Ёҳу, не иш учун, ўқитиқ даркормид?— сўради эшон жонланиб.

— Э, тақсир топдингиз. Бизнинг заифанинг тоби йўқ. Чилла ёсин қилсангиз, зораки муборак нафасингиз тегиб, шифо топса. 20

Сайд Қуддусхон тасбеҳини қўлга осиб, кавшини сургаб, йўлга тушди.

Колхоз боғлари, далалари бўйлаб ўтганда, «ё олло», «астағириулло» дер ва секин колхозларни мақтаган бўларди.

— Сиз ҳам, иним, колхозмисиз?— сўради у Каримқулдан.

— Ҳа, колхозда ҳосилот раисиман,— деди ғуур билин қишлоқ томони қўлинни аста силтаб.

— Бай-бай-бай... жуда соз, жуда соз, уйларида мўл-30 чилик денг!

— Худога шукур.

Қаримқул эшон билан уйга келиб, намоз оқшомини бирга ўқишиди-да, кейин эшон беморни ўқимоққа бошлиди. Кўзини юмиб хийла жаврагандан кейин, куф-суф қилиб, дастурхонга ўтди. Каримқул чой узатиб, «олсинлар, таксир, олсинлар», леб қайта-қайта қистаб ўтириди.

— Бир дуойим бор,— томонини қоқиб деди эшон.— Битиб қўяман, эртага бориб олиб келасиз. Эзин, чайқаб ичса, қирқ бир дарддан даво топади, иншоолло. 40

— Ҳўп-ҳўп, тақсир,— дейди Каримқул қуллуқ билан чой узатиб.

- У шундай зўр дуоки, барча инс-жине қочади. Шу вақтдаги одамларга ҳайронман, бекорга дўхтур, дори қилиб уринадилар. Аммо ўқитиш бисёр фойда.
- Нодонлар кўп, тақсир, нодонлар кўп,— дейди Каримқул эшонни ошга қистаб.
- Кўчадан шу чоқ келган Каримқулнинг набираси эшонни кўргач, бир лаҳза оғзини очиб доинг қотди.
- Эшон бу киши, тез бор, салом бер, дуо қилсин,— деди шивирлаб Саври.
- 10 Аммо бола эшон дегани эшитди-ю, у кўзига балодай кўринди, зимдан йўқ бўлди.
- Динчиларга қарши қишлоқда ташвиқот зўр эди. Ўз уйида эшоннинг ўтириши болага алланечук қаттиқ таъсир этди, у тўғри Ўқтамнига югурди. Ўқтамни уйдан топмасдан, чойхонага келди, клубга борди — ҳеч қаердан тополмади. Ўсарジョンга югурди, уни клуб кутубхонасидан топди-да, шошиб уйларида эшон ўтирганини айтди.
- Юр, мени бошла,— деди Ўсарジョン Эргашга деворий газета ҳақида ниманидир тушунириб.
- Илдам оёқ ила кетар эдилар, қўйқисдан Ўқтамни кўриб қолдилар, у Собир билан ҳангамалашиб турар эди. Эшон деган сўзни эшитиб, кўзлари олайиб кетди.
- Юринглар-чи,— деди ва буларга қўшилди.
- Вақт хуфтондан ошган, Каримқул эшонни жўнатиб супага чўзилган эди.
- Э, келсинлар, келсинлар,— деди ўрнидан қўзғалиб.
- Эшон қани, қаерга йўқолди?— сўради Ўсарジョン
- 30 Каримқулга тик қараб.
- Э, қандай эшон, кимни айтаяпсизлар?— сўради бепарволик билан Каримқул.
- Чалғитманг, ҳақиқатни сўйланг,— деди қатъний равишда Ўқтам.
- Бе, боланинг гапига кирибсизлар. Эшонми, бошқами, сира хабарим йўқ, аёллар ўқитишга олиб келишган экан, ўқидими, билмадим, мен келишим билан жўнаб қолди. Вой-бўй, шунгаям ҳовлиқиши, азаматлар?— деди кинояли товуш билан.
- 40 — Ҳосилот раисининг уйида эшон бўлиши яхши гапми? Сиз бошқаларга ёмон ўрнак бўласиз. Бу қилмишингиз энг хурофот, ифлос иш, ахир,— куйиниб деди Ўқтам.— Ҳозир катта-кичик барчамиз эски турмушнинг

бутун ёмон сарқитларини йўқотмоқ учун кураш олиб бораётган чоғимизда, сиз у бангини уйнингизда зиёфат қиласиз, дам солдирасиз!

Каримқул алланимани ғўлдирар эди, Ўктам ва Ўсаржон тез юриб ҳовлидан чиқиб кетдилар.

Ўсаржон катта кўчада хайрлашмоқчи эди, Ўктам «бу ёққа юр» деди ва ўзи билан олиб кетди. Ҳовлига кириш замони Ўктам қўйни кўрсатди:

— Шу қўйни ҳозир Каримқулникига элтиб ташла!

— Мана энди ўзингизга келдингиз. Каримқулнинг 10 тили кесиладиган бўлди, мақтаниб ўлиб юрган эди,— деди Ўсаржон ва қўйни еча бошлади.

— Ўзи нима гап?— шошиб сўради она ошхонада туриб.

— Олиб бориб топширсин қўйни,— деди Ўктам она-сига.— Ёмон ниятли тортигининг кераги йўқ.

— Вой, ундей дема, болам, ёмон ният нимаси-я,— деди она.— Анча семиртирган эдим,— деди яна секингина.

— Э, бувижон, гап кўп,— деди Ўсаржон.— Кўй шу жойга келибди-ку, Каримқулнинг тили тинмайди. Нуқул ўзи билан тенг қилади Ўктам акамни.

— Ўзларинг биласизлар, болаларим, мен сизларнинг дилларингиздагини қайдан билай,— деди она ўchoқ олдида фивирлаб.

Ўсаржон қўйни ҳайдаб чиқиб кетди.

— Бу қўй бизни шарманда қилар эди, ая,— деди Ўктам юз-қўлинни юва туриб.— Бошдаёқ қайтарсак, деб ўйлаган эдим-ку, фақат, уят бўлармикан, деб айниган-дим. Лекин она барибир кўнгил ғаш эди.

— Майли, болам, кети хайрли бўлсин,— деди она ва Ўктам олдинга бир коса шўрва келтирди.

XV

Кечга яқин даладан қайтган бир неча ёш йигитлар клуб майдонидаги гулзор олдида, жомакорларини еч-масданоқ, деворий газета чиқариш билан машғул эдилар. Комсомол комитетининг секретари Ўсаржон Сultonov қулоғига қалам қистириб, стол атрофида секин айланиб, мақоланинг сўзларини дона-дона, пишиқ-пишиқ айтиб, диққат назаридан дўнг пешанаси бурушган 40 ёш ва хушхат котибга ёздирар эди. Бошқалар эса мате-

риалларни ўқир ва таҳрир қилар әдилар. Ўқтам клубдан чиқди ва сиёсий ўқиш-ўрганиш ҳақида ҳозиргина ёзган мақоласининг айрим жойларини кўздан кечириб, Усаржонга берди ва ярми бўш оқ картонга қараб, сўради:

— Қачон ўқиймиз «Илғор пахтакор»ни?

— Кечалаб ишласак ҳам бўгун битирмоқчи эдик, бироқ материал оздай кўринади,— жавоб барди Усаржон.

10 — Ўзинг ҳеч нима ёздингми? Бошқалардан қисташни хўп биласан-а.

— Вақт танг, даламда иш тифиз Нормани икки ҳиссадан бажарсан ҳам, улгуролмай турибман. Кечаси қўлга қалам-қофоз олиб, бир киришдим, «Юқори ҳосил үчун курашда ёшлар» деган мақолани бошладим, бироқ чала қолди.

— Илҳом келмадими?— қичқирди кимдир гуллар орасидан.

20 — Сўлим кечада ойга телмурсам ҳам келмади. Жуда серноз бўлар экан,— жавоб берди кулиб Усаржон.— Йўқ, тўғриси шуки, Ўқтам ака, мен маъноси тўла, ҳар сўзи ўтдай мақолани яхши кўраман. Шундай ёзиш учун ўйла-ўйлаб қалам тебратмоқ керак. Энди чиройли ёзишга ўрганимасак бўлмайди. Негаки, ўзимиздан шоирлар пайдо бўляпти. Мана, Соли аравакашнинг ўғли шеър ёзибди. Қаранг, «Қишлоғимизга нур келур» деган сарлавҳа қўйибди.

— Ўқи, ўқи!— зўр қизиқиш билан сўради Ўқтам.

30 Усаржон сўл қўлида бир парча қофозни тутиб, ўнг қўлини тантанали равишда кўтариб, баланд товуш ва шавқ билан ўқиди. Шеър Ўқтамга жуда маъқул тушди ва кулиб, деди:

— Фақат шоиримиз улкан гидростанцияни битириб, ҳамма ёқни нурга гарқ қилибди-ку. Майли, бугунги орзу эртага чин бўлади. Энди бу шоир болани тарбиялаш керак. Мен биламан, ўйчан бола у.

— Унга айтамиз: шеърларини Ёзувчилар союзига юборсин, ижодий ёрдам сўрасин,— деди Усаржон.

40 Ўқтам газетага баъзи бир дангасаларни фош қилувчи мақолалар ёзишли ва уларни дала шийлонларида ўқиб беришни уқтириди.

— Бир нечасининг башарасини кулгили қилиб чиздирмоқчи эдим,— деди Усаржон.— Бироқ рассомимиз

Иләскон нотоброқ. Қишини ажива қилишни дўндиради у. Бултур Султонали звеноси орқада қолган эди, Иләскон тошбақанинг косаси ичидан Султоналининг узунчоқ бошини чиқариб қўйди. Султонали далада тошбақа кўрса, ҳозир ҳам қизариб кетади.

Уларнинг гапини тўсиндан келган отлиқ қиз кесди. Ўкта югуриб бориб, Комила Салимова билан кўришида, таниш отни, эгасининг эътиrozига қарамай, жиловдан тутиб, четга элтиб боғлади.

— Хуш келибсиз, Комилахон,— қизга мурожаат эт-
ди Ўкта ҳам саросимада, ҳам хурсанд.— Супага мар-
ҳамат.

Комила энгашиб, оқ шоҳи кўйлагининг ғижимлан-
ган этагини қўллари билан текислади ва шикоятли
товуш билан деди:

— Отни эркаклар минсин-да!

— Ҳуқуқларингиз баравар-ку,— ҳазиллашди Ўкта.

Комила ҳам ҳазил билан жавобга ҳозирланди-ю, яна
тилини тийди.

— Кишини чарчатиб қўяди от,— деди қаддини рост-
лаб, соchlарини тўғрилаб Комила.

— Колхоз раисида қўним йўқ. Машина олинг, Коми-
лахон.

— Олдин колхозимизда грузовойларни кўпайтирай.

— А, ҳозир ҳаммадан муҳим нарса бу. Трёхтонка-
лар гумбуrlаб қатнаб турса, колхоз ялчиди-да.

Комила супанинг четига ўтирди, кўкимтири, юпқа
шерстъ пиджак чўнтағидан дастрўмолча олиб, кулимси-
раган, қорамтири юзини, сал дўнгроқ, чиройли пешана-
сими артди. Газетачи ёшлар унга гоҳ-гоҳ кўз қирини 30
ташлаб, ўзаро шивирлашганини сезди-да, қиз теварак-
ни қоплаган дархтларга кўз юргуртди. Ўкта бир бола-
ни четга имлаб, бир нима тўғрисида гапирди ва Комила
олдига қайтди.

— Овора бўлманг, мен сизга меҳмон бўлиб келма-
дим,— деди Комила.

— Бирпас дам оласиз колхозимиз ҳавосида,— деди
ялинқираб Ўкта.

— Раҳмат, мен йўлакай отдан тушдим. Мирҳайдар
ота қайдалар? Кўраману, жўнайман.

— Раис далада, келиб қолар, ё киши юборармиз,—
деди Ўкта.

— Кекса овора бўлмасин, вақтингиз бўлса, бора қолайлик,— деди Комила қўзларини чиройли сузиб.

Ўқтам ўз ичидаги хурсанд бўлди. Иккеви ҳам пиёда кетишди. Ҳаво дим, ботаётган қуёш дараҳтларни майин оловга чулғаган эди. Йингит билан қиз чангли катта йўлни кесиб, далага чиқишидди. Комила ўқтии-ўқтии бир зум тўхтаб, теваракдаги гўзаларга разм солар, яна торгина ёлғиз оёқ йўлда илдам юриб кетар эди. Юраги согинчга тўла Ўқтам ўз-ўзини койиди: «Оҳ, сиддалигим 10 қурсин, нега яқин йўлдан бошладим!» Ҳайтсур, унинг баҳтига, пахта денгизи орасида қовун полиз учраб қолди. Қизнинг диққатини полизга жалб этди у. Кўм-кўк палаклар ичидаги дўнгдай-дўнгдай чўғирлар олтинланар, саноқсиз анинаслар фарқ пишиб, ёрилиб ётарди.

— Танлашни биласизми? Биттасини узинг,— деди кулиб Ўқтам.

— Қовун танлашда дидим йўқ. А сиз-чи?

— Бир вақтлар пичагина билардим,— деди Ўқтам 20 ва полизга кириб, бирнас теваракка қараб, тўни хунук битта умурвақини шартта узиб чиқди, ҳидласин, деб қизнинг бурнига яқинлаштирди. Комила узоқ ҳидлади, қўзларини чиройли юмиб, ҳузур қилганини билдириди. Йингит ўз қўли билан қовун узишга Комилани қистади. Комила полизда аста юриб, анча жўякларни оралади, кўп қовунларни ушлаб, ҳидлаб, қайбирини узишни билмади. «Бир-биридан яхшига ўхшайди-ку, жуда довдирраб қолдим»,— деди кула-кула Комила ва, ниҳоят, таваккалга бир қовунини узди-да, ҳидлаб-ҳидлаб олиб чиқди. Ўқтам унинг шошилмаётганини сезиб, ўтиришга, 30 ширинаки ўйнашга таклиф этди. Комила эътиroz қилгандай, бир хўрсиниб, ўтириш учун ўнғайроқ жой қидира бошлади. Улар қуруқ, ҳали иссиқ пичанга ўтиридилар.

— Мен ютқазаман,— деди Комила иккала қовунни галма-ғал чертиб, оғирлигини чоғлаб.

— Нимадан баслашамиз?— жиддин тикилиб сўради Ўқтам.

— Ҳо, ҳеч нимадан, ҳазилакамига,— жавоб берди бошинни тебратиб Комила.

Ўқтам этик қўнжидан ўткир, ихчам пичноқни суғур-40 ди, қўлининг нозик ва моҳир ҳаракати билан олдин қиз қовунига пичноқ солди. Бармоқлари орасидан, лабларидан хушбўй, ширали томчиларни оқизиб, икковлари бир

тиликтан тотдилар. Ўктам кўзларини қисиб, бошини тебратиб, қовунни мақтади:

— Дидингизга тан бердим. Асалу гулоб билан суғорилганга ўхшайди!

— Йўқ, ғўрроқ чиқди, ўзингизникини сўйинг,— деди Комила, чиндан ранжиб.

Ўктамнинг қовуни қизга жуда ёқди, икки тиликни мақтай-мақтай еди. Йигит эса бу қовун бир қадар тобидан ўтганлигини, унча хушбўй эмаслигини айтди ва пи-чогини ўт билан артиб, қинга, кейин қўнжга тиқди-да, 10 бир вақтлар ўртоғи билан ширинаки ўйнаб, икки-уч соатда қирқ-эллик қовунни сўйганларини, ҳар қайсисидан бир карч-бир карч totиб, охирда, қоринлари шишганини ва тиллари қовун мазасига ўтмас бўлиб қолганини кула-кула сўзлади. Комила дастрўмолча билан лабларини артиб, ўрнидан турди: «Эккан колхозчи ва танлаган кишининг умри узоқ бўлсин!»

Ўктам қаердандир пайдо бўлиб, олисдан уларга гоҳ-гоҳ мўралашган болаларни чақирди. Қолган қовунни болалар чувиллашиб ея бошладилар. Комила дам йигитдан сал олдин, дам бир-икки одим кейин юриб, кайфи чоғлик билан гапирар, камчиликларга, қийинчиликларга қарамай, колхозларда ялпи юксалиш бошлангани ва колхозчиларнинг муттасил олдинга интилишлари ҳақида жонли, чиройли ҳикоя қиласи эди.

— Тўғри, боладан кексагача, ҳаммада зўр интилиш бор,— деди Ўктам қизга ёндош бўлиб.— Ҳар янги ишга қучоқ очиб, жону тан билан киришадилар. Гидростанция қуриш тўғрисида масала қўзғаган эдим, колхоз комсомолдари яктан кўтарилди: давай, кўрсат, бу ишни биз 30 ўзимиз зиммамизга олайлик!— дейишиди.

— Яхши, қуриш керак, кучли станция қуриш керак. Мана бизники ҳозирданоқ кичикилиги сезилиб қоляпти,— деди Комила.

— Биз ҳам шу ниятдамиз,— деди Ўктам.— Лекин ҳали ҳеч нарсанинг дараги йўғу; бир колхозчи боламиз бу тўғрида шеър ҳам ёзибди.

— Шеър?

— Ҳа, ҳозиргина ўқидик. Ажаб товур. Ленин чироқлари коммунизм ўйлини юлдузлардай безайди, дейди. 40 Ўзимиздан шоир етишганига суюнаман,— деди Ўктам фахрланиб.

Комила ўзининг мактабдоши ва илк ошиғи Мирза Ҳуснийни эслади. Бу колхоз шоирини ҳам худди у сингари тасаввур қилди. Лекин ўзининг шундай катта колхозида ҳали шоир пайдо бўлмагани учун Комила ичида бир оз ўксинди. Ўз колхозининг ҳар жиҳатдан олдинда бўлишини истар ва бунинг учун курашар эди у. Ўкта 10 йўл сал ўнгайсиз бўлса, тиканакли ўсимликлар учраса, дарҳол Комилага кўмаклашишга тиришар эди. Зовурдан ўтказганда, қизнинг қўлини қўйиб юбормади, гўё гап билан овора бўлгандек, кетаверди. Бир оздан кейин Комила қўлини аста айирди ва шўхлик қилманг, дегандай бошини тебратиб, лабини сал тишлаб қўйди. Ўкта қизариб, гапга чалғитишга тириши.

Улар Мирҳайдарни звено бошлиқларидан бирига ниманидир қаттиқ-қаттиқ уқтириб турган ҳолда учратдилар. Кекса ва қиз худди ота-боладек кўришишди. Ҳолаҳвол сўрашди. Донгдор қиз олдида раисдан яна туртки ейишни истамай, секингина сурғулишини кўзлаган йигитга Мирҳайдар хийла юмшоқ гапира бошлади:

20 — Бу ердан нима оласан? Ғўзапоями? Қара, ғўзанг нуқул бўйга-ю, баргга зўр берибди. Қўп сугоргансан, bemўлжал сугоргансан. Биласанми, даданг қандай омил пахтакор. Бобонг бир бақатерак учиди қизил гул ундиран экан, лекин уламолар ман қилган экан, деб эшитар эдик. Ўйлаб иш қил-да! Йўқ, пахтани яхши биласан, фақат қунт йўқ, ҳафсала иўқ сенда.

Комила раис билан ҳамқадам, жимгина сўзлашиб узоқлашди. Ўкта звено бошлиғи билан бирга юриб, ғўзага диққат қилди. Лекин у даланинг бошқа томонларида ортиқча ғовланиш аломатини кўрмади. Звено бошлиғи хўмрайиб, ўпкалаган товуш билан деди Ўкта:

— Ғўзапоя эмиш! Қаранг, бу кўсаклар нима? Феъли айниб турган экан шекилли, қаёқдан ҳам дуч келиб қолдим унга! Юқоридаги икки-уч қаторни кўрди-ю, тувақиб кетди...

Ўкта йигитнинг кенг елкасига қўлини қўйиб, астагина деди:

— Мана Собирнинг даласи, худди ёнбошингда. 40 Ўзинг рост айт, ғўзанг уникига бараварми?

Йигит базўргина жавоб берди:

— Фарқ бор.

— Нега?— сўради кинояли илжайиб Ўкта.

Звено бошлиғи жавоб бермади, кўзларини қайсарларча ерга қадаб тураверди.

— Хўп, мен ўзим жавоб берай,— деди Ўкта́м.— Бу ерлар орасида, менимча, фарқ йўқ. Кучинг ҳам Собирнидан қолишмайди: унда бўй бор, сенда эн. Фарқ ёлғиз бир нарсада: Собир ҳам қўли, ҳам юраги билан ишлайди. Мана, ўнг томонингда Ўсаржоннинг даласи. Ҳар ким завқланиб қарайди. Чунки Ўсаржон кўйиб-ёниб ишлайди. Гап бунда! Биламан, эсинг-хушиңг кўпроқ томорқангда. Унда роса терлаб-пишиб ишлайсан. Сен биринчи галда колхозни ўйлашинг керак эди. Сенинг бутун хонадонингни ким рўёбга чиқарди?— Колхоз. Бойтигинг, баҳтинг — колхозда. Турмушим гулласин, қишлоғим яшнасин, десанг, колхозни бақувват қил!

Звено бошлиғининг калласи яна эгилди. Қошларининг ораси тугунчаланди, қалин лаблари нимадир пиҷирлади. Кейин қаддини ростлаб, ўйчан, ўтқир кўзлари билан атрофини қамради-да, ишонч билан, деди:

— Ҳалиям бўлса, Собир ака билан бел синашиб кўраман. Чоғимда, ҳали жилла кеч эмас. Нима дейсиз? 20

— Меҳнат ҳам тажрибани аямасанг, муродингга етасан,— деди Ўкта́м ва йигитнинг елкасига дўстона бир уриб қўйди.

Комила ва раис жонли суҳбатлашиб, аста қайтишиди. Ўкта́м уларга қўшилди, гапларига қулоқ солиб, ўйчан, жим кетди. Комила «Гулистан» колхозининг раиси жамоат мулкини барбод қилганини кеча ялпи мажлисда Сайрамов фактлар билан исбот ва фош этгани ҳақида гапирди.

— «Гулистан» энди чинакам яшнайди,— деди Мир-30 ҳайдар ишонч ва мамнуният билан.— Қаердаки ҳаром қўл бор, у ерда барака йўқ. Бефарқ, беандиша киши экан-да, раис. Модомики, халқ сенга эътимод қилиб, бошига кўтарибди, сен халқни оёғида тур. Колхознинг битта чўпи бир кун кўзингга араванинг михидай қадалишини унутдингми? Қўш хотин сақлашдек аҳмоқлик раис учун шармандалиқ эмасми? Раис — колхозчига кенгашчи, колхоз мулкига посбон бўлади. Раис — дала беги эмас, дала навカリ! Жуда яхши бўлти. Комилахон қизим, энди қўшнимиз у аблаждан қутулибди. Лекин 40 унинг астар-аврасини бурунроқ очиб ташласа ҳам бўлар эди.

Чойхонага келганда, Мирҳайдар ота Комилани уйга тақлиф этди. Фақат қиз, юмушларим кўп, деб унамади. Отга миниш олдидা Ўқтам билан илиқ хайрлашди. Ийт шикоятланиб, деди унга:

— Бир ошам паловга турмадингиз-да.

— Раҳмат. Паловни олдин бизникида ошайсиз,— деди шўхгина кулиб Комила.

Ўқтам алланечук бўшашган ҳолда отлиқ қизнинг орқасидан анча вақт ўйчан қараб қолди. Уйга кетиш олдидা раис деди унга:

— Оловдай қиз. Ақли расо. Хушсуҳбат, хушфеъл. Бахти баланд йигит олади уни.

— Не юмуш билан келибди Комилахон?— сўради Ўқтам.

— Мени йўлакай кўриб кетай, дебди. Барака топкур, мен билан анча қалин. Мажлисларда кўпинча ёнимда ўтиради. Бир вақт каналда икки-уч кун менинг чодиримда қўнди. Ўзи жуда бошқача, тортинчоқ. Боадаб қиз.

Раис кетгандан кейин Ўқтам чойхонага қайрилди.

20 «Илғор паҳтакор»нинг жонкуярлари, қоронғи тушишига қарамай, жиддий ва ошиғич ишламоқда эдилар. Үсаржон Султонов қўлларини шим киссаларига тиқиб, мудроқ, сокин дараҳтлар орасида у ёқ-бу ёққа аста юриб, ўз мақоласини ўйлар эди. Даладан қайтган Дадамат жилла бўлмаса тунда чойхонага файз бериш учун самоварга ўт ташлаб, чойнак ва пиёлаларни тез-тез артар, баъзиларига разм солиб, чертиб қўяр ва ўзича мин-ғирлаб қўшиқ айтар эди.

Ўқтам ариқ бўйида аста кезиб, Комилани ўйлади.

30 Унинг юраги ҳам шод, ҳам қандайдир нотинчроқ эди. Бугун қаерда, қай сўз ва қай муносабат билан Комила унга қандай қараганини, унинг кўзларининг жилва ва маъносини бир-бир хотирлади. Қизнинг муносабатида бир қадар эркинлик, илиқлик, яқинлик сезгани учун у мамнун эди, бундан кейин Комила билан саросимасиз учраша олишига, бирон ишни баҳона қилиб, отда «ғир» этиб, «Элобод» колхозига боришига умид қилар эди. Бироқ қизнинг юрак сири унга номаълум эди: «Донгдор, билимдон колхоз раисаси, балки бошқалар билан 40 яна эркинроқ, бемалолроқ сўзлашар. Ахир у ҳали Мирҳайдарни дам қўлтиқлаб, дам унинг елкасига қўл ташлаб юрмадими? Раис унинг отасидек-ку, лекин шундай бўлса ҳам...»— ўйлади ичиди Ўқтам.

Шу вақтда «Виллис»да олимлар келишди. Ўктам қувонч ва ҳаяжон билан уларни кутиб олди. Акбар Мухторов ва Анна Александровна Комарова худди район марказида уч кун бурун Ўктам билан учрашгандагидай, пухта, содда йўл кийимида эдилар. Ўктам гулзор ёнига дарров жой ҳозирлади. Иккала профессор идорадан олиб чиқилган стулларга ўтиришди. Гулларни томоша қилиб, ёйилиб дам ола бошлишди. Акбар Мухторов ўрта бўйли, тўлагина юзли, кўзлари ичга ботинқираган, ияги чиқиқроқ, қирқ беш ёшлардаги киши эди. Анна 10 Комарова баланд бўйли, ингичка юзли, пешанаси сераҳин, оқиш соchlари қисқа кесилган, эллик яшар мулайим хотин эди. Уларнинг иккиси ҳам тупроқшунос эдилар.

Ўктам Дадаматга палов тайёрлашни буюриб, чироқлардан бирини олиб, азиз меҳмонларига қайтди ва қувонганини қайта-қайта уларга баён қилди.

— Ваъдага мувофиқ келдик, Ўктамжон. Ўтиринг, иш тўғрисида гаплашайлик,— деди Мухторов.

Тошкентдан Фарғона водийсига катта экспедицияга 20 чиққан бу тупроқшунос олимлар билан Ўктам район марказида тасодифан учрашган эди. Тупроқнинг ҳосилдорлик сабабларини илмий равишда ўрганиш ва ғўза экилган шўрхок катта майдонларни маҳсус зовурлар қазиш орқали яхшилаш ва бу йўл билан ҳосилни ошириш ва ҳоказо муҳим масалалар билан шуғулланишларини англагандан кейин, Ўктам илмий ишларни ўз колхозида ўтказишини улардан сўраган эди. Чунки бу колхозда шўрхокланган майдонлар бор эди.

— Бир оз дам олинглар, раис келсин, бафуржа гаплашамиз,— деди Ўктам. 30

Анна Комарова чироқни ўз томонига бир оз суриб, автомат ручка билан кичкина блокнотига нималарни дир қайд этиб, Ўктамга мурожаат этди:

— Ёдингиздами, биз ҳамма масалалар тўғрисида, сиз билан батафсил сұҳбатлашган эдик. Бизнинг текшириш ишларимиз учун колхоз битта хона берса, бас. Бошқа ҳеч нарсага эҳтиёжимиз йўқ. Биз ўзимиз, ёрдамчиларимиз — ҳаммаси беш киши — очиқ ҳавода яшайвемиз, биз ҳар қандай шароитга ўрганиб қолганмиз, 40 шундай эмасми, Акбар Маҳмудович?

— Бутунлай тўғри, Анна Александровна,— деди Мухторов ҳамма ёққа завқ билан қараб.— Жаҳаннам-

дай қизғин құмликлардан кейин бу водий әртаклардағидай гүзal. О, Фарғона!

— Нодир ўлка, ҳатто таърифлашга сўз тополмайсан,— деди Комарова.

— Колхоз — кенгчилик, мўлчилик. Ҳамма шароитни туғдирамиз,— деди Ўқтам.— Ҳўш, йўлда чанқагандирсизлар, муздаккина шафтоли келтирайми?

— Раҳмат, йўлда роса меваҳўрлик қилдик,— деди Комарова ва блокнотига бошини эгdi.

10 — Узбекларнинг бир мақоли бор: «Сўраб бергунча, уриб бер»,— деди Мухторов кулиб.

Ўқтам қота-қота кулди. Анна Александровна таажжубланиб уларга қаради. Мухторов мақолни таржима қилиб берди. Комарова ҳам кулди, кўзойнагини пешасига кўтариб, Мухторовга деди:

— Дўстимизни уялтирманг. Унинг илмга муҳаббати, янгиликка интилиши ҳар қандай мақтовга сазовор...

Ўқтам столни бирпасда ранго-ранг мевалар билан яшнатиб юбордики, энди Мухторов бу исрофгарчилик учун ундан ранжиди. Ўқтам раисга Ўсаржонни юбормоқчи бўлди, лекин яна айниди. Масаланинг моҳиятини Мирҳайдарга дастлаб уқтириш кераклигини ўйлаб, комсомол секретарини меҳмонлар олдида қолдириб, ўзи кетди. Раисни янги солинган кичкина шийпонда учратди у. Мирҳайдар шийпоннинг панжарасига суваниб, оёқларини гиламга узатиб, ҳосилот раиси Каримқул билан суҳбатлашиб ўтирап эди. Ҳосилот раиси алланечук қизарди, бошини боғ томон буриб, мўйловини олифталик билан силади. Раис Ўқтамни бепарвогина қаршилади

30 ва тури камчиликлар, ўлда-жўлда қолган ишлар тўғрисида шикоятланди. Ўқтам диққат билан тинглади, бироқ бу тўғрида гапни чўзмасликка тиришди-да, олимларнинг келганини ва улар колхозда бажаргувси илмий ва амалий ишларни батафсил тушунтиришга киришди. Энди ҳосилот раиси боғдан бошини қайирди ва семиз бағбақасига кўмилган иякка муштини тираб, мийиқ учida кинояли кулги билан тинглай бошлади. Ўқтам сўзни тамом қилганда, у қаддини ростлаб, маънодор йўталиб қўйди.

40 — Меҳмонларни яхшилаб кутиб олдингизми? Зиёфатни қуюқ қиласверинг,— деди Мирҳайдар.

— Жуда камтар одамлар экан. Ҳеч нарсага эҳтиёжлари ҳам йўқ,— деди Ўқтам.

Мирҳайдар Каримқулга мурожаат этди:

— Нима қилдик энди? Бир ёқдан азиз, ҳурматли одамлар келибди, иккинчи ёқдан ўз даҳмазаларимиз ҳам тоғ-тоғ ошиб ётибди...

— Менимча, меҳмонларни яхши зиёфат, яхши сўз билан жўнатиб юбориш керак,— деди қатъий равиша.

Ўқтамнинг жаҳли чиқиб, қичқираёзди, лекин ўзини тийишга тиришиб, деди:

— Мен сира тушунмай қолдим, нега илмдан ҳурка-
сиз?— Олимлар қўлингизни боғлаятими? Йўқ, хотиржам 10
бўлинг, бошингизга заррача ташвиш ортмайди улар.
Агарда сиз ва биз учун оғир юқ бўлиб тушганда ҳам,
бу ишга астойдил қувонишимиз керак эди.

— Нега масалани аввал правлениеда ҳал қилмай-
сиз?— кекирдагини чўзиб қичқирди Каримқул.— Мана
раисимиз, ёнингизда арслондай ўтирибди. Умрлари узоқ,
бахту давлатлари яна зиёда бўлсин, нега бу отамиз
билин маслаҳатлашмайсиз? Ўзбошимчаликка қачон чек
қўясиз?

— Раисни мен ҳам ҳурмат қиласман,— деди овозини 20
сал баланд кўтариб Ўқтам.— Тўғри, айрим масалалар-
да тортишамиз. Бу нарса жуда табиий ва шундай бў-
лиши ҳам керак. Вақти келганда бир-биримизни танқид
ҳам қиласми. Раис коммунист бўлгани учун бунга зар-
ра қадар ранжиши мумкин эмас. Лекин биз ҳамма
ишимизда танқид ва ўз-ўзини танқидни кучайтириши-
миз керак. Тўғриси, танқид бобида биз ҳали жуда оқ-
саймиз. Мени ўзбошимчаликда айблашингиз қуруқ тух-
мат, ўртоқ ҳосилот! Тўғри, колхозда илмий тажрибалар 30
масаласини ёлғиз ўзим ҳал қилдим. Бу — бесабаб эмас:
Академиянинг экспедициясига район марказида қўққис-
дан учраб қолдим. Планлари катта экан. Одамлари ҳар
хил тажриба, ҳар хил текшириш учун турли ёқларга
кетяпти. Вақт ғанимат, фойдали ишдан маҳрум қолмай-
лик, дедим-да, колхозимизга таклиф этдим. Хўш, мен
заарарли ишни бошлабманми? Ёки бунда бирон шахсий
манфаатим борми? Сиз, Каримқул ака, қинғирликка
оляпсиз. Билиб қўйинг, қандайдир шахсий манфаатла-
ри учун раиснинг обрўсини соққадай юмалатувчилар
билин гаплашамиз ҳали. Бу бошқа гап. Энди менинг 40
саволимга жавоб беринг: фўзани бўғиб, жонини сўриб
ётган қанча шўрхок ер бор бизда? Тупроқни яхшилаш

учун қандай чоралар кўряпсиз? Ҳосил қаерда, тупроқдами ё каллангизда?

— Илм қадрини биз ҳам биламиз,— деди пингиллаб Қаримқул.— Лекин деҳқончилик сирини профессорлар ўргатган эмас бизга. Пахтакорнинг ўз китоби бор. Бу китоб унинг кўкрагида... Зовур — қадимдан мерос қолган нарса. Тупроқнинг хосиятини ким билмайди? Олимлар яхши терим машинаси чиқарсин, мен қойил қолай. Биламан, тажриба учун ашқол-дашқолини кўтариб келишади, фўзани оёқ ости қилишлари мумкин.

Ҳосилот раисининг тиш-тирноғи билан қаршилик кўрсатиши Ўқтам учун кутилмаган ҳодиса эмас эди. Жиззаки Қаримқул бир печа мажлисларда Ўқтамнинг ҳаққоний, лекин ўткир танқидига дуч келиб, унга нисбатан тўнини тескари кийиб олган эди.

Шошган Ўқтам кўзларини юмиб ўтирган Мирҳайдарга мурожаат этди ва ўз раъйини қатъий равишда билдириши сўради. Раис қийинчиликларни йўқотиш учун аҳиллик кераклиги ҳақида гапириб, ниҳоят, деди:

— Қаримқул акангнинг гапида туз йўқ эмас, лекин бир оз лоф қилди. Колхозда қилинмоқчи бўлган тажрибалар менга ҳам унча қизиқ кўринмаяпти. Шунинг учун бошқа колхозларда тажриба ясаб кўрсалар, агар яхши натижা берса, биз ҳам фойдаланамиз, аммо Ўқтамжон, бу фикрни олимларга ғоят нозик бир йўсинда билдириш керак, яна диллари ранжимасин. Сен боравер, мабодо, ҳозир боролмасам, эрталаб нонуштани бизнида қилишсин.

Ўқтам индамасдан кўчага отилди. Қайфи бузуқ, қоғови солиқ эди. Профессорларга нима жавоб беришини билмас эди у: «Олимлар олдида расво бўлдим, улар мени ёлғончи, субутсиз, бебурд одам экан, дейишади...» Бироқ у ўзининг тамом ҳақли эканига, текшириш ишларининг аҳамиятига ишончи комил эди. Масалани эртагаёқ партия мажлисига қўйиб, ҳақиқатни рўёбга чиқаришга жазм қилди-да, меҳмонларга дадил бўлиб келди Ўқтам.

Профессорлар тупроқ картаси тузиш тўғрисида қизғин суҳбатлашмоқда эдилар. Ўсаржон Султонов ҳар бир сўзни уқиб олмоққа тиришиб, қимир этмай тинглар эди. Ўқтам ўтиргандан кейин комсомол комитетининг секретари унинг қулогига шивирлади:

— Нима гап, раис қани?

— Кейин айтаман, унамаяптилар,— жавоб берди
Үктом.

— Бемаъни ўжарлик! Бу масалада ҳар қандай тў-
сиқни ағдариб ташлаш керак,— деди Ўсаржон.

Үктом ишонч билан бошини қимирлатиб қўйди. Шу
вақтда Дадамат бир лаган палов келтирди, бодринг,
пиёз ва помидоридан шундай закуска тайёрлаган эди-
ки, томошага арзир эди. Үктом бир шиша «Бихишти»
очиб, кичкина пиёлаларга қўйди.

— Раисиз ичаверамизми?— сўради Мухторов.

10

— Балки келиб қолар. Масала асосан ҳал бўлди.
Марҳамат. Соғлиқларингиз учун...— Үктом пиёлаларни
аста чўқишириди. Анна Комарова бир-икки ҳўплаш би-
лан чекланди-да, паловни мақтаб-мақтаб ея бошлади.
Мухторов ҳам оз ичди. Үктом ва Ўсаржоннинг қисташ-
ларига қарамай, палов тоғи ҳам унча ўпирилмади. Ов-
қатдан кейин бир оз чой ичиб, меҳмонлар тўсиндан
миннатдорчилик билдириб, ўринларидан туришди. Үк-
том, сирдан огоҳланишдими, деб алланечук қизариб,
мурожаат этди:

20

— Хўш, шу вақтда қаерга яна? Биз жуда хафа бў-
ламиз.

— Раҳмат, биз ҳозир «Элобод»га борамиз,— деди
Мухторов қўл соатига қараб.— Биз бир варакай бир
неча колхозда текшириш ўтказмоқчимиз. Баъзи миллий
ходимларимиз ҳозир у ерда. Мана икки-уч кундан ке-
йин асбобларимизни келтирамиз-да, кичкина лаборато-
рия қуриб, ишни бошлаймиз. Колхозингизга раҳмат.

— Тўғриси, мен бир оз чарчадим,— деди Үктом би-
лан ҳайрлаша туриб Комарова,— бу ерда қолишга қар-
ши эмасдим, лекин ўртоқ Салимова билан ваъдалаш-
ган эдик. Биласизми, у жуда принципиал қиз.

30

Меҳмонлар хурсандчилик билан жўнашди. Үктом
енгилланиб уҳ тортди-да, раис уйида рўй берган низо-
тўғрисида кенгашмоқ учун Ўсаржонни қўлтиқлаб, пар-
тия ташкилоти кабинетига юрди.

* * *

Мирҳайдар ҳосилот раисини жўнатгандан кейин
олимларга бориш учун янги тўнини кийганда, бетоброқ
хотинини кўргали доктор келиб қолди, бунинг устига 40
қўйққисдан унинг уйини кўпдан буён келмаган баъзи

169

қариндошлар босди. Раис улар билан бирпас ўтириб, кейин афв сўраб, эшикка чиқди ва Насимжонга дуч келиб, меҳмонларнинг жўнаганини ундан эшилди.

— Дарров-а, қаерга, нега?— бўшашиб сўради Мирҳайдар.

— «Элобод» колхозига жўнашди,— жавоб берди курсанд Насимжон.— Сиз чинакам доно одамсиз. Қоийлман. Масалани шундай ҳал қилиш керак эди. Каримқул акадан эшишиб, бошим кўкка етди. Бари Ўқтамни ноаҳиллигидан, ўзбошимчалигидан... Ўйланг, бош қашишга вақт йўқ-ку, ҳар кун Ўқтам янги нағма чалиб, қулоқ сол, дейди. Тажриба эмиш! Вильямслар келсину, тажрибани сиздан ўргансин...

— Бас, маҳмадана! — қичқирди газаб оиласи Мирҳайдар.

Насимжон гўё қулоғи тагига ногиҳон бир шапалоқ тушгандай, қизариб, ёниб кетди, бир нима демоқчи бўлди-ю, тили оғзига тиқилиб қолди. Мирҳайдар бошини эгиб, индамасдан юриб кетди: «Энди ким бўлдим?»— ўз-ўзига савол берди раис дилида.— Аҳмоқлар ва қаллобларга қулоқ солсанг, ана шундай панд ейсан. Ҳат ёзиб, ялиниб-ёлвориб чақиришга арзийдиган одамлар ёрдамга келсалару, мен ноз қилсам... Йўқ, бундан ортиқ нонкўрлик бўлмайди! Менинг колхозимда олимлар тажриба ясаса, кейин-кейин бундан ҳамма фойдаланса, кимнинг обрўси бу? Бу ишдан халқقا, давлатга қанча манфаат тегади? Хуллас, шарманда бўлдим. Лекин айб Ўқтамда эмас: «Кечирасиз, раисимиз бир оз тихирлик қиляпти», деган. Маълумки, олимларнинг табиати но зикроқ бўлади: «Раис мияси айниган чол бўлса керак. Ҳўқизнинг қулоғига танбур чертамизми?» деб, «Элобод» га, ёш, фикри тиниқ раисага жўнашган-кетган. Биламан, Комила уларни ўз бошига кўтаради, керагидан ортиқча шароит ҳозирлайди. Мирҳайдар шундай ўйларга берилиб, ўз ёғида ўзи қоврилиб юраверди. Ниҳоят, чойхонанинг чироқлари кўзига тушиб, бурилишда тўхтади. Ўқтамни топиб гаплашмоқчи бўлди, лекин бу фикрдан тез қайтди, у билан учрашишга уялди. Мирҳайдар пешанасини қашиб, бирпас теваракка аланглади, ўзини ожиз

ва забун сезди-да, кейин кескин равишда бирдан отхона томон қайрилди.

Отлар пишқириб, хушбўй ҳўл бедани иштаҳа билан чайнамоқда эдилар. Одатicha қандайдир қўшиқни хир-

тойи қилиб ўтирган отбоқар, ҳар вақтдагидай, Мирҳайдарни ҳазилкашлик билан қаршилади, фақат шу ондаёқ унинг нафаси ичига тушиб кетди. Раисни у ҳеч маҳал шундай баджаҳл кўрмаган эди. Мирҳайдар эгарга ўтирган ҳамон ўзининг ювош синалган отини зарда билан қамчилади. Тун жимжит эди. Олисдан ҳаққушнинг мунгли овози эшитилар, пахта далаларида суғорувчиларнинг қичқиришлари онда-сонда янграб кетарди, холос. Отни тез ҳайдагани учун Мирҳайдарнинг қорни оғриди. У кўпинча отни секин, бир текис юритар эди. Раис 10 ўз қароридан дам рози, дам орқага қайтгиси келар эди. Ниҳоят, «Элобод» идораси олдида тўхтади. Фақат бу ерда Комила йўқ эди. Успирин секретарь уни ҳурмат билан тинглади... Олимлар қўнгган катта боқقا дарров йўл бошлади.

Акбар Мухторов тунги кенг, енгил кийимда, кўрпаплар қалин тўшалган пастак темир каравотда, оппоқ ёстиққа ёнбошлаб, дарахтга осилган электр чироқ нурида китоб варақлар эди. Мирҳайдарни у, колхознинг кексаларидан бўлса керак, деб дўстона қаршилади ва табуреткага ўтқазиб, ҳол-аҳволини сўрай бошлади. 20

— Айбга буюрмайсиз, бемаҳал безовта қилдим,— деди Мирҳайдар уялинқираб.— Мен «Қаҳрамон» колхознинг раиси...

Мухторов таажжуб билан тикилди ва қизиқиб сўради:

— Хўш, хизмат? Биз яқиндагина у ердан келдик-ку...

— Кечирасиз мени, катта хато қилдим...

— Эй... қўйинг, ундей гапни,— деди ўнғайсизланиб Мухторов.— Биз яхши биламизки, колхоз раисида на 30 вақт бор, на тиним бор.

— Биродар, шундай муҳим масалада раис калтада фаҳмлик қилса, айб эмасми?

Мухторов елкасини қисиб, кулиб, деди:

— Бизни жуда яхши кутиб олишди. Хурсанд бўлдик. Ҳамма масалалар тўғрисида бир фикрга келдик. Раҳмат сизга. Мана, бирга ишлашамиз, бир-биrimизга ёрдамлашамиз.

— Ҳамроҳингиз қаерда?— сўради Мирҳайдар атрофга кўз югуртиб. 40

— Уни бир оз бурун ўртоқ Салимова ўз уйига олиб кетди,— жавоб берди Мухторов.

- Бизда ҳам тажриба ясайсизми?— сўради Мирҳайдар секингнига.
- Албатта,— жавоб берди Мухторов.— Бу тўғрида икки сўз бўлиши мумкин эмас. Хўш, сиз нима ўйлагандингиз? Қуруқ ваъда?
- Асло, асло!— қизариб деди Мирҳайдар ва бирдан кўнгли ёришиб, қаддини кўтарди, енг учи билан манглайнини артди. Энди унга ҳамма нарса аён бўлди: Ўқтам унинг хатосини яширган ва ўз фикридан қайтмаган. Шу топда парткомни фикран қучоқлади, миннатдорчиллик билдириди. Раис энди Мухторовга дадил қараб, тажрибаларнинг моҳияти ҳақида суриштириди. Мухторов тупроқларнинг навлари, уларни бой, ҳосилдор қилувчи омиллар ҳақида гапириди ва бир кўп масалалар ҳақида чолнинг қараашларини билишга ҳам қизиқди. Профессор билан ёши элликдан ошганда бармоқ босиш ўрнига қўл қўйишини ўрганган бир вақтги оддий кетмончи жуда дилкаш сұхбатлашдилар. Жиддий гап орасида улар ҳазил, қизиқчиллик ҳам қилиб қўяр эдилар. Ниҳоят, Мирҳайдар кетишга рухсат сўраганда, Мухторов ноилож рози бўлди ва дарвозагача кузатиб чиқди.
- Аёл олимга салом. Кўзим йўлларингизда, кутаман,— ҳаяжон билан деди Мирҳайдар отга миниш олдидা.
- Чойхонада қарийб ҳеч ким қолмаган, Дадамат ҳомуза тортиб, идиш-оёқни йигиштира бошлаган эди. Ёш шахматчидан мот бўлган Каримқул шахмат доналарини ўзича суреб, хатосини англашга тиришар эди. Тўсиндан 30 Мирҳайдар отда етиб келиб, Дадаматдан Ўқтамни сўради. Каримқул таажжуб ва ҳадиксираш билан раисга қаради. Чойхоначи буйруқни бажаришга киришгудай бир вазият олди ва раисга жавоб берди:
- Ўқтамжон ғолибо уйига кетди. Чақириб келайми?
- Мирҳайдар, «йўқ», деган бир ишора қилди-да, отдан тушди, тўғри Каримқулнинг ёнига келиб, супа четига ўтириди.
- Қани, бир навбат сурешайлик, ўйинингизга кўпдан буён орзумандман,— деди шахматни раис томон 40 суреб Каримқул.
- Фирромсиз. Мен ғирромлар ўйинидан тўйдим!— деди Мирҳайдар кескин равишда.
- Хўш, ўзи нима гап?— Каримқулнинг кўзлари

ола-кула бўлиб кетди.— Қилғилиқни Ўқтам қиласди-ю,
заҳрини менга сочасизми?

— Яна фирромлик қиляпсиз. Сизни қариндошим,
яқиним деган эдим, хато қилибман, жуда найрангбоз
экансиз-ку...— деди қошларини киноя билан чимириб
раис.

— Найрангбозлигимни бўйнимга қўйиб беринг!— де-
ди пихиллаб, бўғилиб Каримқул.

— Кишилар орасига қора ип ташлашдан ҳазар қи-
линг. Тиниқ сувни лойқалатманг,— деди ғазабини жи-
ловлашга тиришиб Мирҳайдар.— Мен ҳозир «Элобод»
дан келяпман. Олимларни чақирдим. Бизда хилма-хил
тажриба ясайдилар. Сиз ҳосилот саркардаси, бу ишга
бош-қош бўлишингиз керак эди.

— Ана холос!— заҳарханда билан деди Карим-
қул.— Киши сўзи хазондай қадрсиз экан-да! Бирпас бу-
рун қил қарор, бирпас кейин буз-юбор. Баҳамжиҳатлик
қани?

— Оҳо,— қичқирди Мирҳайдар.— Хатони тузатсан,
сизга ёқмайди. Хатога хато қўшсам, дўппингиз осмонда!
Ўқтамнинг ҳаққоний танқидига чидаялмасангиз, бурнин-
гизни тишланг! Гидростанцияни ҳам Ўқтам плани би-
лан қурамиз. Бас, колхоз ишига чин ихлос қўйиб жон
куйдирсангиз — хўп, бўлмаса тахта-ўқлоғни йифишти-
ринг, Каримқул охун!— раис ўрнидан депсиниб турди-
да, чопонининг бир этагини елкасига ташлаб, жаҳл би-
лан юриб кетди. Каримқул гўё гавдасини кўтаришга
дармонсиздай, анча вақтгача энкайиб ўтириди-да, кейин
даражатлар оралаб қаёққадир аста жўнади. Дадамат
унинг орқасидан киноя билан бурнини қийшайтириди ва
чироқларни ўчирди...

Мирҳайдар ота энди Каримқулнинг Ўқтамга кеки
бўлганига ва ярамас ишларни қилиб, Ўқтамнинг обрў-
йини тўкиш учун ёлғон гапларни тарқатиб юрганига
ишенди. Шунча йилдан бери Каримқулнинг колхоз за-
рарига ишлаб, пораҳурлик, ўғирлик, олғирлик билан
машғул бўлганига ҳам ишенди. Аммо Мирҳайдар ота
шу вақтга қадар уни ўзи яхши билмагани ва алданиб
юргани учун афсус қилиб, хафа бўлди. Колхознинг уму-
мий мажлисини чақириб, ўзи доклад қилди, бутун қил-
мишларини очиб ташлади. Хуллас, у ишдан олинди.

— Каримқул энди кетмонашлик қилиб, ҳалол меҳ-
нат билан яшаб кўрсин,— деди колхозчилар.

10

20

30

40

- Қиём чоги. Қуёш дамини ғир-ғир эсган шабада кесади. Ҳавода одамлар, қушлар ва машиналар садосидан бириккан қандайдир ёқимли бир мавж сузар эди. Дўп-писини чамбарак қилиб кийган, эски гимнастёрка енгларини ҳимарган, лабларининг бурчида папирос қистириғлиқ Собир қизлар ери этагидан ўз звеносига вазмин одим отар эди. Қўлтиғи тўла газета, бош яланг, жингалак соchlари паришон Ўқтам унинг йўлини тўсди.
- 10 Ўқтам хурсанд. Бугун эрталаб раис унга учрашиб, ўз юрагини жуда самимий очган ва «нобол одамларнинг гапига лақмалардай учгани учун» ўзидан хафа бўлган, ҳам Ўқтамга миннатдорчилик билдирган эди. Ўқтам қийғоч кўзларини маънодор қисди-да, дўстининг тирсагидан ушлаб, у ёқقا-бу ёққа аста юриб воқеани айта бошлади. Собир дам кулиб, дам ўшшайиб, мароқ билан тинглади, охирида деди:
- Раисдан қитдай шубҳам йўқ. Юраги тоза одам. Аммо Қаримқулнинг тавбасига ишониш қийин. У ёлғиз сенинг ўткир танқидинг учунгина хафа эмас, колхозда аввалгида эррайим бўлолмаганидан, ўз хоҳлаганича тўралай қилолмаганидан, ичи куйиб ўртаниб боряпти.
- 20 — Албатта, асли хунобаси мана шунда,— деди бош қимирлатиб Ўқтам. У яна бир нима демоқчи эди, бирдан дала ёқдан Анорхоннинг янгроқ, шўх товуши эшитилди. Собир беихтиёр бошини кўтариб, ялт этиб дала-га қаради, кейин қизариб, бир зум Ўқтамга айбдорларча тикилиб, кетмонини елкага олди ва шошилиб йўлга тушди. Ўқтам тувақиб кетди, зарда билан орқасидан 30 қичқирди.
- Тўхта, Собир! Бу ёққа юр, орани очиқ қилиб олайлик!
- Собир истар-истамас тўхтади ва ўзини бепарволикка солгандай елкасини қисиб, деди:
- Қизиқ, нима арзинг бор, нимани очди қилмоқчисан!
- 40 Ўқтам гўё орани очди қилиш учун алоҳида жой керакдай, Собирни ҳаяжон билан қаёққадир бошлаб кетди. Дўстлар катта бедапоя ёқасида чордана қуришди, индамасдан папирос чекишиди. Шамолда секин тўлқинланган кўм-кўк ўсиқ беда орасида бедана баланд тақиллаган товуш билан бирдан сайраб юборди. Сайрат-

мага ишқибоз Собир, тингла, дегандай Ўктамни туртиб қўйди. Бироқ Ўктам қўлини силкиб, титраб, деди:

— Гапни бошқа ёққа бурма. Қани, дилингдаги тугунни еч!

— Қанақа тугун? Мен фақат баҳтингни тилайман.

— Аҳа, қанақа баҳт экан у!— қичқирди Ўктам.— Яширма, бир неча вақтдан буён менга бошқача бўлиб қолдинг, Собир. Кўзларингда ғалати бир сир бор. Хўш, айбим нимада? Нуқул ўйлайман: нима гуноҳ қилдим? Қачон унинг кўнглини оғритдим? Ҳеч қандай сабаб то-
полмайман. Қани, ҳозир ўзинг айт. Солдатчасига шарт-
та гапир! 10

Собир қизариб ерга қаради ва секин деди:

— Мени кечир, Ўктам. Эсингдами, бир кун тонгда сендан жуда уялдим.

— Тўғри, қочиб кетдинг. Нега ахир?

— Анорхонга мўраладим. Ахир сен уни суюсан-ку...— жавоб берди Собир ичидан хўрсиниб.

— Ана холос!— жаҳл билан қичқирди Ўктам, бир оздан кейин бирдан қота-қота кулди ва кўз ёшларини артиб деди.— Ҳали гап шундами? Вой, хаёлгинангдан ўргилай! Йўқ, Собир, уялишдан ташқари, жиндаккина гинанг ҳам бор. Энди равшан бўлди менга. Биламан. Анорни сен севасан, ҳатто унга ўз муҳаббатингни ҳам билдиргансан, ялингансан... Ростми? 20

Собирнинг кўзлари чақчайиб кетди:

— Қайдан биласан?

— Биламан-да,— илжайиб деди Ўктам.— Шошма, бир кун эрталаб қирда Анорхон ёлғиз ўзи чой қайнатиб ўтирганда, унинг ёнига ким келди? Кўкрагига ура-ура ким ўз дардини айтди? Буни менга ўша вақтда тепада пусиб ётиб, ўз қулоғи билан эшитган бир аёл айтиб берди. Ростми? Хўш, нега сен мендан гумонсирайсан, Анорни суйганимни тушингда кўрдингми? 30

— Туш эмас? Менга Насимжоннинг хотини айтди,— деди Собир қўлини пахса қилиб.

— А? Маствура?— Ўктамнинг кўзлари олайиб кетди.— Ҳа, тилинг кесилгур бўҳтончи! Менга ҳам ўша айтган эди. Лекин сенинг тўғрингдагиси тўқима эмасми?

Собир индамади. Ўктам қўлини дўстининг елкасига 40 қўйди ва жиддий турда деди:

— Анорхон — жуда яхши қиз. Лекин уни суйиш хаёлимга келган эмас. Насимжоннинг хотини орамизни

бузиш учун иғвогарлик қилган. У хотиннинг қасди бор менда: томорқаларини шартта қирқдим, ҳар куни ишга чиқараман, бозорга қатнай олмайди. Насимжонни роса терлатяпман. Бурун хўжайнилардан экан у, лаганбардор ҳам. Лекин Азорни суйганилигиннга хурсанд бўлдим. Ўзинг очиларсан бир кун, деб индамагандим. Агар қиз унаса, баҳтинг бу. Менинг юрагимда ҳам бир қизнинг дарди бор. Бироқ унга етишув балки бўш хаёл бўлиб қолар... Шунинг учун яшириб келаман. Қачонки у қизнинг кўнгли мойиллигига ишонсам, суюнчи учун сенга югураман. Қўлингни бер, дўстим, сенга ҳам, менга ҳам севиш чоғи келибди, баҳтларимиз очилсин!

10 — Бўхтончининг таъзирини бермасдан қўймайман,— деди тувақиб Собир.

— Ҳовлиқма, полвон, биз олдин колхоз мәҳнатида бу оиласи синааб кўрайлик-чи,— деди Ўқтам.— Насимжонни котиблиқдан бўшатдик. Ҳайдамасинлар, деб ўзи-ёқ ялиниб қўлига кетмон олди.

Дўстлар ўз юмушларига хурсанд жўнашди.

20

* * *

Пешин вақти эди. Қизлар, Ўқтам ва Акаскин оғочлар салқинида суҳбат қилиб ўтирадилар. Ҳаво дим эди. Қуёшдан олов қуйиларди, гўёки ҳар нарса мумдай эриган.

— Иссисин, исисин,— деди Ўқтам кўркам қорайган юзидан терини артиб.— Ёз яхши келди.

30 — Тўғри айтасиз, Ўқтам ака, ҳосилнинг гарови қуёш,— деди Тансиқ ва офтоб селида мавжланган ғўза далаларига кўзларини юргуртди. Унинг чеҳрасида равшаник, товушида мамнуният оҳангি сезилар эди.

— Уҳҳ... Бай-бай-бай, ҳаддан ташқари иссиқки, эриб кетяпман,— танига ёпишган жиққа ҳўл кўйлагини кўчириб, елпина бошлади Азорхон.

Акаскин қизларга қараб кулимсиради:

— Ничего, исийверсин, айни саратон-да, саратон. Пахта тилладан қиммат.— Рўмолчаси ила тер қуйган, қизарган юзини, бўйинларини артди.

40 — Ўқтам ариққа энгашди-да, шарқираб оқаётган сувдан қумғонни олди, пиёлани чайиб тўлатди:

— Мана ичинг, яхна кўк чой, маза қиласиз.— Азорхонга узатди.— Кўк чой даво.

-- Босармикан чанқовни?— деди Анорхон қўлини узатиб, қулт-қулт ичди-да, пиёлани қайтарди.

— Тўғри, ҳақ гап, кўп синаганман,— маъқуллади Акаскин.— Қани, битта қўйинг, Ўқтамбой,— деди ўзбекча сўзларини чертиб, тарашлаб.

Лим тўла пиёладаги чойни Акаскин бир ҳўплашда бўшатди ва «яшанг, барака топинг»,— деб қайтарди.

«Менга», «менга» дея қизлар Ўқтамни шоширдилар.

— Ҳе, хумпарлар, бўлди-бўлди,— кулди чойни улаша-улаша Ўқтам, кейин катта қорин қумғонни тик афдариб яrim пиёла чойни сирқитди-да, бир ҳўплади; қумғонни қалин кўкат ичига улоқтириди.

10

Акаскин «Правда Востока» газетаси билан елпина-елпина пахтанинг агротехникаси, селекцияси ҳақида қизғин сўзлай бошлади.

— Булар чиндан жиддий ва муҳим масалалар,— деди ўйчан қулоқ солиб ўтирган Ўқтам қизларга қараб.— Тунов кун Михаил Иванович «ўқинг» деб бир китоб қистирди қўлимга. Битталаб, хуноб бўлиб ўқидим. Кичик бир китобда шунчаки ажойиб фикрлар борми, демак, илм муazzам, гўёки мўъжиз бир нарса. Ўқинглар, қизлар, қишлоқ хўжалиги ҳақида кўп яхши китоблар бор. Миянгизга гавҳар йиғасиз, ўқинглар!— бир неча дақиқа ниманидир ўйлаб сукут этди-да, яна давом этди.— Ростдан, қизлар, китобда Андижон, Наманган, Фарғона айрим деҳқонларининг ажойиб тажрибалари ҳақида айтилган. Масалан, бундан йигирма йил чамаси муқаддам, эсимда йўқ, унутдим исмини, бир деҳқон омоч билан, ҳўқиз билан шахмат тариқада пахта эккан, яхши ҳосил олган, ажойиб нарса бу.

20

— Ҳа, ҳа, шу тақлид қизиқ воқеалар кўп,— папиросни ташлади Акаскин.— Ҳануз Фарғонанинг баъзи колхоз, совхозларида айрим участкалар ажратилиб, трактор билан бўйига, кўндалангига ҳайдаб, шахматлаб чигит экиш тажриба қилинмоқда. Мана, сизлар — ёшлилар, тажриба далалари ясанглар,— деди қизларга қараб ва қизларнинг кетма-кет ёғдирган саволларига мувкаммал жавоблар бериб тушунирди. Қизлар жиддий тусда, диққат билан тинглар эди: Акаскин илмнинг назарияси ва тажрибалари ҳақида жонли мисоллар келтириб, содда, равшан иборалар ила ҳароратли сўзлар эди.

30

— Кўрганман, Андижонда кўрганман, шахматдай катақ-катақ қилиб анча-мунча жойга экилган эди,— секин шивирлади Дилшод Анзиратнинг қулоғига оғзини қўйиб. Шу дамда раис, Хадича хола, ҳосилот, Собир келдилар. Қизлар дув қалқиб, салом бердилар.

— Бемалол, bemalol, ўтиринглар, оппоқ қизларим!— деди Мирҳайдар ота ва Ўқтам сурилиб берган жойга ўтирди.

Хадича хола қизлар билан бир-бир кўришиди-да, кек-
10 кайиб раис ёнига ўтирди. Бақалоқ семиз ҳосилот эса хўмрайиб, зимдан Ўқтамга хунук бир қаради, кейин четроққа қийналиб чордана қурди ва тиззасини уқалаб қўйди.

Собир ўзининг ҳар вақтки салмоқли, вазмин ҳар-
катлари ила Анорхон олдига ўтирди ва оҳиста қизларга боқди.

Ҳосилот думалаб ётган қумғонга қаради:

— Чой йўқми?— сўради дўнғиллаб қизлардан.

— Йўқ эди,— жавоб бедри Ҳакима.

20 — Жўна, ғизиллаб чойхонага бор, чой келтир, чиро-
ғим,— деди Каримқул.

Қиз бояқиши оғирсиниб, секин энгашиб қумғонни ол-
ди ва ялқовгина юриб кетди.

Раис зимдан ҳосилотга ранжиган тусда бир қаради,
кейин ўтирганларга мурожаат этди:

— Нима гап, эшитайлик?

— Ажойиб масалалар, раис ота, пахта селекцияси
ва агротехникиаси ҳақида суҳбат этиб, эрмак қилиб ўти-
рибмиз,— жавоб берди Ўқтам.

30 Қизариб-бўртиб ўтирган ҳосилот Ўқтамга кўзини
бир олайтириди ва ичидан «тирранча-еъ, марҳум дадаси-
ям эзма эди. Ўқтам худди ўзи» деди.

— Нима гап?— секин шивирлаб сўради Собир Анор-
хондан.

— Эшитинг, биласиз, муҳим гап,— қизариб жавоб
берди Анорхон.

— Қани, тушунтири!— деди Собир Ўқтамга, овозини
янгратиб ва ичидан уҳ тортиб, Анорхон ёнига яқинроқ
суқулди.

40 — Ҳимм...— деди раис ўйланиб.— Илм мисоли бир
хазина, иложимиз йўқ, тишимиз ўтмайди.— Инқилобга
қадар халқнинг ғурбат тўла ҳаётини, саводсизлигини
ва тирикчиликнинг ғусса-кулфатларини сўзлади.— Ма-

на сизларга зиёдор бир ҳаёт келдики, чироқларим, ишланглар, ўқинглар, гайрат қилинглар,— таъкидлади раис.

— Тўғри айтасиз, Мирҳайдар ота, қишлоқ хўжалиги ҳақиқатан жуда ўсган. Хил-хил янгиликлар, масалан, шимолда ва жанубда ажойиб янги буғдой навлари, апельсин ва лимонлар ўстирилмоқда. Олимлар жиддий, берилиб ишламоқдалар. Пахта масаласи Ўзбекистоннинг юраги ва ифтихори. Лекин билмадим, ялқовликданми, парво қилмаймиз. Азалдан деҳқонлар ҳосил учун 10 курашиб, турли йўллар ахтарган. Масалан, йигирма йил чамаси аввал шахматлаб пахта эккан экан бир деҳқон.

Собир Анорхонга яна яқинроқ сурилди ва хўрсиниб термулди.

— Ажойиб гаплар, Анорхон!— деди энгасиб.

Анорхон Собирнинг ёлқинли нафасини туяр, юрак уришини эшитар эди.

— Бас, жим ўтиринг!— шивирлади кулимсираб, сал юмшаган товуш ила: бир он кўзлар учрашиди-ю, қиз 20 уялганидан лов этиб қизарди ва дарҳол чеккароқ силжиди.

Буни пайқаган қизлар туртишиб, кўзларининг табасуми, қошлирининг имоси ила бир-бирига тушунтириди.

— Балли!— бошини қимирлатди раис Ўқтамни қувватлаб.— Кўрганман, чирогим, кўрганман. Ўша деҳқон билан гаплашганман. Бир неча областларда нақ шу усулда пахта экилган. Лекин бунга трактор, машиналарни ҳам мослаш керак. Чамамда чакки эмас. Ҳа, илмнинг каромати зўр. Ёшларга бош бўл, ихлос билан 30 ўргат, мана Михайл Иванович бор.

Авзойи бузилиб, тиззасига қўлини тираганича гердайиб ўтирган Каримқул пўнгиллаб сўзга аралашди:

— Ҳаммаси пуч гап, афсона. Ўқтам арзимаган беҳуда машмашалар билан халқни чалғитади. Ўзбекистон қадимдан бой, ҳосилдор заминга эга. Ҳосил учун тупроқ ва сув зарур, холос! Деҳқончиликнинг таомили шу! Отабободан бошлаб деҳқон ўтганмиз, ахир.

— Трактор-чи, комбайн-чи, культиватор-чи?— бақирди Ҳадича хола кинояли товуш ила. 40

Қизлар пиқ этиб кулишди.

Ҳосилот оқариб кетди ва ғўлдираб деди:

— Тўғри, трактордай, комбайндай ажойиб нарсалар пайдо бўлди. Лекин ўртоқлар, ўзбеклар қадимдан уста паҳтакор,— товушини кўтарди,— буни унумтманг. Яхши кетмон чопиқ билан тер тўкиб меҳнат қилинса, куз келганда хирмон тўла ҳосил. Шахматчи усталарни мен ҳам кўрганман, ҳомхаёл ҳаммаси. Бутун сир меҳнатда. Ўкта маҳмаданалик, хаёлкашлик қилиб одамларни ишдан қўяди. Акаскин бўлса, ҳадеб Ўкталиниг қулогини кўтаради, палон қиласиз, пистон қиласиз, деб вайсайди. Даҳмаза гаплар!

10 Ўтирганлар оғир сукутда эдилар; баъзан нохуш, ранжиган қиёфада шивирлаб қўярдилар.

— Ўрганган касал бу!— деди ғазаб билан Хадича хола.— Ҳар эгилликка ғов бўлади-туради. Ўзбеклар азалдан паҳта устаси, биламиз буни. Лекин техника хўб ўса-япти, омоч-ҳўқиздан қутулғанмиз. Трактор полвон келган. Илмнинг, ҳунарнинг фазилати, ҳикмати бу! Чорамиз йўқ, ўқимаганмиз. Сал-пал завод чиқариб олдик қартайғанимизда. Илм—улкан бир дарё! Ўқи ўрган сенам, энди элликка кирдинг,— деди ҳосилотга тик қараб.— Шахмат усулини менам кўрганман, мўл ҳосил тўkkанини бидаман. Ўктабой, ўргат ёшларни Акаскин билан биргалашиб. Кўз қўрқоқ, қўл ботир. Ҳа, ишингни билаб қиласавер.

30 Бошини қўйи солиб тинглаб ўтирган раис яна турли фактлар, мисоллар келтириб узоқ гапирди. «Омимиз, саводсиз қолғанмиз, эсиз умрим, ҳатто алифбени билмай гирт оми ўтдим,— деди кўзлари билинар-билинмас ёшланаб.— Аммо ҳосилот номаъқуллик, подонлик қиласи, бемаза гапирди. Кўкраги кўр унинг, ҳаётни билмайди. У айтган вақтлар ўтиб кетди, дўстларим, илм мислсиз қимматли, ҳикматли нарса. Ўқинглар, ўрганинглар», деди.

Акаскин қизишиб, ниманидир Каримқулга уқтиради.

Раис ўрнидан турди:

40 — Ишларингга боринглар, чироқларим, вақт ўтмасин, қуёш хийла таптидан тушди. Тур, Ўктабой, райкомга кетдик, мажлисга кечикмайлик. Келгуси йил бамаслаҳат бир-икки участкага шахматлаб экишни тажриба қиласиз, шояд ишимиз ўнгидан келса!— деди қатъий оҳангда.

— Бўити, бўити, биз биринчи бошлаймиз,— дедилар бир оғиздан қизлар енгил тортиб ва дув этиб далага тарқалдилар.

Ҳосилот хўмрайганича якка ўзи қаергадир йўқ бўлди.

Анорхон ва Собир оғочликлар кўлкасида ниманидир шивирлашиб секин кетишиди.

— Жоним,— деди оҳиста, аммо ёниқ товуш билан Собир,— биламан сизни, фронтга кетганимда энди бўйи чўзилган қиз эдингиз, қайтсан, ойдай тўлишибсиз... 10 Кўрдим-ку, кўнгилга орзуни тудим. Аста-аста кўнгил яқинлашди...

Қизарив сокин кетаётган Анорхон:

— Кўйинг энди. Эҳтимол тоқ ўтарман...— деди ичдан хўрсиниб.

— Тоқ ўтаман дейсизми? Шу ҳусн, шу латофат билан-а?! Йўғ-э, бу бир гап-да. Фунчасиз-ку, Анорхон...— деди Собир ва бир зум сукут этди.— Қизлардан эшитиб қолдим, яқин қишлоқдан бир йигит, исмини унудим, сизга хуштор экан... Урушда ўқ ебди, ҳалок бўлибди... Уруш зўр фалокат, жаҳаннам... Кўрдик азобини. Улганлар тинч бўлсин, қолганлар омон бўлсин. Ҳаёт шу... ғанимат... Анорхон, менда ишқ бор, юракда олов ёниб туриди. Тўғри, эҳтимол, хунукдирман, аммо қалб тоза. Чиндан, юракдан суюман. Инонинг бунга!..— деди Собир ҳислари, ҳаяжонлари тўлқинида.

Ўйчан, сокин кетаётган Анорхон тўхтади:

— Хайр, ишдан қолмайлик.

— Йўғ-э, шошманг, жиндай гаплашайлик,— деди Собир ялинган оҳангда ва ҳаяжон ила қиз билагини 30 маҳкам ушлаб.

Анорхон сесканиб қўлини тортиди. Аммо кўзлари Собирнинг ишқ ёнган кўзларига учраши ҳамон юмшоқ товуш ила:

— Хайр.. — ўзига хос нашъали, шўх табассум ила:— Қайдам, Собир ака, кўрамиз...— деди-да, югурга кетди.

Йигит Анорхон ортидан узоқ қараб турди. Унинг кўнглида улуғ ишқнинг бир-биридан ёрқин ҳислари, бир-биридан ёрқин орзулари чайқалар эди.

Ширин нашъалар оғушида аста ўз участкасига юрди. 40

Пешиндан хийла оғган чоғи Жўра ҳорғин ҳовлига қайтди. Қичкинтой, ўн яшар синглиси тенгқурлари ила ҳовли саҳнида капалакдай гир-гир айланиб копток ўйнар эдилар. Жўра секин супа четига ўтиридан ва шўх қизчалар ўйинини лаҳза томоша қилди. Синглиси, қорагина, попукдай, кўзлари чақноқ Ойниса тўсатдан Жўрани кўриб қолди-ю, супага югурди.

— Қаерда юрибсан? — энтикиб сўради.

10 — Ишинг нима, ўйнайвер.

— Оч юрасан, ҳу токчада тухум бор, қовуриб ея қол,— деди ғамхўрлик билан ва ўйинқароқ қиз тандир тагига думалаган копток изидан югурди.

Жўра айвонга ўтди ва хафа, хәёллари тўзғиган, оч ҳолда кўрпача устида чўзилди. Жўра жуда хафа эди. Бу кун эрталаб соат тўққизларда болалар боғга тўплланган эдилар. Боғни хашакдан, ўтдан тозалаб, ўртага боғ бўйлаб текис йўл очишини, кенг кўркам бир жой қилишни ўқтам буюрган ва бу ишга Жўрани бош қилган эди. Яқинда фронтдан қайтган, бир оёғи сал қалта, боғ ишларини билгич бирор боғбон қилиб тайинланган. У бирроғ-бирров болаларнинг ишидан хабар олиб турарди.

— Жиндай тор бўлибди,— боғбон йўлга разм солди.— Кафтдай текис бўлсин, яна устига қум тўкасиз, бирам йўл бўлсинки...— дер ва ўз ишига оқсоқлаб жўнаб қолар эди.

Дам олишга ўтирганда болалар боғбонни фронт хотираларидан қитдай ҳикоя қилишни сўраб ялинар эдилар.

— Э... э, жиянларим, фронт дўзахдан баттар, нима қиласанлар-а эшитиб. Илоҳим санларга асло кўрсатмасин; ундан оғатларнинг юзини терс қилсин! — дер ва болалар даврасига ўтириб, секин фронт ҳикоясини бошлар эди. Секин, аста, салмоқли бошланган ҳикоя авжига чиққанда, боғбон ўзи ҳам фронт хотиралари, саргузаштларига берилиб кетарди ва «шу жангда фрицни хўб калтакладик», «чиркинларнинг бошига жаҳаннам ўтини ағдардик», «думини туғиб, шатирлатиб, ёвуздарни қувиб бердик», «немиснинг машинасини, тўпларини, танкларини, буткул техникасини босиб олдик», деб ҳарорат, эҳтирос ила жозибали сўйлаб кетар эдики, бола-

лар дам қотиб-қотиб кулар, дам нағасларини кесиб, қошларини жиддий чимириб, чуқур сукут ила тинглар эдилар.

Бугун ҳам ҳар кунги каби боғбон жиндай фронт хөтиralаридан ҳикоя қилди-да, болаларни кулдирди.

— Лекин шу даҳшатли жангда қишлоғимиздан иккитаси нобуд бўлди, юраклик дев йигитлар эди, дилларимизда жароҳат қолди,— деди узун уҳ тортиб.

— Мени дадам эмасми?— сўради Жўра бирдан оқариб.

— Э-е, жияним, сен Жўрамисан? Кўзимга иссиқ кўринган эдинг-а, жуда ўсиб кетибсан. Дадангни эшигансизлар, деб ўйлардим. Командир хат ёзган эди, олмадингларми? Мм ...мм,— довдираб бир-икки йўталди.

— Йўқ, биз эшитмадик, қорахат келмади,— деди Жўра титроқ товуш ила ва саросималигини яшира олмаганидан ўзидан ранжиб бошини қўйи солди, хўрсаниб ерга тикилди.

— Тақдир... тақдир...— деди бошини қўйи солиб бир оз ўйланиб олган боғбон.— Иложи йўқ, жияним, қайғуриш беҳуда, ўзингни полвон бил, йигит дардга енгилмайди. Отанг мардлар қаторида қурбон бўлди, фахрлансанг арзиди; юраклик эди, қаҳрамон эди...— узоқ насиҳат қилди.

Болалар чурқ этмай секин ишга турдилар. Лекин Жўра оғир хаёллар оғушида, чексиз ҳасрат юрагини банд этган ҳолда секин ўрнидан қўзғалди, оёқлари шуурсиз равишда уни уйга сургар эди. Ҳамиша кулимсираб, учқунланиб турадиган қийиқ кўзларида ғам тумани ёйилган, юрагини эзиб, қўйилиб келган кўз ёши томчиларини гоҳо-гоҳо бармоқлари ила сидириб ташлар... Хаёлида кетма-кет жанг бўронлари, ўқ-олов қуюнлари орасида ҳали унда, ҳали бунда чопиб кетаётган отаси... Қон кўлмагида ётган отаси... «Афсус, афсус ҳалок бўлди отам», деди ўз-ўзига ва секин йиглади. Йирик қайнотқ томчилар дилини эзиб, юзларини ёқиб қуюлди... Елғиз ўзи супада юз тубан чўзилиб узоқ йиглади.

Кечқурун она ҳаяжонли, шод қайтди ишдан:

— Жўрабой, аъло пахтакор, деди раис мени; Үктаам ҳам шундай деди. Лекин жиндай касалмандман, чарчайман.

— Яхшисиз, она,— жавоб берди Жўра титроқ товуш ила.

10

20

30

40

— Нимага хафасан, кўзларинг қизариб кетибди.
Ингладингми?— Сўради она авзойи бузилган ўғлига на-
зар солиб.

— Ўтилинг, она...

Она-бала супада бир зум сукут қилдилар. Она Жў-
ранинг дилидаги ғашликни ҳис этар эди. Жўра мумкин
қадар ўзини дадил тутишга тиришиб, воқеани онага
сўзлади. Она тинмай оққан кўз ёшлигини рўмол учи ила
арта-арта ўтган йили раис қорахатдан хабар берганини,
«Ўғанингга айтма, бафуржа эшиттирамиз», деб маслаҳат
қилганини, унинг меҳрибонлик ва насиҳатгўйлигини,
Жўрадан яширин фотиҳа ўқитилганини айтди.

— Қани қорахат?— сўради Жўра.

— Раисда, эҳтимол идорада сақланур. Ўғлим, да-
данг юракли эди, немисни тоза қирибди. Хатни ёзган
одам, билмадим, полковникум, генералми, хатда ҳам-
масини ёзибди, раис ўқиттириди, эшитдим...

— Қизча ўйнаб юрибди, айтманг,— таъкидлади
Жўра ўйчан ерга боқиб.

— Йўқ, ўғлим, айтиш керак, билгани тузук, кўникиб
қолади. Не-не паҳлавонлар ҳалок бўлди бу урушда.
Уруш қурсин, бахтимизни кесди, барбод қилди...

— Қйнисага авайлаб кейинча айтарсиз, унга ачина-
ман, додлайди бечора,— деди кўзларига ёш тўлган
Жўра.

— Сабр қил, болам, худойим сизларга умр берсин,
бахт берсин,— ғамини кўнгил қаърига кўмган она боя-
қиши аста ўчоққа олов ёққали қозон бошига қўзғалди.

Коронги тушганда, хуфтондан кейин Жўра раис ол-
дига жўнади. Йўлда унга учраган қизлар, йигитчалар
кинога юр, деб сургамоқчи бўлдилар. Кино қишлоққа
гоҳо бир келиб қолар, ёшлар ташналик ила шод қарши
олар эдилар. Жўра индамади, қовоғи солиқ ҳолда ўтиб
кетди. Кино олдидаги майдон тиқилинч, одам қалин.
Ўқтам бир четда болаларнинг шовқин-суронини босиб,
тартиб сақлашни Ўсаржонга уқтиromoқда. Болалар та-
лашиб, тортишиб қатор скамейкаларга зич ўтирдилар.
Стол-стулларни ҳар томондан сургаб келар, билди-
масдан аста идорадан ҳам ташир эдилар.

40 Жўра секин идора эшигини очиб ичкари кирди. Раис
Насимжонни чақириб ҳисоб-китоб қилардилар; стол
дафтар, қофозга тўлган. Жўра остонаядан нарига сил-
жимади, хомуш ҳолда салом берди.

— Э, сенмидинг?— бошини кўтарди раис.— Ҳозир кино бошланади, дарров чоп; югур, чирогим; Ўртоқларингнингчуввосини қара, қишлоқ кўчяпти.

— Йўқ, раис ота, кинога бормайман,— хўрсиниб жавоб берди Жўра.

— Э, хумпар,— деди ялт этиб дафтардан бош кўтарган Насимжон.— Чоп тезроқ, мен борардим-ку, лекин раис отамдан қўрқаман.

— Хўш, не гапинг бор? Қовоғинг солиқ, хафароқ, 10 кўринасан. Айт, чирогим, ким койиди сени?— Жўранинг қиёфасига разм солди раис.— Тушундим.— Жўра узун бир сўлиш олди, кейин кўнгил дардини қисқа рawiшда энтика-энтика айтиб берди:

— Богда эдим, иттифоқан анув бо, бон-чи, отини унутдим, шу... дадам шаҳид бўлгани тўғрисида айтиб берди.

— Э, ўғлим, эшишиб қолибсан-да, тушундим, тушундим. Лекин хафа бўлма, чирогим,— раис энгашиб стол тортмасини титкилади ва секин бир конверт олди:— 20 Ўглим, мана,— у хатни столга қўйди.

Жўра стол томон аста икки қадам ташлади-да, титроқ қўллари ила конвертдан қофозни суурди ва туртина-туртина ичида ўқиди. Отасининг қаҳрамонларча қурбон бўлганини командир хатда қисқа, аммо кучли ва ёрқин ёзганди. Жўранинг ўпкаси тўлиб йиглаб юборди.

— Чирогим, хафа бўлма!— қуий солиқ бошини кўтарди-да, меҳрибон боқди болага раис.— Уруш галаба билан тугади. Лаънати фашистнинг жиги эзилди. Бу сенинг отанг каби мард йигитларнинг шарафли иши-да...

Жўра кўзларини енг учи ила артди-да, хатни секин 30 кўкрак киссасига солди.

— Отангдай қаҳрамон бўл, ўғлим, йигитларнинг сараси эди марҳум,— деди раис чуқур дард билан.

— Хўб, ота, тиришаман, дадамдан ўrnak оламан!— деди Жўра жиддий қатъият ила ва ташқарига ўқдай отилди.

— Офарин, офарин, мард йигит бўлади,— деди раис сўзларни бир-бир чертиб.

— Яхши бола-ку, лекин тез-да, олов,— деди Насимжон бошини қимиirlатиб. 40

* * *

Она ва қиз айвонда аста гаплашиб ўтирилар. Она урушнинг кулфатларидан, оғирлигидан, қурбонлардан гапириб, «Эҳтимол даданг ҳам ҳалок бўлгандир», деб сўз бошламоққа уринар эди.

— Йўқ, дадам келиб қолади яқинда, шу кунлар ҳар кун тушимда кўраман, рост, ойи,— деди қизча кўзларини шўх ўйнатиб.

— Эҳтимол, ботирларча ўлгандир; кўп ўйлама, унут 10 қизим, ўқишингни бил, эҳтимол, олим бўларсан,— ҳазил-хузил билан сўзни-сўзга улаб, қизчасини оғир хабарга тайёрлар эди она. Шўх, ўйноқи қизчанинг ўртоқлари кўп, мактабдан қайтиб ўйинга берилиб кетади; тинимни билмайди. Таппа ўзини ёстиққа ташлайди-ю, уйқуга кетади.

Жўра қайтганда она танҳо ўтирап эди. Жўра уйга кириб қутига хатни солди-да, айвонга чиқди:

— Она, хатни қутига яшириб қўйдим. Эҳтимол, аза очармиз. Қиз бояқиш йиғлайди-да.

20 — Чорамиз йўқ. Бир-икки кун хўб йиғлар, кейин кўникади. Мен ҳам ёлғиз-яшиқ йиғлай-йиғлай кўникуб қолдим,— деб кўзларини аста артди у.

Жўра хаёл сурисиб ҳовлида секин юрар эди. Лекин энди ўзини хийла тутиб олди, бир қадар тинчили. Асир тушиб қолдими, деб ташвиш қиласар эди, лекин мардларча ўлганини билди. Ҳовлида бир оз айланниб, ҳаётнинг турли масалалари, тирикчилик машаққати каби фикрлар қуюнида ташвиш қилди.— Колхозимиз яхши, тиришган инсон баҳт ва ёруғлик топади, деди ўз-ўзига.—

30 Лекин ўқиши, илм зарур менга биринчи галда. Онам ёш, чаққон, пахтакор. Ёзда ўзим ҳам пахтадами, буғдойдами— жон бериб ишласам, юракда ўт кўп, толиқмасмиз. Лекин эссииз, ёлғиз баҳтсизлигимиз— етимлигимиз, дадам йўқ... Энди уни кўриш йўқ...— деди-да, хўрсиниб қўйди, яна дард юракларини ёқиб юборди...

Бирдан ён қўшни ҳовлида ғалва кўтарилиди, фолбин жавраши янгради.

— Э,— деди она сал кулимсираб,— фолбин кўчириқ бошлади шекилли. Опогойим ҳар хил наъма чиқарди.

40 Тўғри, у касалманд, лекин кўчириқ ҳам чорами?

— Ҳаммаси ёлғиз хурофот. Қаримқул ака ўзи бидъатга ботган одам. Дўхтирга қаратсан, бу қандай номаъ-қулчилик?— деди Жўра.

— Қўй, болам, билганларини қилмайдими. Ҳадеб эчкими, қўйми бўғизлаб, ирим- chirim билан овора.

— Лекин колхозни хўп ўпираётитпи ҳосилот. Қўш-қўш сигир, қоп-қоп картошка, пиёз; қанча қўй, эчки.

— Сен индама, ёшсан, Ўктам бор, бошқалар бор, бир кун, албатта, миси чиқади,— деди секин она.

Фолбин жавраб, ҳув-ҳуввлаб, опогойини қамчини билан саваб кетди.

Опоғойи касалманд кампир эди. Ҳамиша фолбин, кўчирма, қайтармалар билан овора. Қўшни қишлоқларданми, шаҳарданми, қайдан бўлса ҳам янги ва янги фолбинларни келтирас, улардан шифо умид қиласр эди. 10

Жўра яна бир оз ҳовли саҳнида айланиб, кейин секин кўрпага кирди.

Жўра ва онаси узоқ уйғоқ ётишди, уйқу ўчган эди. Фивир-ғивир ўринда айланиб, ниҳоят уйқуга кетдилар.

* * *

Бир оқшом Собирни севги яна қизлар звеносига тортди. Унинг елкасида қадрдан кетмон йўқ. Уни ҳали дўсти Бойматникида тасодифан унутиб қолдирган эди. 20 Иигит бутун кун терга ботиб ишлаганига қарамай, жуда тетик, ҳатто яна бирон юмуш қилгуси бор эди. Лекин у кейинги паллада меҳнат кунларининг ҳисобини ҳам унуглан. Собирнинг хаёли, ўйи Анорхон билан банд. Илгари у уйланишни осон фаҳмлар эди. Фронтда экан кўп ўртоқлари ўз хотинларини соғинишганини ва мени унугтиб эрга чиқдими, ё сёғини чакки босяптими, деб гоҳо қайғуришганини кўрар, бўйдоқлигига хурсанд бўлар эди: «Тирик қолсам, юрга қайтганда дарров битта дўндиқчага уйланаман. Колхоз даласида ҳайқириб 30 меҳнат қиласман. Янги уй-жой, бола-чақа. Рўзгор бекаму кўст. Ана кайф!»— деб ўйларди. Мана, Собир колхоз ерида, азиз элатлар орасида қанотларини бургутдай ёйди. Рўзғори ҳам кун сайин бут бўляпти. Яна табелчи унга кўпинча дейди: «Қузнинг олтин хазинаси сенини!» Иигит дўндиқчани ҳам топди-ю, лекин унга эришиш жилла осон эмаслигини энди тушунди. Жононга қандай йўлиқиши мумкин? Нима дейди, қандай қилиб унинг кўнглини мойил қиласди? Мана, шом қоронғисида қизларнинг товуши эшитилди бирдан. Собирнинг юраги 40 ҳовриқиб кетди. Қизларга анча наридан кўз ташлаб

ўтди у, лекин Анорхонни кўрмади. Тансиқ, Ҳакима, Дилшод кетмонларини балчиққа шоп-шоп уриб, сувни бўғмоқда эдилар. Улар эшонларнинг кирдикорлари ҳақида муаллим Сулаймон тарафидан боя қилинган докладда Насимжоннинг пойма-пой саволларини эслаб, ундан кулишар эдилар. Бироқ Собир бу кулгини ўзидан кўрди: «Э тинмагур кўнгил, ниҳоят, мени ана шу қизалоқларга масхара қилдирдинг!»— ўйлади ичиди йигит ва ҳатто қўл силтаб, Боймат томон юрмоқчи бўлди, лекин Анорхонни далада ёлғиз учратиш умиди уни юпатди. Ҳақиқатан, бир оз юргандан кейин Собир Анорхон билан Анзиратга учради. Улар жўякларга шарбат аста таралиб, жилдираб оқаётган жойда, худди қучоқлашгандай, яқин ўтирас эдилар. Йигит биронта кетмон сўраб келганини баҳона қилди.

— Кетмонсиз юрмас эдингиз-ку,— деди секингина Анорхон.

Собир индамасдан, дам қоронги, сокин далага, дам серволдуз кўкка хаёлчан тикилиб тураверди. Анзират тирсаги билан ўртоғини секингина туртди-да, ўрнидан қўзғалди. Қизлар ўз ўртоқжонларидан сирларини яширолмайдилар. Собирнинг Анорхонга кўнгил қўйгани звено Қизларига маълум бўлган эди. Баъзан Анорхоннинг жигига тегиши учун, йигитни улар ўзаро Собир почча дейишар эди. Анорхон Анзиратни ўз ёнида олиб қолишга қистамади. Қиз кейинги вақтларда ўз дардини юрак қаърига кўмишга тиришиб, Собир тўғрисида кўпроқ ва жиддий ўйлай бошлаган эди. Ҳамманинг мақтоворига сазовор бўлган йигит нега унга муносиб бўлмасин?

30 Анорхон ўз кетмонини йигитга берди. Собир уни қўлда чоғлаб кўриб, деди: «Хов, расмона кетмон-ку. Сизга оғирлик қилмайдими?»

— Ҳа, қизларнинг кучини мэнсимайсиз-а,— деди Анорхон кулиб.

— Ҳар қалай қўлларинг нозикроқ, белларинг хипчароқ-да,— деди Собир қиз томон икки-уч одим отиб.

— Биз, совет қизлари темирдай маҳкаммиз,— деди Анорхон ғуур билин.

40 Совет қизларини осмонга кўтарсанг арзийди. Қишини вақтларда тер ҳам тўқди, қон ҳам...— деди Собир ва «шарбат» жилдираб оқаётган жўякларга разм солди-да, кетмон ишлатмоқчи бўлди.

— Тегманг, ака, ўзи яхши жилдираяпти.— деди Анор.— Үфит фўзанинг томир-томирларига сингисин!

— Хўп, агроном опа, тажрибаларингиздан биз ҳам баҳраманд бўлайлик,— деди Собир яна яқин келиб.

Анорхон йигитнинг ҳол ва ҳаракатларини зимдан кузатди. Собир ҳаяжонланиб, теваракка тез-тез қараб қўяр эди. Қиз унинг учун кетмон бир баҳона эканини бошдаёқ пайқаган эди. Бирдан юраги алланечук уриб, ўзи ҳам ҳар ёққа секин кўз югуртди. Анзиратни чақирмоқчи бўлди, бироқ яна айниди. Агар сал ранжитса, 10 мағрур йигит гўё қўл силтаб кетиб қоладигандек туюлди... Собир қиз ёнига ўтирди, ялинчоқ кўзлари билан тикилди ва шивирлади: «Анорхон, сўзимга бирпас қулоқ осасизми?» Қиз сал нари силжиди.

— Қаёққа қочасиз, қачонгача қочасиз? Барибир қўлим, оёғим узун...

— Тек туринг. Зўравонликни кўтармайман,— деди Анорхон.

— Қандақа зўравонлик? Қўрқманг, мен сизни отга ўмариб, бирон ёққа олиб қочаётирманми? Эшитганмисиз, дадам аямни Намангандан олиб қочган экан? Да-дам бечора бир бойда малай экан. Бошпанасиз, қора чақасиз гирт қашшок. Лекин бу малай йигит билан хўжайнинг қизи бир-бирларини жуда суюб қолишади. Бироқ бу сирни кимга айтадилар? Қиз ота-она зулмидан қўрқиб, чурқ этолмайди, гўёки йифлайди, холос. У вақтларда хўжайнилар камбағални одам қаторидан чиқит ҳисоблашган. Оғзи қийшиқ бўлса ҳам бойнинг ўғли гапирсинг! Суюшган қиз ва йигит учун биргина йўл 30 қолади: бош оғган томонга қочиш! Шундай қилиб, тил бириктирадилар-да, бир кечада қочадилар. Жўда тўғри қилишган. У бечораларнинг ишқига минг хил тўсиқ бўлган. Лекин сиз билан бизга — бир колхоз оиласи болаларига қандай тўсиқ бор? Биз учун ёлғиз бир нарса керак, эркин юраклар эркин севги билан бир-бирнга интилса, бас!

Анорхон бошини сал кўтариб, кўз қирини ташлади, Собир бургутдай унга тикилган эди, қиз чуқур ва ихтиёrsиз хўрсинди. Нима жавоб беришини билмади, рўмолчасининг учини ҳимариб, ўй-хаёлларга берилди, 40 бирпасдан кейин ўз елкасида йигитнинг кучли қўлинни сезди, ўрнидан депсиниб турмоққа уринди-да, бошини гуп-гуп урган кўксигача эгиб, жимгина қотди. Собир

юзини унинг ўтдай қизғин юзига сал теккизиб, шивирлади:

— Анорхон, мен сизни сұйман. Сиз нима дейсиз, ихтиёр сизда?

— Мен нима дейман, унча шошманг, ўйлашайлик... — жавоб берди Анорхон ўтдай ёниб.— Лекин шүхлик қилманг...

Собир типирчилаган қизни қўйиб юборгуси келмас, кучлироқ тортар эди ўзига...

10 Яқиндан ногиҳон қизларнинг товуши эшитилиб қолди. Собир бир зумда ўзини қоронғиликка урди. Унинг бу қадар чўчиганидан Анорхон ичиде кулиб ҳам қўйди, ҳорғингина уҳ тортиб, ўрнидан турди; рўмолчасини қайтадан танғиди-да, кетмон олиб, ишга киришди. Ёш Ҳакимадан бошқа ҳамма қизлар шивирлашиб, Анорхонга тегажаклик қилиши.

— Кузда пахта планини бажарамизу, Анорхоннинг тўйини бошлаймиз,— деди Тансиқ.— Лекин шундай тўй қиласизки, ҳар ёққа донғи кетсин. Тўёналарингни ҳозирдан тайёрлайверинглар!

— Собир поччам танти. Катта тўй қиласи,— деди Анзират.

— Ҳаммамиз тўйда ўйинга тушамиз,— деди хурсанд Дилшод.

— Майли, тўйим тўйларингга йўл очиб берсин!— деди кулиб Анорхон.

— Ҳай, секин! Атрофда кексалар юришибди-я...— деди танбеҳловчи оҳанг билан Анзират.

30 Тансиқ ўртоқларини тўплаб, эндиги юмушлар тўғрисида гапирди, ғўзага машина билан яна икки марта минерал ўғит сепиш кераклигини, лекин бригадир тиҳирлик қилаётганини айтди.

— Китоб ўқиб, ҳар кун бир қилиқ чиқарасан,— деди ранжиб Анзират.— Ер жуда тўқ. Шу шарбатни ҳазм қилсаям ҳали...

— Кузда одамлар қараб: «мақтанма гоз, ҳунаринг оз!» демасинлар яна. Отларимиз газеталарга тушди-я!— деди жиддий хавфсираб Тансиқ.

40 — Тўғри, овозамиз баланд кетди, яна сўк ошига сурнай дегандай бўлмасин!

— Ҳа, Мадаминжонда ўғит йўқмикан?— ҳазиллашди Анорхон.

Ҳаммалари кулишди. Ўгит устида рўй берган англайшилмовчиликдан кейин Мадаминжон қизлар билан чап бўлиб қолган эди. Қаерда уларни кўрса, қовофини солар, лаб-лунжини осилтирас эди. Тансиқ эртага бешовлон раисга бориб, бу масалада ёрдам сўрашни таклиф этди. Бу фикр ҳаммага маъқул бўлди. Далаларга ой нури оқди. Звено аҳиллик билан ишга тушганда, сувтиниб қолгани билинди. Сувни ўзларига ағдариб олишган кимларнидир қарғашди. Тансиқ билан Анорхон куюниб, жаҳл билан «қулоққа» югуришди.

10

XVII

Тансиқ ўз ишини ҳаммадан бурун бажариб, уйга эрта қайтди, қатиқ ва ироқи совун билан бошини ювди, супада жўхори тозалаётган онанинг ёнида орқаси билан чўққайиб, сочини ўрдирмоқчи бўлди.

— Бир оз сабр қилсанг қирқ кокил қилиб қўярдимики, орқангда тол баргакдай ҳиллирарди,— деди она қора-қўнғир кўркам соchlарни тарашга бошлаб.

— Йўқ, керак эмас, бачкана бўлади. Иккита қилинг.

20

— Ҳаддан ошма, қизим,— деди она қатъий товуш билан.— Яқинда Тошкент қизларига ўхшаб сочинингни калавадай танғиб, тароқ қисқич ҳам тақарсан...

— Бўлмаса-чи! Ўша яхши,— деди кулиб Тансиқ.

— Жаврама, қақилдоқ!— деб она лабини тишлаб, қизининг ҳўл елкасига эркалабгина шаппатилаб қўйди.

Тансиқ қийқириб кулди. У меҳрибон она билан ҳазиллашишни, унинг жигига тегишини яхши кўрарди. Айниқса кийинишда дидлари тамом зид эди. Она содда деҳқон одатларини қўймас, аллақачон ўлиб кетган бувилари, ачаларининг дидига мувофиқ кийинар, ҳар хил халқона ирим-чиримларга ишонар ва уларни бажаарар эди. Паранжини кўпдан ташлаган бўлса ҳам, далада ишлаганди, эркак қорасини кўриши биланоқ қизариб, ерга қарап эди. Тансиққа ҳам бурмасиз, ҳашамсиз, узун ва жуда кенг қадимона кўйлак кийинши буюрар эди. Икки йил бурун Тансиқ қишлоқ магазинидан катақ-катақ гулли шерстъ юбка сотиб олиб, уйда кийиб кўриши биланоқ ечдирган эди: «Шуни кийим деб тикканнинг қўли синсин! Белдан пастни яққол кўрсатар экан». Лекин қизини она бутун юраги билан севар, ҳамиша унинг

30

40

бахтини тилар, ўзга ёш болаларини дуруст кийинтирамай, топган-тутганини, меҳнат кунларини қизининг сепига сарф қилас, унинг келажак тўйига тайёрланар эди.

- 10 Киз силлиқ, текис ўрилган узун, кўркам, ипакдай майин қўш кокилни бир-бир қўлга олиб кўрди-да, ўрнидан хурсанд турди, уйига кириб ечинди. Нозик бўйнини, диркиллаган кўкрагини секин артди ва юпқа гулдор батист кўйлагини кийди, кўкрагига комсомол значогини қадади, кейин янги чуст дўппини бошига қўндириб, ҳовлига чиқди ва укасининг янги велосипедини у ёқ-бу ёққа фиддиратиб кўрди. Кейин шўхлиги тутиб, бирдан минди ва ҳовлининг у бурчидан-бу бурчига ғизиллаб қатнай бошлади. Укалари, сингилчалари чув кўтаришди. Она қаради-ю, жиғибийрон бўлди.

- 20 — Бу нима қилиқ?— жаҳл билан қичқирди она.— Туш ҳозир. Вой, баттар жингирлатади-я!— Улоқчидай от минишга ўргандинг — индамадим, колхозчилик дедим, от-улов миниш зарур бўлти, дедим. Қизга шайтон арава минишни ким қўйибди! Ҳа, уятсиз, туш ҳозир!— Саккиз яшар ўғилчаси югуриб келди-да, кўз соққаларини айлантириб, чақимчилик қила бошлади:

— Ая-чи, ая, у куни ҳам минди. Кўчага чиқди. Ану, ану кўприккача бориб келди... Сиз кўрмадиз.— Доналари марвариддай жўхори сўтасини отмоқчидай, она дўқ қилди қизга ва ичиди деди: «Тезроқ эрга берай, ўзбошимча бўлиб кетяпти. Битта-яримта йигит билан хуфя топишиб кетишдан ҳам тоймайди бу».

- 3) Тансиқ: «Ҳозир, ҳозир, яна бир айланай», деб ҳовлида айланмачикан излар қолдирап, дараҳтлардан, чувиллаган болалардан, ҳовлидаги қақир-қақир буюмлардан чақон четланиб ўтарди. Велосипед эгаси — ўн беш яшар ука бир кун далада велосипед минишни ўргатган ва опасининг чақонлигига ўзи ҳам ҳайрон қолган эди. Уйдан даласига велосипедда гиз этиб боришни орзу қилса ҳам, лекин қишлоқда қизлар орасида ҳали ҳеч ким минмагани учун тортинар эди. Буни дастлаб Ҳакима расм қилмоқчи эди. Ўқтам синглисига велосипед ваъда қилганини эшитиб, Тансиқ қувонди — у вақтда онани қўндириш унча қийин эмас.

- 40 Тансиқ ҳовли ўртасида велосипедни бирдан тўхтатди ва шошиб ундан тушди: қаршидаги кўча эшигидан эшак минган киши тўсниндан кириб келган эди. Қиз меҳмон келганидан онасини огоҳ этди, велосипедни фиддиратиб

четга элтди. Меҳмон узоқ қариндош — отасининг аммаваччаси — Аширмат эди. Катта, кучли бўз эшакни болаларга тутқизиб, дастаси йўғон қамчинни катта, жуда кир салласига қистирди. Аширмат лапанглаб, ёфочдан ясалгандай қўпол сағри қавушини дўқиллатиб, супага келди-да, хириллаган товуш билан: «Ҳа, бардаммисанлар», деб одатича совуқ кўришди ва нўхатдай оқ тушган чап кўзи билан Тансиққа бошдан-оёқ разм солиб, яна хириллади: «Айрапнан ҳайдашни ҳам биласанми? Қилиғинг қизга ярашмайди, жиян». Тансиқ, сенинг ни ма ишинг бор, дегандай энсаси қотиб, тескари қаради, кейин зимдан онага боқди ва шошиб-пишиб супага кўрпача solaётган онанинг шолғомдай қизариб кетганини кўрди. Эшак бозорига даллол, совуқ сўз бу қариндоши қиз ёмон кўрар эди. Икки-уч йилдан буён қорасини кўрсатмаган бу бадфеълниң гапига эмас, келганига жаҳли чиқди. Аввалги келганида уч кун қўниб, қилиғи, ифлослиги, очкўзлиги билан отасидан бошқа ҳаммани, ҳатто қўшниларини ҳам бездирган эди. Мана, ўтириши биланоқ патак соқолини қашиб, жўхорига суқ билан 20 қараб, қанча ҳосил олинганини суриштира бошлади.

— Дадангга хабар бер,— буюрди онаси Тансиққа секингина.

Қиз тегирмонга келиб, дадасига анчадан кейин, бепарвогина, «Қариндошнинг келди», деди. Отаси — Мираҳмад тегирмончи қандай қариндошлигини суриштирмади: «О, бечора Аширмат! Балли, йўқлаб келибди-я. Ана, қизим, қариндош ана шундай вафодор бўлади. Наинки илдизи бир, томири бир... О, жигарим Аширмат, мени соғинган-да... Эшакда келдими? Ана, 30 эшак қадами билан Марғилон озмунча йўлми? Хўш, қизим, сен бунда қол, мени борайин, учраса, укангни юборман».

— Ҳовлиқманг, дада, кўрарсиз, тўярсиз.

— Ёлғиз қариндошим-а. Менга энг яқин у, биласанми, бундан бошқа кимм бор? Аширмат билан бир йилда туғилганман. Бир қаричлигимда етим қолганимда, раҳматлик аммам мени ўз бағрига олган, Аширмат билан бир товоқдан ош ичиниб, бир кўрпада ўсганиман. Сен бошимдан ўтган можароларни эшитмаганмисан? Йўқ, 40 ҳали ёшсан, қариндош-уруғ қадрини билмайсан...

Отаси кетгандан кейин Тансиқ дарров тегирмончиликка киришди. Пастда сув гувилларди, икки оғир тош

- сири бир хириллаш билан тез айланиб, чуқурча — охирчага иссиққина ва чучук ҳидли унни бир текис — тұхтосыз сочар эди. Қиз бүйнини чўзиб, дўлларга қаради. Ярим қоп буғдойни бемалол кўтариб, сўл ёқдаги дўлга тўкди. Қейин темир куракча билан охирдаги унни қопга илдамгина солди. Унинг қўллари ҳар ишга келиша қолар эди. Мана, қиз қўш новдан отилган сув зарби ва оғир тошларнинг ҳаракатидан титраган, оқ чангга тўла, эски зах тегирмондан чиқди, кўйлагини қоқди, 10 дастрўмол билан юзини ва соchlарини артди. Тегирмон атрофида, сув ёқасида қинғир-қийшиқ ўсган қарин толлар чумчуқ бозори эди. Қиз қияликда чўққайиб, тегирмон остидан қайнаб, кўпиринги отилган сувга термулди. Уни ширин, сирли хаёллар ва ўйлар қучди. Ўқиган романлари ва достонларининг қаҳрамонлари кечирган мажаролар, саргузаштларни хотирлади. Лайлининг ва Татьянанинг хатлари эсига тушди. Кўз олдида Зоянинг сиймоси жонланди, унинг тақдирига қайғурди. Лекин Зоянинг ўрнида бўлса, ўзи ҳам шундай юксак шарафга ва қаҳрамонликка интилган бўлар ва бунга бутун юрак билан ишонар эди. Шу вақтда кимдир бирдан сочидан аста тортди. Тансиқ чўчиб орқага қаради.
- Қилиғинг қурсин! — деди у укасига аччиғланиб.
- Кўёш, сув ва дала шамолида қотган, ориқ, чайир, оловдай шўх бола ҳаҳолаб кулди. Қейин бирдан жиддийлашиб, деди:
- Кўп ўтирумайман, бу ерга Турғунчани қўйиб, ўзим кетаман.
- Қаёққа борасан, ўйинга тўймаган? Муштдай бола нимани билади?
- Ўйин эмиш! — қичқирди кўзларини олайтириб бола. — Бугун бизнинг команда фронтовикларнинг томорқаларида ишлади. Бир оздан кейин колхоз бедасини ташиймиз. Планни ортиғи билан бажармасак, генерал хафа бўлади!
- Генералларинг ким? — кулиб, қизиқиб сўради Тансиқ.
- Ўқтам aka! — жавоб берди гердайиб укаси.
- Билганингни қил, мен кетдим.
- 40 Тансиқ чайлага келганда, эндигина ишдан бўшаган ўртоқлари уни фавқулодда хурсандчилик билан қарши олдилар. Звено бошлиғи ҳатто ҳайрон қолди.

— Тансиқ опа, суюнчи чўзинг,— деди орқасига олган қўлида ниманидир яшириб Дилшод.

— Тўғри, кўрмана бер,— деди Анзират худди ўйинга тушгундай, бармоқларини шиқиллатиб.

— Бечорани қийнама, кўрсата қол, Дилшод,— деди Азорхон.

Дилшод бирдан қўлини кўтарди — чаноғидан тошиб чиққан кўркам пахта ҳавода оппоқ қордай чақнади. Тансиқнинг кўзлари ёниб кетди, югуриб пахтани Дилшоднинг қўлидан олди. Ипакдай майин, оқ булуатдай 10 тоза, гулдай чиройли пахтани юраги билан томоша қилди-да, ўртоқларига меҳр билан бир-бир қаради. Шу онда ҳар бирини ўпгиси, қучоқлагиси келди.

— Бошқаларники очилмаганмикан? — сўради Тансиқ ҳаяжон билан.

— Ҳеч эшифтадик-ку,— жавоб берди Дилшод.— Буни мен топдим. Аста кетаётсан, узоқдан кўзимга ялт этиб кўринса бўладими, юрагим ўйнаб кетди. Худди умримда пахта кўрмагандай, бора солиб, уздим.

— Колхозда бу йил энг олдин, энг шошиб очилган 20 шу,— деди Азорхон ишонч билан.

— Бизни суюнтирмоқчи бўлган-да,— деди Ҳакима болаларча қувониб.

— Қидирилса, кўп жойда топилар,— деди Азорхон,— лекин гап шундаки, биринчи топдик биз, биринчи. Юринглар, раисга кўрсатамиз. Ҳали ҳеч ерда очилгани йўқ! — деди Ҳакима звенонинг обрўсини кўтаришни юракдан истаб.

— Кетини ўйлаш керак, ўртоқлар,— деди Анзират кампирлардай бошини вазмин тебратиб.—Ҳамма гап 30 ҳосилда энди. Гектардан юз центнер! Буғдой эмаски, ўриб-ўриб, хирмонга ташласант... Битта-битталаб терасан пахтани.

— Биттаям, яримтаям кўсакни қолдирмасдан терамиз! — деди Тансиқ қўлини шиддатли силкиб.

Илк пахтани раисга кўрсатиш учун звено қувонч билан идорага кетди. Раис кабинетининг эшигида қизлар гуж бўлиб тўхташи. Ичкарида Мирҳайдар кимгадир жаҳл билан қаттиқ-қаттиқ гапирмоқда эди.

— Ернинг тобини қочириб, кейин машина солибсиз, 40 ердан кесак кўчирибсиз, холос. Йўқ, буни культивация демаймиз. Мен ҳам, ҳосилот ҳам минг марта айтдикки, суғоргандан кейин ерни айни тобида ишла, деб, гўзани

парвариш қиласман, деб қарғишига қолибсиз... Сарф қилган меҳнатларингизни тан олмайман! Деҳқоннинг ақли кўзида бўлиши керак. Ернинг ранги-рўйи қалай, ғўзани томири қандай уряпти — барини деҳқон ўз кўзи билан бир қарашдаёқ билиб олиши керак!

Бир оздан кейин бешинчи бригаданинг бригадири, дароз, кўса, чўтирнамо киши бўшашибгина чиқиб кетгач, қизлар турнақатор ичкарига киришди.

— Келинглар, қизалоқларим, оймўмаларим, ўти-
10 ринглар,— шодланиб қаршилади Мирҳайдар.

Тансиқ: «Буни қаранг», деб камтарлик билан пахтани раисга узатди.

— Баракалла, қизалоқларим!— қари пахтакор бир онда яшнаб кетди.— Мана, бу йилги меҳнатнинг илк мевасини ҳам кўрдик. Раҳмат, қизларим, раҳмат. Олдиндасизлар, ойпопукларим. Тилакларингга етинглар, мен ҳам кўкрагимни кўтариб, донгдор қизларим, қаҳрамонларим билан мақтанай. Тилакларингга етинглар. Жуда зўр меҳнат, азамат йигитларга муносиб меҳнат
20 қилдиларинг. Қорга, музга, жалага, офтобга дош бердиларинг. Чин кўнгил билан ишладиларинг.

— Пахтамиз қалай, уялиб қолмасмиканмиз?— сўра-
ди Тансиқ камтарлик билан.

— Ғўзаларинг худди бўлғур,— жавоб берди раис.— Ҳаракат қилаверинглар. Юқори ҳосил сизларники. Хўш, энди сизларга нима совға берсан экан? Қани, айтинглар.

— Раҳмат. Кузда ўзингиз нимани лозим кўрсангиз,
шуни берасиз-да,— деди Анорхон.

30 — Меҳнат кунларимиз чакана эмас,— деди Тансиқ.

— Ҳа, бу йил бой қизлар — сизлар,— кулиб деди раис.— Аммо мукофот ўз йўлича. Тантилигим эмас, она сутидай ҳалол ҳақларинг, беш қизалогимга беш олтин соат. Ҳа, мана бу ерга, қўлга тақадиган хилидан. Октябрь байрами куни тақиб, ҳайит қиласизлар. Қарши эмасмисизлар?

Қизлар суюнч тўла, баҳтли кўзлари билан бир-бirlariga қарашди ва ўзаро бирпас шивирлашди.

— Яна нима керак?— ҳазилсимон сўради раис—
40 Марғилон усталари яқинда янги атлас чиқариб, номини «келини кийсин, қайнанаси куйсин» дейишибди. Мен кўрдим. Атлас эмас — олов. Дилшод ботир, сенга шу атласдан бир кўйлак тикириб берайми?

Жаннади оғиздиганда көбайтады - шундай да жардам берине тақдуда оғиздиганда
бүл аждауда да жардам берди. Ашык жардам берди - яныннан да да жеңил.
Ашык жардам берди - яныннан да да жеңил. Ошо ашык жардам берди - яныннан да да жеңил.
Балыкчының көбайтады - шундай да жардам берди - яныннан да да жеңил.
Балыкчының көбайтады - шундай да жардам берди - яныннан да да жеңил.
Ошо ашык жардам берди - яныннан да да жеңил. Балыкчының көбайтады - шундай да жардам берди -
яныннан да да жеңил. Ошо ашык жардам берди - яныннан да да жеңил. Балыкчының көбайтады - шундай да жардам берди -
яныннан да да жеңил. Балыкчының көбайтады - шундай да жардам берди - яныннан да да жеңил.
Ошо ашык жардам берди - яныннан да да жеңил. Балыкчының көбайтады - шундай да жардам берди -
яныннан да да жеңил. Балыкчының көбайтады - шундай да жардам берди - яныннан да да жеңил.
Ошо ашык жардам берди - яныннан да да жеңил. Балыкчының көбайтады - шундай да жардам берди -
яныннан да да жеңил. Балыкчының көбайтады - шундай да жардам берди - яныннан да да жеңил.
Ошо ашык жардам берди - яныннан да да жеңил. Балыкчының көбайтады - шундай да жардам берди -
яныннан да да жеңил. Балыкчының көбайтады - шундай да жардам берди - яныннан да да жеңил.

Романинг қўлёзма нусхасидан биринчи саҳифа.
М: аллиф дастхати. Оқлама.

Дилшод уялиб, кенг, ширмой нондай юзини яширди. Ҳаммалари чақ-чақ кулишди. Дилшод ёнида ўтирган Анзиратнинг белини секин чимчилаб олди. Анзират «их» деб чўчиб тушди. Мирҳайдар соқолини силаб-силаб ўрнидан турди, пахтани чеккасига тақди.

— Ярашдими?— қизларга қаради у.— Кечқурун райкомда мажлис бор. Шундай тақиб бораман. Биринчи гулимни ҳаммага кўрсатаман. Яхшими?

10 Қизлар кўчага чиқиб, байрамдагидай, баланд руҳ, ўйин-кулги, шўхлик билан яна чайла томон юришди. Содда Анзират соатни ўргатишни сўраб, Ҳакимага ялинди. Анорхон билан Тансиқ иккови Дилшодга тегажаклиқ қила бошлади: «Келини кийсин, қайнанаси куйснн» муборак!» «Қайнананг ким? Бечорани куйдирма!» Дилшод дам аразлаб қовоғини солар, дам беихтиёр ўзи ҳам қўшилиб қота-қота кулар эди.

* * *

20 Тегирмончи ягона қариндоши билан қучоқлашиб кўришди ва азбаройи соғинганидан ўпкаси тўлиб, қайта қайта тикилса ҳам унинг катталиги саватдай кир салласида қўққайган қамчини пайқамади. Утиришгандан кейин бир-бирларининг ҳолларини сўраша бошлагач, қариндошнинг бошидан тегирмончи йўғон дастали қамчини секингина олиб қўйди. Лекин Аширмат, яна болалар ўйнаб йўқотиб қўймасин, деб уни дастурхоннинг тагига яширди ва катта товоқдаги қаймоққа парча-парча нонни ботириб, қайрилма, патак соқолига томизиб кетма-кет оғзига ота бошлади. Бирпасда товоқ бўшади, тирноқлари қинғир-қийшиқ ўсган, дағал, йўғон бармоқлари билан товоқни ялади-да, нўхатдай оқи бор кўзини ранг-баранг қовун косаларига тикди. Эшак бозорида даллолликнинг мазаси йўқлигидан ора-сира шикоятланаб, тўрт коса қовунни ҳам урди. Ягона қариндошини соғинган тегирмончи: «Йўл босиб чанқагансан, олавер» ёки «дэҳқончилик, таги мўл» деган сўзларни тез-тез қайтариб турди. Аширмат худди виставкадагидек чиройли уйилган бир патнис ҳусайни, дили кафтар, каттақўргон, бобокини ҳам пўчоқ қилиб қўйди. Бир неча марта устма-уст қаттиқ кекиргандан сўнг, у катта талинкада қўзилаб турган олтиндай саримойни ўз олдига тортди. Лекин қаршидаги айвонда аёл шошиб-пишиб сабзи

тўғраётганини кўриб, паловга дам сақлаш учун сарийнинг тахминан учдан бири қолганда, талинкадан қўлини тортди. Тегирмончи аччиқ кўк чойни қўйиб, соғинтирган қариндоши билан қониқиб гаплашмоқда ошиқди. У қачонлардир ўлиб кетган аммасини ҳурмат билан эслади. Онаси ўлганда, кўмиш харажатларидан қўрқиб, бир неча кун қаёққадир қочиб кетган ўғил — Аширмат бир «ух» тортиб, деди: «О, меҳрибоним волидам, жаннати хотин эди!»

— Мен сени кўпдан буён кўргим келарди. Ўзим не-
ча марта борайин дедиму, фурсат бўлмади,— деди узр
тилагандай тегирмончи. 10

— Мираҳмад, сен мендан ярим ёш каттасан,— деди Аширмат.— Амманг раҳматлик шундай деганди. Таомилда ёш ўзидан каттанинг ҳолидан хабар олиши керак, тушундингми? Ҳа, остоңангга мен югуришим керак. Наинки, она сутини мендан чизи олдинроқ эмгансан-да. Мана энди, худойим хоҳласа, Марғилон билан қишлоғинг орасида бўзчининг мокисидай қатнаб турай...

— Келганингга хурсандман, кўнглинг тусаган вақт-
да эшагингга мин, бошини шу ёқса буравер. Амманнинг хотираси,— деди Мираҳмад, кейин ранжиган то-
вуш билан давом этди.— Мулла Мираширмат, кўнглим-
да жиндаккина гинам бор, ягона қариндошим бўлга-
нинг учун ўпкаласам арзийди... 20

— Довон ошиб сени кўргани келсаму, яна нима ги-
нанг бор? Айб дўлдами, тегирмондами?— хириллаб қич-
қирди Аширмат.

— Сабр қил, жигарим,— деди тегирмончи тиззасига уриб,— бултур кузда тўй-томуша билан ўғлингни ўй-
лантирибсан, келин кўрибсан. Улар қўша қаришсин, ол-
динг-кетинг набиралар билан тўлсин. Аммо кўксимда бир доғ қолди... Хўш, нега бизни тўйга айтмадинг? Икки
энлик хат ёздириш ё бирон таниш-билишдан хабар қи-
лишни унутдингми? Ўз ҳолимга яраша тўёна билан бо-
риб, хурсандчилигингни қутлашга қодир эмасмидим?
Шукур, колхозчиман, қўлим қисқа эмас. 30

— Анаxo-los-c!— хириллади Аширмат, ҳам ёзлик,
ҳам қишлиқ, наматсимон юнг чакмонининг ёқасини уш-
лаб.— Эй худо қарғаган чақимчи! Ким айтди сенга? 40
Ўша калланг узилгур, тилинг кесилгурни менга кўрсат.
Наҳотки мен ўғил ўйлантирсам-ку, сендаёт қанот-қуй-

руқ жигаримга дарак бермасам! Соябон арава билан келиб, бутун хонадонингни олиб кетмасмидим?

— Тўйингда бўлган одам айтди-ку,— ҳайрон бўлиб, кўзларини олайтириб деди тегирмончи.— Никоҳ куни нимани жўнидандир қуданг билан аччиқ-тизиқ айтишибсан ва тўй бузилишга келганда, ҳар икки ёқдан одамлар ўртага тушиб, қудаларни яраштиришибди. Ўз қулогим билан эшитдим, Аширмат.

— Бари ёлғон!— илон чаққандай тўлғаниб деди

- 10 Аширмат.— У уйинг куйгур, ёлғонни чин қиласдиган каззоби лани экан-да. Аммо мен сени бунчалик лақма деб билмасдим, шу гапларга ишониссан, каллами, қовоқ? Үғил-қиз ташвиши, тўй-томуша тўғрисида мана энди гаплашамиз. Қофияси келганда айта қолай, мен остоңангга қулчиликка келдим. Ҳозир мана шу хайрли соатда нонни ушатиб, икки бошни биритирамиз, сен бу ерда, мен у ерда тўйга тайёргарлик кўраверамиз. Қариндошларнинг тили ҳам, дили ҳам бир бўлади. Бир-биrimizga қанот-қўйруқ бўлиб, вақт-соат етганда, кори-хайрга киришамиз. Гап шундай, қариндош, зўр умид билан келдим, бошимни эгиб, қўлимни қовуштириб, сўрайман. Элда нима кўп — қиз кўп. Лекин қариндош бошқа. Қариндош қанча узоқда бўлмасин, худди тоғдан эсган шамолдай, юрагингни бир чеккасини яшнатиб турди. Қизинг билан бизнинг шумтака қовушса, арвоҳлар хушнуд бўлади. Тушимда раҳматлик онамни кўрдим: сени ўз боласидай бағрида ўстирган бечора амманг уйимиз орқасидаги тепачага яп-янги гулдор кўрпани ёзиб, қизинг билан ўғлимни чақиряпти. Мени 30 кўриш билан қувониб, деди: «Мираҳмадга салом айт. Мен ёқкан шамларни ўчирмасин!» Ўйондиму пиқ-пиқ йиғладим, эрта билан барвақт йўлга чиқдим. Ана, кўрдингми, ўликлар — тирик, улар ҳар қадамимиздан огоҳ...
- 30

Тегирмончи гўё эриб кетгандай, бошини жуда қуйи солди, ун гарди билан, худди қиров тушгандай оқарган, маккажўхори попугидай майин соқолини ямлаб ўтириди. У энг содда, камтар ва энг кўнгилчан одамлардан эди. Сал хафа бўлса ҳам, сал хурсанд бўлса ҳам, унинг кўзларидан ёш оқиб кетаверарди. Шу соддалиги, кўнгилчанлиги орқасида бирорвнинг илтимосини қайтара олмас, ҳатто ўзига зиёни ишларгаям, кўпинча рози бўлар эди. Болаликда уни қаттиқ ион ва сув билан боқиб,

бир шохи синиқ ва олдинги оёғи оқсоқ, қарій сигирни бутун кун далада ўтлаттирган амманни эслади. Айниқса кампирнинг тушда башорат бериши унга қаттиқ таъсир этди. «Гапни чўзма, тўйга тайёргарлик кўравер», дегиси келди-ю, лекин яна орзусига қарши нимадир уни сукут этмоққа мажбур қилди. Масалани ҳал этиш учун хотинини кўмакка чақирмоқчи бўлиб, Мираҳмад айвонга қаради. Хотини ошхонада экан, айёр Аширмат унинг ниятини пайқаб, жаҳл билан деди:

— Бундай номард бўлма! Бу ишда ота сўзи — пи-
чоқ, она сўзи — қумалоқ! Менга ота раъйи керак. 10

«Ягона қариндошни хафа қилиб қўйдим-ку», деб Мираҳмад нима дейишини билмади, чой қуйиб узатди: «Ол, ол! Йўл босиб келгансан», деди. Аширмат қўлининг кескни ҳаракати билан чойни қайтарди, аразлагандай, бирпас юзини терс қилиб ўтириди.

— Нега нафасинг ичингга тушиб кетди? — оқ тушган кўзини қаттиқ тикиб сўради бирдан Аширмат.— Кўрдим, сариқина, чумоли белгина, ола кўзгина қизинг бор. Қилифи ҳам иссиққина эмас экан. Мен кел- 20 ганда, тепки аравада ғизиллаб юрган экан. Далада эр-каклар орасида юриб, суюлиб кетибди қизинг... Шаҳарда шундай қизлар борки, моҳитобон дейсан. Уйимизнинг рўпарасида ҳукумат улкан боғ ясаган. Ҳусн бозорини кечқурунлар ана бу ерда томоша қил! Нуқул атласу, гириндишин кийиб, товусдай ялтираган қизлар билан боғ тўлиб кетади. Биламан, бари ўғлимга кўз сувади. Ўғлим бир вақт сен кўрган қораялоқ бола эмас. Кўрсанг, худди арслон дейсан-да. Бўйнидаги безлардан из ҳам қолган эмас. Илон ва типратиконни шўрвада 30 ҳил-ҳил пишириб ичгандан кейин касал қоладими? Ўзиям жуда фасон йигит-да. Бир эмас, қўш хром этик. Икковиям қийиқ тумшуқ. Ҳамма шимларини тиздан юқориси асов отнинг қулоғидай диккайиб туради. Аммо бизнинг Боқижон культур эмас. Худога минг қатла шукур. Биласанми, культур деб бозорни, нархи-навони билмайдиган юмшоқ сўз, китоб қўлтиқлаб юрувчиларни айтишади. Бу тоифа йигитлар менга ёқмайди. Сира. Ҳа, куёв йигитнинг иши ҳам ҳозир мулла жирингни кони. Илгари Боқижон артелда касмир эди. Касмирлик 40 энг расво иш: банкадан қоп-қоп пул олиб, одамларга улашиб бер! Бу ҳунарда барака бўлмайди. Негаки, бермоқ бор, олмоқ йўқ-да. Бир кун ўғлимга айтдим: кас-

мирликни бас қил, бозорга ёндаш. Мана, отанг қирқ
йилдан буён эшак бозорида чанг ютиб, бу касбдан ёмон-
лик кўрмади. Болам бояқиши жуда мўмин-қобил. «Га-
пингиз жуда маъқул, дада, ишимнинг мазаси кетди.
Одамлар пулни кўз олдимда қайта-қайта санаб олади-
ган бўлиб қолишиб», деди. Йўқ, тез орада мева бозори-
га паттачи бўлди. Каттакон бозор. Минг хил мева, минг
хил одам. Паттачилик бир хазина экан. Аммо йўл би-
лиш, уқув шарт! Кўёвингдан берухсат, унинг оғзини
10 мойламасдан, ҳани бирор бир пайса мева сотсин-чи!
Йўқ, Боқижон ҳар ерда ҳозир-нозир. Кимки унинг кўз
қисишини, қош билан имосини писанд қилмаса, дарров
ҳуштак чалади. Милисанни ишга аралаштирма, дедим,
ҳуштакният тут ёғочидан ўзим ясаб бердим. Катталиги
сумакдай. Бир чалса, товуши бутун шаҳарни гаранг
қиласди. Йўқ, кўёвингнинг омади келган. Сариқина,
чилтондай ориққина қизингни бордондай семиртириб
юборади.

Аширмат чой ичиб, кекириб, қариндошга узоқ вақт
20 назар солди. Руҳи алдам-қалдамга тамом ёт, содда деҳ-
қонга унинг бу сўзлари гўё акс таъсир кўрсатганлигини
сезди. Үғлингнинг ҳунари қурсин дегандай, Мираҳмад
бошини аста тебратиб, киноя билан кулиб қарар эди.
Қирқ йилдан буён эшак бозорида ҳам харидорни, ҳам
сотувчини авраб келган даллол ўз-ўзидан ранжиди ва
масалага бошқа томондан ёндашмоққа қарор қилди
ичида.

— Ихтиёр ўзингда, жигарим,— деди у йиғламсира-
ган бир товуш билан.— Лекин ўз сўзингда турмаганинг
30 учун хафаман. Қуда бўламиз, деб неча бор айтган
эдинг. Мени, ўғлимни умидвор қилиб, охирида айний-
санми? Ваъдага вафо қилмасликдай катта гуноҳ бор-
ми? Бу ишда ота сўзи байни никоҳ бўлади. Майли,
сенинг кўзингда менинг бир чақалик ҳурматим йўқ экан,
лекин раҳматлик аммангнинг арвоҳига ҳам тупурасан-
ми? Хўп, Аширмат билан Мираҳмад шу соатдан бош-
лаб юз кўрмас бўлиб ажралсинлар!

— Үғлингнинг касби нобопроқ экан. Яна ўйлашиб
кўрамиз, ҳар ҳолда сўзингни ерда қолдирмасман, лекин
40 сен ундей ножӯя сўздан қайт!— деди юраги ҳовлиқиб,
уҳ тортиб Мираҳмад.— Лекин қизимни колхозда ўзига
яраша обрўси бор, ўтқир комсомоллардан. Шунинг учун
партия бошлиғи билан, раис билан кенгашмасдан, мен

қандай узатаман. Яна ҳозир тўй-ҳашам вақти эмас. Куз охиридагина тўй қилиш мумкин. Сан жуда осон ўйлаяпсан, Аширмат.

— Асло, асло!— деди гавдасини олдинга суреб, Мираҳмаднинг елкасини қоқиб даллол.— Майли эзгиликнинг кечи йўқ. Тўй-томушани кузга қолдирайлик. Сен рози бўлсанг, бае. Лекин фирқага, раисга шундай дегин:— Аширмат айёрларча шивирлади,— куёв йигит зўр муаллим, дегин. Отаси Марғилон ипакчилик фабриконида эски истахончи уста, дегин, негаки, ҳукумат одамлари олдида истахончиларнинг обрўси жуда баланд. Шундай десанг, тўйимизга уларнинг ўзлари бош бўлади.

10

— Йўқ,— деди Мираҳмад жиҳдий,— партияни алдаш мумкин эмас. Тўгрисини айтаман.

— Ҳай, сен кимсан? Жудаям бошқача бўлиб кетибсан-ку,— зарда билан қичқирди Аширмат.— Хўп, ҳозирча ҳеч кимга оғзингни очма. Узоқ тўйга олдиндан ноғора қоқиш ярамайди. Тўй олдида кенгашарсан. Ҳа, ўғлимни гулдай касби сенга ёқинқирамади. Яхшиси, куёвни ўз бағрингга оласан. Ўғилчани сенга бердим. Азamat йигит, колхоз даласида қизинг билан бирга ишлайверади.

20

Мираҳмад соқолини дам қашиб, дам ямлаб, погоҳон бошига тушган бу ташвишни ўйлашга бошлади. Бу ташвишга сабабчи унинг даллол қариндоши саватдай салласини слиб қўйиб, ёстиққа бош қўйди ва ҳар хил шаклдаги ямоқлар билан қопланган қўнжи бир қарич, қурушқоқ маҳсилни, қўпол ғўла оёқларини узатди. Фақат Мираҳмаднинг «Партия бошлигини алдаб бўлмайди», 30 дегани, ҳам колхозда обрўли комсомолканинг «Ўзим танлаб тегаман», деб унамаслик эҳтимоли даллоннинг таъбини сал хира қиласар эди.

Гап шундаки, Мираҳмад ўзининг ягона яқин қариндошига гинахонлик қилишга ҳақли эди. Эшак бозорининг даллоли ўзининг ҳуштакбоз паттачисини ўтган йил ҳақиқатан уйлантирган эди. Содда Мираҳмаднинг бўйи етуқ қизи тўғрисида ўйлаган бўлса ҳам, бу фикрдан воз кечган эди. Аширмат: «Колхозчилар гердайган халқ бўлади. Одатда, тўй-томушани катта қиласилар. Чиқим 40 кўпаяди...» деган андишага борган эди. Шунинг учун нариги маҳалладан ювошгина бир ҳунарманд билан қуда бўлишга жазм этди. Лекин фотиҳа ўқилган кундан

203

бошлаб никоҳ ўқилгунча қудаларнинг оралари бузилиб, фотиҳа қайта-қайта чиппакка чиқаёзди. Даллол: «Келин тушираётиман, тўёнани олдиндан чўзиб қўй», деб ўз танишларига хиralик қилиб, анча пул йиқсан бўлса ҳам тўйни ўтказишда ҳеч бир ақлга сифмас равишда ғирромлик ва қаллоблик кўрсатди. Даллол тўй харажаглари учун туси ўчган, ямоқ-ясқоқ, нуқул майда қофоз пулларга Николайдан қолган ўтмас ақчаларни ҳам аралаштириб, номига беш юз сўмни бир тахта шалдирама қофозга ўраб, қудага жўнатди. Қуда бояқниш бу пулларнинг ярмисинигина минг азоб билан ўтказа олди. Келинга эса сандиқларда чириган, неча-неча тобутларга ёпилган нуқул доғ-дуғ кўхна кийимларни қаерлардан-дир сув текин сотиб олди, баъзиларни қўни-қўшилардан омонат кўтарди, никоҳ оши учун гуруч ўрнига оқшоқ юборди. (Даллол ўз қўли билан ясаган нишолданнинг мазаси ҳақида сўзлаб ўтиришнинг ҳожати йўқ!) Бу ғирромликларга, пасткашликларга қиз томон, ҳақиқатни айтгандা, тақдирга тан бериб, мардона дош берди. Рўй берган жанжаллар, келишмовчиликлар, чапланышлар, койинишлар орани бузмади.

Хўш, гап шундай экан, нима учун Аширмат Тансиқ-қа совчиликка келди? Бундан уч кун бурун Аширмат «эшакни вақтида сугормаган ва товуқларининг тухумидан иккитасини бугун эрига қўймоқ қилиб берган» келинини ҳовлида эговламоқда экан, эшикдан Боқижон кириб келди. Келиннинг айбини ошириб-тошириб ўғлига чақди ота. «Арслон қомат» йигит мушт кўтариб, шундай ўдағайлодики, нозик-ниҳол, жажмонгина келин бояқиши худди йиртқичга дуч келган қўёндай, дир-дир титраб, ялина бошлади. Боқижон отасини аллақандай сирли бир имо билан имлади. Аширмат ўғли орқасидан уйга кирди. Боқижоннинг, балиқнинг кўзидаи ҳамиша бемаъни чақчайган кўзлари ташвишли, ҳатто ўйчан кўринар эди. «Бозор гули» Аширмат ҳайрон бўлиб, ўғлининг қаршисига бўшашибгина чўккалади. Унинг тириш бўйнида яна қандайдир яра ва безлар пайдо бўлганини кўриб, ота эрта-индиндан қолдирмасдан биронта илон ва кирпитикан топиб, табибчиликка киришмоқ кераклигини ўйлади. Боқижон этик қўнжидан силлиқ тахланган «Қизил Ўзбекистон»ни олиб, аста оча бошлагач, отани ваҳима босди: «Оббо, муғамбир аталадиган шумтакалардан бири ўғлимнинг мева бозоридаги ишларидан

бохабар бўлиб, газетага ёзибди шекилли», деб ўйлади ичидা ва шошиб сўради: «Ҳуштагинг ўзингдами, арслонтой!»— Боқижон тиржайиб, бошини қимирлатди-да, газетадан кўз узмай, деди:

— Мана бунга қаранг, Мираҳмад тоғанинг қизи тўғрисида ёзишибди!

— Нима? Мираҳмадининг қизига нима бўпти?— енгилланиб сўради Аширмат.

— Мираҳмад тоғага роса омад келибди. Тансиқ колхозда звено бошлиги экан, юз центнерчи бўпти. Унинг 10 ишини, пахтасини газетда жуда мақтабди-да. Қалами ўткир одам ёзганга ўхшайди. Энди қариндошингизнинг сандиғи пулга, омбори донга тўлади.

— Майли, болам, тўлсин,— деди айёрча қулиб Аширмат.— Мираҳмад жуда содда, қўли очиқ деҳқон. Худо хоҳласа, қишлоғига борсам, анча нарса юлиб-юлқаб келаман.

— Гап юлқашда эмас, дадажон, Тансиқ орден олади. Кейин-кейин биронта колхозга ё сельсоветга раис қиласидилар уни. Ҳа, бутун бир районга бошлиқ қилишлари ҳам ажаб эмас. Бундан кейин донғи ошаверади. 20

— Оҳо, қариндошнинг обрўсидан фойдаланишини хўп биламан-да,— керилди Аширмат томоғини тақиллатиб.

— Йўқ, бир нарсага пушаймон қиляпман,— деди «арслон қомат», балиқ кўз йигит.— Бултур чакки ўйланган эканман, дада. Мана, Мираҳмад тоғанинг қизига уйлансам, унинг бутун давлатига, бутун обрўсига ўзингиз хўжайн бўлардингиз-да!

«Бозор гули» пешанасини буриштириб ўйга ботди. Мираҳмаднинг қизи унга гўё хазиналар эшигини очиб юборди. Чиройли, нозиккина, камтаргина келин чўридай ишлаб, даллоннинг чизигидан қилча чиқмаса ҳам, қайната ундан рози эмасди. «Сичқон сифмас инига, ғалвир боғлар думига» дегандай, Аширмат каталакдай тор ҳовлида ўнта товуқ асраб, тухумларини бир кун уйда сақламасдан пуллашга элтар, лекин товуқларга дон сотиб олишни катта номаъулчилик, деб билар эди. Шўринг қурғур келин қўлига курак, чўлтоқ супурги ва бир қоп олиб, ҳар кун неча марта кўча айланиб, от тезакларини йиғиши ва улардаги арпаларни товуқлар титки-40 лаб тергандан кейин дарров таппи қилиб, деворга ёниши керак эди. Келин фақат мана шу юмушни оғриниб, хоҳланқирамай бажаргани учун «бозор гули» уни ёқ-

тирмас эди. Ҳозир эса, ўғлининг режасини ўйларкан, бу келиндан қўнгли жуда совиб кетди.

— Ақлингга балли, ўғлим,— мурожаат қилди Аширмат безларини қашиб ўтирган йигитга.— Бу хотиннинг баҳридан кеч! Мен эртагаёқ эшагимнинг бошини Мираҳмадниги бураман. Бу ишда ҳар бир соат фанимат, негаки, донгдор бой қизга харидор, ҳаваскор кўп бўлади. Дарров бошини боғлаш керак. Иншоолло, бу иш қийин бўлмас, муродимизга етамиз. Ҳа, сен шу дамдан

- 10 бошлаб манов дардисар хотиннинг оқини кўрсатма; шу кечадан бошлаб тескари қараб ёт. Ҳар ишдан, ҳар қадамидан камчилик топиб, ҳайқиравер. Ана шунда эрдан чиқишига ўзиёқ тайёр бўлиб қолади. Қорнида боласи йўқми? Оҳ, жуда соз, жуда соз! Ҳа, эртадан бошлаб бу дардисарни асл кийимларини бозорга элтиб сотавер, «Ишимнинг мазаси кетди, қора чақага зорман. Ўзимни ўнглаб олгандан кейин сенга қўша-қўша кийим қилиб бераман», дегин, уқдингми? Бу ишда дўқдан кўра ҳийла ва алдаш боп келади, уқдингми?

- 20 Ҳуштакбоз ва балиқ кўз Боқижон терисига сиғмай кетди. Қани иложи бўлса-ю, учиб борса-да, Тансиқни ўз қучоғига ола қолса! Лекин келажакка умид билан қараб, ҳозирча «Қизил Ўзбекистон» устига бошини эгиб, юз центнерчи қиз — ўзининг келажакдаги хотини ҳақидаги очеркни қайтадан ҳижжалаб ўқимоққа киришди у.

- 30 .Мираҳмад хуфтон вақтида қайтганида, ягона қариндоши даҳшатли хуррак тортиб супада ухлар эдики, агар хачирнамо катта эшаги ўнинг қулоқлари остида ҳанграганда ҳам уйғонмас эди балки; сигир-бузоққа қараб юрган Асалбиби ишни чала қолдириб, эрини айвонга чақирди.

— Нима гап ўзи?— у шивирлаб сўради ёнига чўқ-қайган эридан, гарчи юмуш билан овора бўлса ҳам, эр-каклар орасидаги гап Асалбибининг қулоғига чалинган эди.

— Совчиликка келибди қариндошим,— жавоб берди Мираҳмад.

— Пайқадим-а, сиз не жавоб бердингиз?

- 40 — Қулоғимни битиргандан кейин у, ўйлашиб кўрармиз, сўзингни ерда қолдирмасман, дедим...— алланечук бўшашиб, айборларча жавоб берди эр.

Асалбиби ғамгин хўрсииб, индамай, бошини эгиб ўйланиб қолди.

Эр ва хотин жуда аҳил эди. Буни бутун қишлоқ ҳал-қи билар ва мақтар эди. Ювош, содда Мираҳмад хотининг чизигидан чиқмас, Асалбиби эса «хотин учун эр пири ўрнида бўлади» деган қадимги дастурни ўз дилига маҳкам туккан эди. Ҳамиша меҳнатдошлик билан баҳамжиҳат рўзгор тебратиш ва болаларга ғамхўрлик уларнинг муносабатларини гўзаллаштирган эди. Асалбиби бошқа ҳар қандай муҳим иш бўлганда ҳам, эрига 10 эътироz қилмаган бўлар эди. Бироқ ҳозир ўз юрагида қандайдир ваҳм, ташвиш сезди, бу нарса сабабсиз эмасди. Колхозда обрўли, ўткир, ақлли қизи ва унинг жонажон кенгашчиси бўлган Тансиқни қандай қилиб у ўз қаноти остидан қаёққадир, каталакдай тор ва файзсиз уйга узатади. Бунга унинг кўнгли унча мойил эмасди. Айниқса, Асалбиби учун Аширмат бу гал жуда ёқимсиз, тасқара бир одам бўлиб кўринди. Эрининг ягона ва яқин қариндоши бўлган бу одамнинг феъл-автори унга маълум эса-да, бироқ унинг бугун тўсиндан кириб келиши ва ҳовлида тепки аравада шўхлик қилган қизига ириллаши, кейин унинг ҳуснини камситишга тиришганилиги сира-сира ёқмаган эди. Айниқса, Аширматнинг очкўзлигига, ифлослигига асло тоқат қилолмас эди. Аммо ўзи ўн беш ёшга тўлар-тўлмас узатилганидан, энди йигирмага қадам қўйган Тансиқ, унинг назарида, гўё қари қиз бўлиб қолаётгандай туюлар, гоҳо ваҳимага тушар, қизининг тўйини сабрсизлик билан орзу қиласи эди. Лекин шу вақтда — қизининг тақдирни ҳал бўлаётганда, юрагида нимадир ўпирилиб кетгандай бўлди, эрининг раъйига қарши сўзлашни ҳам, рози бўлишни ҳам билмай, тез-тез оғир хўрсииб, жим ўтираверди Асалбиби.

— Хўш, мум тишлиб қолдинг? Ичингдагини айт,— деди Мираҳмад бошини қашиб.

— Йигит қандай бўлган экан? Мен кўрганимда, ўн икки-ўн уч яшар, касал башара, писмиққина бола эди.

— Мен охирги марта кўрганимда, ўспирин эди. Жилла чакки бола эмасди, шекилли. «Тоғажон, тоғажон», деб эси кетган эди. Гап ҳуснда эмас, ақлда. 40

— Ишқилиб, отасига ўхшамасин-да,— деди Асалбиби куюниб.

— Тўғри айтасан,— деди эр нохуш кулиб,— ёши ул-
гайган сари қариндошим айнибди. Феъли қурсин унинг...
Бироқ аммам раҳматликнинг хотирини қиласан-да.
Ахир мендай бир қарич фарид етимчани ўз бағрига
олиб, яхшими, ёмонми парвариш қилган эди. Ҳа, яна
бева хотин. Биласан, бир товуққа ҳам дон керак, ҳам
сув... Яхшиликни унудиши одамга муносиб иш эмас. Агар
10 қизимиз манави даллолнинг қўлида қисилиб қолмасин
десанг, куёвни ўз бағримизга оламиз. Уйнинг тўри уни-
ки. Мана, катта колхоз, Тансиқ билан бирга ишлайве-
ради. Файрат қилса, у ҳам обрў ортиради. Қалай, маъ-
қулми сенга?

— Энди ҳамма гап қизингизда,— деди Асалбиби.—
Биласиз, замона қизларники... Юзи очиқ, кўзи очиқ,
ўзим танлаб тегаман, дейдиганлардан у.

— Наҳотки ота-она ризосини менсимаса!— деди хо-
тинининг сўзини кесиб Мираҳмад.— Наҳотки кўз қора-
чиғимдай қизимнинг баҳтини тиламасам! Оталик ҳақ-
20 қим йўқми ахир? Менда қалин олиш деган ният йўқ.
Колхозим, меҳнатим — мана хазинам. Аммамнинг хоти-
расини қилсан, қариндошларнинг ораси узоқлашма-
син, деган ўйим бор, холос.

— Ҳаммаси соддалигингииздан...— деди Асалбиби
ранжиган товуш билан.— Шошиб-пишиб рози бўлиб
қолдингиз.

— Розилик билдиргандай бўлдим, гапни даргумон-
роқ қилдим....— таъкидлади Мираҳмад.

— Хўш, Турғун акаларнида бўлган бултурги мояро эсингиздами? Турғун aka Ҳамидан чақалоқлиги-
30 да бир дўстининг ўғлига «бешик кертти» қилиб қўйган
экан. Ўн саккиз йил қудачилик қилишибди. Ҳамиша
ораларида борди-келди, ҳамиша ҳар ҳайнтда куёвча,
келинчага деб саруполар қилишган. Болаларнинг бўйи
етиб, оталари тўй бошлаймиз деганда, қиз қурмагур
бирдан оёгини тираб олади: «Тегмайман! Үлдирсанг
ҳам, оқ қилсанг ҳам тегмайман!» На ялиниш, на қар-
ғиши кор қилди қизга. Яқинда қиз бошқага тегиб кетди.
Ҳа, бундан бир-икки ойгина бурун Марайим жувозкаш-
нинг қизи — сельсоветда ишларди шекилли — ота-онага
40 билдирамай, тўй-томушасиз, нариги қишлоқлик бир йи-
гитча билан тил бириктириб, кетиб қолмадими? Қадим-
ги одатга бўйсунадиган қиз — энди анқонинг тухуми,
денг.

Мираҳмад айвоннинг устунига елкасини тираб, бир қўли билан пешанасини ушлаган ҳолда жим ўтири. Ҳалигина кайфи қандай чоғ эди. «Аммамнинг арвоҳини хушнуд қиласман, қизим ётларнинг қўлига тушмайдиган бўлди», деб ўз ичидаги суюнган эмасмиди? Уйга қайтганига, хотини билан сўзлашганига пушаймон бўлди. Бироқ ҳозир ўйлаб, ҳеч вақт унинг изидан чиқмайдиган, раъйини қайтармайдиган, ювош, жафокаш хотинининг хавфсирашига, тараддудига қарши бирон далил топишдан ожиз қолди. Хотини айтиб берган воқеаларни ўзи 10 ҳам билар эди-ку, нега боя эсига келмади? Наҳотки, у ўз қизининг тақдирини ўз орзу ва истагича ҳал қила олмаса? Наҳотки, Тансиқ ота-она розилигини олмай, биронта чаққон йигит билан тил бириктириб, ўз уясидан учиб кетса!

— Куйманг энди, ҳали тақдир нимани муносиб кўрар экан,— деди Асалбиби эрини юпатишга тиришиб.— Бориб қариндошингизни бир туртиб қўйинг, хурраги бутун қишлоқни кар қиласди-я.

Мираҳмад яхши эшитмади, у ўз хаёлида Тансиқ билан сўзлашмоқда, фарзанд олдида ота-онанинг мартабасини турли далиллар билан унга тушунтирмоқда эди... 20

Тансиқ эшикдан ҳовлига қадам қўйиши биланоқ чўчиғандай бир зум тўхтаб қолди-да, кейин супадан четланиб ўтиб, айвонга келди.

— Қайда юрибсан, очиқмадингми?— койинган товуш билан сўради она.

— Комсомоллар мажлисида эдим,— жавоб берди қиз.— Хўш, дадамга нима бўлди? Йўлда учради, кўзимга хафароқ кўринди.

— Чарчагандир-да, энди қариб қоляпти,— жавоб берди воқеани қиздан ҳозирча яширишга тиришган она.— Дарров қозондан ошингни ол!

Тансиқ қозондан паловни сузиб, айвон устига қўндирилган, икки томони очиқ шийпонга чиқди, чироқ ёқди. Үкалари қатор чўзилиб, қумтошдек ухлаб ётар эдилар. Ҳушбўй, сермой паловни қон-қизил помидори билан еб олди-да, қалин кўрпалар солинган янги, йилтироқ каравотда (буни ва бир гардеробни баҳорда район марказидаги катта магазиндан сотиб олган эди қиз) 40 ёнбошлаб, ёқимли, сўлим кечага хаёлчан тикилди. Пастда томорқада жўхорипояларни шилдиратган, пўсти тим қизил нафис меваларни гўё узатмоқчидай, шийпонга,

нақ каравот бошига шохларини чўзган шафтоли дарахтларини енгил тебратган маст шамол роҳатнинг ўзи эди .. Тансиқ қўлини узатиб, битта йирик шафтолини узди. Чироқда туки олтинланган пўстини шилиб, ширин сувини оқизиб еди, қўлларини, лабларини артди, токчадан китобни олиб ўқишга киришди. Бу — ўсимликларга доир қалингина китоб эди. Уни агроном Михаил Иванович содда, оммабоп китобчалар билан бирга берган эди. Тансиқ рус тилидаги бу китобга жуда қизиқди.

10 Баъзан бўш вақтларида уйда, баъзан дам олиш пайтларида чайлада аста-аста такрорлаб-такрорлаб ўқир, қийнала-қийнала маъносини уқишига тиришар, агроном учраганда тушунмаган масалаларни сўпар, у содда, очиқ мисоллар билан англатар эди. Айниқса ғўзанинг ўсишида даражабандлик қонуни, суфориш ва озиқлантириш тартиби, уруғларни яхшилаш, хиллаш масалала-рига доир бобларни фавқулодда қизиқиш билан берилиб ўқир ва амалда қўллашга уринар эди.

Шамолда липиллаган чироққа бошини яқин тутиб,

20 китобга тикилган қизни койиди она:

— Яна китоб! Эт энди, ёз туни бир тутам.

— Аяжон, бемалол ухланг, мен яна бир оз ўқий ..— китобдан бош кўтармай, деди Тансиқ.

— Ўзи не бало китоб? Сени авради-қўйди. Ошиқ маъшуқлар тўғрисидами?

Тансиқ беихтиёр кулиб юборди-да, ўрнидан турди ва токчадан луғатни олиб, тез-тез варақлай бошлади. Бу китобни тушуниш учун луғатни бир ҳафта бурун мактаб директоридан ялина-ялина олган эди. Китоб эгаси уни қофозга диққат ва қунт билан ўраб, ноилож берган эди. Тансиқ керакли сўзларнинг маъносини билиб олиб, китобга кўз югуртди-ю, қувониб кетди: «Агар сотса эди буни, қанча пул сўраса ҳам аямасдим», деб қўйди ичида. Мехрибон она бошини ёстиқдан кўтариб, уйқули кўзлари билан қизга қараб, ётишга буюргач, Тансиқ чироқни ўчирди.

XVIII

Уқтам узоқда, колхоз ери этагида бўлган бригада-40 нинг дала шийпонида қисқача тушунтириш мажлиси ўтказиб, индорага келди. Мирҳайдар, кўпинча ёлгиз қолган вақтида қилганидек, янги чуст дўпписини столга

қўйиб, ўйга ботган ҳолда хира ёритилган хонада ўти-
пар эди. У ҳорғин кўзларини сал қисиб, йигитни маъно-
дор табассум билан қаршилади. Ўқтам стулни қимир-
латиб ўтириши биланоқ раис кичкина, юмалоқ, гулдор
чойнакдан, енгил, юпқа жонон пиёлачага, одат бўйича,
озгина чой қўйиб узатди, кейин қаддини ростлаб, енг-
лари кенг ва узун оппоқ кўйлагининг очиқ ёқасини сил-
киб елпинди.

— Сени қаердан топсам экан, деб ўйлаб туриб эдим,
шу топда,— деди у.— Ярим соат бурун райондан қайт- 10
дим...

— Хўш, қандай янгиликлар бор?— деди Ўқтам ва
стулни яқинроқ суриб, раисга диққат билан тикилди.

— «Фарҳод»ни яхши биласанми?

— Кўрмадим, лекин донғини фронтларда эшитиб,
кўкрагимиз тоғдай кўтарилиган эди,— жавоб берди қи-
зиқиб Ўқтам.

— Баракалла. Аммо эшитган бошқа-ю, кўрган бош-
қа. Қўлни бу каттакон ишга ўргатиш яна бошқа. Шу-
кур, биз ана шу азамат қурилишга дастлаб дастпанжа- 20
мизни ҳалол урганларданмиз...— деди раис ва қиҳ-қиҳ
кулиб, давом этди сўзида.— Иним, мақтанчоқликни минг
ёмон кўр, баъзи вақтда мақтангинг ҳам келиб қолади.
Бу — зўр айб бўлмаса керак. Айниқса «Фарҳод» тўғри-
сида сўз борганда, ҳали сен деганингдай, кишининг
кўкраги тоғдай кўтарилади...

— «Сирдарёдан қуёш кўтарилади, мамлакатга нур
оқади», деб ёзишган эди, хотиримда бор,— деди фахр-
ланиб Ўқтам.

— Фақат нур эмас, у ердан чўлларга сув ҳам оқи- 30
ши керак. У ерда камида юз минг гектар ерни сугора-
диган каттакон канал қазилаётир...

— «Фарҳод» плани жуда пухта, жуда ақлли план
екан-да.

— Бўлмаса-чи!— деди Мирҳайдар.— Тез орада
«Фарҳод»да ишлар яна авжга минади. Гапни шу ердан
бошлишим керак эди аслида. Қирқ-эллик минг колхоз-
чи «Фарҳод»га ялпи ишга чиқишади-ю, пахта теримига
яна уйларига қайтишади. Биздан ўттиз киши бориши
керак. Мана янгилик, Ўқтамжон.

— Жуда соз,— деди Ўқтам шодланиб.— Эртадан
одамларни уюстираман, биринчи бўлиб ўзим ёзиламан.

— «Фарҳод» — бизга қадрли жой,— деди кулиб

40

Мирҳайдар.— Талабкорлар етиб ортади. Уларни юбориш ва керакли буюмлар билан таъмин қилишни ўйлаш керак бўлади. Сен ҳам бориб, бу улуғ ишдан бир топқир терлаб келсанг, чакки бўлмасди-я, бироқ бу ерда юмуш қалашиб ётиби.

— Энди пахтадан хавфсирамасак бўладими?— деди эътиroz қилиб Ўкта.— Олди пиша бошлади. Албатта, сиз бу масалада ҳар кимни бир чўқишида қочирасиз-ку...

— Раҳмат, яхши ғайрат қилдинг, халқни фидокорликка шайладинг, далада ҳосил бор, иним,— деди жиддий тус билан Мирҳайдар.— Мана, ҳадемай терим бошланиб қолади. Орадаги озгина фурсатдан фойдаланиб, чала-ярим ишларимизни битказиб олайлик. Терим бошландими, бош қашишга вақт қолмайди. Ҳа, теримга тайёрлик ҳам чакана иш эмас. Эски тажрибалар мени жуда мулла қилиб қўйган.

Ўкта, ноилож рози бўлиб, бошини қимирлатди. Қейин улар «фарҳодчилар»ни жўнатиш ва таъминлаш тўғрисида узоқ маслаҳатлашиши.

20 — Кимни бригадир қилсак экан?— сўради бирдан Мирҳайдар.

— Усаржон Султоновни,— жавоб берди узоқ ўйламасдан Ўкта.

— Балли, яхши бола, ўтдай бола,— деди Мирҳайдар ва дўпписини кийиб, ўрнидан турди.

Улар анча ергача аста юриб, гаплашиб кетдилар. Августнинг салқин туни ширин уйқуда эди Боғлардан, токзорлардан, полизлардан хушбўйлик анқир эди. Мана, ўнгдан, яхлит пахта майдони тепасидаги дала ший-30 понидан «Фарғона ялласи» юксала бошлади. Муқимийнинг алангали сўзларини кекса раис ҳам, юрагида севги ёнган Ўкта ҳам сеҳрлангандек, чуқур сукут ва ҳаяжон билан тинглаб, одимларини беихтиёр яна секинлаштиришда. Айниқса шўх куйнинг «Ўзим ҳар жойдаман, кўнглим сенدادир» мисраи қайтарилганда, ҳар гал Ўкталининг юраги ширин бир оғриқ ва соғинч билан тўлар эди.

40 Қўшиқ тун оғушида эриб йўқолар экан, Мирҳайдар бошини аста кўтариб, кўкка, юлдузларга қараб қўйдида, тағин колхоз ишлари ҳақида, халқни давлатманд қилиш тўғрисида салмоқланиб сўзлай бошлади. Колхозчиларнинг манфаати устида гапирганда, раиснинг сўзлари ҳамиша алоҳида меҳр ва оҳанг касб этар эди.

Шундай паллаларда унинг сиймоси Ўктам учун айниқса чиройли ва ёрқин бўлиб туюлар эди. Ўктам гидростанция қуриш тўғрисида гапириб, то пахтани йифиб олмагучча, уни бошлаш имконсиз эканига ишонганини билдириди.

— Тўғри, бу катта иш,— деди раис.— «Туяни ют, лекин думи оғзингдан кўриниб турмасин», деган гап бор.

Ўктам беихтиёр кулиб юборди.

— Ҳосилни даладан йигиб олайлик. Кейин қаттиқ 10 киришамиз. Лекин сен қурмакорликни жуда яхши кўрар экансан,— давом этди сўзида раис.— Илгари мен ўзим ҳам шундай эдим. Бироқ уруш қўлимни банд қилиб қўйганди. Ҳозир, билмадим, сендан юқдими, яна қўлим қичишияпти. Бирон иморатни бошлаб юборсакми?

— Масалан?— жонланиб сўради Ўктам.

— Масалан, болалар яслиси...— жавоб берди Мирҳайдар ва бирдан тўхтаб, толдан битта новдани юлиб олиб, одати бўйича гоҳ ўйнаб, гоҳ этигини саваб, давом 23 этди сўзида у.— Ҳа, ясли масаласи. Ҳозирча яслининг боғчаси яхши-ку, биноси эски, ҳам катта йўл устида. Чанг-тўзон кўтарилади. Болаларга сал ичкарироқда, оппоққина ширингина бино керак. Етарли ёғоч бор. Эски хумдонни ремонт қилиб, ишга соламиз. Мана, сенга гишт. Уста Азим билан уста Содиққа бир неча кишини боғлаб қўйисак, саккиз-ўн хонани ҳаш-паш дегунча қўққайтириб қўйишади. Усталаримиз мислсиз тезкор. Масалани правлениега қўйиб, қарор ҳам чиқарамиз.

— Бўпти, пойтеша товушини соғинганман,— мам-33 нунлик билан деди Ўктам.— Усталар ҳозир жилла банд эмас. Болалар — бизнинг кадрларимиз. Аслида колхоз уларники.

— Шундай, ота бўлганингда буни яна яхшироқ тушунасан. Ҳа, қачон уйланасан? Авжи вақти... Муҳаббат ҳам ўз вақтида ярашади.

— Бу масалада шошишга ҳожат йўқ,— деди ямланиб Ўктам.

— Бир кун «Элобод» колхози сени бағримдан узмаса эди...— деди айёрча илжайиб раис.— Яширма, ишқ-40 ни яшириб бўлмайди. Барини сезаман. Лекин дидинг яхши экан. У қиз — бахтнинг ўзи. Аммо сен дадилроқ ҳаракат қиласавер.

Ўқтам индамади. Мирҳайдар ҳам бу тўғрида ортиқ гап очмади. Йўлга сув тоширгани учун кимнидир сўкди. Гувиллаган тегирмон ёқасида улар хайрлашдилар.

Эрта билан Ўқтам онаси тайёрлаган бир лаган қуймоқни шоша-пиша еб, қайишни маҳкам боғлади ва тўғри Ўсаржон қошига келди. Йигитча лоладай қизил байроқчалар билан безатилган чиройли ҳаводор звено чайласида газеталарни кўздан кечирмоқда экан. У ҳар кун звеноларга газеталар тарқатар, ўз звеносида эса тушки дам олиш пайтида, энг муҳим мақолаларни ўқиб эшиттирар эди. Ўқтам «Фарҳод» ҳақидаги хабарни билдириш билан, Ўсаржон бирдан қувониб кетди.

— Ишни комсомолчасига ташкил қиласиз-да,— деди Ўсаржон кафтларини қашиб.— Ҳаммани ўзим мусобақага чақираман. Комсомол бургутлардан кўпроқ юборасиз фақат.

— Ишонаман, баланд донг билан қайтасан,— деди Ўқтам.

Улар бирга юриб, бригадалар, звеноларда суҳбат ўтказдилар ва «фарҳодчилар» рўйхатини туздилар. Қизлар звеносидан ҳамма қизгин орзу билдириди. Ҳакима акасидан ранжиб, кўзларига ёш ҳам олди. Ниҳоят, Анор ва Дилшоддан бошқасини қолдирдилар. Рўйхат тузилиб бўлгач, қаёқдандир Собир Эрматов келиб қолди.

— Мени ол, ука, халқ ишидан четда қолмайин,— мурожаат этди қатъият билан Ўсаржонга.

— Сиздай шоввозни жоним билан олар эдим. Бироқ кечикдингиз,— деди Ўсаржон жиддий тусда.

— Оласанми, ўйқми? Ёки ариза ёзиш керакми?— Собир сўради Ўқтамдан, қовоғини солиб, қўлларини белига тираб.

— Кўп гишфиша қилма, бу ерда иш тоғдай қалашиб ётибди,— жавоб берди Ўқтам.

Собир оғир бошини сал эгиб, узун, бақувват қўлларини вазмин соллаб узоқлашди. Лекин бир оздан кейин Ўқтам ёлғиз оёқ йўл билан идора томонига кетар экан, бирдан уни Собир ёқалаб олди.

— Дўйстингдан кўр, деган гап тўғри экан-да!— деди Собир титраб. Ўқтам унинг кўзларида болаларча ёлворишни кўрди ва иккиланиб, елкасини қисди.— Сен яна бир жиҳатни унутяпсан,— деди Собир бўғилиб.

— Нимани?

— Хўп мен қолай, у вақтда Анорхонниам қолдир,— деди Собир,— уни бир кун кўрмасам, юрагим ёниб кул бўлади...

— Оҳо, янги Фарҳод ва Шириналар!— кўзларини жўрттага чақчайтириб, қошларини ўйнатиб қичқирди Ўкта.— Сирдарё бўйларида ўз Ширининг учун қаҳрамонлик кўрсатмоқчимисан?

— Ҳазилни қўй!

— Борасан, тайёрланавер!— деди Ўкта Собирнинг 10 қўйини маҳкам, дўстона қисиб.

Икки кундан кейин қиём чоғида ўттиз киши араваларға ўтириб, қий-чув билан темир йўл станциясига жўнашди, у ердан поездга тушишлари керак эди. Мана, олдинги аравада Ўсаржон билан ёнма-ён керилиб ўтирган Собир ҳаяжонли, баланд овозини борича қўйиб, шўх ашулави бошлаб юборди. Ўкта ва раис илдам ҳайдалган, фийқиллаб чанг кўтарган қатор аравалар орқасидан анча вақт қўйларини силкиб, кузатиб қолдилар.

Ўкта чойхонага келиб, баланд тахта каравотда ён бошлади, каравот остидан шарқираб сув оқарди, тепасида қайрағочларнинг яшил чодири. Чарчаган йигитнинг кўзлари бир зумда мудраб кетди. Бир оздан кейин уйғониб, ўзипи хийла енгил ва тетик сезди, ётганда бошини қўйган қўйини силади ва чой сўради. Чойхоначи Дадамат дастлаб бир лаганда сап-сариқ анжир келтирди.

— Ўз боғимдан, тотиб кўринг,— деди Дадамат гурур билан. Анжир кулчадай қалин, йирик ва ҳолвай- 30 тардай юмшоқ эди.

— Тарвуз-марвуз йўқми? Бу — ичимни куйдириб юборади-ку,— деди Ўкта анжирга ҳавас билан тикилиб.

— Бу йил анжирим бошқача бўлди. Олинг, бол чайнагандай бўласиз.

Ўкта юмшоқ, хушбўй, ширин анжирдан бир неча дона егач, бадани қизиб кетди. Меванинг дамини босиш учун, зўр бериб аччиқ кўк чой ичди-да, хумдонни ишга солиш учун чора кўрмоққа жазм қилди. Эски хумдончини янги бедаҳона атрофига пахса ураётган ҳолда кўрди ва солинажак болалар яслисига ғишт етказиб бериш кераклигини англатди Ўкта.

20

Эски хумдончи — ярим ялангоч, пишиқ гавдаси офтобда куйиб, йилтираган ва кўзлари жуда қисиқ, юзи тириш, бир тутамгина соқоли қизғиши, дали-фули одам — ҳар ишга моҳир эди.

— Ремонт керак эмас,— деди у қўлини ишдан узмай.— Лойни хамирдай пишитиб, қолипларга уринг-ку, мендан тошдай қаттиқ, чиннидай силлиқ ғиштларни олаверинг.

— Жуда соз,— деди Ўқтам хурсанд.— Фақат кўп 10 гишт керак. Етказиб бера оласизми?

— Нима қийинлиги бор? Дастмоямиз — лой,— деди у,— бели бақувват бир неча шоввозни берсангиз, ғиштни тоғ бўйи қалаб ташлайман, акаси жонидан!

Бир тўда чапдаст гишт қуювчилар бошида хумдончи эртасига ёқиши билан қиришиб кетди.

Мирҳайдарнинг ўзи бино қуриладиган жойга усталарни чақириди. Бу — колхоз боғига яқин, ҳар тарафидан шариллаб сув оққан, шинам жой эди. Раис қўлларини орқасига қўйиб, йирик, текис одимлар билан ерни ўлчаб, бино ўрнини кўрсатди. Уста Азим билан уста Содиқ гоҳ-гоҳ бир-бирларига маънодор кўз қисишиб, раиснинг маслаҳат ва кўрсатмаларини диққат ва ҳурмат билан тингладилар. Бу колхоз усталари — бири серсоқол, лекин пакана, бири новча-ю, лекин кўса — ҳамиша, ҳар қандай қурилишда бирга, аҳил ишлар эдилар. Улар шарқча ва европача биноларни дўндирадар эдилар. Кексароқ, гоят мулоийм ва хушфеъл уста Азим ёғочсиз, темир-терсаксиз шарқча бинолар қуришда айниқса моҳир эди. Шеригидан ёшроқ, тундроқ ва муомаласи дағалроқ уста Содиқ эса фоят нозик ва мураккаб нақшлар санъатини ҳам мукаммал эгаллаган эди.

— Қани, ўн хонани қай йўсун ва қай тартибда жойлаштирасизлар?— сўради раис ўйланиб.— Шаҳардаги план чизиб берадиган мутахассисни қидиришга фурсатим йўқ. Ҳунарларингни, дидларингни роса ишлатиб, чиройли бино солиб берсаларинг, бас. Талабим шуки, хоналар кенг ва ёруғ бўлсин, қадди баланд бўлсин, ёзда салқин ва қишида иссиқ бўлсин!

40 Усталар индамасдан, бир-бирларига кўзларининг имоси ва қўл, юз ишоралари билан фикрларини тушунириб, анча вақт уриндилар, ип билан режа тортдилар ва кейин уста Азим жиддий тур ва санъаткорнинг фу-

рури билан ўз планини астагина тушунтирди. Эшиклар, деразалар, печкалар ва бошқа деталларни ҳам бир-бир кўрсатди. Раис қайта-қайта изоҳ сўради, ўйлади, ниҳоят, план унга маъқул бўлди, сенча қалай, дегандек бўлиб Ўқтамга қаради у.

— Яхши. Лекин ўртада миёнагина, сўлимгина бир зал бўлса, чакки бўлмасди-да!— деди Ўқтам ётиғи билан. Усталар бир-бирларига тикилишди. Уста Азим планинг бу нуқсонини дарров пайқаб, бошини енгилгина силкиди. Бироқ тунд уста Содиқ ер остидан Ўқтамга қовоқ солиб, ямланиб, деди:

— Томошахонаям даркорми?

— Уста, йигит тўғри айтяпти. Зал керак,— деди раис бир оз аччиғланиб.— Бутун ёз болаларнинг залимана бу ердаги кўм-кўк боғча бўлади.— Қўли билан ҳозирча яланг, кенг саҳнга ишора қилди у.— Қишида тўпланиб, ҳар хил ўйинлар қилиш учун зал керак.

Уста Азим қиҳ-қиҳ кулиб, шеригига деди:

— Мулла Содиқ, набираларингиз тағин демасинки, уста бўлмай қолсин бобом, зал қилмабди деб; бир яй-20 райдиган жой керак-да.

— Набираларингиз «чучвара қайнайду, ача менга бермайду»ни қишида қаерда ўйнайди?— деди раис ҳазиллашиб.

Усталар унча қийналмай зални ҳам чиқара билдилар, фақат бино яна катталашди.

— Материалга бой бўлсангиз, зални мундан ҳам сўлимроқ қилиб бераман...— деди раисга Мирсадиқ кўзи-ни қисиб.

— Ҳавас бўлса, анқонинг тухуми ҳам топилади,— 30 деди таъкидловчи товуш билан Мирҳайдар.— Етти ўлчаб, бир кес, ишни пухта ва сўлим қилишни ўйланг, уста Мирсадиқ. Усталар, охирги талабим шу: қулоқларингга тугиб олларингки, колхозда иш кўп, вақт оз. Бир новча билан бир паканани бел ушлаштириб, гап бўйдами ё файратда эканини синамоқчимиз.

Усталар бир-бирлари билан бирпас ҳазиллашишди, асқияга «бўй» мавзу бўлди. Шундай қилиб, ҳазил, кулги билан бинокорлик бошланиб кетди. Колхозчи азаматлар, бир томондан, бино пойдеворини ковлаб, иккинчи томондан, шиббаламоққа киришдилар. Раис катта шавқ билан бирпас уни-муни кўрсатиб турди-да, ўз

одатича ишга беихтиёр қатнашиб кетган Ўктамни чақириб, ўзи билан бирга далага олиб кетди.

- Бу йил пахта планини орттириб бажарсак, соғ бўлсак, жуда кечикса, келар йил туғруқхона учун бир бино қураман...— деди Мирҳайдар пича юргандан кейин.— Бу жуда керакли нарса. Буни мен кўп синадим. Район марказидаги туғруқхонага бизнинг аёллар сира боргиси келмайди. Ора узоқроқ. Агар у ерда тугса, яқинлари учун қатнаш қийин. Баъзи аёллар ёки улар-10 нинг эрлари докторлардан кўра ҳали ҳам кампирларга кўпроқ ишонади. Биласизки, доктор билан кампир орасида — агар бу кампир умрида юзта бола туққан бўлмасин — осмон билан ерча фарқ бор. Кўпдан буён бу фарқни англаб олганман.

- Қишлоқда айрим одамларда эскилик салқитлари ҳали ҳам оз эмас,— деди Ўктам.— Турмушни ўзгартиришга бепарво қарайдиганлар ҳам бор. Лекциялар ташкил этишини бошладик-ку, афсуски, уларни маълум тартибга солиб, оқартув ишларни ривожлантириб 20 юборолмай турибмиз... Лекин тугруқхона очишингизга мен ҳозирдан икки қўлимни кўтараман. Яхши орзу, яхши ният. Кутубхона учун шинамгина бир бино ҳам кепрак, кино, театр учун яна бир бино...

- Бари юзага чиқади. Қари кўнгилда ёш орзулар кўп, Ўктамжон,— деди мамнун илжайнб Мирҳайдар.— Бироқ ҳаммаси колхоз кучига боғлиқ. Пахта майдонини яна икки-уч юз гектар кенгайтириш мумкин эди. Наинки, борган сари дәхқончилик машинналашяпти. Бироқ ўз чегарамизда қўлга илинадиган янги ер йўқ ҳисоб. 30 Ёлғиз анов тепалар қолди...— раис бирдан тўхтади, узоқда, кўм-кўк даланинг этагида, қуёшда қовжираб, сарғиш йилтираган қияликларни қўли билан кўрсатди. Унинг орқаси чуқур жарлик эди.— У янтоқзордан, чамамда, ўн гектар қамраш мумкин...— деди раис қўлни у томондан узмай.

- Биламан, нуқул қиялик, ён багир тепалар-ку,— деди ўйланиб Ўктам.— Балки бир илож қилиб юқоридан бир ариқ сув келтирилса бўлар, лекин бу қияликлардаги эгатларда сув турармикан?
- 40 — Ана холос!— офтобда куйган пешанасини буруштириб кулди Мирҳайдар.— Яхши дәхқонсан-ку, ёшсанда. Сув тилини билиш керак. Тилини билсанг, сувни

минг мақомга соласан. Сўгориш ишида ўзбек колхозчи-
си сеҳрбоз-ку...

Ўқтам ўз ичидаги: «раис — бало» деб қўйди ва баҳор-
да у қияликларни, Мирҳайдар айтгандай, қамрашга
жазм этди.

— Хўш, кенгаш учун энди нима қолди? — худди ўз-
ўзидан сўрагандай деди раис, аста одим отиб.

— Йилдан-йилга ҳосилни ошира бориш! — деди Ўк-
там.

— Фикримни илиб олдинг-а. Механизацияга зўр бе- 10
риб, икки-уч йил мобайнида колхоз бўйича ялпи ҳосил-
ни икки ҳисса ошириб юборсак, ана у вақтда марра
бизники. Ана у вақтда қишлоқни томоша қил!

— Дангал йўлимиз шу. Қулочимизни чинакам ёй-
моқчи бўлсак, кеча-кундуз юқори ҳосилни ўйлашимиз
керак. Ўсишнинг илдизи, гуллашнинг сири шунда,— де-
ди Ўқтам кўтаринки руҳ билан.

Мирҳайдар ерни яхшилаш, шўрхокларни йўқотиш
чоралари ҳақида гапира-гапира, олтинчи бригадага
борганини сезмай қолди. Иккови бу участкани бир оз 20
айланиб, очила бошлаган қордай ғўзаларга, ҳали кўк,
гуж-гуж қўсакларга разм солишибди, кейин бошқа бри-
гадаларга ўтишибди. Ниҳоят, улар ғўзани охирги парва-
риш — «қирма чопиши»ни ташкил қилиш тўғрисида ўз-
аро фикрлашиб, кейин бригадаларни қисқа мажлисга
чақиришибди.

* * *

Ўқтам турли-туман юмушлар билан қанча банд бўл-
масин, қурилишни бир минут ҳам унутмас эди. Ҳар кун,
иш орасида, бир неча топқир хабар олар, уста Азим ва 30
уста Мирсадиқ билан бирпас ҳазиллашиб, ишни тезла-
тишга уларни ундар, материалларни муттасил етказиб
турмоқ учун жон куйдирар эди. Бирон нарса етишмай
қолса, бинокорлар унга мурожаат қилишар эди.

Бир оқшом Уқтамни раис йўқлатди ва Тошкентга
фир этиб бориб қайтишини таклиф қилди. Бу — унинг
учун сира кутилмаган нарса эди, кўзларини катта очиб,
таажжуб билан раисга тикилди. Мирҳайдар марказда
ҳал қилиниши лозим бўлган масалаларни ўз одатича,
шошмасдан, бир-бир айтиб берди ва, ниҳоят, деди: 40

— Бугун районда олган хабаримга қараганда, Тошкентга грузовойлар келган эмиш. Ёки келар эмиш. Биз спискага кирганимиз. Агар қадаминг қутлуғ бўлса, у ердан биронта шофёрни ёллаб, яп-янги машинага миниб қайтасан, пахта ташишда роса коримизга ярар эди-да. Баъзи кишиларимиз Тошкент томонга қанотини ростлаб турибди-ю, лекин сен борганинг маъқул. Ўзинг ҳам зап чарчадинг, бир оз шамоллаб келсанг, чакки бўлмас...

— Бўпти, отахон, эртагаёқ жўнайман,— рози бўлди
10 Ўктам.— Ишни саранжом қилгандан кейин пойтахтда бир кун гашт қиласман-да, қайтавераман. Иложи бўлса, бугун тунги поезд билан жўнаб қолсам бўлар экан.

Ўктам соатига қараб, шошиб ўрнидан турди ва ёндош хонага кирди.

Бухгалтер узун, ғадир-будур бурнига қўндирган кўзойнаги орқали Ўктамга нохушроқ қаради ва у талаб қилган керакли қофозлар, пулларни имирсилаб тайёрлай бошлади. Насимжоннинг ранги ўчинқиради. У Ўктамга папирос тутиб, қанча лаганбардорларча муомала қилишга тиришмасин, кўзларининг оқини ҳасад билан айлантирап эди.

— Йўл бўлсин, ака? Тошкентгами? У ерга бориб бир иш ундириш жуда мушкул-да, бунинг учун тажриба керак!

Ўктам папиросни ҳалқа-ҳалқа тутатиб, индамасдан тескари қаради. Насимжон қўлларини галифе шим чўнтакларига тикиб, бошини сал эгган ҳолда аста ташқарига чиқди. Бухгалтер Ўктамга зимдан қараб қўйиб, бирдан эпчилашди: бир қўли сейфда, бир қўли стол 30 тортмасида, дам ёзди, дам чўт қоқади. Ниҳоят, ҳамма нарсани ҳозирлаб, йигитнинг қўлини қисди ва даккамдуккам тишларини очиб кулди-да, ямланибгина, деди: «Оқ йўл тилаймиз».

Ўктам раис билан хайрлашиб, уйга келганда, онаси Сорабиби супада чучвара туғиб ўтирган эди, ўғлининг барвақт қайтганига ҳам ҳайрон бўлди, ҳам хурсанд бўлди, чунки Ўктамга қарийб ҳар куни овқатни иситиб берар эди.

— Болагинам-эй, яхшиям кела қолдинг... Чучварани иссиғида еганга не етсин,— деди она.

Ўктам пазанда она моҳирлик билан илдам туғиб, катта сопол лаганга қаторлаштираётган йирик-лўппи чучварага кўз ташлагач, очиққанини сезди.

— Қани, менинкин дарров қозонга ташлаб бера қолинг,— деди сабрсизлик билан Ўктам ва ҳовли саҳнида аскарчасига у ёқа-бу ёқа одим ота бошлади.

— Ўтири, дам ол!— бийлиги ўтадиган кишилар оҳангидида деди она.— Мен ҳаммасини туғиб бўлай, шошмасдан пиширай, кейин бирга ўтириб еяйлик. Балки синглинг ҳам келиб қолар. Ҳудога шукур, бу йил пахтанинг кўриниши яхши. Энди ортиқча ташвишланмасанг ҳам бўлади. Мен ҳам пахтани хўп биламан, ўғлим. Ишқилиб, далага барака берсин.

10

— Ая, ҳали хабарингиз йўқ, станцияга чиқишим кепрак. Тошкентга жўнайман,— деди Ўктам она қошига келиб.

— А?— Сорабибининг кўзлари нохуш айланиб кетди.— Яна нима гап? Онагинангнинг бағрида ўтираверсанг бўлмайдими?

Ўктам кулиб, сафарнинг сабабларини тушунтириди.

— Тинмағур йигит экансан-да!— деди Сорабиби уҳ тортиб ва тиззаларини ишқалаб ўрнидан турди-да, ошхонага томон юрди.

20

Ўктам ечиниб, ариқда ўбдон ювинди, хавфсиз устара билан соқолини қирди, кейин хонага кириб кийимларини янгилади, урушдан бурунги буюртма хром этикни, қора шерсть шимни, чўнтағи қопқоқли янги кул ранг кителни кийди, бошига гуллари қордай чақнаган чуст дўппини қўндириди-да, синглисининг қутисини очди. Ҳакиманинг узук, билагузуклари, зирақлари, марваридлари, маржонлари (қондай қизил шода-шода маржон онанинг келинликда таққан безаги эди) орасидан шоҳи рўмолчага ўралган орден ва медалларини олиб, 30 диққат билан кўкракка тақди, ойнага қараб, бошини гоҳ ўнгга, гоҳ сўлга бурди ва илжайиб ҳовлига чиқди. Кўп ўтмасдан Сорабиби буғланиб турган бир лаган чучварани супага келтирди, косадаги қатиқни қошиқ билан тез-тез шопириб, таом устига қўйди ва тухум шаклидаги кичкина қизгиш томоша қовоқчадан мурч сепди.

— Иштаҳангни очади, болам. Битта қолдирмай егин,— деди у меҳрибонлик билан; лекин у шошганидан, ўғлининг ясанганини энди пайқади. Унга бошдан- 40 оёқ тикилиб, ўз ичида «кўз тегмасин», деб қўйди.

— Олинг ўзингиз ҳам,— таклиф қилди Ўктам.

— Мен Ҳакима билан еярман. Ҳа, шошмасдан ея-

221

вер. Оташ арава кутиб турар. Эҳтиёт бўлиб ўтири, яна йиқилиб кетмагин, ўт сочиб, пишқириб, жуда тез югу-
рар эмиш.

Ўкта м қишлоқдан ҳеч қаёққа чиқмаган онанинг сўз-
ларига кулди, оғзини куйдириб, қайноқ чучварани тез-
тез ошашига киришди. Шу топда Ҳакима кириб келди.
Қиз ярқираган кетмонни бир чеккага қўйиб, нима гап
дегандай, онасиға қаради.

— Аканг Тошкентга кетяпти,— деди Сорабиби ўғ-
лига яна тикилиб.

— Ростми, жуда яхши,— қичқириди қувониб Ҳаки-
ма.— Янги чиққан романлардан келтирасиз, дурустми,
ака?

— Албатта, бир токча китоб келтирай сенга,— деди
Ўкта бошини қимирлатиб.

— Қўша-қўша рўмollаринг бор-ку, қизим, кўйлак-
лик дегин,— деди Сорабиби.

— Рўмолни нима қиласман? Мен роман сўраяпман.
Биласизми, роман деган китоблар бўлади, ая,— деди
20 хахолаб Ҳакима.

— Мен қайдан билай? Бизларни замонда ўқиш бў-
лармиди? Бувим раҳматлик қуръонни тутила-тутила
чала-чўлла ўқирди. Бутун қишлоқ ва атроф уни «отин-
биби» деб иззат қиларди...— деди Сорабиби бошини
чайқаб.

— Валасапид-чи? Е келтиришга қийналармикан-
сиз?— акасининг қаршиисига ўтириб, тикилди Ҳакима.

— Қийин эмас. Лекин Фарғонадаги магазинчига та-
йинлаб, пул тўлаб қўйгандим, мол келган бўлса, олиб
30 ҳам қўйгандир,— жавоб берди Ўкта.

Сорабиби, ҳаддан ошиб кетяпсан-а, дегандай қизига
маънодор қараб қўйди.

— Аяжон, пулни тугиб, сандиққа ташлашнинг нима
кераги бор?— деди илжайиб Ҳакима.— Ҳалол меҳнат-
нинг роҳатини кўриш керак. Ҳали қараб туринг, келар
йил акам билан бирга битта легковой машина ҳам ола-
миз. Ваъдангизни унутганингиз йўқми, ака?

— Иўқ. Албатта, келар йилга оламиз,— жавоб бер-
ди Ўкта шодланиб.— Мен ўзим ҳайдайман. Аямни
40 ясантириб, машинага ўтқазаман-да, қаёққа хоҳласа
олиб боравераман. Атрофни кўрсин, бир яйрасин.

— Ишқилиб, соғ бўлларинг, роҳатларингни кў-
рай,— деди Сорабиби кўнгли кўтарилиб.

Ўқтам лабларини артиб, ўрнидан турди, онасиға, синглисига меҳр билан бирпас кулиб қаради-да, сўнг хайрлашиб, кўчага илдам одим отди. Колхоз отхонасида кўпинча ўзи минадиган шўх жийрон йўргани минди ва отни станциядан қайтариб келиш учун, ювош бўз отни Жўрага таклиф этди. Лекин ёш чавандоз отлар орасида энг ҳангиги, энг ташлаб қочар чавкар айғирни танлаб минди-да, Ўқтамдан олдинроқ чанг кўтариб елиб кетди.

XIX

10

Аширмат меҳрибон, жонкуяр қариндошнинг уйида узоқ вақт меҳмон бўлиб қолди. Бу колхоз хонадонидаг‘и мўл-кўлликни, фаровонликни кўриб, эшак бозорини ҳам унутаёзди ҳатто. Ахир, бундай роҳат қайда?— Ҳар куни эрталаб иссиққина нон билан бир товоқ қаймоқ, пешинда ёғли этдан қайнатма шўрва ёки қиймали мастава, кечқурунлари қовурма, сермой палов... Башарти уй бекаси, содда, қўли очиқ хотин Асалбиби паловдан бошқа бирон енгилроқ овқатга уринмоқчи эканини сезса, Аширмат дарров қозон тепасига боради-да, қашиниб, йўталиб хириллайди: «Қуда бўлмишим, оқшомга нима пиширасиз? Палов эмасми? Ҳа, майли... бўлмаса, манти қилиб қўя қолинг. Манти кўп улуф овқат-да. Одамларни сараси ейди. Мантини сизлардек колхозчи-никида ошамасак, яна қаерда ошаймиз! Шундай бўлсин, маъқулми? Баракалла!» Асалбиби бояқиш индамай, қилаётган овқатини йиғишириб, мантига уриниб кетади. Баъзи кунлари Аширмат тушки овқатни егандан кейин, уй бекасига дейди: «Хўш, қуда бўлмишим, қани сабзини келтиринг, кечки палов учун мен ўзим тўғраб қўйай. Бўлмаса шошиб қоласиз, биламан, юмушингиз кўп, ҳам далада, ҳам уйда... яна сабзи тўғрамоқ ўзи бир ҳунар. Паловга сабзини нечоглиқ текис ва майин тўғралса, ош шунча ширин бўлади. Садағаси кетай, палов хўп нодир ва асл таом-да. Донишмандлар ўйлаб чиқарган бўлса керак...» Кейин чўзиб, салмоқланниб ўқиб қўяди:

— Ош-лар-ни под-шо-сидур па-лов!

Аширмат овқатлар орасида эртадан-кечгача чељак-лаб узум ейди. Томорқадаги бир қатор шафтолиларни 40 силкиб қоқади-да, дараҳтлар остида чўққайиб ўтириб,

223

ўлгудай ейди. Қейин олмалардан саралаб узиб, этакни тўлдириб супага келади-да, даккам-дуккам бесўнақайтишлари билан роса ғажийди. Қовун ва тарвуз бобида эса Аширматнинг иштаҳасини сўраманг. Ҳар кун тонгда, «Қовун есанг, саҳар е, саҳар емасанг, заҳар е», деб дўнгдай чўгирини битта ўзи, соқолларини ширага ювиб, уриб олади. Қейин кун бўйи чанқоқлик баҳонаси билан неча-неча топқир қовун ё тарвуз сўяди. Аширмат ўзининг очкўзлиги, айниқса, совуқ сўзлиги, ифлослиги билан ёлғиз бу хонадоннинг эмас, ҳатто қўни-қўшниларнинг ҳам жонига тегди. Болалар уни кўрсалар, худди илон қувлагандай қочадилар. Умуман Аширмат табиатан болаларни ёқтирумас эди. Ўз болаларини ҳам калтак ва қарғиш билан ўстирган эди.

Ниҳоят, бир кун Аширмат тушки овқатдан бирор соат ўтар-ўтмас, уй бекасидан паловга уринишини сўради. Асалбиби: «Бу ўлгурнинг қорнида аждаҳо борми?»— деб ўз ичидаги қарғаб, ош тадоригини кўра бошлиди. Паловдан кейин Аширмат тегирмончи қариндошини чақиртириди. Мираҳмад келиши билан Аширмат оғилга кириб, бўз эшагини эгарлаб, тўғри супага етаклаб келди.

— Кетаман энди,— гўё аразлагандай қовогини солиб деди у.

— Ўзинг биласан, майли,— деди Мираҳмад ва хотинига маънодор ишора қилди. Асалбиби уйдан отнинг калласидай иккита халтани базўр кўтариб чиқди. Эри уларни хуржунга соларкан, Аширмат сўради:

— Нима бу?

30 — Қора халтадаги туршак, сариқ халтадаги магиз,— жавоб берди аёл.

— Ҳали совғаларинг шуми? Э, қариндошларим-е,— заҳарханда билан қичқирди Аширмат, сўнгра аёлга қараб, деди:

— Хўш, меним олмам қани?

— Вой, унутибман,— қизариб деди эрига Асалбиби.— Кеча бир қоп олма териб қўйған эдилар, олиб чиқинг сиз.

40 Мираҳмад уйдан бир қоп олмани олиб чиқди. Аширмат эшакка хуржунни ташлади, хуржун устига кўндаланг қилиб олмани орттириб ва эгардан пастга эшак орқасига ўзи минди, лекин бир нимани унутгайдай, пешанасини қашиб, кейин Асалбибига мурожаат қилди:

— Тунов кун ёлғиз қолиб, зерикиб ошхоналарингга киргандим,— деди Аширмат хириллаб,— рўзгорларинг жуда бут экан. Шундай катта хум тўла қўзилаб турган мойга қўзим тушган эди. Нуқул думбани эритиб, хумга босибсизлар-да. Ана шу мойдан беш-ўн паловлик берсаларинг, қалай бўлар экан?

Асалбиби ялт этиб эрига қаради. Мираҳмад соқолини асабий равишда ямлаб ерга тикилди. Гўё қариндошининг илтимосини эшитмагандек. Асалбиби ошхона томон сустгина юриб кетди. Миёна қўшқулоққа мой бошиб, устини тоза латта билан ўраб, эрига узатди. Мираҳмад дам илжайиб, дам қовоғини солиб, хуржуннинг бир томонига қўшқулоқни жойлаштириди.

— Мулла Мираҳмаджон,— деди Аширмат бирдан ялинчоқ, юмшоқ ва қувончили товуш билан,— дастурхон устида берган сўзингни фаришталар ўша замоноқ қудрат қалами билан ёзиб қўйди. Энди сен бунда, мен унда тайёрлик кўраверайлик, дурустми? Аслида кор-хайрни орқага силташ яхши эмас. Ҳа, тўй дарагини эшитдими, йигитдан ҳам, қиздан ҳам уйқу қочади. Майли, тирми-зак қизинг пахтасини териб олсин... Куз охирида бир йўла келаман-да, тўйни дангал бошлаб юбораман.

Мираҳмад ердан кўзларини бир зум узиб, чарчагандай, уҳ тортиб қўйди. Меҳмон остонаядан ўтиши биланоқ Асалбиби ҳам гўё елкасидан оғир юкни ағдаргандек, бирдан енгилланиб, узун уҳ тортди. Эри эса қариндошининг феъли учун қизарди, хотинидан шикоят эшитмасликка тиришиб, секингина томорқага чиқиб кетди.

Аширматнинг эшаги, юки енгил бўлмаса-да, думини силкиб, пилдираб борар эди. У текин ем-хашакни мўлмўл еб, кучга роса тўлган эди. Унинг эгаси эса сафардан рози, кекириб вазмин чайқалар ва етимлиқда фақат туртки еб ўсган, узоқ замонлар чоракорликдан боши чиқмаган содда, ювош Мираҳмаднинг колхоз бағрида эришган фаровон турмушига ҳасад қиласади. «Майли, эндиги давлатнинг нишаби биз томонга,— деб ўйлар эди ичида Аширмат.— Қизи қўлга киргандан кейин бу содда қариндошларни бир соғиб ичайки... Бироқ қиз қурғур ота-онага ўҳшамайди-да. Қўзи қаттиқ, тили тез, димоғдор қиз бўпти. Лекин бизнинг Боқиҷон ҳам хийла пишиқ йигит; у маҳмаданани ўз қучоfigа олгандан кейин, «гаҳ!» деса қўлига қўнадиган қилиб олади ..» Бўз

- Эшак гоҳ ҳанграб, гоҳ пишқириб, илдам йўрғалар, ариқ-лардан бепарвогина сакрар эди. Аширматнинг кўзлари меваларнинг мўллигидан шохлари ҳар ёққа эгилган мевазорларда ўйнар эди. Мана, қадлари йўлга эгилган жийдазордан ўтар экан, Аширмат «ииш-ииш!» деб эшакни тўхтатди-ю, ҳали етилмаган, энди қизарган жийдаларни икки қўли билан барг аралаш юла бошлиди: «Эгаси борми! Колхозники — халқники. Мен олганим билан камаярмиди? Теги мўл, олавер!»— деб ўйлар ва ҳовучлаб-ҳовучлаб қўйнига уради, чопон орқасига итариб, ниқталарди. Ниҳоят, унинг орқаси ҳам, қўлтиқлари ҳам шундай қабариб, шундай оғирлашиб кетдики, қимирлаёлмай қолди; меваси шамолоқ-шамолоқ бир неча новданси синдириб, салласига қистирди-да, эшакни хихлади.
- Катта йўлга чиққанда, ўткинчилар — хоҳ катта, хоҳ кичик — бу баҳайбат кексанинг салласига қараб, лабларини буришар ё кулишар эди. Аммо Аширмат ҳеч нимани пайқамас эди. Ширали қўллари билан юзидан терини артиб, эшакда оғир чайқалар ва ўйлар эди: «Омад дейдилар буни! Колхозда атанган қизнинг бошини боғладим. Ҳукуматдан оладиган ордерини ўзи тақсинг, майли, лекин жамики даромади ўғлимники бўлади, албатта. Келинчак бир тийинини бесўроқ харажат қилиб боқсин-чи! Қараб тур, тўй харажатлариниям ўзларига ағдараман. Мен ўзим енгил-елли чиқимларни зиммамга оламан. Мана, тўй учун мева-чева даҳмазасидан ҳам қутулдим шекилли, хуржунда туршак, мағиз бор: қўлтиғим тўла жийда...» Бироқ шу топда Аширматнинг хаёли уйидаги сандиққа учди. Сандиқда ширинликларни сақлар эди. У ўз одатича, қаерга меҳмондорликка ёки тўйга борса, одамларнинг кўзини шамғалат қилиб, дастурхондаги энг сара мева-чевалардан ола-ола, киссасини тўлдирмаса, еган-ичгани татимас эди. Шундай қилиб, йиққан меваларини гоҳ-гоҳ бозорга элтиб пуллар, яна ортиқ ҳирс билан йиға бошлар эди. Ўйдан чиқишида сандиқ қалитини ҳар қандай айёр ва ўғри тополмайдиган жойга яширган бўлса-да, ҳозир юраги шувиллаб кетди. «Жувон ўлгур келиним мабодо қалитни топиб, мевага қўл теккизган бўлса-я! Нақ ўттиз икктишини қоқиб олай! Биламан, шу сандиққа қараб-қараб қўярди бадбахт. Ўйда ёлғиз қолгандан кейин қалитни бир қидиради, ҳа, оғзингдан қонинг келгур, мен сени

ҳали...» Ногаҳон Аширмат бир силкинди-ю, гуп этиб, ерга йиқилганини сезмай қолди. Бирпас жим ётиб, ке-йин юмшоқ тупроқдан бошини кўтарди, оёқларини ағ-дарилган қоп остидан базур тортиб олди-да, тиззала-рини силаб ўрнидан турди. Қаттиқ қоқилган эшак гўё афв сўрагандай, бошини қуёй солиб турар эди. Ашир-матнинг юзи, соқоли тупроқ, оғзи тўла лой. У оёқлари-нинг зирқираб оғришига эътибор қилмай чўққайди: қўйнидан тўқилган жийдаларга йиғлагундай қаради ва уларни билқиллаган тупроқ ичидан қалтираган қўлла-10 ри билан бир-бир термоқقا киришди...

* * *

Тансиқ сўнгги қирма чопиқни бажариб, шомга яқин уйга қайтганда даҳшатли башарани кўрмади, бирдан яйраб кетди. Бет-қўлинни ювиб, бошга чамбар қилинган соchlарини ечиб, орқага ташлади, ҳовлида укалари билан шўхлик ҳам қилишди. Онаси янги соғилган сутни катта хурмадан товоқларга лим-лим қуёйб, дараҳт шохларига осиғлик чамбаракларга жойлаштиргач, қизни супага чақириб, овқат қўйди.

20

— Ая, совуқ сўз ўлгур жўнадими? Назаримда, ҳовлими, уйимиз кенгайиб қолганга ўхшайди-я,— деди ха-холаб Тансиқ.

— Феъли ёмон, лекин масхара қилма,— деди она.— У дадангнинг биттаю битта қариндоши. Иккови болаликдан ака-уқадай бир кўрпада ўсишган экан...

— Майли, хоҳласа бизникида ёзласин, қишлиасин...— деди Тансиқ, жиддий тус билан.— Лекин кошки ўз қадрини билиб, жимгина еб-ичиб ўтиrsa... Мен унинг «қа-ни келин, қўлимга сув қуйвор!» деганига доғман. Нега 30 ундаи дейди, ўзи алжиб қолганми?

— Ўғли бор-ку. Сени келин қилмоқчи шекилли,— деди синамоқ учун она ва ҳадиксираб, зимдан қизга тикилди.

— Ўғлини пишириб есин!— деди Тансиқ қошларини киноя билан чимириб ва бурнини ҳам сал қийшайтириб; бир неча қошиқ палов егандан кейин ҳазилсимон сўра-ди у.— Ая, ростдан шундоқ нияти борми?

Асалбиби, қизим енгиллик қилиб, қариндош олдида яна шовқин кўтармасин, кейинча ётиғи билан сўзлашиб 40 кўрарман, деб воқеани яширган эди. Ҳозир қизнинг ав-

. . .

227

зойига разм солиб, қофияси келганда, сир пардасининг бир учини кўтаришни маъқул кўрди.

— Ростини айта қолайми, сенга совчиликка келибди. Даданг билан кўришиш биланоқ шу гапни очди...— деди секингина она ва бирдан жим бўлди.

— Ундан кейин! Қоранг ўчкурга нима жавоб берди дадам?

— Биласан, қариндошлийк — нозик нарса...— жавоб берди Асалбиби.— Қариндошнинг кўнглини оғритиб 10 бўладими, болам... Қиз ихтиёри отада бўлади. Ота нимага рози бўлса, қиз шунга бўйин эгади. Азалдан шундог бўлиб келган...

Тансиқ бир кунмас-бир кун ўз онасидан шундай гап эшитишини билар эди. Ўзи бирон йигитни танлаб, ман фалончига тегмоқчиман, деб онага билдиришни тасаввур қилишдан ожиздек эди. Баъзан шундай ўйлар эди: «Мабодо бир йигит менга боқса, у мени оламан деса... Мен нима дейман? Хўп дейишдан олдин ота-онани кўндиришим керак-ку. Аямга қай юз билан билдираман? 20 Анорхон хўп дадил қиз-да. Кўнглидагини онасига айтишдан тоймайди». Тансиқ бўшашиб, қошиқни товоқча аста ташлади, унинг хўрлиги келди. Аширматнинг совчи бўлиб келишини бирон марта, бирон он хаёл қилганмиди қиз?

— Дадам дарров рози бўлгандир,— деди Тансиқ бoshини қўйи солиб, мунгланиб,— биламан, қариндоши учун жонини ҳам аямайди дадам.

— Кўйма, қизим, ҳамма гап тақдирда,— деди она юпантирувчи оҳангда.— Қўлингдан тутиб, эртагаёқ 30 Аширматнинг ўғлига топшираётганимиз ўйқ. Лекин биллиб қўйки, ота номи улуғ бўлади. Қим билади, балки йигит отасига ўҳшамагандир...

— Ая, сиздан яширадиган сирим ўйқ,— деди Тансиқ самимий ва дадил.— Мен эрга тегмоқчи эмасман. Мен Тошкентга бориб ўқимоқчиман. Агроном бўламан. Мабодо эрга текким келса, ихтиёр ўзимда. Хоҳласам Аширматнинг ўғлига тегаман, хоҳласам ўзгага.

Асалбиби лабини тишлаб, қизга қовоғини солиб қараса ҳам, лекин юрагида бир зумда қандайдир енгиллик сезди, уни бир қанча кундан бўён безовта қилган қандайдир оғир ўй ва шубҳалар йўқола бошлагандай бўлди. Аширматга қуда бўлмоқдан чўчир эди она. Қизнинг узил-кесил эътирози унга далда берди. Қизни ас-

та-секин кўндиromoқ учун ўзи ўйлаб тўқиган ҳар турли ваъз-насиҳатлар, далиллардан воз кечди-ю, бироқ сир бой бермасликка тиришиб, ясама норозийлик билдирган товуш билан деди:

— Сен қизга гап уқтириб бўладими? Жуда билгич бўлиб, ҳаддингдан ошиб кетгансан.

Овқатни Тансиқ чала-чулпа еб, ўрнидан турди, дафтар-қаламини олиб, лекция тинглагали клубга кетди.

XX

Ўктам Тошкент вокзалидан кенг асфальт майдонга 10 чиққан ҳамон, нарида кескин жаранглаб ўтаётган, янги бўёқлари ярқираган трамвайга кўзи тушди. Бир қўлини чўнтакка тиқиб, лабига папиросни қистирган ҳолда атрофда қайнаган халқقا, асфальтда енгил сирпанган машиналарга аланглаб, салмоқдор, йигитона одим отиб, майдондан ўтди-да, остановкада шаҳарга ошиқкан олон-мон орасига кирди. Трамвай келгач, гала-ғовур ичида бирпас гангиб, ихтиёrsиз равишда бир сакраб, олдинги плошчадкага чиқди у. Ёрқин, шўх чивиқ шоҳи кўйлак кийган, бармоқлари қўша-қўша узукли, тим қора сочли, 20 қошлирига эгма қилиб ўсма қўйган ёш аёл — трамвай ҳайдовчи унинг йўлини тўсди: «Хўш, карточкангизни кўрсатинг!»

— Виноват, опажон! — деди шошиб, довдираб Ўктам ва ўзини дарҳол ичкарига урди.

Бирпасдан кейин вагоннинг очиқ деразаларидан юксак бинолар, бир қаватли уйлар, деворлар, панжаралар ва тротуарлар бўйлаб ўсган кўм-кўк дараҳтлар фир-тир ўта бошлади. Ўктам шаҳар ичини кўрмаган эди. Юмушларни бажаришга киришиш учун қаерда трамвайдан 30 тушсам экан, деб ўйлади-да, ёнида ўтирган кишидан сўради.

— Воскресенскийда тушаверинг, илгариги Пиён бозорда,— деди у.

Ўктам илжайиб қўйди. Тошкентнинг бир кўп жойла-рининг номлари ва уларнинг таърифларини эшитган эди. Трамвайдан тушиб, қандайдир мастларни қидиргандек, ҳар ёққа аланглади: бу ерда ҳар томондан трамвай жаранги эштилар, қатнов ва сурон зўр эди. Ўктам бир оз юриб, кенг майдоннинг бутун бир томонини ишғол этган улкан кўркам бино қаршисида тўхтаб 40

қолди. Ўсталар юксак ҳавозаларда унинг ташки пардозини ясамоқда эдилар. Майдоннинг бир томонида соғиқ Пиён бозорнинг кулбалари бузилмоқда эди. Ўкта машиналардан сукланиб қарай-қарай узоқлашди. Қуёш тик бўлишига қарамай, кенг йўлкаларда иссиқ унча сезилмас эди. Қарийб ҳамма кўчалар гўё ям-яшил туннель ташкил қиласар эди. Муаззам тераклар, қайрағочлар, акациялар, ўзга жайдари ва ҳар нав декоратив янги дараҳтларнинг кўмкўй булути ҳавони қоплаган. Ўкта машиналарни яшил гирдобдайдай товланган, мавжланган скверга чиқиб қолгач, қуюқ кўланкадаги скамейкалардан бирига ихтиёrsиз равишда ўтириди. Гулзорлар қуёшда ранглари билан кўз қамаштириб ёнар эди. Салқинда майсалар орасида қора сочили ва сариқ сочили болалар умалаб-думалаб юрар эдилар. Тўрт томондан, яшилликлар орасидан фир-фир югуриб чиққан машиналар сквер майдони орқали фатфут билан яна яшилликлар қўйнига учарди. Университет — дорилфунун биноси олдида ва паркда фуж-фуж студентлар, студент қизлар — руслар, ўзбеклар ҳам Ўргита Осиёнинг ўзга халқлари ёшлари қайнар эдилар.

Ўкта машиналарни яшилликлар орасидан, скамейкаларни ярим ҳарбий кийимда икки студент оппоқ картонни ёйиб, қандайдир иншоотнинг плани устида ўйлаб, бир-бирларига нималарни ўқтироқда эди. Уларнинг бири худди ўспириндай, иккинчиси — қўлтиқтаёт ушлагани қаримсиқ ва рангпар эди. Уларнинг иккиси ҳам худди фронтда гоҳо тамаки танқис бўлган вақтдагидек маҳоркани ҳузур билан тортар эди. Ўкта уларни гўё ўзининг соғинган фронтовик дўстларида сезди, студентларнинг ёнига ўтириб, отамлашгиси келди-ю, яна ўзини тийди.

Бу ерда ўтироқ, томоша қилмоқ қанча роҳат бўлмасин, йигит соатига қараб, Қишлоқ хўжалик министрлигини қидириб топиш учун ўрнидан турди, мумкин бўлса бугун фақат машина масаласини ҳал қилмоққа жазм этган эди у: ё бор, ё йўқ, ё қачон. Агар иш ўнгдан келиб, машина қўлга кирса, магазин ва складлардан олинадиган буюмларни машина кабинасига, ёлланган шоффёр ёнига ўтириб, эрта ё индин бемалол кезиб сотиб оламан, деб ўйлаганди.

Министрликда жуда кўп бўлимлар бор экан. Ўкта коридорда аста юриб, эшиклардаги ёзувларни ўқиб, қаёқка бош суқишини билмай, боши қотганда, лоп этиб

қаршидан таниш киши чиқиб қолди. Бироқ бу Ўкталини пайқамади, қўлидаги қофозлар билан банд ҳолда хоналардан бирига жўнаркан, йигит унинг отини эслай олмай,—«Агроном ака!» деб қичқирди. У киши бошини кўтарди, кўришмоқ учун қўлинин узоқдан чўзиб келаётган йигитга гумонсираб тикилди-да, керак бўлса ола қол, дегандай, бир қўлинин узатди.

— Унутдингиз шекилли-а?— илжайиб, танишнинг қўлинин қўйиб юбормай,— деди Ўкта.

— Э-э-э... йўқ, йўқ...— деди у шошиб,— уч булоқлик-10 ларни каттадан кичигини биламан. У ердан эмасмисан? Кўзимга илиқ кўриняпсан...

Ўкталини кулиб, боши билан тасдиқлади.

— Худди ўша ердан-да!

— Хўш, хизмат?

— Бир минутгина... ўртоқ Шодибеков!— деди Ўкталини танишнинг фамилиясини эслагани учун ичидан жуда хурсанд бўлди.

— Пажалиста... қани, юр,— эшикни очди Шодибеков.

Ўкталини районда Райзо бошлиғи бўлиб бир неча йил хизмат қилиб, урушдан сал бурун бўшаб кетган Шодибековнинг кичкина, лекин кунгай бўлгани учун жуда ёруғ кабинетида стулга аста ўтирган ҳамон саволлар остида қолди.

— Қайси колхоздан? Фронтда ҳам бўлдингми?— сўради Шодибеков Ўкталининг кўкрагига қараб, таралмаган оқ-қора аралаш сийрак сочли чўзинчоқ бошини бир қўлига қўйиб, тирсагини стулга тираб.—Пахта қалай? План чангальдами? Ҳа, Василий Иванович Акас-30 кин бардамми? Дуруст одам, пишиқ агроном.

— Бизда пахта чакки эмас, ўртоқ Шодибеков,— жавоб берди ўзини танитгандан кейин Ўкталини.—Албатта, ҳосил бир текис эмас. Масалан, «Элобод» колхозида ғўза жуда бўлиқ. Мен умримда бундайни кўрган эмасман. Шу билан баравар ўрта миёналар ҳам бор; планни бажарамизми, деб сўрасанг, ҳалитдан ранги дам ўчиб, дам қизарадиган раисларимиз ҳам йўқ эмас.

— Оҳ, ана шу бедаволар ишни пачава қиласади,— деди Шодибеков кичкина кўзларини нохуш олайтириб.— Ер — бир, қуёш — бир, сув — бир, уруғ — бир... лекин қўшнимнинг хирмони — Олатоғ, а, менини юракка доғ... Ҳамма гап, акаси жонидан, одамларда, колхоз раҳбар-

20

40

ларида. Буни кўп синагаиман, сочим пахтадай оқарди.
Қалай, қирма чопиқ қиляпсизларми?

— Албатта. Бизниклар шароитга қараб, баъзи ерда
культивация, баъзи участкаларда қирма чопиққа кўп-
дан буён киришишди. Раис Мирҳайдар ота бу ишга зўр
беряпти.

— Раисларинг пухта пахтакор,— деди Шодибеков
кенг деразадан тушган офтобдан паналаниш учун стул-
ни бир оз нари суриб.— Яхши, қизиқ фикрлари бор.
10 Нима бўлди-ю, бояқиш бултур планни чизи тўлдирол-
мади. Биз уни пахта усталарининг кенгашига чақирган
эдик. Келмади: «Уйимни ёритмаган чирофим, марказга
бориб машъал бўлармиди?»— дебди.

— У киши ҳар камчиликни ўзидан кўради...— деди
кулиб Ўктам.

— Ҳалол одам. Қариб қоляпти. Қўлтиқлаш керак,—
деди-да, Шодибеков ярқироқ, силлиқ пешанасидаги нў-
хатдай қизғиши холини — ортиқни бармоқлари билан
эзиб, ўйнаб бошдан-оёқ рақамлар билан тўла қофоз-
20 ларни иккинчи қўл билан варақлай бошлади. Ўктам
графиндан стаканга илиқроқ сувни қуйиб ичди-да, де-
ворга осилган ҳар хил карталарга, Ўзбекистонда пахта-
корликнинг ривожини кўрсатувчи диаграммаларга ти-
килди. Дала шабадасига, кенгликка одатланган йигит
учун бу кичкина кабинет сиқинтили эди. У елпиниб, бир
неча топқир «пупф-пупф» деб қўйди. Шодибеков буни
пайқагандай, кулиб бошини қофозлардан кўтарди.

— Ҳаммом, ҳаммом!— деди у. Оқ шоҳи костюми-
нинг тутмаларини ечиб, кейин соатга кўз ташлади.—

30 Ука, солдат, не юмуш билан келдинг? Ҳозир мени ми-
нистр чақириб қолади. Докладчам бор. Даладан айрил-
дингми, ана шундай қофозлар, рақамлар, схемаларга
гарқ бўласан. Йўқ, агроном учун дала худди она бағри-
дай. Далани, пахтани жуда соғиндим, ука. Қани, гапир.
Ўктам машина олгани келганини ва бунинг учун
кимга мурожаат этмоқ лозимлигини сўради.

— Шунинг учун Фарғонадан келдингми?— деди Шо-
дидеков телефон трубкасига қўл узатиб.
— Бошқа юмушларим ҳам бор,— деди қизаринқи-
40 раб Ўктам.

— Лекин бир жиҳатдан келганинг ҳам маъқул бўл-
ган: машинанинг хушторлари беҳад кўп.

Шодибеков телефонда ким биландир сўзлашаркан, ўқтам сердиққат қулоқ солиб, енгилланиб хўрсинди.

— Тушундингми? — Шодибеков трубкани қўйиб, кўзларини айёрча қисиб сўради. — Анча машина бор экан. Ҳали тақсим қилинмабди. Министрлар Советига югур. Икки қадам йўл. Ўртоқ Раевский билан гаплаш; спискага киритса — ишинг ўнг.

Ўқтам «раҳмат» деб Шодибековнинг қўлини қисди.

— Раисга салом айт! — деди Шодибеков қофозларни столдан илдам йиғиштириб.

Ўқтам пропуска бюросида Раевскийга телефон қилди. Аёл овози жавоб берди: «У киши мажлисда. Бир соатдан кейин бўлади». Йигит кўчага чиқди. Уч томони дараҳтлар билан ўралган Қизил майдонда қуёш сели тошарди. Ҳукумат уйи олдида қизғиш, гулдор, чўнг мармар постамент устида Лениннинг муаззам ҳайкали юксалган. Доҳий қуёшга ишора қилгандай бир қўлини маънодор ва гўзал ҳамла билан фазога узатган. Юрагида ҳислар тўлиб-тошиб, ўқтам ҳайкал теварагида анча вақт аста-аста юрди. Кейин Академия қархисидаги ёзлик чойхонада бир чойнак чой ичиб қайтди-да, телефонда Раевский билан сўзлашди. Шошиб-пишиб мақсадини тушунтириди унга.

— «Қаҳрамон» колхози спискада бор, бироқ...

— Нима учун бироқ? Атайлаб келдим! — қичқирди ўқтам сабрсизланиб.

— Эртага қатъий ҳал бўлади. Менимча, машина берилса керак. Эртага соат 12 да хабар олинг,— деди Раевский.

Ўқтам эшикка чиқиб, пешанасини қашиб, қаёққа боришини билмай, бирпас туриб қолди: «Ҳа, эртага оласан, деса-ку, биронта шофёрни зиёфат-миёфат қилиб қўлга олган бўлардим... Хайр, бугун гашт куни экан-да» ва Жангобнинг таърифини элатлардан кўп эшитгани учун Ўрда томонга бурилди. Анҳор тевараги ва сув юзи нашъали суронга тўла эди. Ўқтам кўприкнинг баланд темир панжарасига суялди. Пастда шовиллаб шўх оққан, қирғоқлари кўм-кўк Анҳорнинг салқин нафаси йигитнинг терлаган юзини, кўкрагини елпигандай бўлди. Сув юзида кичик мавжлар орасида йигитлар, қизлар енгил ва шўх сузар эдилар. Айниқса қуёш ва сувда баданлари тобланган болалар кўприк панжарасида худди учмоққа тайёрланган шунқордай, қулоchlарини кенг

10

20

30

40

ўйиб, бир зум тік туардилар-да, баъзилари бош билан ўқдай, баъзилари ҳавода чарх уриб, сувга отиладилар, ҳов аллақанча масофадан лип этиб бошларини күтара-дилар, яна қулоч отиб, ҳар нав мақомда сузадилар. Дастан Уқтам ечингиси келди. У яхши сузгич эди. Фронтда сувни ҳавога миноралардек күтарған снаряд-лар ва ўқ дўллари орасида дарёларни, неча-неча жилғаларни сузиб ўтган ва ҳар қандай сувдан тап тортмас бўлган эди. Лекин бугун обед у ёқда турсин, ҳанузгача

10 нонушта қилишга улгурмаганидан яна айниди. Ўнг қирғоқ тепасида бўёқлари йилтираган, шакли чиройли, завққа монанд янги биноларни, гўё нусхасини ўрган-моқчидай, узоқ ва берилиб томоша этди-да, кейин Навоий проспекти бўйича Хадрага йўлланди. Бу дарёдай қайнаган узоқ кўчага, ҳар қадамда қурилаётган катта биноларга у боладай қизиқди. Шундай кўчанинг Навоий исми билан аталгани учун у фаҳрланди ва суюнди. Фа-кат Шайҳантоҳурда трамвайга ўтириди. Хадранинг ҳал-қасига тўрт ёқдан қуишлиб яна чор атрофга оқсан ҳа-ракат ва сурон ичида бир оз кезиб, Жангобга қандай келиб қолганини пайқамай қолди. Пушкин парки қар-шисида, баландликда, стадион ёнбошидаги енгил ёзги ошхонага кирди. Бир-бирига туташ чойхоналарда одам қалин. Ўнгдан, стадиондан юксалган сурондан қулоқ кар бўларди. Ўқтамнинг димоғига кабоб ҳиди гуп этиб урди.

— Ўн сих кабоб,— буюрди паканагина, қувгина, шалпанг қулоққина официантга.

30 — Бошқа нарса?— кўзини қисиб томогини чертиб қўйди официант.

— Аҳа, майли, қани нима бор?

Официант бармоқларини бир-бир букиб, ичимлик-ларни айтаверди.

— Бир шиша «Ҳосилот»,— деди Ўқтам жиддий тус билан.

40 Официант сели оқсан, буғланган кабоб билан баррадай юмшоқ нон келтирди, шишани очди. Ўқтам олдин стаканни сипқариб, лабини ялади-да, кабобни пиёз ара-лаш ея бошлади. Лекин кабоб унга жилла ёқмади: «ка-бобхонни биз томонларда пиширсин-да!» деб қўйди ичида. Стадионда қий-чув сурон борган сайин кучаймоқда. Ўқтин-ўқтин бирдан осмон гувиллаб кетарди. Ўқтамнинг юраги ҳовлиқиб, кабобни илдам еб, шишани ҳам тездан

бўшатди. Пулни шошиб-пишиб тўлади-да, ўрнидан тўрди ва сурон гирдобига югарди. Фақат у стадионнинг ёғоч панжараларига ўзини урганда, футбол тугаб, халқчуввос билан кўтарилиган эди, муаззам майдондан тўлқинланиб, гувиллаб оломон дарвозага ёпирила бошланган эди. Ўктаам, афсусланиб, паркка кирди. Бу ерда халқ ҳали жуда сийрак. Гулзорлар, дараҳтлар орасида ҳар ёқقا тармоқланган топ-тоза йўлларда папирос чекиб, винонинг шира кайфи билан аста юрди, фонтанлар, панорамалар, мамлакатнинг қаҳрамонлари, донгдорлар 10 галереялари ва ҳар нав ажойиботлар олдида тўхтаб, томоша қилди. Дор қурилган майдонда болалар арқонларга осилиб ўйнамоқда эдилар. Ўктаам ҳам йўғон арқонни силтаб-силтаб кўрди, дор атрофида айланиб, унинг содда ускунасини қизиқиб кўздан кечирди. У болаликдан бу ўйинни севар эди. Уруш туфайли бир неча йилдан буён кўрмагани учун томоша этгуси келди. Қани, дорбозчи қўлига лангарни олиб, «бака-бака-банг» мақоми остида оҳангдор, енгил, жасур одимлар билан арқонда юра қолса ҳозир! 20

Тепаликда, қуюқ дараҳтлар остида, гиламчаларда тўп-тўп ўтириб, катта сопол лаганларга уюм-уюм сузилган паловни зўр иштаҳа билан бир-бирига қизиқиб ошашётган ёки палов учун ҳафсала билан сабзи, пиёз тўғратётган ошхўрлар орасидан ўтиб, пастга тушаркан, Ўктаамнинг юраги бирдан «шиғ» этиб кетди.

— Ўртоқ Салимова!— қичқирди у ҳаяжон билан.

Комила бурилди, кўзларини офтобдан қўли билан пана қилиб қараб илжайди-да, ёнидаги узун бўйли, қотма, қошлири туташ, оқ шоҳи шим, енги тирсаккача 30 ҳаво ранг юпқа кўйлак кийган ўспиринга нимадир деди ва Ўктаам томонга аста одим отди. Ўктаам югуриб бориб, қиз билан кўришди.

— Ўртоқ Носировми? Чақирган ким экан, деб чўчиб кетдим-а. Ҳа, ўзи нима гап? Қайси шамол учирди биз ёқларга?— деди Комила ва йигитга гўё уни биринчи марта кўргандай бошдан-оёқ разм солиб, мамнун кулиб қўйди, кейин бир неча қадам нарида бепарвогина турган ўспиринни имлади: «Укам Латифжон, танишинг». Ўктаам йигит билан элатларча самимият билан, 40 такаллуфсиз кўришди-да, унинг опаси билан банд бўлди.

— Бугун келдим. Оз-моз юмушларим бор. Хўш,

ўзингиздан сўрасак? Бу ерларда нйма қилиб юрибсиз?—
ҳаяжонли товуш билан сўради Ўкта.

— Мен кеча келдим. Самолётда. Колхозда юмушла-
рим бошдан ошиб ётибди-ю, лекин келмасликка иложим
йўқ эди. Аямнинг юраги касал. Бир ойдан буён. Тош-
кентда касалхонада ётибди. Ҳар кун мени йўқлабди...
Латифжондан хат устига хат оламан — кел, кел, аям
бетоқат бўляпти, дейди.

10 — Кўрдингизми, кампирнинг ҳоли қалай?— ғамхўр-
лик билан сўради Ўкта.

— Самолётдан тушдиму, тўғри олдига бордим,—
жавоб берди Комила хўрсиниб.— Хийла дуруст бўлиб
қолибди. Профессорлар, хавотир бўлманг, тузалиб ке-
тади, дейиши.

— Жуда яхши қилибсиз. Онанинг қадрига етиш ке-
рак. Она қайдай!— деди Ўкта қариларча жиддийлик
билан, кейин юришга таклиф этди.— Бир айланиб чи-
қайлик боғни.

20 Улар сув сепилган, тоза, юмшоқ йўлда гаплашиб ас-
та одим отиши. Ўртада Комила, ўнгда Латифжон, сўл-
да Ўкта. Самолётда илк марта учган қиз ўз таассуро-
тини жонли ва рангли тасвир этиб, Ўктамни кулдирди
ва охирда деди: «Ўтирдиму, сал ўтмай, ерга қўндим-а,
қарасам, Тошкент. Йўлнинг қисқаси ва яхиси осмон
экан, жоннинг ҳузури самолёт экан».

— Кейинчалик колхозлар битта-битта самолёт ола-
ди,— гапга қўшилди Латифжон.— Ана ўша вақтда,
опа, ўз самолётингизда учиб келиб, театрми, концерт-
ми кўриб кетаверасиз.

30 — Ҳа, бу фикринг яхши. Шундай кунларга тезроқ
етишайлик,— деди Комила.

— Колхозлар учун самолёт зарур нарса...— деди
қўл билан таъкидлаб Ўкта.— Чунки колхозни атроф
билан борди-келдиси кўп. Ҳа, самолётнинг хўжаликда-
ги роли? Чигирткаларни қириш, боғларни заараркунан-
далардан тозалаш учун дори сепиш...

— Бўпти, лётчикларни ҳозирдан тайёrlайлик,— де-
ди кулиб Комила.

40 Катта паркнинг пастлиқ, баландликларида бир оз
кезишгач, Комила оқсаб қолди, уни баланд пошнали,
қошиқдай ихчам туфлиси қийнар эди.

— Далада пошнасиз кенг этикка ўрганиб қолибман.
Баланд пошнада худди ёғоч оёқ кийгандай қилтиллай-

ман,— деди Комила сал оқсоқланиб юриб, шикоятли товуш билан.

— Ўзиям пошналарнинг новчаси экан,— деди Ўктаам қизнинг чиройли оёқларига кўз ташлаб.

— Олифталиктининг жазоси бу,— деди тегажаклик қилиб Латифжон.

— Олифталикт эмиш! Мен анав қизларга ўхшаб лабимни, тирноғимни бўядимми? Ҳа, энди икковлашиб мени бигизланглар!— деди жаҳли чиққандай қошларини чимириб Комила.— Хоҳласанглар бир оз ўтирайлик. 10 Мен бу паркни илгари кўра-кўра тўйғанман.

Ўктаам доира шаклидаги гулзор олдида тахтадан ясалган, зангори бўёқлари йилтираган топ-тоза, енгил, ҳар томони очиқ морожнийхонага таклиф этди. Комила эътиroz қилмади, устига қордай сурп ёйилган кичкина стол атрофида, табуреткаларга ўтиришди ва морожний буюришди.

Қиз пушти ранг янги крепдешин кўйлакнинг очиқ ёқасидан кўринган саратондай қизғин, қўёшда пишган 20 кўксини, қорамтири, кулимсираган юзларини оқ шоҳи дастрўмолча билан артди. Латифжон Ўктаамни дарров ўзига яқин кўриб, институти, имтиҳонлари ва ўзининг футболга қизиқиши, букунги ўйиннинг натижаси ва ҳоказо ҳақида бирпасда талай нарсани гапирди.

— Мен кечикдим-да. Шовқин-сурон, халқнинг қалинлигидан маълум бўлдики, ўйин роса қизиган... Сиз ҳам кўрдингизми?— Ўктаам мурожаат қилди Комилага.

— Кўрдим, ҳаммадан дарбозабонлари менга ёқди. Иккисиям олғир экан,— деди қизиқиш билан Комила.— Осмонга сапчийди, ерга ағнайди, тўпни илиб олади. 30

— Мен ҳам аллақачонлар Фарғонада иттифоқо бир кўрганим,— деди Ўктаам.— Дарҳақиқат, йигит ўйини. Колхозга бу ўйин ҳам керак.

— Бизнинг колхозчи йигитлардан уста ўйинчилар чиқса керак. Негаки, чарчашибни писанд қилишмайди.

Латифжон дарҳол сўзни илди — «Элобод» колхозида ҳаваскорлар командасини қандай ташкил этиш тўғрисида ўз мулоҳазаларини ёш, қизғин руҳли йигитчаларга хос бир қайноқлик билан ўртага отди. Кейин Тошкентдаги тренерларни хотирдан бир-бир кечириб, 40 ўргатиш учун улардан қайсисини таклиф этишини жиддий ўйлади ичидা.

Официантка сарғиш, қаймоқли морожний тўла тарелкаларни келтирди. Тани куйган чанқоқлар қошиқчаларни тўлдириб-тўлдириб ея бошладилар. Ҳаммадан бурун Латифжон тугатди.

— Яна?— сўради опаси кулиб.

— Йўқ,— деди Латифжон қатъий; кейин бирдан ўрнидан турди.—Мен кетдим.

— Қаёқقا яна, тинмагур?— сўради Комила ўзини оналарча тутиб.

10 — Тоғам барвақт кел, деганди. Биласиз-ку, кечаси меҳмонлар келади.

— Бўлмаса, олдин аямдан хабар ол,— буюрди Комила.— Ҳа, узум, шафтоли олиб бор. Опам эрталаб келади, дегин.

Ўқтам ўз суйгани билан ёлғиз қолди, суюнди-ю, лекин ичи титраб кетди бир зумда. Қиз буни сезди шекилли, индамасдан ерга қаради. Ўқтам тарелкани ҳам бўшатди. Энди нима тўғрисида гапирсун? Гўё Латифжон унинг тилини кесди-ю, олиб кетди.

20 — Қаерга қўндингиз?— сўради Ўқтам бир неча минут чўзилган сукутдан кейин.

— Менми?— жилмайиб бошини кўтарди Комила.— Тоғаларимнида. Икки тоғам бор, кампир бувим бор. Мен ўзим ярим тошкентликман. Саккиз-тўққиз йил яшадим, ўқидим бу ерда. Бугун эрталаб мактабим ёнидан ўтдим. Тўрт қаватли чиройли бино кўзимга шундай иссиқ қўриндики, нақ йиғлаб юборай дедим. Ҳовлисига кирдим, таътил бўлгани учун ҳеч ким йўқ экан. Ёлғиз эски қоровул учраб қолди. Бечора шундай хурсанд бўлдик, айтишга тил ожиз. Ундан-бундан гаплашдик. Кейин бир қанча муаллимлар келиб қолишиди. Улар билан ҳам узоқ суҳбат қилдим. Шунга хурсандманки, улар «Элобод»ни билишар экан; мени ҳам мақташди, сенга янги ютуқлар тилаймиз, ҳамиша олдинга бос, дейишди...

30 — Мен ҳам сафаримдан хурсандман,— деди Ўқтам, энди бир оз дадилланиб.— Айниқса сиз билан учрашиш антиқа иш бўлди. Бундай баҳтни ким ўйлабди? Кўнглимни хира қилган яна бир гумон, андиша бор эди. Йўқ, уни ҳам беҳуда эканига энди ишоняпман...

40 — Хўш, эшитайлик қандай гумон, қандай андиша?— столчага тирсагини тираб, бошини яқинлаштириб, Ўқтамга тикилди Комила.

Ўқтам папирос чекиб, бирпас қих-қих кулди-да, деди;

— Сув жанжали? У кеча дағалроқ гапирмадимми?
Кейин пушаймон қилдим, мендан хафасиз деб ўйла-
гандим...

— Вой ўлай? Сиз жуда ҳадиксирайдиган одам экан-
сиз-ку,— деди Комила тиззасига уриб кулиб.— Кошки
бу воқеа бир минутгина хаёлимга келган бўлса. Йўқ,
ўртоқ Носиров, сиз вазминлик қилдингиз, аксинча, мен
бир қадар асабийлашдим. Сув талашган бўлсак, сиз
ҳам, мен ҳам ўз қўриғимиз учун эмас, колхоз, ҳалқ ман-
фаати учун талашдик. Мендан кўра яхшироқ биласиз-
ки, кези келганда сув тепасида отангни ҳам танимай
қоласан... 10

— Ҳозир сувимиз еткудан ортиқ,— деди Ўктаам.—
Аммо бир ариқдан сув ичганлар орасида — сув оз бўл-
син, кўп бўлсин, аҳён-аҳёнда бирон чалкаш рўй бер-
ди-да.

Қиз ва йигит орасида койхоз хўжалиги, пахтачилик
ривожи тўғрисида қизғин суҳбат бошланиб кетди. Ҳар
иккисининг жонига бу мавзу — ғидо эди. Улар гапга
юракдан берилиб, гоҳ товушларини' барада қўйишар, 20
кейин теваракка секингина қараб, морожнийхўрлар-
нинг кўзлари уларда эканини пайқаб, гўё сирти мавзу-
да сўзлашаётганлардек, бирдан шивирлаша бошлар
эдилар. Гап узилганда Ўктаам ниманидир ўйлаб, гулзор-
лар орқасига, йўл четига қўйилган расмга тикилди.
Расм пахта даласи ўртасида бир хирмон! оқ булатдай
пахтани қучоқлаган теримчи қизни кўрсатар эди. Йигит
илжайиб қўйди. Зимдан кузатиб ўтирган Комила дам:
суратга, дам Ўктаамга қараб, кейин айёрча кулиб, ўсмоқ-
чилашиб сўради: 30)

— Нега илжайдингиз?

— Анчайин,— жавоб берди ва ўзига қандайдир гу-
мон билан маънодор тикилганини сезди-да, алланечук
қизариб кетди Ўктаам.

— Йўқ, айтасиз,— қистади Комила синовчи кўзла-
рини Ўктаамдан узмай.

— Ана шу қиз,— деди Ўктаам суратга боши билан-
ишора этиб,— бизнинг колхоздаги бир қизга ўхшаб ке-
тар экан...

— Им-м...— ингичка, эгилма қошини сал чимириб, 40)
сирингни билиб олдим, дегандек бошини маънодор қи-
мирлатди Комила.

— Ҳа, бунда не айб бор? Бир қизга жуда ўхшатдим,— деди ишонтиришга тиришиб Ўкта.— Ҳўб, сиз мана шу теримчи ботир қизга яхшилаб қаранг. Бир кун сизга бунинг колхоздаги шеригини кўрсатаман.

— Менга кўрсатишингизнинг ҳожати йўқ,— деди Комила сунъий бепарволик билан,— ўз кўнглингиз, ўз дидингиздан сўранг.

10 — Ўз кўнглим...— қизга қарашга ботинмай, бошини қуи солиб деди Ўкта ва ҳеч нима деёлмай бир минут жим қолди.— Кўнглимнинг иши бошқа...

Ўкта мөҳр, ёлвориш тўла кўзларини қизга тикди. Комиланинг юраги ҳовлиқиб кетди, унинг сиридан ҳам воқиф бўлаётгандай, теваракка ҳуркак қаради-да, бу мавзуга чек қўйишини истагандай, бирдан ўрнидан қўзғалди: «Мен кетаман. Чакиринг, тўлайлик»,— кичкина кармонидан пул чиқара бошлади қиз. Ўкта «Мен тўлайман» деб кителнинг кўкрак чўнтағидан шалдира-ма юз сўмликни илдам чиқарди. Официантка қайси қўлдан пул олишини билмай, бир минут иккиланиб, ке-20 ѹтин Ўктамникини олди. Эътиroz қилган Комилага кулиб қараб деди у: «Дўстингизни хафа қилманг. Одатда эр-как тўлайди».

Ўкта қайтарилган пулни санамасдан, бепарволик билан ~~ш~~им киссасига тиқди-да, бирпас ўтиришини қиздан илтимос қилди. Комила этагини эҳтиётлаб аста ўтириди.

30 — Қаерга ошиқасиз? Эртакларда бўладигандек бу шаҳри азимда, мана шундай сўлим боғда учрашиб қолдик. Киноми, театрми кўрсак?

— Жоним билан ўзимоқ сизга ҳар хил томоша кўрсатардим,— деди Комила қандайдир қадрдонлик сезги-си билан.— Лекин бу ерда бугун «Бой ила хизматчи» қўйилар экан. Кўп марта кўрганман, сиз-чи? Мана, сиз ҳам кўрган экансиз.

— Фарфона каналида улкан майдонда кўрсатишган эди,— қистириб қўйди Ўкта.

— Гап бунда эмас, ҳозир бир жойга бормоғим ке-рак,— деди Комила.

— Эрта-мерта борарсиз...

40 — А, мен эртага учаман,— деди Комила.— Бугуноқ учмоқчийдим. Бироқ тоғаларим, ҳалиги ўзбошимча укам қўйишмади. Ўзим бунда, эс-ҳушим далада...

— Тўғри, йиғим-терим пайти келяпти,— деди жиддий тус билан Ўқтам.

— Хоҳласангиз, бу ерда томоша қилинг ё Максим Горький, Тельман паркига боринг. Бешёғочдаги Комсомол кўли ҳам гашт қиласиган жой...

— Тошкент улуғ экан,— қистириб қўйди Ўқтам қизга телмурганича.

— Агар хоҳласангиз, зериксам ҳам майли десангиз, мен билан юринг, бир ўртоғимниги борамиз,— деди Комила ва унинг пича қалин лабидан енгил табассум 10 учди. Ўқтам бу таклиф чинми ё анчайин одамгарчиликми, илжайишнинг маъниси не экан, деб ичида ўйлади. Қизнинг кўзларида самимиятга қаноат ҳосил этгач, ўрнидан сапчиб турди.

Ёш сада дарахтларнинг кўм-кўк девори орасидаги айланма йўлларда ёнма-ён аста юриб, дарвозага йўналган катта йўлга чиқишиди. Боғ жонлана бошлиганди. Ясанган-тусанган тўда-тўда қизлар, йигитлар паркнинг яшил қучоғига ёйилмоқда, ҳар ерда гул хирмони, гулчиларнинг қўлларида, сават-сават, даста-даста гуллар 20 ёнади. Дарвоза олдида ёш, олифтанамо, гирдигум карнайчи дам бошини орқага ташлаб, узун, оғир, ярқироқ асбобини фақат лаблари билан кўкка қадаб, дам фақат бармоқ учи билан ушлаган ҳолда гир айлантириб зўр маҳорат билан чалар, ҳавони гумбурлатар эди. Ўқтам ва Комила карнайчининг санъатини ҳазилсимон кулги билан бирпасгина кузатиб, паркдан чиқишиди. Хадранинг ҳар вақтги суронида ҳайбатли автобусга ўтиришиди. Пассажирлар қалин эди. Комила чайқалиб, қисилиб Ўқтамга гоҳ суюлар, гоҳ бир қўлини унинг елкасига қўйишига мажбур бўлар эди. Йигитнинг кайфи чоғ, дам ўнг, дам сўлдаги ойналарга аланглаб, муттасил унибуни суриштирап эди. Сталин номидаги Текстилькомбинат районида автобусдан тушишиди. Ўқтам «уҳ» деб, кўярагини керди, юзидан терни сидирди. Комила «Тиқилинч қурсин», деб майин пушти ранг кўйлагининг ғижимларини қўллари билан силаб текислади-да, баланд пошнадан шикоятланиб, секин-секин одим отди. Яна кўп қаватли, балконли уйлар, катта магазинлар, дарахтзорлар, майдонлар, ям-яшил адил кўчалар бошлиланди.

— Бу ҳам Тошкентми ўзи, бир бутун шаҳар-ку!— таажжубланди Ўқтам.

- Бундақа ишчи районлари битта эмас Тошкентда,— жавоб берди Комила, кейин кулиб давом этди.— Яқин уртада Янгийўл шаҳри — Қовунчиям Тошкентнинг бир маҳалласи бўлиб қолса эҳтимол. Тошкентнинг бағри кенг экан. Бу шаҳарга самолётдан бир кўз ташласангиз... Чегараси йўқ бир боғ. Лекин ободонлик учун шаҳарда ҳали иш тоғ-тоғ. Эски маҳаллалар, кўрарсиз озми? Кечқурунги қуёш олтинида товланган кўмкўк майдончада рус, ўзбек йигитчалари, қизлари бош яланг, енгиз кўйлакчада, болдиrlари очиқ ҳолда қийчув билан волейбол ўйнар эдилар. Ўқтам ёшларнинг эркин-шўх ўйинини томоша қилиб, ичидаги ўйлади: «Бизнинг колхоз қизлари ҳаддан ташқари уятчан-да. Далада енгни шимариб, билагини очишгаям андиша қиласди башлизлари. Бари беҳуда уятчанлик, беҳуда тортинчоқлик. Мана бу кийим ўйин палласида қандай ярашиб турибди!» Кейин бирдан Комилани тўхтатиб сўради:
- Мана шу қизларнинг кийимидан эрта сотиб олсан, нима дейсиз?
- 20 — Кимга?— таажжубланиб сўради Комила.
- Синглимга! Бу қандай гап, қизларимиз кўйлакни товонга еткудек узун кияди. Қампирлар қарғайди...— деди куюниб Ўқтам.
- Тўғри, паранжи йўқолди-ю, лекин унинг қора сояси ҳали тамом йўқолгани йўқ. Мен колхозда чирик одатларга қарши чора кўраяпман. Ахир битта бригадиримиз, колхознинг обрўли одами, ўнинчи синфи битирган қизини зўрлаб эрга бермоқчи бўлди. Қиз йифлаб келди менга. Тўйини шартта буздирдим. Баҳорда ўзи танлаб тегди. Иккови шундай иноқ, бир-бирига шундай меҳрибон... Иккови ҳозир районда маорифда ишлади... Ҳа, мана, шу майка ҳам трусиқдан синглингизга сотиб олинг. Лоақал, уйда кияр...
- 40 — Аям дастлаб мени роса қарғайди-я,— деди Ўқтам,— аммо бир одати яхшики, олдин ўжарлик қилиб кейин қўлини силтайди: билганларнингни қилинглар, замона сизларники, дейди. Синглимга атайн велосипед олаяпман. Кўп йигитларимиз, ҳатто онда-сонда, ёши улғайган, соқоли бир қарич кишиларимиз ҳам уйларидан дала шийпонига велосипедда учадилар-ку, колхозчи қизлар нега минмасин?
- Жуда тўғри,— деди Комила.— Янгиликни тарқатища дадил бўлиш керак, халқ биздан ибрат олгани

яхши. Мен биламан, колхоз бошлиқлари эскипараст бўлса, аъзолари улардан баттарроқ бўлади. Хўш, синглингиз қалай, қайноқ комсомолкаларданми? Бир хил қизлар борки, кампирларнинг сўзини қулоқларига исирғадек тақиб оладилар.

— Бизнинг Ҳакима олов. Юзентнерчилардан. Ҳам газетхон, ҳам китобхон... Аллақанча китоблар буюрди менга.

Комила бирдан тўхтаб, атрофга диққат билан кўз югуртди, «Э... ўтиб кетибмиз-ку», деб орқага қайтди-да, 10 ўнг ёқдаги кўчага бурилди. Бу кенг, текис ва тинч кўча эди. Фабрикадан қайтган ишчилар қўлларига бел ёки кетмон олиб, кўча бўйлаб, суви шарқираб оққан ариқларга қарар, дараҳтларни, гулларни парвариш қиласр эдилар. Қарийб ҳар ҳовлидан радио янграр эди. Темир ёки ёғоч панжараларидан, паст деворлардан кўринган ҳар ҳовли бир боғча — бўстонча эди. Комила зангори бўёқ билан бўялган бир тавақали эшикни секингина итариб очди-да, кўзи билан Ўқтамни имлади. Улар ичкарига нечундир сўёқ учида секингина киришди. Бу ҳовли — теварагига олма, гилос, шафтоли, олухирот, нок дараҳтлари қалин ўтқазилган, ўртаси гул ва сабзавот билан яшнаган ширингина бўстонча эди. Қўлида гул-қайчи тутган, ёши элликка яқин, сочи оқу, қалин мўйлови тим қора, узун бурун, этсиз юзида чизиқлар кескин, содда каланкур кўйлагини қисқагина жомакор шимга нари-бери қистирган киши қиз билан йигитни кутиб олди.

— Ассалом, бардаммисиз, амаки,— шўх нашъали товуш билан қичқирди Комила.

— Вой, қизим Комиламисан! Қела қол, болам,— деб қизга қўл узатди уй эгаси, кейин Ўқтам билан ҳам қадр-донлардек қўл сиқишиди.

— Халил амаки, Зайнаб қани? Мен атайин кўргани келдим. Опоғойим соғ-саломатми? — сўради Комила.

— Тинчлик, омонлик. Ўзинг қалайсан? Колхозни обод қилиб ётибсан? Баракалла, йўқлаб келибсан. Ҳа, ўртоғинг Зайнаб институтга кетган эди. Ҳозир каникул бўлсаям, хабар олгани кетди шекилли. Тез қайтиб қолар. Онаси ҳозиргина қўшниларнинига чиққан эди. Қани, марҳамат, ўтиринглар.

Уй эгаси — Халил Йўлдошев бир чеккада қалангандан

30

стулларни кичкина, пастгина сўри остидаги стол атрофига келтирди. Уччовлари ҳам ўтиришди.

— Қайси институтга кирди? Қачон кирди? — сўради ҳаяжонланиб Қомила.

— Докторликка ўқияпти. Медицинский дейдилар шекилли,— жавоб берди Йўлдошев.— Бу йил тўртинчи-га ўтса керак.

— Ўзингиз ҳали ҳам заводдамисиз?

— Ҳа, Сельмашда. Сизларга ҳар хил машиналарни 10 ким ясаяпти? Биз ясаяпмиз. Ўн кундан буён отпускадаман. Эртадан-кечгача экинлар орасида ғивирлаб юраман. Опоқойинг стахановчи, Текстилькомбинатнинг олдинги аёлларидан бўлиб қолди. Орден олди. Бурноғи йил мен ҳам орден олдим. Яна бир медалми, бошқа орденми беришмоқчи шекилли.

— Жуда соз, қутлайман, амаки,— деди Қомила хурсанд бўлиб; кейин ҳовлига, уйга кўз югуртиб, давом этди сўзида.— Манав айвон чала эди, анов болаҳонача йўқ эди. Ҳовлининг планини ҳам бошқача қилиб юборибсиз... Ҳа, Жамил акам қалай? Тошкентдами? Комсомолда ишлардилар шекилли?

— Жамил аканг ҳозир Германияда,— жавоб берди Йўлдошев, кейин Ўқтам узатган қутичадан папирос олиб, аста тутатиб, давом этди сўзида,— 42-йил кузида чақирилган эди. Неча марта ярадор бўпти. Йўқ, герман ерига ўғилчам боши омон етди. Тез-тез хат оламиз. Лейтенант эмиш. Хўп, мен хабар олай опоқойингдан.

Йўлдошев ўрнидан қўзғалган ҳамон унинг хотини Шарофатбиби кириб келди. Қомила югуриб бориб қулоқлашиб кўришди.

— Вой онагинанг айлангур, бўйгинангга қоқиндиқ бўлай,— деб Шарофатбиби узоқ вақт бағридан Қомилани қўймади. Қомила унга меҳр билан бошдан-оёқ қараб, унинг сиймосида қарийб ўзгариш сезмади — ўшандай келишган тўлалик, ўшандай йирик, ўткир кўзлар, ўшандай соддалик ва қувноқлик: лекин соchlарининг оқи хийла кўпайган, холос.

— Ишларингиз яхшими? Орден муборак бўлсин!— деди Қомила.

40 — Ишим қантдай, қизим. Ҳалиям Текстилькомбинатнинг гулиман!— жавоб берди Шарофатбиби ўзига хос қувноқлик билан. Шарофатбиби Ўқтамни пайқагандан кейин Қомилани нарироққа имлаб, кулиб шивирла-

ди: «Қуёвингми? Қачон тегдинг!» Комиланинг юзи лов этиб ёнди, лабларини маҳкам юмиб, бармоғи билан юзини сидирди-да, секингина деди: «Таниш йигит, бизнинг томондан». Шарофатбиби рўмолини тузатиб, сўри томон аста юриб борди ва: «Хуш келибсиз, азиз меҳмон», деб Ўқтам билан сўрашди. Меҳмонларни хона ичига таклиф этди. Комила шу сўри остида ўтирамиз, деб унамади. Шарофатбиби электр чойнакда чой қайнатиб, столга дастурхон ёзди. Йўлдошев чой қуйиб, нон синдириди, меҳмонларни дастурхонга ундади.

— Ўз уйингдай бил, Комила. Олинг, яхши йигит!— деди Шарофатбиби стол атрофида айланиб, дастурхонни ҳар хил меваляр билан бойитиб.

Ўқтам бу содда, одамшаванди ишчи оиласида ўзини тамом эркин сезди. Ҳатто Комилага ҳам бу ерда анча дадил қарайдиган, эркин муомала қиласидиган бўлиб қолди. Шарофатбиби узиб келтирган гуллар ичидан бир парча оловдай ёнган кўркам қизил гулни танлаб, Комиланинг чаккасига ўз қўли билан қистириб қўйди. Қиз унга танбеҳловчи назар ташлади, чаккадан олиб, ҳид-лаб ўтириди.

— Сизлар қандай меҳмонсизлар? Қиёмдан олинглар. Кечагина шафтолидан пиширдим, жуда хушбўй бўлипти...— деди ейишга қистаб Шарофатбиби.

— Раҳмат, опоқойи, мен тотиб кўрдим. Жуда хуштаъм бўлипти,— деди Комила,— беҳуда овора бўлманг. Ўтиринг, соғинганман, гаплашайлик, Зайнаб ҳам кела қолмади.

— Биласан, ўртоғинг юримсак эмас,— деди Шарофатбиби унинг ёнига ўтириб.— Бутун ёзни китобга қараб ўtkазди. Ишдан, ҳар хил мажлислардан чарчаб қайтганимда, ойим билан сўзлашиб юпата қолай, демайди.

— Илгаридан шундай вазмин, камгап ўзи,— деди кулиб Комила.

— Йўқ, менга сира ўхшамайди,— деди Шарофатбиби шикоятланган оҳангда.— Оғир карвон у. Ёнимиздаги кинога ҳам аҳён-аҳёнда бир чиқади. Китобга тикилиб, хаёл сургани-сурган...

— Музикани ташладими? Мактабда қизлар орасида 40 пианинони энг яхши чаладиган Зайнаб эди. У дутор, танбурни қандай чертарди?— кафтларини бир-бирига уриб, шавқланиб ўртоғини мақтади.

10

— Яқиндагина пианинога эга бўлди ахир,— деди Шарофатбиби ифтихор билан.— Акасидан пул келган эди, ўз ёнимиздан ҳам пича қўшиб, сотиб ола қолдик. Машқ қилиб туради ҳайтовур. Хўш, нега ўз тўғрингда гапирмайсан? Колхозда раисмисан? Пишиқ-пухталигингни, ғайратингни бир қарич қизчалигингдаёқ билардим. Сен ё колхозинг тўғрисида газеталарда ёзиша, Зайнаб ўқиб боши кўкка етади.

- 10 — Мен содда дала қизи, пахтакорман, бутун йил ўйим, хаёлим пахтада,— деди қизил гулни қўлда ўйнаб, камтарлик билан Комила.

— Аҳ, пахтакордан айланай!— деди Шарофатбиби қизгинлик билан.— Ўзбекистоннинг ободонлиги пахтадан-ку! Пахта текстилькомбинатимизнинг, бошқа шаҳарлардаги яна юз-юз фабрикаларнинг жони... Қизим, баҳтли экансанки... пахтакорлик йўлига кирибсан. Бу йўлдан зинҳор-зинҳор тойма, йилдан-йилга пахтани кўпайтиравер. Шунда мартабанг, донғинг ошаверади. Бизнинг машиналаримиз толаси узун-узун, биринчи сорт пахтани яхши кўради. Буниям унутма...

— Тўғри, опоқойи, пахтакорликни севаман. Бутун юрагим билан ишлайман,— деди Комила қўзларини ёндириб.— Колхоз пахтаси қишлоқни йил сайин гуллатаяпти. Кўчаларимиз ҳали асфальт бўлмасаям, қора кулбалар ўрнига қатор-қатор баланд, ёруғ уйлар тушяпти. Қора қумғон ўрнини сизниги ўхшаш электр чойнаклар оляпти. Уйларда телефон жиринглайпти. Лекин булар — ишнинг боши. Қишлоқнинг эртаси — яна ҳам бой, яна ҳам улкан ва порлоқ...

30 — Яшанг, Комилахон,— Ўқтам билан қишлоқ хўжалик машиналари ҳақида гаплашаётган Йўлдошев қичқирди бирдан.— Ҳар бир қишлоқ ширингина бир шаҳарча бўлиши керак. Бири астар, бири авра эмас, бири пахса, бири железобетон эмас, қишлоқ билан шаҳар бир хилда бўлади, айниқса культураси тенг бўлиши керак. Партиянинг йўли мана шу. Тўғрими, Ўқтамжон?

— Жуда тўғри,— жавоб берди Ўқтам.— Ҳам бу улуғ ишни партия раҳбарлигида ишчи билан колхозчи иноқ бажариши керак, шундай эмасми?

40 — Албатта!— бошини вазмин қимирлатиб тасдиқлади Йўлдошев.

— Шундай яхши фикрларни биласиз-ку, менга бир оғиз айтмайсиз,— куюниб деди эрига Шарофатбиби.—

Маълумки сиёсий илмдан оқсоқроқман. Эшитдим, яқин орада бизда коммунистларни сиёсатдан имтиҳон қилишармиш. Мен эл орасида қизарсам, яхшими? Биламан, қачондан бўён партия аъзоси, актив бўлсангиз ҳам, барибир хотин-қизларга эскича қарайсиз.

— Ана холос! — кулимсираб, лекин жиддий тур ва оҳанг билан деди Йўлдошев.— Эсингдами, йиирма еттинчи йил шекилли, 8-март куни паранжингни бошингдан юлиб, ўз қўлим билан ўтга отмаганимди? Савод мактабига сени ўзим бошлаб бормадимми? Неча кун мендан аразлаб, кўз ёшини оқизган ким эди? Хотин-қизларга эскича қарап эмишман!

— Ҳаммаси ўтган гаплар... — деди Шарофатбиби қошини чимириб.— Ўтган иш билан киши мақтандайди. Ҳозиргиси керак! Шу пайтда сиёсий иш жуда керак бўлиб қолди.

— Хўп, эртадан дарс бошлаймиз,— деди Йўлдошев кулиб,— қулоғингдан чўза-чўза бир мулла қиласай сени...

— Керак эмас, энди кружокка қатнайман, бир гал ҳам қолдирмайман дарсни.— Қани, бир йилдан кейин 20 ким-кимнинг қулоғини чўзар экан! — деди Шарофатбиби кўзини қисиб.

Ҳаммалари бир зум кулишди. Шарофатбиби ўрнидан туриб, ошхона томонга кетди. Комила унинг ҳаракатларини олисдан кузатиб, овқат тайёрлашга киришганини фаҳмлади-да, югуриб ошхонага борди.

— Опоқойижон, ҳеч койинманг,— деди у ялиниб,— қорнимиз тўқ. Зайнаб келса, бир оз гаплашаману, жўнайман.

— Жаврама, қизим,— деди у қатъий равишда,— сен- 30 дек меҳмонга қўй сўйсак арзиди.

— Раҳмат, ҳеч нима керак эмас.

— Ўз қўлим билан аччиққина палов қиласман. Қани, емасдан кетиб кўр-чи!

Комила эътиroz этмакнинг беҳуда эканини билди,— Шарофатбиби ўз сўзли аёл эди. Қиз ҳовлининг ўртасида, ғишт ётқизилган торгина йўлакда аста юрди. Ҳовлининг қариёб бутун саҳнига чиройли план бўйича ҳар нав экин, помидор, пиёз, сабзи, картошка, укроп, бақлажон, кўк ва қизил гаримдорилар экилган эди. Буларнинг бари моҳир қўлнинг қунт билан парвариш қилганини кўрсатар эди. Девор бўйлаб юксалган дараҳтларнинг тепасида йирик-йирик ошқовоқлар қуёшнинг сўнгги

шуълаларни билан олтинланарди. Комила бир чеккада ғуж-ғуж очилган атиргулни ҳидлаб, ошхонага қайтди, чаққонлик билан сабзи тўғраётган Шарофатбиби билан у-бу тўғрисида гаплашиди.

— Комила, жўна, Зайнабнинг ўйига кириб дам ол. Алоҳида уйи бор,— деди Шарофатбиби.— Зинадан чиққанингда — чапда.

Комила бугун кўп юрганидан, турли таассуротлар мўллигидан, ҳақиқатан, чарчаган эди. Сўри орқасидан аста ўтиб, зинадан айвонга чиқди-да, сўлдаги ҳаво ранг эшикни очди.

Пастда, сўри остида, Йўлдошев билан сўзлашаётган Ўқтам ялт этиб орқасига, гарчиллаган эшикка қаради, унинг юраги бир зум ўйнаб кетди: «Бизнинг суҳбатдан зерикдими, нега уйга яширинди?»— деган савол кечди фикрида. Бироқ қаршисида ўтирган сезгир, ҳушёр суҳбатдошга сир бой бермаслика тиришиб, сўри тепасида осилган чиккабел ҳусайнини бошларига қаради. Кейин чой ҳўплаб, сўзини давом эттириди:

20 — Далада машиналар кўпаймоқда. Келар йил, сиз ҳали айтганингиздек, қишлоққа карвон-карвон машина киради яна. Универсалъ билан культивация қилсанг, ернинг дуосини оласан. Чимқирқар ҳам ҳикматли нарса. Ўфит сепишни ҳам машинага юкладик. Дехқончилик машиналари яна-яна яхшиланаверади.

— Заводда ҳамманинг фикри муттасил янгиликни қидиради,— деди Йўлдошев мўйловининг учини эрмак қилиб бураб.— Ёлғиз инженерлар, техниклар эмас, балки ҳар ишчи совет техникасига бир нима қўшсам, деб орзу қиласди. Партиямиз бу масалага бениҳоят зўр эътибор беради. Бир неча йил мобайнида кўзим ўнгиди қанча-қанча таклифлар амалга оширилди!— Йўлдошев бошини Ўқтам томонга секингина эгига, қандайдир сирли товуш билан айтди:— Яна қанча ажойиботлар то-пилдики, балки секрет. Совет ҳукумати жуда пишиқ, жуда ҳушёр! Шундай қилмаса ҳам бўлмайди. Замон нозик. Гитлер жаҳаннамга қулаган бўлсаям, дунёда буржуйлар бор. Буларнинг томирида у одамхўрнинг қони югуради...

40 — Балли, амакижон,— деди Ўқтам ғижиниб,— душманлар ўз лайчаларини ов учун совет ерига юборадилар. Лекин биз тузоқ ва қопқонларни усталик билан қўйсак, биронтаси изини яшиrolмайди...

- Хотиржам бўлинг! — деди илжайиб Йўлдошев.
- Яна механизация масаласи... — деди ўчган папиросни ёндириб Ўктам.
- Кампирнинг дарди гўзада, — деди Йўлдошев.
- Албатта. Сельмашчиларга даъвомиз бор-да, — давом этди сўзида Ўктам. — Мана, олдимизда терим турибди. Миллион қўл кун чиққандан кун ботгунча пахта теради. Ойлаб-ойлаб теради.
- Ҳали шаҳарлардан мактабларни, идораларни ҳам чақиравсизлар! — деди бошини силкиб Йўлдошев. 10
- Миллион-миллион тонна пахтани бармоқ билан битта-битталаб чаноқдан суғурамиз. Энкаясан, қайиша-сан, чўққаясан. «Тома-тома кўл бўлар», деган мақолшу теримга муносиб. Граммдан миллионлаб тонна ясаймиз. Терим ишида ҳозирча қўлдан бошқа механизм йўқ. Терим машинасини ўйлаяпсизларми заводларда?
- Оҳо, бўлмаса-чи! — деди сийрак қошларини ўйнатиб Йўлдошев. — Ҳамма ўй шу масала устида. Бироқ жуда ҳикматли машина керак. Машина учун терим но-зик ва мушкул иш. Лекин ақл бунга ҳам йўл топишга 20 киришган. Инженер Смирнов бир гуруҳ специалистларни ўз қанотига олиб, кўпдан буён ишлар эди. Бу йил мақсадга етди. Бу машина аввалги Турман вакуумдан анча яхши, қулай, тезкор бўлиши керак, дейдилар. Бу йил улгурмасалар, аммо келар йил синов учун далага чиқар...
- Улуғ иш бўпти-да. Тезроқ далага чиқсин-э... — деди суюниб Ўктам.
- Чиқади, ишонаверинг, — деди жиддий тус билан Йўлдошев. — Партия раҳбарлари ҳам бу машинани иш-30 га солиш учун зўр диққат қилиб, катта ёрдам беришапти. Теримниям машиналаштирилади. Машинанинг нуқсони бўлса тузатилади, ё яхшироғи ясалади. Большевиклар ишни охирига етказиш учун ҳеч қандай қийинчиликдан қўрқмайди, Ўктамжон.
- Ҳақиқат, синалган ҳақиқат! — деди Ўктам қизғинлик билан.
- Йўлдошев ўрнидан турди, нақ боши тепасида сўрида осилган, новдадан тўқилма чиройли қафасга қўл узатди-да, ичига қараб яна илиб қўйди. Лекин сувдон-40 га сув тўлдириш билан овора бўлди.
- Саъвани яхши кўрасизми? — сўради Ўктам қизиқиб.

- Отадан қолган касал бу,— кулиб жавоб берди Йўлдошев ва бармоқдай мис сувдоннинг бандини қафасга ўрнаштириди. Шу ондаёқ бир жуфт саъва тешикчадан бошларини чиқариб, нақ бир-бирларидан сувни қизғангандай, тумшуқлари билан тез-тез ича бошладилар.
- Эсимни қаранг, бояқишлиарни чўллатиб қўйибман-а,— деди Йўлдошев ачиниб.
- Дадангиз қушбозмидилар?— сўради Ўктаам анчалин ҳангама учун.
- Ишқибозликдан кўрама кўпроқ сабаби тирикчилик учун қуш ўйнарди у киши...— деди стулга ўтириб Йўлдошев,— яъни рўзгор ғамини саъвани қанотига улар эди, тушундингизми?
- Хўш, қани?— Йўлдошевга қизиқиб тикилди Ўктаам.
- Дадам раҳматликнинг қўли ҳар ҳунарга эпчил эди,— деди Йўлдошев жиддий тус билан мўйлов учларини галма-гал ҳимариб,— кези келса пичоқчи, кези келса сувоқчи... Бир вақт қарасанг — дукчи, бир вақт қарасанг — бачканадўз.... Аммо ҳеч вақт бечоранинг косаси оқармасди. Бола-чақа унча кўп бўлмасаям, бирор ҳунар өрқасида рўзгор тебратиш амри маҳол эди. У замонларда ҳунардан путур кетган эди, Ўктаамжон. Ҳунари чиппакка чиқиб, не ишга қўл уришни билмай қолган кезларида саъвани ўргатарди. Ў шўрлик қуш тилини билса керак, ҳайтовур саъва танга тишлаб келтиришга тезгина ўргана қоларди. Ана ундан кейин ёши улуғ, бўй дегани теракдай одам, тирноқдай қушчани қўлга қўндириб, шаҳар айланади, қаерда ёш-яланг тўпланган бўлса, катта чойхона ё гузар бўлса, у ерда ўйин кўрсатади: кимки хийла наридан чақа ё танга кўрсатса, саъва ўқдай учиб боради-ю, тумшуғида уни келтириб, дадамнинг кафтига ташлайди. Бу хизмати учун қуш дадамдан битта писта мағизини олади. Ана ўйин! Бечора қушбоз бутун кун саргардон юриб, кечқурун уйга бир кафт дон сотиб олиб қайтарди. Бир кун дадам нотоб бўлиб қолди. Мен ўн-ўн бир яшар боламан. Саъвани қўлимга қўндириб, пул топишга ўзим чиқдим. Лекин бу ерда шумтака болалар атрофимни ўрашди, биттаси бир ҳовуч кўксултон бошқаси гилос берди-ю, қушингни кўрайлик, деб саъвани қўлимдан олишди. Мен мева ейиш билан банд, у қурғурлар саъвани қўлтиққа солиб, ура қочицса бў-

ладими?! Ғазабим қайнаб, роса муштлашаман, деб ор-қаларидан югурдим, етолмадим. Йиғлай-йиғлай уйга қайтдим. Дадам мени юпатди. «Бошқа саъвамиз йўқ-ку», десам, у қўлини бепарво силтади: «Хоҳласам, бе-фаҳм мучичаниям ўргатиш қўлимдан келади», деди. Мен дадамга қадрдон бўлганидан, саъвани яхши кўра-ман. Бўлмаса, саъва булбулмидики...

Йўлдошев ҳикоясини гўё кўз олдига келтиргандай, 10 Үкта бошини аста тебратиб, ўз суҳбатдошига ғамгин тикилиб қолди.

— Эски замон қурсин, жаҳаннам эди!— деди хўрси-ниб Йўлдошев, кейин ўрнидан аста қўзғалди-да, йигитга мурожаат этди мулойимлик билан.— Бирпас шамол-ласак нима дейсиз? Пича ёруғ экан, мен сизга экинла-римин кўрсатай. Деҳқон кўзи билан қараб, мени яхши-лаб танқид қилинг.

— Хўп, башарти тажрибам сизникидан қилча ортиқ-роқ бўлса...

Үкта ўрнидан илдам турди ва Қомила кирган эшикка ихтиёrsиз равишда бир зум кўз ташлаб, Йўлдо- 20 шев орқасидан юди.

Қомила ўртоғининг хонасига кириб, ҳар нарсага зўр қизиқиш билан қаради. Тўшак устида кенг, қордай чой-шаб ташланган, содда темир каравот олдиаги янги дубдан ясалган этажеркада тахт-тахт китоблар, кўчага қараган қўш деразадан бирининг олдида қора-қизил ёғочдан ясалган силлиқ ва ихчам стол. Бунинг устида оддий ва қалин дафтарлар ҳам ўзга ёзув ашёлари мун-тазам тартиб билан терилган. Одамзод аъзоларининг тузилишини кўрсатувчи карта деразалар ўртасидаги де-30 ворга кнопкалар билан ёпиширилган. Бунга қарши ях-лит деворга тиralган пианино қоп-қора ялтирайди. Пианино тепасида, оппоқ тўр устида қизил духоба жилдли қалин альбом. Бир шиша атир, қўл ойна, жаж-жигина ёғоч қутича ва бошқа ўйинчоқсимон нарсалар. Эшик билан пианино ўртасида оддий, сарғиш фанер гардероб. Пол топ-тоза, йилтирайди. Қомила қўл тегиз-май ҳамма нарсага бир-бир тикилиб, стулга ўтирида, бошини аста айлантириб, илжайиб яна томоша қилди. Уй дим эди. Қомила ҳар икки деразани очди. Оқшом шабадаси дарров қизнинг юзларига fir этиб урди. Йўл-ка бўйлаб, адил, ёш ақациялар орасидан оққан ариқ-нинг шўхлиги эшитилди. Қаршидаги ҳовлидан, қуюқ

дарахтлар орасидан, баян товуши ва «Парень молодой» қўшиғи янгради. Қомила столга суюниб, ўткинчиларни кўздан кечирди. Айниқса ёшларнинг кийинишларига, сўзларига, қилиқларига диққат этди. Рус, ўзбек ишчи ёшлари — йигитлар, қизлар кўчани шовқинга тўлдириб, аҳил ва нашъали юришар, ҳазил-ҳузил билан сув сепишар, тўп ўйнар эдилар.

10 Қоронғилик қуюқлаша борди. Қомила электрни ёқди. Чироқ уйни яна яшнатиб юборгандек туюлди. Қомила пианино устидаги қизил духоба жилди альбомни олиб, энди варақлашга бошлиганда, ногаҳон эшик очилди. Қомила альбомни столга отиб, қичқириб юборди: «Зайнаб!» Ўртоқлар худди ялакат мағзидай қуюқлашишди, стулларга ўтиришди. Ҳаяжондан Зайнабнинг ранги ҳам ўчган эди. У ҳовлида ҳеч кимга учрашмасдан, тўппа-тўғри ўз хонасига қайрилгани учун эшикни очган ҳамон чўчиб ҳам кетган эди.

— Тавба, худди тушга ўхшайди-я! — деди, ниҳоят, энтикиб Зайнаб.

20 — Йўқ, ўртоқжон, туш эмас, сени йўқлаб келдим. Кўзим изингга, қулоғим товушингга зор бўлиб кутиб ўтирибман... — деди Қомила ва оқ крепдешин кўйлакли, тарғи́л сочини бош орқасига туғиб қўйган ўртоғининг оқ-сариқ, узунчоқроқ, нозик бир оз бўртма қовоқлари га ярашган сал қисиқ кўзларига тикилди.

— Сениям кўрар кун бор экан, — деди Зайнаб ҳаяжонли табассум билан, — қачон келдинг? Ойим қаёқда, билдими? Нега ёлғиз ўтирибсан?

30 — Қойима, опоқойим билан, даданг билан анча гаплашдик. Қани гапир, докторжон, ўзинг, ўзгалар тўғрисида... Кўришмаганимизга қанча бўлди-я? Хийла ўзгарибсан, яняям улуғвор, чиройли бўлибсан...

— Йўқ, Қомилам, бундай мақтовга сен арзийдиган бўлибсан, — деди Зайнаб стулни Қомилага яна яқинроқ суриб, бир қўлини унинг елкасига мулойимгина қўйиб.

Шу ондан бошлаб ҳар икки ўртоқнинг юраклари очилиб кетди. Улар ўз бошларидан кечирганлари ҳақида гоҳ жиддий, гоҳ ҳазил билан, дам жаранг товуш қўйиб, дам бирдан шивирлаб сўзлашдилар.

40 — Ақлингга, дадиллигинга ҳайронман, — деди шавқ билан бошини тебратиб Зайнаб. — Шундай катта колхозга бош бўлиш, шундай зўр хўжаликни эплаш осонми? Мен илгаридан билар эдим — ҳаммамиздан ўзиб

кетасан, демасмидим? Мана, Ўзбекистоннинг олдинги қизларидансан. Донфинг яна ошсин, муваффақиятларингни худди ўзимниридай билиб, хурсанд бўламан, Комилажон. Бултур, кузда шекилли, «Қизил Ўзбекистон»да сен тўғрингда катта очерк босилиб чиқди — «Илғор колхознинг раисаси билан суҳбат». Мен буни трамвайдага ўқидим. Юрагим қайнаб кетди бир зумда: нақ трамвайни тўхтатсаму, ҳаммага ўқиб эшилтира қолсан, дейман...

Шу пайтда ҳовлидан Ўқтамнинг кулгиси эшилтилди. 10 Зайнаб бошини эшик томон буриб, қулоқ солди.

— Мен билан келган йигит, элатимиз,— тушунтириди Комила унга.

— Ҷақирайлик, кирсин...— деди Зайнаб.

— Иўқ, амаким билан жуда қадрдон бўлиб қолди,— деди Комила бирпас иккиланиб, кейин сўзида давом этди.— Тўғри, колхозда киши ўзини кўрсатаман, деб астойдил ният қилса, бунга имкон жуда кўп. Сенинг танлаган йўлинг ҳам соз. Мана, яқинда доктор бўласан. Яна ишласанг, бир вақт қарабсанки, профессор Зайнаб 20 Йўлдошева!

— Кошки, институтни дурустгина битириб чиқсан,— деди Зайнаб қизаринқираб.

— Биламан — эски одатинг, ўзингни камситаверасан,— деди Комила кескин равишда,— китобга шўнғиши илгаридан яхши кўрасанми, демак, узоқ маррани кўзлайсан... Мен далачиман. Бироқ менга ҳам илм кепрак. Колхоз ёшлари ҳам институтларга интиляпти. Замонимизда ҳар ишнинг негизи — илм. Пахтакорликнинг ривожланиши ҳам илмга боғлиқ энди. Пахта ишида қуруқ практика билан иш кўрсанг, охир туртинасан, қоқиласан. Негаки, ғўзага якка кўз билан қарайсан. Йкки ўткир кўз керак — практика ҳам назарий билим... 30

— Ўқишга қайтасанми? Қачон?— сўради Зайнаб.

— Албатта,— жавоб берди Комила,— лекин кейинчалик... Бошлаган баъзи ишларни охирига етказай аввал.

— Шундай қил, Комила,— маъқуллади Зайнаб,— пахтачиликда тажрибанг катта. Фақат назария керак сенга. Ана шунда мукаммал агроном бўласан, тайёр- 40 лашавер, жоним.

— Ҳозирдан аста тайёрлик кўрардим, кошки вақт бўйлса!..— ўйланиб лабини тишлади Комила.

Шу вақтда хандон уриб, Шарофатбиби кирди. Ўртоғини куттириб, кеч қайтгани учун қизидан койингандек бўлди у.

— Қомиланинг келишини билсам, уйдан бир минут силжирмидим?— деди Зайнаб гинадор товуш билан онасига.

— Эшикдан киришинг билан кўрдиму, индамадим, бир ҳайрои қолсин, дедим,— деди Шарофатбиби кулиб қизига.— Ҳа, ўртоғинг кетаман, деяпти. Кучинг етса, олиб қол. Менинг сўзимни писанд қилмади бу колхоз саркардаси.

— Ростданми?— бўшашиб Комилага қаради Зайнаб.— Бўлмағур гапни қўй, бу нимаси...

Комила ўз узрини, иложисизлигини тушунтира бошларкан, Шарофатбиби токчадан ниманидир олиб, илдам чиқиб кетди. Зайнаб Комиланинг узрини, далилларини аразлаган тус билан тинглади.

— Сен ўзинг мени йўқлаб, колхозга келмадинг. Бoshim кўкка етган бўлар эди,— деди Комила ранжиб.—

20 Ҳатто биронта хат ёзишга ҳам ярамадинг.

— Тўғри, хат бобида ялқовоқман... Үқиши битирай, колхозингга бориб ишлайман, оласанми?— деди Зайнаб жиддий тус билан.

— Кошкийди қишлоғимизга келсанг,— деди Комила кулиб.— Бизда халқ докторни жуда иззат қилади. Бирга яшар эдик. Агар Тошкент қучоғидан айрила билсанг...

— Йўқ, аниқ қишлоқда ишламоқчиман. Далани жуда севаман,— деди Зайнаб.

30 — Демак, ваъданг чин,— деди суюниб Комила,— тезроқ битир ўқишини. Сабрсизланаяпман ҳалитдан. Колхозда яхши ишлар қилайлик, ширин кунлар кечирайлик.— Мен кечадан буён Тошкентда қайси кўчадан юрмай, кўзим ўртоқларимни қидиради. Афсуски, сендан бошқасини кўрмадим. Улар қалай? Учрашасизларми?

— Мактабни ўн тўрт киши битирдик,— жавоб берди Зайнаб, ўтмишни хотирлаб.— Ҳозир қўпчилиги вузларда. Дастлаб қизлардан бошлай. Биз беш қиз мактабни тугатдик. Башоратдан бошқа ҳаммамиз умуман чакки баҳо олмадик. Гулшан аъло битирди. Муҳаббат ўша йилиёқ кузда Самарқандга кетди. Ўшандан буён кўрмайман. Ҳозир университетда биология факультетида ўқиётган эмиш, аслида химик бўлмоқчи эди.

40

— Орамизда энг хушчақчақ, энг ҳазилманд ўша әди-я,— деди Комила.— Уни бирам кўргим келадики...

— А, ҳусни, овози! Булбулдай эди!— борган сайин жонланиб, давом этди сўзинда Зайнаб.— Саҳнага ярашадиган қиз эди. Бизда қизлар кўпинча ўз қобилиятларига муносиб йўлни танлаб, шу соҳада астойдил ишламайдилар... Мана, Гулшан бало. Геология институтида ўқыйди, ҳам чет эллар институтида сиртқи ўқишини давом эттираяпти. Кўрдингми, бирваракай икки институтни битирмоқчи. Ҳа, қишида Москвада студентларнинг 10 илмий конференцияси бўлиб ўтди. Тошкент студентларидан Гулшан қатнашди. Унинг илмий доклади яхши баҳо олибди. Шундай, Гулшаннинг иқболи баланд. Жуда пишиқ, жуда тиришқоқ.

— Жуда ювош, содда эди-а? Менга ўхашаш кийинишини ҳам унча ёқтирасди...— деди кулиб Комила.

— Оҳо, ҳозир кўрсанг уни...— қошини учирив, деди Зайнаб.— Кийим танлашни ундан ўрган: диди ҳам яхши. Одми кийинади... Хўш, нега сен ўзингни ерга урасан? Пайқамадингми, кийимингга қандай қизиқиб қардим. Ишон, мен сени шундай кийимда ҳеч тасаввур қилмас эдим. Туфлингни кўр, кўзимни қамаштиряпти.

— Орзу билан кийидimu, пушаймон бўлдим,— деди Комила ўкиниб.— Бир кундаёқ оёғимни чўлоқ қилди. Йўқ, далачига тўғри келмас экан бу.

— Урганиб кетасан,— қўл силтади Зайнаб.

— Хўп, Башорат, Гулсумлар-чи?— сўради қизиқиб Комила.

— Гулсум мактабни битирди-ю, бирон ҳафта ўтмасдан эрга тегиб олди,— кинояли кулги билан жавоб берди Зайнаб.— Даста-даста гул кўтариб тўйинга бордик... Куёв поччам қиттай ортиқчароқ ичиб, маст бўлиб қолдилар... Шундай қилиб, Гулсум ҳозир уй бекаси, ўғилчасиям бор. Албатта, онла қуриш, она бўлиш ҳаммазининг бошимизда бор, ҳам бутунлай табиий нарса. Лекин дастлаб ҳаётга тайёрланиш керак, илм, техника, ҳунар эгаллаш керак. Бизнинг замонда ҳамма олий мактабларнинг, ҳамма санъат ва ҳунарларнинг дарвозалари бизга очилиб турипти. Партия ва ҳукумат ҳамма соҳаларда хотин-қизлардан чинакам кадрлар тайёрлаш учун катта ғамхўрлик кўрсатиб, ҳамма шароитни муҳайё қилганда, нега биз шошқалоқлик билан эрга тегайлик?

- Мен ҳам шундай ўйлайман,— деди Комила қатъий равища.— Ўн йил захмат чекиб ўқи, эртасига келинчак бўлиб, уй ичига тиқил!
- Башорат Пушкин кўчасидаги магазинда завотдел бўлиб ишлайди,— ҳикоясини давом эттириди Зайнаб.— Тунов куни ўйлакай магазинга кириб чиқдим. Акам армиядан қайтди, молия-иқтисод институтига киришга тайёрланаяпман, деди. Мана, қиз ўртоқларинг. Эркак болаларнинг ҳам аксари вузларда. Масалан, Сайфиддин Умаров Урта Осиё университетида, физматда ўқиши. Эсингдами, математикада бало эди. Акбарали — геофакда.
- Ҳа, шўх, тўполончи,— ҳаҳолади Комила.— Орқамиздаги партада ўтириб, дарс вақтида кўпинча иккализнинг чочимишни бир-бирига боғлаб қўярди.
- Қосим Холмуродов билан Исмоилов — филфакда — тил ва адабиётга кетиши. Исҳоқов Ўткир — тўқи-мачилик институтида.
- Қайси у?— қошларини чимирди Комила.
- 20 — Наҳотки унутдинг? Лайлак-чи?
- Ҳа, ипдай ингичка... Доскага чиққанда, бўрни ялаб, бошини қашийверарди.
- Тўғри,— тиззасига уриб қўйди Зайнаб.— Эркин Зафаров ўтган йил Москвага кетди. Фалсафа факультетига кирган эмиш... Фанижон ҳозирча муаллимлик қиласди. Ҳўш, яна ким! Элдор Қаюмов хўжалик ишларида шекилли... Кўрмайман.
- Мирзо Ҳусний?— сўради Комила қандайдир титроқ табассум билан.
- 30 — А, шоирчамиزم?— маънодор табассум билан кўзларини сал қисиб қўйди Зайнаб.— Мактабни битирди-ю, ўз ихтиёри билан фронтга кетди. Ювош, уятчан кўринса ҳам, юраги қайноқ эди-да. Сен яхши биласанку. Лекин мен кўп ўртоқлардан суриштиридим, қайтганийўқ, дейиши.
- Эсон-омон келсин...— Комила юракдан, майин товуш билан деди-да, жим ўйланиб қолди. Тўсиндан дебраздан учиб кириб, ғўнғиллаб унга-бунга ўзини урган йирик қўнғиз, ниҳоят, унинг соchlарининг қора тўлқинига шўнғиди. Комила сесканиб, сочини пийпаслай бошлиди. Қорақизғиши қўнғизнинг йилтироқ силлиқ танини меҳр билан силаб-силаб, худди ўз-ўзи билан гаплашгандай, хаёлчан деди:

— Ҳамма ўртоқларимни кўргим келади. Пахта пла-
нини бажарсам, қишида бир йўла келиб кетаман. Шунда
бирга юриб, уларни қидириб топамиз, дурустми, Зай-
наб?

— Албатта,— жавоб берди Зайнаб шайланиб.—
Тошкентдаги ўртоқларни бизникига йиғиб, узоқ-узоқ
сұхбатлашамиз, яхшими?

— Зиёфат мендан...— деди Комила.

— Майли, колхоз раислари бой бўлади...— кулиб,
ҳазилсизмон деди Зайнаб.

— Бир бочкада қўлбола чарос сувини ҳам келти-
раман!

— Бўпти, ширингина кайф ҳам қиласмиз!— тиззаси-
га уриб хаҳолади Зайнаб.

Комила ўрнидан туриб, ўртогини юмшоқ, енгил қу-
чоқлади. Зайнаб унинг қўлларини майин силади. Улар
соғинч лаззатига берилган каби шу ҳолда анча вақт
жим қолиши. Кейин Комила сўл қўлинни бирдан кўта-
риб, соатга қаради:

— Мени кечир, кетаман энди.

— Вой, нима деяпсан?— ранжиб ўрнидан турди
Зайнаб.— Эски ўжарлигинг ҳалиям қолмабди-я... Сабр
эт, жоним! Ҳали гаплашганимиз йўқ ҳисоб...

Комила яна ўтирди.

— Тўғри, гап кўп,— деди у илжайиб.— Қанча гап-
лашмайлик, барибир адоқ бўлмайди. Давомини кейин-
ги учрашишга қолдирайлик. Сен ҳозир пианино чалиб
бер, ҳа, ростдан, буни сотиб олганинг яхши бўпти, қут-
лув бўлсин!

Дастлаб Зайнаб, оз машқ қиласман, бармоқларим 30
аввалгидай келиша қолмайди, деб хоҳламайгина уни-
буни узуқ-юлуқ чалди, нотани варақлай бошлади.

— Эски нозингни ҳалиям ташламабсан. Бас, ялин-
маганим бўлсин.— Зайнаб бошини кўтариб ўртоғига
бир зум қаради. Унинг кўзларида, сени суйганимдан
жўрттага ноз қиласяпман, дегандай бир маъно уқди Ко-
мила.

— Чайковский,— деди секингина Зайнаб.

Сеҳркор садоларнинг мавжлари бирдан юксала кет-
ди. Уй ичини тўлдириб, кечанинг қалбига оқди. Комила 40
садолар оҳангига нозик ва чиройли тебранган ўртоғига
биррас тикилиб, кўзларини хаёлчан юмди. Зайнабнинг
товушини эшилди у: «Шопен, вальс». Комила худди ши-

10

20

рин тушдан айрилгандай, кўзларини очди-ю, яна зумда унинг хаёлини садолар гирдobi учириб кетди...

Зайнаб пианинони ёпиб, унинг ёнига келди, елкасига қўлини қўйди. Комила завқ билан хўрсиниб, деди: «Пианинони жуда суюман. Айниқса, сен чалганингда...»

— Эҳе, бу ҳам чалишми? Усталари чалганда эшитсанг?

Комила нимадир сўзламоқчи бўлиб турганда, эшик қаттиқ очилиб, Шарофатбиби бошини тиқди: «Қизалоқларим, чиқа қолинг!»— деди у шошилиб. Қизлар чиққанда, сўри тагида Йўлдошев жиддий тус билан гўшт тўғрап, катта лаганга уйиб сузилган палов стол ўртасида буғланар эди. Зайнаб аста сузилибгина бориб, Ўктам билан сўрашди ва Комиланинг ёнига суқулиб ўтирди.

— Ўртоғингни кўриб суюндингми?— сўради Зайнабдан Йўлдошев, мўйлов орасидан кулиб.

— Суюниш ҳам гапми?— деди Зайнаб Комиланинг елкасини силаб.— Бироқ ҳали тўйиб-тўйиб қараганимча 20 йўқ-ку, кетаман, деб безор қиласяпти...

— Ҳа, мана бу чатоқроқ,— деди Йўлдошев тўғралган гўштни ош устига уйиб.— Аммо бир жиҳатдан Комиланинг узрига қулоқ солишга тўғри келади. Ҳозир колхозда иш қизғин... Терим ҳазилакам нарса эмас. Ўктамжон талаб қилгандай, яхши терим машинасини заводимиз ишлаб чиқарса, ундан кейин далада кузги зўр сурон, даҳмаза ҳам бўшашиб қолади.

— Теримни машиналаштиrsак, амаки, колхозларнинг кучи ошиб кетар, ҳали хаёлга келмаган не-не катта ишларни бажаришга бел боғлардик!— деди Комила.

— Бўлади, қизим, бўлади. Давримизда халқнинг ҳар бир орзуси вужудга чиқади. Совет техникаси ҳар қандай чигилни ечиб оладиган техника,— деди Йўлдошев қатъий равища.

Шарофатбиби бир тарелкада ҳафсала билан япроқ-япроқ кесилган помидори ва пиёзни келтирди. Йўлдошев лаганни меҳмонлар томонига суриб, мурожаат этди. «Қани, марҳамат!» Лекин бирдан хотинига маънодор илжайиб қаради у.

40 — Э-э-э, шиша-пишанг йўқми?— деди кафтини ишқалаб Йўлдошев.

— Биламан, шишага ўчроқсиз. Синамоқ учун индамай тургандим,— деди хандон уриб Шарофатбиби ва

энганиб, стол тагидан, оёғи остидан бир шиша «Ўзбекистон»ни олиб, эри олдига тақ этиб қўйди. Йўлдошев қаламтарошнинг пармаси билан шишани илдам очиб, пиёлаларга қул-қул қўйди.

— Ўзбекларда ҳам шиша таомилга кириб қолди,— деди у.— Яхши, бу ҳам турмуш безаги. Муллалар эски вақтда бизни бундан ҳам маҳрум қиласан эди, кўр бўлгурлар! Қани, қизлар, бўш келманглар. Азиз меҳмонларнинг соглиги учун!

— Пиёлалардан «динг-динг» садолар учди. Йўлдошев қорамтири тўқ қизил, қуюқ, хушбўй майни сипқориб, ҳузур билан мўйловини артди. Шарофатбиби лабига пиёлани теккизибгина қўя қолди. Ўктаам ичишга Комиллани кўзи билан ундан, бир зумда бўшатди. Қизлар майда ютум билан аста-аста ича бошладилар.

— Сиз билан биз вино ичишни билмаймиз,— деди кулиб Йўлдошев Ўктаам.— Мана бу қизалоқлардан ўрганишимиз керак.

— Эҳе, қандай қилиб?— таажжубланди Ўктаам.— Буларники қуш ичиши-ку, томчи-томчи.

— Аҳа, ҳамма сир шунда,— деди Йўлдошев айёрча кўз ўйнатиб.— Винони, худди гул ҳидлагандай, секинсекин маза қилиб ичишади майшунослар.

— Нега ўзингиз буни биласиз-ку, амал қилмайсиз?— сўради ҳазиллашиб Ўктаам.

— Ҳамма айб чанқоқ иштаҳада, ука, тортади-кетади,— жавоб берди ўзининг ва Ўктаамнинг пиёласини тўлдириб Йўлдошев.

Ҳаммалари кулишиб, чойхона паловидай аччиққина, тириккина паловни емоққа бошладилар. Май Комилланинг кўзларини ёндириб юборди. Зайнабнинг юзини оловлантириди. Йўлдошев ичишга, ейишга Ўктаамни қистаб, луқма орасида хурсандчилик билан гапирар эди.

— Менга бир ютум бўлсаям, «мўйсафид» тузук,— деди у бўш шишани сўри орқасига отиб.— Сиз қалайсиз, «мўйсафид» билан отамлашиб турасизми?

— «Мўйсафид» ўлгур билан орангизни бузмасам, қараб туринг!— гапга аралашиб Шарофатбиби.— Амакингиз шундақа, қариб қуюлмаганлардан, иним.

— Дада, энди сизга унча ярашмайди,— деди Зайнаб 40 койинган, лекин ҳазилсимон товуш билан.— Ичсангиз, жуда сергап бўлиб қоласиз.

— Мана, кўрдингизми, икки ёқдан ҳужум,— хаҳолаб .

мурожаат қилди Ўқтамга Йўлдошев.— Ора-сира кайф-чоғлик қилсам, она билан қиздан дакки еганим-еган. Йўқ, мени сўфи қилолмайсизлар. Умрни серзавқлик билан кечириш керак. Йигитлик чоғларим Николай замонида бир парча нон ташвиши билан, азоб-уқубатда ўтди... Ҳозир «меҳнат, меҳнат таги роҳат» деган сўз амалга ошган даврда яшаймиз.

— Балли,— деди Ўқтам завқланиб.— Ҳалол ишлаб, турмушни гуллатиш, кайфини суриш керак. Албатта,

10 роҳатни ичкиликдан қидириш бемаънгарчилик, аммо азиз меҳмонлар, дилкаш дўстлар билан улфатда бошни пича қиздирилса, чакки бўлмайди. «Мўйсафид» тўғрисида мен сиз билан ҳамфирман. Айниқса фронтда, қорга, музга тўш қўйиб ётганимизда, зап иш берди у. Жуда қишибоп нарса экан. Аммо ҷаросни ё қора кишишни чиниқкан хумга боссангиз, майхон бўлади-да, ёлғиз ҳидигаёқ кайф қиласиз.

— Бу киши таъриф қилган вино бизда сероб,— деди Комила ғурур билан.— Мен сизга юбораман, амаки.

20 — Ана холос, яна ишингиз ўнг!— деди Шарофатбibi эрига қараб кулиб, кейин кўзини қисиб, Комилага деди.— Вино ўрнига майиз юбора қолинг бизга...

— Комила қизимнинг соғлиги, баҳти учун ичаверамиз, майизхўр хотин!— деди хушчақчақ кулиб, тирсаги билан Шарофатбibilни секингнина туртиб Йўлдошев.

Паловдан кейин қучоққа сиғмас катта тарвуз сўйилди. Комила бир тилик еб, бирдан қўзғалди. Ўй эгалари яна бир оз ўтиришга қистаб, кейин ноилож рухсат беришди. Йўлдошев билан хотини меҳмонларни эшиккача кузатиб қўйишиди. Зайнаб улар билан катта кўчага қадар бориб, узоқ ва қайта-қайта хайрлашиб қайтди.

— Қалай, келганингиз учун хафа эмасмисиз?— йигитдан сўради Зайнаб кетгандан кейин Комила.

— Асло!— жавоб берди кўкрагини кериб Ўқтам.— Жуда одамшаванда оила экан. Йўлдошев билан ота-бона бўлиб қолдик ҳисоб.

— Энди қаерга боришни мўлжаллайсиз? Қаерда қўнасиз,— сўради ташвишланиб Комила.

— Бир илож топилар,— елкасини қисиб, ўйланиб 40 жавоб берди Ўқтам.— Гостиницага бораман. Агар унда жой ололмасам, биронта чойхонага қўнаман. Беташвиш, бемалол йўл бу.

Комила индамай, Зайнаб тақдим этган катта гуллас-

тани кўкракка босиб, трамвай остановкаси томон аста юрди-да, бирдан тўхтаб, йигитга мурожаат этди:

— Мен билан бирга тоғамларниги бора қолинг.

— Йўғ-э... Ҳеч ташвишланманг,— деди Ўктам қатъ-ий равища.

— Оғзаки манзират эмас, жуда бемалол — ҳам унда ҳозир зиёфат бор...— деди кулиб Комила ва кичик тоғаси яқинда тарих фанидан илм кандидати унвонини олгани учун бу кечада ўртоқларига зиёфат берайдиганини тушунтириди. Табиий, Ўктам қиздан бир он айрилишни истамас эди, бироқ унга малол келмасмикан, деган андиша туфайли бир оз иккиланди. Комиланинг таклифида заррача ташқи назокат сезмагач, бормоққа рози бўлди.

— Тошкентда чиндан ҳам қадамим қутлуғ бўлиб кетди,— деди Ўктам ҳаяжон билан.— Сиз билан учрашиш, зиёфатдан зиёфатга юриш.— Бироқ шу онда Ўктаам бўш кетаётган машинага шошиб-пишиб қўл кўтарди. «Эмка» хийла нарида бирдан тўхтади. Йигит суюниб югурди, орқасидан баланд пошна туфлида қилтиллаб, оқсоқланиб Комила ҳам чопа бошлади. У етиб борганда. Ўктаам машинанинг эшигини очиб, кутиб турмоқда эди. Фақат Комила дастлаб Ўктаамни ўтқазди-да, кейин ўзи шофёр олдига ўтириди: «Оқлонга! Илдамроқ ҳайданг!» деди шофёрга. Қизнинг бу ҳаракатидан Ўктаам бир қадар оғринди: «Мен унга бежо қилиқ кўрсатармидим? Е мен билан ёнма-ён ўтиришга ҳазар қиласдими? Менсимаслик эмасми бу?»— каби саволлар унинг бошида дув унишди. Машинанинг очиқ деразачаларидан тунги салқин шабада ғувиллаб, унинг юзига уради. Қўчалар, боғлар, парклар чарофон. Парклардан музика, қўшиқ ва сурон юксалади. Кинотеатр олдида оломон қайнайди.

Комила йигитнинг ўксиганини, нохушлигини қандайдир ички ҳис билан сезган эди. Бошини ўгириб, кўнгил овлар бир товуш билан сўради:

— Ўктаам ака, нега индамайсиз! Томоша қиляпсизми?

— Сиздан ҳам шу саволни сўрасам бўладими?— деди Ўктаам.

— Албатта,— жавоб берди Комила шўхгина кулиб.— Гаплашишга вақт топилар; у ёқ-бу ёқни томоша қиласдик... Ана, Бешёғоч.

10

20

30

40

Бешёғочнинг қайноқ, ёруғ майдони, Комсомол кўли тепасидаги ранг-баранг чароғонлик Ўқтамнинг кўзларни бир зум ўйнатди. Машина янги, кенг асфальт кўчада учарди.

— Шу ердан бирон совға олсакми? Чорсувда, бозор ичida,— Ўқтам деди.

— А? Бундан бўлак даҳмаза йўқми?— таажжубланди Комила.

10 — Бир· нав тўйга боряпман. Қуруқдан-қуруқ,— қатъий равишда деди Ўқтам.

— Жуда иймансангиз, мана бир қучоқ гул, бера қоласиз...— деди ҳазилсимон Комила.

— Ана тансиқ совға! Бу ерда ҳамма ёқ гулзор-ку. Ҳовлисида гул, кўчасида гул, тротуарида гул.

— Ободончиликнинг боши бу. Бир неча йилдан кейин чинакам гул шаҳари бўлади,— деди ғуур билин Комила.

Оқлон шаҳарчасида, сobiқ Кўкча дарвозасида, улар машинадан тушишди. Қиз тўлаб қўймасин, деб Ўқтам шошқинлик билан шофёр қўлига пул қистирди. Ёшлар шахмат тахтаси атрофида, қарилар жимгина дилкашлик қилаётган чойхонадан бир оз юриб, сўлга қайрилишаркан, кўчани ларзага солиб, олдин-кейин қалдираб учган икки грузовой тўла аёллар «ёр-ёр» айтиб ўтишди. Ўқтам соатига қараб, ўз-ўзига дегандек, деди: «Бояқиши келин, кеч қолибди-ку». Ҳавода янграб узоқлашган қадимги қўшиқни тинглаб кетди Комила. Ўқтам тўй-ҳашам тўғрисида сўз очиб, қизнинг кўнглига қўл солмоқчи бўлди-ю, яна ботинмади. Чунки келиннинг кеч қолганлиги ҳақида айтган қистирма сўзига Комиланинг, гўё эшитмагандек, бепарво қараганини пайқаганди. Бир-бирини кесишган, узун, адил, кенг ва жимжитгина кўчалар бўйлаб қаторлашган уйлар яп-янги ва ширин эди. Ҳар ёқдан сувларнинг жонли, нашъали куйи оқар эди. Уйлар орасидан деворларни чирмовчи гуллар, ё қовоқ палаклари, ёки ёш мевали дарахтларнинг новдалари безар эди. Комила шаҳарчанинг тузилишини, айниқса унинг ҳавосини мақтади.

40 — Уч-тўрт йил ичida бу район жуда кенгайиб кетибди. Уйлари, кўчалари бир-биридан чиройли...— деди у.

— Ҳамма ёқда сув, ҳамма ёқда дарахт,— деди Ўқтам кенг нафас олиб.— Бу ерларда саратон қизифи ҳам

билинмаса керак. Ҳа, манов кўча худди колхозингизда-
ги янги йўлга ўҳшайди.

— Тўғри. Андазасини шундан олган бўлсам эҳти-
мол,— деди кулиб Комила.— Бу жойларни яхши кўрар-
дим. Қирқинчи йилда тоғам Баланд масжидаги тор,
сувсиз ҳовлидан бу ерга, янги уйга кўчиб келганда,
жуда суюнган эдим, ҳовлига план билан гулзор қилган
эдим... Лекин қишлоқдаги ҳозирги уйимиз ҳам чирой-
ликкина. Бир кун чақираман, келасизми?

— Шу шарт биланки, кейин бизникига ҳам қадам- 10
ранжида қиласиз...— жавоб берди Ўқтам.

— Бўпти,— деди кўзларини айёрча қисиб Комила.

Йигит билан қиз нурга, нашъали шовқинга тўла
ҳовлига олдин-кетин киришди-ю, дараҳт орқасида тўх-
ташди. Комила кўзлари билан кимнидир қидирди-да,
кейин югуриб бориб, бир қўлида стакан тутган ёш бир
кишини бошлаб келди.

— Бизнинг қишлоқдан, танишинг, Зафар ака,— де-
ди қиз секингина.

Бош яланг, соchlари ҳурпак, юпқа, калта енг кўйлак- 20
ли, ўрта бўйли, кенг кўкракли йигит — Зафар Аҳровов
бўш қўлинни Ўқтамга узатди:

— Жуда соз, марҳамат,— деди у йўғонгина товуш
билан ва иккисини меҳмонлар қошига бошлаб бориб,
ёнма-ён ўтқазди, жиянининг қўлидан гулларни олиб,
столлар устида ҳар нав таомлар, закуска ва шишалар
орасида яшнаган кўркам гулдасталар ичига тантанали
равишда қўндириди. Қайтиб келиб, катта, узун, гулдор
қадаҳларга кўк чой тусли вино тўлдириб, Ўқтамга ва
Комилага тутди. Комила кўзини олайтириди. 30

— Мен шунчани қандай ичаман? Мана бунга қу-
йинг!— жимжилоқдай ингичка рюмкани кўрсатди.

— Шу ҳолинг билан яна колхозга раис бўлиб юриб-
сан?— деди ҳазиллашиб тоға.

— Соғ бўлинг, илмда яна олдинга босинг!— деди
Комила ҳаяжон ва меҳр билан тоғасига. Кейин у билан
ва Ўқтам билан сал чўқишириб ичди.

Зиёфат авжда эди. Муazzам ёнгоқ остида, узун стол
теварагида йигирма чоқли меҳмон хушкайфлик билан
вақт кечирар эди. Стол тепасида пастки шохга осиғлиқ 40
катта электр чироқ ҳовли саҳнини кўз қамаштиргич
нурга тўлдирганди. Унинг нурида дараҳт, аллақандай
ҳавоий ва хаёлий яшил сарой каби, юксак пештоқлари

қават-қават кўк шоҳи чодирлари билан порлар ва дилбар манзара ясар эди. Тўрда Зафар Аҳрововнинг илмий ишига раҳбарлик этган москвалик профессор Сергей Васильевич Широков ўтиради. У боши офтобдаги тосдай йилтираган, кўзлари ўткир, юз чизиқлари кескин, ияги йирик ва кенг, аммо ҳаракатлари фоят нозик, эллик ёшлардаги киши эди. У суҳбатдошларини, гўё қулоғи оғирроқдай диққат билан тинглар, «видите ли» деган иборани кўпроқ қўллаб, узун, нозик бармоқларини ўйнаб, ҳар сўзни гўё болғалагандай чертиб-чертуб гапирав эди. Унинг ёнида қари, лекин юзлари ҳали силлиқ, тетик шарқшунос Стеклов қўлларини қорни устига қўйиб ўтиради. У гапга оз аралашар, гоҳ мудраб ҳам кетар, одати бўйича, оппоқ сутдай кўркам мўйловини тез-тез кўтариб, силаб қўяр эди.

Меҳмонларнинг аксари тарихчилар бўлиб, қолганлари эса тилчилар, адабиётчилар, физикачилар, ирригаторлар эдилар. Шунинг учун «тост» сўzlари орасида Суғд ва Хоразм маданиятлари, Навоийнинг тили, Амузарё тўғони масалаларидан бошлаб то атом бомбасига қадар турли мавзуларда гап борар эди. Айниқса ёш аёллар хурсанд ва хушчақчақ эдилар.

Кўп ўтмасдан, Ўқтам ва Комила кўп меҳмонларнинг диққатини жалб этди. Профессор Стеклов келиб, уларнинг соғлиги ва келажак муваффақиятлари учун ичди. Кейин бирпас ўтириб, уларга пахтачилик тарихи ва Шарқда қадим суфориш усуллари ҳақида анча қизиқ нарсалар айтиб берди.

Ўқтам техника фанлари доктори Ўрмонов билан қадрдонлашиб қолди, ичишди, куйлашишди, нималар тўғрисидадир баҳслашишди.

Мажлис самимий қувонч, сурон билан давом этарди. Комила эса гулдай яшнаб, рюмкасини бир неча марта Ўқтамни билан жаранг чўқишитирди. Зафар Аҳрововнинг акасининг ўғли — ўн икки яшар бола Маяковскийнинг совет паспорти ҳақидаги шеърини рус тилида ўҳшатиб декламация қилгач, чапаклардан кейин палов тортилди. Хушхўр палов ҳам қадаҳларнинг жаранги, кулгилар орасида ейилди.

Меҳмонлар жўнаши биланоқ ҳовли жимжит бўлиб қолди. Комила келин ойисига қарашиб, чаққонлик билан дастурхонни ва идиш-оёқларни йиғишири бошлади. Ўқтам ҳовлининг нариги чеккасида, кичкина гулзор ол-

дидаги супада Зафар Аҳроров билан бирга қуюқ чойни босиб-босиб ичди-да, кайфини бир оз тарқатиб, шу ерда ўринга кирди. Юлдузларни санаган боладек, анча вақт кўкка қараб, шабадага кўксини тутиб ётди. Унинг таас-суроти, гўё катта байрамлардагидек, шунча кўп ва хил-ма-хил эдик, ҳаммасини шу бугун кўрганига таажжуб-ланар эди...

Ўқтам ўрнидан туриб, Кўкчанинг гуллар орасидан шарқираб юргурган тиниқ сувида бет-қўлини, бошини ўбдан ювди, ҳовури чиқиб енгилланди. Зафар Аҳроров атайин зиёфат учун қунт билан ёпилган, момиқдай патирлар, бир пиёла ақиқдай бол, бир коса қаймоқ ва катта чинни вазада олтиндай ҳусайн, майда донали қора шивилғони ва йирик бошли каттақўрғон каби узумлар билан дастурхонни безади. Иккови ёзги эрин-чоқлик билан нонушта қилмоққа бошлади. Зафар дам ундан-бундан сўзлар, дам тиззасидаги китобни диққат билан варақлар, кўз югуртар эди. Ўқтам кўзларини сердараҳт катта ҳовлига ташлаб, Комилани қидирар эди. Қирқоғайни, чирмовиқ гуллар билан қопланган айвонлардан, хоналардан эшитилган товушлар орасида уники янграмас эди. «Наҳотки кетиб қолган?»—у ўйлади ичиди ва соатига қаради — чоракам ўн бир.

— Вақтингиз тангми?— сўради Зафар Аҳроров, китобнинг бир ерини қалам билан енгилгина чизиб.

— 12 да бир жойда бўлишим керак,— жавоб берди Ўқтам.— Комилахон жўнадиларми?

— Йўқ, қариндошларни кига кетди шекилли,— жавоб берди Зафар Аҳроров.— Қани, марҳамат, олинг.

Яна ярим соат қадар вақт ўтгандан сўнг Ўқтам дам кетар, дам кетмас бўлиб иккиланиб турганда, бирдан ҳовлида Комиланинг хушвақт овозини эшилди. Бир зумдан кейин ўзи ҳам илжайиб кела қолди. Унинг эгнида оддий оқ шоҳи кўйлак, бошида тус дўппи, оёқларида пошинасиз этикча.

— Яхши ухладингизми?— сўради қиз Ўқтамдан.— Уху, мен қаерларга бориб келдим! Тоға, мен ҳозир жўнай қолсан, дегандим. Лекин Шодмон аммам дебдики, агар Комила бир зум кўриниш бермаса, бир йўла бетини кўрмаганим бўлсин... Нима қилай?

— Кўриб қайт. Кейин аэропортга бирга чиқамиз; сен Фарғонага, мен Самарқандга...

— Самарқанд?

10

20

30

40

— Ҳа, қазиладиган, текшириладиган бир жой бор унда,— жавоб берди Зафар Аҳроров.

Комила қувонди, унинг бутун сиймосидан, соғинган амманнигига илдам бориб қайтишга ошиққанлиги сезилар эди. Шундай бўлса ҳам, гўё ялқовликка берилгиси келгандай, ёки нимадандир ўз кўнглини узишини истамагандай, супа четига аста ўтирди ва қўлини дастурхонга узатиб, вазадан бир бош узум олди-да, чўқилаб тез-тез емоққа бошлади, ҳам айни вақтда Ўқтамнинг 10 бу кун қилажак юмушларини, қачон қайтишга кўзлагани ва ҳоказони суриштирди. Ўқтам унинг саволларига жавоб бериб, баъзи нарсалар тўғрисида у билан кенгашмоқда экан, Зафар Аҳроровнинг хотини келиб, сўзни кесди. Ўқтам уни базўр таниди. Тунда ёш аёлнинг эгнида товонга қадар тушган ғалати гулдор юпқа ипак кўйлак, тим қора йилтироқ сочи бош тепаснга силлиқ даканадай тиккайтириб қўйилган эди. Ҳозир эса унинг эгнида ёқаси очиқ оқ маркизет кофта ва торгина, калтагина кул ранг юбка, қўлтифида бир неча қалин дафтар, қўлида қора чарм сумкача.

— Кечирасиз, Комилахон, мен сизни кузатиб қўёлмайман,— деди аёл тавозе билан кулиб.— Адабиёт тарихидан соат бирда имтиҳон беришм керак. Биласиз, аспирантларнинг вақти оз. Лекин иши беҳад кўп.

— Қатта имтиҳонми? Ким қабул қиласди?— қизиқсинди Комила.

— **Тахминан** бир минг йилги адабий ҳаёт ва тараққиёт тўғрисида...— жавоб берди хўрсиниб у.— Комиссия атиги бир неча савол қўяди. Жавоб беролсанм хўп, 30 бўлмаса қизариш ҳам гапми?

— Дурустгина тайёрландингми? Ҳалитдан ваҳимага тушаяпсан?— деди эри ташвишланган боқиш билан.

— Ҳозиргacha маълум ҳамма материалларни ўқидим,— деди хотини жиддий.—Лекин шундай масалалар, даврлар, асрлар, шоирлар борки, улар ҳали ёритилмаган.

— Аҳа, тўғри, гап ана шуларни ёритишда,— деди Зафар Аҳроров.— Бунинг учун излаш керак, янги факларни топиш, тушунтириш ва изоҳлаш керак, академия-40 нинг қўллэзмалар хазинасига шўнғишиш керак. Бошқалар нина билан қудуқ қазиб, оби ҳаёт чиқарсин, сиз ичиб кетаверинг, Зумрадхон!

— Чиранманг. Мен ҳам илмда ўз йўлимни топиб оларман,— деди аччиғлангансимон Зумрадхон.

— Хўш, тоғажон, айтинг,— Комила қўлини силтаб гапга аралашди қизғинлик билан.— Сиз келин ойимга қандай ёрдам бердингиз? Е сиз тарихни бувимнинг қорнида ўргандингизми? Тоққа чиқишида одамлар бир-бира га кўмаклашади...

— Аҳа, яшанг, Комилахон, тўғри гапирасиз,— деди индай ингичка қошларини чимириб Зумрадхон.— Тоғангиз илмини бошқалардан аямайди-ку, мендан аяди. Тунов кун арабча қийин бир байтнинг маъносини тушуниришини сўрагандим, дарров қўлимга қалин бир луғатни тутқаздилар: ўзинг билиб ол!

— Ахир мен сени мустақил ишлашга кўниктирсам, ёмонми?— деди лабини буриб Аҳроров.

— Оҳ, дарров баҳонаям топилади!— деди кўзларини ҳазилсимон олайтириб Комила.

— Тавба қилдим, дея қолинг!— деди Ўқтам жўрттага сирли товуш билан шивирлаб.— Хотинлар сўзни баҳорги дўлдай чаққон ёғдидиради.

— Тавба қилдим, тавба!— қичқирди Аҳроров қулоқларини беркитиб.

Ҳаммалари кулишди. Зумрадхон Комила билан қулоқлашиб кўришди, унинг рав келиб, рав кетаётгани учун самимий ўпкаланди.

— Шошяпман. Менинг ҳам халқ олдида имтиҳоним бор: планни бажаришим керак!— деди Комила табасум қилиб.

— Оғир имтиҳон, тушунаман, яна планингиз жуда катта экан. Ошириб бажаринг, янги ғалабаларга эришинг, Комилахон.

— Сиз ҳам, келинойижон. Раҳмат.

Зумрадхон Ўқтам билан хайрлашмоқ учун қўл узатаркан, йигит сапчиб ўрнидан турди.

— Мен билан хайрлашмас экансиз-да. Қараб туринг ҳали,— деди хотинига Зафар Аҳроров атайнин ўпкаланган товуш билан.

— Йўқ. Самарқандда қолишингиз ҳам мумкин...— деди Зумрадхон атайнин қатъий равишда.

— Бўлти, қоламан. Самарқандда ҳар қадамда аср-ларнинг изи бор,— деди Аҳроров ҳазиллашиб.

— Бу маълум. Лекин бошқа тарихларингиз ҳам бордир балки...— Зумрадхон кўзларини айёрча қисиб

10

20

30

40

ва сумкача билан эрининг елкасини аста туртиб деди ва кейин унинг ҳурпайган сочларини меҳр билан бир зум силади:— Эсон-омон бориб келинг, узоқ қолманг. Ҳа, чамадонингизни тайёрлаб қўйдим,— деди-да, хурсандчилик билан илдам ва енгил юриб кетди.

Бир неча минутдан кейин кетмоққа ижозат сўраб, Ўқтам ҳам қўзғалди. Аҳроров ва унинг жияни билан хўшлашди, миннатдорчилик билдириб, эшикка югарди. Трамвайдан трамвайга миниб, шаҳар шовқини ва манзарапарга берилган йигит Пионерлар саройи олдида вагондан тушди-ю, улкан деразалари қуёшда чақнаган муazzам кул ранг бинога йўналди...

Беш соатдан кейин унинг яп-янги машинаси бўёқларини чақнатиб, Тошкент кўчаларида гумбурулаб учарди. Ўқтам азоб билан топилган шумтака, тажрибасиз, бир қаринч боладай шофёр ёнида гердайиб ўтирас, қарийб ҳар чорраҳада кўча ҳаракати қоидаси бузилгани учун милиционерлар билан ғиди-биди қилишга мажбур бўлар эди...

Ҳовлида, ўроқ тепасида Насимжон ва пакана Мастура ундан-бундан гурунг-гурунг гаплашиб ўтирас эдилар. Кеч тушган. Мастура боплаб, сергўшт, серпиёз ачиқ қайла қиласа эди.

Август ойлари... Ҳадемай куз ҳам келди. Бу мавсумнинг ҳам ўзига хос сафоси, латофати бор.

— Омад, омад!— шивирлади Насимжон афусулланган оҳанг ила.— Пахта ўлгур ғуж-ғуж, ёпирай, ҳосил бундай бўлар экан-а, тавба... Пахта хўбам битди-я, бу, албатта, омад келганидан. Лекин халқ буни Ўқтамнинг меҳнатни яхши ташкил этганидан, билармонлигидан дейди. Тўғри, унинг гапга чечанлигини инкор қилмайман, аммо омади келган. Лекин раис бояқиш беҳад меҳнат қилди; у билармон, устакор; гап Ўқтамда эмас, бу ёлғиз раиснинг каромати... Омад, ишқилиб омад-да!

— Йўғ-э, жиндай фаҳм-фаросат юргизинг. Ўқтам халқни ўлгудай ишлатди, елди-югарди, ўғит топди, чопик-суфоришларни вақтида, тобида ўтказди. Баракалла, деса арзийди, ишқилиб, ишни дўндириди-да,— деди Мастура.

— Э-э,— деди Насимжон нохуш товуш ила.— Лоф, лоф ҳаммаси. Ўқтам маҳмадана, меҳнатни халқ қилди-ю, Ўқтам гап сотти, вақиллаб юрди, холос; омад ҳаммаси. Қаримқул акаям ҳазилакам ишлагани йўқ, аммо бечора урилиб расвоси чиқди. Омад қочди, деб шуни айтадилар.

— Ҳосилот — Қаримқул ака яхши одам эди-ю, лекин жиндай хато қилди-да. Ишни билдирамасдан хуфя бинтирса бўларди, ман бўламан, ман бўламан, деб керилди. Ҳийлани билмайди у, одамнинг шайтони — одам! 10 Үқиб қўйинг буни! Овқат пишди, туринг, супага жой қилинг,— буюрди эрига.— Ҳой жувонмарг, қайдасан? Лаган келтир!— қичқирди заҳардай ўткир товуш ила.

— Ўт юляпман,— жавоб берди шошиб қиз узоқдан.

— Ер юткур, тез дейман,— косовни отди Мастура даҳшат билан.

Қиз лаганга югурди. Қўк барра пиёз, помидор, бодрингларни чаққон тайёрлаб, Насимжон супага, дастурхон бошига чўққайди. Ўсти қиймага тўла қайланни Мастура келтирди. Хуштаъм қайла эди, Насимжон зўр иштаҳа ила ошай кетди. Кичик лаганчага Мастура жиндай қайла ташлаб, устига гўштсиз бир чўмич шўрва тўклиди-да:

— Ол, жувонмарг, чаққон егин-да, сигирга қара,— деди қошини хунук чимириб. — Қизлар қурғур ҳалитдан теримга шошаётишибди. Нима дейсиз, менам чиқайми, йўқми?— сўради Мастура қайла ейишда эридан қолишимай.

Ҳузур билан ошалар экан, Насимжонга тўсатдан гўшт тиқилди ва ўҳӯ-ўҳӯ йўталиб: 30

— Ўзинг биласан,— яна йўталдан бўғилди.— Пахта пул-да, жинни,— деди кулимсираб.

Мастура индамади, бармоқларини шапиллатиб ялади-да, бирпас хўмрайиб жим ўтириди. Кейин, кўрамизда, деди-ю, яна лаган устига ташланиб ошай бошлади.

Насимжон иссиқ қайланни беш панжаси ила супуриб оғзи-бурнига тўлатди-да, пишиллаб, бошини кўтармасдан хотинига деди:

— Бас қил, бўлди, Ўқтамга кўп илашма, у зийрак йигит. Хўп аврадинг, хуштор бўлдинг, иш пучакка чиқди. Бас энди, одамлар мазах қиляпти, шарманда бўламиз. 40

Мастура қўлини лагандан узароқ, тутақиб вағиллай бошлади:

— Кетамиз колхоздан, тинчгина шаҳарда тирикчилик қилганимиз яхши. Худой кўтарсин даласини! — бақирди қизариб.

— Колхоз жуда соз эди-ю, афсус. Ўқтам қатиққўл, баджаҳл, ўжар чиқди-да. Бу уйни турғизгунча озмунча мاشаққат қилдимми. Хоҳла шаҳарга бор, хоҳла ўтири, ишим йўқ, лекин мен бу ердан силжимайман.

10 — Вой, ўла қолинг, илойим,— деди жаҳл билан лаганин итариб.— Шарақ-шарақ ақчани мен топганман, қўни-қўшниларни алдаб-авраб мен ишлатганман, мен бино қилганман бу уйни. Сиздақа бешуд эрга йўл бўлсин уй қилиш?!

Бирни у айтди, бирни бу айтди, жанжал зўрайди. Хуллас, Насимжон нафси тўйгунча қайлани ошай олмади, шошиб бармоқларини ялаб, нари-бери қўлини артди-да, кўчага отилди. Мастура яна бир оз ёлғиз жавради, аммо жаҳлдан тоқатсизланиб, ҳасрат тўkkани қўшниларнига бир изғиб келгани жўнади.

Пахта далаларида иш қарийб тугалган бўлса ҳам Мирҳайдарнинг юмуши, ташвиши беҳад мўл эди. У баъзи раислар каби вазифаларни кишиларга топшириб қўйиб, ўзи ҳайбаракаллачилик билан кеккайиб юришни жуда ёмон кўрар эди. Кўнгилчан чолнинг одамларга ишончи баланд эса-да, ўз кўзини яна афзалроқ билар эди. Терим яқинлашган сари эски пахтакорнинг юрагида ғайрат тошар, кун сайн теримга тайёрликни кучайтирасар эди. Пахта ташиш учун жамики араваларни тузатдилар, от жабдуқларини шайлар, бригадалар, звено-ларни айланиб, пахта хирмонлари ўрнини белгилар, чиннидай тозалатар, пахта карвонлари илдам қатнасин, деб йўлларни текислатар, кўприк ва кўприкчаларни ремонт қилдиран эди. Гоҳ отда, гоҳ пиёда юриб, ишнинг сифатини кўздан кечирав, башарти бирон нуқсон топса, одати бўйича қалин соқолини асабий равишда қашиб ё тишлиб одамларга дерди: «Теримга худди тўйга тайёргарлик кўргандай хурсандчилик билан, шавқ билан тайёрланиш керак!»

40 Кунда бирон марта ясли қурилишига келар, уста Азим ва Содиқ билан бирпас ҳангамалашарди. Бино-

دوكه ۲ روز پنجم ماه می خواهد تا ۵ نیم شنبه بعد از آغاز هفته
جهد و میلاد چهارشنبه نیمه دوستی خواهد بود و فیلدینه ۱۰.
شنبه ۱۱ و دوشنبه ۱۲ بهمراه سیزدهم راهنمایانه که می خواهد
پنجمین جوانیت که در تیر پیدا شده است میگذرد بوس که با کلیه اتفاقات
که شریعت است. شنبه پنجم اعده می خواهد دهم شنبه که در گوادری
کمربندی می خواهد با شیر بالا و زدن شنید پیش از بیرون می خواهد سالنی که در پنجمین
هزار و دو هزار که می خواهد بسته باشد و پیش از عصر آنکه ده کام سارمه
شنبه شانزدهم: شنبه شانزدهم که در غربت بیدار شده است میگذرد و آنکه
با میلادنا (در عرض سه ساعت) که کوره پیش از شنبه است شنبه شانزدهم که در غربت از
که داشته در میانی شنبه دو شنبه. همچنان که از مردم این امر را غریب می خواهند
به عده دو شنبه نیز شنبه دو شنبه. همچنان که از مردم این امر را غریب می خواهند
با شنبه شانزدهم شنبه پیش از دو شنبه که از مردم این امر را غریب می خواهند
که داشته در میانی شنبه دو شنبه. همچنان که از مردم این امر را غریب می خواهند
با شنبه شانزدهم شنبه پیش از دو شنبه که از مردم این امر را غریب می خواهند
که داشته در میانی شنبه دو شنبه. همچنان که از مردم این امر را غریب می خواهند

Романинг қўлёзма нусхасидан саҳифа.
Муаллиф дастхати. Коралама.

корлик девкорона бир сурат ва ҳамла билан бормоқда эди. Ҳеч қандай етишмаслик ва қийинчилик олдида бинокорлар бармоқларини тишлаб, ваҳимага тушмас эдилар. «Кўпчилик тикилса, тоғ қулайди!» Дарҳол чора топар эдилар.

Мирҳайдар терлаб-пишиб ясли қурилишига келди. Чала, лекин кўз ўнгига тез юксалиб, мукаммаллашиб диққатни тортаётган бино теварагида аста айланиб, ҳар чеккадан томоша қилди. Қейин у ҳансира, сув бўйида пўстлоғи дағал, танаси ёриқ, қари толга суюниб чўққайди-да, елпиниб узун сўлиш олди. Бугун ҳорғироқ кўринар, ҳар сафаргидек бинокорлар билан бир чимдим асқия қилмоққа ҳам ҳафсаласи йўқ каби эди. Унинг олдига кимдир бир чойнак чой билан пиёла қўйиб кетди.

Уста Азим ҳавозадан аста тушди.

— Ҳорма, найнов! Ҳавозада нима қиласан? Қўлингни чўзсанг, теракнинг учига етади,— деди раис ўзининг ҳамишаги ҳазилкашига.

— Қани, чойдан қўйинг, бўйидан акаси. Раиснинг 20 чойи мазали бўлади,— деди қийқириб кулиб уста Азим ва қаршида чўққайиб, қорамтири бурушиқ юзидан терни бармоқлари билан сидирди.

Раис елкасига фиштни тепадай қалаб ғизиллаб юрганларга ва оғир, қўпол хариларни ердан енгил узаётганларга қараб, устага деди:

— Азаматлар астойдил ишлашяпти. Халқимиз бинокорликни яхши кўради-а.

— Булар чарчаш нима эканини билмайди,— деди чойини ҳўплаб уста Азим.— Қадимгилар дердики, гав-30 ҳар белни бақувват қилади. Ҳатто бир ҳикоя ҳам бор бу тўғрида.

— Қани, эшитайлик.

— Мирзо Улуғбек бир мадрасами, саройми қуришга фармон берибди. Жамики машҳур усталар йифилиб, ишга тушибди. Мирзо Улуғбекнинг ўзи ҳар кун у ерга борар экан, олтин курсида ўтириб, ишни томоша қилар экан. Бир вақт унинг кўзи бир кишига тушибди — ишда у ҳаммадан чаққон, ҳаммадан бақувват. Мирзо Улуғбек таажжубланибди-ю, ёнидагилардан бунинг сабабини сў-40 рабди. Улардан бири ўйлаб-ўйлаб шундай жавоб берибди: «Тақсир, бу одамнинг белида гавҳар тугуглик бўлса керак». Мирзо Улуғбек ҳалиги чарчамасни ўз қо-

шига чақиради, дарров унинг белини пайпаслайдилар. Дарвоқе, белида бир тугунчада гавҳар топишади...

— Йўқ, бўлмағур гап бу. Бизникиларнинг белида колхоз белбоги бор. Ҳамма куч, ҳамма файрат, иштиёқ ана шундан...

— Балли, яхши сўз айтдинг,— деди бирдан жонлануб раис.— Ҳамма ҳикмат эркин меҳнат шабадасида... Уста Азим, пахта ишида қулочимизни роса керайлик, биронта колхозчини қора уйда қолдирмаймиз, дурустми? Ҳунарингнинг гулинини энди кўрсатасан халққа, яна 10 шундай бинолар қурамизки, тош мармари сайрасин!

— Ах-ах, мен ҳам армонимга етай!— деди уста Азим кафталарини ишқалаб.— Юрагимдаги дард шу. Сайрайдиган бинолар томон қадамни теззатайлик, раис ота!

Мирҳайдарни идорага чақиришди. У ўз кабинетига киргандা, деворлардаги ҳар хил диаграммаларга, энг яхши стахановчиларнинг расмларига диққат билан тикилиб ўтирган Рустам Сайрамовни кўрди.

— Ассалом,— ўрнидан турди райком секретари.

Раис қувонч ва шошқалоқлик билан кўришида-да, 20 деразаларни очиб юборди.

— Мана, ёз ҳам ўтаяпти,— деди Сайрамов, бошидан оқ шапкасини столга олиб қўйиб.— Ёз пиширганин кузда йиғиб-териб олиш керак. Тайёргарчилик қалай?

— Ўргилай Ўзбекистоннинг ёзидан!— деди Мирҳайдар соқолини силаб.— Ёз не-не меваларни, не-не неъматларни пишириб беради. Пишиқчилик, тўқинчилик... Бари йиғиб олинади. Аммо кузни роса терлатадиган нарса пахта. Осмондай кенг далаларда пахта очилаяпти, очилаяпти, очилаяпти...

— Балли, охирги кўсаккача териб олмоқ керак, бу оқ олтинни,— деди Сайрамов жонланиб.

— Бўлмаса-чи! Ҳозир ўнгимиздаям, тушимиздаям фақат пахта теримини ўйлаймиз. Кейинги бюорода теримга тайёргарлик хусусида ЦК вакили ва сиз берган топшириқлар ва йўл-йўриқларни бажариш билан бандмиз. Албатта, тайёргарчилигимизда камчиликлар оз эмас. Қариб қолдим шекилли, бирини эпласам, ўзгасини унутаман.

Сайрамов секингина илжайиб қўйди. Чунки вазифани дўндириб бажарган пайтларда ҳам бирон жиҳатдан ўзини камситиш бу раиснинг одати эканини у яхши билар эди. Колхозда теримга тайёргарчилик бу йил яхши

- эканини иккинчи секретарь Денисовдан эшитган бўлса ҳам, яна муҳим жиҳатларни бир-бир сурнештириди.
- Айтишингизга қараганда, иш чакки эмас, отахон,— деди Сайрамов столни ўйчан чертиб,— лекин ма-сала теримга одамларни тайёрлашда. Аммо халқни шайлаш ишига ташкилий равишда жуда жиддий кириш-маяпсиз. Планни одамлар бажаради. Бутун колхозчи-ларни терим учун, планни орттириб бажариш учун ку-рашга шайлантирмоқ керак. Бунинг учун оммавий,
- 10 тарбиявий ишга жуда зўр эътибор бериш керак бўлади. Ҳа, қаерда Ўқтам Носиров?
- Тошкентда. Эрта-бириси кун қайтар,— жавоб берди Мирҳайдар.
- Теримда илдамлик лозим,— давом этди сўзида Сайрамов.— Ҳа, суръатни бўшаштирмаслик керак. Зве-нолар, бригадалар чинакам мусобақага киришса — мар-ра сизники. Терим мусобақасида ҳам коммунистлар, комсомоллар оммага намуна бўлсин. Хуллас, оммани теримга ялпи ва баланд руҳ, онг билан кўтариш учун
- 20 сиёсий тарбия масаласини ишингизда асос этиб олинг. Албатта, бу нарсаларни яхши биласиз, ёш, тажрибасиз раис эмассиз. Бюрова ҳам бу тўғрида муфассал гапи-рилди. Бироқ тарбия иши ҳал қилувчи масала бўлгани учун яна қайтаряпман. Колхозлар борки, худди мана шу масала устида ўтакетган бепарволик кўрсатадилар.
- Баъзи колхоз раҳбарлари ўйлашадики, терим нормаси-ни белгилаб қўйсак, бас. Ҳолбуки, нормани бир неча ҳисса оширувчиларни етказиш йўлларини ўйлаш дар-кор эди. Бултурги терим чеварларини тўплаб, улар би-
- 30 лан алоҳида суҳбатлар ўтказмоқ керак. Айнамачи куз-нинг қилиқларига, биз халқнинг уюшқоқлигини, темир интизомини, фидокорлигини қарши қўяйлик. Ана шун-дагина биз планни хавф-хатардан асрایмиз, ана шун-дагина халқнинг пешана терини кузнинг изғириналари-га совурмаймиз. Хуллас, теримга баланд руҳ билан ёппасига кўтарилиш керак! Мен ҳозир «Шахматчи» колхозидан келяпман. Пухта, чиройли қоплар тикишяп-ти. Жуда соз, бироқ колхозчилар орасида сиёсий-тар-биявий ишнинг иси ҳам йўқ. Тушуниш керакки, Совет
- 40 ватанининг кучи одамларнинг юрагида, уларнинг пар-тиямизга, давлатимизга бўлган севги ва садоқатида! Мана бу севги ва садоқатни алангалатмоқ керак!

Сайрамов «Казбек»ни чўнтағида тез чиқариб, папиросни сал эзғилаб, лабга қистирди.

— Нима дейсиз, отахон? — мурожаат этди раисга ва унинг сўзини кутгандай тикилди.

— Чин сўз,— пешанадаги чизиқларни бармоқ билан бир сидириб, деди раис ўйчан ва жиддий,— теримдаги катта маърракада халқ кучи далага дарёдай тошмоги керак. Колхозчиларни бириктири, тушунтири, қизиқтири. Ҳар бирининг юрагидан бўрон қўзғалади. Шундай қиласмиз, ўртоқ Сайрамов, далага яктан-яқдил бўлиб чиқамиз. Бизда халқ аҳил, серғайрат. Теримдан бўйин товладиган ялқов-палқовларни, ҳар хил муғамбир, «синдибелим»ларни суробини тўғрилаб қўяман!

— Яна бизда ярамас бир одат бор,— деди Сайрамов ижирғаниб,— эркаклар теримни менсимайдилар. Гёё хотинлар иши эмиш, бу касалга барҳам бериш керак.

— Жуда уят,— деди киноали илжайиб раис.— Арслон қомат эрларнинг бири тарозибон, бири қулогига қалам қистириб хат чизади, бири ошпаз бўлиб олади! Беллари дош бермас эмиш. Қанақа эркаклар! Йўқ, хотиржам бўлсинлар, бу йил жами эркакларга нормани ошириб-ошириб бераман.

Сайрамов ўрнидан туриб, деразага ўтди. Папиросни тез-тез сўриб кўчага отди. Теримчиларни далада иссиқ овқат билан мунтазам таъминлаш, маданий равишда дам олмоқ учун дала шийпонларида шароит ҳозирламоқ; оналари теримда бўлган гўдаклар учун мураббиялар тайёрламоқ ва ҳоказо масалалар ҳақида яна узоқ гаплашди, кенгашлар берди-да, хайрлашмоқ учун бирдан қўлини чўзди Сайрамов.

— Келар сафар иккимиз бирга юриб, бирма-бир таҳқиқлаймиз, дурустми, отахон,— деди у раиснинг қўлини маҳкам қисиб.

— Албатта,— деди Мирҳайдар ишонч билан ва секретарнинг қўлини қўйиб юборгиси келмай давом этди сўзида.— Жуда чарчагансиз, қорнингиз ҳам оч, сезиб турибман. Бирон соат қўнсангиз, хоҳ бизникида, хоҳ мана чойхонада...

— Раҳмат, отахон,— деди Сайрамов ҳам қўллари ва кўзлари билан шундай бир имо қилдики, бунда «вақт танг, иш мўл» деган маъно ифодаланар эди.

Мирҳайдар аванс учун ва ўзга аризалар билан келган бир неча колхозчиларнинг ишларини, ўз одатича,

10

30

шошмасдан ҳал этиб, идорадан чиққанда, кеч кириб қолган эди. Супачада давра қуриб дамкага берилган болаларга кўзи тушди ва илжайиб уларнинг қошига келди-да, энкайиб, дарров ўйинга аралашиб кетди. Болалар билан ҳазилкашликни севар эди у. «Шокарим, бедананинг шербаччаси, қўшалоқ қилиб ол! Марайим, гупчакнинг тойчаси, дамкага сакра. Ҳа, баракалла!» дейди ва зўр жиддият билан ўйнаётган дамкачиларнинг бирпас жиғига тегди. Кейин кулиб сўради: «Сигир-бузоқларинг далада қолмадими?» — «Йўқ, йўқ», қичқиришидни ўйинчилар.— «Ундаи бўлса, ўйинга шўнгила-ринг!»— деди раис ва қўлини қош устига қўйиб, диққат билан тикилди ва кабина ичидан отилган Ўқтамни пай-қаб, мамнунлик билан кулган ҳолда, қаршилаш учун илдам кетди.

— Эсон-омон келдингми?— кўришидни Ўқтам билан у.— Тез қайтдинг, тез, демак, машина ҳам қўлда. Жуда соз, қуруқ қайтмабсан.

20 Ўқтам машина атрофини ўраган колхозчиларни иш-га солиб, юкларни складга ташиттириди. Машинани колхоз ҳовлисига қўйиб, чойхонада овқатланишни болакай шофёрга буюрди. Кейин кийимларини қўли билан қо-қиб, этигини артиб, Мирҳайдар қошига келди.

— Юр бизнигига,— таклиф этди раис,— андек дам ол, бирга овқатланайлик, машина кишини қоқиб қўяди.

Ўқтам уйдагиларга бир зум кўриниб келишни истаса ҳам, кексанинг ҳурмати учун, эътиroz қилмади. Улар тераклари шом қуёшида оловланган кенг йўл четида ёнма-ён кетишиди.

30 — Ҳа, шофёринг қани? Мен кўрмадим,— сўради Мирҳайдар.

— Эҳе, сочи кўзига тушган, оғзида колбаса, елкасида юқ ташиган болани кўрмадингизми?— деди хаҳолаб Ўқтам.— Йўқ, бизнинг Эгамберди ўтда куймас, сувда чўкмас йигитча. Уста шофёри топиш мумкин бўлмади. Жуда шошилдим. Аммо Эгамберди — машинанинг қули. Тез орада унча-мунча механитика ҳам сўз бермай қўяди у...

40 — Хоҳласа қолар, колхоз бағри кенг. Бўлмаса Аскаралини миндирамиз,— деди раис бепарволик билан.— Ажаб машина гўё қадамингга интизор экан-да. Мен ишонқирамагандим. Яхши, ишимизга қут киряпти. Ма-

шина колхознинг ёлғиз азамат уловигина эмас, ҳусни ҳам. Яна оламиз, яна оламиз, Ўқтамжон.

— Машиналар фронтда чумолидай сероб эди,— деди Ўқтам,— бундан буён бепоён колхоз далаларини қоплади.

Раис эшикдан кириши биланоқ қизчаси Юлдуз пилдираб унга отилди. Қари дада уни дарров кўтариб олди. «Олтин Юлдузимдан айланай,— деди у эркалаб, кейин овозини ўзгартиб, ранжигандай давом этди у.— Озода қиз эдинг-ку, бу нима яна, юз шира, қўл шира. 10 Анжир ейишни билмас экансиз, қизим»— раис ариқ бўйига чўққайиб, Юлдузимнг бет-қўлини ювди, олтин ранг майин соchlарини силаб-силаб, қизчани қўйиб юборди. «Бор аянгга, артиб қўйсин!» Юлдуз кўк шоҳи кўйлак-часини ҳилпиратиб айвонга юргилади.

Ўқтам супага ўтиради. Мевалари тим қора, олмадай олухирот новдаси эгилиб, унинг бошига тегай-тегай деб турарди. Қенг ҳовлининг ярмини қоплаган баланд сўрида ҳусайнилар, эчкумарлар, дили кафтарлар ва бошқа ранг-баранг узумлар товланиб фуж-фуж осилганди. 20

— Токни хиллаган экансиз,— деди раисга Ўқтам.

— Бе! — қўлини силтаб деди Мирҳайдар.— Ўзбекистонда неча-неча юз хил узум бор? Яна тажриба йўли билан ҳар йили янги навларни етиштиряптилар. Сен биронта узум совхозига бор, ақлинг ҳайрон қолади. Винолар бўлса...

Шу вақтда кўчадан Қутлуғжон кириб келди. У тарвуз палласига ип боғлаб судрар эди. Раис сўзини кесди. Ўғилчасини қўли билан имлади.

— Автомобилни бузиб ташлаб, энди тарвуз палласига кунинг қолдими?— деди у Қутлуғжонни қучоқлаб.— Қани, сен ҳам шўхлик қилмай, бирпас тек ўтиричи, жонидан. 30

Қутлуғжон кўрпачага чордана қуриб, қизил, сариф, тарғил олмалардан ҳар хил шакллар қура бошлади.

Мирҳайдар, «Хўш эшитайлик», деб Ўқтамга тикилди. Йигит юрагида қисқа, лекин ёрқин таассурот қолдирган саёҳатини тўла ҳикоя қилди. Комила билан тасодифан учрашганини сўз орасида ишора қилди-ю, тафсилотини нечундир яширди. Мақтангандай бўлиб кўринмайин деб 40 ўйлагандир, эҳтимол.

— Буни омад дейдилар, ҳам иш ундирибсан, ҳам томоша қилибсан,— деди Мирҳайдар, кейин Сайрамов

билан қилган сұхбатини батағсил айтиб берди. Җурлай чора-тадбирлар ҳақида, қийинчиликлар, етишмаслик-ларни йүқотиш устида узоқ бөш қотиришди.

— Бутун районда пахта планини биринчи бўлиб бажариш — шиоримиз бўлсин,— деди Ўқтам қатъий ра-вишда.— Бу шиор билан тайёрлик кўрамиз, ёппасига теримга чиқамиз. Коммунистлар, комсомоллар шу шиор билан омма орасига кирадилар.

— Яхши, халқ кучини йўналтириш учун бу шиор 10 бир марра бўлсин,— деди Мирҳайдар енгилланиб.— Бу шиордан янги хулосалар, шиорлар келиб чиқади.

Үй бекаси улкан лагандада жаркоп келтирди. Қатиқча қорилган пиёз жаркопни хушхўр, мазали қилган эди. Очиққан Ўқтам бошини лагандан кўтармай, иштаҳа билан еди, кейин бир пиёла чой ичиб, кетмоққа рухсат сўради.

Ўқтам шофёрга йўлиқмоқ учун чойхонага қайрилди. Шумтака Эгамберди қишлоқ ўспиринлари билан дарров апоқ-чапоқ бўлиб, уларга қандайдир фокус кўрсатмоқ-20 да экан, Ўқтамни кўриши билан, мен тайёр, дегандай сапчиб ўрнидан турди у.

— Йигитча жуда ҳунарбоз экан-ку,— деди кулиб чойхоначи Дадамат.

Ўқтам шофёрга омборхонадан тўшак-ёстиқ олиб берди. Кейин машина кабинасидан ўз тугунини — совғасини қўлтиққа олиб, уйга илдам жўнади.

Пахта далаларидан энди салқини кучайған тунги еллар эсар, мевалар оғирлигидан қад буқкан дарахтларни вазмин силкитар, тирговичларни йиқитар, сап-30 сариқ жўхори пояларни шилдиратар эди, ёз чанқоқлигини қондирмоқ учун жонбахш мавжларини муттасил юргутирган ва энди эса нагружкаси ҳийла озайған ариқларда ялт-юлт этиб юлдузлар ёнар эди. Йўлларнинг билиқ-билиқ тупроғи совуган, намчил.

Ўқтамнинг келганини эшишиб, уйда сабрсизлик билан кутишар эди. Ҳовлида унинг қадамини эшитиш биланоқ ўринларидан туришди. Она эса уни, худди олис сафардан қайтгандек қучоқлади. Дарҳол бир товоқда палов келтирди. Она ранжиса ҳам Ўқтам бирон қошиқ 40 емади. Супанинг бир чеккасига уолган тарвузлардан бирини танлаб келтирди, этик қўнжидан пичоқни суғуриб қадаш биланоқ тарвуз тарс этди. Муздай, сершарбат тарвузни еб, она билан анча вақт гангур-гунгур

Сұхбатлашди. Ҳакима эсә ақаси көлтірган китобларға берилиб кетган әди. Ҳаммаси романлар, қиссалар, шеърлар, достонлар...

— Шүнча китоб! Мен кутмаган әдим...— деди күзларини учқунлантириб Ҳакима.

— Магазинда сен тенги бир қызы сотар экан,— деди қулиб Үкта.— Унга дедимки, сизга қайси китоблар ёқ-қан бўлса, баридан бир нусхадан беринг, дедим. Қарасам, юриб-елиб бирпастда прилавкага шунчани қалаб ташлади. Бас, бас демасам, тоғ қилиб юборарди! 10

Ҳакима китобларни қайта-қайта қўлдан ўтказиб, чиройли муқоваларга, расмларга, ҳалли ёзувларга меҳр билан, боладай қизиқиши билан қараб, кейин токчага қунт билан тахлаб қўйди-да, бўлак совғаларга ўтди; қофозни шалдиратиб очди. Қизил, оқ йўлли икки жуфт майка билан трусикини чироққа тутиб кўриб, «Қимга?» деб сўради.

— Сенга,— жавоб берди Үкта зимидан қараб ва кулиб.

— Нима қиласман буни?— қандайдир суюнч ва та- 20 ажжуб билан, гўё ўз-ўзидан сўрагандек, деди қыз.

— Киясан. Бўш вақтларда шундай физкультурачилар кийимида майдонда тўп ўйнашни бошқаларга ҳам расм қиласан!

— Нима деяпсизлар, мен ҳам кўрай, қанақа кийим?— деб ҳовлида имирсиланиб юрган она келди.

— Ички кўйлак, мана,— деб Ҳакима олисдан кўрсатди-да, яна қофозга ўраб қўйди.

— Ички кўйлак, сиртқи кўйлак... яна майрам кўйлаги... тўқиб чиқарверинглар, пулни совураверинглар,— деди Сорабиби ранжиб.— Бунинг ўрнига таҳтатахт кўрпа-ёстиқ қилинглар, мениям орзу-ҳавасларим бор, тўй-хашам кўрмоқчиман. Йўқ, бу гаплар тушларингга ҳам кирмайди. Эс-ҳушларнинг — шайтонарава, машина, калават, ишкоф... Мен, ота-бободан қолган таомил билан қадам бос, дейман. Майли, яна ўзларинг биласанлар...

Үкта индамади, бундай гапларни онадан кўп марта эшитар әди. Тезда ечиниб, айвондаги оддий темир каравотга ўзини ташлади. Бироқ кўзларини ширин мудроқ босгандা, яна хаёл олиб қочди уни. Йигит Комилани эслади. 40

— Нега ухламайсиз, ақа? — бирдан Ҳакиманинг төвшини эшилди яқиндан.

— А, сен? — сесканиб бошини күттарди Ўктам.

— Мен ўқидим. Пушкиннинг «Капитан қизи»ни бошладим. Берилиб кетибман, вақт алла-палла бўлиб қолди.

— Катта шоир Пушкин,— деди Ўктам,— кўп жангчилар унинг шеърларини ёд билишади...

Ҳакима чироқни ўчирди. Ўктам энди, анча вақтгача ўзининг қадрдон жангчи дўстларини ёдлади.

Колхоз теримни одамлардан мардлик, фидокорлик талаб қиласиган, шу билан баравар тантанали бир воқеа сингари қаршиламоққа киришди. Қлуб, чойхона, барча дала шийпонлари тун-кун бу руҳ билан қайнади. Ҳавода оловдай ёнган қай алвонга ва қайси уйнинг деворига кўз ташламанг — «Ўзбекистон — СССРнинг пахта базасидир!», «Оқ олтиннинг бир заррасини далада қолдирмасдан жонажон Совет давлатимизга топширамиз!» каби шиорлар ва фидокорона меҳнатга, курашга чақирган ёзувлар барқ уради. Райондан, областдан юборилган агитаторлар халқ орасида тушунтириш ва сиёсий-тарбия ишларини қизитдилар. Колхоз коммунистлари ва комсомоллар ҳар кун звеноларда, хонадонларда юриб, пахта теримиға оид йўл-йўриқлар, мақолалар, очеркларни газеталардан ўқиб эшилтира бошлидилар.

Бир оқшом Фарҳодстроидан колхозчилар қайтишди. Уларнинг эгнилари чанг, кўзлари мамнун, сўзлари ғурурли эди. Чойхона ва клуб олдида элатлар билан кўришиб, уни-буни суриштириб, бирпасдан кейин улар уйларига тарқалдилар. Ёлғиз Ўсаржон Султонов кетмади. Ўртоқлари тутқизган бир пиёла чойни, қовжираган лаблари билан тик турган ҳолда ҳўплаб ичиб, тўғри идорага кирди. Ниманидир ҳисоблашиб, бухгалтерга чўт қоқдираётган раис ва Ўктам уни қувончли сурон билан кутиб олдилар.

— Қани, ўтири, ўғлон,— деди Мирҳайдар оталарча меҳрибонлик кўрсатиб.

40 Ўсаржон Султонов буларни ишдан қолдиришни истамади:

— Раҳмат, мен анчайин кўришиб кетай, деб кириб эдим,— деди у стол суюнчиғига қўлларини тираб.

— Хўш, гапир, иш қандай кетди? Обрўни қўлдан бермадиларингми?— сўради Ўқтам, хушхабар кутгандай, сабрсизлик билан.

— Ҳа, ҳа, шундан кел!— деди Мирҳайдар қизиқсиниб.— «Шавла кетса кетсин, обрў кетмасин» деган гап бор элда. Катта маъракада колхоз обрўси учун киши жонини тикса арзиди.

— Чакки ишламадик,— деди Усаржон маънодор ил-
жайиб,— бизнинг колхоз нормани ялнисига икки марта
ортиқ бажарди. Мирвали, Собитжон, Қосимали акалар
уч-тўрт марта ортиқ бажаришди, лекин Собир ака иши
қойил қилди: нормани беш ҳисса оширди. Роса кетмон-
каш экан. Қурилиш газетасида Собир ака тўғрисида
ёзишди. Хотин-қизлар орасида Дилшод, Анорхон, Бў-
такўз ва Мастонбиби опалар яхши ишлашди. Мана қис-
қа рапортим...

— Минг раҳмат, ўғлим, ҳаммаларингга минг раҳ-
мат,— деди Мирҳайдар меҳрли ва ҳаяжонли овоз би-
лан.— Одамнинг одами юрт ишида, ҳалқ ишида ўзини
кўрсатади. Шундай улуғ ишларда кишиларинг сараги
саракка, пучаги пучакка чиқади. Ҳа, анав Шодиқул
ҳафсалана қалай бўлди? Биласанми, Ўқтамжон, бу лақаб-
ни мен қўйганман унга. Тавба, не зарур юмуш бўлма-
син — чопиқми, сугоришми — «қўяверинг, ҳафсалам
келганда бирпасда ўмариб қўяман», дерди... Бир кун
жуда тутақиб кетдим. «Ҳай, менга қара, деб иягидан
кўтардим: энанг сени вақти-соати етганда туққанми, ё
хафсаласи келгандами?» дедим...

Ўқтам қотиб кулиб, кўзларини артди. Усаржон Султонов эса, ғижиниб, деди:

— Дастрлаб мени роса хуноб қилди у. Дам безгагим
хуруж қилди, дейди, дам иситма суюгимгача ёндирияп-
ти, дейди. Иш қайноқ вақтда чўқайиб, бир пиёла чойни
юз қултум қиласди. Йўқ, кейин танқид қила-қила, бир
оз эпақага келтирдик...

— Сен ўзинг ишни уюштириш билан банд бўлган-
дирсан, қийналмадингми?— сўради Ўқтам.

— Одамларимизнинг турмушини, маданий дам оли-
шини йўлга қўйдим,— жавоб берди Усаржон кўзларини
ерга тикиб.— Лекин ҳар кун қўлимгага кетмон, лом олиш-
га ҳам тўғри келди. Қирқ мингга яқин колхозчи дарёдай

10

20

30

40

қайнаб меҳнат қилганда, киши ўз-ўзидан ишга шўнғиб кетади...

Бироқ у ўзини мақтанишга муносиб кўрмас ва бутун йигитлик шаъни ва оташини ишга солиб, Собир билан гўё ўчакишгандай, мусобақага интилгани ҳақида гапиргиси келмади. Ўктаам унинг қўлини маҳкам қисди.

— Боринг энди, обдан дам олиб, роҳат қилинг, ота ўғли,— деди раис Ўсаржоннинг елкасини қоқиб.

Ўктаам иккинчи бригада звенолари орасида терим 10 мусобақасига бағишланган мажлисни ўтказиб, шудринг тушган ёлғиз оёқ йўллардан, дала бўйлаб юриб, қишлоққа яқинлашгандা, тўсиндан Собирга йўлиқди. Ўртоқларча такаллуфсиз, ҳазилкашлик билан кўришдилар. Собир унинг қаердан келаётганини сўради. Ўктаам, «Мажлисдан», деб жавоб берди. Ширақайф Собир унинг қўлидан маҳкам тутиб, суриб етаклади.

— Юр, энди бирпас отамлашайлик, соғиниб қолдим. Сеники нуқул мажлисбозлиқ экан-да. Биламан, бoshингда терим ташвиши бор. Биламан, жуда-жуда резавор иш бу. Аммо Ўктаамжон, хавотир олма, пахтанинг бир толасини шамолга учиртирмаймиз.

— Яша, дўстим, «Фарҳод»да азаматлик кўрсатибсан,— деди Ўктаам у билан ёнма-ён юриб.— Теримда ҳам беш нормани дўндирасан, полвон.

— Қайдам, бари дастпанжамнинг югуруклигига қарайди,— деди Собир Эрматов.— Бурунлар унча теримчи эмасдим.

Собир уйга кирганда, қаерда ўтирасак экан, дегандек бир зум ўйланиб, кейин дўстини шийпонга таклиф этди.

30 Шамолда липиллаб ёнган лампани ўртага қўйиб, кўрпачаларда чўзилишиди. Ўктаам керишиб, ҳомуза тортди. Собир юзини ҳовли томон ўгириб, қичқирди: «Энажон, қани, ошовни келтиринг!» Кейин Ўктаамнинг «Керак эмас», деб қўл силташига қарамай, Собир шишанинг тагига бир урди. Ароқ томчилари Ўктаамнинг бетига сачради.

— У ерда бу қургурни оғизга олмадик ҳисоб,— деди Собир ўзини оқлашга тиришгандай.— Одам қалин. Кундузлари ишга шундай берилиб кетасанки, кайф эсингга 40 келмайди. Тунларда, ўйин-томушадан кейин донг қотиб, хуррак тортасан. Бир кун шом пайтида, қозон тепасида яримтани томоққа яширингина отгандим; йўқ, бир оз

еңғілтаклик қилибман, дастурхон үстида ўз орамиздайтын баъзи сўфитурғайлар билан чизи этишиб қолибман. Бу қилигум жононга ҳам ёқинқирамабди...

— Хўш, ишқ дафтарини оч, жўрам. Ширин қалай? Тўйни қачон бошлаймиз?— қизиқиб сўради ва Собир томонга сал сурилиб тикилди Ўкта.

— Анорхон ҳар жиҳатдан етук қиз-да,— товушини пасайтириб юракдан жавоб берди Собир.— Унинг ҳусни, шўхлигигина эмас, кўнгли ҳам мени борган сайин банд қиляпти. Энди тўй жўнига келсак, ҳамма гап вақт соатга боғлиқ, дўстим. Ўз оғзидан ваъда олмаган бўлсан ҳам бироқ кўнгли мойил. Гулдай юзидан битта ўшишни ҳам уздик. Сирдарё бўйларида бир кун...

Собир маънодор йўталиб, сўзни кесди. Қампир икки косада серпиёз қайнатма шўрва келтириди. Ўкта ўрнидан қўзғалиб, узун бўйли, қотма, кўзлари тийрак, юзида йирик-йирик сунъий кўк холлари бор кампир билан сўрашди.

— Бардаммисиз, Руқия хола?

— Давлатларингда, шукур, отдай елиб-югураман,— 20 деди кампир бир қўлини белига тираб.

— Кампир ҳали темирдай,— деди Собир кулиб.— Ўзи ҳам боевой-да, Ўкта, эсингдами, аям теримга жуда чаққон, бирпасда қопни тўлдириб, паҳтани хирмон-хирмон йиғади.

— Мана бу куз синар эканмиз,— деди Ўкта.

— Бутун ёз бир кун бекор ўтирганим йўқ, болала-рим,— деди кампир.— Юракда аввалги ўт бўлмасаям, яллиғи ҳали учмаган. Бу йил эсонлик бўлса, бир терайки, ўша орден таққан теримчи аёллардан ўзибоқ кетай... Лениннинг сурати солингган чиройли ордендан биттасини олиб беринглар, ўша орденнинг мартабаси улуғ, дейдилар.

— Ҳа, шундай қилинг, Руқия хола,— деди Ўкта чапак чалиб.— Катта орден сизники.

Кампир оёқ устида туриб, у ёқ-бу ёқдан яна пича гаплашди, шишага кўзи тушиб, бир оз ранжиган бўлди: «Ёнгиналарингда шунча ширин-шарбат, нозу-неъматлар турганда, шу қўланса нарсани ичишдан нима фойда?» деди. Кейин уларга умр, баҳт тилаб, дуо қилиб, пастга, 40 ҳовлига тушди.

Собир ароқни қўйди, дўстлар сўзсиз, лекин кўзларининг самимий имоси билан бир-бирларига тикилиб,

10

Ичишди, қип-қизил гаримдорини эзиб-эзиб шўрвани хўриллатиши. Гаримдоридан тили куйгандай Собир «пуп-пуп» деди. Кейин ингичка сийрак мўйловини узун, ўғон бармоқлари билан силаб, гавдасини Ўқтам томон эгиб, гапга тушди:

- Кўнгил мойил экан, Сирдарё бўйларида синадим буни. Қулоқ сол, мана бу воқеани нимага жўясан? Бир кун офтоб анча куйдирган пайтда қора терга ботиб кетмон ураётир эдим. Ер метиндан баттар. Яна Ўсаржон ўша куни мен билан куч синашга астойдил бел боғланган эди. Ўзи хипчагина бўлсаям, уни пайи фирт куч экан. Иссиқдан, чангдан бетоқат бўлган вақтимда Анорхон келиб, ўз рўмолчаси, ўз қўли билан бетимдан терни артди, елкамни қоқди...

— Хўш, нима бўпти? Одамгарчилик қилган-да,— деди Ўқтам атайин беспарволик билан.

- Эҳе!— кўзларини олайтириди Собир.— Шундай меҳр билан артдики, азбаройи шифо, бир зумда бутун ҳордигим чиқди... Хўп, сен гумончироқсан, шошма, мана бунга нима дейсан: Бир кун шомда халқдан узоқлашиб, дарё бўйида шишадай тиниқ сувга қараб ўтиридик. Бу ерда битта қовун едик. Шунда битта енгилгина ўпиш ҳам олдим. Кейин иккимиз икки ёқдан қўшхонага қайтдик. Яна бир талай гаплар борки, кўнгил мойиллигини билдиради.

— Тўйни бошласак бўлар экан, ота ўғли! Қутлуғ бўлсин жононинг,— деди Ўқтам самимий.

Собир яна қўйди, бўш шишани нарига юмалатиб, Ўқтамни ичишга ундаdi.

- Лекин бир нарсага тушунолмайман,— деди Собир кўзларини кайф билан сузиб ва хўрсиниб.— Анорхон ўқтин-ўқтин хаёл суриб кетади, бирдан мунгланиб ҳам қолади. Юрагида қандай дард бор — мана бу менга сир..

— Қиз кўнгли шундай нозик бўлади. Балки трудармиядан ҳали қайтмаган дадасини эслар...

- Собир бирпас ёнбошлаб хаёл сурди. Ўқтам унга яшириб бўлмас ҳаяжон билан Комила Салимовани таърифлади. Тошкентда у билан нималар кўрганини батафсил ҳикоя этди. Собир эса ўртоғининг дидини маъқуллаб, қизнинг унга муносиб эканини билдиради. «Элобод» колхозчилари ўз рансидан жуда хурсандлигини, улар

оғзидан Фарҳод қурилишида Комила тўғрисида мақтovlar эшитганини айтди.

— Меники хом хаёлга ўхшайди,— деди Ўқтам папиросни ўйчан тутатиб.— Жуда сир сақладиган қиз экан. Ким билади, балки ўзига обрўдор, донгдор бир эш қидирап...

— Ўзингни пастга урма,— деди қатъий равишда Собир.— Сендан кўра муносиброқни топаман деса, Комиланинг ақлига мен қойил қолмаганим бўлсин.

Шамол кучайди, чироқ ўчди, дарахтлар гувиллади. 10
Боғча — ҳовлида шафтолилар, олмалар, ноклар тап-тап тўкила бошлади. Собир салқин, шўх шамол билан ўчишгандай, лампани қайта-қайта ёқиш билан овора бўлди. Қайрағоч тепасидан Собирнинг катта кўркам бабақ хўроzi чўзиқ, салмоқдор овоз билан қичқириб юборди. Ўқтам кўзларини сузиб, кетмоқ учун ўрнидан қўзғалди...

XXII

Ўсаржон эрта билан далага чиқди. Ҳар жойда кўзга илғамас улкан далаларда лўппи-лўппи очилган ёки эндиғина чаноғини ёрган оппоқ паҳта эрталабки қуёшнинг олтин нуридан қордай чақнар, салқин шабададан енгил мавжланар, кўз қамаштирувчи миллион шабнам дурлари билан чиройли товланар эди. Ёш йигитнинг кўзлари учқунланиб кетди, паҳтазорга кириб, қўш қўллаб худди баҳорда гул терган қизлардай севги ва шавқ билан тез-тез тергиси, булутдай хирмон қилгиси келди.

Пастак тепаликдан ошиб, йўлакай Саксон отанинг участкаси ёнидан ўтди. Бу звенодагиларнинг энг ёшининг соқоли мош-биринч эди. Улар Саксон ота бошлиқ давра қуриб қовун еб, нима тўғрисидадир жиддий кенгашмоқда эдилар.

— Ассалом, ҳорманглар, комсомол оталар!— қичқирди ҳазиллашиб Ўсаржон.

— Ҳа, кела қол, шервачча!— деди мамнунлик билан Саксон ота кулиб.— Умр шомига етсак ҳам, юракда ўтимиз бор...

— Сизлар совет чоллари-да,— деди Ўсаржон.

— Балли, юракдаги тилак-армон — совет замонидан,— гапга аралашди бошқа бир чол, соқолидан юмаланган томчиларни артиб.— Ахир баҳор келганда қари толлар ҳам баргак ёзади...

Йирик юмалоқ бошига дўппини яримта қилиб кийган, қенг елкали, гирдиғум, қисқа соқоли силлиқ таралган Мадкарим улоқчи сопига фируза қадалган чиройли пичоқ билан умурвоқидан бир тилим кесиб, Ўсаржонга узатди.

Ўсаржон серэт, муздай қовунни тишлади-ю,вой тишим, дегандай юзини буруштириб, бошини аста тебратди. Кейин қарилар даласига кўз югуртиб, пахтани мақтади.

10 — Куз қай равища ўтади, ҳали гап шунда, болам,— деди Саксон ота.— Ҳамма қўсаклар пишиб берса, ишимиз йирик. Мабодо, худо кўрсатмасин, куз ёмонлик қиласа, ишимизнинг белига тепади-да.

— Сизча қалай ўтади куз?— сўради жиддий тур билан Ўсаржон.

— Худди бу сўроқни бурноғи кун ўғлим раёном ҳам берди,— деди Саксон ота соқолини ҳилпиратиб қулиб.

20 — Рустамжон Сайрамов — жуда текширмачи, туйғун йигит-да,— деди улоқчи кекса, пичоқни белбоққа осилган серҳашам қинга жойлаб.— Бир кун йўлда учрашиб, бирпас гаплашиб қолдик. Отларнинг насли, тури тўғрисида суруштириди Рустамжон. Сўз орасида бир-икки мақол айтган эдим, чўнтакдан дафтар-қалам чиқариб, дарров ёзиб олса бўладими? Омон бўлгур, зап бўлимли, қадршунос, ишбилармон бошлиқ-да.

30 Қариларнинг бари Сайрамов ҳақида унинг фикрига қўшилишди, қувватлашди, дуо қилишди. Кейин улар об-ҳаво тўғрисида халқ тажрибасига оид билган-эшитганларини ўртага ташлаб, кузнинг равиши-рафторини тахминлашга уриндилар. Ўсаржон чўққайиб, диққат билан қулоқ солди. Қариялар орасида энг камсўзи, энг соддаси қишида яланг оёқ қор кечишдан тоймас, сараторда ўзини қўмга кўмиб ҳузур қиласидиган Абдулаҳад ота бу йилги кузнинг бехатар, илиқ ўтиши ҳақида ишонч билан гапирди.

40 — Ўғлим, яххиси шулки,— деди Саксон ота қўлини силтаб,— қолган ишга қор ёғар, деган қадимги сўзни унутмайлик. Ҳа, ҳар соатни ғанимат бил, ҳосилни териб ол.

— Тўғри,— деди чолнинг елкасини ўғилдай силаб Ўсаржон,— мана бу асли ҳикматли сўз. Куз хунукми, чиройлими келади, барибир марра олдин битиргандини.

Чунки теримдан кейин яна қанча иш бор! Ерни дарров ағдариб, ҳайдаб, келаси йилги ҳосилга тайёрлик кўрмоқ керак. Баҳорда бетоблигим мени доғда қолдириди — юз центнерчи бўлолмадим, отажон. Аммо келар йил бунинг ҳиссасини чиқараман.

— Йигит обрўси — унинг аргимоги,— деди Саксон ота.— Муродингга етасан, ўғлим.

Ўсаржон хайрлашди. У ўз участкасига кетаркан, бедазорда Дадаматга йўлиқди. У бўш енг учини қайишга — камарга қистириб олиб, сайратмалар билан овора эди. Ўсаржон шўх, хушчақчақ Дадаматни ҳурмат қилар ва у билан ҳазилкашликни севар эди.

10

— Сизники ҳамиша пит-билдиқ экан-да, Дадамат ака!— деди атайн қатъий равищда Ўсаржон.

— Танқидчимдан айланай!— хаҳолаб кулди Дадамат.— Мен тунларда юлдуз санаганимда, сен инингда юмшоққина тўшакда бўрсуқдай ухлайсан, қараб тур, якка қўлим билан ҳам теримда сени қочираман.

Ўсаржон кулиб у билан кўришди. Кейин Дадамат бугун тутилган семиз, ҳуркак беданаларни қўйнидан 20 бир-бир олиб кўрсатди. Тўрқовоқдаги тезотар беданалар бир-бирларига гал беришни истамагандай сайраб, ҳавони янгратарди.

20

У-бу тўғрисида бирпас ҳангама қилиб Ўсаржон жўнаркан, Дадамат уни пешинда бедана паловга таклиф этди ва «Фаргона ялласи»ни яна шўҳроқ оҳангда айтиб, қушларига берилди.

Ўсаржон ўз звеносининг участкаси теварагида аста айланди. Пахта чамандай очила бошлаганди. Йигит ҳар ер-ҳар ерда чўққайиб, қунт билан қўсакларни санади, уларнинг сифатига диққат қилди. Звено аъзолари то сўнгги кунларгача пахса устида ишлаб, унинг топшириқларини яхши бажарганликлари ҳар қадамда сезилиб турарди.

30

— Ишиңг йирик, Ўсаржон!— қичқирди ўткинчи колозчи, отбоқар Қўзибой.— Фўзанг дастлаб мазаси йўқроқ эди назаримда, ҳайронман, бирдан авж олиб кетди.

— Агротехникани дуруст қўлладик,— деди Ўсаржон.— Сувни, ўғитни ҳам нақ тобида бердик-да. Шундай, отхона беги Қўзибой, бу йил ишни агрономча 40 қилиб юбордик. Пайти келганда, докторлардан, профессорлардан ҳам бир шингил-ярим шингил маслаҳат ол-

дим. Гўза парвариши билан от боқиши орасида зўр фарқ бор.

— Хўш, эшитайлик, акаси жонидан,— деди Қўзибой кинояли кулги билан мунчоқдек кичкина, ҳамиша айёрона айланган кўзларини қисиб.— Фўзанинг томирини кўрадиган дохтири ҳам бўлар экан-да! Отхонада заргар, гўза орасида дохтири не қилсин? Мени дунёда биринчи лақма деб ўйлайсан шекилли...

- 10 — Янглишасиз, Қўзибой,— деди жиддий равишда Үсаржон.— Бирон илмдан билимли, тажрибаси кўп бўлган, иш кўрсатган мутахассисга доктор деган ном берилади. Пахтачиликда ҳам докторлар бор, уларни агрономларининг домлалари десак ҳам мумкин...

— Аҳа, ана шундоқ донолардан таълим олдим, дегин,— деди Қўзибой қошларини маънодор учирив.— Лекин пахтани билишда бизнинг раисга, Саксон отага ким тенг келади? Ҳар қандай дохтилингни улар бир чўкишда қочиради, ука.

- 20 — Тўғри, кексаларимиз деҳқончиликда жуда мөҳир,— деди Үсаржон Қўзибойнинг елкасига қўлни қўйиб.— Пахта масаласини ичиб, балки кийиб юборган улар.

— Ана энди ўзингга келдинг!— қичқирди гердайиб Қўзибой.

— Бироқ кексанинг тажрибасига ҳозирги илм ва техникани қўшсак, қалай бўлади?

Қўзибой индамасдан ўйланиб, ерга қаради, кейин «ҳим-м-м...» деб бошини кўтарди аста, «жиққа мой-да!» деди.

- 30 — Катта дарёдан сув ичиш керак!— деди Үсаржон. Қўзибой пахтага қараб-қараб, аста жўнади.

Үсаржон звено аъзоларини йигди. Тўрт эркак, икки аёл бақатерак остида майсада давра қуришди. Бўтакўз билан Хайринисо, ҳар вақтдагидек, рўмollарини бўйинлари орқали енгилгина боғлаб, ёнма-ён ўтиришар, гоҳгоҳ кўзларининг сезилар-сезилмас имоси билан ўзаро суҳбатлашар эдилар. Бу ёш келинлар эркаклар ичидагу кўпинча ана шундай ўзгалар тушунмайдиган «кўз тили»ни қўллар эдилар. Бош сугорувчи комсомол Тўлаган 40 Қўчкоров — дўнг пешана, қирра бурун, кўкракдор, полвон тахлит йигитча — кичкина район газетасига кўз тикиб ўтиради. Чопиқда чапдаст, бирпас бўш қолса, дўп-писини «лаган» қилиб, ашула айтишни севадиган ориқ-

қина, чайиргина Ҳасанбой қумоқ ўтдан шайтон кавш тўқиши билан овора эди. Фронтовик Қоражонов — ўнг қулоғи яримта, сўл қўли жимжилоқсиз, қуюқ, ҳурпак сочи устидан эски пилоткасини босиб кийган, шўх, жасур йигит — гўё командирдан бирон топшириқ кутгандай, звено бошлиғига диққат билан тикилган эди. Дастлаб Ўсаржон ўзи йўқ вақтда қилинган ишлар билан танишиди, кейин терим масаласига ўтди.

— Барча звеноларни теримга тайёрлаш керак,— деди 10 Ўсаржон блокнотига тикилиб.— Эрта комсомол мажлисини чақирамиз. Кейин очиқ партия мажлиси бўлади. Хўш, биз қандай таклифлар билан борамиз? Бошқаларни чақириш ё қизиқтириш учун аввал бу масалада биз ўзаро бир ёқадан бош чиқармоғимиз керак.

Ҳамма бирдан жонланиб, бир-бирига қарашиди.

— Албатта, биз биронта кўсакни қолдирмасдан ўз пахтамизни териб оламиз,— деди Қоражонов.— Майли, қор ёғадими, тош ёғадими...

— Ҳай, ундаи баднафас бўлма-я,— қичқирди Ҳасан 20 қўлинин силтаб ва кулиб.

— Пахтага қор ёғса, юракка тош ёққандан баттар бўлади, ашулачим!— деди Қоражонов қатъий бир оҳангда.— Озмунча тер тўқдикми? Ҳаммамиз ҳам умид билан меҳнат қилдик, роҳатини ҳам кўрайлик. Биз-ку ўзимизникини териб олармиз, аммо гап бунда эмас, бутун колхоз пахтасини ўйлаш керак! Район планини, бутун Ўзбекистон планини ўйлаш керак.

— Масала шунда,— кўрсаткич бармоғи билан таъкидлаб деди Ўсаржон Султонов.

— Ўсаржон ака, музокаранинг ҳожати йўқ,— деди 30 Қўчқоров салмоқланиб.— Теримда звеномиз ҳаммадан олдинда юриши керак. Партия мажлисида кўкракни кериб, катта ваъдани бераверинг номимиздан. Бажарамиз, қизармаймиз!

— Яша! Мана бу комсомолча сўз,— деди шавқ билан Ўсаржон.— Таклифинг — таклиф. Звеномиз терим ишида етакчи бўлсин! Мусобақага қай звенони чақиросак? Менимча, Тансиқ звеносини, а?

— Бўпти,— шўх қичқирди Қўчқоров.— Қизларнинг 40 белини бир синаб кўрайлик-чи!

— Лекин теримда қизлар билан баслашиш жуда мушкул-да!— деди Ҳасан бошини аста маънодор тебратиб.

— Ҳай, сен ваҳимакаш экансан-ку,— Ҳасанга ранжиб қаради Қоражонов пилоткасини олиб, у билан тиззасига бир уриб,— белбоингни чечиб қўй-е.

— Ахир, ҳар йил энг чаққон, энг девкор теримчилар хотин-қизлардан чиқяпти. Орденларни нуқул улар ола-япти-да,— деди Ҳасан қизариб, бўғилиб,— кўрмагансан, Анорхон, Дилшодларни қўли машина бўлиб кетган...

— Қўрқманг, Ҳасанбой,— деди илжайиб Хайринисо.— Биз ҳам ёмон термаймиз. Қўлни астойдил ишга 10 солсангиз, сиз ҳам унча-мунчага сўз бермай қўясиз.

— Сўз тамом, ўртоқлар, ишга!— деди Ўсаржон ва дафтарчасига нималарнидир ёзиб-чишиб ўрнидан турди.

Теримга бағишлиланган қизғин баланд руҳли мажлислар ўтгач, бешинчи сентябрда эрта билан колхозчилар клуб олдидаги майдонга йиғилдилар. Ҳамманинг — эрлар, аёллар, ёшлар, қарилар — белида оқ тоза қопчиқ, ёшлар, айниқса, қизлар жомакор кийиш ўрнига ясанышган эдилар.

Мана, Мирҳайдар супага чиқди. Ҳаяжондан унинг 20 кўзлари ёнар, соқоли сал титрар эди.

— Яҳшилар, колхоз азаматлари!— деди у мулоим ва юракдан чиққан товуш билан.— Ҳозир терим тўйини бошлаймиз. Ҳа, ҳозирги соат азиз ва қутли соат. Ҳозир меҳнатимизнинг мевасини теришга киришамиз. Партия-мизга, ҳукуматимизга, Ватанимизга берган ваъдамизни юз ёруғлик билан, ихлос билан бажариш учун кураш бошлаймиз. Қани, азаматлар, улуғ устозимиз, жонажон Лениннинг номи билан, меҳр-муҳаббати билан далага мардона юриш қиласайлик!— Мирҳайдар қўлининг кес-

30 кин ҳаракати билан далага ишорат қилди. Бирдан чапак ва сурон гуриллади. Айни вақтда қўш сурнай ва тўрт чирманда ҳавони кучли ва тантанали садолар билан янгратиб юборди. Бир неча қиз ўз-ўзидан рақсга тушиб кетди. Мана, қулочкаш чапак чалиб, овозини қалдироқдай гумбурлатаётган Собир Эрматов — Анорхон ноз ва шўхлик билан ўйин гирдобига кирганда — бардош қилолмади, узун, қудратли қўлларини мардона силкиб, ўйнаб кетди. Қайноқ йигит даврада бир айланди-ю, бир қўли билан Ўқтамнинг қайишига чанг солиб,

40 дўстини ўртага тортди. Ўқтамнинг юзи оловланди, бир дам тихирлик қилиб, кейин ўз билганича ўйнади. Собирнинг атрофида эйланга бошлади. Теваракда қийқириқ авжга чиқди. Чирмандақашлар мастиланиб, яна ҳам

кучли шавқ билан чала кетдилар. Оғзида нос, қошлари чимирилган Хадича хола ҳам гулдор кўйлагининг кенг, узун енгларини ҳилпиратиб, кекса яллачилардек мақом билан йўргалай бошлади...

Мана, музика, рақс, қувонч, сурон гирдоби бирдан ўриндан кўчиб, аста-аста теваракка, поёнсиз далаларга оқди.

Пахта терими бошланди. Юракларда меҳнат шавқи қайнайди. Ҳар ёқда, пахтазор узра қий-чув, кулги, қўшиқ янграйди. О, қизларнинг, аёлларнинг қўллари, 10 уларнинг оҳангдор, аниқ, илдам ҳаракати! Қордай чақнаган, ипакдай майин пахта гўё бу қўлларга ўз қобиғидан ўзи илашиб отилиб чиққандай...

Мирҳайдар пахтани чаноқлардан қандайдир ихлос, меҳр ва қунт билан суғуриб, этагига солади (унда қопчиқ йўқ), тўлганда биронта теримчининг этагига, ё фартуғига ағдаради: «Ма, ол, нормангга посанги!» Бу кекса пахтакор шу пайтда шундай хурсанд, шундай баҳтиёрки, чеки йўқ. Ахир бир вақтлар бошпанасиз, бир парча ерга зор, бир қошиқ ёвғон учун бойлар эшигига 20 бош қўйган бу собиқ батрак, чоракор ҳозир ким бўлиб қолди? Қолхознинг отаси-я, у! Орқадан қувноқ, ҳаяжонли товуш эшилди:

— Раис ота!

— Хўш, қизим?— Мирҳайдар қайрилиб, кўзлари учқунланган, қорача юзида табассум ёнган қизалоққа тикилиб, мулойим товуш билан деди:

— Мана, «барака!»— қиз бир бандда очилган қўшалоқ қўсакни фурур билан берди.

— Аҳа! Бахтли экансан, дарров топа қолибсан,— 30 Мирҳайдар баракани бирпас томоша қилиб, гулдай чаккасига қистирди-да, чўнтакка қўл солди.

— Мана совғаси!— қадим деҳқон одатига риоя этиб, юз сўмлик шалдирама қофозни қизга узатди.

— Раҳмат!— Қиз пулни чаккага, рўмолчаси тагига қистириб, югурга кетди.

Ўқтам кўзларини чаноқларга жавдиратиб, икки қўли билан илдам ва саралаб теришга интилар эди. Зарур юмуш бўлмаганда, теримдан чиқмасликка қарор қилган 40 эди у, бироқ кўпдан буён пахта термагани учун керакли даражада илдамлик, чаққонлик кўрсата олмас эди, ҳам чўқаймоқ, энкаймоқ бир қадар малол келар эди унга. Ез ўтган, кўз боши бўлса-да, ҳаво тип-тиниқ, зан-

гори, қуёш яхши қиздирап, юзлардан томчи-томчи тер-
ларни юмалантирап эди. Далада самовар шақиллаб
қайнаб турса-да, теримчилар чой ичишга вақтни қизға-
нар эдилар.

Бир неча соат ичида ҳар қаерда уюм-уюм пахталар
чақнай бошлади. Ҳар ким ўз хирмонининг баракасини
тилаб, югуриб-елиб, қизғончиқлик билан теради. Собир
Эрматов азамат қучогини тұлдирған пахтани ўз хирмо-
нига ағдариб, Үктам ёнига келди ва унинг теришини
зимдан күзатиб деди:

— Дуруст, құлларинг хийла олғир. Менинг кампи-
рим билан баслаша оласан. Пахта тергинг келса, менга
келавер. Хүб?

— Йўқ, қизларга бораман,— деди Үктам.— У ерда
босим термоқчиман.

— Ҳим-м...— кулиб, маънодор йўталиб қўйди Собир.

— Инсоф қил! Ҳазил-пазил билан бир тахта пахта-
ни еб қўядиган сумбатинг бор, полвон!

— Туёғингни шиқиллат, ука,— деди Собир атайин
жиддий бир тур билан.— Барибир, у даргоҳ ҳам ками-
на учун азиз. Ўзим бунда, қўнгил унда...

Дўстлар бирпас ҳангамалашиб, яна ишга тушишди.
Кун ярмида теримчилар далада чордана қуриб, ёнбош-
лаб, ўйин-кулги ва иштаҳа билан овқатланишди. Кейин
Үктам қизлар звеносига йўлланди. Ҳамма участкаларда
қизғин терим давом этар эди. Йигит ҳар ер-ҳар ерда
бир зум тўхтар, завққа тўлиб, қичқиради: «Ҳорманг-
лар!»— даладан аҳил, тетик, хурсанд овозлар янграб
учади: «Бор бўлсинлар, ҳо...»

Сочларига оқ майин толалар илашган, кўзлари
баҳтдан, қувончдан ёнган қизлар ҳосилдор кўркам да-
лага ёйилган эдилар.

— Қани, синашиб кўрамизми?— деди Тансиққа Үк-
там.

— Йўқ, ҳозирча Дилшод билан Анорхон олдинда
кетяпти чамамда...— жавоб берди Тансиқ қўлларини,
кўзларини фўзалар устида юргутиб.— Илдамлар билан
мусобақа қилсангиз, армонда қолмайсиз...

Үктам илғор теримчиларни яна қизиқтириб, теримга
40 берилиб кетди.

Қизлар қуёш ботгандан кейин ҳам даладан чиққи-
лари келмай, теримдан бирин-сирин қўл узишди. Улар
истироҳат ва тунаш учун дала шийпонига кетишли. Бу

Ёрда уларни қувончли, мардана колектив мёҳнатдान кейин бошланадиган шомги қий-чув, янги ёпилган нон ва қозонларда қайнаётган ош ҳиди қаршилади. Турли бригадалар, звеноларда бугун энг мўл пахта терган теримчиларнинг номлари кўп ўтмасданоқ маълум бўлди. Лекин бугун колхоз бўйича энг илгор, энг шонли теримчилар орасида Ўсаржон Султонов, Қодирқул Саломов ҳам Хатира, Карима ва Ойчучукларнинг иши ҳаммани ҳайратда қолдирди. Пахта ҳали қийғоч очилмаган вақтда уларнинг муваффақияти ҳақиқатан катта 10 эди. Юз центнерчи қизларнинг бешови ҳам саҳарлаб далага югуришга қарор қилишди. Тансиқ идорага кетди.

Кечки овқатдан сўнг қари баҳши кичкина дўмбирасини чертиб, кучсиз, лекин қандайдир ёқимли овоз билан «Зулфизар» достонини — ранг-баранг ёрқин хаёлга, халқ қизиқчилиги — юморига бой қадим асарини куйлади. Қекса қўшиғининг сўнги, оҳангдор, тантанали сўзлари поёнсиз далаларда эриркан, ўртага, кенг давра қурган халқ орасига ёш шоир чиқди. У қуюқ соchlарини салқин шамолларда ҳилпиратиб, кўзларини қайраочлар тепасида ғуж-ғуж ёнган юлдузларга тиккан ҳолда «Қуёш бор юрагимда» шеърини ўқиди... 20

* * *

Бу оқшом идорада ҳаёт ҳамма вақтдагидан кўра шовқинли ва кўтаринки эди. Бригадирлар, звенолар бошлиқлари тинмай қатнар, бу кунги терим натижаларини билдирап, аниқлар эдилар. Мусобақадошлар эса бу ерда юзма-юз келиб, бир-бирларига қочирма гаплар айтишар, ўзганларнинг юzlарида табассум, овозлари ҳам ҳаракатлари аллақандай кескин ва жонли. Бироқ 30 улар билан баслашганлар (уларнинг ҳаммусобақалири) ҳам сир бой бермасликка тиришар: ҳа, эрта кўрамиз, дегандай кўзларини маънодор қисиб, ё йўталиб қўйишар эдилар.

Мана, Ўсаржон Султонов ҳам қулоғига қалам қистириб, елкасига бўш қопни ташлаган ҳолда шахдам кириб келди. Уни кўриш биланоқ Тансиқнинг юзи ёниб-қизариб кетди.

— Ҳурмат тахтасига биринчи бўлиб ёзилар экансиз. Олдинги ютуқ билан қутлайман,— деди йигитга яқинлашиб қиз. 40

- Йўғ-э... Сизлардан ўтиб бўладими?— деди камтарлик билан Ўсаржон.—Ҳа, тўғри айтасиз, бу — олдинги ютуқ. Ҳамма гап охирги ҳисобда.
- Мирҳайдар билан Ўктам чироққа бошларини яқин тутиб, букунги терим ҳисоби билан овора эдилар. Очиқ деразалардан кирган салқин шабадага қарамай, ҳар иккисининг пешанасида, томчи-томчи тер йилтирад эди. Ранс қулт-қулт чой ютиб қўяр, Ўктам эса қарийб тинмасдан папирос тутатар эди. Колхоз бўйича пахта нормадан хийла ортиқ териилгани аниқлангач, улар бир-бirlарига мамнун қараб қўйишди. Бироқ Ўктам натижани бундан-да ортиқ чамалаганини айтди.
- Гап деганда қоп-қоп, иш деганда бетоб, ҳушёқ-маслар бор, ана шулар ишни хуржун қилади,— деди раис ўзича қизишиб.
- Ўктам ҳосилотнинг хотини ҳам, келини ҳам ишга чиқмаганини куюниб айтди. Мирҳайдар шивирлаб, ичиде эрта билан ўзи ҳосилот эшигини тақиллатажагини айтди, койиди у.
- Агар андиша қилсангиз, мен ўзим...— деди Ўктам.
- Йўқ, менга қўй, оқ билак ойимчаларни бир терлатайки...— деди уғижиниб.
- Ўктам иккинчи қўшниҳонага чиқди. Илфор теримчиларнинг номларини «Ҳурмат тахтаси»га ёзмоқ кераклигини Насимжонга буюрди. Илфорлар спискасига биринчи бўлиб Ўсаржон кирди: у бир юз етмиш тўрт кило терган эди.
- Хўш, кенойимни ҳам ёзасизми? Қанча терибдилар?— сўради кинояли, лекин атайин жиддий бир тур билан Ўктам.
- Эҳе, хонимчамиз пазандалар сафида...— жавоб берди Насимжон сунъий илжайиб.
- Ростданми?
- Ахир қўли лаззат-де. Хотиржам бўлинг, ўз ишини худди аскардай жойига қўяди. Мен ўзим ҳам қулогини бураб қўйдим. Дедимки, овқатни кечикмай...
- Тариқча инсоф борми сизда!— бўғилиб қичқирди Ўктам.— Ёшлар қозон бошига ўтиб олсин-да, кампирлар теримга чиқсин! Бу қандай майнавозлик?
- Бир дам сабр этинг, иним, бир дам ...— деди ранги ўчиб, лекин ялтанглик билан Насимжон:— У ўзи ша-

ҳар қизи. Теримда ёлчитармиди... Аммо ўз ишйига жуда моҳир...

— Шаҳарга бориб сомсапазлик қилсин!— баттар қичқирди Ўктам.

Эшиқдан Мирҳайдар югуриб кирди, нима гап дегандай, уларга тикилди.

— Отажоним, азизим,— мурожаат этди раисга йигламсираган товуш билан Насимжон,— бу одамнинг зулмидан қутқаринг мени... Нима учундир бу киши менга доимо кек сақлади. Эр-хотин ҳалол меҳнат қилсак-ку, 10 нуқул туҳмат остида қолсак...

Мирҳайдар жанжал сабабини суриштириди-да, дерага ўтириб, анча вақт индамай қолди. Қархисида ёлворгандай кўзларини жавдиратиб турган Насимжонга раиснинг раҳми келгандай эди.

— Наҳотки мен ҳақ бўлмасам,— деди Ўктам у ёқ-бу ёққа аста юриб, раисга қараб.

— Албатта, сиз ҳақсиз,— қичқирди Насимжон.— Қишининг меҳнатини қадрламаймиз, чунки ҳақиқатни кўрмаймиз. 20

— Тўхтанг, мулла,— ўрнидан қўзғалди Мирҳайдар,— биламан. Сўзни тангадай жаранглатиб сўзлашга устасиз. Аммо ҳозирги сўзингиз пучак; сариқ чақага арзимайди. Меҳнатда меҳнат бор. Колхозда авжи иш қайнаган пайтда кимки меҳнатнинг зўрини қидирибди — одамнинг сараси ана у... Далада қозон қайноқсиз қолмас. Шу вақтда пахта териш — олтин териш билан барабаравар. Мана буни уқиб олинг, Насимжон.

Насимжон ўтириди, ёзув-чизувга уринган кўриниб, бошини кўтармасдан минғирлади: «Хотиржам бўлинг- 30 лар, бир илож қилиб кўндираман».

Ўктам раис орқасидан чиқди. У-бу тўғрисида бирпас гаплашиб, кейин хайрлашди. У йўлакай дала шийлонларидан бирига қайрилди. Бу ерда қўпчилик оромбахш уйқуда эди. Фақат чеккада, жийда остида Ўсаржон ва унинг звеносидағи бაъзи ёшлар тўшакларига ёнбошлаб Собир Эрматовнинг нима тўғрисидадир шивирлаб, аллақандай сирли товуш билан айтаётган ҳикоясини берилиб тинглар эдилар. Ўктам дўстининг ёнига чўзилди-да, папирос тутатиб, эртаниги ишлар тўғрисида, дам олиш пайтларида колхозчиларга газеталар ўқиб эшиттириш учун, муаллимлардан ва юқори синф бола-

40

ларидан фойдаланиш тўғрисида ўйлади ва бирдан бошини кўтариб, Ўсаржонга мурожаат этди:

— Бир масалани унудибмиз, ука,— деди у.

— Шу кунларда тушингаям масала кирадиган бўлибди,— деди ранжиган, лекин ҳазилсимон товуш билан Эрматов,— гапга қовуштирумайсан.

— Биламан, фронтдаги ботирлигингни достон қил-япсан,— деди Ўкта.— Ҳозирги иш билан мақтан. Бугун терган пахтанг ўрта миёнадан сал-пал ошибди, сен 10 учун қизариб кетдим...

— Ёпирай, дарров эшита қолдингми?— деди Эрматов.— Роса чўтбоз бўлибсан-да. Шошма, ҳали қўлларим қанотини ёзгани йўқ; мана бу термакаш Ўсаржонни четга чиқариб қўярман.

— Чиранманг, полвон,— деди кулиб Ўсаржон.— Менинг қўлларим ҳам теримга ҳали унча кўнникани йўқ. Хўш, қандай масала, Ўкта ака?

— Бизда патефон кўпми?— сўради Ўкта.

— Қишлоғимиз, биласиз музикапараст,— жавоб берди 20 Ўсаржон.

— Бир вақтлар, пластинка учун пул аямайдиган азamatлар бари бизда эди,— гапга аралашди кимдир,— ҳозир патефонга ҳавас қолмади. Ҳамма радиоприёмникка ишқибоз.

— Бутун музикани далага чиқарсак, дейман...— деди Ўкта.— Звеноларга патефон, бригада шийпонлари-га биттадан радиоприёмник берсак.

— А, ширин масалани ўртага отдинг, галавангдан ўргилай, ота ўғил!— деди Эрматов.

30 Ўсаржон эртага ёш ташвиқотчилар ёрдами билан бу ишни амалга оширажагини айтди. Ўкта ҳазиллашиб, дўстининг елкасига муштурди: «Қиссангни айтавер, эртакчим», Собир «эҳ» деб елкасини қашиди-да, ётган Ўкта мни қўли, тирсаги билан эзиб, ерга қапиштироқ-қа уринди. Уларнинг ҳар иккиси ҳазил билан куч си-нашни, бир-бирларини юмалатишни севар эди. Лекин ухлаган элга халақит бермаслик учун, бу гал кураш авж олмади. Бирпасдан кейин Собир енгил ҳансираф, паст товуш билан ўзининг фронт хотираларини давом эттириди. Ўкта ҳали шода-шода меваси қоқилмаган жијда новдалари орасидан юлдуз чаманига қараб, хаёл суриб ётди. У Комила Салимовани эслади. Мана, Тошкентда учрашганига қарийб икки ҳафта бўлди, бироқ

оёклари унга элтар йўлга қанча бурилмасин, иш кўп-
лигидан, бирон соатга ҳам унинг қошига ғириллаб бо-
риб кела олмади. «Элобод» колхози уч кун бурун тे-
рим бошлаганини эшитган эди у. Комилани ҳозир ўз
идорасида, колхозчилар билан қуршалган ҳолда, қизғин
иш устида тасаввур этди-ю, хаёл ва соғинч билан ухлаб
қолганини сезмади ўзи.

* * *

Бола-чақалардан тортиб кампирларга қадар барча-
си далада меҳнат завқини сурадилар. Шафтоли ғарқ 10
пишган. Оёқ ости гилам-гилам шафтоли. Қовун-тарвуз-
ларнинг шакарга тўлган, роса пишган чоғи. Жўхори-чи?!
Зоғора қандай ширин, ейимли, тотли! Айниқса кампир-
лар ёғ қориб, жизза қўшиб, хўбам ажиб пишириш йўл-
ларини биладилар. Қовоқ, пиёз қўшилса, яна тотли,
хушбўй бўлади. Айниқса зоғорани тандирдан узган ҳа-
мон, қўлни куйдирган ҳолда есангиз, мазасини тушу-
насиз!..

Жўра, дўпписи чамбарак, енги шимариқ — азamat
кўринишли йигитча, ҳарсиллаб катта қанордан пахтани 20
ағдарди.

Ингичка, аммо дароз, чўтирнамо тарозибон кулди:
— Баракалла, хумпар-е-е, балосан, дуруст.

Жўра қанорни қоқиб-қоқиб, жиддий тусда деди:
— Мазам йўқ, aka, пахта ўлгурнинг ҳам салмоғи
йўқ, енгил-да, пардай енгил.

Жўра тарози олдига чордана қурди-да, турган бир
палла тарвузни олдига сурди.

— Е-е ука, сенга атаган эдим.

Жўра лунжини тўлатиб-тўлатиб ошади-да, паллани 30
кўтариб тарвуз сувини шимириди:

— Уҳ, жуда чанқаган эдим, қондим, раҳмат aka!—
жадал далага жўнади.

Жўра ва ўртоқлари ҳозир ялпи дала ишларига бе-
рилган чоғи. Фақат кичкинтойларгина мактабга қатнар
эдилар. Жўра ва унинг тенгқурлари қизларнинг, кам-
пирларнинг терган пахталарини хирмонга элтардилар,
отларга миниб, араваларга ортилган тоғ-тоғ қанор пах-
таларни пункtlарга ташийдилар. Ҳар жойда дарҳол ўз-
ларига муносиб иш топадилар, жон-дил-ла дастёрчи- 40·
лик қилар эдилар.

Жўра бақувват, кўркам, попук-шокилдалар ила бе-
залган отга, дев йигитлардай қиё ўтириб, аравани шах-
дам ҳайдаб борар эди, қўйқисдан ён кўчадан гиз этиб
чиқсан машинадан ҳуркиб, от четга ўзини ураркан, Жў-
ра учеб тушди. Орқада келаётган аравакаш дарров от-
ни ушлади. Жўра базўр ўрнидан турди-да, яна отга
минди. Аравакашлар, қўй, докторга бор, дейишди. Жўра
кўнмади. «Тузук бўлар, оёғим оқсайди, озгина шикаст
еди-да, зарари йўқ», деди ғурур билан. Пунктга пахтани
топшириб қишлоққа қайтди, от-аравани топширгандан
сўнг оқсоқлаб амбулаторияга борди. Тўпиқ гуп этиб
шишган эди.

— Ничего, қўрқма, полвонсан,— овутди қари доктор
кулиб ва дорилаб, яхшилаб боғлади.— Зараги йўқ, сал-
гина эти узилган холос. Уч-тўрт кун ётсанг бас, яна от-
дай чопиб кетасан.

Кечқурун она ишдан қайтар экан, супада чўзилган
Жўрани кўрган ҳамон ҳовлиқиб, ташвишли товуш би-
лан сўради:

20 — Нима бўлди, йиқилдингми, суяқ соғми?

Жўра секин ўрнидан турди-да, оғриса-да, бир-икки
қадам босди.

— Отдан йиқилдим. От жонивор машинадан ҳуркиб,
улоқтириди. Зарари йўқ, эт узилибди,— тинчитмоқчи
бўлди энани.

— Бас, бас! Ҳалитдан дардинг от-арава,— жаҳлдан
қизарди она.— Эплолмайдиган ишга нега ёпишасан, ер
ютгур. Ҳамиша зинҳор-зинҳор от-аравага, машинага
ёпишма, ёшсан, дейман. Катта бўлганда минарсан, шош-
30 масанг.

Жўра бир кунгина уйда ётди-да, оқсоқлаб яна дала-
га борди, қизларнинг кулги-мазахларини писанд қил-
май, мусобақа қилиб теримга шўнғиди, оёқ оқсоқ эса-
да, қўлларининг чаққонлигига ишонар ва ютиб чиқишига
тиришар эди. У тўқсон кило, юз кило, баъзан эса юз
йигирма, юз ўттиз кило терар эди. Жўра бирдан хаҳо-
лаб кулиб юборди, секин қизларни имлади.

Бир четда раис жаҳли чиқсан, асабий ҳолда нима-
нидир қаттиқ-қаттиқ Мастиурага галирар эди. Мастиура
40 индамади, аста теримга тушди.

Қизлардан биттаси пиқ этиб секин кулди:

— Майли, Мастиура опам пича терсин, раис ота ке-
тади-ю, уям фир этиб қочади, ишёқмас.

Раис Жўра олдида тўхтади:

— Ортиқча қоп йўқми?

— Қоп бор, нима қиласиз, ота?— сўради Жўра тушиунмасдан.

Раис индамади, қопни Мастирага улоқтириди.

Жўра ва қизлар раисдан ҳайиққанларидан аста кулдилар.

Жаҳли чиққан Мастира, иложсиз ҳолда қопни белга боғлади-да, даланинг четигароқ кетди.

— Жуда тайинсиз ўжар махлуқ-да,— деди 10 раис жаҳлдан қизарип.— Ҳеч бўйни ишга ёр бермайди. Дала-га чиқ десам, бир кун бошим оғрийди, бир кун оёғим оғрийди, деб алвон-алвон сабабларни кўндаланг қила-ди. Бай-бай бунинг ялқовлиги, аммо тил деган бир қу-лоч.

— Ҳа, уришмайсиз, қаттиқ. Пули кўп-да, ишлаб ни-ма қилсин. Ўғирликни бозорга ташигани-ташиган, жони бозорда,— кулди Анорхон.

— Эҳтимол, тўғридир гапинг,— деди ўйланиб 20 раис.— Кўп аblaҳ жувон. Унга тўғри йўлини кўрсатиб, ҳалол меҳнатга ўргатиш керак. Ўргатинглар, қизлар, савоб бўлади. Раис илдам юриб, кексалар даласига кетди.

Мастира ақрин-ақрин пахтани чаноқдан суфуриб, се-кин қимиirlар, баджаҳллиги авжида, хуноб эди. Секин қочсам бўларди-ю, лекин қизлар ўлгур бор — шарманда қилади улар, деди ўз-ўзига. Кечга довур гўё эрмакка тергандай, ялқовгина ўтириб, туриб, гап сотиб қи-мирлаб юрди. Хуллас, кунни кеч қилди, даладан би-ринчи жўнади.

Уйда Мастира қизча келтирган маставани ичди, уни 30 қарғаб-қарғаб бирлас аламидан бўшагандай бўлган эди, оҳ-уҳ қилиб Насимжон келди.

— Бай-бай меҳнатнинг, мاشаққатнинг кўплиги, ўладиган бўлдим. Овқат!— қичқирди супага ёнбошлиб.— Раис сениям хўб гапирди, ўлгудай эрка хотинчангиз бор, ҳаддан ташқари писмиқ деди.

— Хо-хо, худо кўтарсан раисингизни,— юзини терс бурди Мастира.— Жонимга тегди бу хархашалар, кетаман шаҳарга.

— Лекин қитдай сабр қил, жоним, бир узун қулоқ-40 дан эшишиб қолдим, Ўқтамнирайкомга олармишлар, шояд тинчиб қолсак, ҳозирча хўжа кўрсин қилиб, қи-

Мирлаб тур. Ҳамма teriorимга ёпишиб ўляпти, жаранг-жаранг оқча-да пахта,— тиржайди Насимжон.

— Ростаними-а? Илойим ийқолсин, жувонмарг,— деди Мастура суюниб.

Эртаси Мастура хийла ғивирлаб юрди ва қуёш ёйилғандан сўнг далага жўнади.

У жуда ялқов қизларга: «Жонгинам, бирпас ўтири, ҳаҳта бўлади-ю, чаноқда қолармиди, ахир терилар, жон ҳам керак», дер. Қизлар «пайт ғанимат» дерлар, Жўранинг эса энсаси қотиб «раис шуни одам бўлади, деб умид қиласди-я, жамиятнинг жароҳати бу», дер эди.

Бир кун олифта, келишган, ясанган бир йигит фотограф билан далага келди. Ҳаво ёқимли, офтобнинг тифи мулойим, тоғларда булултардан кўлкалар аста сургальарди. Йигит ўнтача чевар теримчи қизларни йиғди. Бир четда хомуш турган Мастурага фотограф кўзи тушуви ила Жўра «ялқов» деб шивирлади. Йигит ва фотограф: қизлар теримда, қизларнинг дам олиш пайлари, деб ҳар қабила суратга олдилар. Қизлар хурсанд, хушчақ-чақ, шўхлик ила фотограф ва йигит билан хайрлашдилар ҳам яна теримга тушиб кетдилар.

Ноилож, бош боғ ила сургалгандай эса-да, Мастура ҳар кун далага чиқиб турди. Энди у хийла ўрганиб ҳам қолди.

— Майли, таваккал, баслашамиз,— деди қизларга.

— Э-э-э, мазаси йўқ бу опамнинг, ҳали қаранг, ишдан қочади сояпарвар-ку,— кулди Жўра.

— Бу, жувонмарг, ҳар нарсага аралашгани-аралашган. Йўқол, кўзимга кўринма, даф бўл!— қичқирди Мастура.

Қизлар жаранглаб кулишди. Жўра яна жиндай тегажаклик қилди.

— Кетдим, Мастура опа, илойим сиз ютиб чиқинг.

Мастура бурнини қийшайтириб, Жўранинг орқасидан кўзларини олайтириди.

— Бўлти, баслашамиз, лекин чиндан ҳам шарт шуки, агар мабодо қочсангиз, ҳазиллашган эдим, ё тавба қилдим деб, мусобақадан бош тортсангиз, масхара бўласиз, лавзи йўқ, субути йўқ, деймиз,— деди Тансик.

— Йўқ, ишни пишиқлаб баслашамиз, раис, Ўқтам акаларнинг олдида шартлашамиз,— деди Дилшод.

— Бухгалтер акам ҳам гувоҳ бўлсин,— деди кинояли кўлги ила Анзират.

— Астайдил киришса, ишни ўпиради, чақон жувон ўзи. Тунов кун катта қайрағочни сургаб кетаётганини күриб, ёқамни ушлаган эдим. Ёлғиз айби шуки, пул де-са жонини беради, шунинг учун ҳам бозорга серқатнов. Пахтани жини сўймайди. Қани, бир баслашиб кўрсин,— ўртоқларига кўзини қисди Анорхон.

Мастура саросималигини яширишга тиришиб, сукут этди, у пича пушаймон ҳам эди.

— Бўпти, баслашамиз!— деди дув этиб қизлар.

— Бўпти, терим ҳам ҳунар бўптими, мунча корсоз 10 бўлдиларинг, баслашганим бўлсин,— деди Мастура.

Қизлар битта-битта қўл бериб шарт қилдилар. Мастура аллақандай катта фартук топиб, белига боғладида, теримга тушиб кетди.

* * *

Қизлар ҳаммадан бурун уйғонишли. Тўғриси, уларни аста-аста туртиб, Дилшод уйғотди. Авжи саҳар, атроф энди оқариб келяпти. Даладан гувиллаб эсган шамол яланг кўйлакли қизларни жунжитди. Улар ариқ бўйига қатор чўққайиб, апири-шапир ювенишиди, тўзғин сочларини ҳўл бармоқлари билан тараб тузатгандан кейин, илдам нонушта қилишиди, яна қўйинларига биттадан нон қистириб, далага югуришиди. Баландликка кўтарилиган ҳамон, Тансиқ тўхтаб бошини тебратди: «Ўсаржон бало!» Ўртоқлари сўл ёққа, тевараги сийрак тут билан ўралган далага тикилишиди. Ўсаржоннинг звеноси зўр бериб термоқда эди.

— Бугун-эрта булардан олдинга ўтиш керак.

— Тўғри, қолоқдан чўлоқ яхши,— деди қовоғини 30 солиб Дилшод.

Зено теримга тушиш олдида Тансиқ келар йил учун уруғлик тайёрлаш кераклигини ва бунинг учун энг тўла, энг бўлимли кўсакларни алоҳида териб қўйишни таклиф этди. Ўртоқлари учун бу таклиф тамоман кутилмаган эди.

— Шу вақтгача уруғиз қолганмидик? Бош оғрифи гапларни чиқарасиз,— деди Анзират сепкилли, ингичка юзини, худди нордон мева егандагидек буруштириб.

— Ҳа, бу ортиқча ташвишга кўзимиз учиб турган-40 дай!— деди Дилшод.

Анорхон билан Ҳакима, индамасдан, диққат билан Тансиқقا тикилишди.

— Ўруғликни ўз пахтамиздан ўзимиз тайёрлаймиз,— деди жиддият билан Тансиқ.— Битта-битталаб саралаймиз. Мен китобда ҳам ўқидим, агроном Акасқин билан ҳам гаплашдим. Мана, қаранглар, мана бунга ўхшаш, эллик кўсакдан биттасини, энг кўркамини уруғликка айирамиз. Тўғри, бирдан эмас. Аста-секин, ҳафсала келганда, саралайверамиз-да, нимаси қийин, ҳайронман!

10 Анорхон буни тажриба қилиб кўришни жуда маъқуллади. Ҳакима эгатлар оралаб, ашула айтиб юборди.

Қизлар кенг далага таралиб, завқ билан хурсанд ва дадил тера бошладилар. Қўёшнинг илк нурлари ҳар ер-ҳар ерда уйилган пахта булутида ёнди...

Ўқтам уйғонганда, унинг боши узра жийданинг қип-қизил шамолоқ новдалари шамолда вазмини тебранар эди. У ўз устида Собирнинг янги ола-йўл чопонини кўрди, ёнида этиги. Дўсти унга ғамхўрлик қилибди. Бироқ уни уйғотмасдан кетгани учун ичиди ранжиди. Этигини 20 оёқقا нари-бери илиб, ювингали ариққа югурди. Оёқ устида нонушта қилиб, кейин идорага келди. Газеталарни далага юбориб, янгигина патефонни ва бир даста пластинқаларни қўлтиқлаб ўзи ҳам жўнади.

Чоллар ерининг бир четида, дам олиш учун махсус ясалган супанамо жойда Ўқтам патефонни қўйди. Қўшиқ мавжлари ҳавода учди. Атрофдан чолларнинг хурсанд қийқириқлари эшитилди. Мана, Саксон ота ҳам кулиб, аста юриб келди.

— Ҳорманг, отажон, бардаммисиз,— қичқирди ўрнидан туриб Ўқтам ва чолни ўғилларча меҳр билан қулоқлади.

— Бу йилги терим жуда хушнудлик билан бошланди, болам,— деди Саксон ота ҳаяжонланиб.— Эл кўнгли баланд, ишга зўр ҳавас билан киришди. Пахтанинг гардини далада қолдирмай, ҳукуматга топширамиз. Аммо, Ўқтамжон, биз қариялар теримда ёшларга етолмаймиз... Биз аста-аста, бироқ жуда тоза, сархил қилиб теряпмиз.

40 — Раҳмат, ҳаммадан бурун сифат керак,— деди Ўқтам.— Кучларингга қараб, дам ола-дам ола безўраки тераверинглар.

Чол доно кўзларини сал юмиб, бирпас патефон эшитди. Фанга, ҳунар ва техникага ўз таажжубини ва

мақтовини билдириб, пахтага кириб кетди. Ўктаам бир қарич болалардан бирига патефон қўйишни буориб, ёлғиз оёқ йўллардан юриб кетди. Ҳамма ёқда қизғин, суронли терим, ҳар ёқдан мусиқа ва қўшиқ янграйди. Мана, Ўктаам ҳаяжонланиб, гўё бутун далани қучоқлагиси келгандай, қизғин ва баланд руҳ билан теримга шўнғиди.

Катта йўлда колхозларнинг пахта карвонлари тўх-тосиз ҳаракатда — машиналарда, қўқон араваларда, тележкаларда, туяларда пахта ташилянти.

Шу кунларда бутун Ўзбекистон қудратли терим ҳаракати билан тўлқинланади. Миллионларча қўллар чексиз, қирғоқсиз пахта чаманларида «оқ олтин» терадилар. Мингларча йўллар, йўлчаларда пахта карвонлари булуутдек югуради. Ҳар ерда уюм-уюм, тоғ-тоғ пахта чақнайди. Қор ёққандай ҳамма ёқ пахта. Бутун республикада, уфқдан-уфққача, водийлардан-водийларгача ойлаб терим, ойлаб бу муаззам «оқ олтин» симфонияси янграйди...

10

20

Колхознинг меҳнат қайнаган кузги палласи. Мана шу жозибадор ҳаёт тошқинида Жўра ва унинг ҳамқуруларига раис, Ўктаам ва бригадирлар ҳар кун янги ва янги, болаларни зериктирмайдиган, эрмакбоп, қувноқликка улфат машғулотларни топиб берадилар. Қовун-тарвузларни арава ва машиналарга ортиш, отларда ўзан сари гурлаб чопиш, қий-чув ўйин аралаш уларни ювиб тозалаш... Ўғил болалар учун бундан шўх, бундан суюмли иш борми? Арғумоқлар ила бирга ўзлари ҳам тифи баданни кесадиган ях сувда шўнғиб, кейин ҳаёт ишқи гунчаси ловиллаган қалбларида ҳамиша тошидиғи шўх қўшиқларини олов ёйилган уфқларга жаранглатиб қайтиш онлари — уларнинг кексайганича хотираларида қоладиган олтин чизгилар эмасми?

Шундай мазмундор кечган кунлар оқшомида Жўра чойхонада ё дала шийпонида чоллар даврасига кириб, уларнинг нодир сўзларини теришдан, ўтмиш ҳикояларини тинглашдан роҳатланар, ҳузур топар эди.

Жўра эрталаб кўчага чиқар экан, Каримқулга рўпара келди. Булар қўшни — эшиклари ёнма-ён эди. Ҳазилга мойил Жўра салом берди-ю, дарров гапни улаб кетди:

30

303

— Ҳа, ростан хўб савалабдилар кеча сизни, аммо раис ҳақли, Каримқул ака, ўзингиз ҳам ўжарсиз-да, манманлик баланд,— деди кинояли оҳангда.

— А?— кўзлари олайиб қичқирди Каримқул.— Тушуммайсан масалага, тентак, ишингни қил, хумпар!— жиндай сукутдан кейин сал паст товуш билан,— ҳосилотликни топширдим, тинчилик, олсин Ўктам — мансабпарат,— деди Каримқул заҳарханда билан.

— Ҳим...— ўйчан, жиддий оҳангда.— Ўтакетган 10 ўжарсиз-да, танқидга чидамайсиз. Ҳақиқат аччиқ бўлади, Каримқул ака; бир карра раис отанинг олдига бориб, янглишдим, кечиринг, дея узр сўрасангиз бўлади. Раис кўнглида кири йўқ, пок одам. Зарда қилиш но маъқулчилик, ишланг колхозда.

— Маҳмадана, шумсан-да. Она сутинг оғзингда-ю, соқолимнинг оқига қарамай, ақл ўргатаман, дейсан, хумпар. Сенам танқид қиласанми? Отга тақа қоқса, қурбақа путини кўтаради,— дўнғиллади Каримқул.— Мен ким, раис ким? Бутун сир аён менга, Ўктам раис 20 бўлмоқчи, лақма раис бундан бехабар, кўкраги кўр унинг,— аста юриб кетди.

Жўра эрта-кеч қўшниси Каримқулни учратар, ҳазил-ҳузил гаплар ила қитигига тегар, унинг нопоклигига шубҳаси йўқ — ёғлил-ёғлил пинҳон кирдикорларини, сирларини зимдан кўз остига олиб юрап. Унинг баланд зеҳни ва ғайратига ҳамоҳанг ўткир сезгирилиги ҳам бор эди.

Пешин чоги эди, Жўра оппоқ момиқ пахталари чақнаган кенг ғўза денгизига ёндаш яланг ердаги осмонга 30 учлари кўркам қадалган тераклар ва қуюқ қайрағочлар, жийдалар кўлкасига чалқанча чўзилди.

— Менимча,— деди ўз-ўзига, одатича хаёлга берилиб,— раис пишиқ, узоқни мўлжаллайдиган одам, бу жойни колхоз касалхонаси учун танлаган бўлса эҳтимол. Ўз оғзидан эшишган ҳам эдим шекилли. Ҳавоси баланд, суви сероб, ҳафсала, пешана тери, билак кучи тўкилса, боғ ва гулзорга айланади бу бўш жой... Ах-ах, шабадаси, ҳавоси...— деди хушбўй ялпизларнинг ҳиди аралаш тотли ҳавони узун нафас ила сўриб. Кейин сув бўйида отқулоқ, ялпиз, ёввойи гулсавсар, нафис рангбаранг гулларни ва улар орасида тинмай учган ниначи, капалакларни мароқ ила узоқ кузатди-да, ялқовгина ўрнидан қўзгалди. Қуюқ қайрағоч панасида яширинган

хароб, йиқиқ, ташландиқ уй олдидан ўтар эди, Жўра Каримқулнинг дўнфиллаган товушини эшитди: Каримқул эшонга айтар эди:

— Қирда қўйларнинг авжи семирган, бўрдоқи чоғи, қўзилар авжи лаззатли, тотли бўлган. Мениям у ерда пича улушим бор, думбалари серкиллагандир, қиртқирч чайнаш, аҳ, маза...— лиқ этиб тупугини ютди Каримқул.

— Ҳа, ҳа авжи вақти-да,— қиҳиллаб кулди сўлагини оқизиб Сайд Қуддусхон.— Қўй — сабрли, ювощи жоновор. Олло таоло қўйни бандаларим ошасин, роҳат қилсин, деб жаннатдан чиқарган. Энди бизга қўйни кўриш қайда дейсиз. Хайр, майли, тоат-ибодатни канда қилмаймиз биз фақир, оллога сифиниб яшаймиз,— бoshини қимирлатиб минғирлади эшон. Баланд бўйли, қотма, кир эчки соқол, кўзлари қаттиқ киши. Устида эски чопон, малла қўйлак, катта салла, қовжираган кавуш-маҳси.

— Ҳа, семиз қўйнинг умри калта, деган сўз рост экан,— кинояли кулги ва енгил одимлар билан тўхтади Жўра.

Довдираб ўрнидан турган Каримқул дарров ўзини босди ва самовар-қумғон олдида тўхтаб, кафтида бир ҳовуч чойни эза бошлади:

— Ҳа, шум, нима қилиб юрибсан?— сўради Каримқул.

— Барра қўзи егим келди мениям,— илжайди Жўра.

Сезди шекилли, ёмон шум-да, ўйлади ичида Каримқул ва Жўрага қиё боқиб:

— Қаноат қорин тўйдиради, тентак, ўтири, чой ич.

Эшонга салом бериб четкароқ чордана қурди Жўра.

— Баракалла, э ўғлим-э, азамат-э,— тиржайди эшон.

Каримқул эшонга аччиқ кўк чойни узатиб:

— Яхши, зийрак, ҳалол бола-ю, аммо қиттай қийиқлиги бор. Одобни билмайди, номоз фарзайнга тоби йўқ. Болаларнинг бари номусулмон бўлиб кетяпти,— пўписа қилгандай ўқрайиб қараб қўйди Жўрага.

— Олам арши-фалак дунёси шундай. Олло таоло бандаларини, Расул Муҳаммад уммадларини ўзи кечиради. Қейин билади болалар, тушуниб қолади.

Жўра қаттиқ кулиб юборди:

— Одамлар, ҳайвонлар, ўсимликлар, қуёш ва юл-

дузлар барчаси табиатдир. Худо қани, қаерда у? Э, уй-дирма гаплар бу.

Эшон Сайд Құддусхон ички титроқда сукут этди. Каримқұл эса жағл билан болага ўқрайди:

— Урардим-ку, лекин... Астағфуурullo дегин, бадбахт, тирмизак!

Елғиз пиёлани айлантириб, бир оз әрмак қылдилар, аммо зўраки суҳбат қизимади. Қарияларнинг пеc пеs билан қоронғида топишади, дегани рост экан, деди ўз-ӯзига Жўра ва пиёлани бўшатиб ўрнидан турди; эски қўргонининг йиқиқ деворларига, кейин Каримқұл ҳам эшонга ноxуш бир назар ташлади-да, ҳазар қилгандай юзини терс бурди, аста юриб кетди.

Аzonда нонуштадан сўнг Жўра эшикдан чиққан ҳамон бир зум тўхтади, уфқларга етгундай кенг, кўм-кўк пахта даласидан кўзини узгиси келмай, завқ ва ишқ билан термулиб томоша қилди. Ўйчан кулимсиради-да, кичкина ариқча бўйига чўққайиб, шалдираб оқаётган тиниқ муздай сувдан ҳовуч-ҳовуч ичди.

20 Қўшни эшикнинг занжири шиқирлаб тушди, от етаклаб Каримқұл, орқасидан қиз чиқди.

— Қирга кетяпман, кечиксам хавотирланманглар,— деди оҳиста қизига ва иргиб чавандоз отга минди-да, шифаб кетди.

Жўра Каримқұл ортидан, у кўздан ғойиб бўлгунича қараб турди-да, кейин дала ишига жўнади. Унга ҳалиги қўшни қиз ҳамроҳ бўлди.

— Ҳали пахта, ҳали сабзи ўчоғи, ҳали пиёз ўтоғи. Иш тугамайди, бир кун тиним йўқ. Ҳар кун Ўқтам юмуш топади, раис лақма маъқуллайди. Шуям турмуш бўлтими,— ҳасрат қилди қиз.

— Ҳақиқатан иш кўп, қалашиб ётибди. Лекин бўй товламай ишлаш лозим, ишнинг ҳам қаймоғи бўлади,— деди Жўра жиддий оҳанг билан.

Бирпас сукутда кетдилар. Серпардоз-андозали, сочлари қирқ кокил, дўппи чеккада, олифта қиз ўлгудай эрка эди.

— Секин юр, Жўра, батинкам қисяпти,— қўлтиқлади Жўрани.

40 — Каримқұл ота қирга кетдими, сал-пал эшитиб қолдим, не иши бор экан?— бепарво оҳанг ила сўради Жўра.

— Тирикчиликнинг ғалваси-да, ҳов тоққа кетди,— жавоб берди қиз оқсоқлаб.

— Биламан, у тоғда чўпонларимиз, қўйларимиз яшайди,— деди ўйланиб Жўра.

— Қўй ювош жонивор! Тоғдан тушса бас, пичоқ ушласанг, бўғзини тутади, бозорга бошласанг, югурди,— айёрча кулди қиз.

Жўрада энди ҳеч қандай шубҳа қолмаган эди.

— Яхши ҳунар, қассобга ёғ қайғу, эчкига жон қайғу,— кинояли товуш ила деди Жўра. 10

— Бозор хосиятли жой, жарақ-жарақ пулнинг кони. Билмайсан, сен ғўр, фаҳми-фаросатинг етмайди,— деди қиз илжайиб.

Бу сўзлар Жўранинг қулоғига кирмади ҳам, у оғир сукутда, хомуш борар эди.

Мана улар сабзавот даласига етдилар. Чиройли қизариф пишган помидорларни тераётган болалар Жўрага ёпиша кетдилар:

— Жўравой ухлаб қолибди.

— Йўғ-э, билмайсан, томорқасидаги пиёз бозорга 20 тахт бўлган.

— Бас, бас!— қичқирди Жўра.—Ишдан қолманглар. Мен бир лаҳзада етиб ҳам оламан сизга, ўзиб ҳам кетаман. Ҳали биринг қорним ғулдираяпти деб, биринг кўзим тинаяпти деб ётиб оласиз. Неча топқир ялиниб-ёлвориб ишга бошладим санларни.

— Бас қилинглар!— қичқирди ранжиган оҳанг ила помидорларни яшикларга тахлаб ўтирган шоир бола.

Пешин чоги Жўра болаларни тарқатди.

— Юр, идорага бориб газета материалларини тай- 30 ёрлаймиз,— деди шоир ўртоғи.

— Йўқ, жуда ишим кўп,— эътироуз қилди Жўра.— Жон дўстим, материалларни ўзинг тартибга солиб тур, бирров бориб келадиган ишим бор,— ялинди Жўра.

— Йўқ, Жўра, материал оз, иккимиз бирор нарса ёз- масак бўлмайди, йиғиштиришингни.

— Сир бор,— қўйқисдан шивирлади Жўра, жиддий вазиятда.— Кейин айтаман,— деди ва физиллаб йўқ бўлди.

Кишлоқнинг катта кўчасида машина, арава кўп эди, 40 Жўра бўш юқ машинани тўхтатди:

— Ака, «Олға» колхозиданмисиз? Тоққа кетяпсизми?

Усти боши, юз-қўли чанг ва тупроқ шофёр бир кўзи-ни Жўрага олайтириди, иккинчи ғилай кўзи терс томонга айланди:

— Тавба, қизиқ гапирасан-а, тоққами, боққами, ишинг нима?

— Узр, ака, узр,— деди Жўра қизаринқираб.

— Шаҳарга кетяпман, шаҳарга,— деди шофёр кўзи-га тушган чанг пахмоқ соchlарини орқага силтаб ва қаттиқ газ берди-да, чанг кўтариб, гиз этиб жўнади.

10 Жўра бир зум ўйлади, кейин отхона томон югурди. Отбоқар оғоч каравотда ёнбошлаб, кўзлари юмуқ ётар эди. Ҳумпар, уйқуда экан, соз бўлди, деди ичиди суюниб Жўра. Лекин сезгир-да, билиб қолса вағиллайди, деб яна гумонсиради. Секин, катта отхонага, оёқ учи билан юриб кирди. Отхонада тўртта от бор эди. Бири-сининг оёғи шикаст еган, бириси асов эди. Мана раиснинг оти ҳам шу ерда, у жуда ювош, лекин зўр от эди. Жўра унга бирлас сүқ билан тикилди, лекин олишга ботинмади. Энг кейинги, тўртинчи от энди эҳтиётлик или минишга бошланган уч яшар йўрға эди. Жўра унинг олдida тўхтаб, секин ёлини силади, кейин ечиб, оҳиста сувлиқни солди, юганлади. Отни етаклаб ҳовлидан олиб ўтди-ю, энди дарвозага етганда, қўққисдан отбоқар иргиб турди:

— Эҳе, қароқчи, не гап?— югуриб борди-да, отнинг юганини ушлади.

— Зарур ишга раис ота буюрганлар, ҳозир қайтаман, амаки, қўйиб юборинг,— жиддий товуш билан ялинди Жўра.

30 — И-я, ҳозир ота ўзи шу ердан ўтди, нега индамади?— таажжубланди отбоқар.

Жўра бепарво тусда иргиб отга минди-да, юганни силтаб қўлига олди ва қамчини енгил уриб, отни қаттиқ ҳайдаб кетди.

Икки томон боғ. Мевалар гарқ пишган. Хушбўй шафтолилар, шираси тилни ёрадиган олтин анжирлар, нозик новдалари эгилган анорлар қуёшда ярқираиди. Дараҳтлар ортида ҳудудлари кўз илғамас пахта дала-лари...

40 Жўра дараҳтлар бўйлаган катта тош йўлдан йўрғада енгил ва завқ билан борар, от қадамлари, туёқ товушлари гўё аллақандай бир ёқимли мақомга мос... Жўра тик, жиддий ва мағрур ўтиради.

Ҳар қадамда ариқларни лим-лим тўлатиб, шарқираб оқкан сувлар... Қуйларидан қалбларда ёқими оҳанг, фусунли ҳислар тошади. О, Фарғона, Фарғона, ҳавоси баланд, қуёши сахий, тупроғи олтин Фарғона!

* * *

Жўра йўргани шиғаб, охир пешинга яқин кимсасиз дала йўлида тўхтади. Тез юргандан от жуда чарчаган, ярини, чотлари терлаганди. Жўра йўл бўйидаги кенг бедазорга отни қўйди-да, ўзи ёлғиз терак соясига ёнбошлади. Қорин оч, ичаклар тиришиб кетяпти. Нафси- 10 нинг безовталигига парво қилмагандай бир оз кўзларини юмиб ётди. Қейин ўрнидан туриб, узоқ далаларга синчиклаб қаради. Бирдан чойхона кўринди. Отни теракка боғламоқчи бўлиб турганда, йўлда қоп-қора зийрак бир кичик бола кўриниб қолди.

— Отга қараб тур, оғайни, ҳозир келаман,— деб ялинди Жўра.

— Бўпти, тез келинг,— деди бола ва отга ҳавас билан қараб:— диркиллаган, сулув от экан,— деб кулди Жўрага қараб. 20

— Яхшими?— сўради Жўра мағрур.— Лекин ҳазир бўл, қочиб кетмасин, тез қайтаман.

— Э, сизни қаранг, отнинг тилини мендан ўрганинг,— жавоб берди қорача бола.

Жўра юрганидан ҳарсиллаб баланд, янги, кўркам чойхона олдиди тўхтади.

— Амаки, ассалому алайкум,— мурожаат этди Жўра мулоим кексароқ чойхоначига.

— Қаердансан, ўғлим? Бизнинг болаларга ўхшамайсан, танимадим сени?— сўради чол. 30

Жўра кулимсираб жавоб берди:

— «Қаҳрамон» колхозиданман, ота. Биласиз раисимиз Мирҳайдар отани.

— Э-э...— қихиллаб кулди чол.— Мирҳайдар қалин оғайним мени. Ҳали ҳосилот Каримқул ҳам эшон ила бирга бирпасгина тўхтаб, чой ичди-ю, қирга ўтиб кетди. У ҳам қалин ошнам.

— Ҳа, ортларидан кетяпман,— деди кинояли кулиб Жўра,— ота, нон йўқми сизда?

Самоварчи қутини қидириб:

40

— Э хийла суви қочган, қаттиқроқ экан,— деди қутидан нон олиб.

— Майли, майли, ҳозир қорним тошни ҳам ҳазм қиладиган,— деди кулиб у.— Ота, анжир йўқми?— сўради яна.

— Анжир десанг, юр, боққа олиб борай, тўйиб маза қиласан, ўғлим, лекин узоқ-да,— жавоб берди чол мулоим кулиб.

— Йўқ, ота, раҳмат, вақтим зик,— деди Жўра ва 10 чолнинг керакмас деганига кўнмасдан пул тутқазди-да, йўлга югурди.

Нонни у катта-катта тишлаб, оғзини тўлатиб чайнар ва югурап эди. Ҳаддан ташқари очиққан Жўрага шу топда нон жуда тотли кўринар эди.

Бола «так-так», «мо-мо» деб от атрофига айланар, яқин боргани қўрқар эди. От болани писанд қилмас, бедадан бошини узмас эди.

— Биродар,— деди кулиб тўхтаган Жўра,— «мо-мо» дейсан, аммангнинг бузофими迪 бу. Жониворларнинг 20 асл зоти от бўлади. Лекин отга ёндошишга юрак керак-да, юрак... ёшсан...

Бола қизарип кетди, аммо билдирамасликка тиришиб:

— Отни жуда яхши кўраман, эҳтиёт қўриқладимда,— деди мамнуният ва фуур билин.

От бояқиш бедадан бошини кўтаргиси келмас, чала қурсоқ Жўра ҳам бир лаҳза ором олиш учун майсага ёнбошлади. Енида чўққайган бола билан дам мактабдан, дарслардан, дам футболдан гаплашди. Кейин Жўра кўзларини қисиб қўёшга боқди-да, иргиб турди, отни 30 юганлай бошлади.

— Есин бояқиш, жуда очиқибди,— деди кулиб бола.

— Э, биродар, вақт танг, йўл узоқ,— чирик ёнғоқ тўйнаксига чиқиб, от устига енгил иргиди ва эгарда маҳкам ўтирди.

— Зап чавандоз экансан,— кўзларида табассум ила деди бола.

— Саломат бўлинг, дўстим,— отнинг сиртига қамчи ни енгил тегизиб «чух!» деди-ю, учиб кетди.

Пахта далалари орқада қолди, Жўра энди чақир-тош, кум йўлдан кетяпти. Улуғвор тоғларнинг кенг бағирлари яқин тумолар эди. Қаршида мағрур тоғлар, ҳайбатли қоялар... Муздай, тиник, тинимсиз сувлар шарқираб, марварид томчиларни тўздириб, тошдан-тошга қу-

йилар ва шошилинч суръат ила тубанга чопар эдилар. Йўл илон изидай буралиб, борган сари баландликка чирмашар. Булутлар тоғ чўққиларида ялқов сирпалар...

Кеч тушиб қолди, ҳаш-паш дегунча туннинг қоронғи чодири қоплайди ҳар ёқни. Шу дамнинг биринчи нафасини сезган Жўра теваракка ваҳима ва ташвиш ила аланглади. Усти яланг, бирдан у совуқни сезди-ю, отга қамчи урди. Оқшом олди қуёшининг сўнгги нурлари сўнар экан, Жўра қўйчилар олдинга етиб тўхтади.

— Э, ҳорманг, ҳорманг, азамат,— дедилар Жўрани 10 ўраб чўпонлар.

Ерга иргиб тушди, ҳаммаси ила кўришди, кейин отни четроқда қозиққа бойлаб, қорин тасмасини бўшатди, меҳр ила бир-икки силади.

— Хўш?— сўради бобоӣ чўпон Жўрадан,— тинчликми?

— Қишлоқ тинч, пахта потирлаб чаноқларини ёриб пишяпти. Раис ота бир ўйнаб кел, чирофим, деб жавоб берди-да, келдим мана,— деди кулиб Жўра.

— Дуруст-дуруст, тоғ яхши, ҳаво танага мойдай 20 ёқади,— деди чўпонлардан бириси.

— Сут қаймоқ сероб, қимиз кўп. Ўйна, кез, қирғизларга меҳмон бўл, яхши меҳмондўз одамлар,— деди чол ва қалтираган Жўрага бирдан разм солиб:— э, жунжибсан-ку, чирофим, чодирга кир, чодирга,— деди шошиб.— Пўстин беринглар,— буюрди ёш бир чўпонга.

Кенг пўстинга ўралиб, чодир тўрига чўққайди Жўра.

— Вой-бўй, соз-ку пўстин, иситиб эритиб юбормаса дейман,— баданига юргурган илиқдан роҳатланиб.

Чол қозон бошида бир оз имирслаб, сопол косада 30 шўрва келтирди, нон қўйди.

— Ол, болам, ол! Ош-нон — баданинг ўтини. Қазијам бор, ейсанми?— Жўранинг жавобини кутмасданоқ тўнкарилган товоқ тагидан бир бўлак қази олиб тўғрай бошлади.

— Еймиз, ота, э-э... қазидан ким бош тортади,— деди кулиб Жўра.

— Балли, балли,— қиҳиллаб кулди чол иштаҳа билан ошаётган болага меҳр ила боқиб.

Овқатдан кейин Жўра бир-икки пиёла қайноқ чой-40 дан қониқиб ичди ва чол ила қишлоқдаги колхоз ишлари, олди-қочди хабарлар, бундаги қўй-қўзилар ҳақида

сўзлашиб ўтирди. Бир оз сукутдан сўнг аста сўради Жўра:

— Қаримқул aka келмадими, ота?

— Келди, болам, яқинда келди-ю, билмадим қайгадир кетди. Келиб қолар, шу ерда,— жавоб берди чол беларво.

Жўра қўй ҳақида сўз очмади, сукут қилди.

Қуюқ қоронгилик ҳар ёқни ўратган чоғи чодирни очиб Қаримқул кирди.

10 — Э-э,— деди Жўрани кўриб,— қайдан пайдо бўлдинг?— сўради нохуш таажжубланиб.

— Келдик, қўй-қўзиларни, тоғ-тошларни сайр этгали келдик-да,— беларво жавоб берди Жўра.

— Қўйларнинг авжи семирган вақти, биққа мой,— деди Қаримқул.— Беш-үн кун юр, ҳаво тоза, эт, қимиз сероб.— Кийим-бошни йиғиб у иккинчи чодирга чиқа жўнади. Чўпон йигитларнинг ҳам ҳазил-ҳузил гурунглари, кулгилари тинди — қаергадир, балки қўйлар бошига кетдилар.

20 Хуфтондан сўнг Жўра пўстинга ўралиб ташқари чиқди. Аччиқ изғирин эди. Баланд тоғ чўққилари, мағрур тик қоялар ваҳм улуғвор, ҳайбатли эди. Олтин чақнаган юлдузлар ила иноқ қуршалган ой, ўралашган парча булутдан дам чиқиб, дам яшириниб, аста сузар. Юлдузлар бир-биридан ёрқин, бир-биридан чақноқ. Ана ҳар оқшомги улфат-дўстлар — Етти қароқчи, Ҳурма, Ҳулоғ... ана Олтин охир, Оқ, Бўз от... Қани Ҳулкар? Жўра Ҳулкарни қидириб чир айланди. Йўқ, тополмади... Самонинг мислсиз ҳусн-латофатидан, юлдузлар табасумидан илиқ ҳислар, нозик ҳаяжонлар боланинг руҳида чайқалиб кетди.

Жўра отни эгар-югандан бўшатиб ўтга қўйди-да, иккинчи чодирга аста мўралади. Чодир, ичи қоронғи эди. Тўнкадай ётган Қаримқул уйгоқми, ё уйқуда — билиш қийин эди. Бир-икки қадам юрган эди, узоқда тўда қўйлар кўзга илгади. Оёқ ости текис эмас, ўнқир-чўнқир. Чодирга қайтиб, пўстинга яхшилаб ўралди. Лаҳза ўтмасдан, ҳаддан ташқари ҳорғин Жўра қаттиқ уйқуга кетди.

40

* * *

Жўра уйғонганда қуёш тоғлар устидан энди юмалана бошлаган эди. Уйқу аралаш иргиб турди ва дарҳол

иккинчи чодирга бошини суқиб, Қаримқулни излади. Фимирилаб юрган чолдан бошқа кимса йўқ эди.

— Вақтли турибсан, ёт, ухла, узоқ йўлда чақилгансан, болам,— деди меҳрибонлик билан чол.

— Ҳосилот қўй бошига кетганимкан, ота?— сўради Жўра.

— Нима деяпсан ўзинг? Юз-қўлинг юв, иссиқ сут бор, ўғил.

— Раҳмат, ота, ҳосилот қаерга кетди экан?

— Тонг ғира-шира отган эди, йўлга равона бўлди. 10 Ишинг бормиди?

— Аҳ, қўй олдими? Билмадингизми?— сўради Жўра шошиб.

— Хабарим йўқ, олса олгандир, чўпонлар билади,— жавоб берди чол бепарво оҳангда.

Жўра ошиғич ҳолатда нари-бери отини эгар-юганлади-да, сакраб, «иҳ» дея отга ёпишди, тирмашиб эгарга маҳкам ўтириди-да, қаттиқ ҳайдаб кетди. Хийла боргандан сўнг қир ортида қўққисдан чўпон йўлиқиб қолди. Миқти, бақувват, ўттиз ёшлардаги йигит қалпогини 20 пайваста қошларига қадар бостириб кийган; қўллари дағал, иирик, самимий чақноқ кўзлари маъноли кулимсиради.

— Ҳосилотни кўрдингизми, ака?— сўради сабрсизланиб Жўра ташвишли, кайфсиз товуш ила.

— Саҳарда жўнаган эди, нима қиласан қидириб?— қизиқди йигит болага разм солиб.

— Қўй ҳайдадими? Қанча қўй олди?— шошиб сўради Жўра.

— Олса олгандир, ўнтами, бештами қўйларим бор, 30 деб гапириб ўтирган эди оқшом,— деди чўпон салмоқланиб ва Жўранинг кайфи бузуқлигидан таажжубланди.— Қўйни, ҳосилотни суриштириб нима қиласан, жиян, санга бу не беҳуда ташвиш. Мириқиб ухла, шу кўк майсаларда ўйна. Бу ҳаво мойдай ёқади-я, гулларнинг хушбўйини қара, эсирасан. Қушлар ҳам кўп, ҳов ана, бургутнинг парвозини кўр!

Мен сенга чақалоқмидим, деди ичиди Жўра жаҳли чиқиб, аммо ғайри шуурий равишда осмонга қаради, юксакда бургут секин доира чизиб айланар эди.

Қамчинни қаттиқ силтаб, «чух!» деди Жўра; албатта топаман, ушлайман, ўйлади ва у отни гўё чавандозлардай қаттиқ ҳайдади.

40

Жимжит, кимса учрамас. Фақат от туёқларининг тошга чарсиллаши... Узоқ юриб чарчади-да, қирга чиққандан кейин отга ҳам жиндай дам бермоқ учун тўхтади. Қорин оч, ҳорган, ҳамон атрофга кўз ўйнатар, қошини чимириб, узоқларга тикилар эди.

Мана, олисдан икки отлиқ кўзга илғади. Аммо Жўра қанча бетоқатланмасин ва қанча шошмасин, улар ҳеч яқинлашмагандай, секин келар эдилар.

— Э-э,— деди Жўра ўз-ўзига.— Ўктаам ака билан 10 машҳур Комилахон-ку, буларнинг сайрига қара-я!— сирли ва кинояли оҳангда.

Ўктаам ва Комила отларнинг жиловини бўш ташлаб, секин келар, гоҳо атрофга қараб қўяр эдилар. Улар яқин келганда, Жўра ўрнидан иргиб турди-да, Ўктаамга қарши бориб, салом бераркан:

— Э, хумпар Жўра!— кулимсиради Ўктаам ва йўл ёқасида эгар бошига илинган юганни тортқилаб, сувлиқни ялмаб турган Жўранинг отига назар солиб,— от жойида, хўш, шунча узоқда нима қилиб тентираб юриб-20 сан?— сўради жиддий вазиятда Ўктаам.

Жўра ҳовлиқиб воқеани батафсил сўзлагач, Ўктаам бир зум сукутда қолди. Қизиқиб қулоқ солган Комила:

— Пишиқ бола кўринади,— кулимсираб деди Ўктаамга.— Қанча қўй дединг?— сўради Жўрадан қошини чиройли чимириб.

— Анифини билолмадим,— жавоб берди нохуш товуш ила бола.

— Лекин жуда айёр, виждонсиз одам. Балки, бир икки қўй қўшиб қўйгандир, албатта бирни ўн қилиб 30 олишни мўлжаллаган эҳтимол...— деди Ўктаам.

Ўктаам ва Комила ҳайрон бўлиб, нима қилсак экан деб, ҳар иккиси ўзича ўйлаб турдилар. Жўра пишиқ ва тетик ҳолда:

— Тутиш керак, вақт ғанимат, Ўктаам ака. Назаримда саралаб ўн-ўн беш қўйни ҳайдади у. Ҳамсоямнинг феълинини, сирини хўб биламан.

Ўктаам ва Комила Жўранинг сўзларига бир оз кулишди.

— Ёмон ниятли, беҳаё бўлса фурсат йўқотилмай 40 текширмоқ керак,— деди қатъият билан Комила.

Жўра енгилланиб қизга миннатдор қаради, ҳалигина бу қандай бепарволик, саир чоғими ҳозир, деб куянган боланинг дилидаги ғашлик бир зумда кўтарилди.

— Жўра, сен тез шу йўлдан тўғри қишлоқقا жўна. Балки, иним, йўлини у чап қилгандир, биз кўрмадик. Агар шунда бўлса, у бизга дуч бўлади — биз ҳозир чапга йўл оламиз. Ишқилиб тутамиз-да, қўймаймиз,— деди ишонч ила Ўкта.

Жўра отга яна бир оз дам бериб, сўнг йўлга тушаҗагини айтди ва отларини илдам ҳайдаб кетган Ўкта ҳам Комила орқасидан мамнун қараб қолди.

* * *

Каримқул ва Саид Қуддус эшон мўлжаллашган 10 жойда учрашиб, қўйларни секин ҳайдаб борардилар. Қуёш хийла тик кўтарилиган, ерни яхшигина қиздира бошлаган эди.

— Жонивор қўйлар, зап семирибди, бай-бай, юролмайди-я,— деди кўк эшагини оёқлари билан ихлаб эшон.— Аммо афсус кўпайтирмабсиз-да.

От устида гавдаси бир қанор этдай секин чайқалиб борган Каримқул носвойини туфлаб, илжайди:

— Меним нафсим балодур, ёнар ўтга солодур. Шуни ҳазм қилишни айтинг ҳали. Аммо тақсир, бик-биқ ёғ- 20 да. Эрта бозордан қолмай саранжом қилмоқ керак,— деди ташвишли товуш ила.

Эшон гоҳ у ёққа, гоҳ бу ёққа бош тортган қўйларни йўлга солишга уринар, ҳарсиллаган ўпкасини базўр босиб, қўлидаги узун йўғон калтакни кўтарар.

— Э, баччағар, тўғри юр! Бе-бе-бе!— деб қичқирап эди.

— Қайдандир, қўққисдан, оқшом Жўра пайдо бўлиб қолди. Агар сиздан дарак топса борми, ваҳима кўтаради, шум баччағар, ишни расво қиласди-да,— деди Карим- 30 қул сўзларини битта-битта териб.

Қихиллаб кулди эшон:

— Тўғри, ҳароми ёмон. Аммо ташвиш тортманг, узоқда эдим, пайқамади.

— Э, тақсир, ютганим ўзимники, чайнаганим гумонда, тўнғиллади ҳосилот.

Катта чинорга етгач, қўйларга бир оз дам бериш, ўтлатиш, ўзлари ҳам жиндай тиним олмоқ ниятида тўхтадилар. Айниқса эшон ҳорган эди.

Ҳосилот хуржун кўзларини титиб, нон ва сариёф ол- 40 ди, нонни майдади бурдалади.

— Ҳай-ҳай, олтиндай мой билан нон маза-де,— томоғини қоқди эшон.—Қўрдингми ош, кўтарма бош,— деб яна бир қиҳиллаб кулди-да, ошиқиб нон билан мойни ея бошлади.— Аммо бир пиёла аччиқ чой бўлса, фоят ҳузур топардик.

— Мой билан нонни ошаб, сув ичамиз. Мана бунда булоқ тилсимдай қайнаб турибди.

Узуқ-юлуқ суҳбат ила нон ва мойни ошаб, булоқ бошига чўққайишиб сувдан симиришди.

10 — Иншоолло!— деди кекириб эшон.— Эрта бозорда қўйларни пуллаб, садақайи умр бўлсин, жон ака, бой бўлинг, пайғамбаримиз Муҳаммад ҳақига, каминага маҳси-калиш, чопон эҳсон қилинг. Илоҳим, ҳамиша мартағангиз баланд бўлсин.

Узоқ сукутдан сўнг:

— Кўрамиз-да,— жавоб берди ҳосилот минғирлаб.

Хорған гавдаларини аранг кўтариб, от ва эшак устига юкладилар-да, қўйларни «чув-чув»лаб энди йўлга тушган эдилар, Ўктам ила Комила қўйқисдан босдилар. 20 Уст-бошлари чанг отлар сув тер қўйган, шартта тўхтадилар.

Ҳосилот билан эшон қаттиқ саросимада оқариб кетдилар. Ҳосилот дарҳол ўзини тутди. Комилага ёндошиб:

— Ассалом!— деди товушига дадиллик беришга тиришиб, кейин Ўктамга қўл учини узатиб кўришди.

— Тоғдан аста қўйларни ҳайдаб тушяпмиз. Йўл бўлсин, тоққами?— аввал Комилага, кейин Ўктамга зўраки илжайиш ила аста разм солди.— Кўринмайсиз, гўзангиз қалай?— Комилага қараб.

30 — Чакки эмас, қўйлар бозоргами?— дангал савол қўйди Комила.

— Беш-ён қўй бисотда бор эди, бола-чақа, тириклиқ, ҳамённинг мазаси йўқ. Бозорга кетяпман,— ҳазилсимон оҳангга олиб жавоб берди Каримқул.

— Қишлоққа ҳайданг тўғри,— қатъият билан бирдан деди Ўктам.— Сизникими бу моллар, халқникими — текширамиз, дарров аён бўлади.

Каримқул жаҳлдан қизариб қичқирди:

— Меники, меним молимда не ҳақинг бор?— Қўйларни тепиб қамчилади.— Зўравон хўдик-э, ўзимиз катта қилганмиз, юрадинг... тирмизак. Гердайиб манманлик қиласан. Колхоз буткул ўзимники демоқчи беҳаё.

Хомсан, пишарсан, бу дамингдан тушарсан, ҳовлиқма,— бурқиди ҳосилот.

Комила қотиб кулди, кейин жиддий оҳангда:

— Беҳуда тутақишинг фойдаси йўқ. Ҳақли бўлсангиз, ҳеч кимса тегмайди сизга, ҳақсиз бўлсангиз, жазонгизни топасиз.

— Ёпирай, мен сизга ножӯя гапирмадим,— деди текис, салмоқдор товуш ила Ўктам.— Ҳақли бўлсангиз, қўйлар сизники, йўқса кўрамиз, дедим. Аммо Каримқул ака, одоб билан сўзланг уят ахир. Қўйларни сургаб 10 бозорга кетаяпсизу, дўқ қиласиз.— Комилага қараб,— ҳақни айтсак, урарлар, хушомадни суярлар — шу зот,— деди Ўктам киноя ила.

Каримқул оқариб, юзини терс бурди, аммо эшон маҳсум Комилага ва Ўктамга қуллуқ қилиб, ялинчоқ оҳангда сўз бошлади:— Азиз дўстларим, фақир каминангиз Каримқул ака билан озгина харж қилгани бозорга бормоқчи эди. Худо ҳақи, қўйлар ҳосилотники, аммо янглишасиз. Лекин ўртада жанжал, ур-сур бор экан, астағфирулло, бас... Қўйларни қишлоққа элтмоқ 20 даркордир, юринг, Каримқул ака: Ўктамжон тоқقا бориб бафуржа ҳал қилсин,— бир сукутдан сўнг секин деди,— мабодо жанжал чиқадиган бўлса, оҳиста ёпти қиламиз-да.

— Э, тақсир ўзимнинг ҳалол молим, лекин сирасини айтияман-да,— деди куюниб Каримқул.

Комила ила Ўктам кулишиб, нимадир шивирлаб қўйдилар.

— Каримқул ака, қишлоққа ҳайданг, бу гапни маъқул денг, ранжишга ҳозир ҳақингиз йўқ,— таъкидлади 30 Комила.

Ҳосилот тирриқлик ва тихирлик ила зўрға кўнди ва қўйларни ҳайдаб секин қишлоққа бурилди.

Ўктам ва Комила отларга қамчи уриб, тоғларни оша кетдилар.

Кўм-кўк қирлар, туманга ора-сира ўралган тоғлар, уюм-уюм тошлардан ошиб, шарқираб юргурган тиник чашмалар... Хушбўй гуллар оралаб эсган totли ҳаво, ёқимли шабада сийнага роҳат, кўзларга равшанлик, кўнгилга латофат қуяр. Гап жуда қайноқ эди...

Аммо булар орасида илиқ бошланган дўстлик бир вақтлар хийла булутланди. Бир неча дафъа қизнинг суҳбатига муштоқ бўлиб борганда, Ўктамни у совуқина

40

қаршилаганди, Ўкта мажхул фикрлар ила хафа қайтган эди. Райкомда, Сайрамов олдида учраб қолгудай бўлса, Комила сира гапирмас, қочар; райком мажлислирида дуч келмасликка тиришар, узоқроқда ўтирас эди. Ўкта тавба, айбим нимада, не ёмонлик қилдим, нега мендан ранжири, деб куюнор, балки сүйгани бордир деб дард чекар, самимий ишқ унинг пок дилини қақшатар эди. Секин райкомдан чиқиб эшикда кутар, қиз эса ўз колхозининг парткоми, ҳосилоти ила бирга чиқиб, илдам отланиб жўнар ёки райком машинасида ғир этиб ғойиб бўлар: Ўкта магълубуздан бош тортар. Ўкта эса хомуш, турли шубҳаларга банд, ёлғиз жўнар эди.

Комиланинг кўнглига интиқомпараст кимсалар жиндай ғашлик солган. Каримкул ва унга ўхшашиб ичи қора, ёлғонни сувдай ичадиган ёмонлар пахта масаласи, колхознинг турли ишлари ҳақида Ўкта устида турли ўйдирма гаплар, бўғтонлар, миш-мишларни Комилага етказиб, унинг дўстлигини кесмоққа, ихлосини қайтармоқ-қа уринган эдилар. Аммо Комиланинг шак-шубҳаси, кўнгил ғашлиги узоқ давом этмади, у зукко қиз ҳақиқатни тез фаҳмлади, аввалгидай губорсиз илиқлик, самимий дўстлик ила учраша бошлади.

Кеча райком мажлисидан сўнг одатдаги каби улар райком боғини айланиб, ундан-бундан, турли воқеалардан гаплашиб, узоқ кездилар.

Ўкта «уҳ...» деб, ора-сира севгиси ҳақида жиндай сўз бошлар. Комила эса ўзини эшитмасликка солар эди.

Бирдан Комила кулиб тўхтади:

30 — Ҳа, айтгандай аzonда тоққа қўйлар бошига чиқмоқчи эдим, хабар олишга бормоқчиман. Ҳамроҳ бўлмайсизми? Бир айланиб келар эдик.

Ўкта жонланиб кетди:

— Ҳим... иш кўп,— деди ўйланиб.— Бўпти, раисдан ижозат олиб, бораман олдингизга. Жуда соз, сайд этиб қайтамиз,— деди қатъий тусда.

Комила суюнди-ку, лекин чеҳрасининг жиддийлиги ила ҳисларини яшира олди.

Бугун эрталаб иккаласи отда йўлга тушдилар.

40 — Билмадим,— деди Ўкта қалбини пармалаган оғир захматдан енгилланиб.— Айрим унсурлар, баҳиллар турли ноодоб гапларни, айниқса пахта масаласида турли номаъқул ўйдирмаларни тўқидилар. Бу ишга

бизнинг ҳосилот бошлиқ. Билмадим, қўполманми, ғўрманми, аммо ишимга бутун дилимни солиб ишлаймал, холос,— деди ҳаяжонланиб.

— Хийла синадим сизни. Яхшисиз, аммо ўжар, талабдор, ўтсиз. Бу яхши фазилат. Лаганбардорлар, дағасалар, муттаҳамлар бор. Уларни тарбиялаб, парваришлаб, интизомга солиш лозим. Аммо Ўктамжон ака, кўп марта синадим, ишнинг кўзини биласиз, айниқса пахта масаласига устасиз.

— Оҳо! Жуда кўтардингиз, жуда лоф эмасми! Мана 10 сиз доно ва билгичсиз, ажойибсиз. Кўрмадим мен қизлар, аёллар орасида биронта сизга тенгини. Пахтада, қурилишда, муомалада, нотиқликда... Эҳе, қанча-қанча яхши сифатларингиз бор. Айниқса устози заминсиз пахтада.

Севгилиси ила танҳо суҳбатдан маст, муҳаббат, баҳт тошган Ўкта қизнинг ловиллаган ёноқларидан, учқунали сузук кўзларидан ўпиб-ўпиб олгиси келади, лекин иложини тополмайди, уялади, қўрқади. Қиз буни гўё пайқагандай, мулойимлик ила секин отини «чұҳ» деб, 20 ёндошиб келган Ўктадан ўзини четга тортади.

— Ҳо-о, мунча осмонга ошириб мақтайсиз. Ўзим биламан, жуда ғўр ва жуда тажрибасизман ҳали.

Суҳбатни узмай узоқ юрдилар. Ўқтинг-ўқтинг Ўкта сиқилиб қизга ёндошар, турли ишқий куйларни куйлаб, болаликдан эшитган турли ҳалқ лапарлари, қўшиқлари ва қизиқ-қизиқ термаларни, ҳикматли сўзларни айтиб қизни кулдирап, овунтирап эди.

Гоҳ қўшиқ, гоҳ ширин суҳбат ила манзилга етганларини сезмай-да, қолдилар. «Элобод» қўйлари бошига 30 келган эдилар. Чўпонлар хушнуд қаршилаб, бири Ко-миланинг оти жиловини тутди, бири Ўктаға югурди.

Чўпонларнинг ҳар қайсига бир-икки хуш сўз ила лутф ва илтифот кўрсатиб, соғ-саломатликлари ҳақида сўрашгандан сўнг:

— Қани, жуда чанқадик, бизга қимиз келтиринг,— деди Комила тиниқ, ёқимли товуш ила.

— Ҳа, ҳа, жуда чанқадик,— деди кулимсираб Ўкта.

— Бор, бор, қўлбола қимиз бор, мешни келтир!— 40 буюорди кекса чўпон бир йигитчага.

Яғринли, аммо ёшгина чўпон оёқларини енгил ташлаб юрганича ўтовта кирди-да, лаҳзада муздай қи-

миз тўла меш ва қуюқ сирли икки сопол коса келтирди.

— Қани, ким кўп ичишга, баслашамиз.

— Бўпти, жоним билан,— дарҳол жавоб берди кулиб Ўқтам.

Биринчи косани бир-икки энтикиб тугатган Комила Ўқтамнинг қўлидаги бўш косани кўриб:

— Мен енгилдим, тавба қилдим, сиз ютдингиз, Ўқтам ака. Қимизни яхши ичар эдим, энди негадир мазам йўқ. Тавба,— чиройли табассум ила қизариб деди Комила.

10 — Ана холос, бутун меш менга қоладими?— жавоб берди Ўқтам.

Ҳаммаси қотиб кулишди.

Ўқтам иккинчи, учинчи косани симириб:

— Ах-ах, жуда ўткир, тотли қимиз. Бўлди-бўлди, раҳмат, ота,— ташаккур этди.

20 Комила кекса чўпон ила қизғин суҳбат бошлади. Ўқтам эса ёшлар билан жиндай асқия айтишиб ҳазиллашди. Кейин бирдан от олдига илдам борди-да, иргиб минди:

— Хайр, дўстларим, кетдим.

Дарҳол суҳбатни кесиб, Комила таажжубланган оҳангда:

— Қаерга кетяпсиз? Пича дам олинг ўтириб.

— Қолган ишга қор ёғар, дейдилар қариялар, тезроқ ишимни битирай; ҳосилотнинг қилмишлари кўп даҳмазали. Юринг, сиз ҳам Комилахон, бирга айланиб келамиз,— деди дўстона оҳангда Ўқтам.

30 — Йўқ, чарчадим, қўйларни кўрай; лекин тез қайтинг, ҳўбми?— қизаринқираб таъкидлари Комила.

Ўқтам ичидан, яширин бир хўрсинди-да, отни қаттиқ ҳайдаб жўнади.

Чўпонлар Ўқтамнинг ортидан мамнуният ва табассум ила қараб қолдилар.

— Ўтдай, оловдай бола!— деди ўрта ўшдаги миқти бир чўпон гуруллаган товуш ила сукунатни ёриб.

Ўқтам ортидан хаёлчан қараб турган Комила йўлдан кўзларини узиб, чўпонга боқди:

40 — Чақмоқдай ўткир!— гўё узоқ юлдуз жилваси каби енгил бир табассум кўринди қизнинг кўзларида.

— Комилахон, қизим, ўткир, асл бола, сизга муносиб йигит, қўлдан берманг сира,— доно кўзлари кулим-сираб деди жиддий оҳангда кекса чўпон.

Чўпонлар қотиб кулиши:

— Тўғри-тўғри, маъқул гап,— дедилар бир оғизда.

Комила лов этиб қизариб кетди, лекин саросимали-гини усталик ила яширди-да:

— Ўтирган қиз ўрнини топар, деган гап бор, менга ҳам топилиб қолар,— деди ва енгил қадамлар ила бу-лоқ томон оҳиста юриб кетди.

Булоқ бошида лаҳза чўққайиб, ҳовуч-ҳовуч тиниқ муздай сув билан роҳатлациб юзини ювди ва яна юриб кетди.

Ўт қалин, хушбўй, қуёш ишқи билан суғорилган, ҳар нав нафис қир гуллари кўнгил ва кўзларга нашъа, са-фо, руҳларга роҳат, енгиллик, ҳузур бағишларди. Ай-ниқса қалби ишқ ҳислари ила лим тўла Комила табиат-нинг бу гўзал оғушида тамом масти ва ҳаяжонли ҳолда узоқ кезди. Ўқтами чиндан ва қаттиқ севганига иқорор эди. «Лекин... қайдам... қийин савдо...» деди ўз-ўзига. Ишқнинг ширин хаёллари ила кеза-кеза бир қуҷоқ гул терди; юзини гулга қўйиб, узун нафас ила ҳидлади. Бир-биридан ёрқин, бир-биридан нозик ишқий ҳислар қалби-да оҳиста чайқаларди. Маст ва ҳуррам ўтов томонга юрди.

— Енбошингизда улуғвор тоғлар, жоннинг ҳузури фир-фир шабада,— деди давра қуриб ўтирган чўпонлар олдида тўхтаб.— Сут, қимиз сероб. Чўпонлар эса кам-кўстимиз кўп, ҳали кийим, ҳали у, ҳали бу, деб ҳархаша қиласидилар,— ҳазиллашди Комила.— Жаннат-ку бу ҳа-ёт, ўзим чўпон бўлар эдим, иложи бўлса, рост деяпман.

Чўпонлар гуриллаб ҳахоладилар.

Сийрак соқол, бурушган юзли қотма гавдали чўпон 30 чол эътиroz қилди.

— Эҳе, Комилахон, ёшсиз, билмайсиз, бу ҳунар-нинг ҳам мashaқати зўр, оғир меҳнат. Кўйлар мисли чақалоқ, парваришнинг талабкори улар. Тоғда бўрон-лар, селлар, тошқинлар, шамоллар... оҳо, оғат беҳад кўп. Энг зўр хатар — бўри. Ҳамиша зийраклик лозим. Бир зум кўз илиндими, бас!

Комила гарчи чўпонлар ҳаётининг қийинчиликлари-ни ва турли нозик томонларини хийла яхши билса-да, кўп дафъа чўпонлардан бўрилар ҳақида ҳар хил воқеа-40 ларни эшифтган эса-да, ҳозир ҳайратда бир лаҳза оғзини очиб қолди.

Комила аста чол олдига ўтирган эди. Суҳбат қизиб,

чўпонлар турли ажойиб қизиқ воқеаларни ҳикоя қила бөшладилар. Гангур-гунгур бир оз гаплашгандан кейин Комила:

— Чўпонлар шер юракли ботирлардир. Колхозларда, совхозларда қанча-қанча чўпонлар қаҳрамонлик унвонини олдилар, нега бизнинг чўпонлар қаҳрамон бўломмайди? Демак, ҳали мақташга сазовор эмас экан-да ишингиз!

10 — Олди-ку кўпларимиз Қизил Байроқ нишонини,— жавоб берди жиддий тус билан бир чўпон.

— Оз, оз ҳали муваффақиятларимиз. Қаҳрамон чўпонларимиз ҳам бўлса, деб орзу қиласиз,— деди Комила тиззасига қўлини тираб.

— Файрат қиласиз!— жавоб берди ёш бир йигит.

Комила турди, дув этиб чўпонлар ҳам қалқдилар.

Ҳаво мусаффи. Оқ пардай енгил булувлар сийрак. Ҳар томонда шарқираб оққан чашмаларнинг хуш нафоси...

20 Комила ва чўпонлар узоқ кезиб қўйларни кўрдилар. Турли планлар, режалар ҳақида узоқ суҳбат қилдилар.

Комила гарчи ҳориб, толиқиб ўтовга қайтган эса-да, руҳи кўтаринки: қўйлар семиз, бақувват, чўпонлар бурчларини мамнуният ва ихлос ила бажаардилар.

Кеч ҳам яқинлашган. Комила қўлларини ювиб, сергўшт totли шўрвани иштаҳа билан ичмоққа киришган эди, лоп этиб Ўкта менинди. Отнинг дукурини ва Ўкта менинди эшитиш билан Комила қувонганидан юраги ҳовлиқиб кетди, заранг қошиқ шақ этиб косага тушди, қиз юрганича ташқарига чиқди. Ўкта менинди дараҳтга бойлаб, қўлларини ювмоқда эди. Комила ўтовга қайтиб, шошилинч сочиқ олиб чиқди:

— Узоқ юрдингиз?— сўради Комила мулойим оҳанг ва кўзларида илиқ табассум ила сочиқни тутиб,— қалай, жанжал бартараф бўлдими?

Ўкта менинди арта-арта жиддий тус билан:

— Э-э, гап кўп. Лекин жуда очиқдим, қурсоқни тўлдириб, кейин айтиб бераман,— жавоб берди кулиб.

40 — Марҳамат!— деди ўтов эшиги олдида тўхтаб табассум билан қизаринқираб Комила.

Қизнинг латиф чеҳрасига мафтун ўлароқ кўзларини узгуси келмай Ўкта менинди унга бир зум тикилди. Комиланинг боқишида илиқлик, товушида ёқимли оҳанг

туяркан, гўё унинг кўиглига йўл топгандай ҳис этди. Севгидан, шодликдан маст ва сеҳрланган каби, кўтарики руҳ ила ўтовга кирди.

Чўпонлар хушнуд, хушмуомала ила меҳмонни тўрга ўтқаздилар. Сергўшт, мойли шўрвани дам кулги, ҳазил аралаш, дам жиддий суҳбатда иштаҳа билан хўб ейишди, қора қумғоннинг хуштаъм чойидан ҳўплаб-ҳўплаб ичишди. Чўпонлар овқатни жадал ошасалар-да, шу хушсуҳбатни тарк этгилари келмагандай ақрин-ақрин ишларига тарқалдилар.

Ўқтам ва Комила ўтовда ёлғиз. Комила жиддий, оғир, одоб билан ўтиради. Ҳали чорва, ҳали пахта уларнинг суҳбатига мавзу бўлса-да, Ўқтам ўзининг са-мимий севгиси атрофида гап айлантиришга ўқтин-ўқтин уринар. Комила эса буни пайқаб, суҳбат ипини узмасликка тиришар, гапни гапга улар, йигитнинг фикрлари-ни чалғитар, ғоят маҳорат ила унинг ҳислари, туйғуларини кесар, сад қўяр эди.

— Ҳай айтгандай, гапиринг, не бўлди Каримқул ака-нинг иши?— сўради Комила Ўқтамнинг руҳидаги нозик 20 ҳаяжонларидан чўчиди.

Ўқтам чойни ақрин ҳўплаб, хомуш деди:

— Ҳа, унугибман, бу чатоқ, қийин масала. Чўпонлар орасида ҳам муғамбирлар бор,— деб воқеани батафсил сўзлади.— Умуман айтганда, охири чигаллар ечилди. Ҳосилот ўтган йил бир ўлармон тўқли, бир эчки қўшиб қўйган, шунинг бадалига семиз бўрдоқиларни юлмоқчи бўлган.

— О, шундай муттаҳам, ноинсоф денг?!— нафратли оҳанг ила деди Комила.

— Яна аниқлаймиз, нозик масала,— жавоб берди Ўқтам.

Яна бир оз гаплашиб, чойни қониб ичдилар-да, таш-қарига чиқдилар.

Кеч кирган, шамол қаттиқ эсарди. Тоғларга қуюқ булуутлар яслangan, улар сеҳрли, улуғвор туюларди.

— Кетдик-а? Осмоннинг авзойи бузилибди. Жадал жўнайлик,— деди Комила атрофга қараб.

Чўпонлар отларни келтирдилар.

— Э, жонивор, тўймади хашакка,— меҳр ила Ўқтам 40 отининг пешанасини, бўйини силади.— Зотдор, бақувват, чопқир бу,— мақтади отини.

Чўпонларга хайр-маъзур қилиб йўлга тушдилар.

10

30

3.

Ярим кечага қадар йўл юришди. Қомила жуда чарчаган, Ўкта м эса чарчаганини сира билмайди, у кўнгилларининг янада яқинлашганлиги, севги ва дўстликлари нинг янада ортганидан чексиз шод, ҳаяжонли ва тетик эди.

«Элобод»га яқин қолганда тўсатдан Қомила:

— Хайр, раҳмат! Қелиб туринг,— деди Ўкта мга.

— Йўғ-э, «Элобод»га қадар жўнатиб қўяман.

— Йўқ, йўқ, яқин қолди. Ҳеч ким кўрмагани яхши.

10 Хайр,— отни қаттиқ ҳайдаб кетди.

Ўкта м хаёл дарёсида ғарқ, от ихтиёри ила бир-бир босиб секин қишлоққа кирди. Жимжит, кимса йўқ, ҳамма тинган. Ёлғиз самоварчи ғивирлаб, у ёқ-бу ёқни йиғар ва ётгали ҳозирланар эди.

Ўкта м отхонага етганда, қўққисдан, аллақайдан Жўра пайдо бўлди.

— Ўкта м ака, қўйлар шу ерда. Қани, гапиринг, ишлар жойидами? Ҳосилот: «Қўйлар ўзимники, довдира б юрибсизлар, кўрасиз ҳали», деб дўқ қилди.

20 Ўкта м секин отни бойлади:

— Нима қилиб қоқ ярим кечада бу ерда ўтирибсан? Жўна, ухла!

— И-я, сизни пойлаб ўтирибман, ҳақми, ноҳақми, билиш керак-да. Жиғини эзамиз унинг.

Ўкта м хахолаб кулди:

— Лекин баракалла, ютдинг. Ҳамма деганинг тўғри, қолган чигални бафуржা ечамиз. Тинч бўл, ухла!

— Ўзим билгандим,— деди Жўра ва юрганича қоронгиликда йўқ бўлди.

30 Ўкта м бир-бир босиб, ўжар хаёллар қуюнида банд, уйга жўнади.

Кампир эрталаб Ўкта мни уйғотди.

— Тур болам, «вақтлик уйғот» деган эдинг, тура қол. Мана чой, нон. Мен далага кетяпман, яна ухлаб қолма.

Үйқу аралаш сапчиб турди Ўкта м:

— И-я, қотиб ухлабман,— деб қулочларини кенг ёйиб керишди-да, шошиб кийина бошлади.

40 40 Кампир чаққон юриб чиқиб кетди.

Ўкта м ариқ четига чўққайиб, муздай сув билан юзқўлларини ювди. Ҳаёли Қомилада эди, секин кулим-сиради.

Қаймоққа юмшоқ нонни бурдалаб, шошиб еди, күк чойни ҳўплаб-ҳўплаб ичди-да, идорага югурди.

Идора олдида биринчи учраган йигитдан:

- Раис қани? — сўради Ўктаам.
- Шу ерда, — шивирлади йигит.

Ўктаам эшикни очиб:

- Мумкинми? — сўради.

— Келинг-келинг, нима гап? Қани гапир, — деди раис. Ўктаам дераза ёнига ўриндиқни суриб ўтириди:

— Эшитдингизми воқеаларни? — кулимсираб сўради 10 раисдан.

- А, не гап? — деди таажжубланиб раис.

Ўктаам воқеани тўла, батафсил тушунтириди. Жўранинг пойлаб кетгани, ҳосилот ва эшонга йўлиққани, бир тўқли ва эчкиси ўрнига беш бўрдоқи олганини, ҳаммасини айтиб берди.

- Лекин, хумпар аломат бола, жуда пишиқ-да.

— Ҳим... гап бундай, денг, — аста соқолини силади раис. — Ноинсоғлиги шу даражага етибди, денг. Мақол бор: олурда саноги тўққиз, беришда саноги ўттиз. Мажлис чақирамиз, юртга жавоб қиласин. Қани, нима дер экан. Беҳаё!

Раис бир оз қовоғи солиқ, жаҳлдан қизариб, сукутда ўтириди-да, кейин ўрнидан кескин равишда қўзғалди:

— Юр, далани айланамиз, — деди нохуш товуш билан Ўктаамга ва дадил эшикка юрди.

ХХIII

Туш вақти, офтоб ола-тароқ булутлар орасида бир қалқиб, бир ботиб турагар. Япроқлар олтиналана бошлаган... Октябрнинг ўни эди.

Қатор-қатор арава ва машиналар қанор-қанор пахталарни пунктларга ташимоқда. Теримнинг авжи қизгин, завқли вақти. «Қаҳрамон» колхози даласида пахта ҳали кўп. Қуёшда оппоқ чақнаган далалар чексиз ва қирғоқсиз...

Колхоз планни тўлдираётган. Мирҳайдар ота тетик, ишончи зўр, шод эди. Йўлларда юрар экан, унда-бунда тўкилган бир чимдим пахта кўзига илиниб қолса, «увол-ку, ахир!» деб дарҳол энгашиб йигар ва болаларга таъкидларди: «Ерда увоги қолмасин, чироқларим, 40 анов қутига ташланглар, қутига!» дер, дараҳтлар, устун-

30

ларга қоқилган қутиларни кўрсатарди. Раисда тиним йўқ. Гоҳ идорада, гоҳ хирмонда, гоҳ дала шийлонларида, гоҳ фўза ичида. У юра туриб — оёқ устида турли масалаларни ҳал этар, буйруқлар берар, ялқовларни койиб қўяр, жойида ҳазил-ҳузил гаплашиб, ўзи ҳам қотиб куларди.

Пахтазорни айлана-айлана раис қўққисдан улуғвор, кенг қизлар даласига чиқиб қолганини сезмай ҳам қолди. Шу кунлари қизлар теримга ўжарлик или завқ ва мароқ или қаттиқ ёпишган эдилар. Раис таажжубланиб, ичида деди:

— Тавба, мислсиз ватанпарварлик, ҳақиқий қаҳрамонлик бу! Кўрдим — баъзи участкаларда ҳам қизлар, жувонлар кўп яхши терадилар, аммо бунда жуда бошқача.

Раис кулиб, ҳавас билан разм солди. Мана, Тансиқнинг қўллари қандай чаққон, шувиллатиб теряпти. Анорхон бўлса — ҳов узоқда, уям «қолмайман» дейди. Фўза оралаб юра-юра раис пакана Маствурага дуч келди. Фўза уни кўмиб юборган, пилдираб териб борарди. Раис ҳазиллашгандай:

— Ҳей, дам ол пича чирогим, тоза чарчабсан,— деди мамнуниятдан бурушган юзлари равшанланиб.

— Ассалом,— деди, Маствура бошини кўтармасдан, терлаган, порсиллаган ҳолда, аммо чаққон қўллари теришда давом этиб. Крепдешин рўмолчада сочи чамбарак; енглари шимариқ атлас кўйлак устидан кенг, катта фартук боғлаган.— Лекин отажон, иш мушкул. Анувларни қаранг-а, минут тўхтасам, уларга масхара бўламан. Улар айёр, ойдинда далага чиқиб, маза қилиб ишлар экан. Яширадилар-а мендан, билиб олдим шайтонликларини.

— И-я, тавба-еї, ростдан ойдинда теришарканми?— сўради қизиқиб раис.

— Ӯла қолай, рост. Бир киши шипшиитти. Қарасам, қароқчилардай секин фўзода шўнғиб юришибди. Эссииз, эссииз, ойдин ўтиб кетди-да, мен доғда қолдим. Саҳардан шомгача қаддимни кўтармай терганим-терган, уларга етолмайман... гап бу ёқда экан... Ойдин келсин, кўради мендан писмиқлар!

Раис ҳаҳолаб қаттиқ кулди ва деди:

— Баракалла, раҳмат, энди ўзингга келибсан, чироғим, обрўни қўлдан берма!

10

Мастура ҳозир ўзида йўқ хурсанд эди, сарғиши пишиқ тишларини очиб илжайди:

— Баҳлашганиман, ота, тераман-да, кўрсин бу мақтанчоқ қизлар, бир зум сукутдан сўнг аста деди:— Лекин пул жуда мўмай, пахта жарақ-жарақ пул-да...

— Яхши терсанг обрў баланд, кейин тилла соат мукофот, эшитдингми? Ишла, тириш, қўйма!— деди раис маъноли товуш ила шивирлаб.— Қизлар ҳозирча билмасин.

Мастура соатни эшитиб, ўзида йўқ хурсанд бўлиб 10 кетди.

— Гарчи қизлар яна ойдинда далага чиқсами — тоза койиб қўяман, қараб турсин,— деди таъкидлаб раис ва Мастурани тагин бир-икки мақтаб, қизлар томон юрди.

Раис беш-олти қадам узоқлашганди, Мастура ҳарсиллаб югурди, раис тўхтади:

— Не гал яна, хўш? Пул керакми, донми?

— Йўғ-э,— деди Мастура энтикиб.— Насимjon акамга айтинг, стажон. Вақтли қайтмайсан, деб доим 20 хархаша қиласди. Биласизми, ота, бу бежиз эмас, Насимjon акамни ҳосилот бузади. Пайқадим, аҳён-аҳёнда маст бўлиб келади. Иккови шундаям улфатки, орадан қил ўтмайди, аҳвол шундай, дўқ қилиб қўйинг яхшилаб,— шошиб ялинди Мастура.

Раис бир неча дақиқа ўйланиб қолди, кейин қатъий жавоб берди:

— Яхши шипшиштинг, қизим. Ўзим уни койиб, сиқиб қўяман. Насимjon тузук, маъқул бола; одам бўлади. Тўғри айтасан, улфатлари чатоқ, йўлдан уриб ту- 30 ради. Хафа бўлма, чироғим, тузатамиз.

— Жон ота, уришинг, барака топинг,— деди шошиб Мастура ва фир этиб ғўзада йўқ бўлди.

Раис ғўзанинг шохларига, чаноқларига разм соласола икки қўли орқада оҳиста юриб, яна қизлар олдига кетди.

— Мастура ҳақида ёмон гапирманглар, чироқларим,— таъкидлади раис қизларни йигиб.— Унга яхши гапиринглар, ўргатинглар, дўстона муомалада бўлинглар. Холисанилло у яхши теряпти. Кейин бояқиш ҳасрат қилди. Оппоқ ойдинда пинҳон чиқиб пахта терармишсизлар. Бирордан эшитиб пойлабди, ўз кўзи билан

кўрибди. Қани, гапиринглар?— сўради қизлардан кулимсираб раис.

Қизлар хаҳолаб кулишди.

— Мастура ўлгур чаққон,— қизиқиб гапирди Анорхон.— Бир терадики, ҳавасинг келади. Кейин қизлар билан маслаҳатлашиб, хуфтондан сўнг ойдинда секин фўзага тушадиган бўлдик. Дала сутдай ёруғ, фир-фир шамол... Ойдинда тердик-а, хўп... Бояқиш ғафлатда қолди-да, ёмон қўлга тушди.

10 — Ойдинда қизлар қўшиқ айтса, дутор чертса яратади; кейин мириқиб, қотиб ухлаш даркор,— деди раис.— Тунни худо ухлашга чиқарган, қуш тиндими, одам ҳам тинсин.

— Ухлагимиз келади-ю, лекин пахта патирлаб очиляпти, шошиб қоляпмиз. Баҳлашганимиз яна, ютиш керак-да, ахир,— деди Дилшод секингина.

— Тўғри, биламан, ойдинда ишламоқнинг кайфи ўзга, чироқларим, лекин жудаям толиқманглар. Мастурани ҳам хафа қилманглар, аҳил бўлинглар; Мастура ўзи 20 тартиб жиловига энди илинди-ку, ахир.

Раис қизларга, дам насиҳат, дам маслаҳат бериб, дам ҳазилсимон гаплар ила кулдириб, яна бир-икки оғиз гаплашибди-да, қўшни звено даласига қайрилган эди, тўсатдан аста сўзлашиб келаётган Комила ва Ўқтамга кўзи тушди. Суҳбатни бузмаслик керак, деб гўё кўрмагандай қочмоқ ниятида экан, чолни кўриб суюниб кетган Комила югуриб келди:

— Ассалом-алайкум, бардаммисиз, тетикмисиз?— раисни қучоқлаб кўришди қиз.

30 Мирҳайдар ота ҳам Комилани қучоқлаб пешанасидан ўпди.

— Хўш, қизим Комилахон, йўл бўлсин? Қани, қани, марҳамат... уйга борайлик.

Чеҳрасида порлоқлик, хурсандлик ила Ўқтам гапга аралашди:

— Қистадим, илтимос қилдим хўп, кўнмадилар. Сиз айтинг, бирпасгина ҳовлига марҳамат қилсинлар,— деди ялинган оҳанг ила.

40 — Йўқ, йўқ, сизникига бормайман,— деди дарҳол жозибали шўх оҳангда Комила.— Отанинг ҳовлисига кирадим, лекин иш қаланиб ётибди. Бошқа куни, албатта, келаман сизникига,— деди раисга қараб.

— Раҳмат, раҳмат, қизим,— деди мулойим товуш ила Мирҳайдар ота.

— Янгам, укаларим саломатми?

— Худога шукур. Ўғилча шўхки, сира ўтирумайди; ҳали қуш, ҳали коптов,— кўзларида қувонч тошиб ҳаяжон ила сўзлади чол.

— Шўх-да, авжи шўх вақти,— деди Қомила.

— Айниқса қизча ширин,— Ўқтам аралашди сўзга.— Бай-бай-бай, чертиб-чертиб, бийрон-бийрон гапиради. Зийраклигини айтинг унинг! Суяман, жуда менга 10 у ёқади.

— Омон бўлсин, омон бўлсин ҳаммаси,— деди раис суюниб.

Гаплаша-гаплаша секин кетдилар. Қомила ҳасрат қилди:

— Умуман айтганда план хуржун. От-улов етишмайди, машина жудаям кам. Бунинг устига бир машина-миз тунов кун шикастланди. Машина тури қолмади, лекин шофёр бутун қолди, шунга суюндим, хуллас, ота ишлар яхши эмас.

Раис ўзича «ҳим, ҳим...» деб сукут ила тинглади, кейин салмоқдор сўзлар ила деди:

— От, арава жамғариш мумкин, лекин пахтангиз қандай, чироғим, пахта яхшими?

— Чакки эмас,— деди жиддий тусда Қомила.— Баъзи бригадирларимиз аҳил эмас, уришиб қолган, фалокат шунда. Албатта, планни бажарамиз, лекин одамлар билан қаттиқ ишлаш лозим.

— Ҳушёр бўлинг, қизим, пахтани кўринг. Бригадирлар пахта жойида деб мақтанаверади, уларга ишонманг. Ўзингиз зийрак бўлинг. Бирдан қарасангиз, иш хуржун — пахта йўқ. Ана шунда раис шошиб қолади. Ҳалиги бригадирлар «раис ёмон», «палон-пистон» деб халққа ифво тарқатади, райкомга боради, исполкомга боради, чақимчилик бошланади. Уқдингизми, қизим, шундай аҳмоқлардан эҳтиёт бўлинг.

Қомила ўйланиб жим борарди, Ўқтам секин сўзга аралашди:

— От-араавадан хотиржам бўлинг, қарашамиз. Мирҳайдар ота жуда билади, бутун мушкуллик — пахтада, 40 ҳушёр бўлинг-да. Пахтани, халқни хўб синадим. Халқни йиғиб мажлис қилинг, ўргатинг, илдиз-илдизига қадар очинг масалани. Ана шунда инига кириб қолади

20

30

329

иғвогарлар. Пахта масаласи — умумхалқ иши, давлат иши, партия иши. Қатиққўллик зарур, ана шунда иш юришиб кетади.

Комила енгилланиб сўзлаб кетди:

— Пахтамиз бор, биламан, ота. Балки планни тўртбеш процент ошириб бажарурмиз. Далаларда шовулшовул пахта. Бир неча топқир мажлислар ўтказиб, танқидлар қилиб, ялқовларни теримга чиқардик. Сиз тўғри гапирасиз, ҳамиша ҳушёрлик илиа ишламоқ керак.

10 Ишлаймиз-да, берилиб ишлаймиз.

Гаплаша-гаплаша кенг дала йўлига чиққандা:

— Хайр, қизим! — деди раис тўхтаб. — Менга руҳсат, иш кўп-да, иш кўп. Айниқса пахта масаласида эҳтиёт бўлинг, хўпми? Бригадирлар ва звенолар баъзан айнайди,— таъкидлади Мирҳайдар ота ва самимий хайрлашиб қаёққадир кетди.

Комила ҳам ичдан суярди Ўқтамни. Ўқтам ҳар кун кўргиси келса-да, журъат этолмас, гоҳо-гоҳо бирор баҳона илиа «Элобод»га бориб келарди. Мана бугун соғи-

2) ниб Комила ўзи келди. Пахта теримининг қизғин чоғи; баъзи бригадаларда иш ёмон эди; Комила қатиққўллик, элчиллик илиа уларни тартибга чақирди, партия аъзолари, комсомол-ёшлар илиа бирликда иноқ ишлаб, бригадирларни йўлга солди.

Дам ғўза оралаб, дам йўлга тушиб, Ўқтам ва Комила гангур-гунгур сўзлашиб юрдилар.

Ора-сира Ўқтам чин севгисидан, юракдаги орзуларидан гапирав, кўзларида ишқ ёнар эди.

Комила мўъжиз, сеҳрли оҳанг илиа:

30 — Оғир, менга оғир... Ўйлаб кўрай... Сиз ажойиб, пок йигитсиз... — деди ва тезгина гапни бошқа мавзуга буриб юборди.

Ўқтам кўнглида севги дарё тошқини каби, у яна ҳамиша қалбида тошидиги ишқдан сўзлайди:

— Комилахон, қатиқ суюман... хаёлимда сиз, фақат сиз... Ҳар кун «Элобод»га борар эдим, Комилахон хафа бўлар, ранжир, балки суйгани бордир, деб андиша қиласман. Хаёлимда сиз билан юрганим-юрган. Рост, ёлғони йўқ, инонинг,— узун сўлиш олди ва дам секин, дам

40 ҳаяжонда ғайри шуурий равищда овозини кўтариб юборар эди. Бу икки ёш улуғ ишқларидан, руҳларида чайқалган сеҳрли оҳангдан, нашъали ҳислардан маст — дам оғочлар кўлкасида бир зум тўхтаб сўзлашурлар,



Турсуной Каримова.
Комила образининг прототипи. 1948 йил фотоси.

дам сокин сайр этар эдилар. Мана, дарахтлар орасида ўтирган қизларга яқин келдилар-ку, пайқамадилар. Қизлар пик-пиқ кулишиб шивирлашди.

— Ошуқ-маъшуқ булар,— кафтларини оғзига қўйиб аста деди Аноҳон.— Қўрмайсизми, ўтиб кетишди, бизларни билмади. Эҳтимол, яқинда тўй бўлар...— қошлирини чиройли ўйнатиб.

— Нима, нима?— қизлар Аноҳон пинжига тиқилдилар.

10 — Тўй бўлади, деяпмн, тушундингизми?— такрорлади Аноҳон.

— Ўқтам ака балогина йигит,— деди Анзират сирли товуш ила.

— Билмадим...— деди хомуш, сал оқариб Дилшод.— Эҳтимол, тўғрича юришгандир, лекин Комилахоннинг бошқа суйгани бормиш, эшиздим.

— Майли, тўй бўлсин,— деди Тансиқ кулиб.— Бирбирига жуда ярашади, нақ узукка кўз қўйгандай.

20 Ўқтам ва Комила айланиб яна келдилар. Яқинда, оғочлар кўлкасида тўхтамоқчи бўлдилар-у, Комила сесканиб кетди, у қизларни пайқаб қолган эди.

— Қизлар бор, қизлар,— шивирлади ташвишланиб.

Ўқтам ялт этиб атрофга қаради ва сўзни пахта, боғ устида айлантириб, ўтиб кетмоқчи эди, лекин Комила лаҳза қадамини секинлаштириди:

— Ҳорманглар, ўртоқлар, салом!— чиройли кулим-сираб.— Дам олиб ўтирибсизларми? Пахтангизга суқланиб юрибман.

30 Қизлар саломлашиб кўришдилар.

— Пахта чакки эмас,— деди Тансиқ камсухан оҳангда.

— Ўқтам ака, ақа ўтасиз-бақа ўтасиз, бизларни кўрмайсиз-а!— деди Аноҳон сирли шўх товуш ила.

Комиланинг чеҳраси лов этди, Ўқтам эса саросималигини тез яширди:

— Ҳа, тентаклардай ҳар минутда сизларга қўл қовуштириб салом берайми? Комилахон, юринг, қизларнинг тили жуда ёмон-да.

40 — Ундаи деманг, менга ҳам тегиб кетди,— қошлиари ни чимириди Комила.

Қизлар чиройли жаранглаб кулишди. Яна бир-икки ҳазил-хузил айтишиб, Комила ва Ўқтам аста юриб кетдилар.

— Вой ўлай, қизлар хўп эшитган бўлсалар-а, гапимизни?— деди уялиб Комила.

— Йўғ-э, юрганимизни кўргандир-ку, аммо эшитмагандирлар.—Бир оз сукутдан сўнг.—Майли, севги улуғ, азиз нарса, мен яширмайман,— деди ғуурор ила.

— Юринг, кетайлик бу ердан,— шошилди Комила.

Ариқ бўйлаб, тепа орқасига ўтиб кетдилар. Тепада фир-фир шамол, бир ёнда яққол катта боғ кўринди.

— Шу боғда жиндай дам олайлик,— деди 10 Ўктаам Комилага боқиб.

— Йўқ, озгина юрайлик, кейин кетишим керак,— жавоб берди Комила.

Дам тепага, дам боққа яқинлашиб сайдир этдилар.

— Ҳов боғда ҳосилот ишлайти, кўрдингизми? Қопга ниманидир жойлашяпти,— деди Ўктаам кулимсираб.

— Кўрдим, кўрдим,— кулди Комила.

— Эшитдингизми воқеаларни?— сўради Ўктаам.

— Мирҳайдар отадан тунов кун эшитдим.

— Лекин жуда гуноҳи кўп-да. Ҳаммасини мажлисда 20 халқ бирма-бир гапириб ташлади. Сал қолди қамашга. «Тавба қилдим, кечирасиз, айбимни бўйнимга олдим», деб аранг қутулди ҳосилот.

— Алами ичиди, жуда ўзиям қўрс одам-да,— деди Комила.

— Кўп тушунтирдим. Ҳалол ишланг, поклик керак, дедим.—Хўп, хўп, деди, лекин ёмон одам, аламзада, кўрамиз-да тағин.

— Ҳа, ростдан бизнинг «Элобод»да ҳам хўп гап бўлди,— деди бирдан эслаб Комила.— Гўёки, сиз унинг кетига тушганмишсиз. Раис сизнинг сўзга кириб, уни ишдан бўшатган эмиш. У ўз қўйларини ҳайдаб келганида мен бошлиқ бўлиб тутган эмишмиз. «Ҳайданг қишлоққа, ўғри, муттаҳам», деб дўқ қилган эмишмиз. Хуллас, фисқи-фасод гап кўп. Баъзиларини қаттиқ уришдим.

Ўктаам ўйланиб деди:

— Ҳа, халқ топади. Битта-яримта муттаҳамлар бор. Майли, аста-аста ўргатамиз — чидам керак.

Пастга тушиб, юқори чиқиб, узоқ кездилар. Тоғларда фира-шира булат... Комила хаёлчан равишда узоқларга қарап эди. Ўктаам дам ишқдан, дам колхоз ишларидан, спорт майдонларидан гапирав эди. Бирдан Комила тўхтади:

— Қайтайлик,— деди соатига қараб.

33

Суҳбатни узмай аста юриб қайтдилар. Чойхонада ошпаз аччиқ мастава пиширар эди.

— Қани, марҳамат, меҳмон бўлинглар,— лабларида сирли табассум ила таклиф этди ошпаз, чўмич сирти билан қалампирни эзib.

— Мастава totли кўринади, раҳмат; иккинчи дафъа келганда ошаймиз,— жавоб берди шўх товуш билан кулиб Комила.

10 Үктаам отни етаклаб келди-да, эгар қошини ушлаган Комилага ёрдамлашмоқчи эди, у эътиroz этди:

— Йўғ-э, ўзим...— деди-да, ирғиб эгарга ўтирди.— Хайр, хайр, боринг,— тез ҳайдаб кетди.

Үктаам отда тик, чиройли ўтириб кетаётган севгилиси ортидан шод ва мафтун ҳолда нашъали боқиш билан узоқ қараб турди, кейин яқиндаги дала шийпонига аста юриб кетди.

* * *

Пешин вақти эди. Куз қуёши хиёбондай сердараҳт ўйл бўйлаб саф тортган, кўм-кўк қони ўча бошлаган дараҳтлар тепасида ёқимтой порлар эди. Шофёрлар, аравакашлар, түякашлар йўлларини чангитиб, шовқин билан пахта ташир эдилар. Комила Салимова чуввос иш қайнатан далани ўз парторги ва ҳосилот раиси билан кезиб, терим мусобақасида орқада қолаётган зевнолар, айрим шахслар билан жиддий, қатъий гаплашиб, эндингина қайтган ва идорага кирмасдан, ҳали ҳам жонли ранглари тароватини унча йўқотмаган катта гулзор теварагида аста айланар ва эрта-индин шаҳардан теримга ёрдам учун келувчи юздан ортиқ кишиларни кутиб олмоқ, ётар-турас жой ва муңтазам равищда овқат билан таъмин қилмоқ масаласини ўйлар эди. Унинг кайфи хуш эмасди: кеча укасидан олган хат унинг кўнглини ғаш қилар эди. Онасининг касали ҳали ҳам қарийб бирдай эмиш, Комилага интизор эмиш... Ҳолбуки, у шу кунларда колхоздан бирон кунга бўлсин, силжий олмас эди. Унинг колхозида терим бошланганига бугун ўттиз беш кун бўлган эди. Бироқ терим шу суръат билан давом этса, планни бажармоқ жуда кечикиши, балки хавф-хатар остида қолиш эҳтимоли тун-кун унинг фикрини банд этар ва юрагини ташвишга, ҳаяжонга тўдирап эди.

— Салом!

Комила бирдан энтиккандай қайрилди. Гулзорнинг орқасида йўл устида Ўқтам ёш бўз отда кўкрак кериб илжайиб турар эди.

— Марҳамат,— алланечук қизариб, йигитни қарши олмоққа юрди Комила.

Ўқтам ўзини илдам отиб, Комиланинг қўлини бир неча топқир силтаб сиқди-да, отни дарахтга нари-бери боғлади. Комила уни гулзор четидаги скамейкага тақлиф этди.

— Қалайсиз, бардаммисиз, ишлар яхшими?— сўра-
ди Ўқтам скамейкада Комиланинг ёнига ўтириб ва
қамчи билан этикларидан чангни қоқиб.

— Ўзларидан сўрасак? Хўш, қаердан?— сўради Ко-
мила дам йигитга, дам ерга қараб ҳаяжонли овоз би-
лан.

— Курашиб ётибмиз. Райондан келяпман. Йўл ай-
рилиқда отим шу томонга бурилаверди. Йўлакай бир
зиёрат қилиб кетай дедим,— деди кулиб Ўқтам.

— Ўртоқ Сайрамов қалай?

— Бечорага жуда қийин,— жавоб берди жиддий тусе 20
билан бошини сал тебратиб.— Тағин ҳам темир экан-
да. Ҳозир орқада судралган колхозлар билан кеча-кун-
дуз банд.

— Районимиз, биласиз, олдингилардан эди. Ҳозир
тисланиб бораётир.

— Умуман, республикада терим масаласи жуда жид-
дий,— деди Комила.— Марказком ва Министрлар Сове-
тининг мурожаатидан кўриниб турибди. Кеча бизда
Марказком вакили ҳам бўлди. Бизнинг область бажа-
ради, лекин ҳаммадан бош пахтакор Андижон бажар- 30
син-да.

Улар турли областлар, районларнинг планини бажа-
риш суръати ҳақида, ўз колхозларидаги қийинчиликлар
ва транспорт, сушилка ва ҳоказолар ҳақида куюнчак-
лик билан бирпастда талай гаплашишди.

— Озибсиз бир оз,— деди Ўқтам қизнинг ҳорғин
юзига тикилиб.

— А, сиз?— илжайиб қаради Комила.

— Тобланган пўлатдайман,— ҳазил билан оёғини
ерга гурс-гурс уриб, деди Ўқтам.

— Азамат жангчисиз-да,— деди ингичка, тим қора
қошларини сал учирив Комила ва ўрнидан турди.—
Юринг бизникига.

Ўқтам Комиланинг фурсатини олмасликни ва ишга халал етказиши истамаганини айтди.

— Худди шу пайтда бутун колхозчилар овқатланиб, дам оляпти. Халқ тенги дам олмоқ — ҳуқуқимиз,— деди хурсанд, шўх кулиб Комила.

10 Ўқтам қамчини қўнжига тиқиб, қайишни тўғрилаб, Комила билан ёнма-ён кетди. Уларнинг ҳар иккиси хурсанд ва ҳаяжонли эди. Ўқтам янги қишлоқ кўчасида, қатор тушган янги уйларга, олтин кузнинг неъматлари га, бой ҳовлиларга қараб-қараб борар, уни-буни суруширар эди.

— Ҳа, яслаларинг биноси битдими?— сўради Комила.

— Томини ёпдик,— жавоб берди Ўқтам.— Ҳамма ашқол-дашқол тайёр, фақат ёғоч танқисроқ. Беш-ўн кубометр ёғоч қарз бермайсизми?

20 — О, ёзда қор сўрагандексиз-ку,— кулди Комила.— Бисотимдаги бутун ёғоч ва тахталарни Дам олиш уйи еб қўиди. Қўяверинг, тўппа-тўғри Россиядан ёғоч келтириш ўйлани билиб олдим. Пахтани саранжом қилайлик, сиздан бир киши, биздан бир кишини юборамиз ўрмончиларга.

— Колхознинг қўли узун. Гап ёлғиз қонуний йўл тона билишда,— деди Ўқтам.

30 Комиланинг ҳовлиси Ўқтамга жуда ёқди. Бунда ток ҳам, дараҳтлар ҳам, гуллар ҳам дид ва уқув билан ўтқазилиб, гўзал букет-даста ясаган. Мевалар терилган эди. Фақат бир неча тўп ёш анор бутасида йирик қизил анорлар барқ ураг эди. Ўқтам Комиланинг ҳовлида фивирлаб юрган букук бел қариндоши — кампир билан саломлашиб, қизнинг таклифи билан хоналардан бирига кирди-да, стулга ўтирди. Хона тозалиги ва содда жиҳози билан ширингина, бежиримгина эди.

Комила қўшни хонага кириб, эшикни ёпиб олди. Бир оздан кейин у кулибгина, секингина чиқди. У ҳалиги жомакорини ўзгартмаган эса-да, лекин соchlари тароғлиқ эди. Бошида янги гулдор, шўх тошкентча дўппи яшнар эди.

40 — Зерикмадингизми?— столнинг нариги чеккасида тўхтади Комила.— Сўзингизда турмас экансиз, кўришиб турамиз, демаганмидингиз? Яхшиям отингиз бошини бу томонга бурибди, бўлмаса...

— Ана холос! — таажжуб билан қичқирди Ўктаам. Кейин секин деди: — Эс-ҳушим ҳамиша «Элобод»да. Иложи бўлса, ҳар кун сизни кўрсам, лекин андиша қиласман. Сизга маълумки, ҳалқ орасида ҳар нарсани ўзи-ча жўядиган одамлар бор...

— Тўғри, колхоз раиси, айниқса раисасининг тупроғи енгил бўлади, — деди Комила жиддий тус билан. — Қадамни ўйлаб, ўлчаб босишга тўғри келади. Лекин кўнгил тоза, ният холис бўлса, ортиқча ҳадиксираш, андишаларга ўрин қолмайди. Мен ўзим икир-чикир гапларга эътибор бермайман.

— Жуда тўғри, «ошинг ҳалол бўлса, қўчада ич» деган гап бор, — деди Ўктаам ва бирдан ўрнидан турди, нима қилишни билмай, токчадан кулдан учун бир тарелкани олиб, столга қўйди, чала чакилган папиросни унга ташлаб, қизнинг ёнига келди.

— Соғиндим сизни... — деди Йигит хўрсишиб, оқариб.

Комиланинг юзи ёниб кетгандай бўлди, нафас олиши ўзгарди. У индамасдан кўзларини ерга тикди. Ўктаам бир қўлини астагина, авайлаб, қизнинг елкасига 20 қўйди ва ўзи томон тортди...

Комила силтаниб, типирчиланиб Ўктаам қучоғидан чиқди-ю, фириллаб ҳовлига отилди. Йигит стулга ўтириб, титроқ қўллари билан қизғин бошини маҳкам сиқди: «Нима бўлди ўзи? Қандай журъат этдим, хафа бўлмаганмикан яна?» Бироқ кўп ўтмасдан, Комила ясоғлиқ патнис кўтариб, яшнаган ҳолда кирди. Йигитнинг кўнгли тинчиди ва айбдорларча табассум билан қизга қаради.

— Марҳамат, — столга патнисни қўйиб, нон ушата 30 бошлади Комила.

Дастурхон устида колхознинг кундалик ишлари, қиёчинчиликларини бартараф этмоқ ҳақида яна сухбат қизиб кетди. Кейин қўшни колхозлардан бирининг раиси ҳақида — қўш хотинли, колхоз мулкини совурган ва шу кунларда фош этилган раис ҳақида гаплашишди.

— Обрўси бир тийин бўлди, — деди Ўктаам нафрят билан. — Ҳозир элнинг кўзига қарашга ботинмайди. Қўтири мушукдан ҳазар қилгандай одамлар унга ёндашмайди. Йўқ, ҳали иши тамом бўлган эмас. Қилғулигига 40 яраша жазони энди кўради.

— Баттар бўлсин! — деди Комила ижирғаниб.

— Халқ молини егандан кўра заҳар-зуққум е! — деди Ўқтам.— Йўқ, колхознинг тийинини ют, бир кун кўзингдан тешиб чиқади...

— Яна бир одатини жуда ёмон кўрардим,— деди Комила,— ўз колхозчилариға қўпол муомала қиласр эди. Ахир раис бўлсанг, элга ота бўл, оға бўл, колхозчиларнинг хурсандчилигига ҳам, қайғусига ҳам шерик бўл. Менимча, ҳамма бало шундаки, у жудаям кеккайиб кетган эди. Биласизми, мажлисларда мўйловига зеб бериб, на одамни, на гапни писанд қиласрди!

10 — Мирҳайдар отанинг бир гапи бор,— деди Ўқтам кулиб:— кеккайиш теракка ярашади, лекин одамга эмас...

Гап Мирҳайдар отага кўчди. Ўқтам унинг қизиқ гаплари, ўзига хос қилиқлари тўғрисида гапирди.

Севишганлар ўзларини минут сайин баҳтиёроқ се-
зар, ҳар қандай мавзу улар учун муҳим, гўзал ва қизиқ

туюлар, кўзларига шодлик тошар, гоҳ қўллари бирпас жипслалиб қолар, гоҳ эса бошлари бир-бирига секин-

20 гина тегиб кетар эди. Ниҳоят, Комила совиб қолган чойни патнисга тўкиб, Ўқтамга янги чой узатди-да, соатга кўз ташлади.

— Хўш, сизни ишдан қолдирдимми? — энтикиб кетди Ўқтам.

— Асло! Ўйламанг, мен анчайин...

— Мен кетмайман барибир,— кўзларини айёрча қисди Ўқтам.— Гапнинг рости, жуда соғиндим. Шу бугун кўзимга дала ҳам тор кўринди.

Комиланинг юзи ёниб кетди. Лекин йигитнинг самимий сўзларини ҳазилга йўйишга тиришиб, кўзларини ўйнатди, елкасини чиройли қисиб қўйди.

— Йўқ, Комилахон, энди бундай яшаб бўлмайди,— деди пешанасини қисиб, қизга хаёлчан термулиб Ўқтам.— Яхши, айтинг, ўртада нима монелик бор? Албатта, ҳамма гап юракда, юракка обдан қулоқ солинг... Ёки ўзингиз ҳазм қилолмасангиз, яқин кишиларингиз билан маслаҳатлашасизми?

40 — Ихтиёр ўзимда! — бошини жасур кўтариб деди Комила.— Бироқ қийин, жуда қийин... Тўғри, мен ҳам сизни ўйлайман, ўйлайман, менинг ҳам юрагим ҳовлиқади, лекин...

— Қани, шу «лекин»ни айтинг, тош бўлсаем чақиб кўрайлик,— сабрсизланиб деди Ўқтам. Шунда ҳовлидан

дўриллаган овоз эштилди: «Қомила опа!» Қомила дар-
ров ўрнидан туриб, очиқ деразага келди.

— Хўш, Турғунбой, нима гап?

— Идорада сизни ҳосилот чақиряпти. Яна бир чў-
пон ҳам кутяпти.

— Қел дастурхонга.

— Раҳмат.

— Қел, овқатлан,— қистади Қомила.

Зинадан гурсиллаган овоз эштилди. Эшикдан қам-
чинини елкасига қистирган, баланд бўйли, яғриндор, 10
каллахум йигитча кирди, полни қирсиллатиб юриб,
Ўқтам билан кўришида, стулга оғир ўтирди. Унинг
сариф тукли кенг юзи пахта гард-чангни билан қоплан-
ган эди.

— Энг азамат аравакашларимиздан,— таништириди
Қомила ва Турғунбойнинг олдига нон, узум ва болни
суриб қўйди.

— Бемалол сиз бораверинг, мен ҳам чиқаман,— де-
ди Ўқтам Қомилага.

— Палов еб кетасиз, ундақа шошма-шошар бўл-
манг,— деди қатъий товуш билан Қомила ва илдам чи-
қиб кетди.

Ўқтам дастурхонга унча парво қилмай, пиёлани куч-
ли бармоқлари учиди олифталарча тутиб, чойни оҳиста
ҳўплаётган йигитга зимдан диққат этди. Ёш аравакаш-
да ўзига келишган фуурурлик ва одамийлик сезилар
эди. Ўқтам уни гапга солди. От-улов ва пахта ташиш
ҳақида сўзлашдилар.

— Аравакашнинг иши осон, моторим — от,— деди
Турғунбой салмоқланиб.— Отга яхши парвариш қилин-
са, қатнов ҳам тезлашаверади. Ҳа, сиз қаердан? 30

— «Қаҳрамон»дан,— жавоб берди Ўқтам.

— Бир зумраша шоферингиз бор-а?

— Бор,— кулиб жавоб берди Ўқтам.

— У боланинг таъзирини бериб қўйинг,— деди қово-
гини солиб Турғунбой,— бўлмаса мен ўзим...

— Хўш, йигитча, қани, нима гуноҳи бор? Арпангиз-
ни хом ўрдими у?— қизиқсинди Ўқтам.

— Бундан ҳам баттар,— деди Турғунбой қаддини
ростлаб.— Ҳароми, нуқул бизга тегажайлик қиласида. 40
Машинани гоҳ олдиндан, гоҳ орқадан қаттиқ ҳайдаб
келиб, гупчакка тегизай-тегизай деб ўтади-да, жўрттага
шундай қиласи лаънати. Яна атайин чанг кўтаради. Яна

пахта пунктида ҳеч қандай очередга қарамайди, ғизиллатиб олдинга интилгани-интилган... Яна шундай маҳмадана. Вой қоранг ўчкур, маймунча.

Уктаам тиззасига уриб хахолади, кейин «шумтака» Эгамбердини койиб қўйишини айтди.

Турғунбой у-бу тўғрисида яна пича гаплашиб, тўсиндан ўрнидан турди ва хайрлашиб, гурс-гурс одим отиб эшикка чиқди.

Уктаам газета ўқишга бошлади. Ташқарида бирон товуш ёки одим эшитса, юраги ҳовлиқиб, очиқ деразага кўз ташлар эди: келмадимикан Комила? Ҳозир йигитнинг кўнгли тўла лим-лим нур эди. Гоҳ эса ўқий бошлаган мақолани охирга етказмоққа сабри чидамас — унинг бошини ширин, ёрқин хаёллар, ўйлар қоплар эди. Бироқ у бир оз замондан кейин бу масканни — унинг назарида дунёда энг гўзал бу уйни тарк этадими? Комилани кўрмасдан энди яшаши, ишлаши мумкинми? Бу ўй Уктаами ичдан хўрснтиради. Уктаам газетани варақлаб, аста ҳовлига тушди ва қайнаётган қозон олдида, супачада ўтириб, жуволдиз билан йиритиқ қоп-қанорларни тикаётган кампир қошига келди.

— Яшанг, тикишга чаққонсиз, она,— деди кулиб у.

— Кел, арслоним,— деди кампир, ичига ботган кичкина кўзлари билан йигитга бошдан-оёқ разм солиб.— Дала ишига ярамай қолдим. Эл қатори деҳқончилик қиласай дейман, ҳавас бор-ку, дармон йўқ, болам. Уйда зерикаман. Колхозга кетмон билан қарашолмасам, жилла қурса жуволдиз билан қарашай, дедим. «Ҳайт» деган түяга мадор. Қоп-қанор бутун бўлса, пахта нобуд бўлмайди. Ҳозир нима азиз — пахта азиз. Ҳамма ободончилик пахтадан, мана пахта орқасида ўзиёнар чироққаям етишдик. Кеч бўлди — ялт этади-ю, ҳамма ёқни кундуз қилиб юборади. Еруғлик сувдан чиқиб, симдан югуриб келармиш. Хеч ақлим бовар қилмайди. Сен кимсан, пахтакормисан? Қизим Комилаойнинг пахтаси нечук? Бу йил ҳам Москвадаги үруғларимизга сим қоқармикан? Ваъдасини бажарсинг. Москвага сим қоқсин, деб эрта-кеч дуо қиласман.

— Албатта, сим қоқади, кўнглингиз тинч бўлсин, аяжон,— деди Уктаам.

Кампир кўкимтир томирлар билан қопланган қаримсиқ, ориқ қўлларини тикишдан узмай, Комилага ақробалиги, яъни қизнинг бобоси унинг акаси экани ва бир

вақтги хотиралар ҳақида анча гапирди, ҳатто ўзининг бир замонлар вафот этган қайнота ва қайнанасининг баъзи феъл-авторлари тўғрисида қизиқ нарсалар айтиб, уларни аллақандай соғинч ва меҳр билан йўқлади. Ўктаам кампир сўзларини худди эртак тинглагандай қизиқсиниш билан тинглаб, кейин яна хонага кирди ва токчадаги ҳар нав китоблар, газеталар ва журналлар орасидан «Оғонёк»ни олиб, аста варақлай бошлади. Журналнинг бир бетини олган ажойиб манзарада — қуёш ва ҳаёт билан тўла пахта даласида, енглари билаккача 10 ҳимарилган, соchlари янги чуст дўппи теварагида чамбар атилган Комила ўзига хос камтарона ва чиройли ёш табассум билан қараб туар эди. Ўктаам ички ҳаяжон ва завқ билан расмга узоқ тикилди, кейин Комила ҳақидаги очеркни диққат билан ўқишга киришди.

Комила ҳосилот совети раиси билан транспортни куҷайтириш ҳақида маслаҳатлашди ва чорва учун қишики тайёрлик ҳақида ферма мудири ва бош чўпоннинг фикрларини ва қилган ишларини тинглаб, яна оқшом батафсил кенгашмоқчи бўлиб, идорадан чиққан ҳамон, 20 қаршидан теваракка аланглаб, аста юриб келаётган қизга кўзи тушди-ю, бир зум ҳанг-манг бўлиб қолди, кейин қичқириб югурди: «Зайнаб!»

Зайнаб ювошгина кулиб, қизариб, чамадончасини кўча ўртасига қўйди-да, дўстига қучоқ очди.

— Жонгинам, қайси шамол учирди сени. Яна бир қарай, Зайнабмисан, жоним! — қучоқлаб, ўпиб деди Комила ва уй ичларининг ҳол-аҳволини сўради.

Зайнаб институт студентлари терим учун Тошкент обlastига икки ҳафтага чиққанларини ва у эса теримни Комиланинг колхозида бажариш учун рухсат олганини энтика-энтика гапирди. 30

— Ростданми,вой менинг ботир пахтакорим-е.

— Ҳа, сен билан баслашмоқчиман,— деди Зайнаб қошларини ўйнатиб.— Кейин менга қофоз ёзиб берасан, тузукми?

— Бўйти. Эртадан бошлаб кундалик пахта топшириш нормамиз ҳам ошиб кетар экан-да,— ҳазиллашди Комила.— Ҳа, айтганча, нега сен телеграмм бермадинг? Узим кутиб олардим. Қийналмасдан келдингми? 40

— Ортиқча ташвиш бўлмасин, дедим. Станцияга тушдиму, пахта ташувчи аравалардан бирига ўтирдим. Донгдор қиз уйини топиш қийинми?

Комила чамадончани қўлга олиб, ўртоғини уй томон бошлади. Иккови ҳам қувончли ҳаяжондан дам қоқилиб, дам кўчанинг у ёғига, дам бу ёғига, ихтиёrsиз ра-вишда ўтишар эди. Ҳовлига кирганда Комила сирли бир нарсадан хабар бергандай, кўзларини маънодор қисиб, секин, товуш чиқармай юришни сўради ва ўзи ҳам оёқ учida хона томон юрди ва эшик очиб, Зайнабни олдин киргизди-да, орқадан қичқирди: «Мана бу ойимқизни танийсизми?..»

- 10 Ўктам журналдан бошини кўтариб, таажжуб билан ўрнидан сапчиб турди ва «Э-э-э...»дан бўлак сўз айтолмай, Зайнаб билан қадрдонларча кўришди. Комила Зайнабнинг қай мақсадда келганини дарҳол айтиб берди. Ўктам қувониб, Зайнабнинг қўлини қайтадан сиқди ва шундай қаттиқ сиқдики, «вой, у...» деб қичқирди.

— Амаким қалай, холам қалай?— сўради Ўктам.

— Соғ-саломат. Дадам сизни тез-тез ўйқлаб қўяди. Ойим бир неча кундан кейин Иваново шаҳрига жўнайди, у ернинг илфор тўқимачилари чақиришибди...

- 20 Ўктам журнални очиб, тантана билан Зайнабга кўрсатди. Зайнаб буни илгари кўрган эса-да, яна ҳавасланиб қаради ва ўртоғининг расмини мақтади.

Комила қизариб, журналга чанг солди, лекин Ўктам чаққонлик билан тортиб олди. Комила ранжиганнамо бир тур билан қараб, кейин «ҳа, сизними», дегандай бармоғини силкиб, ёлғондака дўқ қилди. Зайнаб сочиқ ва совун олиб, ювингали ташқари чиқди.

— Қандай баҳтли кун-а. Ўйламаганда дўстим кириб келди,— деди Комила Ўктамга.

- 30 — А, мен дўст эмасми?— сўради Ўктам ҳазилсимон кулги билан.

— Сиз? Дўст тутунмоқ ҳазилакам гап эмас,— деди Комила бошини маънодор тебратиб.— Агар бир-бири мизни ҳурмат қила билсак, қадрдон ҳам бўлиб қолармиз.

Ўктам бир зум ўйланиб, муносиб сўз қидирар экан, қиз қўшни хонага илдам кириб кетди. Йигит унинг сўзининг маъносини чақди. Комилага садоқат ва севгисини исбот этмаги кераклигини фаҳмлади.

- 40 Бир оздан кейин Комила лаган кўтариб, даҳлиздан ҳовлига ўтди. Ҳовлида қизларнинг шовқини, кулгиси ва кампирнинг дон сепмоқ учун «беҳ-беҳ» деб товуқларни чақиргани эшитилди. Сочлари силлиқ тараалган, юзлари

совуқ сувдан оқариб очилган ҳолда Зайнаб келди. Ўк-там ундан Тошкент янгиликлари тўғрисида суринтира бошлади. Кўп ўтмасдан, бир лаган паловни кўтариб, Комила кирди. Ўктаам ўз пичоги билан гўшт ва пўст-думбаларни чаққонлик билан тўғради. Ҳангама, кулги, ачиқ чой билан палов ҳам ейилди. Қовун ва тарвуздан кейин Ўктаам жўнашга рухсат сўраб, ўрнидан турди.

— Агар бизга меҳмон бўлмай жўнаб қолсангиз,— деди у Зайнабнинг қўлини одоб билан сиқиб,— қаттиқ хафа бўламан. Сизнинг шарофатингиз билан шояд Ко-милахон ҳам осто намизга қадам боссалар.

10

— Насиб бўлса,— деди Зайнаб ва зимдан Комилага қаради.

Ўктаамни Комила эшиккача кузатди ва жуда илиқ ва самими ҳаяжон билан хайрлашди-да, қандайдир ўқ-сизлангандай, бўшашиб қайтди ва Зайнабга ётиб ҳордиқ чиқариш кераклигини айтиб, каравотни кўрсатди ва ўзи дастурхонни нари-бери йиғиштириб, юмушга жўнамоққа шошилди. Бироқ Зайнаб чамадончани очиб, эски туфлисини ола бошлади.

20

— Наҳотки, талтайиб ётишга келган бўлсам!— деди Зайнаб эътиroz билдиргандай қошига келган Комилага.— Ҳорганим йўқ, уйқусиз тоқи санаб ётишни ёмон кўраман, ҳам қўлим ишга чанқоқ.

Зайнаб янгигина, йилтираган локли туфлисини ечди, қунт билан тозалаб, даҳлизнинг бир чеккасига қўйди-да, кейин оддий ип чулки ва эски туфлисини кийди. Бошига қизил рўмолчани худди ишчи аёлларникидай қилиб ўради. Кул ранг шерстъ демисезон пальтосини ечди-ю, нима кийишини билмай Комилага қаради. Уртоги кечга тоба далада совуқ бўлишини айтиб, нариги уйдан, сандиқ ичидан ўзининг хийла тўзиқ, лекин бут-бутун қора драп пальтосини олиб, қоқиб-суқиб кийдирди ва эски оқ чойшабни пахта териш учун фартук қилиб боғлатди.

30

— Мана энди ғирт теримчи қиз бўлдинг,— деди Комила ўртоғига бошдан-оёқ кўз югуртиб.

— Мени пахта қалинроқ жойга сол; ишим унсин. Яна колхозчилар орасида қизармайин...— деди Зайнаб.

40

Эшикдан чиққач, Комила шундай илдам юриб кетдики, Зайнаб қуваман деб ҳарсиллаб қолди. Тутзор орқасида этаги узоқ адирларга тақалган дала манзараси бирдан очилди. Зайнаб даланинг яхлит кенглигига, пах-

танинг бўлиқлигига таажжубланиб, нашъадан кўзлари жавдираб кетди. Терим авжда эди. Яқинроқдаги эрлар, аёллар тўсиндан пайдо бўлган қизни қизиқиш билан, хуш келибсиз, дегандай одамшаванда табассум билан қарши олдилар. Зайнаб алланечук қизарib кетди ва сенингина, «Ҳорманглар», деб қўйди. Кейин бирдан енгин шимариб, бир чеккадан термакка киришиди.

— Шунча пахтани қачон йиғиштириб оласан? — сўради Зайнаб.

10 — Қийин,— жавоб берди Қомила.— Лекин кўз қўрқоқ, қўл ботир, жоним. Бундан кўпроғини ҳам кўрганмиз. Қорда ҳам терганмиз. Ахир халқ бойлиги бу! Хўп, қани мен билан бир олишиб қара.

20 Қомила пахтани бир ҳаракат билан чаноқдан суғуриб олмоқни ўртоғига ўргатиб, ўзи ҳам ишга тушди. Зайнаб унинг қўллари ҳаракатига, чаққонлиги ва енгиллигига диққат билан қараб, унга тақлид этмакка уринди. Бироқ Қомила узоқ ишлай олмади. Турли масалаларни ҳал этмак учун уни ҳар ёқдан йўқлар эдилар. Қомила: «Кечқурун уйга қайт, дам ол, мен ҳам кечикмасман», деб Зайнабга тайинлади-да, шоша-пиша кетиб қолди.

20 Кузнинг сезиларли совуқ шамолига қарамай, Зайнабнинг пешанасидан тер юмалар эди. Гоҳо қаддин ростлаб, белини ушлар, силар, терган пахтаси кўзи оз кўриниб, яна илдамроқ ҳаракат қиласар эди. Қўп ўмасдан, Зайнаб колхозчилар билан апоқ-чапоқ бўлиб, иш орасида эски қадрдонлардек дилкашлиқ қила бошлиди. Кимдир унга чой тутди, кимдир уни қовунга таклиф этди. Дарров унга «доктор опа» ном ҳам қўйишиди. Баъзи йигитлар Зайнаб атрофида пахта теришга тиришиб, унга халқона, самимий назокат ифодалар эдилар. Зайнаб қизлик юраги билан буни сезиб, ичидан мамнун бўлди, лекин ҳаммаси билан ҳам бир хилда илиқ муносабатда бўлмоққа, бир хилда самимий муомала қилмоққа уринди. Далада кундуз сўнди. Ҳаво кескин совиди. Зайнаб энг кейинги колхозчилар билан бирга теримдан чиқди. Қомиланикига келгандা, кампир ўз бувисидек меҳрибонлик билан қаршилади.

40 — Анав янги чиққан чироқни ёқиб юбор, болам,— деди у ўтирган жойидан деворга ишорат қилиб.

— Ҳалигача ёқишини билмайсизми? — кулди Зайнаб.

— Қоронгида тұғмачасини пайпаслаб юраманми? Яна ўти тегиб кетмасын, деб құрқаман,— деди кампир.— Үзи жонни ҳузури әкан-ку, шундақанги қилиғи ҳам бор әкан...
— Қариганда жон шириң бўлади, денг, бувижон.
— О, умр ўтди-кетди оқар сувдай...— шикоятли овоз билан деди кампир.

Зайнаб уйнинг ва даҳлизнинг чироқларини ёқди, ке-йин бир чеккада ёстиққа суюниб, буқчайиб ўтирган кам-пирнинг қаршиисига ўтири. Кампир ажинлари орасида 10 милтираган кўзлари билан унга қайта-қайта тикилди. Қиз унга ёқди. Қичкинагина бурушиқли юзида мулойим табассум учди. Қозонда мастава тайёрлигини айтиб, унга сузуб келиш учун қўлларини ерга тираб ўрнидан қўзғалди у. Қомила келганда бирга ичаман, деб Зайнаб уни ўтқазиб қўйди. Икковлари жим-жим сұхбатга берилишди. Кампир қизнинг уй ичи аҳволи, ота-боболарининг касби-кори ва Тошкент ҳақида эзмалик билан суриштира бошлади. Ниҳоят, бошини ёстиққа қўйди-да, сўзлаб туриб, пиш-пиш ухлаб қолди у. Гўё ҳамма ёқ 20 бўйм-бўшдай туюлди Зайнабга. Ташқаридан шамол ғувилларди. Деразанинг бир тавақаси, худди бирор итаргандек, «тақ» этиб ёпилди. Зайнаб ҳовлига қаради— хирагина нурланган бўш ҳовлида дараҳтлар кўлкаси мавжланар эди. Қўчадан от түёқларининг нашъали то-вуши, араваларнинг ғижир ва гумбури, колхоз ёшларининг ашуаллари эшитилар эди. Қиз зерикеб, аста кўча-га чиқмоқчи, идора ва чойхона атрофида кезиб қайтмоқчи бўлди-ю, яна айнади. Чамадончадан Толстойнинг «Анна Каренина»сини олиб, ёстиққа тирсагини тираб, 30 жимгина ўқишига киришди. У шу топда ҳар нарсани унуган эди. Ҳатто қаердандир пайдо бўлиб, унинг қўйнига суқулган катта бароқ мушукка ҳам парво қилмади (у мушукларни ёқтирмас эди).

Комила бир хўрозда ўтгандан кейин, алла-паллада қайтди. Ўртоғи кўзларини ишқалаб, ҳомуза тортганини кўриб деди:

— Роса зерикдингми? Нега кинога чиқмадинг? Шундай клубда-я! Айтаман, деб унутибман. Майли, уч кундан кейин яна қўйилади.

— Сен кўрдингми?
— Ҳар кеча идорамиздаги томошани кўрсанг. Ҳи-соб-китоб, мажлис, танқид... Сельсоветдан келяпман.

Обком секретари мажлис ўтказди. Республикада терим масаласи ишкал. Бир оқшом аччиққина танқид ҳам едим. Бу етмагандай, қайтишда асов от нимадандир ҳуркиб, бир кўтариб ташлади — жарга қулашимга сал қолди.

Зайнаб «вой, ўлай» деб чўчиб энтикди ва ачиниб, дўстига тикилди. Комила ҳечқиси йўқ, дегандай қўлини силкиди-да, пальтосини ечиб, соchlарини тузатди. Қампир уйғониб, талмовсираб пойма-пой саволлар берди.

- 10 Қизлар кулишди. Кейин иккови ошхонага бориб, маставани илитишди. Овқатдан кейин ёнма-ён кўрпалар орасига киришгач, яна уйқу ва ҳорғинлик қочди. Анча вақтгача ивири-шивир суҳбатлашдилар. Зайнаб Ўқтамни мақтади ва уларнинг сиридан воқиф бўлганини айтди. Комила нечундир юрагини очгиси келмади.

— Биламан, яширасан,— деди Зайнаб.— Тошкентда уни муовиним деб таништирганмидинг?

Комила айборларча жимгина кулиб, индамади.

— У сени севади, сен ҳам...

- 20 — Қаердан билдинг. Мен эшикда юрганимда бир нима дедими сенга?

— Йўқ, севги китобларингни кўзларингдан уқиб олган эдим, биринчи учрашишдаёқ. Ойим ҳам сезибди. Кейин менга булар ошиқ-маъшуққа ўхшайди, деди.

— Тўқимачи бўлибсан-да,— деди Комила.

— Аҳа. Ойни этак билан ёпмоқчимисан? Бугун журналдаги расминнга шайдойи ошиқдай тикила-тикила беихтиёр хўрсиниб қўйди, кейин журнални газетага авайлаб ўраб, кители ичига, кўкрагига яширди, мен разм 30 солганимни сезиб, бечора қизариб кетди. Кейин, айтманг, дегандай кўзини қисиб қўйди. Энди нима дейсан?

Комила қўлларини бош остига қўйиб, анча вақт жим ётди, ичидан келган тўлқин билан узун нафас олди-да, ўз-ўзи билан сўзлашгандай, деди:

— Ҳайронман, нима қилишимни билмайман. Севги ҳам менга бир ташвиш бўлди. Бошимда бутун бир колхоз. Уни муттасил илгарига суриш керак. Колхоз ўсган сайин янги ишлар, янги масалалар келиб чиқади — бири-биридан катта, бири-биридан муҳим ва бири-биридан 40 чиройли. Ҳозирги муваффақиятларимиз колхозда яширинган имкониятларга қараганда хамир учидан патирдай бўлиб кўринади. Ҳаётни гуллатиш учун имкон бешад, фақат гайрат ва уқув керак. Қай томонга қара-

40

санг, ижод булоғи бор. Лекин бу булоқнинг кўзини очиш, ҳаётга оқизиши керак. Аҳвол шундай экан, яна бир ёқдан севги... Дам кўнглим унга қушдай учади, дам яна чўчинқирайман. Тўғри, Ўқтам менга ёқади. Бироқ ҳаммадан бурун одамнинг ичи керак. Унинг юрагида ҳаётда олдинга интилиш учун бўлган ғайрат, ҳавас керак... Севгининг ярқироқ баҳорини эмас, унинг ёзи, кузини ҳам ўйлаш лозим.

— Жуда муҳим нарса бу... Мен ўзим ҳам кўп ўйлайман,— деди Зайнаб ўртоғининг майин сочини қўли билан аста силаб.— Ҳамма гап оиланинг мустаҳкамлигига, ишонч ва садоқатда, ҳаётда бирга, қўлга-қўл бериб одим босишида. Шу нарса борми, ижтимоий ҳаётда истаганингча қатнашиб, айни вақтда «Қаҳрамон она» ҳам бўлишинг мумкин... Оиласда ҳам бахтинг баҳордай очилишини тилайман. Албатта, бу ишда тўйдан олдин ўйлаш керак. Лекин ҳар ҳолда Ўқтам яхши характерга эга бир йигитдек кўринади...

Зайнабнинг кейинги сўзи Комиланинг қандайдир гу-
монларини тутундай таратиб юборди, Ўқтам билан қандай-
танишганини ва ўша ондаёқ йигитнинг истараси
жаз этиб юракка теккани ва шундан буён уни тез-тез
кўргиси келгани, ҳатто иши зиқ пайтларда гоҳо хаёли
у билан банд бўлиши ҳақида ҳаяжон билан гапирди ва,
ниҳоят, эрталаб барвақт уйғотишни, уйқуни уриб, энди
йўталиб, безовта ётган кампирдан сўради.

Ўқтам мажлисдан уйга кеч қайтди. Онасининг у-бу
тўғридаги гапларига қулоқ солгиси келмай, каравотга
ёнбошлаб, журнални чироққа тутди-да, Комилага узоқ
тиклиди. Шундай қизни севгани ва севилгани учун у ўз 30
юрагида йигитлик фурури сезди. Ҳатто кампирга: «Ке-
лининг мана бу паризод, «кўрмана»сини чўзиб қўй!»
деб қиз суратини кўрсатмоқчи ҳам бўлди-ю, яна айни-
ди ва хўрсиниб, ўз-ўзига деди ичидан: «Ҳали... лекин
бор!» Қизни ташвишга солган қийинчиликлар нима бў-
лиши мумкинлиги тўғрисида йигит узоқ бош қотирди,
лекин гумонлари, тахминлари уни асло қаноатланти-
мади...

Эртаси Ўқтам теримга келган шаҳарликларни бри-
гадаларга тақсимлаб, тушга яқин «Элобод»га дала йў- 40
ли билан пиёда жўнади. Бироқ йўлда неча топқир ай-

ниди, ниҳоят, нима деб бораман, деб қўлини силкидида, юмушларга берилиб кетди. Аммо кечқурун яна кўнгли безовта бўлди. У Собирнинг йўлини тўсиб, уни велосипеддан туширди-да, ўзи минди-ю, «Элобод» сари юмшоқ тупроқда физиллаб учди. Собир ҳазиллашиб орқадан ҳайқирди: «Ушла ўғрини!»

Ўктаам Истироҳат боғи олдида Қомилага дуч келди, велосипеддан сакраб тушиб, қизнинг қўлини каттиқ қисди. Қомила уни кутмаган эди. Ҳаяжондан, шодликдан

10 туси ўзгариб кетди. Лекин дарров ўзини тутиб олди ва бирон юмуши бўлса керак, деб ўйлади-да, диққат ва қизиқиш билан йигитни тингламоқчи бўлди. Ўктаам пешанасидан терни артиб, нима дейишни билмай, бирпас ўнғайсизланди, кейин кулиб деди:

— Иш баҳона, дийдор ғанимат... Қалай, Зайнабхонни теримда синадингизми?

— Бало у, бало...

Ўктаам велосипедни эшикда қолдириб, қиз орқасидан боққа кирди. Шомги шуълаларда, дараҳтларнинг олтин

20 барглари оловдай ёлқинланарди. Қимсасиз хиёбонда гилам-гилам баргларда бир оз юргандан кейин Қомила бирдан журнални сўради. Ўктаам кулиб, ҳеч нарса кўрмадим, дегандай бошини тебратди.

— Ўзи атиги бир нусха... Бу қандай инсофсизлик!—
койинди Қомила.

Юрагини тўлдирган ҳисларни баён қилмоқ учун Ўктаамга бу бир баҳона бўлди:

— Сира ташвишланманг, жоним, сурат ўз эгасида,—
деди Ўктаам ғуурланиб.

30 — Оҳо, ўз эгасида эмиш,— қошларини киноя билан чимирди Қомила.

— Хўп, дўстида, ўртоғида...— деди қизнинг кўзларига тикилиб Ўктаам.— Бутун кеча суратингизга қарадим, орадаги сиз айтган қийинликни сўрадим, бироқ жавоб ололмадим. Мана, Қомилахон, хуноб бўлиб, қошингизга келдим. Айтинг, ўртада қандай мушкулот бор?

Қомила боши узра осилган новдаларни ўйнаб, хийла вақт индамасдан кетди. Ўктаам ўз дилида, жуда оғир, жуда нозик масала экан-да, деб ўйлади ва юраги зир-40 қираб, бирпасда вужуди бўшашиб кетди.

— Ҳақиқатан, бир нима дейишга қийналаман,— деди Қомила ялт этиб қараб,— ахир, ўйлаб кўринг бир минут... Мен қандай қилиб рухсат бераман?

— Тушунмадим, Комилахон, нимаси қийин. Бу ҳамма қизларнинг бошида бор. Тақдир деймизми буни...

— Тұғри, бундай қарашда, жуда осон, жуда оддий нарса,— деди ўйланиб Комила,— түй қиласыз, мен сизнинг қишлоққа келин бўлиб бораман. Худди эртакдагидай, ошиқ-маъшуқлар мурод-мақсадларига етадилар! Шундай эмасми?

— Гапнинг лўндаси шу. Хўш?— илжайди Ўкта.

— Колхозим? Курилиш ва ободончилик планларим? Албатта, мендан кўра ақллироқ, ишбилармонроқ, пухтароқ раисни топиш қийин эмас. Лекин ҳар ҳолда, озмикўпми бу ерда тер тўқдим, яратиш бобида яна қанча орзуларим бор. Халқ мени ўз қизидек кўради.

Ўкта индамасдан, бошини минут сайн қўйироқ эгган ҳолда одим отар, гоҳ ўзича нималарнидир шивирлаб қўяр эди. Комила зимдан йигитга қараб-қараб, кўнгли бузилар эди. Улар эринчоқ оққан, шишадай тиниқ сув бўйида тўхташди.

— Сўлим ариқ экан,— деди Ўкта бое ичиди, узоқларда ғойиб бўлган сув лентасига тикилиб, кейин маънодор илжайиб давом этди сўзида.— Биламан, бу жойларни ташлаб кетиш қийин. Қанча меҳнат сарф килгансиз, Комилахон. Мана бу янги ариқнинг меҳнатиёқ бир умрга татииди.

— Бас, Ўкта ака, энди мени масхара қилаверарсиз,— деди Комила қошини чимириб,— барини халқ баражган. Сиз мени тушунмабсиз. Қани, юринг, уйга борамиз, Зайнаб ҳам даладан қайтгандир.

— Тушунаман, сизга осон эмас. Лекин орзу, ғайрат бўлса, ҳар ерда тоғ-тоғ иш. Қаҳрамонлик учун бизнинг 30 қишлоқ ҳам чакана ер эмас.

Севишганлар ўзаро қизғин баҳслашиб, яна хиёбон бўйлаб қайтдилар. Ўкта узр сўраб, қизнинг уйига боришига унамади. Ҳозир унинг кўнгли ғаш, хотири паришон эди. Зайнабга салом айтиб, йигит велосипедга минди. Комила алланечук ўксисиб, бармоғини тишлиб қолди.

Ўкта тўппа-тўғри Собирнинг уйига келди. Дўсти хурсанд қарши олди:

— «Элобод»га борганимидинг? Тез қайтдинг, жононинг йўқ эканми? Ҳечқиси йўқ, колхозчилик. Қани ўтириб ёққа, пича отамлашайлик. Қизлар билан теримда тенглашаман деб, бугун роса чарчадим.

Ўқтам айвоннинг устунига суюниб, оёқларини узатди ва Собирдан папирос сўради. Кампир чироқ ёқди. Кейин ўғлининг олдига катта чойнакда чой қўйиб, ўзи сигир-бузоқларга қарагани кетди.

— Кайфинг жойида эмас? Яна нима ташвиш? — қўлини силкиди Собир.

Ўқтам дам папирос тортиб, дам чойдан ҳўплаб, бутун гапни айтиб берди. Собир калласини кексаларча тебратиб, хийла вақт лабини тишлаб қолди.

10 — Комиланинг фуурии баланд экан? — ниҳоят, тиззасига урди Собир. — Ў-ҳўй, тилла қиз! Уйингга келин бўлиб келишдан уялар эмиш? Аҳ, замонанинг қизлари...

— Гап шундай, Собир полвои, нима қилай, не маслаҳат берасан?

— Комиланинг муддаоси менга дарров аён бўлди, — деди Собир мўйлов учидаги кулиб. — У сени қўлига қўндиromoқчи. Майли, агар хотинчалишлардан бўлсанг, биз сени келин қилиб «Элобод»га узатамиш.

20 Ўқтамга дўстининг сўзи қаттиқ таъсир қилди, у бирдан қизариб кетди:

— Бас, менда ҳам ор-номус бор! — қичқирди Ўқтам. Орага бирпас жимжитлик чўкди. Кейин Собир бирдан енгилланиб деди:

— Шошма, орага раисни қўйсак, нима дейсан. Сенга маълум, Мирҳайдар ота кишини сўз билан эритишда бемисл. Комиланг ҳар қанча ўжар бўлмасин, раис дарров қўлга олади уни.

Ўқтам қўлини бепарво силкиди-да, ўрнидан қўзғалди:

30 — Юр, мажлисга.

Собир баҳона топишни истаса ҳам, лекин шу топда ботинолмай, этигини илдам кия бошлади.

XXIV

Ботаётган қуёш дала ёқалаб ўсган дарахтларнинг олтин ҳашамини кўз қамаштиргич майин қизил-сариқ оловга чулғаган эди. Фарғонадан ёрдамга келган студентлар ва хизматчилар гармонъ чалиб, русча, ўзбекча қўшиқларни янгратиб, ётоқларига аста қайта бошлаган эдилар.

40 Тансиқ ва ўртоқлари кун қорайгунча ҳарна териб қолганимиз ғанимат, деб ишдан қўл узмас эдилар. Юз

центнерчилар звеноси, бошқа ҳамма звенолар каби, эллик кундан буён тинмасдан терар эди, терим суръатида бутун колхоз бўйича ёлғиз Ўсаржон Султонов ва Собир Эрматов звенолари каби теримкаш звенолар қаторида эди. Ҳосилда эса қизлар ҳаммадан олдин эдилар. Бугунги пахта билан етмиш олти центнер бўлишини мўлжаллади Тансиқ. Бу колхозда гектардан шунча ҳосил олмоққа шу топгача ҳеч қандай звено мұяссар бўлмаганди. Далада очилган ва ҳали очилмаган ҳосил мўл. Бугун терилган жойлар эрта-индин яна оппоқ бўлиб 10 қолади. Кеча раис далага диққат билан тикилиб, таажжубланиб деди:

— Қизалоқларим, қўлларинг нуқул барака экан. Бундақанг ҳосилни ким кўрибди. Мен бурун чамалаб кўриб, қизлар нариси билан саксон центнердан пахта кўтарар, деб ўйловдим. Йўқ, хато қилибман, юзга еткизасанлар. Яшанглар, қизларим, яхши ишладиларинг. Ер — ҳосилни онаси бўлади, отаси — меҳнат, парвариш тажрибадир. Тансиқ, китобнинг фазилатини кўрдингми. Ўқийвер, ой кулчам, энди деҳқончилик илм ва китоб 20 даврига ўтаяпти. Вақтида илм гардидан баҳраманд бўлолмадим, аммо уни не улуғ куч эканини чизи пайқайман...

Тансиқ бугун бир оз кескинлашган кечки изғириндан жунжиб, жомакор камзулининг ёқасини тугмалади-да, ўртоқларини қидириб кўз югуртди. Ҳакима ва Дилшод пахтани сушилкага элтиш учун қопларга жойламоқда эдилар. Даланинг этагида пахта тераётган Анзират билан Анорхоннинг сариқ ва кўк рўймолларигина шом қорасида шарпадай милтилларди. Қалпоғини қийшиқ қўндириб, қаердандир Ўсаржон Султонов пайдо бўлди. 30

— Э... комсомолка юзчиларим,— деди у Тансиқقا дала четида туриб,— нима қилай, ёруғингни аяма деб қуёшни қулоғидан чўзиб, уфқа осайними?

— Кошкийди, тераверардик,— деди Тансиқ йигит томон юриб.— Қуёш ҳам шошқалоқ бўлиб қолди — тандасини дарров йиғишириб олади. Ҳа, қутлаймиз, ваъдангизни бажарибсиз. Қанчадан, олтмиш центнерданми?

— Ҳа, яна саккизтадан беришга сўз бердик.

— Қўпроқ ҳам берасиз. Ҳосил бор сизда ҳали.

— Э...— деди қўлини силтаб Ўсаржон,— мақтанишга арзимайди бу. Мен сизлар билан фахрланаман: юз центнерчилар звеносининг бари — комсомоллар. 40

— Келар йил юздан ҳам оширамиз,— деди Тансиқ ишонч билан. Ўсар елкасини камтарона қисиб, кулиб қўйди. Тансиқ пахта сийраклашган сайин терим оғирлашганини, ўз хавфсирашларини айтиб, деди:

— Ваъдамиз ҳали осмонда, Ўсаржон ака. Бундан буён бир процент бажариш ҳазилакам гап эмас. Яна обҳаво дўқи, ахир қиши қиличини сугурадиган вақт келяпти.

10 — Ишни обҳаво чалкаш қилмаса бас,— деди Ўсаржон.— Борди-ю, чалкаш қилди, шунда ҳам тап тортмаймиз, билиб қўйинг, Тансиқ. Фақат суръатни қўлдан бермаслик керак. Оғир пайтда биз ўзимиз кўмак берамиз, ҳа-ҳа, деб сурон билан бир ёпириламиз...

Ўсаржон худди бургут қанотларини қоққандай қулоч ёйиб, дала томон шундай бир ҳаракат қилди, қиз ихтиёrsиз равишда жаранглаб кулди. Узоқдан «Ҳа, нима гап ўзи?» деб Анорхон келди. Унинг юзи изғириндан қизарип гўзал йилтирас эди. Бирпас ҳангама қилишгандан кейин Анорхон ҳозир район марказига, опасиникига тушиб чиқиши кераклигини Тансиққа билдириб, уйга ошиқди.

— Колинг, Анорхон, бу кеча студент Ершов шоир Маяковский тўғрисида доклад қиласди. Сўзни қияди-да. Ҳар хил ҳаракатлар билан ҳеч қулоққа чатилмаган қийин сўзларнинг маъносини дарров миянгга қўйиб қўяди.

— Анов уста теримчи Ершовми?— шошиб сўради Анорхон.

30 — Ӯша, кечқурунлари гулхан олдида ҳам китобдан бош кўтармайдиган йигит,— жавоб берди Тансиқ.

— Ҳа, мен билан жуда қалин у,— деди илжайиб Анорхон.— Эртага ёлғиз ўзимга докладини айтиб беради. Мен кетдим.

— Эрта билан шу ерда бўл, салом айт Ҳабиба опамга,— Анорхон орқасидан қичқирди Тансиқ.

Дилшод ва Анзират ҳам даладан чиқишиди. Анзират ҳар вактдагидай тортиниб, анча нарида ерга қараб тўхтади. Ҳакима дарахтга суюб қўйган яп-янги йилтироқ велосипедига чаққон миниб, болаларча гердайиб, жин-40 фирлата-жинфиrlата тез ҳайдаб кетди. Ўсаржон Тансиққа кўзини қисиб қўйиб, кейин Анзиратга мурожаат этди.

— Агар бу кеча концерт берсан, биринчи галда сизни ўйинга соламан, Анзиратхон. Нима дейсиз? Қачон-

гача бир чеккада мўралаб ўтирасиз? Ҳатто чапак ҳам чалмайсиз-а?

— Вой, ўлай, шарманда қилмоқчимисиз? Кошки умримда қўлимни кўтарган бўлсан,— деди Анзират терс қараб.

— Ўйинга уста, бироқ ёлғиз ўзи ойна олдида ўйинга тушади,— қичқирди Тансиқ.

— Вайсама, ҳаммани ўзингга ўхшаш тақиллаган-қақиллаган деб билаверма,— деди Анзират аччиғланиб.

— Хўп, ўйин масаласи ҳазил. Лекин мажлисларда 10 чурқ этмай ўтиришларига чидаб бўлмайди. Донгдор стахановчи яна,— деди Ўсаржон.

— Сўзлайман, лекин билиб қўйингки, аввал ўзингни танқид қиласман,— деди Анзират.

— Жуда соз,— қичқирди Ўсаржон.— Сўзнинг қаймоғи — танқид.

— Қай камчиликларини танқид қиласиз, Анзират опа?— сўради Дишод.

— Биламан-да... Тунов куни маст бўлиб юрган эканлар... 20

Қизлар хахолашиб кулишди: Ўсаржон қизариб, айборларча пешанасига шартта уриб қўйди. Кейин ҳаммалари шод ва иноқ ҳолда дала шийпони томон юришди.

Анорхон югуриб уйга келди-ю, нарн-бери кийинди: бола-чақа, сигир-бузоқ ва яллиғланган тандир орасида елиб-юрган онанинг сўзларини ва топшириқларини сабрсизлик билан тинглади-да, бир тугун совғани қўлтиқлаб, эшикка отилди. Катта йўлнинг бурилишида турган грузовойга етай деганда, у бирдан гумбурлаб юриб 30 кетди. Анорхон ичиди кимнидир қарғаб қўйди-да, йўл четига ўтиб, қорайган, сокит йўлга кўзларини жавдирашиб тикилди. Бир оздан кейин қайтмоқчи ҳам бўлди, лекин опасининг ой-куни яқинлигидан яна боргиси келди. Ҳайтовур, кўп ўтмай, қаршидан, юмшоқ дала йўлидан фичирлаб қўқон арава чиқди. Анорхон югуриб, отда букчайиб ўтирган аравакашга қаради-да, бирдан шўх товуш билан қичқирди:

— Ҳасанбой, тўхта, мени олиб кет. Пунктга борсанми ахир?

— Қизлар оғир бўлади, отга жабр,— деди ўспирин аравакаш ҳазиллашиб. 40

- Ҳа, сенга ҳам мартаба тегибди. Қечагина бурнингни тортиб юрардинг,— деди Анорхон бўш келмасдан.
- Тилларинг бир қарич, юз центнерчи,— деди отни тўхтатиб.— Қелар йил звено тузиб, шундай ҳосил олайки, ванг бўлиб қолларинг. Ҳа, звенога биттаям хотинқиз аралаштирумайман — иш бесифат бўлади.
- Анорхон кегайларга тирмашиб, бирпаста аравага чиқди-да, пахта тиқилган юмшоқ қанорларга ёнбошлаб 10 олди ва кесатиқли товуш билан деди:
- Мақтандама фоз, ҳунаринг оз, «чув» де отингни.
- Ҳасанбой отни қамчилади-да, эгарда қийшайиб, орқага, баланд юк устидаги қизга қаради.
- Ҳа, кеккайма, яқинда агротехника курсига кетаман. Машина замонида арава судрайдиган хом калла деб ўйлайсанми мени. Қани, биласанми, Вильямс ким? Докучаев ким? А, Мичуринни эшитганмисан?
- Мичурин пахта эккан эмас,— деди зарда билан Анорхон.
- 20 — Хо-хо,— Ҳасанбой отдан йиқилгудай тебраниб ва қамчи билан ўз орқасини савалаб, узоқ кулди.— Биласанми, Мичурин ким? Тўғри, пахта экмаган. Лекин ҳамма гап унинг бутун умр қилган тажрибасида. Унинг ўйли керак бизга. Э, пахтакор парилар.
- Анорхонга унинг сўзлари қаттиқ тегди. Уни тил билан узиб-узиб олгиси келди-ю, яна ўзини тийди ва ичиде «бало экан-ку бу қурфур», деб қўйди. Қоронфилик қуюқлашган, жимжит далада изғирин эсади, йўл четидаги дарахтларнинг япроқларини шалдиратиб учиради.
- 30 Олислардан гулханларнинг жонли, кўркам олови юксалиди. Анорхон жунжикди, қанорлар орасига чуқурроқ ўрнашишга тиришди. Арава муттасил ғижирлаб, енгил совуқ ва нам тўёzon кўтариб қалдирайди. Ҳасанбой аравакашона лоқайдлик билан хиргойи қилади. Бироқ енгил, шўх қўшиқни бошлайди-ю, тугатмасдан бирдан катта ашулага ўтади. Барибир шу топда унинг сал бўғиқ товуши Анорхонга ёқади, ичиде ўзи ҳам унга жўр бўлади. «Қаҳрамон» колхозининг чегараси битаёзганда, қиз бирдан таниш товуш эшитди, юраги ҳовлиқиб кетди.
- 40 — Иўл бўлсин, Ҳасан тўполон? Ҳа, бу ким?— қичқирди Собир Эрматов.
- Арзанда опам Анорхон...— хоҳламайқираб жавоб берди аравакаш.

Анорхон индамасдан қоронгилиққа тикилди. Собир орқада йўл устида тик туриб қолган эди. Унинг ҳазиллашиб бирон сўз айтмаганига қиз хурсанд бўлди, лекин шу билан баробар кутилмаган бепарволигига ўқинди ҳам. Шу аснода дала йўлидан чанг ва сурон билан пахта карвони чиқиб, катта йўлга қуюлди. Анорхон пишқирган отларга, машиналарнинг олов кўзларига қараб, аста тебраниб бораркан, ногоҳ чўчиб тушди.

— Вой, ким бу? Тушинг, Собир ака,— деди шивирлаб, типирчиниб.

Собир унинг ёнгинасига чўзилиб, ҳаяжондан қаттиқ ҳансиради.

— Билиб қолади, қандай ўжар одамсиз!— деди қиз куйиниб, уҳ тортиб.

— Бирга саёҳат қиласиз. Қаерга кетяпсиз зимзиё кечада?

Анорхон ранжиган, лекин нозли бир товуш билан жавоб берди.

— Жуда яхши,— деди Собир энди нафасини ростлаб.— Қайнэгачим ва божам билан танишиб келар 20 эканман.

— Ҳо, кўнглингиз нималарни тусамайди? Ўзлари ҳам оёқларингизга пояндоz солиб, кутиб олишса керак...

— Ҳўщ, мен арзимайманми? Танийман, райшёлк бошлиғи божам жуда тантি йигит,— деди Собир, кейин қизга яқин сурилди-да, қўлини унинг бақувват тирсиллаган белидан ўтқазиб тортди. Анорхон дастлаб қаршилик кўрсатишга тиришиб типирчиланди. Бироқ йигитнинг кучли қўлини айиролмади, қанорлар орасига чуқур ўрнашиб олгани учун, ундан нарироқ силжишга илож 30 ҳам йўқ эди. Бир оздан кейин унинг қўллари ихтиёrsиз равишда йигитнинг пешанасини силай бошлади. Машина ва тележкалар шовқини узоқлашди. Орқада аравалар фижирлар, отлар ҳорғин пишқирар эди.

— Анорхон, айтмадимми, қизлар оғир бўлади деб,— бирдан қичқирди Ҳасанбой ҳазил ва дўқ аралаш бир оҳангда — қиз эмас, бир ботмон қўроғшин экансан.

Собир оғзини қўли билан маҳкам қоплаб, ичида ҳиринглади.

— Алжирама, қушдай енгилман,— қичқирди атайнин 40 жаҳл билан Анорхон.

— Отни белиниузай дейди-ку, яна қушдай эмиш-а.

10

- Айб ўзингда, отга яхши қарамайсан,— деди Анорхон қулиб.
- Яна танқид қилади-я, зил-зам бил. Сен олдин Вильямсни ўрган...
- Хасанбой яна ўзининг пойма-пой ашуласини бошлади. Анорхон билан Собир юмшоқ ва илиқ қанорлар орасига ялакат мағиздай ўрнашиб олиб, ширингина суҳбатлашар эдилар. Йигит фронтда бахт ҳақида сурган хаёлларини кўра бошлаганини ўзига хос соддалик билан сўзлар эди. Қиз эса берилиб тинглар, ўзининг ҳеч кимга айтмаган орзуларини баъзан беихтиёр айтиб юборар эди. Ҳозир на чанг, на қулоқ йиртар «ғиж-ғиж», на юлдуз чамани уларнинг диққатини жалб этарди.
- Йўл бирдан чарақлаб кетди. Собир бошини кўтариб, «Оқ олтин» колхози деди. Колхознинг чойхонаси, клуби, идорасидан электр нурлари мавж уради. Дараҳтларнинг сап-сариқ алансаси остида байрамдагидек шодлик қайнар, ҳавода палов иси анқир эди.
- Планни бажарибди шекилли,— деди Собир Анорхонни тутиб.— Зиёфатга тушмаймизми? Районда биринчи бўлиб бажарди, дастурхониям тўкис бўлса керак.
- Ўзимизда ҳам байрам бўлиб қолар,— деди Анорхон.
- Ҳаммадан чироғига қойилман,— деди Собир,— юлдуздай ёйиб ташлашибди ҳамма ёққа... Ўқтамжон станция қураман, деб бир қайнади-ю, яна жим бўлиб қолди. Никоҳ тўйимизни чароғон қилсак, деган орзум бор эди...
- Аҳ, яна тўй. Бошқа гап қуриб қолганми?— бўғи-либ шивирлади Анорхон ва йигитнинг юзини чимчилади.
- Аchanлизга ястиқ бўлармидингиз, жонидан,— деди Собир қулиб.— Майли терим тугасин, тўйни бошлаймиз, жоним. План бажарилса, дастурхон мўл, ёру биродарлар қалин бўлса, тўй сурони кўкка етаверади, ни-ма дейсиз?
- Тегмайман, тегмайман,— деди Анорхон йигитнинг қитиғига тегмак учун аразлаган товуш билан.
- Собир бунга жавобан қизни яна маҳкамроқ қучоқлади. Район марказига яқинлашганда, Анорхон Ҳасанбойга қичқириб, аравани тўхтатди-да, Собир билан хайрлашиб, хўрсиниб-хўрсиниб, аравадан ўзини пастга отди. Бир оздан кейин, арава пахта пункти томон қай-

рилар экан. Собир секингина аравадан тушди ва олдинга ўтиб, Ҳасанбойга қичқириди:

— Юкни тезроқ ташлаб чиқ, бирга кетамиз.

— Ҳов, қайдан пайдо бўлиб қолдингиз?— таажжубланиб сўради Ҳасанбой.

— Аллақачондан бери сени кутаман бу ерда. Машинага йўл нима,— жиддий тусда деди Собир, кейин кула-кула йўлакка ўтди ва чойхоналардан бирига кирди. Бу ерда Эгамберди бир тўда рус ва ўзбек шофёрларга карта ўйини — фокус кўрсатмоқда эди. Собир орқадан бо-риб, унинг тепасида қаққайди: Эгамберди эски кир картани фавқулодда илдамлик билан гиламга ёйиб ташлаб, ўртоқлари яширган карталарни бир-бир топиб, одамларни таажжублантирар эди. Собир унинг қошларига тушган сочидан аста тортиди. Ёш шофёр кўзларини юқорига тикиб, Собирнинг қорнига мушт солди.

— Муштинг қурғур болғачадай-а,— шофёрнинг сочини яна бир зум қаттиқроқ тортиб, кейин қўйиб юборди Собир.— Қани, найрангбоз, кетайлик.

— Ўқтам ака райкомда, мажлисдан чиқсин у...— де-ди Эгамберди ва бошқа бир ўйинни кўрсатишга киришди.

Собир дўстини кутмоқчи бўлди, ташқарига чиқди, кабоб буюрди-да, қайтиб бир чеккада чордана қурди. Йигитнинг юраги севги нашъаси билан лиммо-лим эди. У ўз хаёлида ҳали ҳам қиз билан суҳбатни давом этти-рар эди. Қабобпаз баррадай нон бетига жизиллаган аллақанча сихларни қалаб, пиёз ва гаримдори билан қўйиб кетди. Собир шофёрни чақириди:

— Найрангбоз, бу ёққа кел.

Эгамберди бир сих кабобни олди, лабларини куйди-риб оёқ устида турган ҳолда тез-тез чайнади.

— Полвон ака, фириллаб бориб «яримта»ни олиб келайми? Изғирин аччиқ,— деди ола кўзларини айёрча ўйнатиб шофёр.

— Кейин машинани жарга ағдар,— хўмрайиб деди Собир.

— Эҳе. Бир қултумдан гандираклайдиган сиз у.

— Рост айт, налево қилиб турасанми?— сўради Собир.

— Асло,— жавоб берди Эгамберди.— Лекин йўлда қўл кўтарган одамларни бўш машинага ўтқазмаслик инсофдан эмас. Айниқса қари-қартангларга раҳмим ке-

10

30

40

лади. Қейин хўш, дўндиқина қизчаларнинг ҳам сўзини қайтаролмайман. Ҳалол иш деб буни айтадилар, акажон.

Кабобдан кейин чой чақиришди. Собир зерикиб, у-бу тўғрида Эгамбердини гапга солди ва унинг Тошкентдан биратўла кўчиб келиши кераклигини айтди.

— Қараймиз, колхоз менга ёқди,— деди Эгамберди сочини тараб.— Бироқ бир планим бор-да.

— Қани, эшитайлик,— қизиқсинди Собир.

10 — Авиацияга кирмоқчийдим, ҳарбий авиацияга,— деди Эгамберди гердайиб...— Ўйланг, истребителда учиш кайф эмасми... Ҳали дунёда Черчилль бор, буни унутманг сира...

— Ҳа, иккинчи фронтни киссасида яшириб келган ўғрими?— жаҳлдан хириллаб қўйди Собир.

— Худди ўша,— деди Эгамберди,— Англияда, Америкада у билан оғиз-бурун ўпишган қанча одамхўрлар бор. Шунинг учун лётчик-истребитель бўлиб олсан, бир кунмас-бир кун ишга яраб қоларман. Дадам, эсимда бор, катта бўлганингда лётчик бўл, дерди, варрак учрма, планер яса, дерди. Сталинград жангларида ҳалок бўлди бояқиш. Лекин мардчасига урушган. Ёлғиз ўзи бир човут солганда автоматдан отиб, ўн беш немисни қонга белаган: яна бир кун бир қанча немисни тўрт қаватли бинодан кўчага улоқтириб чилпарчин қилган. Да-дамнинг қандай жанг қилгани, қандай ҳалок бўлганини командири капитан Александр Васильков ойимга ёзган хатида жуда аниқ, жуда тўла айтиб берган. Бу хатни ойнали рамкага солиб, уй деворига осиб қўйганман. Бу 30 хат бутун авлодимизга сабоқ бўлади...

Собирга ёш шофёр — «шумтака»нинг сўзлари қаттиқ таъсир қилди, ўз укасидек кўриб, ёрдам қилгуси келди, унинг лётчик бўлиш ҳавасини ғоят маъқул топиб, бу касбга қизиқтириди:— Уч осмонга, лочиним, биздан Чкалов етишсин,— деди руҳланиб у. Эгамберди ҳам шавқланиб кетди. Папирос тутунидан ҳалқалар пулаб, машҳур қаҳрамон лётчиклар ҳақида гапира бошлиди. Ҳусусан, Покришкиннинг қаҳрамонона ҳаво жанглари ҳақида севги, ғурур ва ҳаяжон билан кўзларидан учқун сочиб гапирди.

— Хўш, иним, бу қаҳрамонлар билан бирга учиб, бирга жанг қилганимисан? Шунча гапни қайдан ўргандинг,— сўради илжайиб Собир.

— Гап қизиқишида,— жавоб берди Эгамберди,— қизиқсанг, ўрганасан. Қўшнимиз шофёр эди. Унга тиркалиб олдим: қачонки машинасига қараса, дарров мен ҳозир. Лойга ботиб, машина остига киришдан қўрқмадим. Чаласини китобдан ўргандим-да, тўппа-тўғри имтиҳонга бордим. Молодец, дейишди. Яна маҳаллада электромонтёр эдим. Одамлар нуқул кечаси эшигимизни қокиб: «Томга чиқ, столбага чиқ»,— деб безор қилишарди. Лекин булар бари — майда техника. Мана, авиация — бўлакча гап.

10

— Муродингга етасан, ука, интилсанг, совет замонида ҳар орзу муҳайё,— деди Собир чой узатиб шофёрга.

Ўктаам жуда кеч қайтди, у ҳорғин ва хотири паришондек кўринар эди. Собир Ўктаамни кабинага ўтиришга қистади, лекин у унамади: икковлари машинага миниб, бўш қопларга ўтирилар. Машина юргандан сўнг, уларга изғириннинг кучи билинди.

— Танқид қилишдими?— сўради Собир.

— Бир оз,— жавоб берди Ўктаам.— Ёрдамлаш, эртадан бошлаб коммунистларни яна бир кўтарайлик. Агитация ишларимизни кучайтириш керак.

Эгамберди шундай тез ҳайдадики, Собир жаҳл билан бақирди: «Осмонга кўтарилмоқчимисан, шофёрлётчик?!»

«Оқ олтин» колхозчилари гулхан ёқиб, базмни қизитмоқда эдилар. Чирмандалар, ногоралар кўкни янгратарди. Қўшилигининг ғалаба тўйинни кўриб, Ўктаам хурсанд бўлди.

— Тўйлар муборак! Қойилман, қандингни ур, аза- 30 матлар!— қичқирди у қўлини силкиб.

Машинадан тушгач, идора олдида оёқ устида дўстлар бирпас сўзлашишди. Ўктаамни яна хушвақт кўриб, Собир ўзининг можаросини айтиб берди. Икковлари кулишди. Кейин Ўктаам эртанги партия мажлисига тайёрлик кўрмоқ учун, идорага кириб кетди. Собир уй томон бурилди.

Бир соатдан кейин Ўктаам кўчага чиқди. Эрта шаҳардан чиқажак теримчиларни кутиб олмоқ ва жойлаштирмақ ҳақида раис билан кенгashiш керак эди. Унинг 40 уйи томон қайрилди-ю, яна иккиланиб, тўхтади: «Қари одамни тунда безовта қиласманми, шу кунларда бояқишининг на овқатида, на уйқусида ҳаловат бор», деб

359

ўз уйига кетди. Шамол кескин ғувиллар эди. Қари қайрағочлар ҳазин ғиқиллар, қирсиллар, гилам-гилам тेरак барглари ерда шовдирап эди. Ушалган ой далани совуқ, хира, қандайдир чангсимон нур билан қоплаган эди. Отхона орқасидаги ялангликда тепа-тоғ қилиб беда тахлаётган колхозчиларнинг қоралари хира нурда, олисдан қандайдир ғалати, ажойиб кўринар эди. Терим кампаниясининг авжи қизгин палласида ҳам бутун колхозда қишга тайёргарчилик ошғич равишда бормоқда эди.

- 10 Үкташ папкани қўлтиққа тиқиб, вазмин одим отаркан, тўсиндан шамол ногора базм суронини еткизди: «Оқ олтин»чиларнинг шўхлиги қайнаб, тонготар қилмоқчи шекилли...— ўйлади ичида кулиб у — ҳаққи бор: «Ишни дўндир, тўй устига тўй қил». Ўз колхозининг планини ўйлаб, юраги увишиб кетди. «Қаҳрамон» тўқсон икки процент бажарган эди. Даладаги кўсаклардан ташқари, очилган ва очилаётган пахта оз бўлмаса-да, ана шу саккиз процент унинг миясига михдек қадалди...

Укташ уйга кириши биланоқ синглиси ва онаси —

- 20 бир-бирига гал бермай, унга ёпишиши:
- Қаерда тентирадинг, саёқтой?
 - Эссизгина, бир йўла бош суқиб, мўралаб, ҳам кетмадингиз...— деди Ҳакима ранжиб.
 - Кута-кута кўзим тешилди,— деди кампир Сораби бошини тебратиб.
 - Фалон ерга кетяпман, фалон вақтда қайтаман, деб айтмайсиз ҳам...

Укташ папкани токчага отди-да, ғижиниб, деди:

- 30 ган одатим бормиди? Бугун пича барвақтроқ қайтдим шекилли.

- Меҳмонлар келишди, қулоғинг чўзилмагур,— деди она.
- А-ҳа, умримда меҳмон кўрмабман ва кутмабман-да.

— Атайлаб сени кўргали қизлар келишди. Сен айт, Ҳакима,— она ошхонага кетди каловланиб.

- 40 Үкташ пешанасига шартта урди ва синглисига қаради: «Э-э... гапир». Ҳакима акасининг қаршисида чўқ-қайиб ўтириб, бийрон-бийрон гапира кетди:

— Биласизми, Комила ва Зайнаб опалар келишди... Мен Маяковский тўғрисидаги докладни эшитиб, аямдан хабар олгали физиллаб уйга югордим. Соат тўққизлар

эди. Бирдан эшикда машина товуши эштилди. Бирпасдан кейин қизлар кириб келишди. Кимлар экан, деб ҳайрон бўлдик. Сизни йўқлаб келишган экан. Кўришдик, танишдик, аям шошиб, ҳовлиқиб, кўрпачани ўнгтерисини фарқига бормай, жой солди. Мен дарров самоварга ўт ёқиб, идорага югурдим — йўқсиз. Қайси бригадада, қайси шийпонда, деб сўрайман, ҳеч ким билмайди. Хуноб бўлиб қайтдим. Ахир қадрли меҳмонлар эмасми, Комила опанинг донғини эшитиб, кўришни орзу қилардим. Зайнаб опа тошкентлик танишингиз экан. 10 Даастурхон ёздиқ, ундан-бундан гаплашиб ўтиридик. Лекин Комила опа зарур ишларим кўп деб, сира тинчимиади. Зайнаб опа эртага Тошкентга жўнар экан. Ваъда қилгандим, бир йўла кўриб кетай, деб келиби у. Шундай қилиб, бир соат чамаси ўтириб, бирдан даастурхонни ёпишди. Сизга қайта-қайта салом дейишид... Хафа бўлиб қолдик, овқат қилайлик, десак, сира унашмади.

Сорабиби бир лаганда шавла келтириб қўйди ва ҳаяжонини яширишга тиришиб, бошини қўйи солиб ўтирган ўғлига деди:

— Иккови ҳам моҳитобондай, шундай бамаъни, боадаб, шундай очиқ-оидин яна. Тузук, бир варакай икки паризодни топибсан. Уларнинг бирини никоҳлаб ола қол, ўғлим.

Ўқтам онасига ва синглисига илжайиб қараб, сўнг бирдан қизариб кетди. Қизларни ўзи кутиб олиб меҳмон қилмоқ насиб бўлмаганига ичидагуда ачинди ва уларни шундай кўргиси, улар билан ҳангамалашгиси келдики, ҳозир бир от, бир қамчи билан «Элобод»га учмоқни ҳам ўйлади. Соатига тикилди — бир. Ўрнидан 30 туриб, индамасдан ҳовлида кезинди у. Юрагини тўлдирган кечинмаларга чидамади, бироқ онаси Ҳакимага ивириш-шивир билан нималарнидир сўзлаганини сезиб, сир бой бермаслик учун айвонга қайтди-да, совинқираган шавладан тотинди ва меҳмонлар нима тўғрисида сўзланликларини анчайин бепарволик билан Ҳакимадан суриштириди:

— Ҳар нарса тўғрисида,— деди Ҳакима қовун сўя туриб.— Комила опа кўпроқ биз юз центнерчи қизлар иши билан қизиқди. Биз ваъдамизни бажаргандан ке- 40 йин, ўзи атайин келиб звеномиз билан танишмоқчи бўлди. Ҳа, Зайнаб опа, ўн беш кунда бир минг бир юз кило

пахта терибди. Шаҳарликлар учун дуруст-а? Аям нуқул уларнинг ота-оналарини суриштириди.

— Киройи келин қилсанг арзийдиган қизлар экан,— деди Сорабиби.

— Бас, ая,— деди ранжиб Ўктам ва ётмоқ учун хонага ўтди-да, дастлаб журнални очиб, Комила суратига узоқ тикилди.

* * *

Меҳмондорчиликдан қайтгандан сўнг, Зайнаб кийим-

10 ларини электр дазмол билан дазмоллади, қунт билан тахлаб чамадончасига жойлади-да, радиоприёмникни қўйиб, «Пиковая дама» операсининг ўзбекчасини тинглади. Қампир бир чеккада майиз, аштар қоқи ва ҳоказо қуруқ меваларни саралаб ўтирас эди. Ў ухламаган пайтларда ўзи учун, албатта, биронта эрмак топишга тиришарди. Зайнаб эртага жўнашини эсларкан, юраги алланечук зирқираб кетди. Колхоз унга ёқсан, колхозчиларнинг каттаси-ю кичиги, эркаги-ю аёли унга туғишгандай яқин эди. Ҳатто уни меҳнатда ботир, юраги соф ва самимий «ошиқлари» ҳам бор. Ҳамиша ғайрати тошган, шиҷоатли хушчақчақ ёш колхозчи — Тўғон Бошоқов билан бирга далада ишлагандан чарчайдими киши? Тўти холадай тўққиз ўғилнинг онаси мажлисда нотиқ, теримда девкор аёлни жондан севмаслик мумкинми? Зайнабнинг кетгиси келмасди. Бироқ ўқиш бор-да! Фақат институтни тамомлагандан сўнг колхозда ишламоқ, энди унинг энг кучли орзузи бўлиб қолган эди.

— Қизим, Зайнабниса! — чақирди кампир бошини кўтариб:

30 — Лаббай, бувижон!

— Қўзойнак юборишни унутмайсан-а? — ҳар кунги саволини такрорлади кампир.

— Йўқ, албатта юбораман, ироқи, тагдўзи тикаверасиз кейин...

— Қулоғимга дори-чи? Бу ердаги доктор қариликдан, дейди. Йўқ, бир иллати бор, болам. Наҳотки, шаҳри азимдаям дори топилмаса?!

Кампирни юпатиш учун Зайнаб қулоқ дори ҳам ваъда қилди. Бир неча минутдан кейин телефон жиринглайди. Зайнаб шошиб, трубкани олди.

— Алло.

— Зайнабим, зерикмадингми? — Комиланинг янгроқ шўх овози эшитилди. — Правление мажлиси ҳозир тугади. Қечирасан, яна жиндай зарур юмуш чиқиб қолди.

— Бемалол, ишингдан қолма. Ҳа, қулоқ сол, мен бориб ёрдамлашайми?

— Иўқ, дам ол. Ҳосилот амакингдан салом. Мен тез қайтаман.

Зайнаб кампирга қарашиш учун ўтиридан эртак айтишини сўради. Кампир баъзи кечалар, кўнглига келса, ажойиб, қизиқ эртаклар сўзлаб берар эди. 10

— Кўй, болам, анов қутини тингла, — деди кампир радиоприёмникка ишора қилиб. — Бай-бай, одамзоднинг ҳийласи. Қутини минг оҳангга солиб гапириди-я! Ашула, ўйин-кулги, муздикон бари шунда... О, эссаиз умрим ёзи, қора машаққатда, қора кулбада ўтди-кетди.

— Уйимда ҳам радио бор, лекин сиздай эртакчи бувим йўқ. Қани, бошланг.

Кампир ўз одатича жиндаккина бурнакини ҳидлаб, роса аксириди-да, эртак бошлади: «Бир бор экан, бир йўқ экан, қадим замонда бир чин Темир ботир деган бор экан...» — минут сайн кампирнинг товуши очилиб, тили бийронлашиб, ранг ва оҳангга бой сўзлар қўйилиб кетаверди. Зайнаб ёш боладай, нафаси кесилган ҳолда завқ билан тинглади. Эртакни тугатиб, кампир чой дамлашни сўради. Унинг чойга кашандалигини билган Зайнаб бир чойнак аччиққина чой келтирди. Олтиндай Каттақўрғон майизи билан чойхўрлик бошланганда, эшикдан ёниб-яшнаб Комила кирди.

— Вой, шинаванда улфатлар, — қичқирди кулиб Комила ва дарҳол рўмолини отди. Ойна олдида соchlарини текислади, кейин стулга ўтириди-да, Зайнаб узатган пиёлани ҳўплаб-ҳўплаб, деди:

— Кетиш фикрингдан қайтдингми? Ҳамма дўстлар хафа бўлишяпти. Менинг ҳам кўнглим бузиляпти. Назаримда, худди кеча келгандайсан. Бир оз бардош қилиб, колхоз тўйини кўриб кетсанг яхши бўлар эди. Пахта планини байрамага — 7 ноябрга бажаришга қарор қилдик. Бу — охирги, аниқ муддат. Шайландик, бажарамиз.

Зайнаб узр айтди, ялинди. Қейин патир билан қаймоқ ейишди, анорхўрлик қилишди. Қечаги концертда қатнашган артистларнинг қилиқлари ва кийимлари ҳақида киноя ва мазақ билан гаплашиши. 40

— Айт-чи, Комила, қайнананг, қайнинглинг ва бир кунмас, бир кун қўнадиган жойинг ёқдими?— сўради Зайнаб илжайиб.

Комила қошларини чимириб, ўртоғининг билагини сал чимчилади.

— Менимча, жуда яхши одамлар,— деди Зайнаб,— айниқса Ҳакима, қиз эмас, ўт... Уннинг баъзи феъл-атвори сеникига ўҳшаброқ кетади.

— Қўзғама бу гапларни,— деди Комила жиддий,—
10 ўйласанг — даҳшат. Колхоз раисаси келин бўлиб, ўз колхозидан узатилсин? Шунча йил менинг билан бирга тер тўкишган меҳрибон, жондан азиз халқ қучоғидан чиқиб кетай?

— Сен бормасанг, у кела қолар...

— Колхозга куёв етаклаб келиш... Буни ҳам калламга сифдиrolмайман...

— Ҳечқиси йўқ. Ҳаёт шундай. Сен бундай бош оғритар андишаларни тўқийверма, жоним. Қани, ётайлик, вақт алла-палла,— деди туриб Зайнаб.

20 — Уйқингни уравер, мен хат ёзмоқчиман,— деди қофоз ва ручка олиб Комила. Зайнаб таажжуб билан кўзларини олайтириди: «Иш ахтаравер».

— Биласанми,— деди Комила йўғон ручкани ўйнаб,— Тимирязев номидаги Москва қишлоқ хўжалик академиясининг бир тўда студентларидан хат олган эдим. Анча кун бўлди. Улар пахтадан юқори ҳосил олишда тажрибаларимни билишга қизиққанларини айтишади хатда. Жавоб ёзиш керак. Улар билан алоқа боғлаш муҳим нарса. Яна маданиятсизликда айлаш-масинлар. Мен ёзаман, эрталаб сен кўриб, тузатиб чиқасан. Русчани русдай биласан-ку.

— Бирга ёза қолайлик,— деди Зайнаб шавқланиб.

Комила суюниб қалам ва қофозни ўртоғига тутқизди ва деди: «Ёз! Чуқур ва самимий салом, қимматли ўртоқларим. Хатингиз учун колхозчилар номидан ташаккур билдираман». Зайнаб перони қофоз устида бир зумгина юргизиб, Комилага тикилди.

— Нима бало, стенографистмисан? Оғзимдан чиқмасданоқ ёза қолдинг,— деди Комила ва кейин ўрнидан туриб, уй ичида аста одим отиб, фикрларини ёздира бошлади. Баъзан ўзининг ва ўзга пахта усталарининг бой тажриба ҳам практикасини мазмунли, қисқа сўзларда ифодалаш ёки уларни изоҳлаш учун қийналиб,

уни-буни бир зум эрмак қилар, «пиш-пиш» ухлаб ётган кампирнинг кўрпасини сал тўғрилаб қўяр ё радиоприёмникни у ёқ-бу ёққа бир зумгина бураб, ҳар нав товуш, тил, оҳанг ва жаранг чиқариб, яна ўчирап, ёки енгил бир уҳ тортиб, стулга ўтиrap эди. Зайнаб қоғозга кўз югуртиб, мамнун бўлиб дер эди:

— Жуда соз. Фурсат топсанг, пахтачилик тўғрисида китоб, жилла бўлмаса, бир брошиора ёзишинг мумкин.

— Кексалар тажрибаси ҳақидаги фикрларим қалай, менимча етарли-а,— сўради Комила. Зайнаб бошини қимирлатиб, етарли деб жавоб бергач, давом этди сўзида Комила.— Хўп. Кўчайлик бошқа масалага: республикамизда пахтачиликнинг бундан сўнгги тараққиёти учун — бунга бутун ҳалқимиз бел боғлаган — фўзага сув ва қуёш нури қанчалик зарур бўлса, илм нури ҳам шунчалик зарурдир.

Комила бармоқлари билан қошларини қашиб, жиддий ўйлади-да, пахтакорларнинг илм олдига қўйган энг муҳим вазифаларини — «биринчидан», «иккинчидан», «учинчидан», «тўртинчидан» ва ҳоказо моддаларга бўлиб, айта бошлади. Тўққизинчи масалани ёзиб, Зайнаб бошини тебратиб деди:

— Бас энди, даъвонинг ҳам бир чеки бўлиши керак.

— Олимлар ҳамда эртага мутахассис бўладиган студентлар олдига талабларимизни қўяйлик-да. Совет илми қандай қудратга эга,— деди Комила,— ўйлаб кўр, агар пахта ҳозиргига қараганда, бир ой, майли уч ҳафта олдин пишса ёки мутахассислар эпчил, ишбоп қулай терим машинаси ясасалар, мана шу кунда колхозда аҳвол қандай бўлар эди? Мен колхозчиларни не-не ажойиб ишларга, не-не қурилишларга жалб этар эдим. Совет илми ҳар қандай мушкулни ҳал қила олади: қарабтур, мен қўйган талабларнинг бари амалга ошади. Кейин янги талабларни кўндаланг қиласиз. Чунки ҳаётимиз тўхтовсиз олға интилади.

— Бари ҳақиқат,— деди Зайнаб ёзишда давом этиб.

Хат доимий алоқанинг зарурлиги, аҳамияти ва студентларга илмда муваффақият ва соғлиқ орзулари билан тамомланди. Комила қошларини бириттириб, хатга 40 диққат билан тикилиб, деди:

— Нима бало, худди рецепт ёзгандай бадхат ёзибсан...

— Кўявер, хатнинг маъноси керак биринчи галда,— деди ўрнидан туриб Зайнаб.

Қизлар ўринга кирганды, саҳархез кампир уйғониб, уйда ғивирлаб юра бошлаган эди...

Эртаси улар элан-қарон туришди. Ёлғиз бу кун ҳар кунига ўхшаб унча шошмасдан ёйилиб-яйраб ионушта қилишди. Фақат телефонда Комилани чақиришганини пайқаб, Зайнаб ўрнидан туриб, ўртоғини узоқ қучоқлади ва чамадончасини қўлга олди. Комила эса илгари тайёрлаб қўйган совғаларини кўтарди. Кампир эшиккача кузатиб чиқди ва кўзойнак билан қулоқ оғрифи дорисини унутмасликни доктор қизга неча бор уқтириб, дуо қилиб қолди.

Иш бошидан ошган Комилани ташвишлантирмаслик учун Зайнаб унинг станцияга қадар кузатиш орзусига қаттиқ эътиroz билдириди.

Машинага ўтириш олдида дўстлар яна ҳаяжон билан кўришдилар... Комила машина орқасидан қўл силкиб қолди.

Кишлоқ меҳнат ва ижоднинг ҳар кунги баланд, қизғин руҳи билан яшар эди. Ҳар ёқдан, турли дала йўларидан, пахта карвонлари — машиналар, аравалар, түялар чиқиб келарди. Қайси бир заводнинг «субботник» қилиб теримга келган ва ҳозиргина студабеккердан сакраб тушган ишчилар — руслар, ўзбеклар — қўшиқ ва ўйин-кулги билан турли бригадаларга тарқалмоқда эдилар. Комила бирпастда қайноқ ҳаётга кириб кетди. Ҳар қадамда юмуш, вазифа ва масала... У ёзади ё қўл қўяди, буюради ё ялинади, койииди ё мақтайди...

Ниҳоят, кузги баргларнинг олтин гилами тўшалган йўл билан, унда-мунда оқариб кўринган тўкинди парча-пурча пахталарни йиғиб, бунинг учун ясалган махсус идишларга ташиб, далага жўнатади...

Бироқ Комила бир оз юргач, орқада от дукури эшишиб тўхтади, юраги ҳам шу онда «шиф» этиб кетди. Чунки унга отнинг юриш оҳангига аллақандай таниш сезилган эди. Қиз бошини ўгириб, қора тўриқда Ўқтамни кўрди ва қўлини силкиб, ўзини четга олди. Ўқтам отдан тушиб, жиловни билакка солди-да, Комила билан кўришди ва бошини тебратиб деди:

— Эҳ, қочоқлар! Бизнида ўтиришни истамасдан, кампирни хафа қилибсизлар-да. Мен-ку, роса армонда қолдим.

— Ҳеч иложим йўқ эди. Зайнабга сен қол, десам сира унамади,— ўзини оқламоққа тиришди Комила. Ўк-там отни йўл четидаги дараҳтлардан бирига боғлади-да, кулиб деди:

— Зайнабхонни бирга кузатамизми?

— Кечикдингиз, Зайнаб энди қайдай!— Комила қўли билан узоқларга ишорат этди.

— Ай-яй-яй,— қамчи билан тиззасига урди Ўктам.— Ҳар жиҳатдан орқада қоляпман, Комилахон!

— Қўйинг, ундаи ваҳима қилманг,— деди Комила қўлини силтаб,— ишларингиз қалай, кўпдан буён бу томонларга мўралаб ҳам кетмадингиз. Яхши, Зайнаб туфайли сизни кўриш насиб бўлди.

Кизнинг сўзларидағи пичингдан Ўктам қизариб кетди ва кейинги вақтларда ҳатто бош қашимоққа вақт танглиги тўғрисида гапириб, ўзини оқлашга тиришди, Комила қошларини маънодор чимириб кўнгил хоҳласа, 20 вақт кенг бўлади, деди. Икковлари жийдазор оралаб, дала томон юришди.

— Кўнглим ҳамиша сизга толпинади, ҳамиша сабрсиз,— деди бир оздан кейин, ўйланиб Ўктам.

Комила атрофга аланглаб лабини қисди:

— Секинроқ...

— Ҳеч ким йўқ,— қўлини силкиди Ўктам ва товушини пасайтириб, давом этди сўзида.— Қўзларим ҳар вақт «Элобод» йўлига тикилади, қулоғим ҳар вақт шу тарафдан бирон хабар кутади. Бироқ «Элобод» гули 30 тикан сочишдан бошқани билмайди.

Комиланинг нозик лабини табассум қоплади:

— Демак, масала вақт танглигида эмас, балки ўпкангиз бор экан.

— Балли, сўздан илмоқ топишга устасиз-да!— деди Ўктам.

— Үпкаланиш эмас, аҳволни тушуниш керак,— деди Комила қатъий турда.

— Ўйладим, лекин фикрларингиз, далилларингиз қандайдир баҳонага ўхшаб кўринади.

Комила индамади, лекин унинг ҳамиша қувноқ қўзлари аллақандай туманланиб кетди. Йигит буни сезди. Энди у зовур ва ариқ тозалаш ҳақида гапириб, ишчан

10

40

Қизнинг диққатини бошқа томонга жалб этмоққа тиришиди. Аммо Комила зўраки сұхбатга қизиқмади, ҳар йилги синашта ишимиз, бир гап бўлар, деб қўя қолди. Ниҳоят, улар улкан дала ёқасида тўхташди. Терим қизғин борар эди. Аёллар, эрлар ҳазил-хузил билан илдам ишлар эдилар. Айниқса, бу бригаданинг кишилари, гўё саралангандай, жонли, шўх, ишчан эдилар. Раисни кўриш билан қизлар узоқдан қўлларини силкишди, баъзилари бирдан куйлаб юборишди. Комиланинг кўзлари-

10 га яна шодлик тошди. У ҳаяжонланиб, Ўқтамга деди:

— Қандай қилиб мен буларни ташлаб кетаман? Ҳаммаси кўз қорачиғимдай азиз. Тушунинг, мен баҳона қилаётганим йўқ. Мен жуда жиддий ўйлаяпман.

— Кўрқманг, аямнинг келини, ўчоқ бошининг чўри-си бўлмайсиз.

— Тўғри, ишонаман. Лекин минг ваъдан шамолга совуриб студенткани, муаллимани, актив комсомолкани қўғирчоқ қилишни истаган эрлар ҳам оз эмас!

20 — Турмушда эскилиқ доғлари ҳали бор. Лекин ян-гича яшайман, деб одатларни оёқ ости қилиш ҳам тўғри бўлмаса керак,— деди Ўқтам.

— Одатлар ҳам ҳар хил бўлади. Паранжи ҳам одат эмасми?— Комила нозик киноя билан кулди. Ўқтам жавобдан ожиздай ерга қаради. Шу вақтда Комилани кимдир олисдан чақирди. Қиз, дала бўйлаб, ёлғиз оёқ йўлдан пилдираб жўнади.

Ўқтам қўлларини белга тираб, қиз орқасидан бир-лас қараб турди. Унинг кўзларига қайфу чўккан, оёқла-ри мажолсиздай титрап эди. Қизни дам кутар, дам кутмас бўлди. Яна Комиланинг индамасдан кетгани йигитнинг иззат нафсиға қаттиқ теккан эди: «Бу қилиқ-лар бари ғуурурдан!»— Ўқтам кетишга қарор қилди ва отни миниш учун секин орқага бурилди.

40 15—20 минут кейин Комила қайтди. У ҳар ёқа кўз-ларини югуртди. Кейин қандайдир бир умид билан қиз жийдазор оралаб, қаттиқ югурди. Бироқ унинг отини кўрмади. Комила ҳансирааб тўхтади: «Кетибди. Кетибди», деб ўз-ўзича шивирлади. Кейин қиз яна дала кезди. Гўзапоядан тозаланадиган баъзи участкаларни тракторчиларга кўрсатиб, Комила уйга қайтди. Қампир келтирган овқатга қарамасдан, нуқул чой ичиб, хаёлга шўнғиди. Ўқтамни ранжитгани учун унинг юраги зирқи-рар эди. Комила севги ва унинг чин маъноси ҳақида

ўйлади, Ўктамга берган жавоби устида узоқ бош қотирди. У ахир она бўлиши керак эмасми? Болаларни қандай севади у! Шу пайтда биринчи марта Комиланинг юрагига рашқ ҳам ўз кўлкасини ташлади. «Ўз қадри-қимматини биладиган йигит мендан умидини узиб, бошқага кўнгил қўйса-я...» ўйлади қиз хўрсиниб. Лекин у яна ўз-ўзини юпатади: «Йўқ, у мени севади, мен ҳам, мен ҳам жуда уни севаман».

Бригадалардан бирининг йиллик планни ҳозиргина бажаргани ҳақида келган хушхабар Комилани кечин-10 малар тутқунидан бўшатди. Бригада аъзоларини ғалаба билан табриклаш ва қолган пахтани илдам териб олмоққа уларни руҳлантириш учун Комила қувонч билан дала шийпонига кетди.

XXV

Ноябрнинг охири эди. Тансиқ ҳавога қараб деди ўртоқларига:

— Уч-тўрт кундан бўён булат аримайди. Кети ёмон бўлади шекилли. Илдамроқ қимиранглар, йигиштириб ола қолайлик.

20

— Бугун совуқ ҳам аччиққина,— деди қўлларини куҳлаб Анзират.

Айрим участкаларда сўнгги кўсаклар терилмоқда эди. Иккинчи ёқдан гўзапоялар йигиштирилиб, тракторлар сурон билан ер ҳайдамоқда эдилар. Мирҳайдар ота қадим деҳқон дастурига қаттиқ риоя қилар эди: «Деҳқон бўлсанг куз ҳайди, куз ҳайдамасанг юз ҳайди!»

Бундан чамаси бир ой бурун бир тундаёқ қора совуқ ғўзани урган эди. Бунга қарамай, кунлик терим нормасини икки-уч ҳисса ортиқ бажармоққа бел боғлаган ком-30 мунистлар, комсомоллардан ибрат олиб, халқ ялпи фидокорона меҳнат орқасида улуф байрам куни пахта планини тўлдирган ва колхоз икки тўйни бирга қўшиб нодир тантана ва шодлик билан ўтказган эди.

Бу кун эса «Қаҳрамон» ўз планини бир юз ўн тўқ-қиз процент бажарган. Яна арава-арава кўсаклар тарқатилиб, ҳар ерда: чойхоналарда, уйлардачувитилмоқда эди.

Қизлар ҳар гектардан тўқсон саккиз ярим центнердан ҳосил топширган эдилар. Бу — «Қаҳрамон»дагина 40 эмас, бутун районда энг юқори ҳосил эди. Ҳатто бутун

областда фақат бир неча звеногина шу миқдор атрофига ҳосил олмоқса муваффақ бўлганлар. Бироқ қизлар юзга етказиш, балки ошириш учун мислсиз ғайрат ва фидокорлик билан курашар эдилар.

Кечқурун Тансиқ уйга қайтди. Остонадан қадам қўйиши билан ҳовлида оғил ёнида икки эшакни боғлиқ кўрди. Улардан бири унга таниғлиқ эди — қариндоши Аширматнинг катта бўз эшаги. Иккинчиси эса ундан чоғроқ ва бир қулоғи кесик қора эшак эди. «Буниси кимники экан?» деб қиз лабини буриб қўйди. Шу вақт 10 қаршидаги катта хонадан ўрта бўйли, елкаси чиқиқроқ, рангпар бир йигит чиқди, чақчайган кўзларини қизга тикиб, бир зум тўхтади-да, ҳовлига тушди. Тансиқ ҳовли ўртасига етганда, йигит қўлини чўзиб, тиржайиб, деди:

— Тансиқоймисиз? Қани, қариндош, кўришиб қўяйлик, тоғангизнинг ўғли Боқижон бўламан.

Тансиқ индамасдан ерга қаради, Боқижон унинг қўлини қайта-қайта қисиб, базур қўйиб юборди. Тансиқ 20 ижирғаниб, ерга қараган ҳолда, тўғри ошхонага югорди.

— Нимага келишибди? — жаҳл билан сўради қиз она-сидан.

— Билмасам, тўсиндан ҳозиргина кириб келишди ота-бала,— жавоб берди овқат пишириш билан овора бўлган она.— Ҳа, Боқижонни кўрдингми, туппа-тузук йигитга ўхшайди, назаримда...

— Кўрдим, туппа-тузук, тилла узук,— жавоб берди Тансиқ кесатиб.

30 — Ҳай уят, эшитиб қолгудай бўлмасин яна,— деди она лабини тишилаб.

Тансиқ кичик уйга кирди, ёстиққа ёнбошлади-да, тутаққандай, «үҳ» деб қўйди. (Даллол ўлгур: уялмасдан ўғлини ҳам бошлаб келибди. Тансиқнинг кўзи учиб турган экан-да!)

Боқижоннинг кайфи чоғ эди. У Тансиққа илк қарашибдаёт ичидаган эди: «Бай-бай, попукдек қиз экан-ку».

Эшакларни хашакка қўяркан, минғиллаб ашула ҳам айтди. Мана, энди дунёнинг лаззатини сурари у: эртайндин дадаси қариндошлар билан гапни бир жойга қўйиб, вақт-соатини тайинлайди. У уйга бора солиб, хотинини ҳайдайди-ю, тўйга тайёрлик кўраверади. Нари бор-

са, икки ҳафтадан кейин дўндиқчанинг, бойликнинг қўйнига киради. Мана, омад!

Боқижон оғилдан чиқиб, ҳамма ёққа худди хўжайинларча кўз югуртди ва бир вақтлар қайси бир қўли эгридан сув текинга сотиб олган ва гавдасига қовушмаган эскигина қўнғир-сариқ тужурка киссаларига икки қўлини тиқиб, катта хона сари олифталарча одим отди. У кирганда, дадаси жойнамоз устида тез-тез пицирлаб, шошиб-пишиб юмаланмоқда эди. Мираҳмад эса Боқижонни кўрпачага ўтқазиб, дастурхон тўла мева-чевадан 10 ейишга ундаи ва унинг юмуши тўғрисида суриштириди.

— Кичкина хизмат, бироқ тушуми чакки эмас,— деди Боқижон кўзларини маънодор қисиб.— Така бўлсин, сути бўлсин... енг учida чайқовчилик ҳам қилиб турман.

— Бир кун панд ейсиз, жияним,— деди Мираҳмад.— Бозорга аралашманг, биронта идорага ё заводга кириб олинг. Барака, хотиржамлик бари ҳалол меҳнатда...

Намозни тугатган Аширмат гапга аралашди, қалин кўрпачага чордана қуриб:

20

— Боқижонни сенга топширдим, этиям, суягиям сенини. Бафрингга ол, йўл-йўриқ кўрсат. Шаҳарда баъзи бир олифталар билан улфатчилик қилиб, Боқижон йўлдан сал тойди: серчиқим бўлди, чойхонада ошхўрлик қиласи. Иншоолло, мана энди сени қўлингда қуюлиб қолар. Расми, йигитмонанд уйлангандан кейин эс-ҳушини йиғишириб олади. Лекин ўзи мияси тўла бола. Ҳа, келинчагим қани, қайтмадими ҳали?

Мираҳмад билмайман деб бошини тебратди.

— Тансиқой шу ерда,— жавоб берди уялинқираган 30 бўлиб Боқижон.

— Ҳа айтгандек, кўйлакни кўрсатдингми?— сўради гердайиб Аширмат.

— Холамларга бердим,— жавоб берди Боқижон.

— Қизингга кўйлак совға келтирдим,— деди Аширмат овозини баланд қўйиб.— Жуда асл мато. Ота-бала магазинма-магазин юриб, танлай-танлай хуноб бўлдик. Нечоғлик қимматбаҳо бўлсин, форм бўлсин, бурма-сурмали бўлсин, дедик-да. Йўқ, ойнавонли улкан магазиндан топдик ахир. Ўзиям битта экан. Қассасига бориб, 40 пулни санаб ташлаяпман, ташлаяпман, кўзларимдан олов сараб кетди. Касмир хотин ҳам қойил қолди: «Отажон, колхозга раисмисиз?», деб сўради. Лекин ба-

371

ҳосига арзийдиган буюм. Худди камалакдай товланади-я. Мана, қудажон, куёвингга сарпо қилсанг, мендан ибрат ол.

Мираҳмад, индамай, илжайиб чой қуйиш билан овора бўлди. Боқижон ўз ичида хурсанд; дадасининг айёр, лофчилигига яна бир карра қойил қолди: «Камалакдай товланган қимматбаҳо буюм» — хотинининг анча кийган, юпқагина, оддий чивиқ шоҳи кўйлаги эди. Гап шундаки, йўлга чиқиш олдида совға тўғрисида ота-ўғил узоқ маслаҳатлашиб, чиқим қилмасликка қарор беришган эди. Боқижон бир юмуш баҳонаси билан хотинини қўшниларникига чиқариб юбориб, дарров сандиқдан унинг сўнгги кўйлагини (хотин бисотини ота-бала аллақачон пуллаган эдилар) олган ва рўмолчага ўраб, хуржунга ташлаган эди.

Мираҳмаднинг хотини катта лаганда палов келтириди ва ўзи ҳам ўтириди. Аширмат гўшт тўғралгунча сабр қилмай, лаганга қўл урди.

— Ол, азамат,— деди ўғлига Аширмат,— қайнананг паловга жуда моҳир.

Боқижон бутун гавдаси билан лаганга ташланди. Ота ва ўғил гўё баҳслашгандай, паловнинг чангини чиқаришиди. Уй эгалари зимдан бир-бирига қарашиб, тезгина қўл артишиди. Боқижон лаган бўшагунича бошини паловдан кўтармади. Ниҳоят, Аширмат лагандаги мойга нон суркаб еб, кейин ялаб қўйди ва кекириб, ёстиқ-қа ёнбошлади. У бирпас кўзларини юмиб, мазали таомнинг кайфини сурди-да, колхоздан тегадиган бу йилги даромадни суриштиришга киришиди.

— Бу йил колхоз жуда яшнаб кетди. Ҳалқ жуда хурсанд,— деди Мираҳмад.— Мана, бизга ўн тоннадан мўлроқ ғалла тегади. Шундан қиёс қилаверинг.

— Бай-бай-бай. Ўн тонна,— қаддини ростлаб, ёқасини ушлади Аширмат.— Бу ғалладан нон ёпилса, нақ бир шаҳар аҳолисига етади-я. Ҳа, айт-чи, мулла жирингдан қанча оласизлар?

— Ҳозир ҳисоб-китоб тугамади. Чамамда ўттиз-қирқ минг тегар,— жавоб берди Мираҳмад.

— Ана холос. Бонкачи бўлиб кетасан-ку, Мираҳмад. 40 Мана буни омад, дейдилар. Биласанми бунинг сабабини? Ҳаммаси ўғлим Боқижон туфайли. Бу жуда баҳтли йигит. Мана, сенга ҳам баҳт бошлаб келди. Боқижонни ўз бағрингга олгандан кейин давлатинг яна зиёда бў-

лади. Ҳамма оёқ — ҳамма туёқ бир хилда бўлмайди — қутлуғи бўлади, қутсизи бўлади. Умримда буни кўп синаганман. Мен бир вақт эшак сотиб олдим, ориқ, ҳароб нарса эди у. Аммо жуда қутли жонивор экан-да. Ишим ривожланиб кетди. Ўша йил боғ сотиб олдим, иморат қилдим.— Аширмат чойга уч-тўрт чақмоқ қанд ташлади, пиёлани қўли билан аста айлантириб, ўғлига мурожаат этди:— Боқижон, ғаллани ташиб олишда ўзинг бош-қош бўл. Мираҳмаднинг юмуши, ташвиши кўп... Ҳа, тарозу тепасидан бир қарич силжима. Омбор-чилар қаллоб бўлади-я.

— Бир дона буғдоига хиёнат қилишсин, кўзларини юлиб оларман...— деди тутақиб газабли товуш билан Боқижон.

— Баракалла,— деди Аширмат ўғлига, кейин Мираҳмаднинг елкасини туртиб, давом этди сўзида,— ғалланинг кўпини сотасан, шундайми? Қарабсанки, йил ўтибди, яна мундан зиёда ғалла оласан. Лекин ғалла-фурушликни менга топшир. Ҳафтада бир аравани менга юборсанг бас. Нарх-наво билишни акангдан ўрган.

Мираҳмад, бир гап бўлар, дегандай бепарвогина қўлини силкиди. Унинг хотини лом-мим демай, бошини қўйи солиб ўтирар, гоҳ-гоҳ зимдан Боқижоннинг бўйни-даги тиртиғига қараб қўяр эди. Боқижон энди дадаси тўй муддати тўғрисида гап очишини фаҳмлади, бемалол сўзлашсинлар деб, уйдан секингнича чиқди, ҳовлида бир оз кезди, эшаклардан хабар олди. Кейин оёқ учиди юриб кичкина уйнинг деразаси остидан ўтди. «Попукдай қиз» чироқ олдидা ёлғиз ўзи хат ёзиб ўтирар эди. Боқижон ҳозир шундай дадил бўлиб кетдики, сира иккилан- масдан, эшикни очиб уйга кирди. Тансиқ чўчиб бошини кўтарди ва оқариб кетди. Қофозни пастак хонтахта тагига яширди. Бу — Берлиндан бир гуруҳ жангчилар ва командирлар қизлар звеносини табриклаб ёзган хатга жавоб эди. Боқижон ундан қуйироқда чордана қурдида, ташвишланган бир тус билан, деди:

— Ғаллани қачон ташиб оламиз, Тансиқой? Вақт ғанимат. Омборчилар билан мени таништиринг, колхоздан от-арава олиб беринг, ўзим ташиб қўяман.

Тансиқ бирпас ағрайиб қолди-да, бошини терс қилиб, деди:

— Бафуржа ташилар, нонсиз қоляпмизми?

— Ихтиёр сизда,— деди совуқина қилиб Боқижон.— Жоним ачигандан гапираман-да, Тансиқой. Лойгарчиликкача ташиб олсак, марра бизники. Мираҳмад тоғам ҳам шундай дедилар..

— Дадам бўш, содда одам. Бирор нима деса, «хўпхўп» деяверади.

Боқижон лабини ялаб, томогини таъмакор тақиллатиб қўйди ва ичида ўйлади: «Ўтакетган эрка, нозчи нарса экан-ку, қучоғимга кир, нозу карашмангни яхлатиб қўяй. Кўз қиримдан қалтирайверасан. Майли, ҳозир эркалик қилиб қол. Сенга ғанимат бу».

Тансиқ гўё бўйилгандаи уҳ тортди. Шундай қариндошларни кўкка кўтарган дадасидан хафа бўлди у.

— Мен билан шаҳарга тушиб чиқасизми, Тансиқой?— сўради Боқижон қўлини қизнинг тиззасига қўйиб.

Тансиқ нафрат билан унинг қўлини итариб ташлади ва чўчиб нари сурилди, жаҳл билан тутақиб, деди:

— Нега алжираисиз? Шаҳарни соғинган бўлсангиз, 20 йўл очиқ сизга.

— Шаҳарда томоша кўрсатаман, дўндигим,— деди Боқижон шилқимланиб.— Яна бирга магазинлашамиз. Керакли буюмларни, дидингизга лойифини танлаб-тандаб оласиз. Маълумки эркаклар аёлбоп молни сира билмайди...

Тансиқ бошини қуай солиб, юзини қўли билан яшириди: ғазабдан бутун тани титради, эшикка отилмоққа ҳозирланаркан, ҳовлида ўртоқларининг товушини эшиди-да, енгилланиб хўрсинди. Қизлар қий-чув билан уйга киришди ва бирдан жим бўлиб, бир-бирларига ҳайрон қарашди. Боқижон тумсайиб, оғзини очган ҳолда ҳаммага маъносиз тикилди.

— Келинглар, қаёқда қолдиларинг?— деди саросимилигини яширмоққа тиришиб Тансиқ.

Қизлар икки қанор кўсакни астагина ағдариб, чувишга бошлишди. Боқижон бир неча минут сунъий бир гердайиш билан ўтириди-да, чурқ этмасдан чиқиб кетди.

— Ким бу?— бурнини қийшайтириб сўради Анорхон.

40 — Қариндошлардан,— беларво жавоб берди Тансиқ.

— Ҳусни, одоби тўқис экан,— кесатди Анорхон.

— Сўрашишни ҳам билмайди, қурбақадай безрайиб қарайди,— деди Анзират.

— Құрбақа сендан дөмәнгир,— деди Тансиқ.

Ҳамма өткізу күлді. Ҳар күнгидай қүшиқ, күлги, гап билан иш қизиб кетди.

Анорхон оқшом идора ёнида Сайрамовга дуч келиб, у билан сүзлашганини фахрланиб айтди.

— Үртоқ Сайрамов жуда хурсанд экан. Раис билан асқия қилишди. Звеномизни «олтин звено», деди.

— Хурсанд бұлса арзиди, озмунча ғайрат қылдими. Мекнатаға, жонкуярлыгига яраша, планни ошириб ба-
жарди...— деди Тансиқ.

— Ҳа, үртоқ Сайрамов, әртага фотограф келади, яна масковлик бир мұхбир келиб, сизлар билан суҳбат қиласы, деди.

— Ах, тезроқ юзга ета қолсайди,— деди Дилшод.— Жиндей кемтік бўлса, кишига алам қиласы да.

— Кўсакдан бир дона қолдирмасак, мўлжалимда тўлиб қолар,— деди Ҳакима.

— Юз центнердан ортиғи Анорхоннинг тўйига сов-
фа,— деди Дилшод кулиб.

— Тўғри,— деди Тансиқ,— тўй шарафига ваъдамиз 20
устига яна қўшимча пахта берайлик. Собир почча ёзда
қанча ёрдам қилди.

— Бас, бас,— қичқирди ранжиб Анорхон.

Ярим кечага яқин қизлар чувилган пахтани қоплар-
га жойладилар. Ҳангама билан катта тарвузни сўйиб
еб, уйларига тарқалдилар. Шу онда худди қизларнинг
кетишини кутиб тургандай, Тансиқнинг онаси кириб
келди.

— Яна нима гап, нега хафасиз?— сўради Тансиқ.

Она ҳорғингина ўтириб, уҳ тортиб, деди:

— Аширмат бошимизга бало бўлди. Болаларимизни
бошини бириктирайлик, тўй кунини тайин қил, деди.
Жонимни суғуриб олгундай бўлди Аширмат. Бошимни
эгиб, чурқ этмай ўтиравердим. Дарди бедаво бўлди, бу.

— Дадам нима деди?— кўзларини жавдиратиб ҳур-
как товуш билан сўради қиз.

— Даданг бояқишигаям жабр бўлди,— куюниб жа-
воб берди она,— оро йўлда қолди: «хўп» дейишга сен
ўжардан чўчийди, «йўқ» дейишга тили бормайди, кети-
ни ўйламасдан ваъда берган, энди сўздан қайтишни 40
ўзига эп билмайди. Қиз узатишга ота раъйи, ота сўзи
шундай азиз бўлади, болам. Мана, ҳозир ўз ёғида ўзи
қоврилиб, қоронғида бетоқат юрибди.

10

30

— Аяжон ҳайронман, нега ўз бошларингга ўзларинг беҳуда қайғу ортирасизлар,— деди Тансиқ аччиқ кулги билан.— Биз хоҳлаймиз-ку, қиз кўнмаяпти денглар. Мен эртага уларнинг қўзини мошдек очиб қўяман. Ўқтам акага ҳамма воқеани айтиб бераман. У келади-да, отаболани эшакка миндириб, кўчага олиб чиқади: «Түёғингни шиқирлат», дейди...

— Вой ўлай, зинҳор бундай қила кўрма!— ялинди она.— Ҳар қалай улар бизга қариндош, яна юз кўрмас бўлиб кетишмасин. Даданг ҳам ўз сўзидан пушаймонга ўхшайди. Сабр қил!

— Чидаб бўлмайди, ая! Йигит ўлгур отасидан баттар уятсиз, сурбет экан. Ёнимга келиб, нималар демади, не қилиқлар қилмади... Эртага никоҳ, гўё мен унинг хотини... Колхозга ҳам бошини тиқмоқчи суллоҳ!

— Ота изини босганга ўхшайди,— деди она.— Аммо сен енгиллик қилма. Даданг ҳали қулоғингдан чўзиб, унга топшираётгани йўқ. Ўйлама, қоврилма, ётайлик.

20 Тансиқ ўзига ва онасига ўрин солди. Лекин кўнгли фаш бўлиб, анча вақт уйқуси келмади. Кейин бирдан дадасини эслаб, юраги ачиdi, онасини аста туртиб, деди:

— Ая, ҳой ая, туринг, дадамни топиб юпатинг, хафа бўлмасин, ётиб бемалол ухласин. Ҳа, айтинг, ҳамма айбни менга юкласин, мен ҳақли эканимни бир кун ўзи тушуниб олар...

* * *

30 Боқижон, нозу неъматга бой нонуштадан кейин кекира-кекира кўчага чиқди. Қуёш гоҳ булулар орасига яширинар, гоҳ бирдан сўлғин далаларни, яланғоч теракларни майнин товлантиради.

Боқижон юпқа пахталик чопонга ўралиб, у ёқ-бу ёқни кезди. Серсавлатроқ киши дуч келса, балки раис деган хаёл билан, қўл қовуштириб, ялтангланиб салом берар эди у. Ниҳоят, попукдай қизни топишга қасд этиди. Болалардан унинг звено участкасини суриштириб, дала оралаб илдам юрди. Тансиқни узоқдан кўриши биланоқ у одимларини олифталаштириди.

40 — Ҳормасинлар-э, Тансиқхон,— деди Боқижон яқинлашиб.

Тансиқ бир қаради-ю, қовогини солиб индамади ва далага сочиған ўртоқларини чақиргиси келгандай кўз ларини олисга югуртирди.

— Сира чарчамас экансиз-да,— деди Боқижон,— қўйинг бу кўсакларни, далада ҳаққингиз қолмабди. Қани бирпас шу ерда ўтирайлик. Хавотир олманг, ўртоқларингиз кўрмайди...

Тансиқнинг кўзларида ғазаб ёниб кетди. Лекин у яна ўзини тутишга тиришиб, деди:

— Уятни биласизми? Яна қариндош, меҳмон! 10

— Тақдирга тан бериш керак, Тансиқой. Ёстиғимиз — бир. Қанот қоқиб келдим сизга. Жоним, бирпас-гини дилкашлик қиласайлик, кейин шерваччангизнинг ел-касига той-той паҳтани ортаверинг!

Тансиқ, титраб оқариб кетди-да, бўғиқ қичқириқ билан деди:

— Ташланг бўлмағур хаёлни! Бир ёстиққа бош қўйиш тугул қорангизни кўришни хоҳламайман...

Тансиқ ўртоқлари томон тез-тез одим отди. Боқижон оғзини очиб, бақрайиб қолди, кейин бошини эгиб, эс-хушдан ажралган ҳолда қишлоққа қайтди. Уйнинг тўрида оппоқ пар ёстиқларга тўраларча ёнбошлаб ҳузур қилаётган Аширмат оқ тушган кўзини қаттиқ тикиб, сўради.

— Хўш, куёв бола, кайфинг йўқроқдай?

— Санамай саккиз деб юрган экансиз, корчаллон кекса!— кекирдагини чўзиб деди Боқижон.

Аширмат ёстиқдан гавдасини кўтарди, лабини тишлаб, оқ тушган кўзини деразага қаратди, кейин ўғли томон сурилиб пичирлади:

— Дарди харина! Ҳалитдан ит феълингни ошкор қилмоқчимисан? Айт, нима бўлди, нонкўр?

Боқижон гўё дадасига шапалоқ бермоқчидай панжасини силкиб, жаҳл билан хириллади:

— Ишни пишиқ қилмабсиз-ку, корчаллон! Ахир қиз на думини тутқизади, на сўзимни тинглайди...

Аширмат енгилланиб илжайди ва кир соқолини ямлаб-ямлаб, деди:

— Қиз қилиғи билан иссиқ. Сабр қил, гўшанга-чимилдиқ олдингда...

— Э, сиздағанги совчидан хафа бўлдим-ку,— баттарроқ бўғилди ўғли.— Қиз худди илондай кўксимга заҳарини тўқди...

— Айб ўзингда, ўлгудай ношудсан,— деди хўмрайиб Аширмат.— Қенг далада жар-жур йўқми? Алдаб-авраб қизни панага тортмайсанми ва ишни бирпасда... Ана шунда ҳаммасининг тили умрбод қисиқ бўларди, тўй ҳам текин бўларди, Мираҳмадни мен эшак қилиб минардим... Аҳ, гўр бола!

— Айтинг инингизга, отами, латтами?! Қушчаси-нинг патини юлиб қўйсин, жуда баланд учяпти...

Аширматнинг ҳалқумига бир нарса тиқилгандай ўқ-10 чиб йўталди ва ёстиққа бошини ташлаб, соқолини аса-бий равишда юмдалаб-юмдалаб қўйди. Унинг ўйини, юрагини шубҳа минут сайин зўрроқ кемира бошлади. Қариндошларнинг муомаласида бир томчи совуқликни кеча илк кўришишдаёқ сезган эди. Гўй ҳақида у қанчалик шавқ билан гапирмасин, Мираҳмад чеккасини қашиб сукут қилар ё гапни чалғитишга тиришар эди. Унинг хотини эса шолғомдай қизариб кўзларини яши-20 рар эди. Ҳозир Аширмат бу ҳодисанинг маъносини, сабабини топмоқ учун анча бош қотирди. Ниҳоят, қарин-дош учун жонини аямайдиган Мираҳмаднинг айнишини ўз ақлига сиғдиролмади у: «Юмушлари кўплигидан тўйга тайёргарлик кўрмагандирлар балки, тўй даҳмазасидан чўчидилар», деб ўйлади. Ўғлининг шикоятини эса маъносиз топди. Лекин барибир кўнглининг бир чеккаси қитдай хира эди. Яна икки-уч кун қудаларни синаб, авраб сирларини билмоққа қарор қилди ва ўғлини юпантирди:

— Фам ема, даданг хом иш қилган эмас. Бой қизда, чиранади, ноз қилади. Тур ўрнингдан, қирқма қовун, тарвуз келтир. Бу ернинг нозу неъмати жаннатда ҳам топилмайди.

Уч кундан кейин тушки таом вақтида Аширмат тўй масаласини қариндошлар олдига узил-кесил қилиб қўйди. Чунки уларнинг муомаласи даллолнинг сабр косасини ниҳоят тўлдирган эди.

— Муддаонг нима, ичингда не дардинг бор, ёрил ҳозир!— қичқирди Аширмат.

— Аширмат, мен ҳам қийналиб кетдим. Гапни очти қиласай,— деди Мираҳмад дадиллик билан.— Айб ўзим-40 да. Қалта ўйлабман. Тўй бўлмайди, ҳеч иложи йўқ...

— Нега?— даҳшатли олайиб қичқирди Аширмат.

— Қизим рози эмас. Қенгашдим, партия бошлиғи-

миз ҳам қизим фикрини маъқуллади.— Мираҳмад со-
кин жавоб берди.

— Ҳа, дини ислом ургур, бадбаҳт! Қимлар билан
кенгашасан?

— Партия сўзи, партия кенгаши ҳар ишда ҳам кол-
хозчига зарур,— деди Мираҳмад.

— Боқижон ҳам боадабгина йигит эмас экан...— де-
ди она секингина.

— Балли, ҳар нарсага ўз оти ярашади,— деб таъкид-
лади Мираҳмад.

Аширмат овқатга ҳам қарамади, заҳар ютгандай
унинг юзи кўкариб кетди. Қейин у йиғламсираган товуш
билан қариндошлилк ва онасининг арвоҳи тўғрисида
узоқ гапирди.

— Хоҳлаган вақтингда — қиши-ёз, келавер,— деди
Мираҳмад.— Сен учун эшигим ҳамиша очиқ. Агар араз-
ласанг, у вақт ўзингдан кўр.— Мираҳмад ўрнидан туриб,
гёё юрагида тошдай чўккан ғашликдан озод ҳолда ўз
юмушига кетди.

Дарғазаб Аширмат унинг орқасидан сўкиб, қарғаб 20
қолди. Кўп ўтмасдан, унинг ўғли кириб келди. Тансиқ
кетидан хом хаёл билан юриб, ҳозир унинг сўнгги
умидлари барбод бўлган эди. Боқижон аламдан шақ-
шақ титраган дадасини кўрди-ю, вағиллади: «Келган-
дан буён қулогингизга танбур чертармидим, ишбоши!
Юринг, бундаңанг қариндошлар тузлиғидан ит товоғи
яхши». Аширмат дастурхон ёзиқлиқ хонтахтага бир
мушт уриб, ўрнидан турди. Вайсаб, пишқириб, кир сал-
лани бошига нари-бери чулғади-да, лапанглаб оғил то-
монга юрди. Боқижон эшакка қўнқайиб олган эди. Аёл 30
«қуда» омборхонадан хуржунни олиб чиқиб, Аширматга
узатди. Даллол хуржунни салмоқлаб, ранжиб ғўнғил-
лади ва эшакка минди. Бироқ остона олдида бирдан
тўхтаб, орқага бошини буриб қичқириди: «Қўйлакни
олиб чиқ! Қафан кийсин қизинг!»— «Хуржунда!» деди
она ва ичида қарғади: «Тезроқ ўзинг кафанга кир!»

Ота ва ўғил бир-бирларига қарамай, сўзлашмай,
эшакларини муттасил ниқталаб жўнашди. Қишлоқдан
чиққандан кейин Боқижон аччиқ-тизиқ гапириб, дада-
сига ёпишди, уни лақмаликда, овсарликда айблади. 40
Чолнинг ғазаби тутақди. Үғлини «шум қадам, наҳс бос-
ган» деб сўқди ва урмоқидай қамчи ўқталди. Бироқ
Боқижон тап тортмади, гап билан узиб-узиб олаверди.

10

— Сарупо кийиб, аргимоқ миниб қайтасан, демовдингизми, ҳай мақтанчоқ чол! Бу ёққа чиқишдан бир кун бурун ҳозир хотинингни ҳайда, деб машмаша қилмадингизми? Яхшиямки, қитдай гумонсираб сўзингизга кирмабман. Роса худо урар экан-да мени.

Аширмат ўдағайлаб, яна қамчи кўтарди:

— Бас энди, қора пешана! Даставвал бу ғалвани ким бошлади? Қарчифайдай учишни орзу қилмадингми, ола-тўгоноқ?

10 Йўлда бекатларда очкўзлик, хасислик орқасида рўй берган баъзи можароларга кўз юмиб ўта қолайлик, ўқувчи. Хуллас калом, бизнинг «аҳил» саёҳатчиларимиз тун ярмига яқин уйга қайтишди. Бироқ шалоқ дарвозага лўмбоздай қулф осиглиқ эди. Ювош чўри хотин қайга йўқолиши мумкин? Боқижон зўр таажжубда қолди, дарров девор дармиён қўшниникига кириб, суринтирди у. Қўшни хотин калитни узатди ва улар орқасиданоқ келин ўз онасиникига жўнаганини айтди.

20 — Бирон марта келмади? Қўлида нимаси бор эди?— сўради Боқижон бошини қашиб.

— Қайдан билай, мен пойлоқчими?— жавоб берди қўшни хотин.

Боқижон дадаси билан ҳовлига кирди, чироқ ёқиб айвондаги, уйдаги жиҳозларни бир-бир кўздан кечирди. Ҳаммаси жойида. Фақат сандиқда хотиннинг қишлиқ пальтосини, нимчасини, кўйлагини кўрмади. Юраги «шиф» этиб, айвонга чиқди Боқижон. Дадаси юпантирди:

30 — Хотин аҳли молпараст бўлади. Сотиб қўймасинлар, деб бирон жойга яширган чиқар.

Боқижон хотинини эртасига пешингача кутди-да, уни сўка-сўка сургаб келтириш учун юкурди. Қайнана куёв билан кўришгиси ҳам келмади.

— Матлуба қани?— сўради тоқатсизланиб Боқижон.

Қайнана саволга жавоб бермади. Боқижоннинг ва қайнатанинг қўлида қизи тортган азоблари тўғрисида куюниб, бидирлаб гапирди ва охирида кесатиш, ачитиш билан деди:

40 — Фишт энди қолипдан кўчди. Ёмон қизимни йўқлаб нетасиз?

Боқижоннинг кўз олди қорайиб кетди, ғазабдан ер тепиниб, бақирди:

— Лаънатини бир кўрай, қай гўрда ўзи?

— Ўйда эмас, кечака ипак фабрикасига ишга кирди,— жавоб берди қайнана.

Боқижоннинг бошидан чақмоқ ургандай бўлди. У ҳаллослаб фабрикага кетди, дарвоза олдида сабрсизлик билан ғижиниб узоқ кутди. Ниҳоят, гудокдан кейин тўп-тўп эркак-аёл ишчилар чиқиб, ҳар томонга тарқала бошладилар. Боқижоннинг кўз соққалари симобдай юмалаб ўйнарди. Мана, қий-чув билан чиққан бир тўда рус ишчи аёл-қизлари орасида у хотинини кўрди ва қичқириб юборди: «Матлуба!»

10

Бошида қизил рўмомча, эгнида пальто устидан япяни кўк жомакор кийган ёш хотин ҳар ёққа аланглади. Унинг чиройли юзида бир онда шўхлик ва табассум сўнди. Хоҳламайқираб бир четга чиқди у.

Боқижон жаҳлини тийишга тиришди. Бўғилиб, хириллади:

— Эсингни едингми? Бесўроқ, беижозат... Юр уйга. Хоҳлассанг осонгина, лекин мойликкина ишни ўзим топиб бераман.

— Раҳмат. У остонаяга қадам қўймайман. Ўз йўлим- 20 ни топдим энди.

— Кўядиган хотиним йўқ,— муштини сиқиб деди Боқижон.— Осмонга учсанг — оғеғингдан, ерга кирсанг — қулоғингдан тортаман, билиб қўй.

— Кўлингиз калта, зўравон! Яқинда судга келасиз, умброд айроламиш.

Матлуба кескин бурилди ва узоқлашган ўртоқларига этиб олмоқ учун югурга кетди. Боқижон тишларини ғижирлатиб, сўррайганча қолди.

Боқижон оч, ҳорғин, хафа ва ғоят бетоқат ҳолда 30 қайтиб ҳовлига кирган ҳамон: «Уф», дея айвонга ўзини ташлади.

Аширмат кафтдай ҳовли бурчидаги сичқон ини каби тор ошхонада ёвғон хўрда қайнатар эди. Ошхонадан кул ранг аччиқ тутун бурқиб, ҳовлига чиқди.

— Келин келмадими-а?— сўради ўғлидан.

Боқижон қовоғини яна кўпроқ осилтириб, лаблари ўшшайиб, асабий, титроқ товуш илиа деди:

— Ўйига бордим, топмадим. Фабрикага ишга кирган, дедилар. Фабриккайм излаб бордик, хўп сарғайиб 40 пойладик. Бир вақт қиз-жувонлар дув этиб чиқди, дар-

ров Матлубанинг ёнига суқилдим. Чекароқ олиб, «Фабрикка ишга кирибсиз, эшидим. Лекин менимча, фабрик тўғри келмайди, юр уйга кетдик», дедим. Унамади, хуллас, «Айриламан, у даргоҳга қадам босмайман», деди. Ўртоқларидан узилмасдан, жўнаб қолди. Мана, аҳвол шу,— оғзини очиб, бақрайиб турган Аширматга ўқрайди Boқижон ва қичқирди.— Уйимни буздингиз, тинчлигими ни яксон қилдингиз, бутун сиздан,— юzlари фазабдан бурушиб кетди. Ўдағайлаб отага югурди.

10 — Баччағар, фалокат, тур йўқол,— бақирди Аширмат ва қўлидаги катта ёғоч чўмични баланд кўтариб ҳужум қилди, хўроздай қизариб, кўзлари жаҳлдан ёниб кетди.

Боқижон фазабдан безгакланган ҳолда айвон лабига қайта ўтири.

— Аввало бутун айб сизда, гўрсўхта,— бўғилиб деди у.— Колхозга бошладингиз, аммо у ерда хўп таъзиримизни едик, сургалашиб шаҳарга қайтдик, Матлуба юзимизга тупурди. Мана аҳвол...

20 — Валати!— пишқирди Аширмат.— Ҳо, тавба, қилиқларингиз ёқмайди менга, ўғилжон. Боқдим, кўрдим, лаънати, эшак, кўр бўл! Ота ҳурмати қани? Айб ўзингда, хотинни аврашни-алдашни билмайсан. Акаси ўргулсин, фабрикда ишлайвер, маъқул, яхши қилибсан, демайсанми? Эриб, ортингдан эргашарди, келарди. Хотин бамисоли симоб, эр қаёққа чизса, шу ёққа оқади. Сен совуқ сўз, аглаҳ, гапни дўқдан бошлагансан, биламан ўзим.

30 — Бўлди, бўлди, ақл ўргатиб бўлдингиз, авлиё. Хуллас хотиндан ажрадим, шарофатингиз,— бақирди бетоқатланиб Boқижон.

Аширмат барала товуш ила узундан-узун сўкиб қўяверди. Бир лаҳзада қўшнилар дув йиғилдилар.

40 — Нима гап ўзи? Жон ота, қўйинг, жаҳлдан тушинг,— дедилар Аширматга ялиниб. Boқижон бўғилиб отадан шикоят қилди, воқеани сўзлаб, «Хотиндан айрилдик», деди. «Ҳаммаси гўрсўхтанинг қилмиши»,— деди. Ёғоч чўмични тўқмоқ қилиб яна югурди Аширмат. Қўшнилар, «Бас, бас, уят бўлади», деб ота ва болани босдилар.

— Матлубанинг ҳасратидан чанг чиқади, бу ерга асло қайтмайман, деб кетди,— деди ён қўшни маҳсидўз чол.— Келин мўмин, қобил, ювош жувон эди, аттанг,

аттанг... Айб отаңда ва ўзингда. Яхшилаб ёлвориб олиб кел. Ўзинг ҳам зорманда ҳуштагингни ташла-е, айб-ку! Ярашадиган ҳалол иш топ! Уқдингми?— деди таъкидлаб.

Ота-бала можаросини бир оз босиб, қўшнилар тар-қалдилар.

Аччиқ тутун тўлган ошхонада Аширмат ўчоққа тўн-қайиб қаттиқ-қаттиқ пулфлайди. Ҳўл тараша «пис» эта-ди ўчади. Ҳўрди, садағаси кетсин, ҳануз «биқ» этиб қайнагунича йўқ. Аширмат кир, қора қурум ёғоч қоп-қоқ билан дўппидай декчани дам ёпади, дам очади. Мана у бир ҳовуч туз ташлади, ерга қапишиб яна тара-шани пулфлади. Тўсатдан ёдига тушди: сув қўйган ҳамон туз ташлаган эди-ку. Шошиб дарҳол тотиб кўрди — ко-фар шўр: Сўкиниб, соли синган сөпол кўзадан декчани лим тўлатиб сув ағдарди, шопириб, қопқоқ билан ёпди.

Ҳайтовур ҳўрди пишди. Тузни кесмоқ учун ҳовуч-лаб қалампир солинган аччиқ ва шўр ҳўрдани икки катта сопол товоққа лим-лим тўлдириб айвонга кел-тириди.

10

Айвон тўрига чўкиб:

— Қани, болам, нонни тўғранг,— деди Аширмат.

Боқижон қаттиқ нонни бўз, кир дастурхонга теска-ри ағдариб мушти билан бир урди-да, қасирлаб майда-ланган нонни ҳўрдага бўктириди. Колхоздан олиб келган мойли патир ва кулчаларни Аширмат аллақачон пул-лаб, белга туккан эди.

20

— Қани патир-кулчалар?— сўради Боқижон.

— Э, ўғлим, е-е, қаттиқ нон — даво бўлади, нодон-сан!— жавоб берди чол.

30

— Ҳим... тушундим, пул киссага тушди денг,— деди Боқижон. Фоят очиққан эди. Шошиб ҳўрдадан бир хўп-лади, юзи бурушиб кетди:

— Бай-бай-бай... Мунча шўр, мунча аччиқ?

— Нонни тўғрайвер, тўғра кўпроқ. Аччиқ танга да-во, ич-ич,— деди коса устига мукка тушиб Аширмат.

Шўр ва аччиқ ҳўрдани аранг ичиб бўлгандан сўнг Боқижон тоқилари орасидан тупроқ тўкилиб турган эс-ки, тор, зах ва қоронғи уйға кириб хомуш ва хафа ҳол-да «уҳ» дея ўрнига чўзилди. У хаёл хонасини пармала-40 ган бемаъни, тихир фикрлар галасида қийнала-қийнала базўр уйқуга кетди.

383

* * *

Аzonда чол ғижирлатиб эшикни очди-да, секин уйга бошини суқди. Унинг устида айниганидан рангини фарқ қилиб бўлмас даражада эски (отадан қолган), кенг, ҳозир сандиқдан олингани учун нафталин бурқиган чакмон, бошида қозондай улкан кир салла эди.

— Отаси айлансин, тур, болам, вақт бўлди, бозорга кечикма, ҳозир айни вақти. Чой дамлаб қўйибман, ичда, жўна,— деди ғамхўрлик билан Аширмат.

10 Boқижон кўзларини катта очиб отага бир ўқрайди ва асабий равишда кескин ағдарилиб, тескари қараб ётди.

— Тур, болам, тур,— деди Аширмат ўғлининг қўполлик ва зардасига бепарво.

— Бўлди, бўлди,— эшикка юзини ўгириди ва қўлини пахса қилди Boқижон.— Тинч қўйинг мени, йиғиштирдим бозорни, кечдим ҳаммасидан.

20 — Эҳа-а, ҳануз нодонсиз, ука, бозор гўё бир кенг дарёки, агар уқув ва уддабуронлик, фикр ва қувлик кўп бўлса, у хазинанинг конидир. Жойида дўқ, жойида чучук тил ишлатсангиз, ақча ва мева·шароқ·шароқ киссага оқади. Лекин ўғилжон, ҳуштак — пўписанинг зап қуроли, буни унутма. Ҳаммасини, ука, мароми билан ишлатмоқ даркордир.

Boқижон тўрсайганича терс қараб, ёстиққа бошини ташлади ва сукут этди.

— Мен кетдим,— деди Аширмат,— бир икки обрўли, катта одамларни ўртага соламан, қўймайман, келади келин.

30 Кетмоқчи бўлиб эшикдан бир-икки одим узоқлашган эди, Аширмат бирдан яна қайтди:

— Ҳа, ростдан калитни жойига қистириб кет, билансан-ку...— деди ва салмоқдор юриб қўчага чиқди.

— Тавба, бугун сандиқдаги чакмон олинибди, тинчликмикан?— шивирлади гузардагилар бир-бирига.

— Зап ярашибди қийшиқ, кир салла, сагри калиш, бай-бай,— деди яна бириси.

40 Виқор ва фуур ила қаддини тик тутиб, Аширмат гузардан ўтди, тор кўчаларнинг бирисидан иккинчисига қайрила-қайрила келиннинг отаси уйига борди.

Дарвоза олдида икки қуда дуч келдилар. Аширмат васийлик ва виқор ила қўл узатар экан, Матлубанинг отаси қўл учини бериб:

— Эҳе, мунча саҳарлаб уйдан чиқибсиз,— деди та-
ажжубланиб.

— Утири, чирофим, гапим бор,— деди Аширмат дар-
возанинг ён супачасига ўтириб:— Хўш, қани бизнинг оп-
поқ келинчак, соғ-саломат юрибдими? Аммо бояқиши
боадоб, камтар, пок бола: жуда муҳаббатим баланд қи-
зингизга. Ишга лобар, баъзан зерикиб ўтирганда бирам
газаллар ўқийдикни, сел бўлиб, пиқ-пиқ йиғлайман.

— Бас, раҳмат, мадҳиянгизнинг ҳожати йўқ, ота-бо-
ла хўп қилдингиз жабрни,— бетоқатланиб пўнфиллади 10
куда.

Аширмат жаҳлдан қизариб кетди ва қўлини пахса
қилароқ, одатдагидан ортиқ хириллади:

— Э, оллонинг ношукур бандаси, қани, чақир, ўзи
 билан гаплашай. Лекин иним сал тушинг пастга, келин-
чакни ўз қизимдай кўраман ахир.

— Ота,— деди секин қовоғи солиқ ҳолда қудаси.—
Қиз аzonлаб фабрикка кетган. Аммо ихтиёри ўзида,
аралашмайман.— Бирдан юракдаги ғазаби яна чайқа-
либ кетди ва ўзини босолмай қичқирди:— Исқирт одам- 20
сиз, алдаб қўлга туширдингиз мени, бир дафъя қизим-
ни ўтга ташладим, элдан, юртдан кўп номус қилдим,
энди бас, ақлим кирди.

— Турмуш дарёдай тўлғаниб туради,— деди Ашир-
мат қудасини аврамоқ учун юмшоқ товуш ила.— Баъзи
нуқсонлар, қусурлар бордир, эҳтимол, аммо тўйни ёмон
қилмадим. Мақол бор — тўй ўпкасиз бўлмас, дейдилар.

— Бас, ота, тўйни гапирманг, ўтган ишга саловат.
Қизимни сизнинг даргоҳингиздаги кўрган турмушига
ачинаман. Усти жулдуру, егани қаттиқ нон. Кўчама-кўча 30
тентираб, тезак терсин, бир гала товуқни тезак билан
боқсин. Тухумини Аширмат санаб бозорга югурди. Уят,
номус! Э, астрафирулло, пасткашлик ҳам эви билан-да.

Аширмат бўзариб ўрнидан турди:

— Товуқ жонивор пок маҳлуқ. Пайғамбар алайҳис-
салом, товуқ пок ва улуғ, деганлар. Келин бояқиши ти-
зак терса, савобини кўради. Кейин тирикчилик ҳазил,
осон гап эмас, ҳаётни билмайсиз, қуда.

— Бас, ўргатманг, менга. Қизимнинг ихтиёри ўзида,
аммо менимча овора бўласиз, фойдаси йўқ,— деди ва 40
хайрлашмади ҳам, қаёққадир тез юриб кетди.

Аширмат кечга қадар тентираб бир неча таниш-би-

лишларга учрашди. Улардан «қайдам», «кўрамиз-да», «фойдаси бўлмас» деган гаплардан бошқа биронта умидвор гап эшита олмади.

Шундай қилиб, бечора исқирт Аширмат ҳорғин ва паришон ҳолда уйга қайтди. Заҳар ва ғазаб ўшқириб ўтирган Боқижонга сўз қотмасдан, аввал товуқларга гўнг сепди. «Келин бояқиши гўнгни хўп ғамлабди, лекин арпа-да, арпа...» деди ичида шивирлаб. Кейин айвон олдида тўхтаб:

10 — Чизи бор, сабр қил, ақл ва ҳийлани бирга чандиб ишлатмоқ лозим, сен ҳануз нодонсан,— деди.

Боқижон юзини терс бурди:

— Бўлди-бўлди, бас! Бозорни, ҳуштакни ҳаммасини тарк этдим. Ҳалол меҳнат излайман,— деди ва қайгадир чиқиб кетди.

Аширмат хўмрайиб қараб қолди.

XXVI

Ўктам шинель елкасидан ва шерозий қоракўл папоридан қорни қоқиб-суқиб, Сайрамовнинг кабинетига 20 кирди. Райком секретари унинг қўлини қайта-қайта маҳкам сиқди-да, кулиб, деди: «Совуқ қотибсан, қани кел, печкага».

Икковлари икки стулни кўтариб, сезилар-сезилмас бўёқ ҳиди таратган иссиқ печкага яқин ўтиришди. Сайрамов «Қазбек»ни очиб, йигитга тутди ва ўзи ҳам лабига қистирди-да, паға-паға ёғаётган илк қорга деразадан қараб, ташвишланиб, деди.

— Қор яна пича сийласа бўлар эди. Қалай, ишга нуқси тегади-а?

30 — Вақтида ёғди,— жавоб берди Ўктам.— Юракда ўт бор, иш ўз йўли билан кетаверади...

— Ҳа, гап мана шу ўтда. Тўғри, тўғри, лекин вазифа мана шу ижодий ўтни тобора алангалатишда,— деди Ўктамнинг елкасига қўлини секингина қўйиб Сайрамов.

Маблағлар тақсимоти ва ҳоказо тўғрисида хийла гаплашгандан кейин, ниҳоят, ўз мақсадига ўтди.

— Энди гидростанция қуриш учун астойдил бел боғлашимиз керак, ўртоқ Сайрамов,— деди Ўктам,— маслаҳатлашгани келдим, бу тўғрида сизнинг алоҳида 40 фикрларингиз, планларингиз бўлса керак.

— Жуда соз,— деди Сайрамов диққат билан Ўктамга қараб.— Халқ орзусини амалга оширишдан каттароқ баҳт борми? Қани, олдин билай, нима қилмоқчисиз?

Шу вақтда эшик очилиб, Комила бошини суқди ва оҳангдор жаранг овоз билан чўзибгина сўради:

— Мумкинми?

Сайрамов ўрнидан сакраб туриб: «Марҳамат», деди. Улар шўх кўришишди. Ўктам қизариб-бўзариб кетди. Қизнинг совуқ қўлини сиқиб, ҳаяжонини яширмоқ учун, дарров печка эшикчасини очиб, ўт билан оворадек кўринди. Комила катта тивит рўмолини ечиб, Сайрамов ёнига ўтириди.

— Хизмат?— мурожаат этди Сайрамов.

— МТСга келгандим. Бирров сиз билан учрашиб кетай, дедим. Масала кўп. Манав қор ҳам...

— Яхши келибсиз. Мана, Ўктамжон катта бир проект билан келибди, бирга тинглаймиз,— деди Сайрамов кафтларини ишқалаб.

— Булар бу йил ишни боллади, қадамини узун-узун қўйишса арзийди,— деди Комила хурсандлик билан.

Ўқтам энди дадилланди, Сайрамовга кўзини қисиб, деди:

— Бу киши болламади! Йўқ, бизникилар сизникилардан ҳали кўп нарса ўрганиши керак, Комилахон. Ялписига қирқ олти центнердан ҳосил олдингиз-а! Биз аранг қирқ қилдик. Хўш, энди орзуга кўчайлик. Биринчидан, қишлоқни, албатта, ёритиш керак, иккинчидан, ҳар оила рўзгорида ҳам электрдан фойдалансин, учинчидан, деҳқончиликни ҳам бирин-кетин электртга кўчрайлик. Мақсад шу. Маблағ жиҳатидан хотиримиз жам. Яна бизда усталар жуда кўп. Бу азаматлар «Фарҳод» да ва бошقا қурилишларда ишлаб, ҳар хил ҳунар, касбни пухта ўрганиб олишган... Гапни лўнда қилсан, проектим, планим мана шу...

Сайрамов қаламни қўлида гоҳ ўйнаб, гоҳ ҳавода қандайдир чизиқлар чизди, ўйланиб, Комилага қараб:

— Сиз нима дейсиз?— деди.

— Менимча яхши план,— жавоб берди Комила.— Бизникидан хийла кучли станция бўлади. Бизники ҳозирги эҳтиёжимизга bemalol кифоя қилсаям, келгусини таъмин этолмайди. Андоzани кенгроқ олишимиз керак экан-да.

— Яиги ер очишга қандай қарайсизлар,— сўради

бирдан Сайрамов ва кулимсираб ҳар иккисига қаради.

— Кошкийди кенгайсак! — деди кўзларини жавдиратиб Қомила.

— Ер жўнидан сиқиқроқмиз,— деди бошини аста қимирлатиб Ўктам.

— Кўшимча майдон бўлса, бир қаричини қолдирмасдик. Тўрт тарафга қарайман — чегара. Йилдан-йилга қанотингни, қулочингни ёйишга имкон берадиган кенгдан-кенг яхлит майдон тўғрисида хаёл сурман, баъзи вақтда ўйлаб-ўйлаб Мирзачўлга учгим келади, ўртоқ Сайрамов.

— Мирзачўлнинг бағри кенг,— деди Сайрамов.— Ундан қарийб юз минг гектар қамраб оламиз. У чўл кўкаламзорга айланяпти. Уни эгалловчилар бор. Амударёни жиловласак, Ўзбекистон бутун-бутун янги пахта водийлари яратади. Бу ишларнинг бари халқимизнинг коммунизмга томон ҳамласидир, дўстларим. Совет халқлари янги улуғ даврга кириб бораётир. Совет Ватани Кремль юлдузларини жаҳон устида борган сайин баланд кўтариб кишиликни баҳт ва нур тўла келажакка — коммунизм қуёшига элтаётир. Ҳар бир совет одамнинг юраги шу даврнинг руҳи билан тепиши керак. Биз ҳар бир ишимизнинг мазмунини шу улуғ мақсадга мос қилишимиз лозим. Республикамиз олдида жуда азим, жуда юксак вазифалар турибди. Лекин бизнинг келажак сари улуғ ҳамламиз, мислсиз тараққиётимиз уч азamat кучга асосланади: сув, ер, электр. Бу уч қувватни эгаллашимиз керак. Буларнинг аҳамиятини сизга исбот қилишга ҳожат борми? Сизга-я?! Яқиндагина сув гадоси, ер гадоси, нур гадоси бўлган бир халқнинг болаларига-я?! Ўзбекистон йилдан-йил ерга ер қўшиб келяпти. Аммо бизга яна-яна серқулоч далалар керак. Қаердан оламиз? Мана, Ўктаимjon Мирзачўлни обод қилишни орзу қиласди. Жуда баланд, мардона орзу. Аммо Мирзачўлни қучоққа тортмоқдамиз. Хўш, дашт-биёбон чўлу саҳро бизда озми? Бениҳоят кўп. Олинг, ён бағри мизда ётган Қуш қўнмас чўлни. Ахир бу ер худди танда пайдо бўлган ёмон ярадай кўм-кўк водий ўртасида қақшаб, тутақиб ётибди-ку...

40 — Эҳе, сув жаҳаннамда, ер осмонда...— деди Ўктам ҳайратланиб.

— Қулоқ солинг,— давом этди қизғинлик билан Сайрамов,— сув фақат ернинг қони, жонигина эмас,

сув — электр энергияси манбай ҳам. Сувга кучли гидростанция қурилади-да, унинг энергияси сувни жардан моторлар билан тепага, чўлга кўтаради. Қарабисизки, ўн минг гектар майдонга жон ва ҳусн кирибди-да!

Ўқтамнинг диққатдан тиришган пешанаси бирдан алланечук ёришиб, нурланиб кетди. Ўйланиб, папиросини тез-тез тортаётган Сайрамовга Комила хаёлчан табассум билан тикилиб қолди.

— Дарвоқе, катта иш, кучли станция қуришга тўғри келади. Жуда чиройли фикр,— деди Ўқтам енгил хўр-10 синиш билан.

— Совет одамларига улуғ ишлар, катта йўллар мунносиб, йигит!— ўртоқларча ҳазиллашиб туртиб қўйди Сайрамов.

— Хўп, ким бажаради, қачон? Ҳалитдан юрагим қайнаб кетяпти,— деди Комила қувонч билан.

— Албатта, бундай қурилиш район ёки бир неча сельсовет миқёсида амалга оширилади,— деди Сайрамов.— Албатта, катта, давомли тайёргарчилик керак бўлади. Ҳа, яна сизлар ўйламангларки, Сайрамов печка олдида исиниб, ўзича хаёл суряпти деб...20

— Э, айни ҳақиқат-ку,— деди Ўқтам қўлини палахса қилиб, ўрнидан сал қўзғалиб.

— Бу фикр менда ҳозир туғилгани йўқ,— давом этди сўзида Сайрамов.— Бунинг тарихи бор. Айтиб берайми? Ёзда бир кун шу чўлдан ўтишга тўғри келди бизга. Орамизда партия ва ҳукумат раҳбарларидан ҳам бор эди. Раҳбар ўртоқлар чўлга катта эътибор беришди. Машиналардан тушиб, атрофни синчиклаб, қунт билан текширишди. Ҳар нав қурилиш ва сувориш бобида уларнинг тажрибаси зўр. Ана шундай қилиб, чўлни обод қилиш фикри у кун туғилди. Энди нима қиласми? Биз коммунистлар бу фикрни халққа етказишимиз, уни курашга шайлашимиз керак. Бизнинг халқ, колхоз оммаси ер, сув, электр учун курашга ҳамиша тайёр. Ҳамма колхозларда электрлаштиришга зўр интилиш бор. Кўплари станция қуряпти ҳам. Бу қурилиш шундайки, натижада халқ ана шу уч қувватни бир варакай эгаллайди.30

— Жуда соз,— деди Ўқтам.

— Айни муддао!— деди Комила.

— Дастрслаб биз бу ерда масалани ҳар томонлама муҳокама қиласми, мутахассислар билан кенгашамиз.40

Яна улар билан бирга даштни миридан-сиригача текширамиз. Қейин мен Тошкентга тушаман-да, раҳбарларимизга арз қиласман, ижозат оламан, ёрдам сўрайман. Ишонаманки, қурилишни халқ катта суръат билан амалга оширади. Пичагина тажрибамиз ҳам бор-а, Комилахон?

Комила, ҳа, дегандай кўзларини маънодор қисиб қўйди.

10 Сайрамов бирпас жим бўлди, севишганларга бир-бир қараб қув табассум билан деди:

— Балки, янги ер ораларингдаги қизиқ тортишувга ҳам чек қўяр.— Ўқтамнинг кўзлари чақнаб кетди, ялт этиб Комилага қаради. Қиз уятчан табассум билан ерга тикилди. Сайрамовнинг юзи нурланиб, қандайдир кучли шавқ билан сўзида давом этди:

20 — Ижодий файратингиз учун кенг майдон очилади, Гигант колхозлар тузасиз, ҳар жиҳатдан сўлим қишлоқлар барпо қиласиз. Ҳа, шундай қишлоқларки... Аҳ, шоир эмасман-да! Масалан, ҳар уйдан, ҳар боғдан баҳтили ҳаёт барқ урсин, масалан, ҳар меҳнат одами жисмоний ва маънавий юксалиш учун тўла имкон топсин. Мана буларинг барини даҳшатли Қуш қўйнмасда, ўлик ерда яратасиз. Бу планнинг отаси — меҳнат. Чўл қўйнидаги яширин хазинани ботирлик билан очасиз, уни инсон баҳтига сарф қиласиз. Демак, иш беҳад, дўстларим. Ҳа, янги водийда икковларинг бир колхозни оласизларми, ё қўшни икки колхозда ишлайсизларми — бу нарсанинг, менимча, аҳамияти йўқ. Бу нарса муҳаббат йўлида тўсиқ бўлолмайди.

30 — Жуда тўғри,— деди Ўқтам ҳаяжон билан.— Менимча, ҳамма нарса Партияга боғлиқ. Агар Партия лозим кўрса, биз иккимиз бир звенода оддий кетмончи бўлиб ҳам ишлаймиз. Партия лозим кўрса, биз иккимиз катта мамлакатнинг икки бурчагида ҳам ишлайверамиз. Бошларимиз бир, юракларимиз бир бўлса, бас.

Комила Ўқтамга шундай қарадики, унинг йигитга бўлган севгиси бутун самимийлиги ва гўзаллиги билан яшнаб кетди.

40 Сайрамов тез орада қурилиш масаласи бўйича катта кенгаш чақиришни билдири-да, соатига қаради ва лабини тишлаб, деди:

1. شешкүн чор турарын чор жонна :
 2. Сиңеңде шөйбәт күннөң - бирзагын саңып,
 3. Балын айре, плағыннан жакшырылса да жадамда,
 4. Біршілдә . 8. (8 сарындың шоқтандың бірнеше дәл)
 5. Туңарқынан жаңынан жаңынан жаңынан
 6. Айнан күннөң жаңынан жаңынан
 7. Болжыннан жаңынан жаңынан
 8. Туңарқынан жаңынан жаңынан
 9. Болжыннан жаңынан жаңынан
 10. Болжыннан жаңынан жаңынан
 11. Болжыннан жаңынан жаңынан
 12. Болжыннан жаңынан жаңынан
 13. Болжыннан жаңынан жаңынан
 14. Болжыннан жаңынан жаңынан
 15. Болжыннан жаңынан жаңынан
 16. Болжыннан жаңынан жаңынан
 17. Болжыннан жаңынан жаңынан
 18. Болжыннан жаңынан жаңынан
 19. Болжыннан жаңынан жаңынан
 20. Болжыннан жаңынан жаңынан

Романга тайёргарлик жараёнидаги қайдлар.
Муаллиф дастхати.

— Кечирасизлар, ҳозир маорифчилар билан мажлис ўтказишимиз керак.

Комила бир оз гаплашишга вақт сўради. Ўкта майрам секретари билан узоқ қўл қисишиб, эшикка чиқди. Илк қор ўйнаб-ўйнаб ёғар эди. Дараҳтлар тоза момиқ-қа ўралган. Ўкта майрам хушвақт ва ҳаяжонли эди. Майин қорни завқ билан ғарч-ғурч босиб, тротуарда у ёқ-бу ёққа аста юрар, «Комила бу ерда бирон ишга ё мажлисга ўралашиб қолмасайди», деб хавотирланарди. Кўп ўтмасдан Комила югуриб чиқди ва ҳозир қишлоққа жўнамоқчи эканини айтди. Ўкта майрам суюниб, деди: «Мен ҳамроҳ». Комила индамади, бўйдор, ўмрови кенг тим қора отни ечаркан, лабларини сал илжайтириб, секин деди:

— Бу ерда иш-мишингиз бўлмасин яна...

Бу гапнинг оҳангидан Ўкта майрам шамолдан қолинг, деган маънени сезди ва думи, ёли қоп-қора чиройли саман отига эпчил минди. Отлиқлар орқасидан кимдир маънодор йўталиб қўйди. Район марказидан узоқлашгандан сўнг, улар юришни бир оз секинлатиб, гаплашиб кетдилар.

20 Комила совуқ шамолдан қизарип йилтираган юзига, узун, қуюқ кипприкларига урилган қор парчаларидан сақланиш учун дам рўмоли билан бурканар, дам ғаши келгандек, яна юзини очар ва қувноқ, шўх товуш билан сўзлар эди:

— Эрталаб деразадан қарасам, ҳамма ёқ оппоқ... Кимга қорхат ёёсам экан, деб ўйладим. Сизга ёзгим келди. Уйингиз яқин бўлса эди, албатта, ёзар эдим...

Ўкта таажжубланиб, ёқасини ушлаб, деди:

— Мен-чи? Барвақт турдим, юзимни, бўйнимни қор билан аскарчасига роса ишқаладим. Бир вақтки қорхат шўхликлари эсимга тушди бирдан. Унуга ёзган эканман. Кимга ёза-я? Қаранг, ёлғиз сизга ёзгим, қўлингизга қистириб, ура қочгим келди-я. Биласизми, нимадан? Кўнгилларимиз яқин...

— Балки...—деди Комила кўзлари билан кулиб.— Лекин қанчалик яқин билмайман...

— Билмадим, сизники қандай, аммо меним юрагим сизда,— деди Ўкта ёлворган товуш билан.

— Йўқ, қайтариб олинг, ўзингизга керак бўлади,— кулиб ҳазилга олди Комила.

Йўлнинг ярмидан ошганда, Ўкта баландликда қамчи билан ўнг томонга ишора қилиб, олиса фира-шира тўлқинланган тепаликларни кўрсатиб, уларнинг орқаси

худди Сайрамов айтган чўл эканини айтди ва кўриб келишни таклиф қилди. Комила елкасини қисиб, деди:

— Ким кўрмаган у даштни?

— Комилахон, мен иложи бўлса, ҳозир у ерда капа тикишни истайман. Чўлнинг тузилишини кўргим келяпти жуда,— деди ишонч билан Ўкта.

— Бу қурилиш, тўғриси, юрагимни жазиллатяпти, ҳақиқатан, ажойиб иш. Лекин тунга қоламиз-да.

— Соат — бир,— Ўкта соатига қараб деди.— Чавандозмисиз? Шомда қайтамиз.

10

Комила, бўпти, дегандай бошини қимирандади. Отларнинг човларига шатта-шатта қамчи тушди. Отлар пишқириб қаттиқ елдилар. Секин-секин пахта далалари ҳам орқада қолиб кетди, дараҳтлар ҳам кўздан ғойиб бўлди. Ниҳоят, отлиқлар жарлик оша тепаликларга кўтарилгандан кейин, чўл бошланди. Йиртқичдай увиллаған шамол қутурар, қорни оппоқ тўзонга айлантириб, кўкка совуруар эди. Комила юзини кўзларигача рўмол билан беркитиб, бошини қуюнга терс буриб, йигит орқасида изма-из от югуртирап, тепаликларга кўтарилилар, қияликлардан отилар эди. Унинг қони қизишган, юраги тўла шавқ. Шу топда йигит орқасидан қайга борса боргудай. Ўкта ўзини чўл хўжайнини сезиб, теваракка қарчифай боқиши билан аланглаб, отни истаган ёққа кескин буар эди. Ниҳоят, кўз илғамас улкан, оппоқ текислик ўртасида улар тўхташди. Отлар бурунларидан буғ буруқтириб, сўлиқ чайнаб, пишқирап эдилар. Ўкта қаршисида от ёлини қамчи билан секин силаб, ҳансираган қизга деди:

— Даштнинг киндиги мана шу ер. Қаранг, қандай 30 кўкракдор майдон! Сувни айқиртир — қулинг ўргилсин пахта водийсига айланади...

Янтоқлар, ҳар нав тиканли ўсимликлар, даккам-дуккам бужғун буталаридан ўзга ҳеч нима кўзга чалинмаган ва қор қуюнлари қайнаган ваҳший ерга Комила аллақандай меҳр ва хаёлчанлик билан узоқ вақт тикилди-да, деди:

— Бу биёбоннинг ёзги жаҳаннамидан, қишки қаҳридан чўчиб, одамлар бу ерга қадам қўйишдан ҳазар қилишган. Номи ҳам кўрсатиб турибди-ку — Қуш қўнмас. 40 Одам қандай қадам қўйсин! Бизнинг кампир бўлса, бу чўлда тиљсум борлигини, уни олов пишқирадиган бир

- аждаҳо пойлаб ётишини бир вақтлар худда ростдай қилиб гапиради.
- Мана, энди эски даҳшатли эртак йўқолади,— деди Ўқтам фурур ва ишонч билан.— Энди бу чўлнинг янги, чиройли эртаси бошланади. Совет одамлари аждаҳони ўлдиради, тилсимни очади. Тилсим — чўлнинг юрагида яширин куч ва бойлик... Сув келсин — йўллар, хиёбонлар, парклар, боғлар, стадионлар барпо бўлади. Эртанги бу водийда сиз айтган аждаҳо нафасидай гарим-селлар ўрнига бу ерда дилкушо шабадалар эсади. Бағри кенг бир колхоз тузиш учун менга ер айириб беришсалар, бас.
- Хўш, колхозингиз учун қанча ер керак!— қизиқиб сўради Комила.
- Ўқтам отни нари суриб, қизга ёндашди ва унинг қўлига қўлинини қўйиб, жавоб берди:
- Минг гектар ёлғиз пахтага. Беда, ўтлоқ учун ярим минг гектар. Юз гектарда мевазор боғ яшнайди. Яна шунча ер нуқул токзор...
- Винога бой бўлар эканмиз-да,— жаранглаб кулади Комила.
- Навоийнинг шеъри эсингиздами? Шоир вино тўғрисида жуда сўлим сўз айтган:
- Эй Навоий, бода бирла хуррам эт кўнглунг уйин,
Не учунким, бода келган уйға қайғу келмади.
- Комила шоирнинг сўзларини ҳис билан такрорлади. Ўқтам қиз томон оғиниб, қўлини унинг бўйнига ташлади. Ҳар иккисининг кўзларида лим-лим севги ёнар эди. Минут ўтмай, севишганларнинг қизғин лаблари эҳтирос билан ёпишиди... Комила силтаниб бошини кўтарди ва уялигина тескари қаради-да, отини нарироқ сурди. Ўқтам яна ёндашиб, қизнинг рўмолидан, пальтосининг кенг қоракўл ёқасидан қорни астагина қоқиб қўйди. Яна кўзлар бадтарроқ ув тортган, хунук, очофат, ваҳший даштнинг хўмрайган уфқларида айланди. Яна даштни эгаллаш ва обод қилиш ҳақида жонли, қизғин гап бошланиб кетди. Ниҳоят, Комила жунжиб, чарм қўлқопли панжаларини бир-бирига ишқаб, деди:
- Жўнайлик, тез орада бу ерларга келамиз. Аждаҳони бўғмоқ учун енгларимизни ҳимариб келамиз.
- Отлиқлар дастлаб отларни аста ҳайдашди, кейин қамчи ўйнатиб елдиришди. Баъзан Ўқтам отни кескин

равишда тўхтатиб, уёқ-бу ёққа диққат билан тикилиб қаар, адашмасликка тиришар эди. Қош қорайганда, катта йўлга чиқиши. Комила жиловини тортиб, юришни сидирғалаштири ва ҳорғин, лекин мамнунлик билан узун «уҳ» тортиди.

— Ана саёҳат!— деди у кулиб Ўккамга.— Галати одам экансиз, айтганим — кесганим дейдиргандардан экансиз. Яхши, адашмадик...

— Адашишдан қўрқингизми?

— Нега қўрқай? Тагимда отим, ёнимда арслондай 10 ҳамроҳим... Лекин сал адашсак, тунга қолардик, қийналардик. Ҳа, мен кечаси ўртоқ Сайрамовга телефонда айтайми?

— Айтинг, кўрасиз, хурсанд бўлади,— жавоб берди Ўккам.

Комила ўз колхозининг чегарасига яқинлашганда, энди қайтишни Ўккамдан ўтинди. Йигит қизнинг қўлини қўйиб юборгиси келмай, гапга тутди-да, ноилож хайрлашиб, отни бурди ва колхози томон шиғаб ҳайдаб, тўғри клубга келди. Қишки чойхонада одам қалин эди. 20 Колхозчилар тўп-тўп бўлиб, улфатчилик қилишарди. Баъзи ёш-яланглар шахмат доналарини жимгина суриншар эдилар. Тўрда, қизил бурчак ёнида маҳсус ясалган баланд тахта айвончада, колхоз музикачилари машқ қиласар эди. Бети, қўли қорамой Эгамберди бобоси тенги бир тўда кексаларга қандайдир фокус кўрсатиш билан овора эди. Ўккам ўз звеноси билан нима тўғрисидадир жиддий гаплашаётган Собир Эрматовнинг ёнига ўтириди ва шинелинни ечиб, орқасига ташлади. У жуда очиқкан эди. Овқат тадорикини кўриши Собирдан илтимос 30 қилди.

— Қайнананг суръ экан, паловхон дамлоғлик, қаердан келдинг? Кўзинг ширакайфдай йилтираяпти,— деди Собир айёрча кулиб қараб.

Ўккам хурсанд илжайиб қўйди ва дўсти узатган пиёлани аста ҳўплаб, оддий колхозчилар катта шавқ билан бажараётган музикани, қўшиқни тинглай бошлиди ва гоҳ-гоҳ куйнинг оҳангига бармоқларини шиқирлатиб жўр қиласар, лекин унинг бутун хаёли ваҳший увиллаган чўл билан банд эди. Кўп ўтмасдан, улкан 40 лаганда буғи бурқиган хушбўй палов келтириши. Буни Собир звеносидаги энг ташаббускор, куюнчан колхозчи — кичкина, чаққон, шўх Шокир силлиқ пиширган

эди. Ҳар ишни тез ва силлиқ бажарган Шокир бутун колхозда танилган ошхўр ва паловпаз эди. Ўктаам дўстларга қизиқиб, ошни яхши еди. Шокир силлиқ билан бирпас асқия қилишгандан кейин, Ўктаам янги қурилиш ҳақида Сайрамовнинг фикрларини муфассал гапирди. Собирнинг звеноси маҳлиё бўлиб тинглади.

— Большевикча иш деб буни айтадилар,— деди Собир кўксини кериб.— Партиянинг иши ҳамиша шундай доно бўлади. Ўктаамжон, ғайратингга ғайрат қўш. Манга ҳаммамизни қанотингга ол. Лекин менга бу улуғ ишда оғир участкани берасан, райондаги жамийки коммунистларни чақираман; чўлга қарши бир атака ясайлик!

— Коммунистлар ҳозирдан бошлаб ташаббусни қўлга олишлари керак,— деди Ўктаам.— Қурилишда бизни килар ҳаммага ибрат бўлсин. Қурилишга тайёргарчилик билан бирга, азаматлар, биз баҳорни бир минут ҳам унутмайлик, келаси ҳосилни ҳозирдан ундиравериш керак.

— Юз ўн центнердан паҳта бериш учун ҳосил тўғрисида ҳар кун юз ўн марта ўйлашга тўғри келади...— деди звено аъзоларидан калладор, камгап, бақувват, чўтирнамо, ёши хийла етуқ Шоназар.

Ўктаам суюниб, ялт этиб, Собирга қаради.

Собир сийраккина мийигида кулиб, деди:

— Ўсаржондай йигит билан мусобақа қилишсанг, армонда кетмайсан. Бугун икки звено йигилиб бирпасда шартлашдик. Ҳар икки томон ҳам баланддан келди...

— Эртадан далага ўғит ташимасак бўлмайди. Комсомоллар — ўткир халқ,— деди таъкидлаб Шокир силлиқ.

Ўктаам ҳар икки звенони мақтади. Уларга муваффақият орзу қилди ва колхозчиларнинг умумий мажлисида «110»чиларнинг мусобақасини байроқ қилиб, ўзга ҳамма звеноларни юқори ҳосил учун курашга чақириш кераклигини уқтирди.

— Халқ мўл ҳосил учун ёппасига кўтарилиди, Ўктаамжон,— деди Шоназар.— Ҳар кимнинг қўлида даста-даста пул, омбори тўла буғдоӣ, қўшалоқ-қўшалоқ бўрдоқини сўйиб, мойини хумга босяпти, гўштини тандирга ёпяпти. Ҳамма фаровонлик паҳтадан, ука.

Ўктаам дўстлар билан яна бир оз ҳангама, қизиқчилик қилиб, ўрнидан қўзғаларкан, Собир унинг шинели этагидан тортиб ўтқазди ва овозини пасайтириб тўй

ҳақида гапирди. Звено аъзолари унинг фикрини маъ-
қуллаб, тўйни тезроқ бошлашни таклиф этишди. Қатта
ишлар олдидан ўзи бош-қош бўлиб дўстининг тўйини
ўтказиш кераклигини Ўктам жуда истаса ҳам, куёвнинг
жигига тегиш учун, ўзини бепарволикка солиб, индамай
ўтираверди.

— Собирнинг жигарчи куйди, қизни уйқуси... Қовуш-
тириб қўяйлик,— деди шивирлаб Шокир силлиқ.

— Қиз айнаб қолмаганмикан-а?— деди Ўктам бош-
қаларга сал кўзини қисиб. 10

Собир тўрсайиб қараб қўйди-да, юзини буриб, деди:

— Дўстингдан топ! Нафасини қаранглар-а...

Ўктам хаҳолаб кулди ва қўлини Собирнинг кенг ел-
касига қўйди-да, тўй анжоми тайёрми, йўқми эканини
суриштируди.

— Эртагаёқ қулоғидан оёғигача ясантираман. Тўй
кунини тайинлаб бер фақат,— деди ғуур билан Собир.

— Ўзи бой қиз, сенинг зийнатингга зорми?— деди
Шокир силлиқ.

Ўктам эрта бириси куниёқ қизнинг ота-онаси билан 20
гаплашиб, ҳамма масалани ҳал этишга ваъда берди.
Собирнинг кенг мардона юзини табассум қоплади. Ўк-
там шинелини елкага солиб, кўчага чиқди. Қор тинган
эди. Унда-мунда ўлдузлар хира милтирас, совуқ аччиқ-
кина; оёқлар остида қор кескин фарчиллайди. Ўктам
жунжиб, идора томон югурди. Қабинетда Мирҳайдар
кичкина чўян печка ёнида Саксон ота билан ҳангама-
лашмоқда экан. Ўктам саломлашиб, стулини икки кекса
ўртасига қўйди ва қўлларини чарс-чарс товуш билан 30
ёнган печкага узатди-да, мамнунлик билан чолларга
бир-бир тикилиб қаради. Саксон ота кеккайиб, олифта-
намо ўтирас эди, унинг узун чиройли соқолида, янги
фарғонача одми шоҳи чопонида ўт шуъласи товланар
эди. Мирҳайдар эса энкайиб қўлидаги оташ қисқич би-
лан тўқилган чўғларни ўйнар эди.

— Отанинг янги орзусини тингла, Ўктамжон,— деди
Мирҳайдар салмоқланиб.

— Хўш?— ялт этиб чолга қаради Ўктам қизиқ нар-
са эшитгиси келиб.

Саксон ота индамай, лекин ғуур билан илжайиб 40
қўйди. Мирҳайдар салмоқланиб гапни давом эттируди:

— Ота жуда каттадан кетяпти, Ўктамжон, машина

оламан, дейди. Машинанинг юмшоққина тұшагида чай-қалиб, катаиса қиласман, дейди.

— Қойилман, падар,— деди Үктам чолнинг елкасини меҳр билан қоқиб,— соқолингиз оқ-ку, кўнглингиз фунчадай ёш-да. Бироқ бир хавф борки, машинадан кейин яна кўнглингиз шўхланиб, биронта дўндиқчани тусаб қолмаса...

— Балли, бир орзу ўн орзу болалайди,— деди ҳазиллашиб Мирҳайдар.— Тўйингизга мен ўзим тўй боши бўлишга тайёрман-ку, лекин Нуқранисо холамга ачинаман. Қартайганда кундош зулмини кўриш оғир...

Саксон ота соқолини селкиллатиб, қиҳ-қиҳ кулди ва ишқ ҳақида, ёшлидаги саргузаштлари ҳақида узоқ ва мароқли гапириб, кейин деди:

— Кечаки туғилган эварамдан айланай, арслонтойни қўлимга олдиму, кўзимдан ёшлини тиялмадим, азбаройи хушвақтлигимдан... Бу ҳам — қарилликнинг кўрки... Ҳазилни қўйинглар, кампиржоним — қадрдоним. Аммо машинани ҳавас қиласам ярашади. Замонимиизда умр зийнати бу. Балки айтарсизки, бир карвон невара-чеваранг бор, бошингда катта рўзғор, кўрпангга қараб оёқ узат, деб. Лекин бу жиҳатдан, худога шукур, хотиржам. Ўзларингга маълумки, уй-айвоним қатор. Омборда буғдойим, хум-хум мойим. Қўш сигирдан болаларни оғзи оқ... Хонадонимда читни назар-писанд қилишмайди. Кўрпа ҳам, кийим ҳам нуқул шоҳидан... Хўш, энди оқчани сандиққа жойлашдан нима маъно? Йўқ, мен пулпараст эмасман, ҳа, колхоздан яна қанча оларим бор? Қишлоқда машинани ғатиллаб ҳайдашга қурбим етади. Центнерни бу йил ёшимдан ошириб бердим, лекин бу ҳали — марра эмас, энди «юзчи» бўламан, деб лофт урмасам ҳали «тўқсончи» бўлишга бел боғларман. Миколайн замонида оstonам туёқ кўрмаган бўлса, совет даврида дарвозамдан ярқираган ойнабанд машина гумбурлаб кирсин!

— Қўлни беринг, отахон, эртадан бошлаб ҳаракат қиласмиш,— чолнинг дағал кучли қўлини сиқди Үктам.

— Бу гап — катта гап, Үктамжон, колхознинг обрўси, бу ота машина минса, ҳаммамизни кўксимиз кўтарилади. Кекса ботирга машинани биз совға қиласак муносиб эди, лекин ўзи давлатманд,— деди Мирҳайдар.

Үктам турли маркали легковой машиналарни ҳар жиҳатдан тавсиф этиб, уларнинг афзалликлари ва нуқ-

сонларини ўзича гапириб берди. Саксон ога соқолининг учини силаб, диққат билан тинглади ва машинанинг пишиқлигини алоҳида аҳамият билан суриштирди, лекин бирон марка устида қатъий фикр этишга ботинмади, набиралардан машинага ўч ва бобосига шофёр бўлишга зўр ҳавас билан тайёрланаётган ўн олти яшар Мирҳомид билан яна кенгашмоқ истагини айтди. Ўкта 10 шинелини елқадан тушириб, стулни қизғин печкандан нари сурди ва папиросини тутатиб, бир нафас жим ўтириди-да, жиддий ва ўйчан товуш билан:

— Катта иш олдимизда турибди, оқсоқоллар!— деб кексаларнинг диққатини жалб этди ва янги қурилиш ҳақида гап очди. Тингловчиларнинг қизиқсанликларини уларнинг кўзларидан ва ҳаяжон билан айтиб юборган хитобларидан пайқаб, Ўкта монголаниб, шавқланиб кетди. Сайрамовнинг фикрларини ўзича шарҳлаб, кенгайтириб гапириди.

— Ана замон! Ана ҳикмат! Қуш қўнмас чўлида энди булбуллар сайрайди...— деди Саксон ота яйраб кулиб.

— Вазмин иш, беками-кўст план. Ўн-ўн беш минг гектар янги ер, колхозчилар баҳтига, кичкина дастурхон эмас,— деди. Мирҳайдар ўйчан бош тебратиб.— Биз—сен билан Ўкта монгол, масалага ўз номимиздан қараган эканмиз. Эски тегирмонни электр станцияга айлантироқчи бўлибмиз; беш-ўн йил бурунги андаза!

— Партиянинг кўзи шундай чуқур ва узоқ қарайди. У—миллионларнинг кўзи, халқнинг кўзи,— деди Ўкта.

— Чўлни кўқартиш,— савоб иш,— деди Саксон 30 ота.— Майли, бу тайёр ерда набираларим қолсин, мени чўлга кўчирасан. Мирҳайдар, мен охирги теримни чўлга тўйай, гул унсин, қуш сайрасин, одамнинг баҳри-дили очилсин.

— Балли, дехқон учун савоб Макка йўлида эмас, чўлни яшнатишда,— деди Мирҳайдар.

Бир оздан кейин Саксон ота ўрнидан ғоздай туриб, теллагини босиқроқ кийиб хайрлашди.

— Ўтиринг, кампирни соғиндингизми дарров?— ҳазиллашди Мирҳайдар.

— Бу хушхабарни тезроқ уй ичига етказай,— деди Саксон ота раиснинг елкасига қоқиб.

10

20

30

40

— Демак, биринчи ташвиқотчи — сиз, азаматларни ишга шайланг,— деди шўх кулиб Ўкта.

Раис ва Ўкта яна анча вақтгача янги қурилишни ҳар жиҳатдан муҳокама қилишди, улар печка сўниб, хонанинг совуганини ҳам сезмай қолиши.

Ниҳоят, раис эртагаёқ районга бориб, Сайрамов билан бу хусусда шахсан сухбатлашгач, қурилишга тайёрлик кўришни ва ўзга колхоз раислари — дўстларини огоҳлантиришни лозим топди-да, жунжиб ўрнидан туриди. Ўкта ҳам шинелини кийиб, унинг орқасидан эшикка чиқди. Ҳаво очиқ, изфирин кескин, қорда юлдузчалар ёнар эди. У клуб ва чойхонадан ўтгач, ўзидан бир оз нарида ғарч-ғурч босиб кетаётган бир неча колхозчиларни кўрди, улар янги қурилиш тўғрисида шавқ билан гаплашиб борар эдилар.

Собир ва унинг звено аъзолари чойхонада дарров жар согланини англади ва хурсанд бўлди, бир оздан кеинин ўзи ҳақида ҳам колхозчиларнинг самимий мақтов сўзларини эшитиб, гўё унинг юзига айтилаётгандек, алланечук уялиб, ўнгайсизланиб кетди-да, одимини жуда секинлатди.

Иссиқина ойнавор уйда она Сорабиби янги шоҳи кўрдача қавиш билан овора эди. Ҳакима бир қўлини иякка тираб, тиззасидаги романга шундай берилган эдики, акасига ҳам бош кўтариб, бирон сўз айтмади. Ўкта ечиниб, бирпас чой ичда-да, токчадан партия тарихини олиб, синглисининг қаршисинга ўтириди ва мутолаага берилди.

Сорабиби кўзойнаги орқали болаларига қаради ва бошини тебратиб, ўксинган товуш билан Ўкта га деди:

— Синглинг шомдан буён чурқ этмайди, зерниб нақ юрак-бағрим хун бўлди. Энди сен ҳам китобхонлик қил. Яхши, уйда мактабхона очибсизлар...

Ўкта ва Ҳакима илжайиб, бир-бирларига кўз қисиши.

XXVII

Собирнинг тўйи куни ҳаво оп-очиқ, бирон ерда бир парча қор ҳам кўринмас эди. Ҳатто қишининг қирчилла-ма палласига қарамай, шамоллар худди илк кўкламда-

40 гидай иллиққина эсар, яланғоч дараҳтлар қуёш нурида нафис балқиб, уйғониш орзуси билан товланар ва шовдирап эди.

Собирнинг бошида қундузли телпак, эгнида янги қайтарма ёқали қора пальто, белида кўк шоҳи қийиқча (куёв сарупосини қийиқсиз тасаввур эта олмаган она қийиқни зўрлаб боғлатган эди ўғлига), оёқларида янги майин хром этик: куёв керилиб, тўй нашъаси ва суронининг завқини сурар эди. Унинг энг ҳазилкаш, энг тақалуфсиз жўралари ҳам бугун у билан жиддий ва нозик муомала қилишга тиришар эдилар. Бой ва тантини куёв харажатларнинг йирик ва майдалигини суриштирамай, чўнтакларидан даста-даста пул чиқарар эди. Дўстлар, жўралар, таниш-билишлар «тўй муборак» учун эрталабдан буён гуруҳ-гуруҳ келиб, ҳар нав шириналлар билан тўла дастурхондан бир оз тотиниб, оқшом келмоқ ваъдаси билан колхоз ишларига ошиқар эдилар.

Ўкташ ва Собир янгича «қизил тўй» қилишга қарор қилиб, қиз томонни ҳам бунга кўндиришган эдилар...

Тўй тантанасини кечқурун куёвникида ўтказишга битим қилинган бўлса-да, қизникида ҳам қариндош-уруғлар, қўни-қўшнилар лиммо-лим эди. Бу ерда ҳам худди куёвникида бўлганидек, бутун колхозчилар хонадонларида узоқ-ёвуқдан анъанага мувофиқ таванлар, тўёна-лар ёғилмоқда эди. Азорхон эрталаб ўртоқлари билан бирга колхоз ҳаммомида ювиниб қайтди. Уйда меҳмонлар кўп бўлгандан қизлар ён қўшниникида бир хонани эгалладилар. Тансиқ ўртоғининг қора ипакдай товланган соchlарини қунт билан ўрди-да, катталардай, унинг орқасига уриб-уриб, деди:

— Бахтли бўл, келинчак!

Юз центнерчи қизлар бир-бирларидан қолишимаслик-ка интилиб, тўйга бой совғалар билан келган эдилар. 30 Ўзларининг кийимлари ва безаклари ҳам келинчаклар-никидай кўркам эди. Ҳаммасининг кўкрагида орден ва медаллар ёнар эди. Бу йилги шонли ва фидокорона меҳнатга сазовор орденларни олмоқча улгурмаган эдилар. Лекин ҳаммаларининг билакларида яқиндагина колхоз тарафидан тақдим этилган ва қопқоқлари остида исм ва ташаккур ёзилган олтин соатлар порлар эди. Раис юзцентнерчиларни соатлар билан мукофотлаган чоқда шундай деган эди: «Соат сайин ишларинг олдин боссин, баҳтларинг зиёда бўлсин!»

Азорхон ойнага қараб, чакка соchlарини қўллари билан аста текислади. Мамнун илжайди ва ўртоқларини чойга, дастурхонга таклиф этди. Патирлар, қаймоқлар

худди кеча токдан узилгандай тоза узумлар, қуббада үйилган қон-қизил анорлар билан яшнаган дастурхон атрофига ўтириб, қизлар бир-бирларига гап бермай, чағир-чуғур билан овқатлана бошладилар. Фақат бир оздан кейин Анорхон алланечук хомушланиб, уҳ тортди, бошини эгди. Анзират унинг тирсагини туртиб, койинган товуш билан, деди:

— Қўй, ундаи беҳуда хафагарчиликни, офтобдай яшнаб ўтири.

10 — Ҳудди сизлардан айрилиб, узоқлашиб қолаётганга ўҳшайман,— деди Анорхон бош бармоғини тишлаб, йиғламсираган товуш билан.

Ўртоқлари кулишди. Дилшод кенг, лўппи йилтираган ширмой юзига секингина шапати уриб, деди:

— Вой ўлай, ҳаммамиз бир колхозда, бир қишлоқдамиз-ку. Яна ўзингиз кўнгил билан танлаб тегдингиз-ку.

20 — Ҳа, эски замон бўлса нима қилар экансиз! Раъйингни суриштирмай, сени аллақаёққа, аллакимга узатмасмидилар?

— Эски замонда менинг бир аммамни ўн бешга тўлар-тўлмас аллақайси гўрга, «борса келмас»га узатишган элан. Бувим бояқиш қизимни бир кўрсам, деб ҳасратда ўтиби...— деди Анзират.

— Лекин Собир поччам сени ўз звеносига тортар деб қўрқаман,— деди кинояли кулиб Тансиқ.

— Алжира ма,— деди қошларини чимириб Анорхон,— ўз бошим, ўз звеном. Агар хоҳласанг, ўзинг ўта қол.

30 — Поччам шундайки, хоҳласа бир звенонинг ишини бир ўзи бажаради...— деди Анзират.— Уни-буни қўйинглар, биз кимни мусобақага чақирамиз?— Мана Собир почча билан Ўсаржон шарт қилишди, Қосимали aka билан Мирза лўмбоз тўқсон центнердан, Норбўта aka ва Арслон Саксон ота билан тўқсон беш центнердан пахта беришга баслашибди. Яна аллақанча звенолар... Ҳозир ҳамма звенолар, бригадалар баландга интиляпти, биз катта ҳосил учун тайёрлик кўраверамиз. Гектардан юз беш центнердан ҳосил оламан деган звено бўлса, биз билан гаплашаверсин. Майли, йигитларми, хотин-қизларми, чолларми...

40 — Ронағайрат қилсак, ишни агрономча юргизсак, юздан кам олмасмиз,— деди Дилшод.

— Чиниқдик, тажрибамиз ҳам бор,— деди Анорхон.— Аммо баҳор хунук келмаса бас.

— Қора совуқдан, жаладан, дўлдан шундай қўрқаманки, эсласам, босириққандай бўламан...— деди Ҳакима ёш кўзларини жавдиратиб.

— Ҳаммасидан одам зўр. Олдиндан ваҳимага тушманглар!— деди Тансиқ.

Кун оғгандан кейин яна қизлар, ёш аёллар келишиди. Буларнинг деярли ҳаммаси пахта далаларининг юлдузлари эди. Иккита Ленин орденли машҳур теримчи 10 Хосиятойни — гавдаси ҳам, кўзлари ҳам кичкинагина, лекин зуваласи пишиқ, ҳаракатлари енгил, чаққон ёш аёлни — ҳурмат билан тўрга ўтқазиши. Зиёфатдан кейин аёллар дутор чалишиб, чапак, рақс қизиди. Қий-чув, ўйин-кулги орасида дарров қош қорайиб қолди. Куёвнинг уйи яқин бўлса-да, қизга машина келди. Анорхон бошқа хонага кириб, кийимларини қайта бошдан саралаб кийди-да, онаси ва яқин қариндошлари билан ҳовлида кўришиб, ўртоқлари билан қуршалган ҳолда эшикка юрди. Янги «Эмка»га у билан бирга Тансиқ, Анзират 20 ва машҳур теримчи Хосиятой ўтириди. Машина аста юрди. Анорхон ҳаяжонли эди, гўё бу йўлни биринчи марта кўраётгандай таниш нарсаларга кўз югуртириар эди. Тансиқ машинани куёв уйидан хиёл берида тўхтатди. Чунки орқада пиёда келаётган қиз-жуvonларни кутиб олиб, улар билан бирга киришни маъқул топган эди у. Улар машинадан тушиб, йўл четидаги дараҳтлар орқасига ўтиб турдилар. Ботган қуёш уфқда ранг-баранг олов дарёлари, кўллари ясаган эди. Қаерданdir тракторнинг темир шовқини эшитилар эди. Аравакаш Ҳасанбой шамоллаган овози билан жўрттага шўх ашула айтиб ўtdи. Анорхон билан Собир — иккиси уни қандай лақи́ллатгандарини эслаб, беихтиёр кулиб юборди. Кейин гўё муҳим сирни айтиб қолишга ошиққандай Тансиққа секин шивирлади:

— Эртага келасан-а?

Тансиқ лабини буриб, деди:

— Кейинроқ. Биз эртага далага чиқамиз.

Келин карвони кўчани тўлдириб куёвникига юришиди. Анорхон катта оқ гижим рўмолини то кўзларигача 40 тушириб, бошини жуда эгиб, ўзини ўртага олди. Эшикда колхоз оркестри шўх мақомлар сурони билан қаршилади. Ҳовлида қий-чув, чапак бўрони авжга чиқди.

Тансиқнинг қўлини маҳкам ушлаб олган Анорхон ясоғлиқ уйга қандай кирганини ва ёнида Собир қандай пайдо бўлиб қолганини ҳам сезмай қолди. Юраги дук-дук урар, рўмолини кўтариб, у ёқ-бу ёққа қарашга ботинолмас эди. Бир оздан кейин хона ичидаги шовқин пасайди, раиснинг овозини эшилди.

— Қўша қаринглар, ували-жували бўлинглар, шунқорларим,— деди Мирҳайдар пиёлани қўлда ушлаган ҳолда оталарча меҳр билан.— Колхоз даласида бирга тер тўкиб, бирга баҳт топинглар. Эл олдида ҳамиша юзларинг ёруғ бўлсин, юракларингда муҳаббат ҳамиша тўлиқ бўлсин.

Бу сўзларни маъқуллаган хурсанд садолар ҳар ёқдан янгради, пиёлалар чўқишиб жаранглади. Собир кичкина гулдор пиёлани Анорхонга тутқизиб, ялинчоқ товуш билан секингина деди:

— Қани, шуни ютиб юборинг, қарияни дегани келсин!

Сўл томондан Тансиқ қистади.

20 — Ича қол, жоним. Ҳамма сен учун ичяпти. Ҳамма сенга маҳтал.— Анорхон қуюқ қора-қизил ширин винони қулт-қулт ичиб, пиёлани тагида озгинага қолдирди. Шу онда Тансиқ унинг рўмолини бошдан олиб, елкасига тушириб қўйди. Анорхон қизариб, ер остидан ҳаммага кўз югуртди. Кенг уйнинг тўрт тарафида узун стол—

дастурхон теварагида колхозчи эр, аёллар ясаниб-тусаниб, қўша-қўша орден ва медалларини чақнатиб, хурсанд ўтиришар эдилар. Дастурхонда ҳар хил мевалар билан юпқа, сомса, варақи, қатлама каби тотли таом-

30 лар қалашиб ётар эди. Даҳлизнинг нариги ёғидаги хонада қаҳқаҳа тинмас эди. Машъала билан алвонланган ҳовлида зўр ғовур-ғовур. Роса қизитилган чирмандаларни гоҳ-гоҳ гижбанглатиб қўяр эдилар.

Ўсаржон Султонов ўз қадаҳини пахтадан юқори ҳосил олиш учун курашга бағишлиб, баҳодир куёв ва келинга бу масалаларда мислсиз муваффақиятлар тилади. Мусобақадошлар томчи қолдирмай сипқориб, кейин қўлларини маҳкам сиқишиди. Колхоз музикачилари уйни сеҳрли садоларга тўлдирди, базм авжга чиқди. Шу

40 вақтда қичқириб кулиб Ўкта мурод кирди. Уни дарров Собирнинг ёнига ўтқаздилар. Куёв ранжиб, бўғилиб, деди:

— Пешиндан буён кутаман. Дўстликниям чалпакка ўраб единг-да!

— Нонкўр бўлма, тўйинг тинкамни қуритди,— деди қўлинни бепарвогина силкиб Ўқтам.— Нима, сурнайчи ҳам бўлишим керакмиди? Қорним оч, анов кабобни бу ёққа сур!

Собир пиёз устида жизиллаган иси тотли кабобларни дўстига узатди ва катта пиёлага лим-лим ароқ қўйиб, талаб қилди.

— Мана бу жазони кўтар, гуноҳингни ювиб кетсин!

Ўқтам кўзларини олайтириди: «фув...», кейин илжайиб деди:

— Менга жазо эмас, суюнчи бер, тентак. Гапдан хабаринг борми? Райондан келяпман. Кун мажлис билан ўтди. Район, область раҳбарлари ва мутахассислари билан бирга қурилиш муҳокама қилинди. Қурилишини тез бошлаб юбориш учун ҳамма яктан, яқдил, ҳа, иш янайам кенгаядиган бўлди: каттакон сув омбори ясаш масаласи келиб чиқди. Ўн-ўн беш минг эмас, йигирма-йигирма беш минг гектарни чўлдан узиб оладиган бўлдик. Тошкентдан келган ҳар хил мутахассислар проектни тузиш учун эртагаёқ чўлга сафар қилишади... Кўрасанми, қандай тўёна билан келдим!

— Хўп, чўлларни бирга обод қилайлик, дўстим, ҳамиша бургутдай баланд уч, янги баҳтлар кўр. Анорхон, соғ бўлинг.

Ўқтам лим тўла пиёлани авайлаб қўлга олди. Собир ҳаяжон билан ўз пиёласини тўғтириди, Анорхонга ҳам вино қўйди. Ўқтам куёв ва келин билан чўқишитирдида, пиёлани сипқорди. Собир ҳам ичиб, Анорхонни қистади.

— Томчи ҳам қолдирманг. Тўйимизга тўй қўшди 30 ҳозир Ўқтам: ҳали айтиб бераман.— Анорхон ичиб, дастрўмолчаси билан лабларини артди ва Тансиқقا шивирлади: «Менга қараб тур, яна маст бўлиб қолмай. Юзларим ёниб кетяпти-я. Ҳа, аям қаерда?»

— Энди оз-оз ич. Аянг нариги уйлардан бирида кекса хотинлар орасида. У ерда ҳам базм катта. Мени тутиб олиб, ўйинга туширмоқчи бўлишди. Базўр қочиб қутулдим,— деди секингина Тансиқ кулиб.

Ўқтам хушкайф бўлиб, кетма-кет қадаҳ кўтарди. Саксон отадан босхлаб, то раиснинг тиззасида шўхлик 40 қилиб ўтирган қизча — олтин сочли Юлдузнинг баҳти ва соғлигига қадар ичишди. Хушчақчақ мажлис узоқ давом этди. Ниҳоят, паловдан кейин меҳмонлар ҳовлига

тушди. Машъаллар билан кундуздай ёритилган кенг саҳнада қийқириқли шўх «чилдирма базм» бошланди. Дастлаб даврага Ҳакима тушди. Хиёл ўтмай, ўнлаб қиз-жувонлар, ҳатто уятчан Анзиратгача чирмандаларнинг қасирғали садоларига берилдилар, атласларнинг рангли оловларини чамандай яшнатиб, рақс эта кетдилар...

Рақсдан сўнг, ниҳоят, юзларча колхозчи аёллар ёр- ёр айтишди — ўзбекларда қадимдан қиз тўйларининг 10 ҳусни, безаги бўлган қўшиқ! Улуғбек ва Навоий замонларининг қиз тўйларида Самарқанд ва Ҳирот самоларида янграган қўшиқдан совет Шарқининг озод хотинлари қуёш гимни, бахт ва қувонч қўшиғи яратганлар:

Ерга кўмиб чимматини чиритган қиз, ёр-ёр,
чиритган қиз.
Манглайнинг гардини аритган қиз, ёр-ёр,
аритган қиз.
Колхоз учун жонини койитган қиз, ёр-ёр,
койитган қиз.
20 Меҳнат қилиб юртини бойитган қиз, ёр-ёр,
бойитган қиз.
Ҳай-ҳай ўлан, жоним ўлан, ўланчи қиз, ёр-ёр,
ўланчи қиз.
Ударник бўп пахта терган теримчи қиз, ёр-ёр,
теримчи қиз.
Келин келди, ёқиб қўйган олов қани, ёр-ёр,
олов қани.
Синглим маҳтал, герой деган куёв қани, ёр-ёр,
куёв қани.
30 Салом айтсан Партияга сайрар тилим, ёр-ёр,
сайрар тилим.
Лениннинг номи билан қувнар дилим, ёр-ёр,
қувнар дилим.
Салом, минг-минг салом сизга, жон Партия, ёр-ёр,
доҳий устоз.
Лениннинг номи билан овозим соз, ёр-ёр,
овозим соз.

Доҳийнинг улуғ исми қўшиқ мавжларида юлдузларга юксалди. Юраклар бахтга, қувончга лим-лим тўлди. 40 Янги ёр-ёрни, ҳаёт тўйи қўшигини аёллар юраклари-нинг ўти, бутун муҳаббати билан такрор-такрор куйладилар.

XXVIII

Қурилиш хабари бутун районда колхозчиларнинг юракларини кундан-кун кучлироқ тўлқинлатди. Сув, ер, электр — булар ҳаёт баҳорига янги гўзаллик ва янги

нашъа багишловчи кучлар эди. Буларга эришмоқ учун алоҳида ташвиқот лозимми? Уйларда, чойхоналарда, клубларда ёшлар, қарилар, аёллар орасида сұхбатнинг «тузи» қурилиш эди. Колхознинг партия ташкилотларида, правленияларида қурилиш масаласи ҳафталаб ҳар жиҳатдан муфассал мұхомма жағдайда 10 қурилиштегі маңыздылықтың маңыздылығынан тузылды. Ишчи кучларини тақсимлаб, мәжнатни уюштириш, таъминот ва ҳоказо масалаларни қал этишда кишиларга улуғ қурилиштегі тажрибаси әнг яхши дастак бўлди. Колхозлар қурилишни баҳорги мұхомма ишларга заар бермайдиган бир тарзда ҳам әнг зўр суръат билан бажаришга қарор қилишди.

Январнинг 15 ида колхозлар ёппасига чўл сари отланди. Анчадан бери булатлар билан «ажи-ажи» қилиб, қишини ранжитган қуёш бугун бир зум бўлсин йилт этмаган эди. Бутун осмонни булатларнинг оғир, қалин, қорамтири намати қоплаган, изғирин бурунларни чимчилар эди. Лекин одамлар байрамдагидай хурсанд, баланд руҳли эдилар...

«Қаҳрамон» колхози идораси олдида сурон ва ҳаракат қайнар эди. Азamatлар ўнлаб араваларга ва икки машинага (колхоз ўн кун бурун яна бир грузовой олган эди) асбоб-ускуналар, озиқлар ва ўзга ҳар нафиса олганни илдамлик билан ортмоқда эдилар. Совуққа қарамай, әгнида калтагина, лекин бурма-сурмали, серчўнтак кителча, бош яланг Эгамберди машина тагида узала ётиб, куйманмоқда эди.

Қалин оғир пўстинга ўралиб, бошига дўппини енгилгина қўндирган Мирҳайдар ҳар нарсага бош-қош, лекин ҳар вақтдагидан ҳам жиддий, вазмин, сокин кўриниша эди. Ўқтам колхозни оталиққа олган ташкилот кузда тушиб берган кичик кутубхонадан китобларни ташиб, яшикларга авайлаб жойлаш билан банд.

Тўсиндан ҳамма ёқни қулоқ йиртар товуш қоплади. Үн учта колхозчи ўзларининг яп-янги мотоциклларида даҳшатли суръат билан қурилишга жўнади. Орқасига Аниорхонни минидирган Собир гердайиб, ҳаммадан олдин учган эди. Элатлар уларнинг орқасидан чапак чалишди, айниқса, болалар қаттиқ қий-чув кўтариб қолишлиди. Сал ўтмай, икки грузовой тўла, байроқлар кўтарган колхозчилар ҳам йўлга тушди. Юк ортилган аравалар карвони филдиракларнинг ҳарнав «ғиқ», «ғиж» товушлари, аравакашларнинг қўшиғи, отларнинг

пишқириши билан узоқлашгаң, ранс билан Ўқтам оёқ устида бир ииёладан қайноқ чой ичишди-да, қора ба-йир ва қизил жийронга миниши...

Ўқтам ўз кўзларига ишонмагандай, бақрайиб қотиб қолди. Чўлнинг бепоёни тақир саҳнида ҳаёт ва ҳаракат гирдоби гувиллар, қайнар, тошар эди. Ҳар ерда гуруҳ-гурӯҳ одамлар, ҳар ерда гулханлар, ҳар ерда даста-дас-та байроқлар. Яна ҳар томондан қатор-қатор машина-ларда ва араваларда чирмандалар садоси, шўх қийқи-
10 риқлар билан колхозчилар келмоқда эди. Олдиндан колхоз усталари қуриб қўйган бараклар тепасидаги ши-орлар чўл шамолида кескин ҳилпираиди.

Мирҳайдар отдан тушиши билан уни кимдир қандайдир бир мажлисга судраб кетди. Ўқтам ўз колхоз-чиларини қидириб топди. Уларнинг бир қисми баракка, қолганлари землянкаларга жойлашган эканлар. Ҳамма-си хурсанд, тетик, ҳаяжонли эди. Собир землянкани иситиш билан банд эди.

— Ҳа, жонинг шундақа нозик бўлиб қолдими?—
20 ҳазиллашди Ўқтам.

— Терим совуққа шайтон теридаи қалин. Лекин ўйлда хотинчам лича совуқ қотдилар,— жавоб берди ўтин пуфлаб Собир.

— Биламан, изғирин отлиқнинг юзини ништардай тиляпти. Сен пойгода қатнашгандай ҳайдагансан-да,— деди Ўқтам.

Собир ўз айбига иқрор бўлгандай индамади. Тан-сиқ билан ёнма-ён пальтога ўралиб ўтирган Анерхон (звенонинг ўзга аъзолари колхозда ишлашга қолдирил-
30 ган эдилар) ўпкалаган товуш билан деди:

— Бундан буён сира минмаганим бўлсин, неча марта нақ учиб кетай-кетай дедим.

— Изза қилманг, жоним, келар йил легковой олиб бераман,— деди Собир.

— Хоҳласам, бу йилиёқ ўзим сотиб оламан,— деди ғуур билан Анерхон.

— Ҳай, батинкангнинг пошнасиман, машинангнинг шоффёри!— қичқирди кўкрагига уриб Собир.

Ҳаммалари қота-қота кулишиди. Шу онда: «Ҳов ўзи
40 нима гап?» деб Ўсаржон Султонов кириб келди. Унинг қўлида катта мис чойдиш бор эди.

— Қани, чойдан қуй,— деди Ўқтам.

— Сув ташиб келгансиз-да?— деди кулиб Үсаржон.— Бу атрофда дўппидай кўлмак ҳам йўқ. Сувни ҳов аллақайдан, сойдан келтирдим.

— Худо қарғаган бу даштда ёқай десанг қўлга илинадиган чўп ҳам тополмайсан,— деди Собир бошини тебратиб.

— Эртага қишлоқдан бир неча бочка келтирамиз,— навбат билан аравада ташиш керак сувни.

Олтиндай майиз билан иссиқ чой ичишди. Шифтидан гоҳ шов-шув тупроқ тўкилган, ним қоронги, совуқ землянкада ҳар кимнинг кўнгли очиқ, ёшод, ҳар ким гапиргиси, кулгиси ва кулдиргиси келади. Ўқтам бугун вақт ғаниматда ётоқни, рўзгорни тартибга солмоқни уқтириб, ташқари чиқди, ўзга элатларга кирди — одамлар ҳар ерда шўх гурунг ва асқия билан ўзларига ўнғай шароит ҳозирламоқда эдилар. Ўқтам Саксон ота билан учрашди. Қиши палласи чолни койитмаслик учун, қишлоқда қолишга қистасалар ҳам уни кўндира олмаган эдилар. У қовоғини солиб деган эди: «Сувни ёшлар чиқарсин, мен тайёрга айёр бўлай? Йўқ! Сув келтирас мард киши, экин экар ҳар киши». Ўқтам унинг кайфини ва қандай жойлашганини сўради.

— Ҳамма гап кўнгилда,— жавоб берди Саксон ота,— агар кўнгил чоғ бўлса, остингдаги похол заррин тўшакдай кўринади, ўғлим.

— Яшанг, ота, чин сўз,— деди Ўқтам чолни аста қулоқлаб.

Ўқтам элатлар жойлашган баракнинг бир чеккасида қути билан «қизил бурчак» ташкил этди. Китобларни 30 тахлади. Ёшлардан бирини бу маданий-оқартув ишларига мутасаддий тайин қилди у. Ташқари чиқиш биланоқ юраги шув этиб кетди: олисада шахдам одим отган Комилага кўзи тушган эди. Қизнинг нақ қаршисидан тикка келиб чиқмоқ учун Ўқтам елиб кетди. Ташвиш билан ўйга чўмиб бораётган Комила рўпарасида, ўн қадамча нарида аскарчасига салом бериб тик қотган Ўқтамни кўриб, тўхтади, кўзларини таажжуб билан сузди.

— Тавба, қаердан пайдо бўлдингиз, осмонданми, ер бағриданми?

— Майли-да, ишқилиб топиб олсан бўптими,— деди илжайиб Ўқтам.

Улар узоқ қўл сиқишли.

40

— Шунча одам орасида шу тўполоида-я? — деди ширин ва эрка товуш билан Комила.

— Қидирган топади-да. Қўшхонангиз қаерда?

— Олисда. А, сизники?

Ўкташ қўли билан кўрсатди ва қўнишга таклиф этди. Комила иш кўп, дея унамади. Ўкташ қизни кузатиб, ёйма-ён гаплашиб кетди. Комила мажлисдан қайтаётганини ва бош инженер Астаховнинг доклади мазмунини айтиб берди. Шамол гоҳ ғувиллаб, гоҳ инграб, қум, чаңг кўтариб учади. Оғир қора булутлар паст бурқиб сузади. Лекин одамлар тетик ва ишчан. Ваҳший биёбонга илк из солиб, машиналар гумбурлайди. Аравалар гижирлайди. Ҳар ёқда «тақ-туқ» садолар. Колхоз усталири чала баракларни тугатмоқдалар. Землянкаларнинг тепасида қип-қизил байроқчалар ҳиллирайди. Уйда-мунда катта қозонлардан палов иси анқийди.

— Қалай, биз кўриб кетган даштга ўхшайдими? — сўради Ўкташ қошларини учириб.

— Йўқ, ўхшамайди. Қўзимга иссиқ кўриняпти, — жавоб берди Комила теваракка кўз югуртиб.

Шу вақтда тўсиндан даҳшатли ув билан гирдибод қуюн уларни ўради. Комила икки буқчайиб, рўмолини юзига тортди. Ўкташ дарров қизнинг қўлидан маҳкам ушлади-да, кўзларини чирт юмди ва нимадир демоқчи бўлди-ю, оғзини очолмади. Қуюн ўтиб кетгач, Комила ўқчиб-ўқчиб, бошини ҳорғин кўтарди ва ҳансирааб, деди:

— Нақ балодай ютаман, дейди-я.

— Ютмайди-ю, лекин пирпирак қилиб учириши мумкин... — деди қум тупуриб Ўкташ. — Ҳечқиси йўқ, чўлнинг жинини ҳам, балосини ҳам кишанлаб қўямиз.

Қўшхонага кириш олдида Комила рўмолини ва кийимларини обдан қоқди ва кулиб, деди: «Бир пуд қум келтирибман!» Ўкташ кетгиси келмаса-да, қиз ичкарига, овқатланишга таклиф этишига ҳам қарамай, хайрлашишга мажбур бўлди. Чунки колхозчилар турли юмушлар билан Комилага мурожаат қилмоққа маҳтал турганликларини дарров пайқаган эди. Ўкташ чўлнинг қутурган ели билан олишиб, ела-югурга ўз қўшхонасига қайтди. Бу ерда Мирҳайдар улкан қозон бошида иси-ниб, ошпаз билан ҳангамалашмоқда экан. Собир бошлиқ бир неча колхозчилар землянкаларга киришни ўнгайлаштириш учун қунт билан зиналар ясамоқда эдилар. Баъзи колхозчилар, худди жанг олдидан қуролла-

рини шайлаётган аскарлардай, кетмонларини қайраб, тозалар эдилар. Ўкта мансаби ва Ўсаржонни землянка-лардан биринга бошлаб кириб, эртадан меҳнат майдонида социалистик мусобақани қизитиш ҳақида кенгашди. Шу орада палов ҳам тайёр бўлди. Одамлар иштаҳа, шўх гурунг, ошатиш билан овқатландилар. Оқшом лам-паларнинг хира нурида колхозчилар тўшакларига чўзилиб, дам ола бошладилар. Қаерда газетхонлик, қаерда колхоз музикачиларининг машқи, қаерда асқия бошланди. Ниҳоят, одамлар уйқуга бош қўйғанда, 10 Ўкта мансаби ётгиси келмай, ташқарига чиқди. Чўл зим-зиё. Фақат унда-мунда машиналарнинг чироқлари бепоён қоронгиликда ялт-юлт этиб изғийди-йўқолади. Олисларда ёнган гулханларнинг чўғларини шамол худди эртакларда аждаҳо оғзидан пускурган ўтдай кўкка ваҳимадор совуради. Ўкта мансаби юнгли чўл бағрига яширинган бир маскангагина толпинади. «Нима қилаётган экан ҳозир? Ухлаган эмас, албатта, ҳамма вақт эртанги ишни бугун бажаргиси келади. Шу пайтда югуриб бориб, землянка-сига секингина бошимни суқсан, нима дер эди?..» Бетига қум урган шамолларга ҳам парво қилмай, 15 Ўкта мансаби хаёлга берилди. Келажакда бу чўлнинг ҳаётга, гўзалликка, ижодга тўла оғушида Комила билан бирга фикран сайру томоша қилди... Ниҳоят, қаердадир, қумтепа олдида бирдан тўхтади. Қаерга бораётир? Ўкта мансаби орқага қайтиди. Землянкада одамлар кўрпа ва пўстинларга ўралиб, донг қотиб ухлашарди. Ўкта ёстиққа ёнбошлади, хира милтиллаган лампанинг пилигини сал кўтариб, яна «Ёш гвардия» китобини очди. У на вақт ўтганини сезди, на ташқариде шамолнинг увилашини 20 ва на гала-гала шақолларнинг хунук машъум товушини эшилди.

* * *

Колхозчилар нонуштадан кейин митингга югуришди. Тепаликда кариайчилар чўлни янгратиб, тантанадан хабар бермоқда эдилар. Қурилиш штаби олдида ўрнатилган байроқлар, шиорлар билан безанган трибуна — минбар теварагида халқ гувиллар эди. Область ва район раҳбар ходимлари минбарга кўтарилиши. Эскигина чарм пальто кийган, юзи изғиринлардан сал қовжира-40 ган Сайрамов қулоқчинини кўтариб, атрофга кулиб қа-

ради-да, бир оз кучли товуш билан кучли чапаклар остида митингни очди ва нотиқларга сўз бера бошлади. Аёллардан Комила сўзлади. У жаранг овози, қўлларининг чиройли маънодор ҳаракати билан, сўзларни пишиқ-пишиқ айтиб, ҳаяжонли нутқни давом эттиар экан, Сайрамов Ўқтамни имлади.

— Кексалардан бирини олиб чиқ. Ҳа, шошма, Саксон ота келгани ростми? — деди у Ўқтамнинг қулогига.

— Шу ерда.

10 — Дарров минбарга чиқар.

Комиланинг сўзини халқ сурон билан қаршиларкан, чол минбарга кўтарилди. Сайрамов унинг қулоғига шивирлади: «Икки оғизгина сўзлайсиз, отажон». Саксон отанинг кўзлари алланечук пириллаб кетди. Ранги ҳам ўчинчиради, лекин эътиroz қилмади. Сайрамов ҳурмат билан уни олдинга ўтказди-да, сўз берди. Халқ чолни зўр сурон билан қаршилади. Титроқ қўли билан соқолини силаб, нимадан бошлашни билмай, Саксон ота бирпас ўйланиб, кейин диққат билан жуда жим тикилган халққа бирдан қаради-да, мулојим товуш билан сўз бошлади:

— Кечадан буён ўйга ботаману, таажжуб қиласман. Ахир неча-неча юз йиллардан бери бу дўзах билан ҳамсоя булиб яшаймиз-а? Бас-э, қўшничиликка барҳам берайлик энди. Ҳар бало, ҳар иллатнинг ўз кушандаси бор. Чўлники — сув. Ариқ-ариқ сув шарқираб, ерни томир-томирларига қондай югурса, бу тақирда гилам-гилам гуллар очиладики, ҳуснини томоша қил! Буни сизларга уқтиришнинг кераги ҳам йўқ. Ҳаммаларинг канал

30 устига канал қазиб, ерга ер улаган колхозчи азаматларсиз. Колхозчи қилаётган ободончиликлардан юздан бири ҳам эски замонда деҳқоннинг тушига ҳам кирган эмас. Эски замон қурсин, шўрлик деҳқон бир қўли билан бойга ишларди, лекин иккинчи қўли ҳам ўзиники эмасди. Бир бармоғини Микалай подшо амалдорлари чайнарди, бир бармоғини мулла, яна бир бармоғини эшон гажирди. Ўзига, бола-чақасига бир бармоқ, иккى бармоқ қоларди. Қани бу билан тирикчилик қилиб кўрчи! Деҳқоннинг баҳтига совет ҳукумати барпо бўлди.

40 Азиз отамиз Ленин деҳқоннинг ҳар икки қўлини озод қилди, бошини кўтарди, ер берди, сув берди, илму ҳунар берди, яна қулочингни чўз, қанотингни ёз, дарёларга панжа сол, ер танобини қўлингга ол, деди.

Мана, бугун катта ишга қўл урдик. Улуғ ва азиз Партиямиз гамхўрлиги, меҳру муҳаббати соясида халқ қўли тогни ағдариншига, дарёни жиловлашга, чўлларни гуллатишга қодир. Азаматлар, шунга ниҳоят хурсандманки, қариган чоғимда чўлнинг ҳуснини очиш учун тер тўкиш менга насиб бўлди. Деҳқон учун бу жуда қутлуғ иш. Азаматлар, бугун халқ бахтига яна бир дарвоза очамиз.

Ҳавони чапак ва сурон бўрони узоқ вақт тутди. Карнайлар яна чўлни титратди. Сурон орасида митинг ёпилди. Ҳавода ҳилпираган байроқлар остида халқ баланд руҳ билан тўда-тўда бўлиб, чўлга ҳужум учун юрди...

Одамлар чуқурликда гувиллаб, кўпириб оққан шўх сойга тепадан мароқ билан қарашар, кўзлари иш қидирап, кафтларини ишқар эдилар. Бош инженер Семён Иванович Астахов — эгнида оддий пахталик нимча, бошида ёзли шапка, оёқларида брезент этик, кўзлари ўткир, қалин гавдали, бурундор, ўрта яшар киши — ўзига қарашли мутахассислари ва мироблари, колхоз раислари билан бирга бир зум тинмай елиб-югурад, ялпи 20 иш олдидан сўнгги кўрсатмаларни, топшириқларни, вазифаларни уқтирад эди. У ярим ўзбекча, ярим русча бир тилда мироблар билан қизғин-қизғин гаплашар, баҳслашар, диққат билан тинглар эди. Чунки улуг ва кичик жуда кўп қурилишларда қатнашган инженер сувга оид масалаларда энг яхши миробларнинг биринчи қарашда ибтидоий каби кўринган, лекин практикада ғоят аҳамиятли, чуқур мазмунли тажрибаларини энг муҳим ва масъул пайтларда неча-неча топқир синаған эди.

Бир ёқда колхозчилар турли иш участкаларига, турли вазифаларга тақсимланмоқда эдилар. Ҳар колхоздан коммунистлар ва азамат йигитлар сув билан курашга, унга сад чекишига ажратиларди. Кўп ўтмасдан, суронли халқ қурилиши бошланиб кетди. Ён бағридаги қақраган, қовжираган чўлга бир томчи бермай, гўё ундан қўрққандай азалдан буён ўзининг чуқур ўзанида шовқин солиб оққан сувни одам ўз иродасига бўйсундиришга келди ва тўсиндан уни тошбўронга тутди. Сув газабдан чайқалди, кўпириди, тошларни ғажиб ташлагудай 40 ҳайқириб сакради. Одамлар ҳам тап тортмади: «Тош таомни ютасан-ку, лекин ҳазм қилолмай суляясан!»— деди.

10

30

413

Меҳнат ҳам тошдай қаттиқ ва оғир эди, лекин ҳаммани ижодкор баланд руҳ қучганди. Сайрамов ҳамма билан баравар терга ботиб, тош қўпорар ва томирларини ўқлоқлантириб, ҳансираф ташир, яна одамларга далда берар, ҳазиллашар, кулар, айни қурилишга онд муҳим масалаларни ҳал этиш зарур бўлган мажлиси бўлса ҳам, бу ерни тарк этгиси келмас эди.

Усаржон, Собир Эрматов, Ўқтам нуқул катта тошларни қўпоришар, олисдан елкаларида, орқаларида, қулоқларида илдам ташир эдилар. Гўё ёрқин ҳислари кўксига сифмагандай, Собир яна гоҳо-гоҳо товуши борича шўх қийқириб юборар, унга эргашиб, юзларча ўзга азаматлар ҳам тўсиндан қийқиришиб, кўкни янгратишарди.

Ўқтам оломон орасида юмалоқ, ғадир-будур тошни юмалатаётган Комила қошида тўхтади ва кулиб, деди:

— Ҳа, сиз бу ерда нега ҳансираф юрибсиз?

Комила қаддини ростлаб, енг учи билан пешанасидан терни артди-да, деди:

— Ҳов, мен қараб турайми? Раис осмондан тушганми?

— Қизлар, аёллар бошқа участкаларда, — деди кулиб Ўқтам,— йўл қуришяпти, материал ташишяпти. Ҳаммасиям керакли иш ахир.

— Ўзингиз бора қолинг,— деди Комила қошларини чимириб.— Мен шундақанги ишни севаман.

— Тўғри, Барчиной, яшашнинг чиройи салмоқдор меҳнатда,— деди Ўқтам ва тошнинг оғирлигини гўё чамаламоқчидай, қимирлатиб кўрди-да, бирдан ердан узиб ола жўнади. Комила унинг орқасидан ер тепиниб қолди. У яна тошлоққа қайтди. Бир оздан кейин Ўқтам учрашиди, икковлари ҳам ерга чуқур ўрнашган харсангни лом ва кетмон билан қўпормоққа киришдилар.

Одам ишини енгиллатиш учун ҳар хил машиналар чўл қўксини ларзага солиб қурилишга келмоқда эди. Мана, иккита экскаватор оғир гулдурос, қудратли ҳамла билан қум ва шағалдан иборат заминга ўзининг девкор панжасини ура бошлади. Портлатиш мутахассислари қазиладиган канал йўлидаги зўр қоялар, тепаларни қўпориб ташлаш учун тайёргарчиликка киришдилар.

40 Колхозчиларнинг аксари чўл ўртасидан ўтадиган канал трассасида ер қазиш билан банд эди. Катта Фарғона каналида ва ўзга қурилишларда роса чиниққан, тажриба орттирган азаматлар тўзон ва сурон орасида ишонч

билан қизғин, фидокорона ишламоқда эдилар. Тупроқ, қум, шағал, қопларда, елкаларда, машиналарда, араваларда ташилиб, икки тарафга уюлмоқда эди.

Тўзонли совуқ ҳавода меҳнат сурони, қўшиқ, қийқириқ гирдоби учарди. «Қаҳрамон» колхозчилари билан бирга ўзларига ажратилган участкада йигитлардай ишлаётган Саксон ота тупроқни тўкиб, бўш қопни елкага ташлади. Чопонининг этаклари белбоққа қистирилган, енглари шимариқ эди. Унинг юмшоқ соқолини шамол кескин ҳилпиратарди. Элатлардан бири пиёлада чой 10 тутди. Мўйсафид қайноқ чойни ҳузур қилиб қулт-қулт ютаркан, қаршидан,чуввос оломон ва чанг орасидан Астахов ва қурилиш бошлиғи, собиқ оддий колхозчи, ҳозир эса район ижроком раисининг ўринбосари, юзи серажин, кўзлари қисиқ, сийрак мўйлови оғзининг икки бурчига шокилладай осилган, эгнида қўш чопон, бошида эски қорақўл папоқ, чамаси қирқ беш ёшлардаги, сув ишига обдан омил киши — Арслонқул Болтабоев чиқиб келди. Уларнинг орқасида қўлида метрик ўлчов тутған 20 мовий кўзлари кулимсираган, чарм шапкаси остидан сарғиш соchlари ҳалқа-ҳалқа тошган, ўрта бўйли, истараси иссиқ ёш рус аёли, район сув хўжалигининг хизматчиларидан бири тупроққа ботиб, шод, дадил келар эди. Семён Астахов чолнинг олдида тўхтади ва самимий қўл сиқиши, ҳаяжон билан, деди:

— Бардаммисиз, ота, мени танийсизми? Мен сизни яхши биламан.

— Танийман, инженер ўғлим,— деди чол Астаховнинг елкасини қоқиб.

— Мен сизнинг бир вақтда айтган сўзларингизни 30 сира унутмайман,— деди Астахов ва энкайиб, гугуртни кафтлари орасида чақиб, папиросини ёндириди-да, дам ҳамроҳларига, дам чолга қараб, давом этди сўзида:— 1942 йилнинг кузи эди. Фронтларда аҳвол жуда оғир... Бир кун районда катта йиғилиш бўлди. Чолга ҳам сўз беришди. Ҳамма жим. Ота шундай деди: «Ўз инини сақламоқ учун қушлар ҳам бор кучи билан олишади. Мен болалик вақtlаримда қуш боласини оламан, деб чинорга чиқдим. Лекин бирпасда аллақандай қушлар учиб келди-ю, ғазабдан куйиб-ёниб, мени талай бошлади. Қанотлари билан тепди, ўткир тумшуқлари билан қўлларимни, бошимни, бурнимни чўқийверди, кўзларимни ўйиб олгудай бўлди. Базўр қутулдим. Биз одаммиз,

биз совет халқимиз. Муборак ватанимизни душманлар-нинг ифлос оёқлари остида қолдирсак — бу катта шармандалик. Бундан кўра ўлим яхши. Биз ҳозир ҳар биримиз душманга арслондай човут қилишимиз керак. Ватан йўлида молни, жонни аямасдан энг сўнгги қонимизни ҳам фидо қилишимиз керак!» Бундан сал кейин мен ўз ихтиёрим билан фронтга кетдим. Истеҳкомлар қурганимда ҳам, бомбёжжаларда қолган пайтларимда ҳам, қўлда қурол билан душман устига босиб бсрғанимизда 10 ҳам, ҳамиша мен чолнинг шу сўзларини хотирладим. Шундай. Ҳа, энг оғир пайтларда, қарийб иложсиз қолган шароитларда жангчиларга чолнинг сўзларини айнан айтиб бериб, уларни руҳлантирдим, ҳар сафар чолнинг сўзлари жангчиларнинг юрагини ёқди, ҳар қандай қийинчиликни, ҳатто ўлимни писанд қилишмади, немис устига ботирларча босиб боришли...

— Отанинг сўзи ҳам олтин, қўли ҳам,— деди Арслонқул Болтабоев.

— Қалай, иш яхши кетяптими, ота?— сўради Аста-20 хов.

— Рус билан ўзбек қўлни-қўлга берса, ҳар мушкул осон,— деди Саксон ота шамол гувиллагани учун қичқириб. Бирлашсак, тоғни бир тепиб қулатамиз. Гап бирликда, ўғлим Астах. Ана, қара, ҳар ёқдан темир карвон келяпти. Ана, «полvonлар» ҳам гулдурос билан хартум солиб ерни, тошни ғажияпти. Бу ҳикматли машиналарни рус халқи берди бизга. Яна не-не ажиб ҳунарларни ўшларга ўргатяпти.

— Жуда тўғри, ҳақ гап,— деди боши билан тасдиқ-30 лаб Болтабоев,— ҳамма ютуқларимиз бирлик орқасида, рус халқининг ёрдами орқасида вужудга келаётир. Хўш, рус оғам, нариги участкага ўтамизми?

Астахов мўйсафид билан хайрлашаркан, деди:

— Яна машиналар келтирамиз. Яна кўп қурилишлар бор. Ҳаммаси планда. Фарғонада бир парча чўл қолдирмаймиз.

— Раҳмат, ўғлим Астах, раҳмат. Биз, қариялар, бир замонлар чўл азобини обдан кўрдик, қатра сувга зор бўлдик. Энди авлодларимиз сувга сероб бўлиб, нуқул 40 кўкламда умр кечирсин. Планингни катта-катта қила-вер, Астах.

— Албатта, партиянинг плани жуда улуғ,— деди Астахов чолнинг қўлинни силкиб.— Бу қурилишни тугатиб,

бундан ўн марта катта бошқа қурилишни бошлаймиз.
Бир неча йилдан кейин Фарғонага бир қаранг, ақл ҳай-
рон қолади.

— Жуда соз! — керилиб кулиб деди Саксон ота.—
Ҳа, ертўламга меҳмон бўлиб кел кечқурун, дурустми,
Астах.

— Хўп, кўк чой ичишга келаман,— деди кулиб Ас-
тахов.

Астахов билан Болтабоев оломон ичига кириб, юқо-
ри томонга жўнагач, аёл Галя Семёнова чолга жилма-
йиб қараб турди-да, унинг елкасидан бўш қопни тор-
тиб олди. 10

— Озгина-озгина ишлайлик,— деди у қийналиб ўз-
бекча.

— Қизимка, юмушдан, работдан қолма,— деди ку-
либ Саксон ота.

— Ҳозир иш йўқ. Оз-моз вақт бор,— деди Галя Се-
мёнова.

Чол каналга тушиб, кетмонини қўлга олди. Галя қоп-
ни тутди. Чол аёл қийналмасин деб уч-тўрт кетмон туп-
роқ ташлаб, кўтаришга ишора қилди. Галя кўтармай,
яна солишини талаб этди. Саксон ота ярим қопдан ор-
тиқроқ тупроқ ташлади. 20

— Яна, ешё,— деди Галя .

— Бас, ярамайди ешё,— деди чол жиддий тусда.

Бироқ аёл унамагани учун, қопни тўлдиришга маж-
бур бўлди чол. Галя чўқайди-да, қопни бир ҳамла би-
лан орқага олиб, дадил кўтарилди-ю, физиллаб юриб
кетди. Саксон ота орқадан қараб қолди ва ичиди деди:
«Илиги бақувват экан!» Галя Семёнова югуриб келиб, 30
яна қопни тутди. У ёш студентка экан, Катта Фарғона
каналида қатнашиб, халқ қурилишининг завқини тотган
ва суйган эди. Қурилишларда кеча-кундуз демай, дуч
келган ишни астойдил бажаар эди.

— Яхши, қизимка, азамат қизимка,— деди Саксон
ота эркалаб.

— Мен қизимка эмас. Иккита болам бор. Бири мун-
дай, бири мундай,— деди кулиб ва қўллари билан бо-
лаларининг бўйларини кўрсатди Галя.

— Иккита оз. Ўнта бўлсин, ўнта,— иккита панжаси-
ни ёйиб кўрсатди чол. 40

Галя хахолаб кулди-да, тўла, оғир юки билан яна

ғизиллади. Улар галма-гал қазиб, галма-гал ташиб, шиддатли, аҳил, узоқ ишлаши.

— Эринг борми? — сўради қизиқиб Саксон ота.

— Бор.

— Ким?

— Астахов, ҳалиги инженер,— Галя жавоб берди ички ғуур билин илжайиб.

— А! Астахнинг хотинимисан? — чол таажжу билин кўзларини олайтириди, кейин Галянинг бошини гўё ўз қизидай силаб-силаб, деди.— Астах баҳтли экан. Баҳтларинг яна зиёд бўлсин!

Галянинг юзи, соchlари саҳро тўзони билан қалин қопланди. Ниҳоят, у соатига қаради, обеддан кейин, кечга яқин яна келиб ишлашга ваъда бериб кетди.

— Баракалла. Умринг узоқ бўлсин, қизим,— астойдил дуо қилиб қолди чол.

* * *

Анорхон ва Тапсиқ турли колхозларда юзларча эрлар-аёллар орасида йўл қурмоқ билан банд эдилар.

20 Планга қараганда йўл кенг, ўқдай тўғри бўлиши, бу ердан йигирма беш километр нарида ўтган, икки томони қалин дараҳтли катта тош йўлга туташмоғи керак эди. Одамлар бунда ортиқча суронсиз иноқ ва илдам ишлар, баландликларни текислар, чуқурларни тўлдирар эдилар. Фақат аччиқ изгирин юзларни тимдалар, қумтўзонни совуриб, нафасни бўғар эди. Уларнинг иккиси ҳам бир неча аёллар қаторида колхоздан ўз ихтиёрлари билан келган эди. Қўллари совқотса, бирпастгина гулханда исиниб, у-бу тўғрисида гаплашар эдилар.

30 Мана, ҳансираб Мирҳайдар келди.

— Ҳорманглар, шоввозлар! — қичқирди у ўз колхозчиларига.— Мана, чўлга улкан йўл тушди. Бунинг маъниси шуки, чўлни одам ўз қўлига маҳкам ушлаб олди. Бир кун қарайсизларки, мана шу йўлдан машиналар турнақатор пахта ташияпти-да. Бунда пахта яхши унади. Ер эмас, мой-мой! Ҳа, йўлнинг икки томонига бир неча қатордан терак экамиз. Тут ҳам экиш керак. Тўғрими? Чўлдан ипак ҳам оламиз-да. Ҳўш, келинчак Анорхон, кўчиб келасанми бу томонларга? Сен-чи, Мир-40 аҳмаднинг қизи?

Фақат Мирҳайдар уларнинг жавобини кутмай, ўзи деди:

— Вақти етганда кўчиб келинглар. Яна ерни обод қилишда ўзгача кайф бор: кун сайн атрофинг кўпроқ ҳуснга тўлиб, бойиб, яшнаб кетаверади, завққа ғарқ бўлиб, яна зўр ғайрат билан ишлагинг келади. Эҳе, бу кўса ерлар ҳали шундай гуллаб кетсинки, одамлар бир саир қилишни орзу қилсин.

— Хайр энди, мен қишлоққа жўнайман, унда иш қалашиб ётибди. Юмушларинг, топшириқларинг йўқми? 10

— Йўқ, салом айтинг ўртоқларга,— деди Тансиқ.

Раис қўлларини орқасига қўйиб, қўшхона томонга кетди.

Анорхон ва Тансиқ бу чўлда яратилгуси гул ва қўшиққа тўла ажойиб қишлоқлар тўғрисида, кўчиб келиш тўғрисида орзуларини ўртоқлашиб, ишга берилдилар ва тушки овқат пайти етганини ҳам сезмай қолдилар.

Кечқурун қор шиддатли ёғишига қарамай, қўшхоналар яна файзлироқ бўлди. Фидокорона меҳнат устида, бераҳм, ўжар қайсар табиат кучларини енгиш учун 20 курашда бир-бирларини таниган ва бир-бирлари билан ўзишган турли колхоз одамлари орасида борди-келди қуюқлашди.

Овқатдан кейин Собир юлинган, тирналган қўлларини мойлаб, бугунги ишлар тўғрисида қизиқиб гапирав, сойнинг қайсарлигига таажжуб қилас, эрта-индин бир амаллаб уни кишанлашга умидини билдирав ва ўқтин-ўқтин мардона узун сўлиш олиб қўяр эди. Саксон ота деворга суюниб, соқолини бармоқлари билан тараб, нуқул Галяни мақтар: «Илмим баланд, инженерман, деб 30 гердаймас экан, қора ишдан сира ҳазар қилмас экан. Бошингда кўтариб юрсанг, арзийдиган аёл экан. Яна шундай хушмуомала. Хуллас, Астахга жуда муносиб экан».

Ўқтам землянкаларга кириб, ўз элатлари билан бирпас-бирпас ҳангама қилди. Ҳарорати кўтарилиб лоҳас ётган бир колхозчи учун дарров докторга киши юборди-да, хотиржам бўлиб, штабга жўнади. Қор шиддатли ёғар эди. Шамол шақолдай аянчли, хунук қичқирав. Унда-мунда одам кўлкалари чопа-чопа қаёққадир 40 боришар эдилар. Уларнинг ўзаро узуқ-юлуқ сўзларидан кинога ошиқканларини англади-да, Ўқтам агар штабда узоқ қолмаса, Комилани кинога таклиф этмоқчи бўлди.

Лекин томоша қайси баракда бўлишини билмас эди. Ўкта м папогини бостириб кийиб, ўлжа чўнтақ фонарчалини гоҳ-гоҳ ёқиб, ғувиллаб кўзларга қор сепган шамолга қарши илдам дадил одим билан бораркан, ёнидан елиб ўтган отлиқ кескин равишда тўхтади.

— Ҳой, кимсан? Қулоқ сол! — қичқирди рус тилида отлиқ.

— Мен, Ўкта м Носиров,— йигит жавоб берди яқинлашиб ва фонарчани ёқиб, йўлиқувчини ёритди. Ҳаллослаган отда райкомнинг иккинчи секретари ҳансира б нафас олар эди. Унинг эгни қор. Еш, силлиқ юзи қизарган, кўзлари қаҳрли ёнар эди.

— Хўш, ўртоқ Денисов, қаердан? — сўради шошиб Ўкта м.

— Яхши дуч келдинг... Муҳим материаллар, ускуналар келтираётган машиналар қумтепалар орасида тиқи либ қолибди,— деди оғир сўлиш олиб.— Биласанми, йўл деган нарса йўқ, қоронфи, қор, қуюн... Мен ҳам адашиб, тасодифан уларга учраб қолдим.

— Аҳвол қийинми?

— Кўп уриндик, фойдасиз. Отни бу ёққа бурдим, қандай топиб келганимни ўзим ҳам билмайман. Тездан ёрдам уюштириш керак. Бўлмаса, очиқкан, ҳорғин одамлар бу совуқда тошдай қотиб қолади.

— Нима қилай? — ҳовлиқиб сўради Ўкта м.

— Бақувват грузовойга азamat йигитларни ўтқазиб,— деди Денисов таъкидлаб,— овқат ол, тягачлардан ол. Одамлар қалин кийинсин. Ҳа, ёғоч, кетмонларни унутма. Қўришамиз ҳозир.

Денисов штаб томон отни ҳайдаб кетди. Ўкта м қаққайган ҳолда бир зум ўйланиб қолди-да, орқага юргурди. Милтиллаган чироқ олдида бошини газетага эккан Ўсаржонни машина топишга юборди. Бир қопга нон, майиз, пиширилган гўшт солди. Кейин атрофдаги землянкалардан, бараклардан ўн беш ҷоқли йигитни айирди.

— Мана энди кинони мен учун ҳам ўзингиз кўрасиз, жонидан,— деди хотинига Собир Эрматов.— Биз эски солдат, жонидан. Командир не буюрса, «есть!» деймиз холос.

Анорхон ғамхўрлик билан эрини қалин кийинтириди, ўз қўли билан телпагини кўзга тушгудай бостириб қўйди.— Агар кўнсам, ошимни ҳам ўз қўллари билан ичи-

риб қўймоқчилар...— деди кулиб Собир теваракдаги элатларга, кейин гердайиб эшикка чиқди.

Ярим соат ичида ҳамма нарса тахт бўлган эди. Денисов келиб, топшириқни текшириди ва катта бетондаги бензинни кўриб, Ўқтамга қараб мамнун илжайди.

— Адаша кўрма фақат!— деди шофёрнинг ёнига ўтириб Денисов.— Тўғри пастга юр, тўқайга етсак бас.

Шофёр ишонқирамай бошини тебратиб қўйди-да, машинани ҳайдади. Денисов папирос чекиши билан кўнгли беҳузур бўлиб қаттиқ ўқчиди. У тушда иш орасида озгина овқатлангандан буён ҳеч нарса тотмаган ва бирпас тиним ҳам билмаган эди. Айниқса ҳали чўлда қаттиқ уринган, асабийланган эди. У папиросни эзиб ташлади. Тунги чўлнинг ваҳм шовқинига қулоқ солиб, диққат билан олдинга тикилди. Бироқ олдинда машина фариға човут солган оқ қуюндан бошқа ҳеч нима кўринмас эди. Ҳар не бўлмасин, йўл қурилишини тезластишга жазм қилди у. Ҳақиқатан, қумтепалар орасида чўкиб қолган машиналарни тунда, яна қорбўронда топмоқ амри маҳол эканини тушунди. Аммо қидириб то- 20 пиш зарур эди.

— Қаёққа кетяпсан?— сўради шофёрдан Денисов.

— Худо ҳаққи, айтолмайман. Таваккал-да. Тўқай! Топиб ол,— жавоб берди шофёр.

— Бўлмаса тош йўлга олиб чиқасанми? У ердан, мен кирган маълум жойдан яна чўлга кирамиз.

Шофёр ишончсизлик билан машинани ўнгга бура бошлади. Денисов юкларни тунда жўнатган кимнидир ичида сўкиб қўйди ва папиросни ёндириди.

Машинанинг кузовида йигитлар бир-бирларига қалишиб, бошларини буркаб ўтирап эдилар. Увлаган соvuқ шамол бир зумгина кўзни очишга имкон бермас эди. Ўқтам ҳар беш-үн минутда ўрнидан турар, бир қўлини Ўсаржоннинг елкасига тираб, каловланиб, теваракка, оқ қуюн қайнаган даҳшатли биёбонга ҳарашга, бирон нарса кўришга тиришар, фақат нинадай санчилган қордан кўрланган ва шамолдан ганграган ҳолда яна чўккалар эди.

— Ҳай, бу совуқ жаҳаннамнинг чегараси борми?— қичқирди унинг қулоғига кимдир.

Ўқтам электр фонарчасини ёқиб, соатига тутди. Иккни соат юришибди. Қабина томчасини қаттиқ-қаттиқ урди Ўқтам. Машина бирдан тўхтади. Одамлар чўчиб

40

бошларини кўтардилар. Етдик шекилли, деб Собир кўзларини уқалаб, кетмонини қидира бошлади.

Кабинадан Денисов ерга сакради, шапкасини маҳкам ушлаб олди.

— Кўп юрдик. Қаерни мўлжаллайсиз?— сўради Ўктаам қичқириб.

— Тош йўлга чиқсан бас,— жавоб берди икки кафтини оғзига карнай қилиб Денисов.— Лекин ҳеч қандай белги йўқ. «Сўқир юриш» десак мумкин. Лекин топиш керак.

10 — Албатта,— деди Ўктаам ва бирон томонга юришни кўрсатишдан ожиз, ўйланиб қолди.

Одамлар энди сергакланиб, ҳатто пиёда қидиришга тайёрдай ҳар ёнга кўз югуртира бошладилар. Колхозчилардан бири салмоқланиб, деди:

— Назаримда тўғрига юраверайлик. Йўл оғирлашиб. Дам шўнғиб, дам қалқиб кетяпмиз. Шояд тошлоқقا етсак, марра бизники. Шофёр ҳушёр бўлсин, машинани жарга ағдармасин яна...

20 Ўктаам унинг гапини Денисовга тушунтириди. Яна жўнашди. Кўзлар йилт этган чироқ ё бошқа бир белги қидирар эди. Машина неча марта қумликлар, қандайдир ченгалзорлар орасига тиқилди. Бир марта жар тепасида, ҳалокат олдидা кескин тўхтади. Ниҳоят, хатарли, оғир санғишлирдан кейин, катта йўлга чиқишиди. Денисов ўзи чўлга бурилган жойдан бошлади, машинадан тез-тез тушиб йўналишни тўғри белгилашга тиришиди. Бениҳоят қийинчилик билан бир ярим соат масофа босилгач, олисда, сал сўлда ёруғлик кўрингандек бўлди. Одамлар қувониб, қийқириб юборишиди бирдан.

Чўлдагилар ёрдамчиларнинг орқа томондан келганига ҳайрон қолишиди. Улар тинкалари қуришига қарамай, сўнгги кучларини сафарбар қилиб, фалокатдан қутулишга уринмоқда эканлар, Денисов уларга дарров овқат улашди. Ароқ қуйиб берди. Собир бирдан ўз ёнида Эгамбердининг шўх товушини эшитиб қолди. Ҳазиллашиб бармоқлари билан унинг бурнини чимчилади-да, атайн ўдағайлаб, деди:

— Сен ҳам бундамисан, валат! Биламан, ғовфасиз юрмайсан, шумтака. Гап деса қоп-қоп-ку, ўтирган жойини қара! Кўтар аравангни!

Эгамберди нон чайнаб, исиниш учун ер депсиниб. дели.

— Собир полвонни қўшмасак, зарра силжимайди-ганга ўхшайди. Бензин ўрнига ичингизга қирқинчи қу-йиб турсам, довон тугул, тоғдан ҳам оширасиз!

— Бўзигача қумга ботиби-ю, яна сайдайди-я!— деди Собир бир қўли билан қўлтифига Эгамбердини маҳкам қисиб.

Денисов бошлиқ колхозчилар аҳиллик билан шу онда ишга киришдилар. Ҳамма ёқ пасть-баланд қумтепалар, чангальзорлардан иборат эди. Қор ва қум бўрони кўз очтирмас, каловлатар, бўғар, бирпас тинч турсанг, 10 қумга кўмгудай, ваҳший биёбон... Лекин кишилар ёвуз кучга қарши ўчакишгандай, тишларини тишга қўйиб, қийинликни писанд қилмай, мардонавор курашдилар. Чангальларни кетмонлар билан қўпориб, қумликларни ағдариб, оғир чўккан машиналарга йўл оча бошлади-лар.

Оёқ устида бақириб-чақириб овқатларини чала-чулла-па ютган шофёрлар ҳам ўзларига хос ғайрат ва жиддий қунт билан ишга ёпишдилар. Тягачни шатак қилиб ҳа-халаб итарган ўнларча азаматларнинг кучи орқасида 20 биринчи машина ғазабкор гулдурос билан оғир лапанглаб, қумтепалар гўридан кўтарила-гач, енгилланиб нафас олдилар. Эгамберди бармоқларини оғзига тиқиб, ҳуштак ҳам чалиб юборди. Оломон айни қизғинлик билан дарров иккинчи машинага ёпишди. Сўнгги тўққизинчи машина довон ошгандан кейин, карвон бу касофат манзилни тезда тарк этди. Лекин бу даҳшатли машъум кечада чўл карвонга бир-биридан бадтар тўсиқлар, азоб ва машаққатларни яна кўп топқир кўрсатди. Бироқ одамлар ҳар дафъя яна ҳам зўрроқ сабот, чидам ва 30 ирода билан курашга отилдилар. Карвон саҳар чоғида маррага етиб келди.

Қурилиш кундан-кун қизиқроқ, руҳлироқ давом этди. Одамлар қорда ҳам, бўронда ҳам айни фидокорлик билан ишлар эдилар. Ҳатто қийинчиликлар уларнинг юракларида мардлик ва ижодий кучнинг асл ўтини кучлироқ ёқар эди. Азаматлар чарсиллаган совуқда яланғоч бўлиб сойга шўнгимоқдан, ўжар, ғазабли тўлқинлар билан олишмоқдан тортинмайдилар. Ҳамма участкаларда ҳар кун янги шонли исмларнинг донғи юксалар эди. 40 Мутахассисларнинг дастлабки ҳисоб-китоби мусобақага киришган совет кишиларининг ижодкор ҳамласини фарз қилишда хатосиз эмас экан: қурилиш хийла тез

кетди. Бу Ўқтамни қувонтиар, лекин у суръатни яна кучайтиришга интилар, буни партия мажлисларида ва ташвиқот пайтларида юрагининг бутун ўти ва ишончи билан ташвиқ этар, уқтиарар, керак бўлганида баҳслашар, исботлар эди.

Ташкилий-сиёсий оқартиш ишлари Ўқтамни анча банд қилса-да, у ҳар кун қурилишда қайнаб ишлар, энг оғир юмушларга ўзини урар эди. Бутун борлиги билан қурилишга берилган эди. Бу ваҳший, ҳаҳрли чўл ва 10 қоронғи, зах землянка ҳам Ўқтам учун гўзал, илиқ, файзли кўринар эди. Бирон юмуш туфайли колхозга чақирилса, боргиси келмас, агар боришга мажбур бўлса, тезгина қайтар, ҳатто тунги юриш азобини ҳам писанд қилмас эди. Бу ерда Қомилани ҳар кун кўриш, суҳбатлашиш, бирга ишлаш, бирга курашиш, бирга хаёл суриш йигитнинг юрагини нурлантирас, нашъага тўлдирар эди.

Бир кун оқшом Ўқтам Қомиланикига келди. Одатдагича, у бирпас ҳангамалашиб кетмоқчи эди. Қиз колхознинг бир неча активистлари билан нима тўғрисида-дир қизғин суҳбатлашмоқда эди. Ҳалақит бермаслик учун Ўқтам шу ондаёқ ўзини эшикка олди ва шу ерга яқин техник конторага кирди. Тахтадан ясалган, енгил, кичкина хона тамаки тутунига тўла эди. Мутахассисларнинг кенгаши ҳозиргина тамом бўлгани англашилди. Оддий столга бошини эгиб Ҳамиджон Зокиров ингичка очилган қалам билан оқ картонга қандайдир чизиқлар чизиш билан банд эди. Унинг пешанаси устида ҳурпай-ган тим қора дағал соchlari лампа шишасига қарийб 30 тегиб турарди. Ёш инженер шу райондаги Сталин колхозининг қучоғида тарбияланган ва ўтган йил Тошкентдаги институтни битириб, ўз районига, колхозига қайтган эди. Қурилишнинг тинмас-чарчамас жонкуяри бошини кўтарди. Унинг қорагина кенг юзини дўстона табассум қоплади. Ўқтам ясама табуреткалардан бирига ўтириди. Икковлари «Беломорканал» чекишиди. Ўқтам кечаги кучли портлатишлар вақтидаги таассуротини ҳаяжон билан сўзлаб, охирида деди:

— ТОҒ-ТОҒ тупроқ ағдариб ташладик. Буни қоп, тач-40 ка, замбил билан ташиб йўқотиш жуда маҳол-да.

— Тўғри, жуда кўп вақт керак. Жуда кўп одам банд бўлади. Ҳам елкани яғир, қўлни қадоқ қиласидиган мушкул меҳнат,— деди Ҳамиджон ўйланиб,— ишни

осонлаштириш учун мен бир нарсани таклиф этдим бугун.

— Хўш, хўш,— кўзларини жавдиратиб ёш инженерга тикилди Ўктам.

— Гидромонитор усули,— жавоб берди Зокиров.— Бу нарса, албатта, янги кашфиёт эмас. Бироқ бизнинг шароитда буни қўллаш хийла мураккаб, анча малака талаф қиласди. Бу усулдан бизнинг қурилиш шароитида фойдаланиш учун ҳаммадан бурун жасорат керак.

— Мен ўйлайманки, орамизда дадиллар сийрак 10 эмас,— деди Ўктам айёрча табассум билан.— Нимаики ишни тезлаштирса, кучимизни тежаса, ўшанга маҳкам ёпишамиз... Хўп, олдин менга усулни тушунтириинг-чи.

— Тупроқни сув кучи билан оқизамиз, холос,— жавоб берди Зокиров.— Биласиз, сув — тупроқнинг кушандаси. Тупроқни еб ташлайди сув. Ана шундай, сувнинг хосияти кўп. Фақат гап ундан усталик билан фойдаланишда.

— Қойилман. Бу жуда биз болўйл. Сув билан тошни тешиш мумкин! Аммо сиз айтгандай, бизнинг қурилишда гидромонитор осон нарса эмас. Ариқни қаердан бошлийсиз, сувни авраб келасизми?

— Биринчи қарашда шундай кўринади,— деди Зокиров ишонч билан.— Мен теваракни аста айланаб юриб, паст-баландликларни яхшигина текширдим. Гидромонитор учун бир ариқ сувни ўқдай тез югуртириш йўлини тахминан белгилаб қўйдим. Мана қаранг, ариқ қаердан ҳам қайси йўлдан келади.

Зокиров бир парча қофозга қизил қалам билан ер тузилишини, кейин зангори қалам билан сувнинг мураккаб йўлини бирпасда чизиб ташлади ва оҳиста тушунтириди. Ўктам чизиқларга ғоят диққат билан узоқ қараб, бошини кўтарди ва сув йўлини фикран кўз олдига келтиришга тиришди. Зокиров ҳам унинг мулоҳазасига, раъйига қизиқиб, зимдан тикилди.

— Бемалол киришаверинг,— деди бошининг кескин ҳаракати билан ҳам тасдиқлаб Ўктам,— сувнинг тилини зап ўрганибсиз.

— Акажон, мен ёлғизгина инженер эмас, пахтакорнинг ўғлиман-да,— деди Зокиров ғурур билан илжайиб.

— Ҳаммадан шуниси яхшики, бу ариқ тупроқ оқизицдан ташқари, яна коримизга ярайди. Қурилиш ту-

гагунча у ёқ-бу ёққа гул-мул, дарахт-марахт ҳам экиб ташлаймиз,— деди боладай суюниб Ўкта.

— Бўлмаса-чи?

Улар эртанги топшириқлар ва турли участкаларда ижтимоий мусобақанинг бориши тўғрисида сўзлашгандан кейин Зокиров соатига кўз ташлади-да, бирдан урнидан турди. Бўйчан, суяги қалин ёш инженер эски папкани қўлтиққа суқди ва калтагина телогрейканинг киссаларига қўлларини солиб, эшикка томон гурс-гурс юрди. Ўкта унинг орқасидан чиқиб, яна Комиланикига қайрилди. «Мумкинми?» деб землянкага кирди, қиз ёлғиз ўзи ниманидир тез-тез ёзмоқда эди.

— Қаёққа қочиб кетдингиз?— қаддини ростлаб хушвақтлик билан сўради Комила.

— Суҳбатларинг жуда қизғин кўринди. Хўш, нима ёзяпсиз?

— Правлениега хат,— жавоб берди қаламни юргизиб.— Яна ишни сусайтирмасинлар, деб қўрқяпман. Қурилиш билан овора бўлиб баҳорга тайёргарлик оқсаса, ишимиз чатоқ бўлади-я.

— Партия ташкилотингиз қалай?— сўради табуреткага ўтириб Ўкта.

— Ёмон эмас. Колхозимизнинг жони, суянган тоғимиз шу,— жавоб берди Комила.

Ўкта папиросни аста сўриб, жим ўтириди. Чўян печ-качада ўтин чарс-чурс ёнар эди. Землянка тоза, саранжом. Деворга ўйилган токчада газеталар, китоблар тахт-тахт. Бу ерда Ўкта даҳшатли тақир чўлдаги бир ковакда турганини унутар эди. Комила хатни буклаб омонат, ясама столчанинг бир четига суриб қўйди-да, Ўкта га қараб, деди:

— Кечиринг, яна бир парчагина хат ёзаман: аяжонимга. Одатда хатга бир ўтирсан, қаторасига ёзаман. Лекин хатпараст эмасман.

— Бемалол ёзаверинг. Қампирнинг сиҳати қалай? Ҳали ҳам касалхонадамилар?

— Йўқ, тоғамларникида,— жавоб берди Комила ва оғир хўрсишиб, давом этди сўзида.— Аллақандай юрак касали, бедавога ўхшайди. Дам хат келади — дуруст, дам хат келади — оғир. Баъзи вақтда кечалари уйқум ўчади, не-не ёмон ўйларга, ёмон хаёлларга ботаман... Мана, яқинда пахтакорлар қурултойига борсам, бир неча кун ёнида бўламан. Роса қувонади бояқиш.

10

20

30

40

— Хафа бўлманг, яхши парвариш қилинса, тузалиб қолади,— тасалли беришга уринди Ўкта.

Комила хатни конвертга соларкан, Ўкта сўради: «Мендан ҳам салом айтдингизми?» Қиз кўзларини олайтириб ноз билан деди:

— Сиздан салом? Нега энди? Бу ким экан, демайдими аям?

— Ўғлингиздан салом! Мана, қисқа, равshan,— деди Ўкта жиддий қараб.

— Иўқ, аямнинг ўғли ўз ёнида. Майли, хафа бўлманг, укам Латифжонга саломингизни юбора қолай,— деди Комила ҳазил ва марҳаматли товуш ва ҳаракатлар билан, кейин қоғознинг охирига шу сўзларни бир-бир чўзиб, айтиб ёзди: «Ўкта акангдан самимий салом!» Шодликдан Ўктамнинг кўзлари мастдай ёниб кетди. Қизнинг ҳар сўзида, ҳар боқишидан севги учқунланарди. Севишганлар баҳтиёр сирдошлиқ ҳислари билан тўлиб, аста суҳбатлашдилар, хаёлларга берилдилар. Ўкта прораб Зокировнинг гидромонитор ҳақидаги таклифини айтиб берди. Комила ўзига хос туйғунлик ва миришкорлик билан масалага ёндашиб, ариқ қазиш учун сарфланувчи меҳнатни ва сувнинг хизматини фикран жиддий равишда ўлчаб хурсанд бўлди ва колхозчи ёшлардан ҳар хил мутахассислар тарбиялашнинг аҳамияти тўғрисида гапирди.

— Бу масалада, тўғриси, ҳаммамиизда ҳафсала йўқ,— деди Комила куюниб.— Йилдан-йилга олдинги илм ва кучли техникага кўпроқ асосланаётган колхоз хўжалиги учун билимдон кадрлар керак. Зарур бўлганда, ўн ёққа югурамиз, ялиномиз. Бу баҳор ўзимиздан етишган икки агроном ишга тушади. Бири далачи, бири механизация мутахассиси. Уларга илмий тажрибалари учун алоҳида участкалар ажратиб бердик. Колхозда беш кишини техникумларга, олий мактабларга юбордик. Лекин бу жуда оз ахир. Бизда колхоз мастерскойи кичкина заводга айланяпти.

— Ҳа, колхозларга билимдон бухгалтердан то лочин лётчиккача кадр тайёрлаш пайти келди. Афсуски, шундай колхоз раҳбарлари борки, ён бағридаги мактабни кўрмайди, йилда бир марта бўлсин, бошини суқмайди. Мана, бу чўлни илфор илм ва техника асосида обод қилмоқ учун озмунча кадр керак! Бу ерда ҳар бир ишни коммунизмга муносиб ўлчов билан, баланд даражада би-

10

20

30

40

лан амалга оширмоқ шарт. Менимча, Комилахон, биз ўзимиз ҳам куннинг, эртанинг талабига мувофиқ бир даражага интилишимиз керак. Акс ҳолда ҳар ишда оқсаймиз...

— Лўнда қилиб айтганда, менга ҳам, сизга ҳам ўқиш-ўрганиш зарур. Қачон шу чўлдан илк ҳосилни йиғиширгандан кейин қўлимизни қовуштириб рухсат сўраймиз: ё Тошкентга, ё Москвага!

10 — Балли, шу қарор — қарор! — Ўкта моланинг қўлини маҳкам сиқди.

Шу аснода юмaloқ, хушчақчақ миришкор, вазифашунос колхозчи катта тарвузни қорнига қўйиб, чатаноғини атайин кериб, кириб келади...

— Виставкабоп экан-ку,— деди тарвузни чоғлаб кўриб Ўкта.

— Бу миёна-ку, ака,— деди колхозчи Эшбой, чиройли пичоқни қиндан суғуриб:— Бизни ерларда бу «хўппа семиз бир туки йўқ» шундай битадики, ҳар палласи маҳалла қозонидай.

20 Учловлари қумоқ-қумоқ шакарланган, муздай тарвузнинг бир палласини ҳам тамом қилолмай, қоринларини силашди. Кейин домино ўйинига киришдилар. Эшбой бу ўйинга жуда қизиқиб қолган эди. Фақат ўйин номини тўғри айтолмас «домло» дерди. Бироқ биринчи ўйин ҳали тугамаган эдик, тўсиндан колхоз почтальони, сўл қўлининг бармоқлари туташ тўмтоқ собиқ фронтчи йигит кириб келди-да, бўйнига осган сумкасидан, бир неча хат ва телеграммаларни олиб, раисга узатди ва ўзи тарвузхўрликка киришди. Комила сабрсиз ўйинчиларини ранжитиб, дарров хатларга кўз югуртди. Фақат бир телеграммани очиш биланоқ титраб, бўшашиб кетди. «О, шўрим...» пиширлади.

— Нима гап?— хавфсираш, ҳаяжон билан сўради Ўкта.

40 Комила телеграммани унинг олдига сурди-да, бошини қўллари орасига олди. Унинг ҳозиргина яшнаб турган туси бир зумда алланечук қорайиб кетган эди. Ўкта хабарга кўз тикди: «Аямнинг ҳоли жуда оғир, тез етиб келинг. Латифжон». Ўкта моланинг ҳам юраги зирқираб кетди, тили сўздан ожиз эди. Кейин ўзини тутиб, қизга тасалли беришга уринди.

— Балки аянгиз сизни соғингандир. Беморларнинг

кўнгли шундай нозик бўлади. Шунинг учун Латифжон шундай телеграмма беришга мажбур бўлгандир.

— Йўқ, укам бундақа хабардан қўрқади,— деди уҳ тортиб Комила.— Бир бало бўлган. Етиб боргунча аям ё бор, ёйўқ... Юрак касали!

Кўнгли мулойим ва раисага оғадай меҳрибон Эшбойнинг кўзларига филт-филт ёш келди-да, аста чиқиб кетди. Гўё бу мудҳиш хабарга айбдор каби почталъон бўзрайиб, деворга суялди.

— Нима қилай энди?— сўради беҳол ўрнидан туриб 10 Комила.

— Ҳозир жўнаш керак. Поезддан кечикдингиз. Эрталаб Фарғонадан учасиз,— жавоб берди Ўкта.

— Бошқа илож йўқ,— деб Комила жўнашга тайёрланана бошлади.

— Мен ҳам бирга бораман,— деди Ўкта ва қизга ялинчоқлик билан тикилди. Комила жавобан бошини шундай қимирлатиб, қатъянн рози эмаслигини ифода этдики, йигит бу тўғрида яна сўзлашга ботинолмади. Совуқ хабар Комиланинг колхозчиларини ҳам тўлқин- 20 латди.

Комила комсомол ташкилотининг секретарини ўз ўрнига қолдирди, одамларга турли топшириқлар бердида, қишлоққа бирпас қўниб, кейин Фарғонага жўнаш учун қўлига қамчинни олиб, эшикка чиқди. Почталъондан ташқари Эшбой ҳам унга ҳамроҳ бўлди. Отлиқлар қоронгиликни ёриб, чўлга учишди.

Ўкта ўз қўшхонасига келди. Аёллар хонасида Тансиқ чироқ олдида баланд товуш билан китоб ўқир, ўзгалар диққат билан жимгина тинглашар эдилар. Ўкта 30 бирпас тинглаб, ўз землянкасига кирди-да, бурчакка чўзилди, бошини шинель ичига суқиб, қайғурди. Ўртоқлари уни чарчаган деб ўйлашди шекилли, индашмади. Ўкта хәёлга берилди. Юраги хуноб Комилани чўлда аллақандай гариб, ўксук, етим каби тасаввур этди: «Лоақал қишлоққа қадар узатиб боришим керак эди, гарчи Комила унамаса ҳам...»— деб ўйлади ичиди Ўкта ва ташқарига чиқиб, минишбоп отлардан энг чопқирини танлаб минди, яқинларидан ҳеч кимга билдирамасдан, отни қамчилади. Йўлни тахминан мўлжаллаб, 40 ўнқир-чўнқир, паст-баландликларни писанд қилмай, шамолдай учди. Бир марта от қаттиқ мункиб, йигит боши билан қумга йиқилди. Бироқ қум ва қон тупуриб, жаҳл-

дан отни яна қаттиқроқ ҳайдади. Қўп ўтмасдан, отлиқларни қувиб ета олди. Ногаҳон қоронғилик орасидан ўқдай учиб чиқкан отлиқдан хавфсираб Эшбой ҳай-ҳайлаб дўқ билан унга отилди. Ўқтам ўзини танитди.

— Яхшиям танитдингиз, бўлмаса, нақ бир уриб отдан ағдарардим!— деди ҳазилсимон Эшбой.

— Оҳо, мақтанчоқни қара-я! Мен билан олишиш «домло» ўйини эмас!— деди ҳансирааб Ўқтам.

— Жуда бетиним одам экансиз. Нега мунча овора-
10 гарчилик!

— Йўлдошларингизга ишонмадим, бири «қўрқоқ», бири «тўмтоқ»,— гапни ҳазилга айлантириди Ўқтам.

«Қўрқоқ» билан «тўмтоқ» ҳам бўш келмай, бирпас алжирашди. Комила ўз ёнида от ўйнатиб кетаётган лочиндай йигитга меҳр билан қараб-қараб қўяр эди. Ўқтам қанчалик яқин, қанчалик дарддош дўст эканини, қиз ҳозир унинг ёниқ юраги билан чуқурроқ ҳис этди. Ҳаво очиқ, совуқ шамол юзларни ёқар, чўл устида ёйилган чодирда фуж-фуж юлдузлар ёнар, отлар гоҳ тепаларга қалқиб, гоҳ жарликларга шўнғиб, шахдам чопар
20 эдилар.

XXIX

Қўёш губорсиз кўкда талтайиб порлар эди. Ҳаво кўзни оладиган даражада тиниқ ва ёрқин. Чўлнинг тақир, сарғиш юпун бетида бир парча қор кўринмас; узоқларда гира-шира кўринган тоғлар гавдасида қор оқ булутдай чақнар эди. Қурилишда иш ва ҳаракат авжда. Ҳамма участкаларда одамлар энг баланд ғайрат ва ташаббус кўрсатишга тиришар эдилар. Фидокорона меҳнат, ижодий ҳамлалар бадалига муяссар бўлган кўчма байроқлар бригадаларнинг бошида қип-қизил алангаланиб ҳиллирар эди. Қудратли баҳайбат экскаваторлардан бошлаб то ҳамма учун қадрдон «қўл бола» бўлиб қолган тракторларгача ҳар хил машиналар, механизмларнинг шовқини ҳавони ларзага соларди. Зокиров узоқда, тепалар, ўралар орасида куйманиб, гидромониторни амалга оширишга берилган эди. Бу усулнинг тадбиқи мумкинлигига ва ғоят фойдалигига мутахассислар иқрор бўлган эдилар. Бир тўда шоввоз колхозчилар
30 Зокировнинг плани бўйича энг мураккаб шароитда, сувни «авраб» оқизиш учун ариқ қазимоқда эдилар.

Лекин котлованда ишлаётган азаматларнинг фидокорона мардлиги юксак ҳурматга сазовор эди. Бу ерда кишилар нуқул балчиқ ва шағалда ишлар эдилар. Қора лой гүё ер қаъридан муттасил қайнаб чиқаётгандек, қазиган билан, ташиган билан камаймас эди. Котлованда «Собир ботирчилар» ишлар эдилар. Булар турли колхозлардан йиғилган забардастлар, ҳамлакорлар, девкорлар. Қурилишда бу халқ муносиб донғга эга эди.

Мұхим ускуналарни буюртмоқ учун қурилишни бир неча күн тарк этишга мажбур бўлган Астахов Тошкентдан қайтган ҳамон котлованга келди. Қўллари, бетлари, жомакорлари лой азаматлар ҳар ёқдан қичқириб, у билан самимий, дўстона саломлашдилар. Колхозчилар бош инженернинг билимига, тажрибасига чуқур ишонар, унинг соддалиги, мардлиги ва одамгарчилиги учун севар эдилар. Астахов ишнинг боришига диққат билан узоқ разм солди. Одамлар аввалгидан кўра яна шиддатлироқ ишлаётганликларини кўриб, ҳайрон қолди, суюнди, фахрланди. Шундай халқ билан бирга қурилиш барпо қилмоқ, яратмоқ қандай яхши, қандай ҳузур. Бу халқнинг иродаси, азми ҳар қандай қийинчиликни бартараф қиласди, ҳар қандай ваҳимали тўсиқлардан бирон тап тортмайди. Астахов котлованда суронли оломон орасида уни-буни кўрсатиб юрди. Гуруҳ-гуруҳ кишилар замбилларда, тачкаларда, қопларда ва орқалаб ташиш учун маҳсус ясалган таҳтакачларда тирмашиб-тортишиб, бир зум тинмай, лой ва шағал ташир эдилар. Қенг, чуқур ўпирма ичидан кишилар юқ билан худди тоқца кўтарилигандай тирмашар эдилар. Юқорида, бутун теварак — тепа-тепа лой.

Бу ерда ҳали қўп вақт давом этадиган оғир иш ётар эди. Астахов котлованда бутун ишни механикалаштиришга жазм этди. Бироқ қай йўсинда, қай воситалар билан — ҳали у қадар равшан эмасди ўзига ҳам. Шуннинг учун у ҳеч кимга, ҳатто қурилиш бошлиғи Болтабоевга ҳам бу тўғрида бир нима демади. Лекин шу ондан бошлаб, у ўйга фарқ бўлди; гўё атрофдаги суронни ҳам эшифтади. Астахов котловандан аста кўтарилди. Ўзга мұхим участкаларни кўздан кечирди. Қаерда, қай ишда, қай камчилик сезса, уни йўқотиш учун йўл-йўриқ ва тадбир кўрсатди. Ниҳоят, узоқда қумтепалар, жарлар орасида Зокировга йўлиқди. Ёш инженер — прораб гидромонитор ҳақидаги фикрини тушунтирди. Астахов

10

30

40

Зокировнинг қўлидан ушлаб, ерга тортди. Қуруқ, сийрак янтоқлар билан қопланган совуқ, нам ерга ёнбошлилар. Астахов папиросини тез-тез сўриб, диққат билан тинглади-да, бир неча саволларга тўғри, аниқ жавоб олгач, хурсанд бўлиб, деди:

— Бутунлай реал иш бу. Буни амалга оширмоқ учун сарф бўладиган куч ҳам воситалар юз марта оқлади ўзини. Ҳаракат қиласавер.

Хамид Зокиров бу усулни қўллашдаги катта қийинчиликлар тўғрисида гапирди. Астахов ўрнидан илдам қўзғалиб, деди:

— Бу ерда қай иш осонлик билан бўляпти! Лекин гап қийинликда эмас, балки ҳар бир қийинчиликни ўз вақтида кўриш ёки ҳаммадан яхшиси, олдиндан кўриб, уни бартараф этиш учун тегишли чоралар ахтармоқда. Қани, юр, ярани ўз жойида кўрайлик. Астахов прораб билан бирга узоқ кезиб, «яраларга» қарши ўз жойида чора кўрсатди-да, яна паст-баланд ошиб штабга қайтаркан, ўнларча километрга тепаланиб чўзилган тупроқ уюмлари орқасидан Гая келиб чиқди. Эр унинг тўзонли лабидан ўплиб кўришди. Хотин болаларнинг соғлиги ва Тошкент ҳақида ҳаяжон билан суриштириди, кейин ўпкалаган товуш билан деди:

— Агар ўзим қидириб топмасам, мени эсингга ҳам олмайсан. Умуман сени тушуниш қийин.

Астахов ўз одатича сал қизариб, индамасдан кулиб тураверди.

— Тошкентда ҳам шу кийим-бошда юргандирсан?— ғамхўрлик билан сўради Гая эрининг телогрейкасини қоқиб-суқиб.

— Йўқ-йўқ,— жавоб беришга ошиқди Астахов.— Онанг мени шу ҳолда эшикка чиқарармиди. У ўз дидига яраша кийинтириди, нақ олифта бўлиб юрдим. Хўш, топшириқларни қандай бажардинг? Қани ҳисоб бер-чи!

Гая қўли билан эрининг елкасига сал суюниб, бажарган юмушлари тўғрисида жиддий тур ва ишбилармонлар тилида муфассал гапириб берди.

— Ҳаммаси жойида. Яхши,— деди айёрча кулиб Астахов.— Бироқ жарга қулаганинг тўғрисида бир сўз ҳам айтмадинг.

— Ким этди сенга дарров?

— Ҳозиргина менга фалокат жойини ҳам кўрсатиш-

ди, кўзларим жимирилаб, юрагим шув этиб кетди,— деди Астахов бошини тебратиб.

— Сени беҳуда тўлқинлантирмаслик учун айтмаган эдим,— деди Галя сал хўрсиниб.— Бурноғи кун ер сатҳи даражасини белгилаш билан овора эдим, бирдан қаттиқ шамол турди, чанг-тўзондан кўз очиш мумкин бўлмади. Мен каловланиб, тусмоллаб юравердим. Бир вақт қоқилдиму, қаёққадир қуладим-кетдим... Пастда, қияликда ўсган чангал буталар орасига санчилиб қолибман. Бўлмаса, ўпқонликка учиб, парча-парча бўлар эканман. 10 Йўқ, атрофдан сурон кўтариб, дарров ёрдамга югуришиди, белимга арқон боғлаб, тортиб олишди. Ҳечқиси йўқ, оёқларим, тиззаларим бир оз шилинибди.

— Меним баҳтим, болаларнинг баҳти бу, Галяжон. Ўзинг ҳам жуда эҳтиётсизсан-да,— деди Астахов ҳаяжон билан ва Гаянинг изғириналарда қовжираган юзини силади...

— Улуғ ва нурли келгуси учун халқнинг шундай қаҳрамонларча курашида ҳалок бўлсанг ҳам армонда 20 кетмайсан...— деди Галя узоқларга хаёлчан қараб.

— Гап кўп, кечқурун гаплашамиз,— деди Астахов соғинчли боқиши билан Гаяяга қараб, соchlарини эркалаб силаб,— сен ҳозир Зокировнинг қошига юргу. Үнга ёрдамлаш. Лекин эҳтиёт бўл, қалтис жойлар кўп.

Икковлари яна бир минут у-бу тўғрида гаплашиб, айрилишди. Астахов қурилишдаги техникавий вөситалар, имкониятлар асосида котлован ишини қулайлаштириш чораларини ўйлаб, штаб томон юрди.

* * *

Танаффус пайтида Ўқтам лой ёпишган бармоқлари-30 нинг уни билан газетани ушлаб, муҳим хабарларни ўқиб берди ва охирида Черчиллнинг катта бир мажлисда айтган нутқига тўхтади. У ўқиб битирмасданоқ халқнинг кўзларидагазаб ёниб кетди.

— Мана, эски душман, қари қонхўр яна урушни қўм-саяпти,— уқтириб деди Ўқтам.—Бизга, совет халқига қарши уруш очиш пайига тушибди, бу палид империалист. Ноңкўрлик, хоинлик, разиллик, пасткашлик деб мана буни айтадилар! Черчиллнинг уйнiga ўт тушганда ким ўчирди уни? Биз, совет халқи ўз қонимиз билан 40 ўчирдик. Ҳаммага аёнки, фақат Совет Армияси орқа-

сидагниа инглизлар жон сақлаб қолди. Черчиллдек қора юраклар яхшиликни билмайди. Уларда на уят бор, на виждан! Биз урушни истамаймиз. Бутун бепоён совет ватанимизда барча халқлар худди мана бизга ўхшаш тинч меҳнат билан, яратиш билан банд, ҳаётни, мамлакатни яна бойитиш, гуллатиш билан банд. Аммо биз черчилларнинг дўқидан сира қўрқмаймиз. Биз қандай жанг қилишни, қандай енгишни роса биламиз. Эҳе, черчилларнинг қора пешанасини мажақлайдиган темир 10 мушт бизда, совет халқида! Бутун оламдаги энг илғор кучлар, тинчлик, озодлик ва баҳтли йўл курашчилари совет ватани билан биргадир. Ўртоқлар, қари бўри Черчиллнинг увига биз қурилишда яна ҳам зўр ғайрат билан ишлаб жавоб берайлик!

Қарсаклар ҳали давом этаркан, шу вақтгача тошга ёнбошлаб ётган бир колхозчи ўрнидан аста турди. У яғринли, бўйдор, кўзлари қаттиқ, темир қиллардай бақувват қора соқолли, чўпоннамо эди.

— Қуриб кеткур палидни оти нима, Чилчилми?—
20 салмоқланиб деди.— У одам эмас, илон экан. Биродарлар, бир нарса эсимга тушди ҳозир: бир вақт тўқайга ўт тушибди-ю, илон ўт остида қолибди. У ёққа жилпанглайди — чиқолмайди, бу ёққа жилпанглайди — чиқолмайди. Ут чатирлаб борган сари ҳалқани торайтиб келяпти. Шу пайтда бир ўткинчи уни кўриб қолади. Бир нарса билан илонни илиб, ўлимдан қутқазади. Лекин газанда — газандалигини қилади-да, ахир. Одамни ўёлида кўндаланг бўлиб: «Мен сени чақаман», дейди.—
30 «Нега мени чақасан, яхшиликка ёмонликми?» дейди одам. «Илоннинг одати шундай. Чақаман», дейди бошини кўтариб илон. Газанда сўзга унамагандан кейин ҳалиги одам илонни думидан тутиб гир-гир айлантириб, оловга улоқтиради... Хулласи калом, агарда Чилчил тек ўтирмаса, дўқ қилаверса, уни ўзини ўтга улоқтиришга тўғри келади-да...

Ҳамма бирдан кулиб қичқиради: «Яша! Бопладинг!»

Ўктаам газетани қўлтиққа тиқиб, пастга тушаркан, Собир бирдан сўз бошлаб юборди. Ўктаам яна ўз жойига келиб, диққат билан дўстига тикилди.

40 — Биз солдатлар Черчилли яхши таниймиз,— деди Собир кучли қўлларини ҳаракатга солиб.— У эски шайтон. Мен ўнгимдаям, тушимдаям ундан нафрат қиламан. Иккинчи фронтни очмаган у...— Собир жуда қў-

пол сўкишдан ўзини базўр тийиб қола билди,— қари ит, бизга ашаддий душман. У шундай қора ният, шундай сурбет маккорки, уни терисини шилиб, ичига сомон тиқсанг, савобга ботасан. Ахир иккинчи фронтни очмади-я, сволич. Немислар дарвозасини биз парча-парча қилганимизда, Черчилл, эҳ, шошиб қолди-я. Барибир ниятига етмади. Барибир Берлинга биз кирдик. Ёнгиш байронини биз тикдик! Яна бир нарсани сира унутмайлик, ўртоқлар! Черчилл ва унинг лайчалари ўзбек халқини, қадрдон қўшнимиз тожик халқини ҳақорат қилиб, обдан акиллашганлар. Мен буни тириклигимдагина эмас, ўлганимда ҳам унутмайман! Дунёда ана шундай бойтеватлар бор, ҳаммани ўзига қул қилмоқчи бўлган қонхўр жаллодлар, таловчилар бор. Лекин кези келганда, бу ифлос маҳлуқларни ер юзидан супуруб ташлаш учун етарли кучимиз ҳам бор. Бу кучга яна куч қўшайлик, ўртоқлар! Бу ерда «собирчилар» деган сўз пайдо бўлиб қолди. Билмадим, ким тўқиди. Орамизда мендан чандон яхши ишлётган шоввозлар оз эмас. Лекин мен даранглаган номимга яраша иш кўрсатганим йўқ ҳали. Нормага норма, кубометрга кубометр қўшмоқ керак. Курилишни олдинроқ битирсак, мамлакатимиз яна кучаяди. Черчиллга жавобимиз шу бўлсин, ҳозирдан эътиборан меҳнатимизни икки ҳисса оширайлик!

— Уч ҳисса!— қичқирди товушининг борича Ўсаржон Султонов.

Котлован қазувчилар танаффус тугашини кутмай,чуввос билан бирваракай ўринларидан қўзғалиб, ишга мислсиз қайноқлик билан киришдилар. Ўқтам газетани қўлтиққа тиқиб, шундай суҳбат ўтказмоқ ниятида ўзга участкаларга югорди.

* * *

Бир оқшом Ўқтам землянкада кўк чой ичиб, элатлари билан суҳбатлашар эди. Йигит гап билан овора бўлса-да, лекин юрагини соғиниш ҳислари нотинч қиласар эди. Комилани Фарғона аэродромида Тошкентга жўнатиб қолганига бир ҳафта бўлган эди ахир. Шундан буён ундан дом-дарак йўқ. Ўқтам ҳар кун шу соатларда — кечки овқатдан кейин то мажлислар ва тунги ўзга юмушлари бошлангунча бошини қаёққа суқишини бил- мас, зерикар, соғинар эди. Шунинг учун элатлар бирин-

кетин тарқалиб кетсалар ҳам, Ўқтам ташқарига чиқмай, чироқ ёқиб, қўлга дуторни олди, суйган мақомларининг сеҳрига берилди. Хиёл ўтмай, оёқ учида юриб, Тансиқ кирди. У музикани севар эди. Шунинг учун, танҳо йигит олдида қолишга ийманса-да, ихтиёrsиз равишда бир чеккага ўтириди-да, завқ билан тинглади. Ўқтам янги мақом бошлашдан илгари дуторни тиззасига қўйиб, қиз билан бир оз суҳбатлашди. Қурилишда энг яхши стахановчилар қаторида Тансиқни мукофотлашга 10 қарор берганликларини билдириб, уни табриклиди-да, «Роҳат»ни чала кетди. Қуий бирдан узилди, тўсиндан Комила кириб келган эди.

— Ассалом! Чалаверинг, чалаверинг!— деди Комила ичидан яширин хўрсиниб.

Ўқтам кўзларига ишонмагандай, бир зум бақрайиб қолди-да, ўрнидан сапчиб турди ва Комилани соғинч билан қучоқлагиси келди-ю, бироқ Тансиқдан андиша қилиб, ўзини тийди, лекин икки қўли билан унинг қўлини сиқиб, ҳаяжон билан кўришди. Комила Тансиқ билан қадрдонларча кўришар экан, кўзлари бир он ихтиёrsиз равишда Ўқтамни юзиб ўтди.

— Қалай, тинчликми?— Ўқтам Комилани кўрпачага ўтқазиб, юраги безиллаб сўради.

Комила секингина жавоб берди:

— Аямдан айрилдик...

Ўқтам бошини аста қуий эгди, ҳалқумини ғам бўғандай таъзия билдиришдан ҳам ожиз эди. Тансиқ кўзларини ғамли жавдиратиб, Комилага тикилди-да, секингина ташқарига чиқди.

30 — Қайғудан фойда йўқ,— деди Комила Ўқтамга.— Кечирасиз, мен ширингина базмингизни қора хабар билан музлатиб қўйдим.

Бу гап Ўқтамга қаттиқ таъсир қилди.

— Азбаройи юрагим қисилгандан дуторни қўлга олган эдим,— деди Ўқтам қизнинг синиққан юзига тикилиб.

— Мен ҳам бошқа маънода гапирганим йўқ,— деди Комила.

40 — Қалай, кампир билан икки оғиз гаплашиб, видолаша олдингизми?— сўради Ўқтам.

Комила йифи-сиги устига етиб борганини, онасини қандай дафн этганини айтиб берди. Ўртоқлари ҳамиша бирга бўлиб, унинг дардига дардкаш бўлганликларини

айтиб берди, Зайнаб ва унинг оиласининг саломини топширди. Онанинг вафоти ҳақида телеграмма юбормагани учун Комиладан самимий ўпкаланди Ўқтам.

— Ўз колхозимга ҳам ҳеч нима ёзмадим. Қора хабар қурсин! — деди Комила ва қурилиш тўғрисида суриштириб кетди. Ўқтам қурилиш соҳасидаги ютуқлар ва камчиликларни муфассал айтиб берди. Мехнатни осон ва унумли қилиш бобида Астахов ва Зокировнинг ишлари қизни жуда қизиқтириди. Яна уларни ижодкорлик руҳи қучди. Комила Тошкентда колхоз учун олган ва буюрган ҳар нав материаллар, ускуналар ҳақида гапирди ва, ниҳоят, дуторни Ўқтамга узатиб, деди:

— Ҳалиги мақомни давом эттиринг.

Ўқтам «Роҳат»ни баланд руҳ билан, бутун юраги билан чалди-да, «яна нима чалай» дегандай қизга термулди. Комила ўрнидан туриб, пальтосининг камарини тортиб боғлади:

— Раҳмат,— деди у ошиқиб.— Отдан тушдиму, бу ёққа югурдим. Ишларим қалашиб ётибди. Яна мажлис ҳам ўтказмоқчиман.

Ўқтам истар-истамас рози бўлди ва орқасидан кузатиб, эшикка чиқди. Кеча сокин ва ёруғ эди. Ёш ойнинг ўроғи кўкда олтинланар, чўлнинг ҳар ёғидан оловлар, чироқлар имлар эдилар. Олисдан тунги сменадаги экскаватор ва ўзга машиналарнинг қудратли наъраси эшитилар эди. Бир оз юргандан кейин:

— Қани, бир чалинг, Ўқтамжон ака,— деди хўрсишиб Комила.

— А, нима? — деди таажжубланиб Ўқтам, кейин қўлидаги дуторга қараб яна бадтарроқ ҳайрон қолди, бошини қимирлатиб, деди:

— Эс-ҳушимни банд этгансиз-да.

— Билмадим, агар шу сўзларингиз рост бўлса...— деди Комила ва дарров ўзи жавоб берди,— ишонаман, ишонаман.

Ўқтам чолғуни созлаб, одимларини секинлатиб, атанин шўх куйларни янгратди. Гўзал садолар чўлга, кеча оғушига оқди. Сокин мудроқ тепа орқасида кимдир юракдан қичқирди: «Ҳа дўст! Қўлинг дард кўрмасин!» Қўшхонага яқинлашганда, суюшганлар хайрлашиди. Ўқтам қизни бир зум бағрига босиб, деди:

— Сира қайғурманг, жоним. Кетганлар тинч ётсин, тириклар узун умр кўрсии. Чидам керак, чидам! Одиди

10

20

30

40

мизда ҳали улуғ ишлар беҳад кўп. Ғайратни қитдай су-
сайтирганг.

— Биламан, ёлғиз эмасман,— деди Комила.— Кол-
хозчи халқ бор, қанотим бут.

Ўқтам дуторни қўлтиқлаб ўй ва хаёлларга ботиб
қайтди. Саксон ота телпаги остидаги чойнакдан аччиқ-
қина чой қуийб берди. Ўтган-кетгандан бирпас гаплаш-
дилар. Шу орада Астахов хотини билан кириб келди.

— Салом, ота, салом,— узун, кучли қўлларини узат-
10 ди чолга инженер.

— Э-э, ўғлим, Астах, кел, кел, қизим,— хурсандлик-
дан довдираб кўришди чол.

Ўқтам дўстларни кўрпачага ўтқазди. Астахов чол
билан сўхбатлашишни кўпдан буён орзу қилганини, ле-
кин қўли тегмаганини билдириди.

— Ҳаммаси менга аён,— деди чол тўлқинланиб.—
Юмушинг кўп. Уйқингда ҳам ҳаловат йўқ, мени йўқлаб
келибсан, раҳмат. Қалай, Галяхон бардаммисиз?

— Раҳмат, ота,— деди Галия одоб билан.

20 — Хотинингни ҳаммага мақтайман, Астах,— деди
чол, инженернинг тиззасини туртиб.— Уни дуо қила-
ман, Ақдари, боадаб, серғайрат аёл, Астах, худди ўзинг-
га боп тушган-да. Омон бўлларинг. Қани, Ўқтам, дас-
турхон ёз!

— Раҳмат, ота, ҳеч нима керак эмас,— деди Галия.

— Қўй сўйиб, поёндоз солишга арзидиган меҳмон-
ларсиз,— деди чол соқолини силаб,— афсуски, бу чўл-
да, қора ковакда кутяпман.

30 Ўқтам дастурхон ёйиб, юмшоқ нонлар ва ҳар хил қу-
руқ меваларни уйиб ташлади. Саксон ота чой қуийб,
меҳмонларни дастурхонга унлади-да, ўзи гапни давом
эттиргди:

— Баракалла, Астах, ажаб ишларни тўқиб чиқариб-
сан. Бошинг тўла ҳикмат экан. Кеча атайлаб томоша
қилдим. Йўғон, тикка қувурлар ичидан балчиқ қайнаб
чиқиб, новлардан пастга оқяпти. Ана ҳунар!

— Бу оддий нарса, ота,— деди Астахов.— Совет
техникаси бундан минг марта катта, оғир, қийин иш-
ларни бажарадиган машина ва асбобларга эга.

40 — Техникани бундан кейинги катта қурилишлари-
мизда қўрасиз, бобой,— деди Ўқтам.

— Ишонаман, болаларим,— деди Саксон ота боши-

ни қимирлатиб,— бу янги замонамиизда илм-ҳунар бе-
ҳад авжга минди.

Самимий, мана шундай суҳбат давом этди. Астахов Фарғонада сугориш ва электрлаштириш соҳасида яқин бир неча йил мобайнида амалга оширилажак буюк қурилишлар манзарасини содда, равshan, аниқ бир йўсинда тушунтириб берди. Фарғонада қурилажак янги каналлар, сув омборлари, гидростанциялар ва чўлларда яшнайдиган ўрмонлар, боғлар чолни қувонтириди, тўл-қинлатди.

10

— Ҳаммаси ақлу адолат меваси,— деди Саксон ота.— Замонамиз Коммунистлар партиясининг ақли, адолати нуридан кўкаряпти, гулляяпти. Илоҳим, унинг умрига минг умр қўшилсин, адолати офтобидан бутун олам яшнасин!

Саксон ота бир оз сукутдан кейин хонлар ҳукмронлигига Фарғона бошидан ўтган қора даврлар ҳақида ўз отаси ва бобосидан бир вақтлар эшилган воқеаларни ҳикоя қилиб берди. Хусусан, революцияга қадар чол ўзи кўрган-кечирган аламли саргузаштларни ҳамма маҳлиё бўлиб тинглади. Астахов революцияга қадар Ўзбекистонда сув тақсимоти ҳақида чолга саволлар берди. Сувсилик тўғрисида, сув тақсимотидаги зулм ва ҳақсизликлар тўғрисида ёрқин, қизиқ, аламли воқеаларни айтиб берди. Астахов соатига гоҳ-гоҳ кўз ташлаб, вақтнинг тез ўтганидан хафа эди. Мажлисга ошиқиб, кетмоққа жазм қиласар, лекин яна қизиқ суҳбат билан банд бўлиб, унутар эди. Ниҳоят, инженер узр сўраб, ўрнидан турди. Саксон ота землянканинг пастак шифтига осиғлиқ саватчага қўлини суқиб, икки дона йирик, пўсти қип-қизил анор олди-да, эр-хотинга биттадан совфа қилди ва кулиб, деди:

20

— Буни сабза барги дарвиш дейдилар, яъни дарвишнинг кўк барги...

— Нима, нима? Маънисини айтинг,— қизиқишиди Астахов ва Галия.

— Бир замонда Самарқанддами, Бухородами, Астах ўғлим, сенга ўхшаш бир зўр билимдонни тўйи бўлиди,— салмоқланиб астагина гапира бошлади чол.— Шаҳарни жамики улуғлари, олимлари унга ҳар нав 40 қимматбаҳо совғалар келтиришибди, кими гилам, кими кимхоб тўн, кими тилло коса, кими аргумоқ от... Иттифоқо бу тантана, дабдабага нуроний чин дарвиш келиб

439

қолибди. Аммо совға учун унда ҳеч нима йўқ. Шу вақтда дарвиш дарахтдан кўм-кўк япроқни узиб олиб, уни ҳурмат билан бўй эгиб совға қилибди. Ҳамма ҳайрон. Аммо ҳалиги билимдонга дарвишнинг совғаси ҳаммадан кўра манзур ва мақбул бўлибди. Чунки бу чин кўнгилнинг холис муҳаббати эди. Ана шу замондан бўён кичкина, лекин холис дўстона совғани «дарвишнинг кўк барги», деб атайдилар. Мен азиз меҳмонларга арғумоқ эмас, автомобиль миндиришга ҳам қодирман, аммо бу

10 совғам — кўнгилники.

Олдин Астахов, кейин Галя Саксон отани ҳаяжон ва самимият билан узоқ-узоқ қучоқладилар...

xxx

Мартнинг боши, чўлда совет одамининг ҳаёт ва баҳт яратиш учун фидокорона курашининг иккинчи баҳори эди. Утган йил шу паллада ҳали пойдевори қўйилмаган гидростанция энди қуёшда ўзининг азамат гавдасини ва ойна кўзларини чақнатар эди. Уни мутахассисларнинг раҳбарлигига колхоз усталари — республикада олдинги

20 қурилишлар мактабида билим ва ҳунарга омил бўлган оддий таҳтакорлар қурган эдилар. Гидростанция райондаги барча уйларни чароғон қилган ва колхозлар хўжалигининг турли-турли соҳалардаги, ҳаётдаги не-не мўъжизалари орасида энг гўзали — қудратли моторлар билан юқорига кўтарилиб, чўл кўксига янги каналлар ва ариқларда лим-лим тўлиб мавжланган сувдир.

Қудратли электр тракторлар чўлнинг бокира бағрини илк дафъа ёриб, ағдариб, ҳавони гумбурлатар эдилар. Қуёшдан, чўл шамолларидан қорамтиранган

30 тракторчилар баланд руҳ билан шавққа тўлиб ишлашар, куйлашар, уларнинг чаккаларида илк лолаларнинг қон олови ёнар эди.

«Ленин» колхозининг раиси Ўқтам ҳайдовнинг сифатини диққат билан текшириб, ажойиб машинанинг ишини меҳр билан томоша қилар, суюнар ва фахрланар эди. Унинг ён қўшнилари «Коммунизм» ва «Ленин йўли» каби ёш колхозларда ҳам айни тракторларнинг садоси янграр эди. Ўқтам ўз оиласи ва рўзғори билан бу чўлга илк кўчиб келганлардан бири эди. Февралнинг бошида ҳали қор бўронлари увлаган паллада

40 «Қаҳрамон» колхозидан тўқсон хўжаликни бирга олиб,

янги ерга кўчган эди у. Мирҳайдар ота бошлиқ барча элатлар уларни яхши орзу, тилаклар ва олқишилар билан узатиб қолишганди қишлоқда.

Ўқтам янги ерда биринчи кун, биринчи соатдан бошлаб бутун мушкулотларни мардларча бартараф қилиб, янги ёш колхозни оёққа қўймоққа катта азм ва жасорат билан киришди. Бир оёғи район ташкилотларида, бир оёғи МТС да, кундузлари елди-югурди, тунлари эса эртанги кун тўғрисида ўй ўйлади у. Кун сайн колхознинг жонбоши ортди. Ўзга районлардан, ҳатто областлардан чўлни обод қилиш учун ўз истаги билан келган баландхавас талабкорлар ва айниқса, ёш азаматлар ҳисобига колхоз халқи тез ўсди. Кеча келган бир тўда билан хўжалик-хонадон икки юз қирққа етган эди. Ҳали ҳамма ёқ ҳувиллаган биёбон. На кўча бор, на мустаҳкам уйжой, на дала шийпонлари бор. Лекин илк баргларини чиқара бошлаган ёш адил ингичка, қатор-қатор дарахтлар оралаб чўзилган, кенг, текис ва ҳозирча ягона йўлда машиналар, аравалар тинимсиз қатнайди. Улар чўлнинг илк эгалари — колхозчиларни, уларнинг рўзгорларини ва бу ерда мустаҳкам баркамол ҳаёт қурмоқ учун зарур материаллар, турли ускуналарни ташийдилар. Землянкаларга ва муваққат баракларга жойлашган колхозчилар, катта-кичик бари ёнг шимариб, эртакеч қизғин иш билан, кураш ва яратиш билан банд. Бу ерга район ва областнинг раҳбар ходимлари, ёш колхозларни оталиққа олган ташкилотларнинг вакиллари ва тупроқшунос, уруғчи, ирригатор каби олимлар тез-тез келиб туришади.

Қуёш бир парча булутсиз кўкда талтайиб порлайди. 30 Ўзбекистоннинг жўшқин, шўх баҳори чўлга гул ва кўкат сепини ёйган. Шамол майсалар орасида лола гиламларини силкийди. Дала тўла одам. Қозонларда тушки овқат қайнайди, яп-янги бакларда чой. Олисларда яйдов отлар кишинайди. Болалар офтобда худди жайронлардай сакраб, югуриб ўйнашади. Саксон ота колхознинг мингларча гектар ери теварагига ва пастдаги ярим тошлоқ ернинг узунасига — ўнларча километр масофага қалин қилиб кўчатлар ўтқазаётган колхозчиларга бош эди. У шоффер набираси билан ўз машинаси 40 га ўтириб олиб, даштнинг у бурчидан-бу бурчига кезгани-кезган. Чол ким кўринганга шундай дейди: «Қум балосига, гаримсел балосига нима қалқон—дарахт қал-

қон. Дастлаб ўз уйинг деворини ўйлама, чўлнинг деворини ўйла».

Собир ва Анорхон янги колхозга бригадир эдилар. Улар бригада бўйича 70 центнердан ҳосил олмоқ учун курашга киришганлар. Собир ва Анорхон бултур звено бўйича юз центнердан ортиқ пахта етишириб «Социалистик Меҳнат Қаҳрамони» унвонини олган эдилар. Усаржонни Ўктам ялина-ялина она колхозда ўзининг ўрнида қолдиришга кўндирган эди. «Қаҳрамон» колхозида ҳаммадан бурун меҳнат қаҳрамони бўлган Тансиқ кузда Тошкент Қишлоқ хўжалик институтига ўқишга жўнаган эди. Бултур «Қаҳрамон» колхози пахта планини ҳар қандай тахминдан ортиқ бажариб, обдан бойиган: мўл-кўл электр қуввати унинг ҳамласини яна кучайтирган, яна катта имкониятлар очган эди. Ҳозирги пайтда Мирҳайдар ота колхозчилар учун янги уй-жой, туғруқхона, кутубхона каби катта бинолар қуриш ва қишлоқни телефонлаштириш сингари муҳим ишларни бошлаб юборган эди. Чўлга кўчганлар эса она колхознинг муваффақиятлари билан фахрланишар ва ёш колхознинг эртанги донғига чуқур ишонар ва бунинг учун қаттиқ курашар эдилар.

Мана, ҳар нав деҳқончилик машиналари — сеялкалар, культиваторлар, чимқирқарлар, ўғитсепарлар келиб қолди. Ўктам югуриб борди-ю, гёё уларни илк марта кўраётгандек қизиқиши ва ҳаяжон билан қабул қилиб олди. Машиналар янги ва бўёқлари ялтираган эди. Ўктам худди чавандоз, ўзининг суюкли отини ардоқлагандай машиналарни силаб-сийпаб тураркан, ўз «Победа»сида Саксон ота етиб келди. Чол машиналарни кўриб, қаттиқ хурсанд бўлди.

— Бардаммисиз, қария, — деди Ўктам қувониб. — Қаранг, бу машиналар тўппа-тўғри заводдан-а.

— Ҳар бир ишимиздан эртанинг шабадаси келиб туриби, ўғлим. Шунинг учун дилим бақувват, қўлим юмуш қидиради,— деди чол ва Ўрмончилик министрлигидан ҳозир мутахассислар келганини, дараҳт кўкартиш ишлари яна кенгайишини айтди. Раисдан маслаҳат ва йўл-йўриқ олиб, дарров машинага ўтириди-да, чанг кўтариб, чўл ичига қараб учди... Бир оздан кейин «виллис»да Александр Денисов келиб қолди. Чўлга тез қатнаб турган эди у. Рустам Сайрамов бу ердаги ёш колхозларга алоҳида диққат ва ёрдамни унга топширган

эди. Денисов Үктам билан қадрдонларча кўриши ва қишки қалин қора шапкасини олиб, сарғиши майин сочларини қўли билан текислаб, кулиб сўради:

— Хўш, раис, сизнинг чўл мамлакатингизда аҳвол қалай?

— Шаронт қийни. Аммо бўш келмаймиз,— жавоб берди Үктам.— Мана шундай машиналар, ускуналар кела-верса, қулични бемалол ёяверамиз, ўртоқ Денисов.

— Машина кўп. Тўймасангиз, яна олинг. Ёғоч ва тахталарни ташиб келиш учун транспортни тайёрланг. 10

Үктам бирдан яйраб кетди. Денисовнинг қўлини яна қайта-қайта сиқди. Уй-жой ва бошқа қурилишлар учун ёғочни ўйлаганда, баъзан унинг юраги хуноб бўлиб кетар эди.

— Камчиликлар йўқолаверади,— деди Денисов.— Мана, сувнинг бошидасиз, гидростанция қучоғингизда. Сизга яна бир тўда азамат ёшлиар келади. Бу ерда мўъжизалар яратиш мумкин.

— Бу тап-тақир дашти олтин водийга айлантирамиз, ўртоқ Денисов!— деди ишонч ва ғурур билан 20 Үктам.

Денисов ер ҳайдовда тракторчиларнинг нормалари-ни, уруглик сифатини ва ҳоказони текширди. Бригадирлар, звенолар билан далада сухбатлашди. Уни ҳамма колхозчилар яхши танир ва ҳурмат қиласар эдилар. Денисов — деҳқонлар орасида кўп юрган собиқ ирригатор — содда, одамшаванд, лекин талабчан, ҳақиқатчи эди. Кўп колхозчилар уни бетакаллуф «Искандар ака» дейишар эди. Денисов, ниҳоят, тахта уйчага кирди-да, ёш архитекторга деди:

— Қани, дўстим, коммунизм қишлоғини кўрсатинг-чи!

Ҳушмуомала, уятчан йигитча қишлоқнинг турли каталикдаги оппоқ картонларга чизилган турли манзараларини бир-бир намойиш қила бошлади: кенг, адил кўчалар, йўллар, хиёбонлар, клуб, мактаб, кутубхона, хастахона, стадион, гостиница; ям-яшил жонли деворлар, гулзорлар билан ўралган баланд, ойнаванд, оппоқ уйлар... Ҳамма манзарада, қурилишда сув қўшиғи, яшиллик тўлқини нур ва гул оҳанги... Денисов қора-кўкимтирил сал ботиқ кўзларини дераза орқали чўлга хаёлчан тикди-да, 40 ўрнидан турди ва архитекторнинг қўлини қисиб, деди:

— Хаёлингиз жуда реал. Ахир, қаранг,— қўлини де-раза орқали чўлга, узоқларга узатди у,— колхознинг

шунча ери, шунча суви, шунча энергияси бор. Бундай ишлар яна кимнинг елкасига боп? Ўртоқ Ўкта м Носиров, қурамизми?

— Албатта,— жавоб берди Ўкта м хурсанд,— партия-нинг ёрдами билан яна улуғвирроқ, чиройлироқ андазада бажарамиз!

— Партия Лениннинг ақлидай, Лениннинг юрагидай, ҳамиша ҳалққа кўпроқ қўёш ва баҳт беришга интилади,— деди Денисов руҳланиб.

10 Ўкта м қўшни колхозларга ўтмоқчи бўлган Денисовни кузатиб, яна тракторчиларга қайтди. У ерини обдан тобига келтириб ҳайдаб, чигитни ҳаммадан олдин экишга тиришар, шошар эди. Ҳамма бригадалар ва звено бошлиқлари ҳам уруғни лоақал бир кун илгари ундиришга ҳаракат қиласар. Баҳорда пахтакор учун вақт тор, меҳнат эса чексиз мўл. Бундан ташқари, кўклам пахтакорнинг юрагига ташвиш солади: агар бирдан ёмғир қўйиб берса, чигит ер бағрида чириши мумкин ёки ҳали мурғак фўзаларни тасодифий изғирин совуқ бир кечадаёткунни қириди-кетади.

Кунлар, тунлар чўлда қаттиқ машаққат ва қўнимсизлик билан кечар эди. Янги рўзғорли колхознинг ва чўл шаройтининг қийинчиликларига қарамай, Ўкта м 750 гектар ерга 5 апрелда чигит экишни тугатди. Шу кун гўё елкасидан тоғ афдарилгандай енгилланди ва суйганига муваффақиятдан дарак бериб, қувончини ўртоқлашмоқ учун Комила қошибига учеб боргудай ошиқди. Кейинги ҳафталарда иш ва ташвиш мўллигидан, улар сийрак кўришар эдилар. Ўкта м обдан ювиниб, соқолларини 30 қириб, бошидан-оёқ янги кийимларни кийди-да, бир от, бир қамчи — «Элобод» колхозига жўнади.

Собир билан Анорхоннинг фўзаси колхозда барчадан олдин, қарийб бир замонда тамоман бехато униб чиқди. Фўзани парвариш қилишда, далада меҳнатни ташкил этишда бу мусобақадош бригадирлар бир-бирларидан қолишимасликка тиришар эдилар. Собир бригадасига вақтинча шийпон ясад, тепасига байроқча ўрнатгач, эртасига ёқ Анорхонга қарашли барча звеноларнинг участкаларида лоладай байроқчалар ҳилпиради. Собир ўз 40 бригадасида агротехника қоидалари тўғрисида бир доклад уюштирганда, Анорхон қўша-қўша доклад ва суҳбатлар ўтказар эди. Лекин эр ва хотин бир-бирларига ёрдамга ҳамиша тайёр эдилар. Бироқ Собир ортиқча куюнчаклик ва ғамхўрлик кўрсатгиси келса, Анорхонга

ПРАВДА

ПАРТИЙНАЯ ЖИЗНЬ

Партийные группы в полеводческих бригадах

В связи с укреплением нашей страны в борьбе за социалистическую систему партийные организации должны создавать партийные группы

Партийные группы должны выступать впереди рабочих и колхозников в борьбе за социалистическую систему

Партийные группы должны выступать впереди рабочих и колхозников в борьбе за социалистическую систему

Партийные группы должны выступать впереди рабочих и колхозников в борьбе за социалистическую систему

ПАРТИЙНАЯ ЖИЗНЬ

ПОЛИТИЧЕСКАЯ УЧЕБА СЕЛЬСКИХ КОММУН

Сельские колхозники и рабочие, сельские коммуны и сельские советы должны организовать политическую работу в сельских колхозах и сельских советах. Их задача — проводить политическую работу в сельских колхозах и сельских советах.

Сохранение в почве влаги — важное агротехническое мероприятие

Пахта далаларида кул
утказиб, гўзанинг тез р

Районни
реко

Бир колхоз партия ташнилотининг
намчиликлари жана

Бир колхоз партия ташнилотининг
намчиликлари жана

РОМАНИИ ҚАЙТА ИШЛАШГА ТАЙЕРГАРЛИК
ЖАРАЕНИДА ТҮПЛАНГАН МАТЕРИАЛЛАРДАН

жилла ёқмас эди бу: «Бас, мени баъзи бир шаҳар хотинларидек ошқовоқ билан тошқовоқни фарқ қилмайди, деб ўйлайсизми?»

Бир кун Анорхон ўз бригадасидаги ҳар звено ерини аъзоларга баб-баравар тақсимлаб, ҳар ҳисса — улуш бошига эгасининг номи ва мусобақа шартлари ёзилган тахтача қоқиши билан машғул бўлганда, Собир келиб қолди ва қизиқиб сўради:

— Ҳа, бетиним комсомолка, нега далани тилик-тилик 10 кесиб ташлаяпсиз?

— Бу ҳам бир эрмак, қаҳрамоним, — жавоб берди беларволик билан Анорхон.

Собир чўққайиб тахтачалардаги ёзувларга кўз югуртирди-да, бошини тебратди.

— Жуда маъноли эрмакка ўхшайди-ку...

— Юқори ҳосил учун ваъда осон, лекин гап ваъдага вафода,— деди Анорхон қора, йирик, ўйноқи кўзларини қисиб. — Мана энди звенода ким қандай ишлайпти, ҳар кун менга равшан. Озгина меҳнат билан бутун ёзги иш-20 га ўлчов ясадим.

— Жуда соз! Бу андазани биз ҳам коримизга ярат-сак-чи? — мийиғида кулиб деди Собир.

— Ихтиёрлари... — нозик пичинг қилди Анорхон.

Собир хотинини эркалаб, унинг қизарган, қизғин юзини силаб қўйди. Шундай, эр ва хотин бир-бирлари билан ўзишиб, ёрдамлашиб ишлашар, ҳамма бригадалар улардан ибрат олар эдилар...

Фўзалар тўрт эллик ердан кўтарилиб, дала бўйлаб 30 кўм-кўк чизиқлар кўзни қувонтирганда, бир вақт тўсиндан ҳаво айниди-ю, ер-кўкни қақшатган момақалдироқдан кейин катталиги ёнғоқдай, тухумдай дўл-тош ёққандай ёфа кетди. Бу даҳшатли манзара эди. Ҳамма ўзини панага урди, ғазабдан, аламдан тош қотиб, фалокатга ўқрайди. Дўл бир соатга қолмай, бирдан тўхтади. Халқ далага отилди. Мурғак фўзалар нобуд бўлиб, лойга қоришган эди. Баъзи аёлларининг кўзларига жиқ-жиқ ёш келди. Ўқтам сокин ва хўмрайган эди.

— Хафа бўлманглар, — деди Саксон ота юпантириб, — кўкламнинг қилифи бу. Бугун осмон тўнини тес-40 кари кийган экан, лекин деҳқоннинг қўли омон бўлсин. Бунга шукур қилингларки, дўл у ёқ-бу ёқии ялаб ўтиб кетди...

— Аввалгидан икки-уч марта тезроқ, лекин яна ҳам

сифатлироқ қилиб қайтадан экиб олайлик,— деди Ўқтам хафалигини яширишга тиришиб.

— Менга қара, Ўқтамжон, дастлабки планингни бажарамиз,— деди Собир басма-бас ўйнаганлардек қудратли қўлини чўзиб.— Минг гектарга экамиз!

Ўқтамнинг юзи бирдан нурланиб кетди. Одамлар Собирнинг елкасини қоқдилар. Ўқтам колхоз правлениеси ва активларини идорага ошғич мажлис учун чақираётган вақтда қорнигача балчиқ отини лўқиллатиб, ҳансираб Рустам Сайрамов етиб келди. Унинг қўли ва бетига лой томчилари ёпишган эди. Секретарь отдан тушмоққа ҳаракат қилди-ю, яна айниди, нафасини ростлаб, сокинлик билан деди Ўқтамга:

— Чўл ботирларига оғир синов куни келди. Чўлдан бошқа ҳамма ёқ соғ қолди. Хафа бўлманг, Ўқтамжон. Биз бундан баттарроғини ҳам кўрганмиз. Энди максимум ғайрат ва уюшқоқлик керак... Чигитни бугунданоқ пунктдан ташиттиришингиз мумкин, бутун куч ва диққат қайтадан чигит экишга!. Бутун халқни сафарбар қилинг, шайланг. Хайр ҳозирча, мен қўшниларингга борай. Кечқурун яна учрашамиз, партия аъзолари ва комсомолларни бирон соатга йиғиб, бирга суҳбатлашамиз. Дурустми?

— Уқдим, хотиржам бўлинг, Рустам ака,— деди таъкидловчи товуш билан Ўқтам.

— Ишонаман,— қичқирди Сайрамов отни қамчилаб.

Эртасигаёқ бутун колхоз катта азм ва ирода билан далага чиқди. Мирҳайдар ва Комила ўз кишилари билан ёрдамга келишди. Қайтадан экиш тез ва сифатли равиша тугади... Чўлда кунлар қийинчиликларни енгиш учун курашнинг тери ва ашъаси билан ўтди.

Ўқтам ва Комила «Элобод» колхозининг чўлда очган қўшимча янги қўригини отларда елиб, қувонч билан айланишаркан, ҳар ёнда ёш далаларнинг кўм-кўқ денгизи қуёшда балқиб, сўлқиллаб ётар эди. Ҳар ёндан ариқларнинг жонли найи оқар, олтин водий ҳавосида қўшиқлар мавжланар, ҳали нозик-ниҳол дараҳтларнинг кўк қаторлари олислардан теваракни қуршаган эдилар. Комила билан Ўқтамнинг юраклари баҳор ва умрбод севгининг баҳти ва нашъаси билан лим тўла эди.

Ўқтам ва Комиланинг тўй ҳозирлиги учун ҳаракатлари зўр эди.

«Муборак бўлсин тўйларингиз!» деб ҳалойиқ уларни қувониб табрик этар эдилар.

ВАРИАНТЛАР

«Олтин водийдан шабадалар» Ойбекнинг замонавий мавзуга бағишлиланган биринчи йирик асаридир.

Роман гарчанд 1949 йилда ёзib тугалланган бўлса-да, ёзувчи ўзининг бу катта бадинй полотносини яратишга Улуғ Ватан урушининг сўнгги йилларидаёқ тараффуд кўра бошлаган эди. Адабнинг 1944—1949 йиллар орасида ёзган ва ўзбек пахтакорларининг урушдан кейинги ҳаётига бағишлиланган қатор очерклари шундан далолат беради.

«Олтин водийдан шабадалар» қисқа вақт ичидаги ойда ёзилган. Шунга қарамай, роман бир нечта қоралама ва оқлама қўллэзма нусхаларга эга. Романнинг қоралама қўллэзма нусхаси 12 ва 24 варижлик мактаб дафтарларига ҳамда $30 \times 20,5$ см форматли стандарт ёзув қоғозига араб шрифтида, қора қалам ёки гунафша сиёҳ билан ёзилган. Романнинг Ойбек дастхати билан ёзилган оқлама нусхасидан жиддий тафовут этувчи бу қўллэзма, биринчидан, асарда тасвирланган воқеалар ривожини изчил суратда акс эттирмайди. Иккинчидан, у асарнинг оқлама нусхаси учун фақатгина эскиз вазифасини ўтаб, сўнгги манбадан таҳрир қатламлари билан фарқ қиласди.

Романнинг оқлама нусхаларидан бири адаб томонидан ёзилган бўлиб, унга баъзи бир йўлма-йўлакай, енгил тузатишлар киритилган холос. Нашриёт учун мўлжалланган иккинчи оқлама нусха эса адабнинг умр йўлдоши Зарифа Сайдносирова қўли билан кўчирилган (Ойбек бу вақтда Покистон сафарида бўлган). Мазкур нусха романнинг «Шарқ юлдузи» журналида эълон қилинган боблари ва Ўздавнашр томонидан чоп этилган биринчи нашри (1950) учун таянч қўллэзма бўлиб хизмат этган. Ўша қўллэзма Ойбек дастхати билан ёзилган оқлама нусхадан мутлақо тафовут этмайди. Романнинг бу ҳар иккала оқлама нусхаси 1949 йилда $30 \times 20,5$ см форматли стандарт қоғозга араб шрифтида гунафша сиёҳ билан ёзилган.

Ойбек роман бўйича билдирилган танқидий фикр-мулоҳазаларни эътиборга олиб ва тўрт томлик «Танланган асарлар»ининг сўнгги томини нашрга тайёрлаш муносабати билан 1958 йилда мазкур асарни қайта ишлаб, унга янги боблар, янги эпизод ва лавҳалар қўшади. Умумий сони 22 та бўлган бундай қўшимчалар адабнинг оғир хасталик кезларида унинг оғизидан (З. Сайдносирова томонидан) ёзib олинган. Бу қўшимчалар ҳам қоралама ва оқлама нусхаларга эга бўлиб, улар ҳам ўзаро жиддий фарқ қиласди. Мазкур

Қўшимчалар тахминан 40×14 см форматдаги узун ва ингичка қозғозларга рус ёзувида гунафша сиёҳ билан битилган.

Шундай қилиб, романнинг адаб архивида сақланаётган қоралама ва оқлама қўллэзма нусхалари ўзаро кескин фарқ қиласди ва бу фарқни ушбу нашр доирасида ўрганиш имконияти мураккаблашади. Шунинг учун ҳам ушбу томни нашрга тайёрлашда романнинг қоралама нусхалари қўллэзма манба сифатида тадқиқ этилмади.

Романнинг қўллэзма нусхаларида айрим сўзларнинг ёзилиши мавжуд имло қоидаларига мувофиқ келмаган ёхуд индивидуал кўринишга эга бўлган ҳоллар ҳам учрайди. Чунончи, Ойбек айрим сўзларни юмшатиб, майнинлаштириб талафуз этиш ва ёзишга мойил бўлганлиги сабабли «бораман», «келаман» қабилидаги феълларни «борамен», «келамен» шаклида, «тер», «шоҳи» сингари сўзларни «тел» ва «шойи» тарзида ёзади. Шунингдек, диалектизмларга оид «бояқиши» янглиғ айрим сўзларни жонли тил таъсирида «бойқиши» деб ишлатади. Ойбек асарларининг қўллэзма нусхалари учун характерли бундай ҳолатлар ушбу бўлимда ўз аксини топмади.

Романнинг 1971 йилда Ойбек «Асарлар»нинг 6-томи шаклида эълон қилинган нашридан бўлак барча босма манбалар адабининг барҳаёт даврига оиддир. Бу босма манбаларга мансуб варианtlар асосан бир-бирига мос бўлгани туфайли уларни алоҳида-алоҳида қайд этиш мақсадга мувофиқ деб топилмади.

РОМАННИНГ БОСМА МАНБАЛАРИ:

ҚБ — Олтин водийдан шабадалар (романдан парча), — «Қизил Ўзбекистон», 1949 йил, 6 ноябрь.

ШЮ — Олтин водийдан шабадалар (романнинг I—XV боблари), — «Шарқ юлдузи», 1949 йил, 11-сон; 1950 йил, 1-сон.

50 — Олтин водийдан шабадалар (роман), Т., Ўздавнашр, 1950 йил. Редактор Ш. Рашидов.

ЕЛ — Олтин водийдан шабадалар (романдан парча), — «Ёш ленинчин», 1951 йил, 17 ноябрь.

51 — Олтин водийдан шабадалар (романдан парча), Т., «Қизил Ўзбекистон» ва «Правда Востока» нашриёти, 1951 йил. Редактор М. Юсупов, 68 бет.

АБ — Олтин водийдан шабадалар (романнинг VII—XIII боблари), — «Абадий биргамиз» (тўплам), Т., Ўздавнашр, 1954 йил.

ЎҲҚ — Олтин водийдан шабадалар (романдан парча), — «ўзбекистон хотин-қизлари», 1955 йил, 5-сон.

59 — Олтин водийдан шабадалар, — Ойбек, Танланган асарлар (тўрт томлик), 4-том, Т., Ўззадабийнашр, 1959 йил. Редакторлар Ж. Насридинова, Ҳ. Фуломова, 455-бет.

71 — Олтин водийдан шабадалар, — Ойбек, Асарлар (үн томлик), 6-том, Т., Ғ. Фулом номидаги бадиий адабиёт нашриёти, 1971 йил. Редактор М. Жўраев, 428-бет.

«Олтин водийдан шабадалар»нинг 1959 йилга қадар бўлган босма манбалари романнинг 1950 йил нашрига асосан мувофиқдир. Романнинг 1950 ва 1959 йил нашрлари ўртасидаги тафовут эса

асосан асарга киритилган қўшимчалар билан чегараланади. Бу нашрларнинг вариантларига хос айрим тафовутлар мавжуд бўлган ҳолларда уларнинг қайси манба учун характерли эканлиги муайян ўринларда қайд этилди.

Қўйида келтирилаётган вариант матнлари ёхуд айрим парчаларнинг ўзгаришдан ҳоли бўлган қисмлари тильда (~) белгиси билан алмаштирилди.

Адабининг романга тайёргарлик жараёнини акс эттирувчи материаллар, чунончи асар пламлари ва тарҳлари ушбу томнинг «Романга» материаллар» бўлимига кўчирилди.

ҚҰЛЁЗМА ВАРИАНТЛАРИ

7-бет	23 яллиғланган юзидан/яллиғланган тунж юзидан
8-бет	6 эркалагина қолмай,/эркалагина қолмайди, 15—16 ерни қарич-қарич эгаллайди./ерни қарич-қарич эгаллабди. 19 одим отади./одим отди.
9-бет	6 омонсиз парчалаш,/омонсиз парчалаб, 9 ўнг оёғи энди умрбод оқсайди,/ўнг оёғи умрбод оқсайди, 11 бир неча яра/бир неча енгил яра
10-бет	15 бир-бир кўздан кечирап,/фикран бир-бир кўздан кечирап, 38 жавоб қайтарар/жавоб берар 39 елкасига қоқиб,/елкасини қоқиб,
12-бет	4 узоқдан увлайман./олисдан увлайман. 7 Мираҳмад/Мадрайим 9 Мираҳмад/Мадрайим 15 Ҳамэлатлар/Элатлар 32 сапчиб турди,/сараб турди,
13-бет	9 меваларига,/меваларига боқади, 28 давом эттирди,—/давом эттирди у.— 38 кетган эдилар./кетган эдилар раис.
14-бет	19 аммо жуда куйиниб/лекин жуда куйиниб
15-бет	19—20 тирсиллайди./тирсиллайди-я.
16-бет	2 янгича уйнинг/ярим оврупocha уйнинг 17—18 юртниям, халқниям/юртни, халқниям
17-бет	36 Ҳакима акасига кичкина пиёлада чой узатиб.—/Ҳакима кичкина пиёлада чой узатиб акасига.—
18-бет	8 колхоз/колхозда 12 оқ дока рўмолда/қордек дока рўмолда 18 Шукур./Эгамга шукур,

- 35 секин-аста/аста-аста
 38 томдан/томчадан
- 19-бет** 34 елкасига ташлади./елкага ташлади.
- 21-бет**
- 26—27 колхозчилар —/колхозчиларга —
 - 29—30 темир қўйл (мушти билан ғишт ушатар эди) Нортой полвонга/темир қўйл Нортой полвонга (мушти билан ғиштни ушатар эди)
- 22-бет**
- 18 Қўёш сели остида/Қўёш сели остида ўртаниб,
 - 38 Яна эртасига/Яна эртага
- 23-бет** 23 йифин эсингиздами?/катта йифин эсингиздами?
- 24-бет**
- 13 минг-минглаб пул,/минглаб-минглаб пул,
 - 17—18 изимизга тушибди./изимга тушибди.
- 25-бет**
- 33 ғўза парвариши/ғўзага парвариш
- 26-бет** 8 Мираҳмад/Мадрайим
- 27-бет**
- 41 шамол эсар./шамол эсар эди.
 - 4—6 Тансиқ юзи кенг, ∞ қиз — Дишодни/Тансиқ Дишодни, юзи кенг, ∞ қизни
- 28-бет** 7 ҳазил-ҳазил/ҳазил-пазил
- 28-бет**
- 16 ҳазиллашган бошқалар-ку./ҳазиллашадилар-ку,
 - 35 олтинланиб яшнаган/тўлқинланиб яшнаган
- 29-бет**
- 9 Шу орада/Шу орада тўсиндан
 - 16 тикилди./тикилди раисга.
 - 28 булбул экан у»./булбул экан бу».
 - 43 айтди./айтди у.
- 30-бет**
- 1—2 сўради Ўқтам/Ўқтам сўради
 - 15—16 Колхоз тўйлари-чи? Машиналаримиз-чи?/Колхоз тўйлари? Машиналаримиз?
 - 38 қайта-қайта қутлади./яна бир карра (бу гал ҳазилсимон) қутлагандан кейин,
- 31-бет**
- 13 ғам емиради,—/ғам кемиради,—
 - 31 ўғил-қизларининг баҳтини/ўғиллари, қизларининг баҳтини
 - 41 Осмонда/Кузда осмонда
- 32-бет**
- 2 кўсакни тўқ қилиб./шонани, кўсакни санама, уни тўқ қилиб,
- 32-бет** 33 юртинг — колхоз./элинг — колхоз.
- 35-бет**
- 12 секретарь этиб тайин қилингач,/секретарь тайин қилингач.
 - 42 Лекин шу онда/Лекин шу онда тўсиндан

- 36-бет**
- 8 лекин бирон/лекин биронта
 - 9 Ленин/Биламан, Ленин
 - 15 бир чимдим/ухлаб бир чимдим
 - 20 умидимиз зўр./умидимиз бор.
- 37-бет**
- 39—40 қўллайсиз. Коммунистларни ҳар ишда етакчи билсангиз — марра сизники. Сиздан олдинги секретарь бу маалада бўшанглик қилди. Эсда тутинг буни./қўллайсиз.
- 39-бет**
- 2 Уруш ғилларида/Уруш йиллари
- 40-бет**
- 29—30 рўмолча билан яллиғланган юзини артиб, сўради Мастура./дока рўмолча учи билан яллиғланган юзини артиб.
 - 37 сувни симириб,/сувни сипқириб,
- 41-бет**
- 7 хотини бир қарич ёшдан/хотини шаҳарда бир қарич ёшидан
 - 21 кинога юбориб,/кинога бирга юбориб,
 - 25 палов қилиб/палов ясаб
 - 35 тавба қилмаган./тавба қилмаган эди.
 - 39 мойли мўйлови/қандайдир мойли мўйлови
 - 43 бидирлади./бидирлади у.
- 42-бет**
- 11 дам колхозчилар орасида,/дам темирчилар орасида,
- 43-бет**
- 10 кичик кўримсиз супани/кичкина кўримсиз супани
 - 15 теккудай осилган/еткудай осилган
- 44-бет**
- 27 Собир Эрматов/Собир Эрматов, Ўсаржон Султонов
- 45-бет**
- 5—6 лозим бўлган бир паллада/лозим бир паллада
 - 21 Илёсхон/Нусратхон
 - 23—24 сўлоқмондай йигит./сўлоқмондай йигитча.
 - 26 Тўғри, мен ҳам/Тўғри, ўртоқлар,
 - 35 ҳаваскорлари оз эмас./ҳаваскорлари йўқ эмас.
- 47-бет**
- 37 қоқиб Сайрамов.—/қоқиб.—
 - 38—39 Лекин илгариги/Лекин ёлғиз илгариги
- 48-бет**
- 23 обод бўлади./обод бўлади ва Сталин ота раҳмат дейди.
- 51-бет**
- 35 буриб, ниманидир пичирлаб, тескари қаради./буриб, тескари қаради нимадир пичирлаб.
- 54-бет**
- 30 тагидан оқаётган/тагидан югирувчи
- 55-бет**
- 25 қоплай бошлади./қоплай бошлайди.
- 56-бет**
- 1 Партияга/Сталин отага
 - 7 Советларнинг даврида/Улуғ доҳим даврида
 - 12 Ҳар гул ҳар япрофини./Улуғ доҳий қўлини.
 - 16 Партия/Сталин
 - 27 Улуғ Лениннинг сўзи./Улуғ доҳимнинг сўзи.

24—27-мисралар 20—23-мисралар билан ўрин алмашган.

57-бет

2—3 ялинган товуш билан./ялинган товушда.

4—5 ариқни ёқалаб/далани ёқалаб

18 Анорхон ва бир неча бошқа қиз-аёллар орасида/Анорхон билан — ораларида

19 Булар тепалик/Тепалик

20 яшар эдилар./яшар эди.

30 ундан-мундан/ундан-мундан секингина

42 бир аёл/бир хотин

43 тош ташиди,/тош ташибди,

58-бет

2 Анорхонни/Анорни

11—12 юраги ҳовлиқиб/юраги ҳаприқиб

20 Жамолхон/Жамолжон

22—23 жуда севаман,—/қаттиқ севаман,

59-бет

5 уни дарров/дарров уни

6 туртиниб-суртиниб/туртина-суртина

17 ё алладими,/ва алладими,

61-бет

42 Тансиқ, Анорхонлардан/Тансиқ ва Анорхонлардан

62-бет

18—19 қишлоамоқчи бўлгандек/қишлоамоқчи бўлишгандек

19—20 колхозчилар/колхозчи

30 ҳамма нарса/ҳар нарса

63-бет

41 лагандай/лаганчадай

64-бет

13—17 Ўқтам ~ қараб турди./(Ўқтам ~ қараб турди.)

35 сезмай қолди./сезмай қолди у.

38 тинглашар./tingлашар, маъқуллашар,

65-бет

23 туқсан дейди/туқсан дебди.

66-бет

32 Ленин/Ленин—Сталин

34 Ленин/Ленин — Сталин

38 бағишилаган —/бағишилаган одам —

39 Партиядир!/Сталин!

68-бет

5 «Дам олиш уйн»/«Дом отдых»

6 илфорлар/стахановчилар

21 «Дам олиш уйн»нинг/«Дом отдых»нинг

22 қурилишлар, ишлар ҳақида/қурилишлар ва ишлар ҳақида

24 Суҳбат, муомала/Суҳбат ва муомала

69-бет

3 санчгандай бўлди./санчгандай бўлди шу онда.

72-бет

4 «Меҳнатобод»/«Озод меҳнат»

75-бет

22 Дала ишларидан бўшагач,/Ишларидан бўшагач,

11 Биласанми,/Биласанки,

- 76-бет** 17 ўйлади у:/ўйлади ичиди у:
5 пахта ҳал қилади./пахта плани ҳал қилади.
- 84-бет** 6 қона-қона/қона
7 ҳазилкаш/ҳазилванд
- 85-бет** 25 Илмий китоблардаги/Олимона китоблардаги
27 ҳалқдаги ~ ҳали китобларда/ҳалқ практикасидаги ~
китобларда ҳали
43 Мичурин ва Вильямс/Мичурин ҳам Вильямс
- 86-бет** 13 болалайди./болалаяпти.
16 пахтакорлар ҳам/пахтакорлар
26 Тансиқхон,/Тансиқ опа,
- 88-бет** 6—7 муттаҳамчиликлари./муттаҳамгарчиликлари,
20 узукка кўз қўйгандай/узукка тош қўйгандай
- 89-бет** 31 ранги ўчиб,/ранги ўчди,
32 пириллаб кетди/пириллаб ҳам кетди
2 бу ишни/биз ишни
- 90-бет** 19 Йўлда ҳамма вақтдагидай/Йўлда ҳар вақтдагидай
28—30 агрономларни, миробларни, ҳосилот раисларини ва
район активларини/агрономлар, мироблар, ҳосилот ра-
ислари ва район активини
- 91-бет** 28 Социалистик Мехнат Қаҳрамонини/Совет Иттифоқи
Қаҳрамонини
- 93-бет** 9 — Ўртоқ Салимова, мен./— Ўртоқ Салимова, мен, мен,
10 қиз томон/қиз томонга
24 сўзга чиқарсиз/сўзга чиқар
- 94-бет** 16 электрни ёқиб юборди./штепселни буради.
24—25 ҳовлига бош яланг/бош яланг ҳовлига
27 чирмовиқ/чирмович
- 95-бет** 14 Латифжон/Абдужамил
- 97-бет** 23—24 звеносининг шаънини ва фақат энг юқори/звенонинг
шаънини ва энг юқори
- 99-бет** 23 Юз центнерга/Бир юз центнерга
36 дардини/ўз дардини
- 100-бет** 15—16 жим бўлишга ишора қилиб, колхоз ишига муваффақи-
ятлар тилаб./жим бўлишга ундали, пахтачиликни ри-
вожлантиришда колхозчилар учун янги муваффақият-
лар орзу қилиб,
- 103-бет** 33 уларнинг қисмига/уларнинг частига
38—39 ишларга қўйиб,/ишларга қўйилса,

- 105-бет* 35 парво қилмади,/парво қилмай,
107-бет 9 жиддий сўради/яна жиддий сўради
 20 ёмонми?/ёмонми бу?
- 111-бет* 22 бодом қовоқ/бодом қовоқроқ
 37 набиралар/тўртта набира
- 112-бет* 2 гапирди:/аста гапирди:
 5 бениҳоят хурсанд./бениҳоят хурсанд эди.
 39 Рустам/Ўқтам
- 115-бет* 15 жиловидан/жиловини
 38—39 отилаётган сувда./отилаётган сувда эди.
 40—41 отилардилар./отилар эдилар.
- 116-бет* 9 югуради./югурап эди.
 10 ишларди./ишлар эди.
- 117-бет* 21 Қомилахон,/Комила опа,
- 119-бет* 2—3 илдам борар/илдам юрар
 11 шабада эсарди./шабада эсар эди.
- 120-бет* 4 ялинди рассом,/ялинди яна рассом.
 10 илфорлар/стахановчилар
 37 Қиз билан/Қиз билан у
- 121-бет* 27 муваффақиятлар ҳақида,/муваффақиятлар ҳақида ва
 28 гапирди,/гапирди ва
- 127-бет* 4 ўша узади,/у узади,
 31 узоқлашди,/Собир узоқлашди,
 36 тўхтатди ва:/тўхтатди:
 37 деди суюниб./деди қиз суюниб.
- 128-бет* 40 ювишга элтадилар./чайишга элтадилар.
- 130-бет* 7 ўқимишли/ўқимиш
 22 ўзимизники,—/ўзимизни йигит,—
 34 хамир учидан/хамирнинг учидан
- 132-бет* 18—19 янгишарман./янгишгандирман.
- 133-бет* 19 кимнингдир қадамини/кимнинг қадамини
- 140-бет* 28—29 область ва район/район ва область
 38 улуғ жонажон партиямиз/улуғ одамнинг замонасида
 39 Лениннинг/Сталиннинг
 40 Ленин/Сталин
- 142-бет* 10 деганлар-ку,/дейдилар-ку.

- 143-бет* 20 сергакланди ва/сергаклана ва
 42 санғиб юради./қанғиб юради.
- 144-бет* 15 қишлоқ ўқитувчиларидан/қишлоқ мұаллимларидан
- 150-бет* 6—7 бошлабсиз шекилли,—/күраяпсиз шекилли,—
 21 келай, деб/келай, деб бир кун
 32 ўқыйди,/ўқыйдилар,
 33 келди./келдилар.
 43 күп нарсалар/күп нарса
- 151-бет* 19 құлинин умидсиз/құлинин умидсизча
- 152-бет* 3 санқиб юрган/қанғиб юрган
 26 сакраб тушади-ю,/сакрайди ва
- 152-бет* 35—36 Нихоят/Бенихоят
- 154-бет* 26 унга гул/унга
- 159-бет* 10 Комилахон./Комила опа,
 33—34 Комила олдига/Комила
- 160-бет* 4 Ҳаво дим./Ҳаво дим эди,
 7—8 яна торгина/яна қынғир
- 161-бет* 6 «Эккан колхозчи/«Эккан колхозчини
 21—22 кайфи чөглик билан/кайфи чөгликті
 40 дейди./дебди.
- 162-бет* 22 bemüljal/bemaçal
- 163-бет* 15—16 Қошларининг/Қалин қошларининг
 36 аҳмоқлик/аҳмоқчилик
- 164-бет* 18 Ұзи жуда бошқача, тортинчоқ,/Ұзға халқдан, йўқ, жу-
 да тортинади.
 20 қоронғи тушишига/қоронғилик тушишига
 30 юраги ҳам/ҳам
 38 номаълум эди:/ҳали номаълум эди:
- 166-бет* 11 деди Мухторов кулиб./деди Мухторов.
 15 кўтариб,/кўтариб қўйиб,
 24 янги солинган/янги, енгил
 28 олифталик билан/олифталарча
- 167-бет* 35 таклиф этдим./ўзим таклиф этдим.
 38—39 шахсий манфаатлари/шахсий мақсадлари
- 168-бет* 36 дадил/анча дадил
 38 тупроқ картаси/тупроқ харитаси
- 169-бет* 8 «Беҳишти»/«Беҳишти»ни

170-бет

- 12 қулоқ сол, дейди./қулоқ сол, дебди,
 13 сиздан ўргансин./сиздан ўрганишин.
 23 ёрдамга келсалару,/ёрдамга келсалар-ку,
 40—41 отхона томон/отхонага

171-бет

- 38—42 ёрдамлашамиз, ~ жавоб берди Мухторов./ёрдамлаша-
 миз.

172-бет

- 11 билдириди./билдириди.
 — Ҳамроҳингиз қаерда?— сўради Мирҳайдар атрофига
 кўз югуртиби.
 — Уни бир оз бурун ўртоқ Салимова ўз уйига олиб
 кетди,— жавоб берди Мухторов.
 10 лойқалатманг,—/войқатманг,—
 17 буз юбор./бузиб ёр.
 21 чидаялмасангиз./чидолмасангиз,

174-бет

- 24—26 қимирлатиб Ўкта. У яна бир нима демоқчи эди, бир-
 дан дала ёқдан ~ эшитилди./қимирлатиб Ўкта. Да-
 ладан Анорхоннинг ~ бирдан эшитилди.
 29—30 орқасидан қичқирди./қичқирди орқасидан.
 31 орани очиқ қилиб/орани очди қилиб
 35—36 нима арзинг бор, нимани очди қилмоқчисан! нима ға-
 разинг бор, нимани очди қиламиз!

175-бет

- 35 — Туш эмас?— Туш эмиш.

176-бет

- 16—18 деди Ўкта.— Насимжонни котиблиқдан бўшатдик.
 Ҳайдамасинлар, деб ўзиёқ ялиниб қўлнига кетмон олди.
 /деди ўйланиб Ўкта.

187-бет

- 19 кетмон йўқ./кетмон йўқ эди.
 24 унугтган./унугтган эди.
 35 хазинаси сеники!»/хазинаси сизники!»
 40—41 юраги ҳовлиқиб/юраги ҳаприқиб

188-бет

- 34 Анорхон/Анор
 38 Анорхон/Анор
 41 жилдираб оқаётган/милдираб оқаётган
 42 ишлатмоқчи/ишлатмакчи

189-бет

- 17 — Тек туринг./— Тек ўтиринг.
 21—22 Дадам бечора/Дадам бойқиши
 24 бир-бирларини/бир-бирини
 25—26 ота-она зулмидан/ота-она зуғмидан
 32 У бечораларнинг/У бойқишлиарнинг
 37 Анорхон/Анор
 39 беришини билмади./беришини билмай,

190-бет

- 3 сизни суюман./сизни қаттиқ суюман.

191-бет

- 22 сочингни/сочингни бошингга
 26 шаппатилаб қўйди./шаппати қўйди.

- 192-бет**
- 34 Уйдан/Звенонинг уйдан
 - 38 у вақтда/у вақт
- 193-бет**
- 36 биласанми,/биласан-ку,
- 195-бет**
- 1 суюнчи/суюнчини
- 198-бет**
- 6 — Ярашдими?/— Ярашадими?
 - 14 Бечорани/Бойқишини
- 199-бет**
- 39 юнг чакмонининг/жун чакмонининг
- 201-бет**
- 6 этмоққа/этмакка
- 202-бет**
- 13 Милисанни/Милиса акани
 - 30 Қуда бўламиз,/Қуда бўламиз, икки ёқлама қариндош бўламиз,
 - 40 юраги ҳовлиқиб,/юраги ҳаприқиб,
- 203-бет**
- 33 қилар эди./қилар эди. Бироқ содда Мираҳмаднинг марҳума аммага эътиқоди беҳад чуқурлиги ва унинг хотинининг ювошлиги совчиликнинг муваффақиятига даллолни ишонтирган эди. Эрта билан нонушта устида қариндошларга айтиб бериш учун марҳума онаси, яъни Мираҳмаднинг аммаси тўғрисида жуда усталик билан таъбирланадиган ёрқин ва кучли таъсир қолди-рувчи яна бир-икки тушни (гўё бугун кечаси кўрган бўлади) ўйлаб тўқий бошлади. Тушлар тўқилиб, ажойиб таъбири ҳам топилгандан сўнг артелнинг собиқ кассири, ҳозир мева бозорининг ҳұштакбоз паттасиси бўлган ўғли Боқижондан мамнун бўлди ва уни дуо ҳам қилиб қўйди. Энди даллол бу қариндошнинг ком-сомолка қизини «барака топкур, ишбилармон, арслон-қомат, илон ва кирпитетикон шўрбаси каби дорилар орқасида бўйин безларидан из ҳам қолмаган» ўғлига олиб бериш учун эски келинни қандай қилиб тезроқ ҳайдаш (албатта, тамом молларини босиб қолган ҳолда) чораларни ўйлаб кетди.
 - 41 борган эди./борган эди у.
- 204-бет**
- 22 орани бузмади./орани бузмади. Аммо никоҳ куни қиз уйнда тантанали бир пайтда ногаҳон портлаган ғавбо эса қисқа, лекин ғоят кескин ва шиддатли бўлди. Никоҳ оши учун ярим қопгина оқшоқ, қора мўндиннинг тагида аллақандай тахир мой ва қўшнининг ҳаром қотмасин деб сўйган касал эчкисининг бир оёғини юборган даллол ва унинг ҳұштакбоз ўғли тўйга одам чақиришда мислсиз тантлил, ғайрат кўрсатган эдилар. Аширмат қайси бир бобосидан мерос қолган йилда икки марта қурбон ва рамазон ҳайитларида бир неча соатгина кўчани қўрадиган янги чакманини жулдуруннинглар устидан кийиб, қурушшоқ, серямоқ маҳсини ва ёғочдан ясалгандай қўпол кавши зигфирмой билан ял-

тирагиб, тўйчилар бошида қуданикига жўнади. Қизнинг отаси ўз ёнидан харажат қилиб, катта қозонда ширингина палов, ранг-баранг мевалар билан тўла уйларга патнисларни тайёрлаб қўйган эди. Лекин унинг қудаси ва кўёви бошлаб келган ҳалқ катта ҳовлини гуж тўлдирган, яна кўпн навбат кутгандай кўчада гувуллаб турар эди. Катта қозондаги ошни майдагланларга жуда юзала қилиб сузилганда ҳам меҳмонларнинг ярмидан ортиғи қуруқ қолар эди. Қиз томон жуда шошиб қолди. Тўйбошилар, дастурхончиларнинг ранги оқариб кетди. Ювошина ҳунарманднинг юрак бағри қон бўлди. Шу онда ўлимига ҳам рози бўлди. Увада кийими устидан янги чакмон кийиб, кир саватдай саллага гултожихўроз қистирган даллол у билан кеккайиб кўришаркан, ювошина ҳунарманд ранжибигина шивирлади.

— Қудажон, кўрпага қараб оёқ узатиш керак эди. Шунча ҳалқни қандай кутиб оламан.

Шу онда Аширматнинг ноҳотдай оқ тушган кўзи даҳшатдан ўйнаб кетди. У хунук, бўғиқ овозини борича қўйиб, бирдан бақириди:

— Қизингни сотиб егин, ноинсоф, мени кафангадо қилдинг, энди обрўйимни тўқмоқчимисан? Мени-я? Қирқ йилдан бўён бозор гули бўлган одамни-я!

Бойкиш ҳунарманд бу билан ит ҳам тенгглаша олмайди, деб ўйлаган ҳолда дарров орқага чекинди-да, қаёққадир яширинди. Бироқ унинг қизиқон, жиззаки укаси ўтдай ёниб, майдонга отилди.

Аширматнинг шанғилиги яна авжга минди. Рақиби ҳам товушда, кинояда, сўқишида ундан сира қолишмасди. Ҳалойиқ ҳаяжонга тушди. Бўйнидаги безнинг даҳшатли изини яшириш учун ўртоқлари орасида бошини ҳаддан ташқари эгиб турган «арслонқомат» Боқиён (арслоннинг шўри курсин!) гоздай кеккайиб, унинг «падарбузруквори»ни ҳақорат қилаётган кишига худди жиннининг кўзидаи маъносизланган кўзлари билан ўқрайди-да, дарҳол чўнтакларини, кўнжаларини пайпаслаб, сумакдай хуштагини қидира бошлади. Атрофдаги одамлар пичоқ қидирайтти шекилли, деб ўйлаб, унинг қўлларини маҳкам ушладилар. Аммо «падарбузруквор» даллол билан ювошина ҳунарманднинг укасининг газабли шовқини борган сари кучаймоқда эди. Аёллар «арслонқомат» кўёвнинг бошидан сочқи сочиш ўрнига унинг ва отасининг бошидан қарғиш ёғдира бошладилар.

Кўпдан бери тўй-ҳашамга сийрак борадиган, озги на ҳаққа кўнадиган қари кар қулоқ сурнайчи тўй бузилганига ишониб, . . . энди пулни ким тўлайди, деб эс-хушидан оғган ҳолда серрайиб қолди. Лекин унинг баҳтими ёки бечора қизнинг баҳтсизлигими, ваъз-насиҳат билан даҳанаки жангни битиришга муваффақ бўлишиди. Лекин никоҳ бузилмаса ҳам, одамларнинг таъби бузилиб, аксари бир пайтда тарқалиб кетди, қолганларнинг ҳам қош-қовоги солиқ эди. Қари, кар қулоқ

сурнайчи энди ҳушини йиғиб, жилла бўлмаса тўй ҳиди келиб турсин, деган умидда ўз санъатига зўр берди. У ўзининг авлоди — ёш сурнайчилар томонидан тўқилган, лекин ўзи ҳам чалиб кўрмаган куйларни — ритарита, рам-рам, тара-тара-ла-ла каби мақомларни билар-бilmас чалишига қарамай, тўй сира исимади.

Аширмат ўзининг қадимги кисовур, ҳозир қаердадир сўфи-азончи дўсти билан бирга ўтириб, қудаси тайёрлаган паловга мукка тушди. Гоҳ ўзи, гоҳ қадимги кисовур дўсти бошини лагандан кўтарар, ёнларидан тезгина ўтаётган дастурхончилар қўлидан чаққонлик билан лаган-лаган ошни илиб қолар эдилар. Шундай қилиб, Аширмат бешинчи лагани ялагандан кейин кекириб ўрнидан турди ва гёв орада ҳеч нима бўлмагандай, хайрлашмак учун ювошгина ҳунарманд қудани қидира бошлади.

24 суформаган ва/суформаган ва унинг

205-бет

7—8 енгилланиб сўради/минғиллаб сўради

37—38 Шўринг қўргур келин/Келин бойқиши

206-бет

25—26 ўқимоққа киришиди у./ўқимоққа киришиди у.

Мана, қариндошнинг бой дастурхонидан кейин янги туш тўқиб, қуп-қуруқ ҳайдаш чораларини ўйлаб Аширмат — совчи мудраган эди. Мираҳмаднинг хотини — Асал биби каттакон лаганда палов келтирган ҳамон у ўз-ўзидан уйғониб кетди ва кўзларини уқалаб, индамасдан ошга қўл урди. Мираҳмад ҳали гўштни тўғраб тамом қиласданоқ қариндош гуваладай-гуваладай ошаб, катта сопол лагандаги палов тоғини яхшигина ағдариб қўйди. Бироздан сўнг Мираҳмад ва унинг содда, уятчан хотини бир-бирларига зидман кулиб қараб, қўлларини артдилар. Аширмат болаларнинг олдидан ҳатто уларнинг жажжимон қўлларидан гўштни юлиб олар ва фулдираб дер эди уларга: «Бир қаричдан гўштга ўргандиларингми, қора ялоқлар?» Болалар ҳам бу ғалати, бадбашара одамга ҳайрон, ётсираган ва ранжиган бир тур билан қараб, бирин-сирин қўлларини лагандан тортилар.

Даллол паловдан сўнг лаганини тоза ялади-да, кир белбоғ орасидан темир сопли беўхшов қаламтарашни чиқариб, иликли йўғон суккни тозалаб ялтиратди ва оғизидаги лициллаган эгри-буғри, даккам-дуккам тишларини Мираҳмадга кўрсатиб, шикоят қила бошлади. Ҳамсоясининг ўғли тиш дўхтурни бўлиш учун бу йил ўқишига кирганини ва текинга тиш қўйдиришга умидворлигини сўзлади: «Матилёни ҳам ўзларингдан, қўшни ҳақи!» деб дадасининг ҳам қулоғига қўйиб қўйдим.

Мираҳмад қариндошидан узр сўраб, тегирмонга кетди. Аширмат совчиликка келгани ва бўлиб ўтган гап тўғрисида унинг хотинига ҳеч нима демади. Лекин ҳар нафасда унга: «қуда ойим», «қуда янгам» деб муражгаат этди ва ота-она учун қизнинг ўғилдан кўра афзаллигини, бутун бор-йўғини қизнинг молига, тўйига

сарф этмак ота-оналарнинг ягона орзу-ҳаваси бўлиши кераклиги ҳақида узоқ ва оналарга ёқадиган бир тил ва услубда гапирид. Тансиқ учун тайёрланган бисот — кийимлар, энликлар, кўрпа-ёстиқлар Асалбиби учун ҳозир жуда оз кўриниди ва содда хотин ўз-ўзидан алла-нечук қизариб кетди. Аширмат буни пайқади.

— Ҳамма гап ота-она ҳимматида, орзу-ҳавасида,— деди у кекириб.— Қиз узатган киши пулни писанд қилмайди, ёлғиа обрўни сақлашни ўйлайди, қуда ойим. Негаки, пул яна келади, аммо обрўни тиклаш маҳол. Камина бош қизимни узатганимда, қулоқ солинг, қуда янгам, йигирма беш йил мобайнида топган маблагни бир ҳафта-ўн кун ичida тўй-ҳашамга харж қилдим. Раҳматли хотиним Марям холангиз қизи туғилган кундан бошлаб, унга мол-хол қилишга, тўйга тайёрлик қилишга уринганди, тантн хотин ўзининг жамики бисотини қўшди. Мен кўёвни олдим, оғирликни ўз гарданимга олдим. Ахир қайси ота, қайси она ўз ўғлига жабр қилишни истайди. Қуёв ҳам айни ўғилда....

Аширматнинг шу сўзларини унинг ўз қизи эшилса, нима дерди? Даллол бош қизини бир гўрковга берган эди. Чунки «бозор гули» — Аширмат бу касбни ҳеч вақт ўлмайдиган, касодсиз, даромадли касб, деб билган эди. Қиз бойқиш куёвнинг касбини эшилган ҳамон қўрқувдан дир-дир титраб, бошини деволларга уриб йиғлаганда, «мехрибон» ота гўрковликнинг «баланд» фазилатлари хусусида булбул бўлиб сайраган. Ниҳоят, қизни уйдан ҳайдагандай қилиб, гўрковга узатган эди. Аммо олиқ-солиқ вақтида тўй шартларини тайёрлаш учун қуда томондан келган кишилар олдида Аширмат оёғини маҳкам тираб олган эди. «Ўлик қучар гўрковга гулдай қизимни берялман, кўёвни касби қурсин», деб кўёвни ва қудасини роса шилган эди. «Куёвим кафан ўғирлаб бўлса ҳамки хотинини яланғоч қолдирмас», деб қиз учун юборилган саруполарни ҳам босиб олиб қолган эди Аширмат даллол...

207-бет

1 индамай,/индамади,
12 сабабсиз/чуқур сабабсиз

211-бет

32 каттакон канал/кatta канал

212-бет

11 тус билан/тур билан

214-бет

10 мақолаларни/мақолаларни, хабарларни

215-бет

8 кўрсатмоқчимисан?/кўрсатмоқчисан?

216-бет

11 лой,— деди у,—/лой,
19 шариллаб сув оққан/шалдираб сув оққан
23 диққат ва ҳурмат/диққат ҳам ҳурмат

218-бет

7—8 аёллар сира боргиси/аёллар баъзан боргиси
10 оқартув ишларини оқартиш ишларини

- 20 юборолмай турибмиз./юборолмай турибман.
 22 шинамгина бир бино/сўлимгина бир бино
- 220-бет.
 1 хабаримга/хабарга
 20 ҳасад билан/ҳасад
- 221-бет.
 12 Тошкентга жўнайман,—/Тошкентга жўнаяпман,—
 15 Яна нима гап?/Тагин нима гап?
 19—20 ошхонага томон/ошхона томон
- 223-бет.
 24 Одамларни/Мантини одамларни
 28—29 егандан кейин/ошагандан кейин
- 224-бет.
 12 қочадилар./қоча бошладилар.
 41 олмани орттириб/олмани ортди
- 225-бет.
 9 эшитмагандек./эшитмагандек эди.
 38 ичидা Аширмат./ўз ичидা Аширмат.
 43 қилиб олади...»/қилиб қўяди...»
- 226-бет.
 5 «ишиш-ишиш!»/«шиш-шиш!»
 31 Сандиқда/Сандиқда у
 33 энг сара/энг қимматбаҳо
 43 бир қидиради,/қидиради,
- 227-бет.
 16 ҳовлида/ҳовлида bemalol юриб,
- 228-бет.
 11 қиз/қиз монанд
 33 яширадиган сирим/яшириғлик сирим
- 229-бет.
 7 чала-чулла еб,/чала-чатти еб,
 17 фала-ғовур ичидা/довур ичидা
 22—23 карточкангизни кўрсатинг!»/карточкангизни чиқаринг!»
 28 ва тротуарлар/ҳам тротуарлар
 38 алангалади:/алангалади йигит:
- 230-бет.
 6 йўлкаларда/тротуарларда
 34 ўрнидан турди,/ўрнидан дик турди у,
 35 этган эди у:/этган эди:
 41 бўлимлар/отделлар
 42 ёзувларни/битикларни
- 231-бет.
 28 чўзинчоқ бошини/чўзинчоқроқ бошини
- 232-бет.
 34 Қани, гапир./Хўп, гапир.
 37 Фарғонадан келдингми?—/Фарғонадан келдинг?—
- 233-бет.
 16 мармар/мармар (гранит)
 17 юксалган./юксалганди.
 32 зиёфат-миёфат/зиёфат-пиёмат
 34 кўп эшитгани/кўп вақт эшитгани
- 234-бет.
 39—40 «кабобхонни/«кабобжонни

- 235-бет.**
- 38—39 бепарвогина турган/бепарвогина қараб турган
 - 41 тақаллуғисиз/тақаллуғисизча
 - 42 унинг опаси/унинг аяси
- 236-бет.**
- 11 түғри олдига/түғри аямга
 - 27—28 ўша вақтда, опа,/ўша вақтда, ая,
 - 37 тайёрлайлик,—/тайёрлайверайлік,—
- 237-бет.**
- 20—21 қорамтири, кулимсираган юзларини оқ шохи дастрұмольча билан/оқ шохи дастрұмольча билан қорамтири, кулимсираган юзларини
- 238-бет.**
- 6—7 ўрнидан турди./ўрнидан турди у.
 - 29 Бечора/Бойқыш
 - 41 столчага/столга
- 238-бет**
- 34 қызарыб кетди Үктам./қызарыб кетди.
- 240-бет.**
- 12 юраги ҳовлиқиб/юраги ҳаприқиб
- 241-бет.**
- 29 қисилиб/сиқилиб
- 242-бет.**
- 16 бу кийим/кийим
 - 19 нима дейсиз?/нима дейсиз? Бошига қандай рұмол ўрамаса...
 - 28 бермоқчи бұлди./бермоқчи бұлди-я.
 - 43 халқ/хам халқ
- 243-бет.**
- 3—4 Бир хил қызлар борки,/Қызлар борки,
 - 16—17 күринган ҳар ҳовли/күз ташлаган ҳар ҳовли
- 245-бет.**
- 43 мақтади./мақтади Комила.
- 246-бет.**
- 13 Ўзбекистоннинг ободонлиги/Ўзбекистоннинг ободончилиги
 - 17 зинҳор-зинҳор/зинҳор ва зинҳор
- 247-бет.**
- 15 сиёсий иш/сиёсий илм
 - 33 палов қиласман./палов ясайман.
- 250-бет.**
- 5 тумшуқлари билан/тумшуқчалари билан
 - 37 олиб қайтарди./олиб қайтар эди.
- 251-бет.**
- 3 юпатди./юпатди кулиб.
 - 22 ўртоғининг/ўз ўртоғининг
- 252-бет.**
- 3 диққат этди. Рус./диққат қиласар эди. Рус ва
 - 9.—10 туюлди. Комила/туюлди унга. Қиз әрмак учун
 - 20 сени йўқлаб/мен сени йўқлаб
 - 22 бир оз бўртма/сал бўртма
- 254-бет.**
- 35 кўрмадим./кўролмадим.

- 255-бет.** 1—2 ўша эди·я,—/у эди·я,—
- 256-бет.** 13—14 Орқамиздаги/Орамиздаги
26 Элдор/Ҳа, Элдор
- 258-бет.** 6 Усталари/Урганчик усталари
29 ошиб кетар,/тошиб кетар,
38 «Қани, марҳамат!»/«Қани, марҳамат, марҳамат!»
40 шиша-пишанг/шиша-мишанг
- 259-бет.** 3 пармаси билан/парми билан
20 қуш ичиши·ку,/қуш ичишма·ку,
- 260-бет.** 7 даврда яшаймиз./даврда яшаяпмиз.
28 кейин ноилож/кейин хоҳламайқираб ноилож
43 Комила индамай,/Комила индамади.
- 262-бет.** 14 кўчасида гул, тротуарида гул.../кўчасида, ер товолида гул...
22 бир оз юриб./бир оз ўтиб,
32 жимжитгина кўчалар/жимжит кўчалар
- 263-бет.** 7 гулзор қилган/гулзор ясаган
- 264-бет.** 5 кескин,/бўртиқ ва кескин,
24 Профессор Стеклов/Профессор Широков
- 265-бет.** 20 Қирқоғайни, чирмовиқ гуллар билан/«қирқоғайни» каби чирмовиқ гуллар билан
27 Комилахон/Комила опа
- 266-бет.** 34 жиддий./жиддий тур билан.
39 тушунтириш/тушуниш
- 268-бет.** 15 шумтака/шовоқи, шумтака
- 270-бет.** 36 қалин соқолини/соқолини
- 274-бет.** 20 ишингизда/ишингизга
- 275-бет.** 14 одат бор,—/корат бор,—
- 276-бет.** 6 Марайим,/Ҳа, сен, Марайим,
- 278-бет.** 29—30 сап-сариқ жўхори пояларни шилдиратар/жўхори пояларининг гирдобини шалдиратар
39 палов келтириди./палов келтиришиди.
- 280-бет.** 36 раис ва Ўқтам/раис билан Ўқтам
39 меҳрибонлик кўрсатиб./меҳрибонлик билан,
- 281-бет.** 16 ёзишди./кўп ёзишди.

- 282-бет.** 26 Эрматов/Ёрматов
33 ошовни келтиринг!»/ошовани келтиринг!»
- 285-бет.** 11 «тап-тап»/«тап-туп»
- 286-бет.** 28 дуо қилишди./дуо ҳам қилишди.
- 287-бет.** 6 — Йигит обрўси — /— Йигит орзуси —
- 288-бет.** 37 сұхбатлашар/сүзлашар
- 290-бет.** 30 ҳаракати билан/ҳаракати
35 Эрматов/Ёрматов
- 291-бет.** 2 Хадича хола/Ойша хола
- 292-бет.** 8 Эрматов/Ёрматов
- 285-бет.** 18 ҳақ бўлмасам,—/ҳақсиз бўлсам,—
35 Фақат чеккада/Фақат бир чеккада
37 Эрматовнинг/Ёрматовнинг
- 296-бет.** 6 Эрматов,/Ёрматов,
11 Эрматов./Ёрматов.
29 Эрматов/Ёрматов,
- 297-бет.** 2 гириллаб/ғизиллаб
- 301-бет.** 20 апир-шапир/апил-шапил
- 302-бет.** 11 дан сўнг қўйидаги халқ қўшиғи кўчириб ёзилган ва устидан чизиқ тортилган:
 Гулзор қылдик чўлини,
 Билдик баҳтнинг йўлини.
 Кўзимизга суртайлик
 Улуғ доҳим қўлини.
 Паҳтани тез терайлик,
 Шакархондай бўлайлик.
 Доҳим олдига бориб,
 Ленин нишон олайлик.
 Бўлбул сайдайди гулда,
 Ҳавас қайнайди дилда.
 Яша, Партия, яша!
 Яшнаймиз йилдан-йилга!
- 303-бет.** 18 этиги./этиги туради.
- 335-бет.** 10 туяларда/теваларда
- 336-бет.** 23 банд./банд у.
34 ва ҳоказолар/ва ҳоказо
36—37 ҳорғин юзинга/ҳорғинқираган юзинга
15 тапқисроқ./тансиқроқ.

- 18 «Дам олиш уйи»/«Дом отдых»
- 337-бет.* 7 жиддий тус/жиддий тур
- 340-бет.* 1—2 ғизиллатиб/ғитиллатиб
10 юраги ҳовлиқиб,/юраги ҳаприқиб,
16 тарк этадими?/тарк этмасми?
41—42 қаримсиқ/қурумсиқ
- 341-бет.* 16 ҳосилот совети/ҳосилот шўроси
34 баслашмоқчиман,—/баслашмоқчиман теримда,—
- 342-бет.* 7 эшик очиб,/эшикни очиб,
- 347-бет.* 9 муҳим нарса бу.../муҳим нарсалар...
- 351-бет.* 4 Эрматов/Ёрматов
7—8 ҳосил олмоққа/ҳосил олмоқ
11—12 таажжубланиб деди:/таажжуб билан деди:
- 351-бет.* 28 Анорхоннинг/Анорхон
29 шарпадай милтилларди./шарпадай кезиб милтилларди.
42 звеносининг бари —/звеноси бари —
12—13 кўмак берамиз ҳа-ҳа, деб/кўмакка югурмиз, «о, ҳай-ҳай», деб
16 жаранглаб кулди./янграб кулди.
- 353-бет.* 4 кўтарган бўлсам,—/ликиллатган бўлсам,—
7 тушади,/тушади у,—
15 қичқирди/қичқирди шавқланиб
19—20 маст бўлиб юрган эканлар.../маст ҳолда доклад қилмадиларми?
- 354-бет.* 39 юраги ҳовлиқиб/юраги ҳаприқиб
41 Эрматов./Ёрматов.
- 356-бет.* 31 ястиқ бўлармидингиз, жонидан,—/ястиқ бўлармидингиз, дилбархон,—
- 357-бет.* 7 йўлакка ўтди/тротуарга ўтди
23 ташқарига чиқди,/ташқарига чиқиб,
- 358-бет.* 10 ҳарбий/яна ҳарбий
27 Васильков/Астахов
28 айтиб берган./айтиб беради.
28 рамкага солиб,/рамкага ёпиштириб,
- 359-бет.* 22 ишларимизни кучайтириш керак./ишларимиз сусайиб кетди.
- 360-бет.* 6 колхозчиларнинг қоралари/колхозчиларнинг фигуралари
- 361-бет.* 14 деб келибди у./дебди у.

- 29 бир қамчи билан/бир қамчи
 32 чидамади,/чидамагандек,
362-бет.
 5—6 хонага ўтди-да,/хонага ўтди,
 23 Тўти холадай/Зайнаб холадай
 40—41 жиринглади./жинғирлади.
364-бет.
 3 илжайиб./илжайиб шивирлади.
365-бет.
 1 «пиш-пиш»/масалан, «пиш-пиш»
 30 муваффақият ва соғлиқ/муваффақият ҳам соғлиқ
366-бет.
 32—33 идишларга ташиб,/халтачаларга ташлаб,
369-бет.
 26 деҳқон дастурига/деҳқон дастурини
 10 Шу вақт/Шу вақтда
370-бет.
 21 жаҳл билан/жаҳлли товуш билан
372-бет.
 11 баҳонаси билан/баҳона билан
 16 катта лаганда/улкан лаганда
 42 бахт бошлаб келди./бошлаб келди.
 8 Боқижон./Боқитой
373-бет.
 24 тиритиғига/тиришига
 26 бир тус/бир тур
374-бет.
 34 тиришиб Тансиқ./тиришиб.
375-бет.
 21 пахта берайлик./пахтани берайлик.
376-бет.
 4 очиб қўяман. Ўқтам/очиб қўяман.
 — Қандай қилиб?
 Ўқтам
 39 Тансиқхон,/Тансиқжон,
377-бет.
 2—3 кўзларини олисга югуртирди./олисга кўз югуртди.
379-бет.
 1 маъқуллади./жуда маъқуллади.
380-бет.
 13 уйга қайтишди./уйга етишди.
381-бет.
 6 тўп-тўп/гуруҳ-гуруҳ
387-бет.
 1 деди Сайрамов/Сайрамов
 7 сакраб туриб:/сараб туриб:
 37 дейсиз?— деди./дейсиз?
388-бет.
 6—7 қолдирмасдик./қолдирамидик.
 21 коммунизм/Сталин
392-бет.
 4 қўл қисишиб./қўл сиқишиб,
 13 ғекин деди:/секингина деди:
 32 Кимга ёза-я?/Кимга ёзай?

- 398-бет.** 1 Сайрамов айтган/Сайрамов деган
5 Чўлнинг тузилишини/Гузилишини, юзини
- 394-бет.** 24—25- сатрларда келган байт қўллэзмада учрамади.
- 395-бет.** 19 айтами?/айтайними?
25 қилас эди./қилас эдилар.
28 Эрматовнинг/Ёрматовнинг
- 397-бет.** 21 ҳал этишга/ҳал этишни
27 Саксон ота/Соли ота («Саксон»ота)
- 398-бет.** 17—18 Ҳазилни қўйинглар,/Ҳазилни қўйларинг,
34 дарвозамдан/дарвозамга
- 399-бет.** 37 Бир оздан кейин/Бир оздан
- 400-бет.** 18 мақтов/мақтовга
- 401-бет.** 15 янгича «қизил тўй»/янги «қизил тўй»
- 404-бет.** 32—33 чирмандаларни/чирмандалар
34 қадаҳини — тостини
- 405-бет.** 19—20 проектни/проект
39 қадаҳ/тост
- 406-бет.** 20 Меҳнат қилиб юртини бойитган қиз, ёр-ёр./Меҳнат
қилиб отасини бойитган қиз, ёр-ёр,
26—29- мисралар қўллэзма нусхада учрамади.
- 30 Партияга/Сталинга
32 Лениннинг/Сталиннинг
34 жон Партия,/доҳий устоз,
36 Лениннинг номи/Сталиннинг номи
- 407-бет.** 7 тақсимлаб,/тақсимлаш,
10 баҳорги/қишки ва баҳорги
- 408-бет.** 27 иқрор бўлгандай/иқрор қилгандай
- 409-бет.** 8 келтирамиз,—/келтирмишсан,—
15—16 одамлар ҳар ерда/ҳар ерда
38 тўхтади,/бир тўхтади,
11 ишchan./ишкор.
34 таклиф этишига ҳам қарамай,/таклиф этса ҳам
- 411-бет.** 12 чироқлари/фарлари
29 «Ёш гвардия» китобини/«Молодая гвардия»ни
- 412-бет.** 40—41 сал қовжираган Сайрамов/сал қовжираган
27 қондай югурса,/жондай югурса,
32 тушига ҳам/тушига

40 Азиз отамиз Ленин/Ленин — азиз отамиз
42 қанотингни ёз,/қанотингни кер,

413-бет.

- 1—2 азиз Партиямиз/азиз отамиз
4 шунга ниҳоят/шунга бениҳоя
7—8 дарвоза очамиз./дарвоза очамиз. Ленин замонида жаммики хазиналар ўз бағрини халққа очаяпти. Қани, ҳаммамиз бир оғиздан баланд товуш билан айтайликки, Лениннинг хазинаи умри ҳамиша тұлық бўлсин. Унинг офтоби бошимизда ҳамиша чақнаб турсин.
16 паҳталиқ нимча/телогрейка
34 ажратиларди./ажратилдилар.
42 сулаясан!»/суюнасан!»

414-бет.

- 2 Сайрамов/Сайрамов ҳаммадай
8 Эрматов/Ерматов
12 унга эргашиб,/унга ияриб,
38 қазиладиган канал/очилгуси канал

415-бет.

- 5 гирдоби/гирдобида
8 Чопонининг/Унинг чопонининг
9 шимариқ/ҳимариқ
17 беш ёшлардаги/беш ёшлардаги киши
18 Арслонқұл Болтабоев/Болтабой Ҳатамов
42 бурнимни/бўйнимни

416-бет.

- 15 писанд қилишмади,/писанд қилмади,
16 ботирларча босиб/балодай босиб
19 кетяптыми./кетяпти,
25 «полвонлар»/«полвонлар»¹

417-бет.

- 25 жиддий тусда./жиддий турда.
31 У ёш студентка/Галия Семёнова — ёш студентка
40—41 иккита панжасини/икки панжасини

418-бет.

- 24 чуқурларни/чуқурлукларни
25—26 қум-тўзонни/қум-тўзон

419-бет.

- 8 орзу қылсин./орзу қиласи.
28 мардона узун сўлиш/боевоёна узун сўлиш
39—40 қиңқирап/қиңқирап эди.

420-бет.

- 38 Эрматов/Ерматов

421-бет.

- 2 эшикка чиқди./эшикка чиқди у.

421-бет.

- 9 папирос чекиши/папиросни чекиши

422-бет.

- 25 сангишлардан кейин/қанғишдан кейин
28 қийинчилек/қийинлик
42 ер депсиниб,/ер тепиниб,

¹ Экскаватор демоқчи.— Езувчи эскартмаси.

- 423-бет.
- 2 қирқинчи/қирқинчини
 - 32 — сатрдан сўнг хотима чизиги тортилган.
 - 33 кундан-кун/кундан-кунга
 - 34 фидокорлик билан/фидокорлик билан
- 424-бет.
- 9 Бу ваҳший/Бу ваҳш
 - 39 ташладик./ташлашди.
 - 43 Ҳамиджон ўйланиб,—Ҳамиджон Зокиров ўйланиб,—
- 427-бет.
- 24 тарбиялашнинг/тарбиялаш
- 428-бет.
- 3—4 Акс ҳолда ҳар ишда оқсаймиз.../Акс ҳолда на сўзда салмоқ кўрсатар, на ишда.
 - 24 «домло» дерди./«домло» дер эди.
- 429-бет.
- 20—21 тўлқинлатди./тўлқиннатди. Бўр пастда землянка одамлар билан тўлди. Улар қизни юпатиб, юрагига далда бериб, қайғусига ўртоқлашдилар.
- 432-бет.
- 12—13 Лекин гап/Лекин бало
- 434-бет.
- 12—13 бўри Черчиллинг/бўрининг
 - 22 ўт остида/ўт орасида
- 436-бет.
- 41 онасини/онани
 - 43 дардкаш/дарддош
- 437-бет.
- 23 кўкда олтинланар,/тиниқ кўкда олтинланар эди,
 - 24—25 экскаватор/экскаваторлар
 - 26 юргандан кейин:/юргандан кейин Комила илжайиб деди Ўқтамга:
- 439-бет.
- 39 астагина/аста
- 440-бет.
- 17 азамат гавдасини/азамат, метин гавдасини
 - 26 мавжланган сувдир./мавжланган сув.
 - 33 «Ленин»/«Сталин»
- 442-бет.
- 5 Собир ва Анорхон/Собир ва Үсаржон
 - 14 мўл-кўл электр/мўл-жўл электр
- 443-бет.
- 27 талабчан, ҳақиқатчи/талабманд, ҳаққониятчи
- 446-бет.
- 24 пичинг қилди/пичинг билан
 - 27 ишлашар,/ишлар,
- 447-бет.
- 17 баттарроғини ҳам/баттарини
 - 18 Чигитни бугунданоқ/Чигитни бугун тундаёқ
 - 30 тез ва сифатли/тез ва яхши сифатли
 - 40—41 Комила билан Ўқтамнинг

РОМАННИНГ ИККИНЧИ НАШРИГА КИРИТИЛГАН ҚҰШИМЧАЛАРНИНГ ҚҰЛЕЗМА ВАРИАНТЛАРИ

1-құшимча

52-бет.

- 12 Каримқұлнинг/Каримқұл
16 деб гап құзғашапты./деб айтади.
20 яхши эмасми?/яхши эмасми? Фойда бу ёқда.*

53-бет.

- 5 жони бир-да!/шохи бир-да!
15 кулгинамо/кулги*

54-бет.

- 26 узилишарман,/қайтарарман,*

2-құшимча

77-бет.

- 30 қараётганини/қараганини
37 деб қичқирди/қичқирди

78-бет.

- 39 кемиришни/кемиришга
39—40 зукко йигит./зако йигит.

79-бет.

- 41 аллакимнинг/аллакимга*

3-құшимча

87-бет.

- 23 ўласанлар,/ўласизлар,*
24 ранжиди/ранжиб,

“

5-құшимча

101-бет.

- 8—9 тұлғаниб деди Мастира./тұлғаниб Мастира.
17 чизигидан чиқмайды/чизи тоймайды,

102-бет.

- 11 хахолаб деди Насимжон,/хахолаб Насимжон.
8—9 ҳа дегунича/ҳа дегунинг
40 қулинг ўргилсин/ўргилсін қулинг

103-бет.

- 4—5 деди куюниб/куюниб

6-құшимча

107-бет.

- 35 тераклар тагида/тераклар тагидан
37—38 бир неча бор/бир неча
39 зиёдроқ/зиёдор

108-бет.

- 32 — Болаларнинг/— Борларнинг

109-бет.

- 5 Нима дейсан?/Нима дейсан, бургут?

* Романнинг иккинчи нашрига киритилган құшимчаларнинг машинкаланған нұсхасыда текстологик фарқ йўқ.

109-бет.

- 32 ташлади у.—/ташлади ўқтам,—
110-бет. 34 қорача бола нарвондан/қорача нарвондан*
111-бет. 3 ерга ағдардилар,/ерга ағдарадилар,
 3 сари кўпайди.*сари кўпаяди.
 14—15 салмоқдор камсуханлик билан/салмоқдор сўзлар билан,
 камсуханлик билан

7-қўшимча

122-бет.

- 22 Четроқда/Четдароқ*
 23 гўё уни оғир хаёллар/оғир хаёллар*
 27 деди у/деди

123-бет.

- 38 шивирлади/шивирлаб
 41 ухлаган эди./ухлаган эди,— кулиб Жўра.—

124-бет.

- 12 Фарғонача/Фарғона
 18 Мислсиз гўзал/Гўзал мислсиз
 25 енгиллашиб/енгилланиб
 38 ўнга кирган қизча/ўнга кирган қиз
 42 уриб,/уриб, бир-икки

125-бет.

- 5 тутилиб-тутилиб/тутлиқиб-тутлиқиб
 12 ёд оларди./ёд олар эди.
 13 ариқда чайқаб/ариқда чайиб
 15—16 ўтирап, ~ чайқаларди./ўтирап эди, ~ чайқалар эди.

8-қўшимча

133-бет.

- 38 оқ коломенка/оқ каноп
 39 коломенка китель/каноп китель
 40 фарғонача/Фарғона
 42 қўядилар./қўярдилар.

134-бет.

- 1 кўланкасида/кўлкасида
 2 униқан юзларидан/толиқан юзларидан
 11—12 деди киноя билан/киноя билан
 22—23 Анорхон юзини терс бурди./юзини терс буриб Анорхон.
 25 вақти бор,— деди кинояли/вақтида,— кинояли
 32 деди Соатжон/Соатжон

135-бет.

- 10 Қашқадарә./Қашқадарә ё

138-бет.

- 43 ғишт қолипдан/иш қолипдан

9-қўшимча

145-бет.

- 20 ҳусайнни,/ҳусайнни, ҳасайнни,
 21 тана кўзи,/тана қўзи,

22 турли-туман/турли-турли
23 толи, хушбўй,/толи,

146-бет.

12—13 деди атрофга кенг назар солиб/атрофга кенг назар солиб

37—38 буришган/буришиқ

147-бет.

30 юраги ҳовлиқиб,/юраги ҳаприқиб.

148-бет.

1 тортинчоқсан-да./тортинчоқсан.*

5 пинҳон, пинҳон.../пинҳон...

14 кетибди-ку,/кетибди-ку, ўртоқлар,—

15—16 келинглар, ўртоқлар,/келинглар,

10-қўшимча

155-бет.

9 қишлоқ четида толлар/қўшни қишлоқларнинг бирисида толзор

22—23 йўлга тушди.

Колхоз/яғир кўк эшагига минди ва колхоз*

156-бет.

7 бир лаҳза/лаҳза*

9 Саври./Сарви.

13 болага/бола*

157-бет.

7—8 кириш замони/кириши ила

12-қўшимча

176-бет.

22—23 Ҳаво дим эди./Дим эди ҳаво.

177-бет.

24—25 яна давом этди./кейин яна давом этди.

37 кетма-кет/кетма-кетма*

16 боқди./қаради.

178-бет.

19 жавоб берди Ҳакима./жавоб берди бириси*.

20 Жўна, физиллаб/— Жўна, чирогим,

20—21 келтир, чирогим,— деди Қаримқул./келтир,— деди битта қизга*.

180-бет.

3 товушини кўтарди,/товушини кўтариб,

181-бет.

31 ушлаб./ушлади.

182-бет.

16 Бу кун/Чунки бу кун

24 бўлибди,—/бўлибди йўл,—

24—25 разм солди.—/разм солиб.

183-бет.

40—41 чарчайман./чарчайман,— афсусланиб.

184-бет.

24 додлайди бечора,—/додлайди бойқиш,—

37 зич ўтиридалар/зич ўтиридалар.

185-бет.

- 11 баҳонаси билан/баҳона билан
- 20 у хатни столга қўиди./хатни столга қўйди.
- 25 ёрқин ёзганди./ёрқин ёзган.
- 29 иши-да.../ишидир...

186-бет.

- 32 юракда ўт кўп,/юрак дов
- 33 эссииз,/эссиз-эссииз,
- 34 деди-да./деди,
- 39 Опоғойим/Оппоғим
- 41 ёлғиз хурофот./ёлғон хурофот*.
- 41 aka ўзи/ака ўзи ҳам

13-қўшимча

268-бет.

- 22 гурунг-гурунг гаплашиб/гурунг-гурунглашиб
- 29 бўлар экан-а./бўлар экан,
- 31—32 билармонлигидан дейди./билармонлигидан дейдилар.

269-бет.

- 25 деди/деди Мастура
- 30 гўшт тиқилди/гўштга тиқилди
- 31 йўталдан бўғилди./йўталдан бўғилиб.*
- 32 деди кулимсираб./кулимсираб.

14-қўшимча

287-бет.

- 13 ейимли,/еийшли,
- 17—18 тушунасиз!../тушунасан!.. ,
- 22 тарозибон/тарозчи

288-бет.

- 25 энани./онани.

289-бет.

- 37 — Хо-хо,— Хо-о,

300-бет.

- 42—43 деди кинояли/кинояли

15-қўшимча

304-бет.

- 3 деди кинояли/кинояли
- 12 узр сўрасангиз/изн сўрасангиз
- 17 тақа қоқса,/тақа қоқсанг,

305-бет.

- 10 Қуддусхон./Қуддусхон эшон.
- 13 тоат-ибодатни/тоат-итоатни
- 32 тиржайди эшон./тиржайиб эшон.

307-бет.

- 4 деди ўйланаб/ўйланаб
- 7 кулди қиз./кулиб қиз.
- 10 товуш ила деди/товуш ила
- 11 жарақ-жарақ/жаранг-жаранг

- 308-бет.**
- 33—34 қўлига олди ва қамчини енгил уриб, отни қаттиқ ҳайдаб кетди./қўлига олди ва чопа кетди*.
 - 38 кўз илғамас/кўзга илғамас
- 309-бет.**
- 4 олтин Фарфона!/олтин!..
 - 6 йўргани шигаб/йўргани шибаб
 - 8 чотлари терлаганди. Жўра/чотлари сув, тер. Йўл
 - 19 деди кулиб/кулиб
 - 21 сўради Жўра мағрур.—/сўради мағрур оҳангда.—
 - 29 — Қаердансан,—/Қаердасан,
 - 38 деди кинояли/кинояли
- 310-бет.**
- 3 майли ҳозир/майли, э ҳозир
 - 6 олиб борай,/олиб кирай,
- 311-бет.**
- 6 ваҳима ва ташвиш/ваҳм ва ташвиш
 - 19 деди кулиб/кулиб
 - 24—25 э, жунжибсан-ку,/э, жунжиб қолибсан-ку.
 - 36 тортади,—деди/тортади,—
- 312-бет.**
- 28 чир айланди. Йўл тополмади.../чир айланади. Йўл топмади...
 - 38 ҳорғин Жўра/ҳориган Жўра
- 313-бет.**
- 21 Жўра ҳовлиқиб/Жўра ҳаприқиб
- 315-бет.**
- 4 қўймаймиз,— деди/қўймаймиз,—
 - 22 деди ташвишли/ташвишли
- 316-бет.**
- 18 энди йўлга/йўлга
- 317-бет.**
- 7 гапирмадим,— деди/гапирмадим,—
 - 13 киноя ила./киноя ила Комилага қараб.
- 318-бет.**
- 21 у зукко қиз/зако қиз
 - 28 эшиитмасликка/эшиитмаганликка
- 318-бет.**
- 38 ҳисларини яшира олди./яшира олди*.
- 319-бет.**
- 38 деди кулимсираб/кулимсираб
- 320-бет.**
- 38 деди дўстона/дўстона
- 322-бет.**
- 23 руҳи кўтаринки:/руҳи кўтаринки эди:
 - 24 бажаардилар./бажаурларди.
 - 26 ичмоққа/ошамоққа
 - 29 юраги ҳовлиқиб/юраги ҳаприқиб
- 323-бет.**
- 30 оҳанг ила деди Комила./оҳанг ила Комила.
- 324-бет.**
- 11 от ихтиёри ила бир-бир босиб/от ихтиёри ила
- 325-бет.**
- 12 деди таажжубланиб/таажжубланиб

16-қўшимча

326-бет.

5—6 қотиб куларди./қотиб-қотиб куларди.

42—43 келибсан, чироғим,/келибсан,

327-бет.

5 жарақ-жарақ/жаранг-жаранг

8 товуш ила шивирлаб./товуш ила.

14—15 қизлар томон юрди./қизлар томон юриб кетди.*

24 дўқ қилиб қўйинг/дўқ қилиб сўкиб қўйинг

32 бўлма, чироғим,/бўлма,*

37—38 чироқларим,/қизларим*,

328-бет.

21 Раис қизларга./Қизларга

23 қўшни звено/раис қўшни звено

37—38 қилсинглар,— деди/қилсинглар,—

329-бет.

1 деди мулойим/мулойим

5 аралашди сўзга.—/деди —*

8—9 Бунинг устига бир машинамиз/Бир машинамиз*

25 деди жиддий/жиддий

330-бет.

16 қаёққадир/қайгадир

332-бет.

16 эшитдим./деб эшитдим.

18 узукка кўз/узукка қош

24 лекин Комила/Комила

33 деди Анорхон/деди Анорхон бирдан

333-бет.

2 деди уялиб/уялиб

16 кулди Комила./кулиб Комила.

334-бет.

7—8 жавоб берди шўх товуш билан кулиб Комила./жавоб берди кулиб шўх товуш билан Комила.

17-қўшимча

338-бет.

40—41 юрагим ҳовлиқади,/юрагим ҳаприқади.

18-қўшимча

347-бет.

33 кўрсатмоқчи/кўрсатмакчи

19-қўшимча

367-бет.

10 узоқларга/узоқликларга

20-қўшимча

381-бет.

34 Ошхонадан/Устидан

37 осилтириб,/осилтириди,

382-бет.

- 1 Чекароқ/Четкароқ
- 8—9 юзлари/хунук юзлари
- 17 аммо у ерда/у ерда*
- 19 сургаллашиб/сургалиб

383-бет.

- 1 Яхшилаб-ёлвориб/Ялиниб-ёлвориб
- 32 очиқкан эди./очиқкан эди у.
- 35 түграйвер,/түграйтуш
- 40 ўрнига чўзилди./ўрнинг чўзилди.

384-бет.

- 9 деди ғамхўрлик билан/ғамхўрлик билан*
- 18 ука, бозор/ука, у*

БОСМА НАШРЛАРДАГИ ВАРИАНТЛАР

8-бет.

- 9 ҳаёт ваҳм./ҳаёт ваҳима (*ШЮ*)
- 33 Қойилман/Қойилмен (*ШЮ*)
- 34 иш қилишибди-я./иш қилишибди-да. (*ШЮ, 50*)
- 40 тракторнинг гулдири,/тракторнинг гулдурови, (*ШЮ, 50, 59, 70*)

9-бет.

- 8—9 хотирадан/хотирдан (*ШЮ, 50, 59, 70*)
- 20 «Биламан./«Биламен, (*ШЮ*)
- 38—39 Балогар душман/Балогур душман (*ШЮ*)

10-бет.

- 39 елкасига қоқиб,/елкасини қоқиб, (*ШЮ*)

11-бет.

- 3 ярақ-ярақ/ярқ-ярқ (*ШЮ, 50*)
- 33 сичқоннинг думидай,/каламишнинг думидай, (*ШЮ, 50*)

12-бет.

- 1 Биламан./Биламен, (*ШЮ*)
- 2 чиқаман-да, ~ бераман./чиқамен-да, ~ берамен. (*ШЮ*)
- 5—6 тегирмончи/тегирмончининг (*ШЮ*)
- 10 тегирмонда шу/тегирмонда у (*ШЮ 50, 59, 70*)
- 15 Ҳамэлатлар/Элатлар (*ШЮ, 50*)
- 32 сапчиб турди,/сакраб турди, (*ШЮ, 50, 59*)
- 41 нурга, намга тўлган/нурга тўлган (*ШЮ 50, 59, 70*)

13-бет.

- 2 боболар кўкартирган/болалар кўкартирган (*ШЮ*)
- 9 меваларига,/меваларига боқади, (*ШЮ*)
- 37 эдилар./эдилар, раис, (*ШЮ*)

16-бет.

- 13 кетади, ~ қайтади».кетди, ~ қайтди», (*ШЮ*)
- 35 Шундай ёвуз/Шундай ёвдор (*ШЮ*)

17-бет.

- 28 ҳаққушнинг/қушнинг (*ШЮ*)
- 42 айтмасданоқ/айтмаса-да, (*ШЮ*)

18-бет.

- 8 колхоз ~ секретари/колхозда ~ секретари (*ШЮ*)
- 9 укасини эслади./укани эслади. (*ШЮ*)

- 12 оқ дока/қордек дока (*ШЮ*)
 29 «жиф»/«зиф» (*ШЮ*)
 29 «жиф»/«шиф» (*ШЮ, 50*)
 34 секин-аста/аста-аста (*ШЮ*)
 39 лўмба/бўмба (*ШЮ*)
- 19-бет.* 36 шоҳида/шойида (*ШЮ*)
20-бет. 33 Ҳали думбул/Хўл, думбул (*ШЮ*)
21-бет. 11 биронта ғўзага/баланд ғўзага (*ШЮ, 50, 59, 70*)
 26 илдам ўйнатаётган/илдам ураётган (*ШЮ*)
- 22-бет.* 27 илк марта/икки марта (*ШЮ*)
 37 қуритолмадим./қуритолмади. (*ШЮ*)
- 23-бет.* 8 Бояқиш/Бойқиш (*ШЮ, 50, 59*)
 15 қизиган пайти/қизиган пайтда (*ШЮ*)
- 24-бет.* 4 Шу ерда икковимиз/Шу ерда иккаламиз (*ШЮ*)
 13 минг-минглаб пул/минглаб-минглаб пул (*ШЮ, 50*)
 34 тузилмади./туғилмади. (*ШЮ*)
- 25-бет.* 21—23 вазмин тебранади. Қизғин чанг ~ патефон товуши учади./вазмин тебранади. (*ШЮ*)
 33 ғўза парвариши/ғўзага парвариш (*ШЮ*)
 35 кўмкўй ёнган/кўмкўй ётган
- 26-бет.* 11 бошлиғисиз-а?/бошлиғимисиз-а? (*70*)
 14 солмайсизлар?/солмабсизлар? (*ШЮ*)
 24 эътироҳ қилмади./эътироҳ қиласди. (*ШЮ*)
 26—27 жаранг овозини/жарангли овозини (*ШЮ*)
 36—37 Ўктам қуёшда рангба-ранг товланган (*Ўктам қуёшда товланган рангба-ранг* (*ШЮ, 50, 59, 70*)
- 27-бет.* 41 шамол эсар./шамол эсар эди. (*ШЮ*)
- 28-бет.* 7 ҳазил-ҳазил/ҳазил-пазил (*ШЮ*)
 16 ҳазиллашган бошқалар-ку,/ҳазиллашадилар-ку, (*ШЮ*)
 19 лақаб/лақам (*ШЮ*)
 20 лақаби/лақами (*ШЮ*)
 21 лақаблар/лақамлар (*ШЮ*)
 33 қувлашиб,/қувишиб, (*ШЮ*)
- 29-бет.* 28 булбул экан/зўр экан (*ШЮ*)
- 30-бет* 38 қайта-қайта қутлади.
 Ўктам деди:/яна бир карра (бу гал ҳазилсимон) қутлагдан кейин Ўктам деди: (*ШЮ*)
- 32-бет.* 8—10 эски пахтакор. Раёнда слёт бўлган эди. ~ чиқиб кетдим./ески пахтакор (*ШЮ, 50, 59, 70*)
 15 бердик./бердим. (*ШЮ 50, 59, 70*)
 16 ўҳшаймиз./ўҳшаймизми? (*ШЮ, 50, 59, 70*)

- 32-бет.** 36 кафтимизда/капимизда (*ШЮ*)
- 34-бет.** 4 дўпписини/дўппини (*ШЮ*)
25 Елкаси чиқиқроқ./Елкаси сиқиқроқ, (*ШЮ*)
32 катта-катта/каппа-каппа (*ШЮ*)
- 35-бет.** 5 тўқимачилик/тўқувчилик (*ШЮ*)
7 Айём-ажиз/Аём-ҳажур (*ШЮ*)
- 36-бет.** 8 лекин бирон/лекин биронта (*ШЮ*)
14 дингирлатиб,—/дингирлатиб,— (*ШЮ, 50*)
- 39-бет.** 6 яна яхшиласак,/яна яхшилаш билан, (*ШЮ, 50*)
9 бир палла/палла (*ШЮ*)
- 40-бет.** 7 ҳар нав моллар/турли моллар (*ШЮ*)
29—30 артиб, сўради Мастира./артиб. (*ШЮ*)
32 гулдор крепдишин/гулдор крепдишиннинг (*ШЮ*)
37 симириб,/сипқариб, (*ШЮ*)
- 41-бет.** 3 банд хотинига./банд бўлган хотинига. (*ШЮ*)
12 қизча биринчи бўлиб/барини биринчи бўлиб (*ШЮ*)
15 бебилиски пул/текин пул (*ШЮ*)
25 палов қилиб/палов ясаб (*ШЮ*)
26 айнитиб,/айнатиб, (*ШЮ*)
35 тавба қилмаган./тавба қилмаган эди. (*ШЮ*)
39 мойли мўйлови/қандайдир мойли мўйлови (*ШЮ*)
43 бидирлади:—/бидирлади у: (*ШЮ*)
- 42-бет.** 4 йўлингда юравер. Йўқ, раис/йўлида юравермайдими-я.
раис (*ШЮ*)
11 дам колхозчилар/дам теримчилар (*ШЮ*)
21 мойлашда/мойлашда ҳам (*ШЮ*)
24 чақиралилк у баттолни/чақиралилк. (*ШЮ*)
- 43-бет.** 1 жаҳл билан/жаҳлли овоз билан (*70*)
- 44-бет.**
- 18—19 билмаслик учун кишининг кўзигина эмас, ақли ҳам кўр
бўлиши керак, менимча!/билмаслик ёмон оқибатга олиб
боради. (*ШЮ*)
39 янги ваъдасини/у ваъдасини (*ШЮ*)
- 45-бет.** 20 филт-филт/ялт-ялт (*ШЮ*)
23—24 сўлоқмондай йигит./сўлоқмондай йигитча. (*ШЮ, 50*)
24 дам тагида/дам чотида (*ШЮ, 50*)
26 Тўғри, мен ҳам шундай овни, гашт қилишни/Тўғри,
ўртоқлар, шундай овни, гашт қилишни мен ҳам (*ШЮ*)
28 бедана тутул/бедана тут (*ШЮ*)
29 қизлари, келинлари/келинлари (*ШЮ, 50, 59, 70*)
32 келинлари ва қизларини/келинларига (*ШЮ, 50, 59, 70*)
35 оз эмас./йўқ эмас. (*ШЮ*)
40 шону шарафли/шон-шарафли (*ШЮ*)

- 46-бет.
- 18 чайир чолнинг/тетик чолнинг (*ШЮ*)
 - 40 ўзига хос/ўзига мос (*ШЮ*)
- 47-бет.
- 9 чимириб, деди кинояли оҳанг билан:/чимириб, кинояли оҳанг билан деди: (*ШЮ*)
 - 37 қоқиб Сайрамов.—/қоқиб. (*ШЮ*)
- 48-бет.
- 3 обод бўлади./обод бўлади, Сталин ота «раҳмат», дейди (*ШЮ*)
 - 6 қиндан/қинидан (*ШЮ*)
 - 14 лабга/лабига (*ШЮ*)
 - 25 чиройли, лекин/чиройли (*ШЮ*)
- 48—49-бетлар.
- 29—38 ҳайрлашди.
- Ўқтам мажлисдан хурсанд бўлган эди. ~ У сир бой бермаслик учун дарров аёл билан, пойма-пой бўлса ҳам, асқия қила кетди./хайрлашди. (*ШЮ*).
- 48-бет.
- 42 йилтироқ бошини/ялтироқ бошини (*ШЮ, 50, 59, 70*)
- 49-бет
- 35—36 ҳозирланган экан,/ҳозирланар экан, (*ШЮ*)
- 50-бет.
- 18 курсиллатиб-курсиллатиб/курсиллатиб (*ШЮ*)
 - 34 Хадича холанинг/Хадичанинг (*ШЮ*)
 - 35 деди у!/деди! (*ШЮ*)
- 51-бет.
- 7 Мен бўлсан эди,/Мен бўлсан, (*ШЮ*)
 - 24 ниҳоят деди/деди ниҳоят (*ШЮ*)
 - 33 тарозибонлик эт./тарозибонлик қил. (*ШЮ*)
 - 35—36 лабини буриб, ниманидир пичирлаб, тескари қаради.
/лабини буриб қаради, ниманидир пичирлади. (*ШЮ*)
- 51—54-бетлар.
- 36—46 қаради.
- * * *
- Каримқул бугун хийла кайфи бузуқ эса-да, ~ уйга қайтди.
- ~ Ўқтам онасининг ратинини қайтаролмади, бирор тўйларида узилишарман, деб кўнгил гашлигини тарқатди/қаради. (*ШЮ*)
- 54-бет.
- 31 шабадада/шаббодада (*ШЮ*)
- 55-бет.
- 10 почаларини/пойчаларини (*ШЮ*)
 - 12 қўлда кетмони./қўлда кетмони йўқ, (*ШЮ*)
 - 15 бир текис/текис (*ШЮ*)
 - 20 салқин/салқини, (*ШЮ*)
 - 23 апир-шапир/апил-шапил (*ШЮ*)
 - 27—28 қувонч билан/қувончга (*ШЮ, 50, 59, 70*)
 - 32 қайирадиган/қайрайдиган (*ШЮ*)
 - 39 йиллари дадалари/йилларида (*ШЮ, 50, 59, 71*)
- 56-бет.
- 1 Партияга/Сталинга (*ШЮ, 50*)

- 3—4 кетмонга суюниб,/кетмонга суюлиб, (ШЮ)
 7 Советларнинг даврида/Улуғ доҳим даврида (ШЮ, 50)
 12 Ҳар гул ҳар япронини./Улуғ доҳим қўлини. (ШЮ, 50)
 13 ўйқ. (ШЮ).
 16 Партия/Сталин (ШЮ, 50)
 18—19 жаранг овоз/жаарангли овоз (ШЮ)
 27 Улуғ Лениннинг сўзи./Улуғ доҳимнинг сўзи. (ШЮ, 50)
 34—35 кетмон елкада келиб қолди тўсиндан./кетмонни елкага олиб, тўсиндан келиб қолди. (ШЮ).
- 57-бет.**
- 4—5 ариқни ёқалаб/далани ёқалаб (ШЮ)
 9 ҳазилсевар бу қизнинг/бу қизнинг (ШЮ); ҳазилкаш бу қизнинг (50)
 13 Икки йил бурун у колхозчилар билан бирга/Икки йил аввал у колхозчи — ҳамқишлоғи (лекин «Социализм» колхозидан) билан бирга (ШЮ)
 19 Булар тепалик/Тепалик (ШЮ)
 20 яшар эдилар./яшар эди. (ШЮ)
 27 қалтис ўйинларини/қалтис ўйинини (ШЮ)
 29 келтирилган майиз/келтиришган майиз (ШЮ)
 30 ундан-ундан/ундан-ундан секингина (ШЮ)
 42 бир аёл/бир хотин (ШЮ)
 43 гоҳи нина/гоҳо нина (ШЮ)
- 58-бет.**
- 6 гувиллаган/ѓувиллаган (ШЮ)
 21 дейди ҳансираб Аюрхон./деди қиз. (ШЮ)
- 59-бет.**
- 5 уни дарров/дарров уни (ШЮ)
 6 туртиниб-суртиниб/туртиниб-туртиниб (ШЮ)
 8 ўтиришди./ўтиши. (ШЮ)
 17 ё алладими,/алладими, (ШЮ)
 27 ўй ва хаёлга/хаёлга (ШЮ)
 36 Звено/Звено қизлари (ШЮ)
 37 хушбўй ва муздай/хушбўй, муздай (ШЮ)
- 60-бет.**
- 13 — Шундайми, бўпти, бир кутубхона/— Шундай катта кутубхона (ШЮ)
 19 соғишниям/соғишниям — ҳаммасини (ШЮ)
 26 уй бошига/уй бошига фақат (ШЮ)
 27 оғилларингизниям/оғилларингизни ҳам (ШЮ)
 42 еча бошлади./чечча бошлади. (ШЮ, 50)
- 61-бет.**
- 25—26 димогига урилди./димогига урди. (ШЮ, 50, 51, 59, 70)
- 61—62-бетлар.**
- 20—16 чиқиб келди. Ўқтам хушвақтлик билан, ҳорманг, деди ~~и~~ Ўқтам бу ернинг рўзгорини кўздан кечирди./чиқиб келди. (ҚҮ)
 22—23 сизни жуда севаман./сизни қаттиқ севаман. (ШЮ)
 23 қизнинг/унинг (ШЮ)
- 62-бет.**
- 17 пиллапоячалар/пиллапочалар (ШЮ, 50, 51)
 18—19 қишлиамоқчи бўлгандек/қишлиамоқчи бўлишгандек (ШЮ)
 қишлиамоқчи бўлишгандай (ҚҮ)

- 19—20 колхозчилар/колхозчи (ШЮ); ажойиб-да./ажойиб-де. (ҚҮ)
 20 у ерни бирпасда/бир пасда (ШЮ)
 26 олтинланар эди./олтинланарди. (ШЮ)
 27 кафтига/капига (ШЮ)
 29 кусур-кусур/қисир-қисир (ШЮ); қасир-қусур (50, 51)
 42 кетгундай./кетгандай. (ШЮ)
- 63-бет.*
- 17 зангори бўёғи/бўёғи (ШЮ, 50, 51, 59, 70)
 18 каравотда/кроватда (ШЮ)
 23 каравотга/кроватга (ШЮ)
 31 бу ерда/бу ерда, албатта, (ШЮ)
- 64-бет*
- 7 дўпписи устида/дўпписи устига (ШЮ)
 10 қабартиброқ/қабартиб (ШЮ)
 12 тикилишиди./қулоқ солишиди. (ҚҮ)
 13—14 каравот панжараси устидан/кроват панжараси устидан (ШЮ); каравот панжараси остидан (ҚҮ)
 17 сувлиқ чайнаб./сўлиқ чайнаб (ҚҮ)
 23 уқти-да./ўқиди-да, (ҚҮ)
 35 раиссанинг/раиснинг (ШЮ, ҚҮ, 50, 51, 59, 71)
 36 ташвиш/ташвиқ (ҚҮ)
 38 тинглашар/тинглашар, маъқуллашар, (ШЮ)
 42 симириб/шимириб (ҚҮ)
- 66-бет*
- 13—14 янги қишлоқларнинг манзараларини/кенг кўчаларнинг ҳар икки томонини (ҚҮ)
 28 қолди у./келди у. (ҚҮ)
 31 эгаллаган экан./эгаллаган эди. (50, 51)
 32 Ленин/Сталин (ШЮ, 50); Ўқтам/Ўқтам унга (ҚҮ)
 34 Ленин/Сталин (ШЮ, 50, 51)
 38—39 бағишиллаган — халқнинг доно йўлбошчиси, меҳрибон дўсти ва ҳаёт боғбони Партиядир!/бағишиллаган одам — халқнинг доно отаси, меҳрибон дўсти ва ҳаёт боғбони Ленин! (ШЮ, 50, 51)
 42 пионерларнинг/пионернинг (ШЮ)
- 67-бет.*
- 2 мадҳия — гимн эди./мадҳия эди. (ШЮ)
 4 рўпарасидан/рўбарўсидан (ШЮ)
 20 Кини кўрмаган мевали/қуоқ мевали (ШЮ); Кети кўринмаган мевали (ҚҮ, 50, 51)
 26 қилиб юриб/қилиб (ШЮ)
 41—42 ҳавоза — тахта нарвондан/тахта нарвондан (ШЮ)
- 68-бет.*
- 5 «Дам олиш уйи»/«дом отдых» (ШЮ, 50, 51)
 6 Колхозчи илфорлар/Колхоздаги стахановчилар (ШЮ)
 14 Келар баҳорга/Баҳорга (ШЮ, 50, 51, 59, 70)
 21 Дам олиш уйининг/«дом отдых»нинг (ШЮ, 50, 51)
- 69-бет.*
- 2 санчгандай бўлди./санчгандай бўлди шу онда. (ШЮ, ҚҮ)
 13 талаб қилсақ,/талаб қилсанг, (ҚҮ)
 39—40 Ўқтам оғир хўрсинди ва папиросни/Ўқтам папиросни (ШЮ)

- 70-бет.**
- 15 орқага/орқамга (*ШЮ, ҚҰ, 50, 51, 59, 70*)
 - 26 ўзимизга/ўзимга (*ШЮ, 50, 51, 59, 70*)
- 72-бет.**
- 3 «Меҳнатобод»/«Озод меҳнат» (*ШЮ, 50, 51, АБ, 59*)
 - 22—23 Дала ишларидан/Ишларидан (*ШЮ, 50, 51, АБ, 59, 70*)
 - 25 кампирлар, етимларнинг/кампирлар, (*50, 51, АБ, 59, 70*)
 - 38 боғчадан,боғдан (*ШЮ*)
 - 39—40 бир мирилик тангадай/тангадай (*ШЮ*)
- 73-бет.**
- 2 жавоб берди ташвишланиб:/ташвишланиб жавоб берди (*ШЮ*)
 - 16—17 «Қуттуқ менга китоб бермади,/«Қуттуқ менга китоб мермайди, (*ШЮ*); «Қуттуқ менга китоб берармиди, (*50, 51, АБ, 59, 70*)
 - 17—19 Ҳе, сопқон ~ Ҳе, тағин ~ ...Ҳа, тағин-чи,/Сопқон ~ Тағин ~ ... Тағин-чи, (*ШЮ*)
 - 19 деворда/даволда (*ШЮ*)
 - 21 уннинг қулогини/уни қулогини (*50, 51, АБ, 59, 70*)
 - 22 чўзиб қўяман. Сен жуда ақллисан-да./чўзиб қўяман. (*ШЮ*)
 - 23—24 мақтаниб деди Юлдуз./деди Юлдуз мақтаниб. (*ШЮ*)
 - 25 Енгги. Аттасдан./Янги Атласдан. (*ШЮ*)
- 74-бет.**
- 3—5 елкасини қоқди. Шўхлиги учун ~ ишонар эди у./ел-касини қоқди. (*ШЮ*)
 - 26 бобосидан/бувасидан (*ШЮ*)
 - 30—31 украиналик қизча/қизча (*ШЮ*)
 - 39 қундан бошлаб./кундан бошлабоқ. (*ШЮ, 50, 51, АБ, 59, 70*)
- 75-бет.**
- 11 Биласанми,/Биласенки, (*ШЮ*)
 - 17 ўйлади у:/ўйлади ичиди у: (*ШЮ*)
 - 19 бошқа бўлсин?/бошқа бўлса?» (*ШЮ*)
 - 25 кафтдай ортиқ/қандай ортиқ (*ШЮ*)
 - 35 қандайдир ўйин-рақс/қандайдир рақс (*ШЮ*)
- 76-бет.**
- 5 пахта ҳал қилади./пахта плани ҳал қилади. (*ШЮ*)
 - 16 сўри устида/сўрида (*ШЮ*)
 - 22 қишилик ем-хашак/ем-хашак (*50, 51, АБ, 59, 70*)
- 77-бет.**
- 11 ювиб ташлаш,/ювиб ташланг (*ШЮ*)
- 76—77-бетлар.**
- 23—13 мажлисига кетишиди.
Идорада правлениенинг ўзга аъзолари ҳали тўпланмаган эди. ~ — Балли!— деди зўраки кулги билан Насимжон./мажлисига кетишиди. (*ШЮ*)
- 77—80-бетлар.**
- 15—16 Одамлардан уялганидан ~ Каримқул қиз ва келини-ни далага чиқишга кўндириди. ~ — Йў... йўқ... Палов-нинг иси яхши келяпти. ~ — деди-ю, чумчуқдай дикрилаб, Каримқулнинг олдига тушди.
Олис тоғлар/Олис тоғлар (*ШЮ, 50, 51, АБ*)

80-бет.

- 21 олтин денгизга/олтин денгизга (*ШЮ*, 50, 51, АБ)
 23—24 ҳар кунгидек/ҳар кундагидек (*ШЮ*, 50, 51, АБ)
 27 мана Собир/Собир (*ШЮ*)
 31 шалдироқ/шилдироқ (*ШЮ*, 50, 51, АБ)
 35 кўзларининг яширин/кўзлари яширин-яширин (*ШЮ*);
 кўзларининг яширин-яширин (*50, 51, АБ, 59, 70*)

81-бет.

- 13 Тўсиндан//Тўсатдан (*ШЮ*)
 18 эски-эски/ески (*ШЮ*)
 32 сузаётгандай/сузаётгандек (*ШЮ*)
 33 учайдгандай/учайдгандек (*ШЮ*)

82-бет.

- 4 чуқур/учқур (*ШЮ*)
 7 сирни очади,—/сирини очади,— (*ШЮ*, 50, 51, АБ)
 14 ўйнар эдилар./ўрмалар эдилар. (*ШЮ*)
 37 сайдари-я/сайдари. (*ШЮ*)
 41 ширин кулиб/кулиб (*ШЮ*, 50, 51, АБ, 59, 70)

83-бет.

- 18 эмас ва/эмас, лекин (*ШЮ*)
 19 нимчилик эмас./нимчилик ҳам. (*ШЮ*)
 26—28 ишини бошлади. Ажойиб машина бир варакай қатор
 этатларнинг тагини ва ёнларини текис ва тез ёриб, ағ-
 дара кетди./ишини бошлади. (*ШЮ*)
 30 қарғади:/қарғайди: (*ШЮ*)
 31 қил илондай/илондай (*ШЮ*)
 35 елпарга/елпарча (*ШЮ*)
 39 вақтни қизғанади.../вақтни қизғанади... (*ШЮ*)

84-бет.

- 1 чўп-хас/хас-чўп (*ШЮ*)
 6 қона-қона/қона (*ШЮ*)
 7 ҳазилкаш/ҳазилвон (*ШЮ*, 50, 51, АБ)
 15 кўрайлик!» дейишди./кўрайлик!» (*59, 70*)
 19 — Дядя Миша!/Михаил Иванович! (*ШЮ*);— Миша
 (*59, 70*)
 31 артди-да, «пух...» деб сўлиш олди:/артди. (*ШЮ*); арт-
 ди-да «пуй...» деб сўлиш олди: (*70*)
 35—36 остида тузи/остида (*ШЮ*)
 38 Ўзбекларнинг/Ўзбекнинг (*ШЮ*)
 41 гавдали,/қалин гавдали (*ШЮ*, 50, 51, АБ)

85-бет.

- 5 агрономия/агрономия (*ШЮ*)
 10 менсимасдилар ҳам./менсимадилар. (*ШЮ*)
 14—15 натижаларини/зийнатларини (*ШЮ*)
 15—16 Лекин биринчи/Биринчи (*59, 70*)
 18 Ҳаёт/Лекин ҳаёт (*50*)
 21 ҳеч қачон/ҳеч қандай (*ШЮ*)
 25 Илмий китоблардаги/Олимона китоблардаги (*ШЮ*)
 27 ҳали китобларда/китобларда ҳали (*ШЮ*)
 39 ҳар хил/ҳар гал (*ШЮ*)
 42—43 ичди ва ғўзанинг/ичди, кейин ғўзанинг (*ШЮ*)

86-бет.

- 4 айтиб у./айтиб, (*ШЮ*)
 26 Тансиқхон/,Тансиқ опа, (*ШЮ*)

32 Бўпти. Бир кун/Бир кун (*ШЮ*)

86—87-бетлар.

35—31 отландилар.

Қўёш яллиги селдай қўйилар, осмон жимиirlар эди.
~ бу масалага қизғин берилиб, ҳаммаси турли ре-
жалар туза бошладилар./отландилар. (*ШЮ*, 50, 51, АБ)

88-бет.

- 5 Раис ўтмишини/Raис ўтмишни (*ШЮ*, 50, 51, АБ, 59)
7 ярамасликларини/ярамас қилишларини (*ШЮ*)
9 деди у:/деди: (*ШЮ*)
11 тегирмон тошларини/тегирмон тош (*ШЮ*, 50, 51, АБ)
24 ўзгартирмасдан/ўзгартмасдан (*ШЮ*)
25 ҳозиргина/ҳозирги (*ШЮ*, 50, 51, АБ, 59, 70)
26 кулимсираган/кулимсаган (*ШЮ*, 50, 51, АБ)
31 ранги ўчиб/ранги ўчи, (*ШЮ*)
32 пириллаб/пириллаб ҳам (*ШЮ*)
39 эртаги кунни/эртанги кунни (*ШЮ*)

89-бет.

17—38 ўтиб кетди.

У ҳомуш ҳолда юриб, тўғри Каримқул олдига келди,
~Кейин узун бир сўлиш билан «уҳ!» деди ва туриб
кетди./ўтиб кетди. (*ШЮ*, 50, 51, АБ)

39-сатрдаги юлдузчалар йўқ (*ШЮ*, 50, 51, АБ)

90-бет.

12 гўё шу пайтда/шу пайтда гўё (*ШЮ*)

26 каравотларда/сўриларда (*ШЮ*)

**28—29 агрономларни, мирабларни, ҳосилот раисларини/агро-
номлар, мираблар, ҳосилот раислари (*ШЮ*)**

90—91-бетлар.

**38—8 ялинишади. Олисада беданаларнинг «пит-бидик»лари
~бузган эди./ялинишади. (*ШЮ*)**

91-бет.

15 ходимлардан,/ходимлардан ва (*ШЮ*)

18 тез-тез сўзлаб/тез-тез сўзлар, (*ШЮ*)

23 оғзига дона-дона/дона-дона оғзига (*ШЮ*)

**28 Социалистик Мехнат Қаҳрамонини/Совет Иттилоқи
Қаҳрамонини (*ШЮ*, 50, 51, АБ)**

43 яқинингинадан эшилди-ю,/яна эшилди-ю, (*ШЮ*)

92-бет.

8 чўтирсимон/чўтсимон (*ШЮ*)

25 оқ шоҳи/оқ шойи (*ШЮ*, 50, 51, АБ)

**34 Компартияси Марказкомининг/партияси Марказкоми-
нинг (*ШЮ*, 50, 51)**

36 Ҳар масалани/ҳам масалани (*ШЮ*)

92—93-бетлар.

**38—2 кўрсатди. Ўнларча колхоздаги вазиятни, айрим бри-
гадалар, ҳатто звенолар ишини худди ойнада кўриб
тургандай, яққол намоён қилди. Доклад ~ мажлисни
қизитиб юборди./кўрсатди. (*ШЮ*)**

93-бет.

2 музокара ва чиқишлар/музокаралар (*ШЮ*)

4—5 отлиқлар орасида/отлиқлар орасидан (*ШЮ*, 50, 51, АБ)

7 сўл ёнига/сўл ёғига (*ШЮ*)

9 мен/мен-мен, (*ШЮ*, 50, 51, АБ)

10 қиз томон энгашиб./қиз томон эгилиб. (*ШЮ*)

- 11—23 Комила индамади. ~ аста-секин товушлари ўчади.
Комила тўсиндан мурожаат этди Ўқтамга:/Комила
Ўқтамга: (ШЮ)
- 94-бет.**
- 39 — А, сиз-чи?/Сиз-чи? (ШЮ)
 - 16 электрни/электр чироғи (ШЮ)
 - 18 ҳовли-боғчага/боғчага (ШЮ)
- 24—25 кавушини кийиб, ҳовлига бош яланг/кавшини кийиб,
бош яланг ҳовлига (ШЮ)
- 36 нимани ўйлаб қолдинг?/нима ўйлаб қолдинг? (ШЮ,
50, 51, 59, 70)
- 95-бет.**
- 3 тўйигинангни/тўйингни (ШЮ, 50, 51, АБ, 59, 70)
- 96-бет.**
- 16 комсомолка/комсомол қиз (ШЮ)
 - 23 адабиёт тўғараги ва/адабиёт ва (ШЮ)
- 23—24 бир шоирча/ёён шоир (ШЮ)
- 31 ёдида эди:/ёдида: (ШЮ)
- 43 Ўқтам кўпроқ/Ўқтам (ШЮ)
- 97-бет.**
- 14 қирдан/қирда (ШЮ); михти/митти (ШЮ, 50, 51, АБ,
59, 70)
 - 14 йўллардан/йўлларда (ШЮ, 50, 51, АБ)
 - 19 гўнг тасиётган/тасиётган (ШЮ)
 - 23 звеносининг/звенонинг (ШЮ, 50, 51, АБ); фақат энг
юқори/энг юқори (ШЮ)
 - 28 тотинар эди./тотар эди. (ШЮ)
 - 31 чиқиб келди/чиқиб қолди. (ШЮ)
 - 32 синглиси эди/синглиси (ШЮ)
- 98-бет.**
- 36 далада/даладан (ШЮ, 50, 51, АБ)
 - 41 ҳар ёқдан/қаёқдан (ШЮ)
- 99-бет.**
- 16 — А, қизлар-чи? Юз!— Қизлар-чи? Бир юз! (ШЮ)
 - 40 ғам/ҳам (ШЮ, 50, 51, АБ, 59, 70)
- 100-бет.**
- 15—16 жим бўлишга ишора қилиб, колхоз ишига муваффақи-
ятлар тилаб, концертни бошлади./жим бўлишга унади,
пахтачиликни ривожлантаришда колхозчилар учун ян-
ги муваффақиятлар орзу қилиб, концертни очди. (ШЮ)
 - 20 янграйди./янгради. (ШЮ)
 - 28 рақс десса/рақс деб (ШЮ)
- 100—103-бетлар.**
- 30—13 илдам жўнади.
- Мастура кечқурун ~ ўчоққа урина кетди. ~ Мас-
тура индамади, ўрнидан туриб қозон бошига борди-
еर ютур, ~ деб қизчани қарғашга тутинди./илдам
жўнади. (ШЮ, 50, 51, АБ)
- 103-бет.**
- 34 уларнинг қисмига/уларнинг частига (ШЮ)
 - 38—39 ишларга қўйиб,/ишларга қўйилиб, (ШЮ)
 - 40 шуни қилларинг, шуни қилинглар, (ШЮ)
- 104-бет.**
- 15 учқунланар эди./учқунланар. (ШЮ)

105-бет.

- 22—23 атрофга аланглаб/атрофга аланглаб (*ШЮ*)
 29 қашқарлик ошпазнинг/ошпазнинг (*ШЮ*)
 33—34 Йўлда кичикроқ/Йўлда кечроқ (*ШЮ*)

106-бет.

- 3 томорқамизни/томорқамни (*50, 51, АБ, 59, 70*)
 7 ғанимат экан.../бир ғанимат экан... (*ШЮ*)
 17 чопиққа соламан/чопиққа юбораман (*ШЮ*)
 19 тўсиндан/тўсатдан (*ШЮ*)
 30 энгасиб, қизиқсениб/қизиқсениб (*ШЮ*)
 35 Чой қайнатган/Чой қайнаган (*ШЮ*)
 38 қулоқ солсан./дарров қулоқ солсан,

107-бет.

- 9 жиддий сўради/яна жиддий сўрди (*ШЮ*)
 26 пахта даласи бўйлаб/пахта даласини (*ШЮ*)

107—110 -бетлар.

27—6 одим отди.

Ҳаво дим... ~ Болалар руҳларида тошган гайрат, шўхлик ва эпчилик билан яна ишга киришдилар. Улар талашиб-уришиб, чаққон ва қувноқ, бир-бирларига қизиқиб, уч кун ичидан бедани йигиб қўйдилар./ одим отди. (*ШЮ, 50, 51, АБ*)

108-бет.

- 27 табассум ўчмасди./табассум ўчмасдан. (*59*)
 32 — Борларнинг баъзилари/— Болаларнинг баъзилари (*59*)

110-бет.

- 10** хийла қаровсиз/хийла қарамсиз (*59, 70*)

111-бет.

- 21 енгилланиб узун нафас/енгиллаб чуқур нафас (*ШЮ*);
 енгиллаб узун нафас (*50, 51, АБ, 59, 70*)

112-бет.

- 12 ўн йиллаб/ўн йил (*ШЮ*)
 13 ўн йиллаб/ўн йил (*ШЮ*)
 18 — Зерикмадингизми,/— Зерикдингизми, (*ШЮ, 50, 51, АБ, 59, 70*)
 22—23 Суви ҳам/Сув ҳам (*ШЮ*)
 30 ҳоким қилиб қўйган/катта қилиб қўйган (*ШЮ*)
 40 каравотга/кроватга (*ШЮ*)
 42 дарахт шохида осилиб турган катта лампочка/дарахт шохидан осилиб турган катта лампа (*ШЮ*)
 43 тиззасига қўйиб,/тиззага қўйиб, (*ШЮ*)

113-бет.

- 3 косаниям, шишаниям/косани ҳам, шишани ҳам (*ШЮ*)
 20 хонадан телефон/хонада телефон (*50, 51, АБ, 59, 70*)
 29 эскироқ оқ шоҳи/қалин оқ шойи (*ШЮ*)

114-бет.

- 2 МТС/МТСнинг (*ШЮ*)
 3 ишхонаси трубасидан/ишхона трубасидан (*ШЮ*)
 17 бурнини тез-тез/тез-тез (*50, 51, АБ, 59, 70*)
 19 куйинар эди:/куйинарди: (*ШЮ*)
 20 ҳам қўлларингиз/қўлларингиз (*ШЮ*)

- 30 туртиб қўйди./туртиб. (*ШЮ*)
 35 суд ходими каби/суд ходими (50, 51, АБ, 59, 70)
 43 идорасининг ҳовлисиага/идорасининг катта ҳовлисиага (*ШЮ*)

115-бет.

- 10 яна тўсиндан/яна тўсатдан (*ШЮ*)
 12 «Азамат» колхозининг раиси/«Азамат» колхозида раис (*ШЮ*)
 28 сафо қилсаларинг/сафоларинг (*ШЮ*, 50, 51, АБ, 59, 70)
 35 ошиғичлик, файрат/ошиғич, файрат, жасорат (*ШЮ*, 50, 51, АБ)
 36 бораётир эди./бораётир. (*ШЮ*)
 38 отилаётган сувда./отилаётган сувда эди. (*ШЮ*, 50, 51, АБ)
 40 курашга отилардилар./курашга отилар эдилар. (*ШЮ*, 50, 51)

116-бет.

- 5 машъал/машъала (*ШЮ*)
 10 ҳансираб ишларди./ҳансираб ишламоқда. (*ШЮ*)
 14 фидокорлигини ва/фидокорлигини, (*ШЮ*)
 18 кўрган эди./кўрган. (*ШЮ*)
 22—23 оқ шоҳи/оқ шои (*ШЮ*)
 39 ҳар ёқдан/ҳар қаёқдан (*ШЮ*)

117-бет.

- 1 — Сув думини қисди,— Сув босилди, (*ШЮ*)
 2 железо бетондай/темир-бетондай (*ШЮ*)
 7—10 — Биламан, иш жўнида отангизниам аямайсиз,— деди кулиб Муродов.
 — Раҳмат, файрат кўрсатдинг, ~ /
 — Биламен.
 — Файрат кўрсатдинг, ~ (*ШЮ*)
 21 Комилахон,/Комила опа, (*ШЮ*)
 28 сузардингиз,—/сузар экансиз,—(*ШЮ*)

118-бет.

- 21 тўсиндан тўхтади:/тўсатдан тўхтади: (*ШЮ*)
 29 қизғин пешанасини/қизғин пешанасини (*ШЮ*, 50, 51, АБ)
 31 яхши винодай./яхши май сингари. (*ШЮ*)
 36 риоя қиласарди./риоя қиласар эди. (*ШЮ*)
 42 таклиф/албатта, таклиф (*ШЮ*)

119-бет.

- 1—2 қизғин йўлнинг/қизиган йўлнинг (*ШЮ*)
 10 кичикроқ хона — кабинет/кичикроқ кабинет (*ШЮ*)
 11 шабада/шаббода (*ШЮ*)
 32 гулдор шоҳи/гулдор шои (*ШЮ*)
 36—37 кирроқ эди. Лекин/кирроқ эди. (*ШЮ*)
 37 уялчанроқ эди.— уялчан боқади. (*ШЮ*)

120-бет.

- 8 — Масала бундай./Масала бунда, (50, 51, АБ, 59, 70)
 10 ажойиб илфорлар./ажойиб стахановчилар, (*ШЮ*, 50, 51, АБ)

21 Насруллаевнинг/Насруллаевга, (*ШЮ*)

121-бет.

- 16 Бутунлай тўғри,/Гапингиз тўғри, (*ШЮ*)

- 39 гўзага парваришининг/гўза парваришининг (*ШЮ*)
122—125-бетлар.
- 15—22 Чойхонада битта-яримта чоллар кўк чойни ҳузур билан ҳўплаб, гангур-гунгур сўз юритар эдилар.[∞] Қуёш сокин думалаб уфқа яширинган ҳамон қоронғилик гўё майин шоҳи каби оқшом бағрини ўраб олди...
- 122-бет.**
- 3 тўсиндан/тўсатдан (*ШЮ*)
 26 не бўлди экан/нима бўлди экан (*ШЮ*)
- 125-бет.**
- 28 — Нимани ини?— Ниманинг ини? (*ШЮ*)
- 126-бет.**
- 16—17 иккита катта/икки катта (*ШЮ, 50, АБ*)
 18 салмоқлаб кўрди:/салмоқлаб турди: (*ШЮ*)
 30 қизларни чайласида,/қизларнинг чайласида, (*ШЮ*)
- 127-бет.**
- 4 олмани ўша узади,/олмани у узади, (*ШЮ*)
 9 сўлғиррок гулнинг/сўлқиброқ гулнинг (*ШЮ*)
 21—22 Шу вақт/Шу вақтда (*ШЮ*)
 29 Шу вақт/Шу вақтда (*ШЮ*)
 30—31 жавоб берди-да, узоқлашди./жавоб берди-да, Собир узоқлашди. (*ШЮ*); жавоб берди-да, у узоқлашди. (*50, АБ*)
 36 тўхтади ва:/тўхтатди: (*ШЮ, 50, АБ*)
- 129-бет.**
- 22 хотирладилар,/хотирлар, (*ШЮ, 50, АБ, 59, 70*)
 25 шабадалар/шаббодалар (*ШЮ*)
 26 сепила бошланди./сепила бошлади. (*ШЮ*)
 27 Фақат тўсиндан/Фақат тўсатдан (*ШЮ*)
 36 оғирлашиб кетди, ботирларим./оғирлашиб кетди. (*ШЮ*)
- 130-бет.**
- 6 мени қайни синглим/менинг қайни синглим (*ШЮ*)
 13 бечора ҷарчаб салқинда чўзилибди, балки уни/бойқиш ҷарчаб салқинда чўзилибди, (*ШЮ*)
 18 майда-чўйда камчиликлар/майда-чўйда гапни (*ШЮ*)
 22 Ўқтамжон ўзимизники,/Ўқтамжон — ўзимизнинг йигит (*ШЮ*)
 34 хамир учидан/хамирнинг учидан (*ШЮ*)
 41 — Аканг айлангур/— Аканг айлансин (*ШЮ*)
- 132-бет.**
- 7 қаломи тоза./қадами тоза. (*ШЮ, 50, АБ*)
 18—19 янглишарман./янглишардирман. (*ШЮ, 50, АБ*)
 19 Одам отадан/одат отадан (*ШЮ*)
 25 Собирнинг елкасини/Собирнинг елкасига (*ШЮ*)
- 133-бет.**
- 1 иштонининг почалари/иштонининг пойчалари (*ШЮ, 50, АБ, 59*)
 14 Далада/У далада (*ШЮ*)
 18 кўз юргутаркан,/кўз юргутиаркан, (*59*)
 21 ёқалангандек,/тутилгандек, (*ШЮ*)
- 133—137-бетлар.**
- 30—28 Болага ўхшайди-я...»

Саратон авжида... ~ Одамлар тўда-тўда давра қуриб, тушлик хўракни бошлар эканлар, қизгин сухбат сира узилмас эди./Болага ўхшайди-я...» (ШЮ, 50, АБ)

- 134-бет.
- 2 униқкан юзларидан/туниқкан юзларидан (59)
 - 28 йигиштирип, денг?/йигиштирип, (59)
- 136-бет.
- 4 диши,/диди (50, АБ, 59, 70)
 - 43 ғишиштадан кўчди./иш қолипдан кўчди. (59)
- 137-бет.
- 38 кафти билан/капи билан (ШЮ)
- 138-бет.
- 18 кекса эмас/кексагина эмас, (ШЮ)
 - 28 — Бирпас шабодаланг,—Бирпас шабодаланг, (ШЮ)
 - 31 нотинч бўлса керак./бўлса керак. (ШЮ)
 - 42—43 Яна кузда ёшариб қолмайин, худо берган/худо берган (ШЮ)
- 139-бет.
- 6 шошиб қолдик./шошиб қолди, (ШЮ)
 - 18 А электр?/Электр-чи? (ШЮ)
 - 40 жуда чиқишлоқ,/жуда аҳил (ШЮ)
- 140-бет.
- 5—6 кечалари баъзан/кечалари билан (ШЮ, 50, АБ, 59, 70)
 - 10 чироқ ҳузурини/чироқнинг ҳузурини (ШЮ)
 - 12 Ёлғиз уни/Уни (ШЮ)
 - 28 Чўлларимиз беопён./Чўлларимиз биёбон. (ШЮ)
 - 28—29 область ва район/район ва область (ШЮ)
 - 36 шабадасидан/шабодасидан (ШЮ)
 - 39 Лениннинг/Сталиннинг (ШЮ, 50, АБ)
 - 40 Ленин/Сталин (ШЮ, 50, АБ)
- 141-бет.
- 10 жиддий турда./жиддий тусда. (ШЮ, 50 АБ)
 - 11 ҳалиям гўзада/ҳалиям (ШЮ, 50, АБ, 59, 70)
 - 16 чопишга киришди./чопиққа киришди. (ШЮ)
 - 24 ўн беш ёш/ўн ёш (ШЮ)
 - 31—32 мақтаниб қўяр эди:/мақтаниб қўярди: (ШЮ)
 - 41 калавотлар/каравотлар (ШЮ)
- 142-бет.
- 33 сийрак майсада/сийрак майсага (ШЮ)
 - 14—15 сўради Сайрамов./сўради Рустам Сайрамов. (ШЮ)
- 143-бет.
- 24 эшакни/эшакнинг (ШЮ)
- 144-бет.
- 15 қишлоқ ўқитувчиларидан/қишлоқ муаллимларидан (ШЮ)
 - 16 Мен райондан/Мен районлардан (ШЮ)
- 145-бет.
- 2 қўёз солмайдилар!/қўёз юмадилар! (ШЮ)
 - 4 мастиларникидай кўзларини/кўзларини (ШЮ)
- 145—148-бетлар.
- 14—19 — Улгурамиз, илдамроқ ҳайди!

- * * *
- Болалар, Жўра, бошлиқ, яна колхоз боғида тўпландилар. ~ Уялиб, қалтираб, секин ўқий бошлади Эргаш...—Улгурамиз, илдамроқ ҳайда! (*ШЮ* 50, АВ)
- 146-бет.*
- 20 кейин кўпн жуда қари-да,/кейин жуда қари-да, (*50, АВ, 59, 70*)
- 148-бет.*
- 27—28 ўйчан қарапди,/ўйчан қаради, (*ШЮ*)
- 149-бет.*
- 16—17 боргиси келди/боргиси (*50, 59, 70*)
23 серажин,/сержун (*59, 70*)
- 150-бет.*
- 13 заочний, яъни сиртқи/сиртқи (*ШЮ*)
34 колхозимизда/колхозимиздан (*ШЮ*)
39 қишлоғимиздан/қишлоғимизга (*ШЮ*)
- 151-бет.*
- 17 хўрсинди-да:/хўрсинди-да: (*ШЮ. 50, 59, 70*)
19 қўлинни умидсиз/қўлинни умидсизча (*ШЮ*)
19 силкиб қўяди:/силкиб қўйди: (*ШЮ*)
30 шақ этиб/шоқ этиб (*ШЮ*)
- 152-бет.*
- 3 санқиб юрган/қанғиб юрган (*ШЮ*)
25—26 эшагидан сакраб тушади-ю,/эшакдан сакрайди ва (*ШЮ*)
30 — А, унинг ер-суви?—Унинг ер-суви-чи? (*ШЮ*)
35 — А, ўзи?—Ўзи-чи? (*ШЮ*)
- 153-бет.*
- 18 қўлни сикди, кейин ҳазилсимон деди унга./қўлни сиқди. (*ШЮ*)
20 қолибсиз-ку./қолибсиз-ку,— деди ҳазилсимон. (*ШЮ*)
23 ўқиш-ўрганиш/униш-ўрганиш (*ШЮ*)
26 ҳаракат замони./ҳаракат қилиш замони. (*ШЮ*)
- 154-бет.*
- 2 лаблари учиди кулиб./лаб учиди кулиб. (*ШЮ*)
24 Гулчехранинг пешанасини/Ўқтам Гулчехранинг (*ШЮ*)
34—35 қўзлари сузилиб./қўз сузилиб, (*ШЮ*)
35—36 Қўшиқ олтин ҳавода/Олтин ҳавода қўшиқ (*ШЮ*)
- 154—157-бетлар.*
- 41—32 деди Ўқтам.
- * * *
- Каримқулнинг хотини хаста бўлиб ётиб қолди. ~
— Майли, болам, кети хайрли бўлсин,— деди она ва Ўқтам олдига бир кося шўрва келтирди./деди Ўқтам. (*ШЮ. 50*)
- 157-бет.*
- 37 Комсомол комитетининг секретари/Комсомол секретари (*50, 59, 70*)
40 диққат назаридан/диққат зўридан (*ШЮ, 50, 59, 70*)
- 158-бет.*
- 26 «Қишлоғимизга»/«Қишлоғимга (*ШЮ*)
33 — Фақат шоиримиз/— Шоиримиз (*ШЮ*)

159-бет.

- 1 нотоброқ./бетоброқ. (*ШЮ*); ажива қилишни/ҳажв қи-
лишни (*ШЮ*)
10 Комилахон,/Комила опа, (*ШЮ*)
33—34 Комила олдига/Комилага (*ШЮ*)

160-бет.

- 4 Ҳаво дим,/Ҳаво дим эди, (*ШЮ*)
7—8 яна торгина/яна тифиз (*ШЮ*)
41 Бармоқлари орасидан, лабларидан/Бармоқлари ораси-
дан (*ШЮ*)

161-бет.

- 5 гўрроқ чиқди,/чўрроқ чиқди, (*ШЮ*)
16 «Эккан колхозчи/«Эккан колхоз (*ШЮ*)
28 қулоқ очиб,/қулоқ очиб, (59, 70)
29 қўзғаган эдим,/қўзғаган эдик, (*ШЮ*)

162-бет.

- 18 истамай,/истамади, (*ШЮ*)
22 bemўлжал/бемаҳал (*ШЮ*)
40 уникига бараварми?/унга бараварми? (*ШЮ*)

163-бет.

- 9 бунда!/шунда! (*ШЮ*)
30—31 — «Гулистон» энди чинакам яшнайди,— деди Мирҳайдар ишонч ва мамнуният билан.— Қаердаки/— Қаерда-
ки (*ШЮ*)
33 экан-да, раис/екан-да. (*ШЮ*)
33 Модомики, халқ/Модомики, халқинг (*ШЮ*)
36 аҳмоқлик/аҳмоқчилик (*ШЮ*)
41 очиб ташланса/титиб ташланса (*ШЮ*)

164-бет.

- 1 Мирҳайдар ота/Мирҳайдар (*ШЮ*)
18 Узи жуда бошқача,/Жуда бошқача,
32—33 жилва ва маъносини/жилва маъносини (*ШЮ*, 50, 59,
70)
38 унга номаълум/унга ҳали номаълум (*ШЮ*)
43 бўлса ҳам...»/бўлса...» (*ШЮ*)

165-бет.

- 29 майдонлар бор эди./майдонлар ҳам бор. (*ШЮ*)

166-бет.

- 11 деди Мухторов кулиб./деди Мухторов. (*ШЮ*)
24 янги солинган/енгил солинган (*ШЮ*)
28—29 олифталиқ билан/олифталарча (*ШЮ*)
31 шикоятланди./шикоятланарди. (*ШЮ*)
37 тинглай бошлади./тингиллай бошлади. (*ШЮ*)

167-бет.

- 6 қатъий равишда./қатъий равишда Каримқул. (*ШЮ*)
18—19 чек қўясиз?/чек қўямиз? (*ШЮ*)
35 таклиф этдим./ўзим таклиф этдим. (*ШЮ*)

168-бет.

- 1 чоралар кўраяпсиз?/чоралар кўраяпмиз? (*ШЮ*)
22 кўринмаяпти./кўринмайди. (*ШЮ*, 50, 59, 70)
33 ўзининг тамом/ўзини тамом (*ШЮ*)
41 комсомол комитетининг/комсомол (50, 59, 70)

169-бет.

- 17—18 тўсиндан миннатдорчилик билдириб,/миннатдорчилик
билдириб тўсатдан (*ШЮ*)

173-бет.

- 2 заҳрини/заҳарини (50)
 8 пихиллаб./пингирлаб, (50)
 17 буз юбор./бузиб ёр. (50)
 31—43 чироқларни ўчирди...
 Мирҳайдар ота энди ~ ишонди. ~
 — Каримқул энди кетмонашлик қилиб, ҳалол меҳнат
 билаң яшаб кўрсинг,— деди колхозчилар./чироқларни
 ӯчирди. (*ШЮ*, 50)

174-бет.

- 1 шабада/шамол (50)
 10 хурсанд./хурсанд эди. (50)
 24—26 қимирлатиб Ўқтам. У яна бир нима демоқчи эди, бир-
 дан дала ёқдан ~ эшитилди./қимирлатиб Ўқтам.—
 Очиқ партмажлисда бугун-ерта ишини ҳал қиласиз.
 Даладан ~ бирдан эшитилди (50)
 27 айбдорларча/айёрларча (50, 59, 70)
 29—30 орқасидан қичқирди./қичқирди орқасидан. (50)

176-бет.

- 6 индамагандим./индамадим. (50)
176—187-бетлар.

19—16 Дўстлар ўз юмушларига хурсанд жўнашди.

* * *

187-бет.

- 19 кетмон йўқ./кетмон йўқ эди. (50)
 24 ҳам унугтган./ҳам, унугтган эди. (50)
 41 ҳовлиқиб/ҳаприқиб (50)

188-бет.

- 34 Анорхон кулиб./Анор кулиб, (50)
 41 жилдираб оқаётган/милдираб оқаётган (50)

189-бет.

- 9 ҳар ёққа/қаёққа (50)
 22 Дадам бечора/дам бойқиши (50)
 26 этолмайди, гўёни/этолмайди, кўяди, (50)
 32 У бечораларнинг/у бойқишларнинг (50)
 37 Анорхон/Анор (50)

190-бет.

- 31 минерал ўғит/завод ўғити (50)
 40 бўлмасин!/бўмасин (70)

191-бет.

- 38 шерсть юбка/шерсть кўйлак (50)

192-бет.

- 34 Уйдан/Тансик уйдан (50)

198-бет.

- 14 Бечорани/Бойқишини (50)

199-бет.

- 8 бир «ух» тортиб./«ух» тортиб, (50)

- 200-бет.
 36 солди, ун гарди билан,/солди, ўзга рўй билан (59, 70)
 39 бўлса ҳам,/бўлсаем, (59, 70)
- 202-бет.
 30 Қуда бўламиз, деб/Қуда бўламиз, икки ёқлама қарин-
 дош бўламиз, деб (50)
 40 юраги ҳовлиқиб,/юраги ҳаприқиб, (50)
- 203-бет.
 2 осон ўйлајпсан,/осон ўйлайсан, (50, 59, 70)
 14 Мираҳмад жиддий,/Мираҳмад жиддий турда. (50)
 41 борган эди./борган эди у. (50)
- 205-бет.
 37—38 Шўринг қурғур келин/Келин бойқиши (50)
- 207-бет.
 15 каталакдай тор/каталакдай (50, 59, 70)
- 208-бет.
 3 аммам раҳматликнинг/аммам бойқишининг (50)
 39 ишларди шекилли/ишлади шекилли (59, 70)
- 209-бет.
 14 чаққон йигит/чаққон (50, 59, 70)
 19 кар қилади-я./кар қилди-я. (50, 59, 70)
 42—43 тим қизил/ним қизил (59, 70)
- 211-бет.
 19 ишга ўрнатиш/ишга уриш (50)
- 213-бет.
 21 Ҳозирча/Ҳозирчи (59, 70)
- 214-бет.
 10 мақолаларни/мақолаларни, хабарларни (50)
- 216-бет.
 28 Кексароқ, ғоят/Кексароқ ва ғоят (50)
- 218-бет.
 7—8 сира боргиси/баъзан боргиси (50)
- 221-бет.
 11 станцияга/станцияси (50)
 19 тиззаларини/тизларини (50)
 24 чўнтағи/чўнчаги (50)
- 223-бет.
 13 мўл-кўлликни/мўл-жўлликни (50)
 25 ошамасак, яна қаерда ошаймиз!/емасак, яна қаерда
 еймиз! (50, 59, 70)
- 225-бет.
 6 қалай бўлар/қандай бўлар (50, 59, 70)
- 226-бет.
 5 «ишш-ишш!»/«шиш-шиш!» (50)
 17 баҳайбат/бадҳайбат (59)
- 227-бет.
 7 оғиз тўла/оғзи тўла (50, 59, 70)
 21 совуқ сўз ўлгур/ўлгур сўқти совуқ (50, 59, 70)
- 229-бет.
 17 ғала-ғовур/довур (50)
 38 аланглади:/аланглади йигит: (50)
- 230-бет.
 23 картонни/карталарни (50, 59, 70)

- 232-бет. 1 пахтадай оқарди./пахтада оқарди. (50)
- 234-бет. 9 обед/нонушта (50, 59, 70)
10 нонушта/обед (50, 59, 70)
43 юраги ҳовлиқиб,/юраги ҳаприқиб, (50)
- 238-бет. 29 Бечора/Бойқишиш (50)
41 столчага/столга (50)
- 239-бет. 21 морожнийхўрларнинг/морожнийчиларнинг (50 59, 70)
- 240-бет. 12 ҳовлиқиб/ҳаприқиб (50)
- 242-бет. 43 халқ биздан/халқ ўзимиздан (50)
- 243-бет. 3—4 Бир хил қизлар/Қизлар (50)
- 245-бет. 43 мақтади./мақтади Комила (50)
- 246-бет. 13 ободонлиги пахтадан-ку!/ободончилиги пахтада-ку!
(50); ободонлиги пахтада-ку! (70)
33—34 бири пахса,/бири пахта, (59, 70)
9 юлқиб,/юлиб (50, 59, 70)
15 сиёсий иш/сиёсий илм (50)
33 кетиб кўр-чи!/кета кўр-чи! (50)
- 248-бет. 3—4 Шарофатбиби билан/Шарофатбиби ёнида (59, 70)
- 249-бет. 29 ишонаверинг,/ишонавер, (50)
- 250-бет. 32 кимки хийла наридан чақа ё танга/хийла наридан чақа танга (59, 70)
- 252-бет. 14 стулларга/кейин индамай стулларга (50)
20 сени/мен сени (50)
43 ҳаммамиздан/ҳаммасидан (59, 70)
- 254-бет. 23 жиддий тус/жиддий тур (50)
- 255-бет. 14 тиришқоқ/тиришқоқ у. (50)
37 ҳунар/ҳунарни (50)
- 256-бет. 15 чочимизни/сочимизни (50)
39 соchlарининг/соchlарини (59, 70)
- 258-бет. 11 сўри тагида Йўлдошев/Йўлдошев (59, 70)
30 бел боғлардик!/бел боғладик! (50, 59, 70)
- 260-бет. 28 кейин ноилож/кейин хоҳламайқираб (50)
- 261-бет. 8 илм кандидати/«тарих фанлари кандидати» (50, 59, 70)
29 деразачаларидан/деразаларидан (50, 59, 70)

- 262-бет.
- 14 тротуарнда/пртволида (50)
 - 35 орасидан деворларни чирмовчи/орасидаги деворларни чирмович (50)
- 264-бет.
- 25 соғлиги/соғлигига (59, 70)
 - 36 Совет паспорти ҳақидаги/«Совет паспорти» деган (50, 59, 70)
- 265-бет.
- 19 сердараҳт/сердараҳтли (59, 70)
 - 34 жиддий./жиддий тур билан. (50)
 - 39 тушунтириш тушуниш (50)
- 268-бет.
- 7 жияни билан/жияни (59, 70)
- 268—270-бетлар.
- 21—28 Ҳовлида, ўчоқ тепасида Насимжон ва пакана Мастура ундаш-бундан турунг-турунг гаплашиб ўтирада эдилар
 - Мастура яна бир оз ёлғиз жавради, аммо жаҳлдан тоқатсизланиб, ҳасрат тўйкани қўшилариникига бир изғиб келгани жўнади.
 - Пахта далаларида/Пахта далаларидаги (50)
- 270-бет.
- 37 дерди./дейдилар. (59)
 - 29—30 тузатдилар./тузатдирап. (50)
- 272-бет.
- 39—40 сўрабди. Улардан бири ўйлаб-ўйлаб шундай жавоб бериди:/сўрабди: (50, 59, 70)
- 276-бет.
- 9 жигига тегди./жигига тегади. (50)
 - 12 қўлини қош устига/қўлини орқасига (50, 59, 70)
- 277-бет.
- 38 ҳикоя қилди./ҳикоя қилмади. (50)
- 279-бет.
- 8 бир нусхадан/бир-бир нусхадан (50, 59, 70)
 - 25 — Нима деяпсизлар,— Нима дейсизлар, (50, 59, 70)
- 280-бет.
- 28 Фарҳодстройдан/«Фарҳод қурилиши»дан (59, 70)
 - 37 раис ва/раис билан (50)
 - 39 меҳрибонлик кўрсатиб./меҳрибонлик билан. (50)
- 281-бет.
- 16 ёзишди./кўп ёзишди. (50)
 - 42 ерга тикиб./йўлга тикиб. (50, 59, 70)
 - 11 бўйлаб юриб./бўйлаб (50, 59, 70)
- 283-бет.
- 23 боевой-да,/бойвой-да, (50); бойвор-да (70)
- 285-бет.
- 42 толлар ҳам/толлар (70)
- 286-бет.
- 43 келади, барибир./барибир (50, 59, 70)
- 288-бет.
- 7 дохтир/доктор (59)
 - 43 ориққина/ариққина (50)
 - 35 Мана бу/Мана (50, 59, 70)

- 291-бет.
 12 бу қўлларга/қўлларга (50, 59, 70)
 15 солади/солади-да (50)
- 292-бет.
 27 қичқиради:/қичқирди: (50)
- 293-бет.
 31 ҳаммусобақалари/ҳам мусобақадошлари (50, 59, 70)
- 294-бет.
 19 койиди у./койиди. (50)
- 297—301-бетлар.
 7—14 сезмади ўзи.

* * *

- Бола-чақалардан тортиб меҳнат завқини сурадилар. ~
 Мастура аллақандай катта фартук топиб, белига боғлади-да, теримга тушив кетди./сезмади ўзи. (50)
- 299-бет.
 5 индамади, ~ улоқтириди./индамайди, ~ улоқтиради (59, 70)
 25 бўларди-ю/бўлади-ю (70)
- 300-бет.
 36 чиндан ҳам/чиндан ва (70)
- 302-бет.
 18 этиги./етиги туради, (50)
 34 киришиди./киришиди эл. (50)
- 303—325-бетлар
 18—26 симфонияси янграйди.
 Колхознинг меҳнат қайнаган кузги палласи. ~— Юр, далани айланамиз,— деди нохуш товуш билан Ўктамга ва дадил эшикка юрди./Симфонияси янграйди. (50)
- 306-бет.
 29 бир кун тиним/бир тиним (59, 70)
- 315-бет.
 22 деди ташвишли товуш ила./ташвишли товуш ила. (59)
- 325—334-бетлар.
 28—16 Туш вақти... ~ Ўктам отда ~ аста юриб кетди.

* * *

- Пешин вақти эди**./Пешин вақти эди. (50)
- 328-бет.
 20 жиловига/жильвасига (59)
 32 Комилахон,/Комилажон, (59, 70)
- 334-бет.
 22—23чуввос иш/чуввос ва иш (50, 59, 70)
- 335-бет.
 11 скамейкага/скамейкада (50, 59, 70)
- 336-бет.
 1 фурсатини олмасликни/фурсатини (50)
 30 қариндоши/қариндош (50)
- 341-бет.
 17 чора учун/чорва учун (50, 59, 70)
- ** Мазкур парча романнинг 59-йил нашрида 341-бетнинг 15-сатидан сўнг келган.

- 26—27 бир қарай./бир қарā, (50)
342-бет.
 34 ҳурмат қила билсак,/хурмат ила билсак, (59, 70)
 38—39 севгисини/севгини (59, 70)
- 347—350-бетлар.**
 26—32 кампирдан сўради.
 Ўкта мажлисдан уйга кең қайтди. ~ Собир баҳона топишни истаса ҳам, лекин шу топда ботинолмай, этигини илдам кия бошлади./кампирдан сўради. (50)
- 350-бет.** 6 силкиди Собир./силади Собир. (59, 70)
- 351-бет.** 7—8 ҳосил олмоққа/ҳосил олмоқ (50)
 2 бурқиди/буқиди (70)
 25 жунжиб,/чўчиб, (70)
 28 Далянинг этагида/Даланинг этагидан (70)
 40 берасиз./берарсиз. (50)
- 352-бет.** 1 оширамиз,/оширасиз, (50)
- 353-бет.** 21 ҳахоланиб/ҳохолаб (50)
 41 отга жабр./жабр, (59, 70)
- 354-бет.** 30—31 олови юксалади./олови юксалди. (59, 70)
 31 жунжикди,/жунжиди, (50),
- 355-бет.** 6 йўлга қуюлди./йўлга қўшилди. (59, 70)
 39 ҳовлиқиб/ҳаприқиб (50)
 11 ҳаяжондан/ҳаяжонда (59, 70)
- 356-бет.** 20 Зиёфатга тушмаймизми?—Зиёфатга тушамиزم? (50, 59, 70)
 38—39 қучоқлади./қучоқларди. (70)
- 357-бет.** 32 турган ҳолда тез-тез чайнади.
 — Полвон ака, фириллаб бориб/турган ҳолда:— бориб (70)
 38 сиз у,/сизу, (70)
- 360-бет.** 39 «Э—Э... гапир»./«А—А... гапир». (50)
- 361-бет.** 5 жой солди./жой қилди. (70)
 35 шавладан тотинди/шавладан тотди (70)
- 362-бет.** 12 операсининг/операциясини (59)
 41 шошиб/бўшашиб (70)
- 363-бет.** 1 зерикмадингми?/зериқдингми? (50, 59, 70)
- 364-бет.** 29 муҳим нарса./мумкин нарса. (50, 59, 70)
- 366—369-бетлар.**
 33—14 далага жўнатади...
 Бироқ Комила оз юргач, орқада от дукури эшитиб

- тўхтади... ~ ...Комила қувонч билан дала шийпонига кетди./далага жўнатади... (50)
- 369-бет.* 15 XXV/*** (70)
- 370-бет.* 1 /бир неча звеногина/бир неча райондагина баъзи звенолар (50, 59, 70)
- 371-бет.* 36 Жуда асл/Жуда соз — асл (59, 70)
- 373-бет.* 8 Боқижон,/Боқитой (50)
36 бир тус/бир тур (50)
- 379-бет.* 1 маъқуллади./жуда маъқуллади. (50)
- 381-бет.* 4 фабрикага кетди,/фабрикага келди, (50)
- 381—386-бетлар.* 30—17 сўррайганча қолди.
Боқижон оч, ҳорғин, хафа... ~ Аширмат хўмрайиб қолди./сўррайганча қолди (50)
- 386-бет* 28—29 лабига/лабга (50)
- 387-бет.* 31 «Фарҳод»да/«Фарҳод» (70)
- 388-бет.* 6—7 қолдирмасдик./қолдирмадик. (70)
21 коммунизм қўёшига/Сталин қўёшига (50)
- 390-бет* 49 билан бирга/билан (50, 59, 70)
32 бир звенода/звенода (50, 59, 70)
9—38 маънодор қисиб қўйди.
Сайрамов бирпас жим бўлди... ~ Комила Ўқтамга шундай қарадики, унинг йигитта бўлган севгиси бутун самимийлиги ва гўзаллиги билан яшнаб кетди./маънодор қисиб қўйди (50)
- 393-бет.* 7 қурилиш, тўғриси, юрагимни жизиллатаяпти,/қурилиш тўғрисида юрагим жизиллаяпти, (50, 59, 70)
- 394-бет.* 38 ишқаб,/ишқалаб, (50)
- 397-бет.* 38 ялт этиб/деди ялт этиб (50)
- 398-бет.* 14 кейин деди:/кескин деди: (50, 59, 70)
37 қўлинни сиқди/қўлинни қисди (50, 59, 70)
- 399-бет.* 30 кўқартиш./кўқартир, (50, 59, 70)
38 босиқроқ/босиқроқ (50, 59, 70)
- 401-бет.* 6 эдилар.../эди... (*ЎҲҚ*)
24—25 қизлар ён қўшниникида бир хонани эгалладилар./
Анорхон қизлар билан ён қўшниникида тўпланишди. (*ЎҲҚ*)
29 юз центнерчи қизлар/юз центнерчилар (59, 70)

- 40 зиёда/зиёд (50)
- 402-бет.**
- 18 қилас экансиз!/қилас экансан! (50)
 - 23 бойқиш/шүрлик (УХҚ)
 - 40—41 гаплашаверсин. Майли, ~ чолларми.../гаплашаверсин. (УХҚ)
- 403-бет.**
- 20 «Эмка»га/енгил машинага (УХҚ)
 - 24 хиёл беридя/хийла беридя (50)
 - 26 эди у./эди. (УХҚ)
 - 32 Анорхон билан Собир/Анорхон Собир билан (50, 59, 70)
- 404-бет.**
- 22 тагида озгина/тагида (УХҚ)
 - 34 қадаҳини/гостини (50, УХҚ)
 - 40 қичқириб кулиб/хахолаб кулиб (УХҚ)
- 405-бет.**
- 6—11 узатди ва ~ талаб қилди: ~ — Менга жазо эмас, сүюнчи бер, тентак./узатди... (УХҚ)
 - 23—43 баҳтлар күр. Анорхон, соғ бўлинг.
Ўқтам лим тўла пиёлани авайлаб қўлга олди. ~ ўз пиёласини тўлдириди, ~ ...Юлдузнинг баҳти ва соғлигига ичишди./баҳтлар күр...— у майнин пиёлани қўлига олди. (УХҚ)
- 406-бет.**
- 30—37 тушириб қолдирилган (УХҚ)
 - 32 Лениннинг/Сталиннинг (50)
 - 34 жон Партия,/доҳий устоз, (50)
 - 36 Лениннинг/Сталиннинг (50)
 - 38—39 Доҳийнинг улуғ исми қўшиқ мавжларида юлдузларга юксалди. Юраклар/Юраклар (УХҚ)
- 407-бет.**
- 25—26 кителча/кителда (50, 59, 70)
- 408-бет.**
- 21 теридаи қалин./теридан қалин. (50, 59, 70)
- 411-бет.**
- 15 ваҳимадор/ваҳмадор (59)
- 412-бет.**
- 26—27 томир-томирларига/томир-томирларида (50)
 - 40 Азиз отамиз Ленин дәҳқоннинг/Ленин ва Сталин — азиз оталаримиз дәҳқонни (50)
- 413-бет.**
- 1—2 Улуғ ва азиз Партиямиз/Улуғ ва азиз отамиз (50)
 - 8 дарвоза очамиз./дарвоза очамиз. Сталин ота замонида жамики хазиналар ўз бағрини халққа очаяпти. Қани, ҳаммамиз бир оғиздан баланд товуш билан айтайдикки, Лениннинг хазинайи умри ҳамиша тўлиқ бўлсия, унинг офтоби бошимизда ҳамиша чақнаб турсин! (50)
 - 17 брезент этик./резинка этик, (50, 59, 70)
 - 34 ажратиларди./ажратдилар. (50)
- 414-бет.**
- 15 юмалатаётган/юмалатаётганида (50)
- 415-бет.**
- 9 шимариқ/ҳимариқ (50)
 - 40 куйиб ёниб,/куйиб, (50, 59, 70)

- 416-бет.** 15 қийинчиликни,/қийинликни, (50)
- 417-бет.** 25 жиддий тусда./жиддий турда. (50)
31 У ёш/Галя Семёновна ёш (50)
- 418-бет.** 20 ўқдай түгри/ўқдай (50, 59, 70)
- 419-бет.** 20 табиат кучларини/кучларни (50)
- 421-бет.** 32 бир зумгина/бир зумга (50, 59, 70)
- 422-бет.** 30 қийқириб/қичқириб (50, 59, 70)
- 427-бет.** 9 жиддий қараб./жиддий тур билан. (50)
16—17 учқунланарди./учқунланар эди. (50)
32—33 илмий тажрибалари/илм тажрибалари (59, 70)
- 428-бет.** 13 кириб келади.../кира қолди... (50)
16 ака,/Ўктаам ака, (50)
24 дерди./дер эди. (50)
- 429-бет.** 42 от қаттиқ/қаттиқ (50, 59, 70)
- 430-бет.** 14 алжирашди./алжишди. (50)
25—26 узоқларда/узоқликларда (50)
35 ларзага соларди./ларза солар эди. (50)
- 431-бет.** 6 «Собир ботирчилар»/«Ботир Собирчилар» (50)
•87 ўйга ғарқ бўлди/ўзига ғарқ бўлган, (50, 59, 70).
- 432-бет.** 2 янтоқлар/япроқлар (50, 59, 70)
- 434-бет.** 38 юборди./юборади. (50)
- 436-бет.** 1—2 ташқарига чиқмай,/ташқари чиқмай, (50, 59, 70)
11 чала кетди./чалиб кетди. (50, 59, 70)
21 юзиб ўтди./сузиб ўтди. (50, 59, 70)
25 — Аямдан/—Аядан (50)
26—27 бўғандай/буқкандай (70)
43 дардкаш/дардош (50)
- 437-бет.** 26 юргандан кейин:/юргандан кейин Комила илжайиб де-ди Ўктаамга: (50, 59)
30—31 бошини/қошини (59, 70)
39 қичқирди./қичқиради. (50, 59, 70)
- 438-бет.** 11 кел, кел, қизим,/кел, қизим, (59, 70)
- 430-бет.** 35 қизиқишиди/қизиқди (59, 70)
- 440-бет.** 13 XXX/* * *
33 — «Ленин» колхозининг/— «Сталин» колхозининг (50)

441-бет.

- 6 катта азм/азм (50, 59, 70)
- 21—22 қурмоқ учун ~ ускуналарни/тузмоқ учун ~ ускуналарни (59, 70); тузмоқ учун ~ ускуналар (50)
- 24 енг шимариб,/енг ҳимариб, (50)
- 43 гаримсел/гаримсар (50)

442-бет.

- 4 70 центнердан/70 процентдан (59, 70)
- 14 мўл-кўл/мўл-жўл (50, ЕЛ)
- 19—20 бошлаб юборган эди. Чўлга кўчганлар эса она колхоз-нинг/бошлаб, (59, 70)

444-бет.

- 15 пахтакор/пахталар (70)
- 28 иш ва ташвиш/иш, ташвиш (70)

444—446-бетлар.

- 39—27 байроқчалар ҳилпиради. Собир ўз бригадасида ~ сухбатлар ўтказар эди. ~ Шундай, эр ва хотин бир-бirlари билан ўзишиб, ёрдамлашиб ишлашар, ҳамма бригадалар улардан ибрат олар эдилар.../байроқчалар ҳилпиради. (ЕЛ)

446-бет.

- 5 ҳар ҳисса/ҳисса (50, 59, 70)
- 13—14 югуртирди-да,/югуртди-да, (50)
- 18 ким қандай/ким, қанча ва қандай (50, 59, 70)
- 23 нозик пичинг қилди Анорхон./деди нозик пичинг билан Анорхон. (50)
- 44 қайтадан экиб/экиб (50, 59, 70)

447-бет.

- 40—44 лим тўла эди.
Ўқтам ва Қомиланинг тўй ҳозирлиги ~ зўр эди.
~...уларни қувониб табрик этар эдилар./лим тўла эди. (50)

РОМАНГА МАТЕРИАЛЛАР

ПЛАН ВА ҚАЙДЛАР

* * *

1. Фронтовик йигит ўз қишлоғи йўлида. Таниш, туғма далалар, манзаралар. Ўқтам Бойжоновни кичкина элати — Турғун (13 яшар бола) эски қўйон аравага ўтқазиб олади. Қишлоқ. Қандай қишлоқ? Табиий тузилиши, манзараси ва ўзга хусусиятлари. Ўй ичи ва элатлари билан учрашув. (Қадрдан ит.)

Раис Мирҳайдар aka Ашурев билан тунги суҳбат.

2. Ўқтам қизлар ва чоллар звеносида.

3. Райком секретари билан учрашиш (далада).

3*. Колхоз фалла планини бажаришда орқада. Раис Ўқтамни қирга — ўроқчилар қошига юборади.

4. Ўқтам хирмоннинг унумини ошириш учун баъзи асбобларни олмоққа бой қўшни колхозга боради.

* * *

1. Колхоз идораси. Колхозчилар... Тансиқ ва Апорхон. Шокиров, инженер, қурилиш бошлиғи Дониёров. Колхоз раиси Ҳамдам Алиев. Қорахат.

2. Қурилишнинг бир чеккаси. Ҳаво совуқ. Табиат билан кураш. Инженер, қурилиш бошлиғи тепаликдан кузатадилар. Тансиқ дарёга тушиб кетади! Ҳаяжон. Қутқариш. Инженер ва Дониёров орасида қизгин музокара. Қийинчилик, тўсиқлар гоят кучли. Апорхон ва Шокиров. Уларнинг ишқий суҳбати ва планлари. Хўжалик ишларини қўлга олган Шокиров қизга кўп нарсалар ваъда қиласди.

3. Баракларнинг бир бўлмаси. Тансиқ ва бобоси. Врач Салимова ҳам инженер. Инженер уни севади. Инженер билан Шокиров орасида тўқиниш: инженер қурувчиларнинг таъминоти ёмонлашгани учун Шокировни айблайди. Шокиров кек сақлайди. У билан Салимова орасини бузишга жазм қиласди. Фронтдан Апорхоннинг йигити Пўлатов қайтади. У чўлоқланади. Апорхон кутмаган эди. У совуқ қарши олади. Тансиқнинг унга раҳми келади. Овутиш истайди.

* Мазкур тартиб рақами планинг қўллэзма нусҳасида ҳам иккى марта тақорорланган.

4. Дониёров кабинети. Кеча. Дониёров чарчаган. Рассом кела-ди. Суратни чизиш учун ярим соат вақт сўрайди. Тансиқ киради. Яна қурилиш ҳақида сұхбат кетади. Дониёров яна жонланиб, қиз-гин сўзлайди. Кутилмаганда Дониёровнинг хотини шаҳардан келиб қолади. Тансиқ чиқиб кетади. Хотинда рашик ҳисси ёлқинланади. Қисқа, кескин оиласвий «саҳна» рўй беради.

5. Қурилишнинг бошқа бир кўриниши. Пўлатов урушда ортти-ган техникасини ишга солиб, янгиликлар кўрсатади. У ҳурматли, донгдор. Тансиқ билан у оға-сингилдек. Шокиров бутун найранг-макри билан Анорхонни ундан йироқлатишга тиришади. Дониёровнинг хотини ўз хатосини тушунади. Колхоз раиси Тансиқнинг ёри ҳам акаси урушда ҳалок бўлганини Дониёров хотинига ва Салимо-вага билдиради. Тансиқга билдирамасликка қарор қиласидар. Аммо Тансиққа чол айтиб қўяди.

6. Баҳор. Тепалик остида чинор. Шокиров ва Анорхон. Қизда йингитнинг ахлоқидан шубҳа. Пўлатовни ранжитганидан ўқинади. Шокиров ўғри ва дезертир сифатида фош этилади. Ҳаммада унга нисбатан нафрат.

* * *

Ш. фош қиласиди.
Анорхон. Ўксиниши. Янги йўл қидириш.
Инженер ва Салимова топишадилар.
Тансиқ.
Пўлатов.

* * *

Эсга тушириш учун:

1. Сигирни сўйиб еганлар. Бузофини сотиб, пулни аэроплан ва танклар ясашга ёрдамга берганлари (Сорабиби Ўқтамга гапиради).

2. Ўқтам ўз қишлоғида, ойдин кечада фронтдаги ойдин кечаларни эслайди.

3. Колхозда партком ўрни ва унинг конкрет вазифалари нимадан иборат?

4. Райком секретари мажлисда бозорчилар тўғрисида гапиради.

5. «Орзу» культиваторини колхозда кустарь йўсинда ясад бўладими?

6. Райком секретари гулларни севади. Уйнда гулзори бўлган. Гулчилик тўғрисида раис билан сўзлашади. Гулчилик тўғрисида маълумот керак.

7. Асарнинг бошида қаҳрамоннинг фарғонали экани ва воқеа Фарғона водийсида кетаётгани ҳақида ишора керак.

8. Саксон ота биринчи бобда Ўқтамни қаршилашда пайдо бўлади. Унинг янги исми ҳақида гап кетади.

10*. Секретарь колхозни чинакам баҳти турмуш масканига айлантириш учун ҳали кўп ишлар қилиш кераклиги тўғрисида сўзлайди.

* 9-тартиб рақами планнинг қўлёзма нусхасида ҳам учрамайди.

11. Колхоз тузилиши вақтида Ойша холанинг кураши ҳақида Ўқтам биринчи бобда ўйлаб кетади.
12. Урушда кавалерия қай фронтда катта иш кўрсатди?
13. Одамларнинг далада фидокорона ишлари ҳақида секретарь романнинг бошида Ўқтамга сўзлайди.
14. Электростанция қурилишида Ўқтамнинг ташвиқоти билан Маастура яхши ишлайди.
15. Романнинг бошида бир неча ёш йигитлар кўринади. Уларни Ўқтам яхши танимайди, чунки Ўқтам фронтга кетганида улар ёш эдилар.
16. Пахтани қуадуз ва тун суғоришининг айрмаси нимада?
17. Катта қурилишда тунги манзара: радио овози, чироғлар, проекторлар нурнида оловланган байроқлар, шинорлар ва ҳ. к.
18. Колхоз раислари, раис мувонилари райком бюросига қатнашадими?
19. Чеканкани қачон бошлайдилар?
20. Юлдуз тўғрисида бирон халқ афсонаси керак.
21. Агроном содда тилда Мичурин таълимотини Тансиққа айтиб беради.
22. Колхоз гидростанцияси неча «тегирмон сув»га қурилади?
23. Асарнинг бошида Сайрамов электрлаштириш тўғрисида фикр баён қиласди.
24. Тракторчилар, комбайнчилар орасида руслар ҳам бўлиши керак.
25. Бизнинг тўқайларда қандай ўсимликлар ўсади?
26. Қизлар чопиқда экан, Мирҳайдар келади. Чопиқнинг сифатини текширади.
27. Пахтани биладиган агроном колхозчига нимани ўргатниши мумкин (конкрет равища)?
28. Боймат (фронтдаги инвалид) раисдан миннатдор.
29. Боймат ёнида Ерматов ишқий ашула айтади.
30. Романнинг бошида Сайрамов Ўқтамга ижтимоий мусобақанинг аҳамияти ҳақида ҳам сўзлайди.
31. Пахтанинг олди пиша бошлагандан, теримга қадар қандай агротехника талаб қилинади?
32. Звенолар ишини яхшилаш, улар орасидаги мусобақанинг аҳамияти ҳақида Сайрамов биринчи мажлисда сўзлайди.
33. Комила Салимова Ўқтамга эски қишлоқнинг кулбаларини кўрсатади.
34. Раис «Фарҳод» ҳақида гапирганда, у ерда кўп колхозчилар ҳар хил ҳунар ва техника ўрганганликларини айтади (Ўқтамга).
35. Ёзилмаган китоб. Мирҳайдар тўғрисида агроном Акасиннинг таърифи.
36. Колхозда «Боевой листок» ва унинг аҳамияти ҳақида.
37. Салимова колхоз даласини текширгандан кейин Ўқтамга дейди: «Пахта нормал ўсишдан 10 кун орқада». Икковлари чоралар тўғрисида ўйлашади.
38. Ўқтам биринчи кун далага чиққанда, Ерматов звеносида бўлади.
39. Комила ва Ўқтам олдида раис бир звено бошлигининг ёмон ишлагани учун койиганда, «менга гўзапоя керак эмас», дейди, унинг бозорга тез қатнашини, томорқага ҳафсалла қилганини ҳам юзига солади.
40. Фарғонада август охирида қандай қовунлар пишади?

41. Қизлар «Қизил Ўзбекистон»да босилган мақолаларни ўқийдилар. Агрономларнинг кўрсатма ва кенгашларига риоя қилишга уринидилар.
42. Хар бир звено ўз участкасида терадими?
43. Терим бошланган куни далада қўшиқлар.
44. Сайрамов теримга тайёргарликни текширгани келганда, мактабга ҳам киради, янги ўқув йилига мактаб қандай тайёрланганини аниқлади.
45. Комилланинг уйида телефон бор. У, ниҳоят, ишласин-да!
46. Комилланинг колхози бойликлари тўғрисида Зайнабнинг ўйлари.
47. Бир гектар ерга қанча чигит экиш керак?
48. Китоб ва мутолаа ҳақида Ўқтамнинг онаси не дейди?
49. 750 гектар ерга максимал ғайрат қилинганда неча кун мобайнида чигит экиш мумкин?
- 49*. Насимжон ўз хотинига кенгаш беради: «Раис хотини билан аллоқани яхшила!»
50. Ўқтам Комила билан гидростанция тўғрисида сўзлашганда, гап нима тўғрисида боради?

Романга қўшимча боблар:

1. Ҳосилот раиси билан Ўқтам орасида тортишув.
2. Насимжоннинг томорқасини қирқиш.
3. Тупроқшунос олимларни қабул қилиш масаласи устида низо.

Акасин Мичуриннинг чуқур, чиройли фикрини Комила билан суҳбатда айтади (151).

Ўқтам билан раис муносабатида илк «соғинқираш». Насимжоннинг томорқаси юзасидан бошласаммикан?

МАТЕРИАЛЛАР**

«Ильич» колхози***

Тўйтепа райони. Ҳамидjon Қайдамов — раис. Пахта — 150 гектар. Бугдой ва бошқа экинлар бор. Чорваси ҳам бор. Колхоз ҳар йили пахта планини бажаради. Пахта контрактацияси (114,5 центнер) бу йил 105% бажарилган (Замиранинг колхозида раис унинг амакиси). Замира — раисининг қизи, лекин отаси қўшни колхоз раиси. 15—16 яшар. 1944 йилда звено бошлиги бўлган. Ери 5 гектар. Беш киши: тўрт қиз ва бир эркак. Звено аъзолари: Баттолова Ул-

* 49-тартиб рақами плannинг автограф нусхасида ҳам икки марта тақорорланган.

** Роман учун тўпланган материалларнинг аксар қисми ўз вақтида республика матбуотида очерк тарзида эълон қилинган. Бу очерклар мазкур нашрнинг 12-томида чоп этилади.

*** Ойбек ушбу материалдан «Сара қизлар сараси» («Қизил Ўзбекистон», 1946, 26 май) очеркнида ҳам фойдаланган.

масхон, Турсунова Хайри, Улканбиби Комилова, сувчи Иброҳим Соаталиев.

Булар илгаридан ишлаб келишган. Замира 7 классни битирган. Үлмасхон — 5 класс, Улканбиби 8 классни битирган. Хайри Турсунова оз ўқиган. (Портретлари.) Ҳаммаси ҳам уятчан қизлар. Ҳозир 85 центнердан пахта беришиди. Юзга етказмакчилар. Қундуз кўсак теришади, ярим кечага қадар кўсак чувийдилар.

Терим. Замира 12 минг кило, Үлмасхон 8 минг кило, бошқалири 7—8 минг килодан теришган.

Далага гўнг ташишдан бошлаб гўзапояни йиғиштиргунча барча ишни звено аъзолари бажаради.

Ерни ўғитлаш: 4,5 тонна ўғит. Ҳар гектарига 45 [қоп] тупроқ, ҳар гектарга 3,5 тоннадан гўнг солинган. Завод ўғитидан бошқа гўнг, тупроқ ерни ҳайдашдан илгари солинган. Қоп билан, арава билан ташилган.

Ўғитлаш — январдан марта қадар.

Чопик 6 марта. Культивация — 5. Суғориш — 7—8.

Қомил ота деган чол уларга деҳқончилик ҳикматларини ўргатган. («Тариқни чумчук еб кетди, бедана балога қолди».)

1944 йил апрель ойида Замира 100 центнерчи деб эълон қиласди ўзини. Қизлар бир-бирлари билан кенгашиб, звено ташкил килганлар.

5 киши 5 гектар ерни бўлиб олади. Иноқ ишлайдилар. Чайлашийонда ўтирадилар. Овқатни ҳам шунда сайдилар. Уларни ҳеч ким меҳнатга ундумайди. Ўзлари билиб, берилиб ишлайдилар.

(Улканбиби эрли.) Ҳаммаларининг ота-оналари шу колхозда ва қўшни колхозда ишлашади.

Замиранинг онаси ҳам шу колхозда ишлайди.

Ўтган йил колхоз уларни мукофотлади: кийим-кечак, сигир билан. Замира 20 минг сўм заёмга ёзилган.

Кўпинча кечалари ишлашади.

«Партизан» колхози

Тўйтепа райони. Колхоз жуда ноchor бўлган: раиснинг ҳикояси. Фани ота Машарипов. Звено бошлиги. Ўтган йил селитра... Юз центнерчи бўлиб ўзини эълон қиласган. Ўтган йили 76 центнер берган. Қурултойда бўлган. Медаль олган. Бу йил 80 га етказмакчи. Ёши 76 да. Звенода беш қиз: Нури Тоҳир қизи, Попук Мелибоева.

Абав Расулова, Қутби (Қути). Үтган йил чол ўз меҳнати учун ҳақ олмаган — колхоз фойдасига берган: колхоз камбағал. (Қизларнинг кўпи ёши 15—16 да.)

Тошпўлат деган комсомол боланинг звеносини чол баксирга олган. (Звено бошлиғи аёл экан. Ҳомиладор бўлиб, отпускага чиққан. Шунда Тошпўлатни у ўз звеносидан нариги звенога бириттирган.) Чолнинг ёрдами билан бу звено ҳам 35 центнердан пахта берган. 46-йилда чол 12 гектар ерни ўзи олмоқчи.

* * *

«Янги олтин» колхози. Қулматов Ражаб.

50 центнердан пахта берган. Звено бошлиғи. 6 гектар ери бор.

* * *

Чопиқ кечаси арпа ўради. Тарихни яхши кўради. Аъло ўқийди.

Узбек қизи, лекин тожикча ўқийди.

Адолат Раҳматова — отаси йўқ. Икки акаси фронтда. 7-синфни битирган, чиройли, нозик ниҳол қиз. Жуда чаққон, ҳар бир иш қўлидан келади: ҳўқиз ҳайдайди, культивация қиласди, чопиқ қиласди, канал қазийди. Уроқчи. 1,5—2 норма бажаради. Жуда тирик қиз. Кўзлари ўткир.

Амина — бошқа бригададан. Уятчан, индамас қиз. Оғзидан бир сўз ҳам эшига олмадим. Кейин гоят гўзал ишлар экан. Ўзи етима.

Қосим Фуломов. Сувчи. Ёши — 64. Икки ўғли фронтдан қайтган.

ИЗОҲЛАР

Улуғ Ватан уруши тугаб, кечаги жангчилар осуда ҳаёт ва меҳнат қучогига қайтдилар. Уруш туфайли хонавайрон бўлган шаҳар ва қишлоқлар, завод ва фабрикаларни қайта тиклаш бўйича улкан ишга киришилди. Куни кеча ёвуз душманни енгиб, ғалаба байробиги ни баланд кўтарган Жангчи энди мамлакат бўйлаб кенг авж олган янги фронт — меҳнат фронтидаги жонбозлик кўрсатди. Кечаги жангчининг бугунги ижодий меҳнатдаги иштироки, мамлакат хўжалиги қайта тиклаш ва янада ривожлантиришдаги роли бошқа совет ёзувчилари қатори Ойбекнинг ҳам диққат-эътиборини ўзига қаратди.

Ойбек «Эл хизматида» сарлавҳали таржимаи ҳолида бу ҳақда ёзади: «Мана, ғалаба ҳам келди. Уруш вайронгарчилигини тиклаш учун катта ишлар талаб қилинди. Жанглардан ҳали нафасини ростлаб олмаган кишилар катта файрат билан ишга киришилар. Шундай улуғ ишларнинг замондоши ва гувоҳи бўлган ёзувчи бу тўғрисида гапирмаслиги мумкинми? Мен шундай ҳиссиёт билан «Олтин водийдан шабадалар» романинни ёздим. Мен Ўқтам образи орқали урушдан ўз колхозига қайтиб келган ташабbusкор қаҳрамон кишиларимизни кўрсатмоқчи бўлдим» («Ўзбекистон маданияти», 1965, 9 янв.).

Адид замонавий мавзудаги ўзининг бу дастлабки романини ёзишга киришган кезларда катта ижтимоий фаолият билан машғул эди. У бу даврда республика Фанлар академияси гуманитар бўлимининг бошлиғи, Ўзбекистон Ёзувчилар союзи президиумининг раиси, СССР Ёзувчилар союзи президиуми раисининг ўринbosари, «Шарқ ўлдузи» журналининг муҳаррири ва СССР Олий Советининг депутати сифатида даврнинг, идеология жабҳасининг муҳим ва актуал масалалари билан банд эди. Бироқ худди шу нарса унинг урушдан кейинги даврнинг муҳим масалаларини, бу давр қаҳрамонини, унинг руҳий ва маънавий бойлигини ўз ижодига олиб киришига турткি берди.

Ойбекнинг «Олтин водийдан шабадалар» романини ёзаётганлиги, аниқроғи ёзиб тугатганлиги тўғрисида «Қизил Ўзбекистон» газетасининг 1949 йил 6 ноябрь сонида босилган «Янги бадиий асарлар» сарлавҳали ахборотда биринчи марта хабар берилди.

«Ўзбекистон совет ёзувчилари,—дейилган эди ушбу ахборотда,— Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 32 йиллиги арафасида ҳозирги замон воқелигини акс эттирувчи бир неча катта бадиий асарларни ёзиб тамомладилар.

Давлат мукофоти лауреати, академик-ёзувчи М. Ойбек байрам арафасида «Олтин водийдан шабдалар» романини ёзиб битказди. Бу роман ўзбек пахтакорларига бағишиланган».

«Шарқ юлдузи» журнали ўша йилнинг 11-сонида босилган «Ўзбекистон ёзувчилари қандай асарлар устида ишлаётирлар» сарлавҳали материалида эса бу ҳақда қуидаги маълумот берди:

«Давлат мукофоти лауреати Ойбек «Олтин водийдан шабдалар» романини ёзиб тамомлади. Роман ўзбек пахтакорларининг социалистик меҳнати ва фаровон ҳаётини кўрсатади. Ҳозир ёзувчи Ойбек ўзбек совет интеллигенциясиининг ҳаёти ҳақидаги янги роман устида ишламоқда» (ўша журнал, ўша йил, ўша сон, 127-бет).

Ойбек архивида сақланаётган материаллар унинг ҳозирги ўзбек интеллигенцияси ҳаётини акс эттирувчи роман устида иш бошлаганини тасдиқламайди. Лекин шунга қарамай, адабининг замонавий мавзудаги янги романни хомчўт қилганилиги фактининг ўзи эътиборга лойиқдир. Ойбекнинг «Олтин водийдан шабдалар» романини ёзиб тутатгани тўғрисидаги хабарга келганда, шуни айтиш керакки, журнал мазкур сонда бу хабар билан бирга романнинг дастлабки бобларини ҳам чоп эта бошлаган эди.

«Олтин водийдан шабдалар» романи ёзила бошланган ва туғалланган саналар асарнинг қўлёзма нусхаларида қайд этилмаган. Бироқ, Ойбекнинг умр ўйлдоши Зарифа Сайдносированинг гувоҳлик беришича, роман адабининг Покистонга қилган сафари арафасида (1949 йил, апрель) тугалланган. Сафарга ошиқсан адаб романнинг I—XVI бобларинигина оққа кўчиришга ултурган ва қолган қисмини оққа кўчиришни ҳамда асар учун зарур бўлган ҳалқ қўшиқларини фольклоршунос олима Музайяна Алавиядан олишини З. Сайдносировадан илтимос қилган.

Шу йилларда «Шарқ юлдузи» журнали редакциясида Ойбек билан бирга ишлаган шоир Мамарасул Бобоевнинг адаб ҳақидаги хотираларида қуидаги мароқли факт келтирildadi:

«Қайси бир йил эди, аниқ эслолмайман,— деб ёзади М. Бобоев.— [Ойбек] Кримдан* узоқ ижодий отпускадан қайтиб келди. Озган бетларидан, чўккан кўзларидан ҳаддан ортиқ чарчагани кўриниб турарди. У шунда «Олтин водийдан шабдалар» романини ёзиб келган эди. У ўз кабинетида тикка турган ҳолда, қалин, жингалак соchlарини тараф:

— Олти ойда бир роман ёзиш мумкин экан!— деди» (М. Бобоев, Умрим қўшиқлари, Т., «Ёш гвардия», 1974, 55-бет).

Ойбекнинг бошқа бир асар — «Ҳамза» достони устида олиб борган ижодий иши тўғрисидаги М. Бобоевнинг хотираси ҳам бизнинг ойбекона ижод, ойбекона иш услуги билан танишишимизга кўмак беради.

«Ойбек жуда зўр ишларди,— деб хотирлайди шоир.— Чарчаш нима эканини билмасди. Агар мен сизга «Ҳамза» достонини у бир ҳафта, бир ярим ҳафта ичida ёзиб тутатди», десам, балки бовар қилмассиз. Бу менинг кўз олдимда бўлган воқеадир. Союзнинг ҳозирги ижод богида, аргувон остида, ҳозиргидан кичикроқ бўлган ариқ бўйида чордана қуриб, атрофидаги бирор нарсага парво қилмай, шу достонини ёзи» (ўша жойда).

Замондошлар Ойбекнинг «Қутлуғ қон», «Навоий» романлари устида ҳам шундай шиддат ва иштиёқ билан ишлаганини ҳикоя

* Кримдан эмас, Қавказдан.— Нашрга тайёрловчилар.

қиладилар. Уларнинг гувоҳлик беришича, Ойбек бирор асарни ёзиб тутатгунга қадар барча нарсани унутиш ва бутун вужуди, ақл-идрохи ла ҳисснеги билан ижодий жараенга берилишдек ажойиб қорилиятга эга эди. Адид «Олтин водийдан шабадалар» романни устида ҳам шундай берилб ишлади.

М. Бобоевнинг юқорида қайд этилган хотирасига ва З. Сайдносированинг биз билан қилган сұхбатига таянио, шу нарсани ишонч билан айтиш мүмкінки, Ойбек 1948 йилнинг иккинчи ярмида ёзувчиларнинг Қавказдаги ижодий уйида роман устидаги интенсив ижодий ишни бошлаган ва 1949 йилнинг күкламида асарни ёзиб тутатган.

Аммо мазкур романни ёзиш иштиёқи адидба бундан аввалроқ пайдо бўлган. Ойбекнинг 1944—1949 йиллар мобайнида яратган очеркларини кўздан кечирав эканмиз, унинг урушдан кейинги қишлоқ ҳаёти билан яқиндан танишишга, қишлоқдаги илғор кишилар билан учрашиш ва улар ҳаётини ўрганишга бўлган кучли қизиқишини кўрамиз. Ана шу қизиқишининг самараси сифатида 1947 йилда адиднинг «Қизлар» достони вужудга келган эди. Ойбек бу достонда ўзбек хотин-қизларининг Улуф Ватан урушининг қизғин ва оғир ишларида кўрсатган мардона меҳнати ва курашини тасвирилаган эди. Унинг бу достон учун тўплаган материаллари, ҳаётний мушоҳадалари, колхоз далаларидағи учрашувлари кенгроқ майдонни — ёзувчига роман жанригина тақдим этиши мумкин бўлган бадий имкониятларни тақозо эта бошлади. Ажойиб бобойлар, фидорқ қизлар, сара йигитлар ёзувчининг қалби ва онгида ҳали ёзилмаган романнинг қаҳрамонлари бўлиб гавдалана бошлади. Уларни бир-бiri билан боғловчи ва асарнинг бадий меҳварини ташкил этувчи сюжет чизиқлари аён бўла борди. Ёзувчи хаёлида пиша бошлаган ана шу бадий ният уни ижодхона сари етаклади.

Ниҳоят, роман ёзиб тугалланди. Асарнинг машинкаланган нусхалари Ўзбекистон Компартиси Марказий Комитетининг собиқ секретари М. Ваҳобов, «Қизил Ўзбекистон» газетасининг ўша йиллардаги редактори ва Ўзбекистон Ёзувчилар союзин президиумининг раиси Ш. Рашидов ва бошқа ўртоқларга тарқатилди. Уларнинг дастлабки ижобий баҳоларига сазовор бўлган асарнинг VI бобидан олинган парча «Қизил Ўзбекистон» газетасининг 1949 йил 6 ноябрь, I—XV боблари қисқартирилган ҳолда «Шарқ юлдузи» журналининг 1949 йил 11- ва 1950 йил 1-сонида эълон қилинди. Роман 1950 йилда Ш. Рашидов редакторлигига Ўзбекистон Давлат нашриёти томонидан алоҳида китоб ҳолида нашр этилгани сабабли унинг журнал саҳифаларида чоп этилиши тўхтатилди.

Романнинг айрим боблари «Ёш ленинчи» газетасининг 1951 йил 17 сентябрь сонида, «Абадий биргамиз» (Т., 1954) тўпламида, «Ўзбекистон хотин-қизлари» журналининг 1955 йил 5-сонида ҳамда «Қизил Ўзбекистон» ва «Правда Востока» нашриёти томонидан «Китобдан-китобга» сериясида 1951 йилда нашр қилинди.

Ўзбекистон ССРнинг XXV йиллик юбилейига бағишлиланган «Олтин водийдан шабадалар» романни 1951 ва 1960 йилларда рус, 1952 йилда уйғур ва 1956 йилда украин тилларида босиб чиқарилди.

1946 йилда Тошкент область Урта Чирчиқ районидаги «Ильич» колхозининг донгдор звено бошлиғи Замира Муталова билан учрашуви бўлди.

Урушнинг оғир йилларида «Ватан ва ғалаба учун паҳтадан юқори ҳосил олишга ялпи юриш бошланганда, Замира бу юришнинг байроқдорлари сафига интилади». У колхоздан 5 гектар ер олиб, қизлар звеносини тузади. Беш қиздан иборат бўлган бу звено мўл ҳосил олиш «сир»ларини сўраб, шу қишлоқдаги Комил ота деган чолга мурожаат этади. «Яхши ҳосил оламан деган олдинироқ қимирлайди,—деб маслаҳат беради бобо.—Дастлаб ерни тўйдиринглар, оч ерда меҳнат зое кетади... Эски деворларини срга тўкинглар. Биронта тепани ҳам ағдаринглар. Ана шунда омад сизларники».

Бобонинг маслҳатларига тўла амал қилган звено йилдан-йилга мўл ҳосил ола бошлайди. 1945 йилда гектарига 94 центнердан пахта териб олади. 1946 йилда эса 100 центнер учун кураш олиб боради.

Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Замира Муталова «саддагина, нозиккина қиз бола» эди. «Йисми қўшиқларда куйланган, баҳодирона меҳнати билан ялпи самимий ҳурматга сазовор бўлган колхозчи қиз саволларга ҳаёв одоб билан жавоб бераркан,—ёзди Ойбек «Сара қизлар сараси» деган очеркида,— меҳнатдан, изгириндан оқарган ҳорғин ва маънодор юзларини яширишга тиришди. Этигиндан тортиб бошидаги рўмолчасига қадар содда, лекин ярашиғли. Қулоқларида нўхотдай қизил тош ёнади» («Қизил Ўзбекистон», 1946, 26 май).

Замира Муталова «Қизлар» достонида Гулшан, «Олтин водийдан шабадалар» романидаги эса Тансиқ образлари учун прототип бўлиб хизмат қилган.

Дастлаб Замира ҳақидаги очерк учун тўпланган, сўнгра достон ва романда кенг фойдаланилган материаллардан Ойбекнинг Замира Муталова ва унинг юз центнерчи звеноси ҳаётини яхши ўргангани маълум бўлади.

Шоир ва адаб Ойбекни звено аъзоларининг баравар катта жасорат кишиси эканлиги ҳайратга солди. Замира ва унинг звеноси Ойбек наздида айниқса уруш йилларида оммавий ҳодисага айланган қаҳрамонона меҳнат ҳаракатининг жонли тимсоли эди. Шунинг учун ҳам у «сара қизлар»ни ўз достонига ана шундай тимсол сифатида олиб кирди.

Звено аъзоларининг юқори ҳосил учун кураши, хусусан эски пахса деворни бузуб, уни далага ташиб келтириши достонда ёрқин тасвирланди.

Ойбек Тансиқ ва унинг звеносини тасвирлар экан, 40-йилларнинг донгдор паҳтакори Замира Муталова ва унинг ажойиб замондошлари ҳаётидан тинимисиз илҳом олади. Улар образи орқали кечаги даҳшатли уруш кезларининг колоритини, қишлоқда, умуман фронт орқасида асосий куч бўлиб қолган хотин-қизларнинг жанговар меҳнати пафосини очади. Шунинг билан бирга Тансиқ ва унинг дугоналари романда уларга нисбатан бойроқ гоявий мундарижа билан йўғрилган Комила ва Ўқтамдек фидойи, жонбоз ва чин инсонларнинг бамисоли бир илдизидек гавдаланади. Ёзувчи Комила ва Ўқтам каби ўз ҳаётини халқа бағишлаган ташкилотчи кишиларни Тансиқ (Замира) ва унинг дугоналарининг гоявий ва маъ-

иавий давоми, ривожи ўлароқ тасвирлайди; ўз нигоҳини ўша илдизлардан униб чиқсан бу юксак чинорларга қаратади.

Ўрушдан кейинги давр совет жамиятнинг ҳаётида ўзбек хотин-қизларни тобора катта ва муҳим роль йўнай борди. Ўзбек халқининг 14 қизи СССР, 106 таси эса Ўзбекистон ССР Олий Советларининг депутатлари сифатида мамлакатимизнинг ижтимоний-сиёсий ҳаётида фаол иштирок этди. Давлат раҳбарлари ва ишлаб чиқариш корхоналарининг бошлиқлари орасида хотин-қизларниң салмоғи анча ортди.

Ўзбек хотин-қизларининг тарихий йўлини Гулнор, Бахтигул, Лаъли, Гулноз, Диљбар, Назми, Гулшан каби образларда таҳлил ва тасвир этган ҳамда Марказий Комитет секретари, Олий Совет Президиуми раисининг ўринbosari, министр мувовинлари каби турли масъул лавозимларда ишлаётган аёлларни кўрган Ойбек халқининг тарихий тақдиридаги бундай ўзгаришларни акс эттирамай қололмади. У «Олтин водийдан шабадалар» романидаги Комила сиймосида энг илгор ва фаол ўзбек хотин-қизларининг образини мужас-саллантириди.

Езуви Қомила Салимова образини яратишда Андижон область Ленин районидаги сабиқ Сталин номли колхознинг донгдор раисаси Турсуной Қаримованинг ҳаёти материалларидан самарали фойдаланди.

Ойбек Турсуной Қаримова билан 1946 йилда учрашди ва узоқ давом этган ҳасталик йиллари бошлангунга қадар у билан тез-тез мулоқотда бўлди. 1946 йилда улар биринчи марта СССР Олий Советига депутат қилиб сайландилар. Улар СССР Олий Советининг II—III чақириқ, Ўзбекистон ССР Олий Советининг эса IV чақириқ сессиялари ишида бирга иштирок этдилар, 1946 йилда Қозогистон ССР ташкил топган куннинг 20 йиллигига бағишлиланган тантаналарда Ўзбекистон ҳукумат делегацияси составида бирга бўлдилар ҳамда республика миқёсида ўтказилган турли йигин ва қурултойларда қатнашдилар.

«Ўрушдан кейинги дастлабки йилларда,— дейди Турсуной Қаримова биз билан 1976 йил февралида, Ўзбекистон Компартиясининг XIX съезди куилари қылган суҳбатида,— ўзбекистонлик депутатлар СССР Олий Советининг сессияларига поездда борар эдилар. Депутатлар қарийб бир ҳафта давом этувчи Москва йўлида бир-бирлари билан яхши танишиб олардилар. Мен ҳам Ойбек ака билан ана шундай сафар кезлари танишдим. Ойбек ака ўзига хос завқ ва иштиёқ билан менинг ҳаётим ва фаолиятимга доир саволлар берарди... Кейинчалик мен Ойбек аканинг шеърлари, очерклари ва «Олтин водийдан шабадалар» романидаги тасвирланган аёллар образида ўзимни кўра бошладим».

Ўн саккиз ёшидаёқ йирик хўжаликка раҳбар қилиб сайланган Турсуной Қаримованинг бутуни ҳаёти колхоз қурилиши билан, партия қурилиши билан боғлиқ. У ўз ҳаёти саналарини санар экан, 1 йил оддий колхозчи, 1 йил звено бошлиғи, 1 йил бригадир, 7 йил колхоз раисаси, 13 йил райком секретари, 12 йил область ижроня комитети раисининг ўринbosari лавозимларида халқ баҳт-саодати йўлида хизмат қилганини ифтихор ҳисси билан айтади. У 1974 йилдан бўён эса Андижон область касаба союзлари ташкилотига раислик қилмоқда. Халқ ва партия Т. Қаримованинг хизматларини юксак баҳолади. У 28 йил давомида СССР ва Ўзбекистон ССР Олий Советларига депутат этиб сайланди, икки марта Ленин, икки

марта Мөхнат Қизил Байроқ, иккі марта Ҳурмат белгисі ордениләри ва қатор медаллари билан тақдирланды.

Ойбек Турсуной Қаримова образига биринчи марта 1946 йылда мурожаат этиб, ўзининг машлур «Раиса» шеърини яратади. Шоир «Ватанинни босганды бало ногаҳон» әрини урушга кузатган, уң йил ичидә оддий колхозчидан раисага қадар бүлган йўлни босиб ўтган Г. Қаримова образини бундай чизади:

Жийдазор ёнади кумуш тутунда,
Ҳаво хұмдан каби нафасга урар;
Гўзал соchlар учин йигиб тугунда,
Раиса даладан-далага юрар...

Гилам дўппи узра соchlари чамбар,
Этиги гарчиллар чилла қоридек.
Енглар шимарилган тонгдан то саҳар,
Сўзида сабот бор эл қароридек.

Ватанинни босганды бало ногиҳон,
Әрин узатди у, дилдан учди ёз,
Уч кун сўнг — раиса... кўнглида гумон:
Наҳотки аёллар ичра у шоввоз!

(Ойбек, Муқаммал асарлар тўплами, 2-том,
Т., 1975, 200-бет).

Т. Қаримова образига С. Абдулла, Зулфия, Ш. Рашидов каби шоир ва адиллар ҳам мурожаат этгандар. Чунончи, Зулфия «Ақл ёшда эмес, бошда» сарлавҳали очеркида колхоз минбарида нутқ сўзлаётган раиса портретини қўйидагича тасвирлайди:

«Янги дўппи устига чамбар қилиб қўйган сочини тушириб юборди. Машъалдан ёрқин чироғ нурида унинг чиройли қоматига мос тикилган жигарранг костюми ёқасидаги депутатлик значоги, Ленин ва Ҳурмат белгиси ордени ва медалларнинг лентаси ёнар эди» («Коммунизм сари», Т., Ўздавнашр, 1949, 142-бет).

«Олтин водийдан шабадалар» романида Ойбек Комиланинг портретини бундай кўради:

«Унинг юзи қорамтири, тўлагина; кулимсираган лаблари ингичка; иягининг ичидә ки-кина, чиройли чуқурчаси бор, қоп-қора кўзлари жуда жонли, ўйноқ; қошлири ингичка, сал чимирилган; соchlари янги дўппи устида чамбар, эскироқ атлас кўйлак устидан кийган оқ, сарғиш шойидан торгина нимчаси унинг кучли белини, тўлагина кўкрагини яна яққолроқ, қабартиброқ кўрсатар эди» (Ойбек, Асарлар, 5-том, Олтин водийдан шабадалар, Т., 1970, 60-бет).

Ойбек тасвиридаги Комиланинг бу портрети унинг «Раиса» шеъридаги ҳамда Зулфиянинг юқорида зикр этилган очеркидаги Т. Қаримова портрети қирралари билан ўзаро уйғун ва реал раисанинг портретига (331-бетга қараинг) мутлақо мос келади. Шубҳасиз, реалист санъаткор Ойбек Турсуной Қаримова ҳаётى faktлари билангина чегараланиб қолмай, унинг образини ўз ҳаётий мушоҳадалари билан бойитади, унга бадиий уйдирманинг муайян бир улушини қўшади. Лекин, шунга қарамай, Комила образининг вужудида Турсуной Қаримованинг юраги уриб туради.

Романинг марказий қаҳрамонларидан яна бири — Ўкта мобилизацияниң келганды, шунни айтиш керакки, муаллифнинг роман учун тұплаган материаллари орасыда бирор реал шахснинг бу образга прототип бўлиб хизмат қылганини тасдиқловчи бевосита факт йўқ. Лекин ёзувчи Мамадали Топиболдиев, Аҳмаджон Шукурев каби уруш қаҳрамонларининг қадрдан қишлоққа қайтиб, колектив хўжаликка зўр муваффақият билан раҳбарлик қылганларига ўхшаш фактлардан илҳомланган бўлиши ҳақиқатдан узоқ эмас. Ойбек урушдан кейинги қатор колхозларнинг ҳаётини билан танишган кезларда Ўкта мобилизацияниң озиқ берган кишиларни кўплаб учратган бўлиши мумкин.

Ана шундай кишилардан бири — Тошкент облассы Янгийўл районидаги Фрунзе номли колхознинг сабиқ парторгиги Абдулла Қурбонов эди. У 1914 йилда туғилган, 1933—1939 йилларда мактабда математикадан дарс берган. 1939 йилдан 1946 йилга қадар Совет Армияси сафида хизмат қилиб, Улуғ Ватан уруши фронтларидан жанг қылган. 1944 йилда фронтда партия сафига кирган. Армиядан кичик лейтенант увонида қайтган Абдулла Қурбонов қадрдан колхозда юз центнерчилар звеносига бошчиллик қиласди ва айни пайтда колхоз партия ташкилотининг секретари (1947—1952) бўлиб ишлайди.

Ойбек билан учрашган Ўилларда Абдулла Қурбонов звеносига ери 7 гектар бўлиб, у етти кишига баравар тақсим қилинган эди. Унинг звеноси далага йил бошида — 11 январдаёқ чиқади. Қорга, совуққа қарамай, ўз участкасига бир неча тонна гўнг ва тупроқ тўқади. Гўзани тиннисиз парвариш қилиш натижасида юқори кўрсаткичларга эришади.

Абдулла Қурбонов колхозда пропаганда ва агитация ишларини олиб боради, сиёсий суҳбатлар ўтказади, барча бригада ва звеноларни газеталар билан таъминлайди.

Ойбек «Илғорлар даласида» сарлавҳали очеркида бундай ёзлади:

«Кўринишда ўзгалардан унча айрилмайдиган, ўрта бўйли, миқтигина бу одамнинг бостириб кийган намат қаллопи остидан туйғун, ўткир кўзлари шуълаланади. Юз центнерчи парторг билан ҳар мавзуда дилкаш суҳбатлашмоқ мумкин. У фронтда кўп воқеаларни ўз бошидан кечирган; колхоз ҳаётини, унинг улкан хўжалигини равшан билади. Абдулла Қурбонов мамлакатимизнинг ажойиб ватанпарварларидан. Абдулла Қурбонов каби колхоз илғорлари, ватанпарварлар учун яратувчи меҳнат кўпдан бўён завқ манбаига айланган, уларнинг юракларида большевик ўти ёлқинланади. Юракда бу ўт борми, ҳар қанча иш оз, ҳар қандай қийинчилик — ҳе!»

Адид бу меҳнатсевар большевик билан учрашганда, ўз романни қўлдан чиқарган эди. Лекин шунга қарамай, унинг А. Қурбонов шаънига айтилган сўзлари билан Ўкта мобилизацияни маълум яқинлик ва умумийлик боб. Зотан, адид ўз асари учун материал тўплаш жараёнида А. Қурбоновга ўхшаш ўнлаб кишиларни учратган ва уларни Ўкта мобилизацияни типиклаштиргандир.

Ойбекнинг колхоз ҳаётидан олинган яна иккى очерки ўз материалы ва образларига кўра романга яқин туради. Бу очерклардан бири «Ажойиб бобойлар» деб аталади. Муаллиф бу очеркда Бухоро облассы Қоғон районидаги сабиқ Сталин номли колхознинг юз центнерчи звено бошлиги Омон бобо ва қўшни қишлоқлиқ, со-

биқ Молотов номли колхознинг илгор звено бошлиғи Даврон отани таъриф ва тавсиф этади. Омон ота, «Ўз таъбирича, етти-саккиз муҷални ўтказган, лекин ҳали қайроқдай маҳкам, юрагида гайрати қайнаган, доно, ҳусндор қарилукнинг, камолотнинг ҳақиқатан иодир ва ёрқин тимсолини гавдалантиради. Унинг маънавий кучига беихтиёр бериласан... Омон бобо фазилатларининг илдизи ерда, ҳалол дәхқон меҳнатида» («Қизил Ўзбекистон», 1944, 4 июнь).

Ўвалин-жували собонинг набиралари, эваралари ва жиянчала-ридан 22 азamat Ватан уруши фронтларида қатнашган. Доно, танти чоллинг ўзи ҳам ғалаба шамширини қўйинsha четда турмади. У чим босган, ташландиқ ерларни ўзлаштириб, кечакундуз ишлади. Унинг гўзалари қаторида хато йўқлиги, ҳар гектардан 100 центнердан ҳосил олишга онт ичгани, кетмоннинг юзи расмана кетмонарникидан икки марта кенглиги адабин тоиг қолдиради.

Ҳаётни, бундай азamat кишиларни яхши билған адаб «Деярлик ҳар колхознинг, ҳар қишлоғининг ўз Омон боболари бор», дейди ва бу фикрининг далили сифатида кўшни қишлоқлик, юз центнерчи, 82 яшар Даврон отани масол қилиб келтиради. Ана шу икки ажойиб бобой романдаги Саксон ота образининг прототиплари бўлиб хизмат этган.

Ойбекнинг «Кекса қаҳрамон билан учрашиш» деб номланган очеркида эса Янгийўл районидаги Ворошилов номли колхознинг звено бошлиғи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, СССР Давлат мукофоти лауреати, ҳалқ селекционери ва дәхқончилик новатори Назарали ота Ниёзов (1870—1955) тасвирланади.

Назарали Ниёзов 1946 йилнинг кўкламида тепалик ва қияликлардан иборат ер ажратиб, олти кишилик звено тузади.

Н. Ниёзов 1947 йилда звонога қарашли ерининг ҳар гектаридан, 86.02 ҳа ҳосил олгани учун 1948 йил 27 апрель қарори билан Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвонига сазовор бўлади. У 1948 йилда 6 гектар ердан 92 центнердан ҳосил беради. 1949 йилда эса 7 гектар ердан 100 центнердан ҳосил олиш учун кураш олиб боради.

«Назарали отанинг ёши 80 га ўтаяпти. Бироқ мен билан кўришганда,— деб ёзди Ойбек,— бармоқларцимнинг суяклари қисирилагандай бўлди. Кексанинг қадди балаанд, адл, келишган; орқасида, елкасида қарилик аломати кўринмайди. Айниқса кўзларининг маънодор ўткирилиги дарров диқкатни ўзига жалб этади. Иродали юзининг ажинларида мардана табиий ҳусн нурланиб туради. Унинг бу олижаноб сиймосини ҳалол меҳнат югуриб пишитган... Шуниси ажойибки, саксонга қадам кўйган одамнинг бутун фикри, бутун юраги ҳаётда ва ишда — кёлхозни яна кучайтириш, техникадан фойдаланиш, пахтачиликда илм ва тажрибани қўллаш тўғрисида тўлиб тошиб гапиради... Қандай гўзал ва маънан тўлғин одам бу? Юртимиизда унинг кабилар озми? Йигитлар орасида, аёллар орасида, чоллар орасида ажойиб одамлар беҳисоб» («Қизил Ўзбекистон», 1949, 1 май).

Назарали Ниёзов тўғрисидаги бу очерк ёзилган кезларда «Олгин водийдан шабадалар» романининг қоралама нусхаси алла қаҷоноқ қўлдан чиққан эди. Шунга қарамай, бу очерк Саксон ота образининг қанчалик ҳаётий ва типик эканини намойиш этиши ҳамда адабининг бу образ орқали икки даврни, икки ҳаётни, икки хил меҳнатни қиёслашғояси реал заминга таянганини кўрсатади.

Республикамиз колхоз далаларини кезиб, давлатга кўпроқ пахта топшириш, мамлакатимиз бойлигига бойлик қўшиш иштиёқида

яшовчи ва курашувчи ажойиб кишиларни кўрган, эшитган ва ўрганган адаб ҳаёт қаҳрамонларини роман саҳифаларига олиб кирди. Шунинг учун ҳам романдаги Укта, Комила, Мирҳайдар, Саксон ота, Тансиқ каби образлар катта ишонтирув кучига эгадир.

3

Ойбекнинг янги романни китобхонлар қўлига тегиб ултурмасданоқ қизғин муносаза ва мубоҳасаларга сабаб бўлди. Роман ҳақида китобхонлар ҳам, мунакқидлар ҳам, адиллар ҳам ўз фикр-мулоҳазаларини билдирилар. Орадан бир неча йиллар ўтса-да, роман ҳақидаги баҳслар сусаймай, қайта-қайта олов олиб турди. Ойбек таваллудининг 70 йиллиги нишонланган 1975 йилнинг январь ойла-рида -- роман нашр этилган санадан 25 йил кейин ҳам -- бу баҳсларга қайтилди. Қуни кеча асар ҳақида салбий муносабатда бўлган айrim ўртоқлар ўз баҳоларини қайта кўра бошладилар. «Олтин водийдан шабадалар» романнинг урушдан кейинги давр қишлоқ ҳаётини бирдан-бир тўла ва ёрқин акс эттирувчи асар бўлиб кела-ётганлиги кечаги баҳсларга ойдинлик киритишини тақозо этди.

1949 йилда Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг тузиғанига 25 йил тўлиши муносабати билан чорак аср ичida адабиётимиз эришган ютуқлар ва йўл қўйган камчиликлар ССР Ёзувчilar союзи правлениесининг XIII пленумида (1950 йил 25 январь — 2 февраль) кенг муҳокама этилди. Пленумда «Ўзбек совет адабиётининг аҳволи ҳақида» Ўзбекистон Ёзувчilar союзи президиумининг раиси III. Рашидовнинг қилган докладида мазкур асарга юқори баҳо берилди. «Ойбекнинг «Олтин водийдан шабадалар» романи,— дейилгаи эди докладда,— баъзи бир камчиликларига қарамай, ўзбек адабиётининг кейинги йиллардаги энг катта ютуқла-ридан биридир. Бу романдаги агротехника фанини кенг қўллашга асосланган янги типдаги социалистик колхоз ишлаб чиқариши ҳақида ҳикоя қилинади. Ойбек партиянинг колхоз қурилишидаги раҳбарлик ролини моҳирлик билан кўрсатади, совет кишиларининг энг олижаноб фазилатларини — юксак онглилик, маданият, меҳнатга коммунистик муносабатни ҳаққоний акс эттиради» («Шарқ юлдузи», 1950, 2-сон, 5-бет).

ССР Ёзувчilar союзи президиуми бош секретарининг ўринбосари Н. Тихонов ҳам «Ўзбекистон совет адабиётининг мувваффа-қиятлари ва камчиликлари» ҳақидаги қўшимча докладида мазкур асар тўғрисида самимий ва илк фикрлар билдириди. «Ойбек,— деди нотиқ,— Ўзбекистон пахтакорларининг фидокорона иши ҳақида «Олтин водийдан шабадалар» номли янги роман ёзди. Бу романда янгилик белгилари равшан ва тўғри равишда кўзга ташланади. Бу асарда биз ёш колхозчиларни, кекса пахтакорларни, Совет Армиясининг урушдан қайтиб келиб, колхоз партия ташкилотининг секретари бўлган офицерни кўрамиз. Кўп асарларда партия раҳбари-нинг роли фақат шартли кўрсатилар эди, бу асарда омманинг раҳбари, етакчиси бўлган партия ташкилотининг секретари яхши кўрсатилган» (ўша журнал, ўша сон, 10-бет).

Хар иккала докладда ҳам асарнинг камчиликлари тўғрисида аниқ бир фикр билдирилмади.

1950 йил 7 апрелда «Қизил Ўзбекистон» газетасида Иzzat Султоннинг «Ҳаётбахш шабадалар» номли тақризи эълон қилинди.

Уша йилнинг 18—20 апрелида Ўзбекистон Ёзувчилар союзида роман кенг муҳокама этилди. Бу муҳокамада И. Султонов, В. Зоҳидов, А. Қаҳдор, Н. Сафаров, Уйғун, М. Ҳаким, Ҳ. Ёқубов ва бошқа ўртоқлар иштирок этдилар. В. Зоҳидов мазкур муҳокамада баён этган фикрларини кейинчалик янада тўлдириб ва кенгайтириб, «Шарқ юлдузи» журналида (1950, 11-сон) «Ойбекнинг янги романни ҳақида», «Қизил Ўзбекистон» газетасида эса (1950, 10, 15—17 дек.) «Хозирги ўзбек адабиётидаги баъзи камчиликлар тўғрисида» сарлавҳали каттагина мақолалари чоп этди.

Ўзбекистон Ёзувчилар союзида бўлиб ўтган (1950 йил, 18—20 апрель) «Олтин водийдан шабадалар» романининг муҳокамасида қатнашган айрим ўртоқлар ҳам, ўзбек адабиёти ва санъатининг Москвадаги декадаси (1951 йил, 17—27 ноябрь) кунларида ССР Ёзувчилар союзида ўтказилган муҳокамада сўзга чиқсан айрим нотиқлар ҳам романга нисбатан субъектив позицияда турдилар.

Нотиқлар Ойбекнинг «Олтин водийдан шабадалар» романини муҳокама қиласар эканлар,— деб ёзган эди «Литературная газета»,— бу романнинг замонавий мавзуларга бағишланган ўзбек прозасининг илк асарларидан бири сифатидаги муҳим ролини қайд этдилар... Бироқ романнинг биронта ҳам фазилатини тан олмаган С. Малашкиннинг нутқи бениҳоя бирёклама чиқиш сифатида йигилганларни қаноатлантирмади. Миллый чекланганликдан тортиб партиянинг колхозлардаги раҳбарлигини бузуб кўрсатишга қадар айномаларни Ойбекка асоссиз равиша қўйган В. Мильчаковнинг чиқиши эса яна ҳам бирёклама бўлди. Бу чиқишининг таажжублашарли жойи яна шундаки, Ойбек романи В. Мильчаков масъуль редактор бўлган «Звезда Востока» журналида босилган эди» («Литературная газета», 1951, 24 ноябрь).

Мазкур роман ҳақидаги бундай субъектив фикрлар катта минбардан қораланганига қарамай, «Правда Востока» газетасининг 1952 йил 6 январь сонида А. Крупицкийнинг роман ҳақидаги тақризи, «Звезда Востока» журналиниң 1954 йил 8-сонида эса М. Шевердиннинг «Бизнинг замондошларимиз» номли ва бошқа қатор мақолалар босилиб чиқдики, уларда ёзувчининг олижаноб гоявий ниятини кийиқ ойнада кўриш каби зарарли тамойиллар йўқ эмас эди.

Шубҳасиз, мазкур роман ҳақидаги айрим тақриз ва мақолаларда бирёклама, субъектив мулоҳазалар билан бирга асардаги нуқсонларни тўғри пайқай олган ўринлар ҳам йўқ эмас эди. Хусусан, З. Кедринанинг лекада арафасида «Литературная газета»да босилган (1951 йил 15 ноябрь) «Улкан полотно парчалаги» деган маколосида қатор нотўғри ва баҳсталаб ўринлар билан бирга айрим рационал фикрлар ҳам кўзга ташланди Масалан, мунакқид романда «ҳаёт тараққиети қонуниятларининг умумлашган инъикоси эмас, балки ундан айрим моментларни силлиқлаб тасвирлаш принципи»нинг устун эканлиги ҳақида сўзлар экан. «роман конфликтлари жиндий курашсиз ҳал этилади», «автор иродасига кўра, ҳар кандай конфликтдан четда қолган қахломлонлярнинг образлари романнинг биринчи сахифасида қандай бўлса, сўнгги сахифасида ҳам шундайлигича қолиб, ривожланмайди», дейди.

Адабий танқидчилик мазкур тақриз мисолида биринчи марта Ойбекнинг диккат-эътиборини асарнинг асосий нуқсоши — унлаги конфликтсизлик «иззадиё»сининг таъсирига жалб этти. Орадан бир неча йил ўтгач, 1955 йилда Ҳ. Ёқубов «Ойбекнинг романлари» номли мақолосида бу масалада янада аниқроқ фикр юритади.

«Кези келганда шуни айтиш керакки,— деб ёзади у,— Ойбек Мирҳайдар образини ва бошқа бир қанча типларни ишлашда заарали конфликтсизлик «назария»си таъсиридан қутула олмайди. У Мирҳайдар отанинг хатосини силлиқлик билан, тўқнашувсиз тузатиб қўя қолади ва воқеанинг ҳаётини оқимини бузади. Колхоз раисининг пахта ҳосилини ошириш учун фоят мухим бўлган масалаларда янгилиши унинг қарашлари ва савиясининг чекланганлитиган келиб чиқади. Шундай бўлгач, унинг тўғри йўлга тушиб отиши учун оддий ташвиқот, тушунтириш кифоя қильмайди. Мирҳайдарнинг ўз камчиликларини тўла англаши ўсишда, кескин конфликтда кўрсатилса, бу фақат Мирҳайдар ота образининг жопли — ҳаётини ва ишонарли бўлиб чиқишигагина эмас, балки уни тузатиш, тарбиялаш учун курашган кишилар (Ўқтам, рус олимлари) образларининг динамиклнгига, ёрқин чиқишига ҳам ёрдам берган бўлар эди... Автор... Мирҳайдарнинг хатосини енгил йўл билан тузатиш мақсадида чет таъсирир (ҳосилот совети Қаримқул)дан фойдаланмоқчи бўлади. Лекин бу ситуациянни ҳам мураккаблаштирмайди, ҳатто Қаримқулнинг тақдирни номаълум бўлиб қолади, англашилмовчилклар ўз-ўзича аниқлашиб, конфликтлар ечилиб қолади» («Шарқ юлдузи», 1955, 5-сон, 110—111-бетлар).

Х. Еқубов ўз мақоласида асарнинг иккинчи катта нуқсони сифатида раҳбар коммунистлар, айниқса Сайрамов ва Денисов образларининг тўла очилмаганини қайд этади.

«Олтин водийдан шабадалар» романни ҳақидаги фикро ва мулоҳазаларда қанчалик бирёзламалик, ёзувчининг гоявий ниятини тушунмаслик ва асарга субъектив ёндашиш ҳоллари бўлмасин, чинакам истеъодод табнати уларни диққат билан кузатишни, одилона ва оқилона мушоҳадаларни инобатга олишни тақозо этар эди. Ойбек ҳам шундай қиалди.

4

Адибнинг умр йўлдоши. Тошкент Қишлоқ хўжалик институтининг профессори Зарифа Сайдносированинг хотирлашича, Ойбек «Олтин водийдан шабадалар» романини яратишдан олдин республика колхозларига бориб, урушдан кейинги қишлоқ ҳаётини бевосита ўрганиш билан бирга институт кутубхонасида мавжуд бўлган пахта агротехникасига доир илмий адабиётлар билан ҳам яхши танишган. Адибнинг қишлоқ хўжалигига оит специфик масалалар билан яқиндан қизиқсани, унинг ёзга агробиологияси ва қишлоқ хўжалик техникасига доир турли-туман саволларга жавоб излагани ушбу томнинг «Романга материаллар» деб номланган бўлимидағи қайллардан ҳам аён бўлиб турибди.

Шуни айтиш керакки, Ойбек роман юзасидан билдирилган тандидий мулоҳазаларни синчилаб ўрганди, 1951 йилда Тошкентда ва Москвада бўлиб ўтган муҳокамалардаги рацонал фикрлардан тўғри хулоса чиқарди. У шу йилларда, айниқса 1952 йилнинг биринчи ярмида марказий ва маҳаллий матбутотда босилган қишлоқ ҳаётини акс эттирувчи материалларни диққат билан кузатди. У хусусан колхоз партия ташкилотининг фаолияти билан, котхозларда сиёсий-тарбиявий ишларни олиб бориш йўллари ва воситалари билан қизиқди. Ёзувчи архивида сақланадиган кўплаб газета материаллари ва уларга чекилган белгилар Ойбекнинг бу мақола ва хабарларда баён қилинган масалаларни қунт билан ўрганганидан гувоҳ беради.

Ойбекнинг диққат-эътиборини тортган материаллар орасида Т. Маҳмудовнинг «Колхоз агитаторлари» («Қизил Ўзбекистон», 1952, 7 июнь), У. Алиевнинг «Фиждувонда сўз бошқа-ю, иш бошқа» («Қизил Ўзбекистон», 1952, 27 май), А. Шкловер, А. Азимов, О. Панова, С. Тимохиннинг «Так прошел трудовой день в колхозе» («Правда Востока», 1952, 8 июнь), Э. Дўстмуродовнинг «Работать с массами, опираться на актив» (ўша газета, ўша сон) каби мақалалари ҳам бор. Самарқанд облости Пастдарғом районидаги «Социализм» колхози партия ташкилотининг секретари Элмурод Дўстмуродов ўз мақоласида колхозда социалистик мусобақанинг яхши йўлга қўйилгани, ҳар беш кунлик меҳнатнинг якунланиши, илгор звено ва бригадаларнинг қизил байроқ билан мукофотланиши, лекциялар ўтказилиши, концерт ва кинолар кўрсатилиши ҳамда варачалар чиқарилиши ҳақида ҳикоя қиласди.

Езувчи архивидаги қатор газета материаллари эса унинг янги қишлоқ ҳўжалик машиналари ва ғўза агротехникасига оид фан янгиликларни тиммай кузатиб борганидан дарак беради. Афсуски, хасталик унга колхоз ҳаёти билан танишишда давом этиш ва асарни ўз вақтида қайта ишлаш имконини бермади.

Врачлар 1955 йилга келибгина Ойбекни оёқقا турғизишга муваффақ бўлдилар. Ойбек уларнинг маслаҳати билан об-ҳаво алмаштириш ниятида шу йили Тошкент облости Янгибозор районидаги Қавардон қишлоғига чиқади ва ўша ерда бир неча вақт яшади. «Суръат» номли Тошкент облости Юқори Чирчик район газетасининг ходими Ҳамидулла Сайдуллаевнинг хотирлашича, Ойбек бу даврда шу қишлоқдаги «Меҳнат — бирлик» колхозида бўлади, колхоз аҳлининг ҳаётини ўрганади, улар билан бирга меҳнат қиласди.

Адибнинг соғлиғи ҳийла тузалгач, у романни қайта ишлашга киришади.

«Роман танқидий мулоҳазаларга ҳам учради,— деб ёзади у.— Мен уларни ҳисобга олиб қатор тузатишлар ва қўшимчалар киритдим» (Ойбек, Эл хизматида, «Ўзбекистон маданияти», 1965, 9 январь).

Роман адаб киритган тузатиш ва қўшимчалар билан бирга тўрт томлик «Танланган асарлари»нинг 4-томи сифатида 1957 йилда чоп этилади.

Асарга киритилган қўшимчалар тоявий-бадиий вазифаси ва ҳажмига кўра турлича. Улар қўйидагилардан иборат:

1. IV бобга қўшимча. 51-бетнинг 38-сатридан 54-бетнинг 26-сатрига қадар.

2. VIII бобга биринчи қўшимча. 77-бетнинг 15-сатридан 80-бетнинг 8-сатрига қадар.

3. VIII бобга иккинчи қўшимча, 86-бетнинг 37-сатридан 87-бетнинг 31-сатрига қадар.

4. IX бобга қўшимча. 89-бетнинг 18—38-сатрлари.

5. X бобга қўшимча. 100-бетнинг 32-сатридан 103-бетнинг 13-сатрига қадар.

6. X—XI бобларга қўшимча. 107-бетнинг 29-сатридан 111-бетнинг 15-сатрига қадар.

7. XII бобга биринчи қўшимча. 122-бетнинг 5-сатридан 125-бетнинг 22-сатрига қадар.

8. XII бобга иккинчи қўшимча. 133-бетнинг 33-сатридан 137-бетнинг 28-сатрига қадар.

9. XIII бобга қўшимча. 145-бетнинг 16-сатридан 148-бетнинг 19-сатрига қадар.
10. XIV бобга қўшимча. 154-бетнинг 41-сатридан 157-бетнинг 32-сатрига қадар.
11. XV бобга қўшимча. 173-бетнинг 32—43-сатрлари.
12. XVI бобга қўшимча. 176-бетнинг 21-сатридан 187-бетнинг 16-сатрига қадар.
13. XXI бобга қўшимча. 268-бетнинг 21-сатридан 270-бетнинг 20-сатрига қадар.
14. XXII бобга биринчи қўшимча. 297-бетнинг 9-сатридан 301-бетнинг 14-сатрига қадар.
15. XXII бобга иккинчи қўшимча. 303-бетнинг 21-сатридан 325-бетнинг 26-сатрига қадар.
16. XXIII бобга биринчи қўшимча. 325-бетнинг 28-сатридан 334-бетнинг 16-сатрига қадар.
17. XXIII бобга иккинчи қўшимча. 338-бетнинг 16—43-сатрлари.
18. XXIII бобга учинчи қўшимча. 347-бетнинг 27-сатридан 350-бетнинг 32-сатрига қадар.
19. XXIV бобга қўшимча. 366-бетнинг 34-сатридан 369-бетнинг 14-сатрига қадар.
20. XXV бобга қўшимча. 381-бетнинг 29-сатридан 383-бетнинг 6-сатрига қадар.
21. XXVI бобга қўшимча. 390-бетнинг 9—38-сатрлари.
22. XXX бобга қўшимча. 447-бетнинг 40—43-сатрлари.

Романга киритилган 1—4, 7—8, 10—12, 15—16-рақамли қўшимчалар, бир томондан, Каримқул образининг мохиятини тўларок очиш, иккинчи томондан эса, Ўқтам, Мирҳайдар, Комила ва Жўра образларини янги чизиқлар билан бойитишга ва, энг муҳими, асардаги асосий конфликт — Каримқул—Ўқтам ўртасидаги тўқнашувни кенгроқ ва терариоқ тасвирлашга хизмат қиласди. Ўқтам сиймосида мужассамланган колхознинг илфор кишиларига, колхоз хўжалиги-даги янгича тенденцияларга қарши турган куч — Каримқул, Сайд-қудусхон эшон, Насимжон ва Мастира — пировардида парокандаликка учрайди. Конфликтнинг салбий қутбини ташкил этган кишиларнинг бир қисми — Мастира эса халол меехнат билан шугуллананаётган колхозчилар сафига келиб қўшилади. Мазкур қаҳрамоннинг хаёти ва онгода юз берган бу ўзгариш 5, 13—14-қўшимчаларда тайёрланиб боради. Ўқтам ва Комила ўртасидаги ижтимоий ва ишқий мунисабатлар масаласига — асардаги бурч ва тўйғу масаласига эса 15—19, 21—22-сонли кўшимчаларда ойдинлик киритилади.

Бундан ташкири, Сайрамов (21-қўшимчада), Акасчин, Ҳадича (12-қўшимчада), Жўра (6, 9, 12, 15-қўшимчаларда), Аширмат, Боки. унинг хотини (20-қўшимчада) образлари хам романнинг қайта ишлангани нусхасида янги қирра ва сифатлар билан бойитилди.

«Олтин водийлан шабадалар» романни кенг муҳокама этилган кунларда Ойбек тўплай бошлаган материаллар унинг асардаги сиёсий-тарбиявий ишлар ва пахта агробиологияси билан боғлиқ масалаларни тераплатини иятида бўлганидан гувоҳлик берарли. Бироқ ёзувчи асарни қайта ишлаш жараённида ўз эътиборини кўпроқ роман конфликтини кучайтиришга каратди. Колхоз партия ташкилотининг сиёсий-тарбиявий ишларини эса, Ўқтамнинг Каримқулга карши олиб борган кураши, Мастиурани қайта тарбиялаши, колхоз ёшларига раҳбарлик қилиши, янги ерларни ўзлаштиришга отланиши эпизодларида акс эттириди.

Ойбек романга кириктган бундай қўшимчалар билан асарнинг
ғоявий-бадиий қувватини ошириди.

5

Шу нарсанни адолат юзасидан айтиш керакки, «Олтин водийдан шабадалар» романининг биринчи нашриёқ китобхонлар оммаси томонидан самимий кутиб олиниди. Урушдан кейинги даврда катта эпик асар саҳифаларига биринчи марта келиб кирган замондошларимиз образлари китобхонларда қизгин муносабат уйғотди. Иттифоқимизнинг турли шаҳарларида, ҳатто қўшни мамлакатларда яшовчи китобхонлар ёзувчига, асар қаҳрамони Уккам Носиров номига ҳурмат ва миннатдорчилик тўла хатлар ёздилар.

Урушдан кейинги даврнинг романда ёрқин ифодасини топган масалалари ёндош санъат аҳлларининг ҳам диққат-эътиборини қозонди. Кинодраматург Инна Филимонова роман асосида киносценарий либреттосини ёзди (16 бетдан иборат бу либреттонинг машинкаланган нусхаси ёзувчи архивида сақланади). Бироқ номаълум сабабларга кўра, фильм сценарийси ёзилмай ва асар экран юзини кўрмай қолган.

Роман С. Бородин таржимасида 1951 йилда Тошкентда, 1960 йилда Москвада рус тилида нашр қилинди 1952 йилда Тошкентда асар уйғур тилида чоп этилди. Орадан тўрт йил ўтгач эса, роман В. Гнатовский таржимасида Киевда украин тилида босиб чиқарилди.

Роман 1954 йилда Узбекистон кўрлар жамияти нашриёти томонидан ҳам нашр этилган.

«Олтин водийдан шабадалар» романи 1950, 1957 ва 1970 йillardа ўзбек тилида уч марта чоп этилган.

Мазкур асар Ойбекнинг катта бадиий полотнода замонавий мавзуга биринчи марта мурожаат этгани билан унинг ижодида айрича аҳамият касб этади. Ойбек бу романдан кейин ўзининг «Қуёш қораймас», «Шон йўли», «Нур қидириб» каби замонавий мавзулардаги йирик асарларини яратди. Бу асарлар фақат янги ҳаётӣ материали билангина эмас, балки бадиий қуввати — ёрқин образлари, тасвир услуги ва реализм билан ҳам ўзбек совет адабиёти хазинасидан мустаҳкам ўрин олган.

7-б е т.

29. *Будапешт* — Венгрия Халқ Республикасининг пойтахти. 1873 йилда Дунайнинг ўнг соҳилида жойлашган эски пойтахт — Буда билан дарёнинг сўл соҳилидаги Пешт (савдо маркази) нинг кўшилиши натижасида ташкил бўлган. 1945 йилнинг 13 февралида Совет Армияси томонидан немис фашистлари қўлидан озод этилган.

10-б е т.

24. *Қизил юлдуз* — Совет Армияси ва Флотида хизмат килувчи ҳарбий кишиларга, ҳарбий қўшинлар ва қўшилмаларга СССРни мудофаа этиш ишида кўрсатган аъло хизматлари учун бериладиган орден. 1930 йил 6 апрелда СССР Марказий Ижроия Комитети Президиумининг қарори билан таъсис этилган.

25-б е т

24. *Дарёдан оқиб келади шода-шода марварид* — СССР халқ артисткаси Ҳалима Носирова ижросида айтилган халқ қўшиғи.

35-б е т.

7—8. Ҳут-ют — қуёш йилининг ўн иккинчи ойи бўлиб, 22 февраль — 21 март кунларига тўғри келади; қишининг сўнгги совуқ кунлари. Айём-ажуз — қишининг сўнгги ҳафтаси. Саратон — қуёш йилининг тўртинчи ойи бўлиб, 22 июнь — 21 июль кунларига тўғри келади; ёзният энг иссиқ кунлари. Асад — қуёш йилининг бешинчи ойи; 22 июль — 21 август кунлари. Сунбула — қуёш йилининг олтинчи ойи бўлиб, 22 август — 21 сентябрь кунларига тўғри келади.

37-б е т.

36. Курск дуга — Улуғ Ватан уруши йилларида Курск районида олиб борилган энг жирик ҳарбий жанглардан бири. 1943 йил ёзида Гитлер армияси Москвага йўл очиш учун Курск районида Совет Армиясига кучли зарба бермоқчи бўлади. Душман ниятидан хабардор бўлган Совет Кўмандонлиги Гитлер армиясининг ҳужумини қайтариш билангина чекланмай, ҳал қилувчи қарши ҳужумни ҳам ташкил этади ва Курск дугасида душман қўшинларини мажақ-лаб ташлайди.

41-б е т.

14. Торгсин — Ажнабий кишилар билан савдо қилувчи магазин. «Торговля с иностранцами» иборасидан қисқартиб олинган. 30-йилларнинг биринчи ярмида ташкил этилган ва асосан шу даврда ҳукм сурган бу савдо ўчоғлари СССР гражданлари ва ажнабий кишиларнинг олтин ва кумушдан ишланган буюмларини озиқ-овқат маҳсулотлари билан алмаштириб турган.

29. Фарзи айн — арабча сўзлар бўлиб, «зарурлиги равшан» деган маънени билдиради. Шариат қонун-қоидаларига кўра, ижро этилиши зарур бўлган худонинг беш буйруги бор. Булар: 1) имонли бўлиш, 2) намоз ўқиш, 3) рўза тутиш, 4) ҳаж қилиш ва 5) зақот тўлаш. Шариат ана шу беш буйруқга доимо амал қилишни тақозо этган.

56-б е т.

5-сатрдан бошланувчи ҳалқ қўшиқларининг 1-банди филология фанлари кандидати Музайяна Алавия томонидан Наманган область Учқўргон район Октябрь колхозида истиқомат қилган Маликахон Усмонова ва Тошкент область Чиноз районидаги Яллама қишлоқ Советида истиқомат қилган Жаннатхон Эгамбердиева оғизидан, 2 ва 3-бандлар Тошкент область Пискент районидаги Мўминобод маҳалласида истиқомат қилган Малоҳат Оқилова оғизидан ёзин олинган.

20-сатр билан бошланувчи икки бандли ҳалқ қўшиғи эса Андижон шаҳрининг Билдинский кўчасида истиқомат қилган Ойхон Мўминовадан ёзib олинган.

61-б е т.

18. Жунғул — бута; бутазор ўсимлиги.

70-б е т.

4. Великие Луки — РСФСРдаги шаҳар. Псков области таркибига кирган бу қадимий шаҳарга 1166 йилда асос солинган. Фарбдан Польша, шимолдан эса Литва билан яқин тасарруфда жойлашган шаҳар қадимдан муҳим стратегик обьект бўлиб келган. Узининг паровоз-вагон ремонти заводи билан машҳур бўлган Великие Луки Улуғ Ватан уруши йилларида бутунлай вайронага айланган. Шаҳарни озод қилиш учун олиб борилган жангларда гвардиячи оддий аскар Александр Матросов душман ДОТИни ўз танаси

билан ёпиб, қаҳрамонларча ҳалок бўлган (1943 йил 23 февраль). Шаҳар Калинин фронти қўшинлари томонидан 1943 йилнинг 1 январида озод этилган.

Ойбекнинг тасвирлашича, Укташ Носиров Великие Луки учун олиб борилган жангларда иштирок этган ва ярадор бўлган.

27—28. Санбат — санитария батальони; жанговар шаронтда ярадорларга медицина ёрдамини кўрсатувчи пункт.

88-бет.

34. «Фарҳод» — Фарҳод гидроэлектростанцияси. Сирдарёнинг Фарҳод тоғи этакларидан ўтган жойида барпо этилган сув ва нур, иншооти. Улуф Ватан уруши йилларида йирик саноат корхоналарининг Ўзбекистонга кўчириб келтирилиши янги электр манбаларига бўлган эҳтиёжни оширди. Давр ва ҳаётнинг ана шу тақозоси билан 1943 йилда ҳалқ ҳашари методи билан Фарҳод ГЭСини қуришга киришилди. 1948 йилда битказилган ва ишга туширилган ГЭС қурилшида республика колхозлари ва корхоналари фаол қатнашган.

Фарҳод ГЭСи 22 км лик территорияда жойлашган мураккаб гидротехник иншоотларни ўз ичига олади. Мазкур ГЭС туфайли вужудга келган сув ҳавзаси Мирзачўл ва Даъварзин эдирларидағи бўз ерларни ўзлаштириш ва серунум пахта далаларини барпо этиши имконини берган.

91-бет.

33. Қанаш Сергей Степанович (1896—1975) — селекционер олим, Ўзбекистон ва Тожикистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, В. И. Ленин номидаги Бутуниттифоқ кишлоқ хўжалик фанлари академиясининг ҳақиқий аъзоси, СССР Давлат мукофоти лауреати. С. С. Қанаш гўзанинг вилтга чидамли, серхосил, йирик кўсакли, кўп тола берадиган 8517, 8582, 8427, 18819, С-460, С-450, С-450—555 номли навларини яратган. У етиштирган ва «Колхозчи» номи билан машҳур бўлган 8517 нави 1941 йилда СССРдаги пахта майдонларининг 30% ига экилган. Учинчى нав алмаштириш йилларида бу нав ўринига «Қанаши» номли С-460 ҳамда 18819 ва С-450 навлари, тўртинчи нав алмаштириш йилларида эса С-450—555 нави экиладиган бўлди.

Романдада учинчى нав алмаштириш йилларида экилган Қанашнинг янги нав уруғлари ҳақида гап боради.

92-бет.

32—33. «Ғўзани парвариши қилишда рўй берадиган камчиликлар ва уларни тезда йўқотиш тадбирлари ҳақида» — Ўзбекистон Компартияси Марказкомининг қарори.

Улуф Ватан уруши йилларида пахта майдони ҳам, пахта хосили ҳам урушдан аввалги даврдагига қарагандা анча камаяди. Республика фақат 1947 йилга келибгина пахта майдонлари хажмининг урушдан олдинги даражасига эришиди. 1948 йилда эса Ўзбекистон урушга қадар мамлакатга канча пахта берган бўлса, шунча ҳосил олди. Аммо бу нарса ўсиб бораётган давлат планларини бажаришини таъминламади. Республика 1947—1949 йилларда пахта тайёрлашнинг давлат планини бажармади.

ВКП(б) Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети 1948 йилнинг 3 февраляда «Ўзбекистон КП(б) ва ЎзССР Министрлар Советининг 1947 йилда пахтачиликка раҳбарлик қилишда йўл кўйган хатолари тўғрисида» маҳсус қарор қабул килади. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ўзининг 1948 йил февраль

пленумида мазкүр қарорни кенг мұхомама қилиб, республикада пахтачиликни ривожлантириш соңасыда йўл қўйилган хатоларни кескин танқид қиласди ва бу хатоларни тузатиш бўйича тадбирлар белгилайди. Республика Компартиси ана шу тадбирларни амалга ошира борар экан, юқорида қайд этилган қарорни қабул қиласди.

114-б е т.

25. *Водхоз* — сув хўжалиги. Бу ерда сув хўжалиги билан шуғулувчи шахс; хўжалик раҳбари.

33. *Финагент* — молия агенти; район молия бўлимнинг ходими. 120-б е т.

30. *Алмашлаб экиш* — агротехника талабларига мувофиқ радиша турли экинларни йил сайин маълум тартибда навбатлаб экиш. Бир хил экиннинг, масалан, гўзанинг узлуксиз экила бериши ер унумдорлигини камайтиради. Шунинг учун бундай ерга маккажўхори ёки бошқа хил донли экин ёхуд икки-уч йил мобайнида беда экиш талаб этилади.

121-б е т.

18—19. *Лисенко Трофим Денисович* (1898) — кекса совет олими, биолог ва агроном, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, академик, Лисенко Мичурин таълимотини давом этирига бориб, ўсимликларнинг стадияли тараққиёт назариясини ишлаб чиқди, қишлоқ хўжалик экинларнинг унумдорлигини оширувчи қатор агротехник усусларни таклиф этди (яровизация ва ҳ. к.). Бироқ Лисенко олға сурган қатор назарий фикрлар ва таклифлар тажрибада тасдиқланмади.

148-б е т.

13. *Пушкиннинг «Кавказ» шеъри* 1829 йил 20 сентябрда шоирнинг Арзумга қилган саёҳати натижасида ёзилган. Биринчи марта 1831 йилда «Северные цветы» журналида босилган. Ўзбек тилига Шайхзода ва Асқад Мухтор томонидан таржима этилган.

151-б е т.

35. *Хўжа Аҳрор* (1404—1490) — Урта Осиё сўғизмининг йирик намояндаси, Тошкент нақшбандиясининг арбобларидан бири, феодал. Шариат руҳидаги ҳаёти ва шахсий хислатлари билан ўз муҳити доирасида катта шуҳрат қозонган. Хўжа Аҳрор китобий илмларнинг ашаддий душмани бўлган. Ўз давридаги дунёвий илм вакилларига қарши ошкора курашган бу мутаассиб улуғ ўзбек олими Улугбекнинг қатл этилишига фатво берган. Улугбек барпо этган расадхона эса унинг фатвоси билан барбод этилган. Хўжа Аҳрор Улугбек ҳалок бўлгандан кейин Мовароунаҳрдаги сиёсий ҳокимиятни қўлга олган ва қирқ йил мобайнида Темурнинг асл ва соҳта ворислари орқали мамлакатни бошқарган.

152-б е т.

14. *Машраб* — ўзбек класик шоири. 1657 йилда Андижонда туғилган. Ота-онаси Намангандеги кўчнб келгач, Бобораҳимни Мулла бозор охун отли бир эшоннинг тарбиясига берадилар. Бу охун Бобораҳимни 25 ёшларида Қашқардаги Оппоқхўжа деган эшонга мурид қилиб жўнатади. Бобораҳим 7 йилгacha хўжанинг хизматида бўлади ва шу ерда Mashrab лақабини олади. Бироқ муридлик қондаларини бузгани учун бу ердан ҳайдалади. Шундан сўнг Mashrab Хўжанд, Тошкент, Туркистон, Самарқанд, Бухоро, Балх, Ҳиндистон ва бошқа шаҳар ва ўлкаларни кезади, қаландар шоир сифатида шуҳрат қозонади. XV—XVI асрларда кенг тарқалган қаландарликка мансуб бўлган Mashrab ислом ва унинг қонун-қондаларини тан-

қінд қылғаннан учун, ҳукмдорлар ва руҳонийларнинг кирдиқорларини
фош этгани учун тинмай таъқиб қилинади. Ниҳоят, 1711 йилда
Балқ ҳокими Маҳмудбий Қатағоннинг ҳұмми билан дорга торти-
лади.

38. *Улугбек* (1394—1449) — улуғ ўзбек олимі. Амир Темурнинг
набирасы Мұхаммад Тарагай Улугбек 15 ёшидаёқ Мовароуннахр-
нинг ҳокими этиб тайинланади: отаси Шоҳруҳ Халил Султон усти-
дан эришган ғалабаси шарағига ўз давлатини иккига — Хурросон
ва Мовароуннахрга ажратыб, иккінчи давлатни идора этишини
Улугбек зыммасига юклайди. Еш темурийзода мамлакатни идора
этар экан, фан ва маданиятни ривожлантиришга алоҳида эътибор
беради. Самарқандда ўзининг машҳур астрономия мактабини яра-
тиб, Үрта Осиёда бириңчы расадхонаны қурдиради. 1018 та юлдуз-
дан иборат каталогы — «Зижи Гургоний»ни яратади.

1449 йилда Ҳўжа Аҳрор фатвосига биноан ўғли Абдул Латиф
томонидан қатал этилган.

39. *Али Қушчи* — Улугбекнинг шогирди, астроном олим, Улуг-
бек яратган юлдузлар каталогининг kommentatorи. Улугбекнинг уст-
този Қозизода Румий вафотидан сүнг улуғ олимнинг илмий ишлар-
ига энг яқын шогирд ва дўст сифатида ёрдам берган Аловиддин
Али ибн-Мұхаммад Қушчининг таваллуд топган йили номаълум. У Улугбекдан ёш бўлган ва уни ота деб атаган. Али Қушчи ўз дав-
рининг Птоломей сифатида шуҳрат қозонгаг. Билимдон астроном
ва математик олим бўлган Али Қушчи «Зижи Гургоний»нинг яра-
тилишида муҳим роль ўйнаган ва кейинчалик бу асарнинг коммен-
татори сифатида рисолалар ёзган. Улугбек вафотидан сүнг Али
Қушчи Истамбулга кўчиб боради ва 1474 йилда ўша ерда оламдан
ўтади.

159-б ет.

24—25. *Грузовой* — юк машинаси; *трёхтонка* — уч тоннагача юк
ташувчи машина.

160-б ет.

14—20. *Чўғир, ананас, умурвақи* — қовун навлари.

155-б ет.

19. *Чилла ёсин* — хурофий одатларга кўра, «Қуръон»нинг
«Есин» сурасини қирқ марта ўқиш йўли билан беморни «даволаш»
усули.

165-б ет.

3. *«Виллис»* — енгил машина, вездеход. Улуг Ватан уруши ва
урушдан кейинги даврда ҳарбий ва хўжалик ишларида фойдала-
нилган машина. Халқ хўжалигига катта аҳамиятга эга бўлган бу
машина базасида кейинчалик УАЗ-465 вездеходи яратилган.

169-б ет.

8. *«Бихишти»* — нордон вино нави.

170-б ет.

12. *Вильямс* Василий Робертович (1863—1939) — атоқли тупроқ-
шунос олим, агроном, академик. К. А. Тимирязев номидаги Қиши-
лоқ-хўжалик фанлари академиясининг профессори В. Р. Вильямс
тупроқнинг унумдорлигини тиклаш ва ошириш системалари ҳақи-
даги таълимотини яратган, тупроқ структурасининг вужудга кели-
ши ва ўзгаришини тадқиқ этган ҳамда деҳқончиликнинг ўт-дала-
лик системасини ишлаб чиқкан ва асослаган.

194-б е т.

16. *Лайли* — Алишер Навоийнинг «Хамса»сига кирган «Лайли ва Мажнун» достонининг қаҳрамони. Ишқ ва вафонинг жонли тимсоли бўлган Лайли ўз отасининг иродасига қарши Қайс (Мажнун) га бўлган муҳаббатини бутун ҳаёти оша олиб ўтади ва унга муҳаббат билан тўла, пок туйғу ва кечинмалар билан тўла ҳат ёзади.

17. *Татьяна* — А. С. Пушкиннинг «Евгений Онегин» шеърий романининг қаҳрамони. Ўзида Онегинга нисбатан оташин туйғу мавжудлигини ҳис қилган Татьяна унга мактуб ёзиб, изҳори ишқ қиласди.

Зоя — Маргарита Алингернинг шу номдаги достонининг қаҳрамони. Совет Иттифоқи Қаҳрамони Зоя Космодемьянская (1923—1941) 1941 йилнинг октяброда кўнгилли бўлиб, партизанлар отрядига боради ва Петришево қишлоғида жанговар топшириқни бажара туриб, душман қўлига тушади. Қаттиқ қийноқ соатларида ҳам ўзини мардона тутиб, юксак онглилик ва қаҳрамонлик намунасини кўрсатади.

198-б е т.

38—38. *Хусайн, дили кафтар, катта қўргон, бобоки* — узум навлари.

200-б е т.

12. *Каззоби лайн* (арабча) — лаънатланган ёлғончи.

201-б е т.

35—40. *Культур, касмир, милиса* — русча «культурный» (маданиятли), «кассир» сўзларининг бузилиб талаффуз этилиши.

202-б е т.

18. *Милиса* — русча «милиционер» сўзининг бузилиб талаффуз этилиши.

203-б е т.

9—11. *Фабрикон, истахончи* — русча «фабрика», «стахановчи» сўзларининг бузилиб талаффуз этилиши.

208-б е т.

30. *Бешик керти* — шарнат урф-одатларига кўра, қиз ва ўғил болани гўдаклик кезларидаёқ унаштириб қўйиш.

210-б е т.

15. *Даражабандлик қонуни* — фўза агробиологиясидаги жараён. Фўзанинг ўсиш эволюциясини акс эттирувчи жараён айни пайтда даражабандлик қонуни ҳисобланади.

Мазкур атама биринчи марта Ойбек томонидан ўзбекчалаштирилган.

212-б е т.

18. *Фарҳодчилар* — Фарҳод гидроэлектростанцияси қурилишининг қатнашчилари.

30. «*Фарғона ялласи*» — Муқимийнинг «Эмди сендек, жоно, жонон қайдадур, кўриб гул юзингни боғда бандадур» матлаи билан бошланувчи мураббаси текстига ёзилган халқ қўшифи, ялла. Халқ ўртасида кенг тарқалган бу ялла, Михайл Алибеков исмли авторнинг гувоҳлик беришича (қарант: «Ежегодник Ферганской области», 2-том, Н. Маргелан, 1903 йил), Кўқон хони Худоёрхон йиқилмасдан аввал, яъни 1876 йилдан аввал ҳам қўшиқ тарзида айтилиб келган. Бироқ йиллар ва даврлар ўтиши билан бу қўшиқ куйи сайқалланган ва замонавийлаштирилган. 40-йилларнинг сўнгига Узбекистон халқ артисти Толибжон Содиков томонидан қайта ишланган.

217-б е т.

22—23. «Чучвара қайнайдү, ача менга бермайды» — болалар ўйини. Ушбу сатрлар билан бошланувчи лапар жўрлигида ижро этилувчи ўйин.

222-б е т.

1. *Оташ арава* — бу ерда «поезд» маъносида.

229-б е т.

33. *Воскресенский*, Пиён бозор — 7, 8, 10, 11-трамвайларнинг ҳозирги «Навоий театри» номли остановкаси. Октябрь инқилобидан олдин ҳозирги Электролампа заводи жойлашган ерларда катта бозор бўлган. Спиртли ичимликларни ичиш шарнат томонидан тақиқланган бир даврда кайф қилиб юрган айрим кишиларнинг бу ерда учраб туриши мазкур бозорнинг Пиён бозор деб аталишига сабаб бўлган. Бозор фақат якшанба кунлари бўлгани учун эса ҳалқ уни Воскресенский деб ҳам юритган.

231-б е т.

21. *РайЗО* — «районный земельный отдел» сўзларидан қисқартиб олинган. Район ижроия комитетининг бўлими.

233-б е т.

14. *Қизил майдон* — ҳозирги Ленин майдони.

15. *Ҳукумат ўйи* — ҳозир бу ерда Навоий номидаги республика ғоммабоп кутубхонаси ва Маданият обидаларини сақлаш жамияти жойлашган.

35. *Жангоб* — А. С. Пушкин номидаги маданият ва истироҳат бори.

36. *Ўрда* — Тошкентдаги Навоий кўчасининг Анҳор билан тушашган жойи; шу ердаги трамвай-троллейбуслар остановкаси. XIX асрнинг иккичи ярмига қадар бу ерда шаҳар ҳокимининг маҳкамаси (ўрдаси) бўлган.

234-б е т.

14. *Хадра* — Навоий кўчасининг Ҳамза ва Фурқат кўчалари билан тушашган жойидаги майдон; трамвай-троллейбуслар остановкаси. Я. Гуломов ва Ҳ. Зариповнинг фикринга кўра, «Хадра» йўлнинг охири, чегараси маъносини билдирувчи «хадди роҳ» сўзидан қисқартиб олинган. Ф. Абдуллаевнинг фикрича, мазкур атама «адранг» сўзидан олинган бўлиб, йўлнинг нотекис, эгри-бугри эканини, экин экишга мувофиқ бўлмаганини англатади.

18. *Шайҳантоҳур* — Навоий кўчасидаги ҳозирги «Алишер Навоий номидаги музей» номли трамвай-троллейбуслар остановкаси.

Ўрта Осиё Россия билан қўшилгунга қадар Тошкент административ жиҳатдан тўрт районга — Шайҳантоҳур, Себзор, Кўкча ва Ішёғоч районларига бўлинган.

34. *«Ҳосилот»* — нордон вино нави.

240-б е т.

32. «Бой ила хизматчи» — Ҳамза номидаги Ўзбек давлат академик драма театрининг Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий пьесаси асосида ишланган спектакли.

241-б е т.

3—5. *Максим Горький, Тельман парки, Комсомол кўли* — Тошкентдаги Максим Горький номидаги, Тельман номидаги, Ленин комсомоли номидаги маданият ва истироҳат боғлари.

249-б е т.

23. *Турман-вакуум* — 30-йилларда Америка Қўшма Штатларидан келтирилган унумсиз пахта териш машинаси. У Турман деган

инженер томонидан ихтиро этилган бўлиб, унинг узун резинка трубалари яхши очилган пахтани хўплаб, ичига тортиб олар эди. Унинг хўплагич трубаларини кўтариш ва очилган пахтага тўғрилаш учун 10—15 киши овора бўларди. Бу машина икки-уч йил ичida истеъмоддан чиқарди.

252-б е т.

1. «*Парень молодой*» қўшиғи — Александр Гатов текстига Никита Богословский томонидан ёзилган қўшиқ. «Катта ҳаёт» фильмни учун ёзилган бу қўшиқнинг асл номи «Сият курганы темные» бўлиб, «Парень молодой» сатри бу қўшиқнинг ҳар бир бандида рефрен сифатида такрорланади.

255-б е т.

7—8. *Гулшан бало*. Геология институтида ўқиёдиди.— 40-йилларда ҳам, ҳозир ҳам Тошкентда Геология институти бўлмаган. Афтидан, ёзувчи ҳозирги Тошкент Давлат университетининг геология факультетини кўзда тутмоқда.

256-б е т.

7. *Молия-иқтисод институти* — ҳозир Тошкент Давлат Халқ ҳўжалиги институти.

10. *Ўрта Осиё университети* — ҳозир В. И. Ленин номидаги Тошкент Давлат университети. 1920 йилда В. И. Ленин декрети асосида ташкил этилган.

257-б е т.

38. *Чайковский* Пётр Ильич (1840—1893) — улуғ рус композитори. 6 симфония, 9 опера, 3 балет ва бошқа қатор инструментал музика асарларининг автори.

Зайнаб Чайковскийнинг, афтидан, фортепиано учун ёзилган пьесаларидан бирини ижро этади.

43. *Шопен, вальс* — улуғ поляк композитори ва пианистининг асари. Фридрих Шопен (1810—1899) фортепиано музикасининг барча жанрларида ижод этиб, ўз асарларида инсоний ҳис-ҳаяжон ва кечинмаларнинг бой оламини — романтик лирика ва интим түйгулар, фожиавий оҳанглар ва қаҳрамонона интилишлар ҳамда ҳаётбахш садолар оламини ифодалаган.

259-б е т.

34. «*Майданик*» — ароқнинг жонли тилдаги атамаси.

260-б е т.

4. *Николай* — бу ерда Николай II Александрович (1868—1918) кўзда тутилмоқда. Сўнгги рус императори Николай II 1917 йил Февраль революцияси натижасида таҳтдан афдарилиган. Халқ ўртасида «оқ подшо» исми билан ҳам машҳур бўлган.

261-б е т.

19. «*ЭМКА*» — 30 ва 40-йилларда фойдаланишда бўлган енгил машина маркаси.

24. *Оқлон* — Тошкентнинг Кўкча даҳасидаги маҳалла, кўча. Тоҷикча «Оқилон» сўзидан олинган бўлиб, оқиллар маҳалласи деган маънони билдиради.

262-б е т.

18. *Оқлон шаҳарчаси* — 40-йилларда Оқлон Тошкентдаги Ишчилар шаҳарчаси, Социалистик шаҳарча қабилида Оқлон шаҳарчаси деб атала бошлаган. Ҳозир — маҳалла.

Кўкча дарвозаси — Тошкентнинг 12 дарвозасидан бири. XIX асрнинг ўрталарида Тошкент 14 км узунликдаги девор билан ажратилган шаҳар бўлиб, унинг Лабзак, Тахтапул, Корасарой, Сағбон,

Чигатой, Кўкча, Самарқанд, Қамолон, Бешёфоч, Қўймас, Қўқон ва Қашғар даҳалари ва маҳаллаларида 12 дарвозаси бўлган. «Кўкча» сўзининг келиб чиқиши шу номдаги қовун билан боғлиқ бўлиши мумкин.

263-б е т.

5. *Баланд масжид* — Навоий кўчасидаги ҳозирги Ц-14 кварталида қад кўтартган жойнинг номи. Бу ерда (ҳозирги «Тошкент сервиси» биносининг ўрнида, тепаликда) XIX асрнинг охири ва XX асрнинг бошларида баланд масжид бўлган. 30-йилларнинг охирида Навоий кўчасини қайта қуриш муносабати билан бузилган. Ундаги архитектура безакларини сақлаб қолиш учун Бешёфочда, анҳор ёнига қайта қурилган. Ҳозир бу ерда Ўзбекистон илмий атенэм музейи жойлашган.

264-б е т.

19. *Сўғд* — Зарафшон водийсида бизнинг эрага қадар бўлган бир мингинчи йилнинг ўрталаридан эрамизнинг биринчи минг йилигача мавжуд бўлган қадимий тарихий вилоят. Сўғд ёки Сўғдиёна деб аталган бу давлатнинг пойтахти Мароканда (ҳозирги Самарқанд) бўлиб, унда қадимги деҳқончилик билан бирга шаҳар типидаги маданият ҳам тараққий этган.

Хоразм маданиятлари — ССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси С. П. Толстов томонидан кашф этилган моддий маданият обидалари. Ҳозирги Хоразм области, Қорақалпоғистон АССР ҳамда Туркманистон ССРнинг Тошовуз области территориясида мавжуд бўлган қадимги Хоразм ҳақидаги дастлабки маълумотлар бизнинг эрага қадар бўлган VI асрга оидdir. Бу даврда Хоразмда қулдорлик давлати шаклланган бўлади. Эрамизнинг тахминан V асрларida қулдорлик илк феодал тузуми билан ўрин алмашади. Хоразм 712 йилда араблар, XIII асрда эса мўғуллар томонидан босиб олинганига қарамай, ундаги қадимий маданият обидалари бизнинг давримизга қадар етиб келган. С. П. Толстов бошлиқ илмий экспедиция урушдан кейинги дастлабки йилларда Қадимги Хоразм маданияти, санъати ва ёзуви обидаларини очади. Мазкур экспедиция натижалари С. П. Толстовнинг «Қадимий Хоразм» (1948) ва «Қадимий Хоразм маданияти изларидан» (1948) монографияларида ёритилган.

36. *Маяковскийнинг Совет паспорти ҳақидаги шеъри* — 1929 йилда ёзилган. Шеърнинг аниқ номи — «Совет паспорти ҳақида» («Стихи о советском паспорте»).

265-б е т.

14. *Қора шивилғони* — узум нави.

20. *Қирқ оғайнини* — гул нави.

277-б е т.

19. *Эчкимар* — узум нави.

293-б е т.

15. «Зулфизар» достони — Ислом шоир оғзидан ёзиб олинган. Достоннинг аниқ номи — «Зулфизар ва Авазхон».

303-б е т.

10. *Тележка* — араванинг бир тури.

305-б е т.

35. *Намоз фарзайн* — ўқилини зарур бўлган намоз (арабча).

39. *Расул Мұхаммад үмматлари* — Расул Мұхаммадга тобе кишилар; пайғамбарга ихлос қўйган қашилар.

312-б е т.

26—27. *Етти қароқчи, Ўчоқ, Супра, Ўқлор, Олтин охир, Оқ, Бўз от, Хулкар* — юлдузлар.

341-б е т.

8. «Оғонёк» — ҳафталик сиёсий-ижтимоий ва адабий-бадиий, расмли журнал. 1923 йилдан бери чиқади.

345-б е т.

30. «Анна Каренина» — Л. Н. Толстойнинг машҳур романни.

35. Бир хўроз ўтгандан кейин — тунги соаг 12—1 лар орасидаги вакт.

354-б е т.

8. *Кегай* — арава фиддиракларининг тиргаклари.

7. *Докучаев* Василий Васильевич (1846—1903) — улуғ рус табиатшунос олими, тупроқшунослик фанининг асосчиси. Докучаев жонли ва жонсиз табиатдаги барча элементларнинг ўзаро алоқаси тўғрисидаги таълимотни яратиб, илмий-физик географияга асос солган. Рационал деҳқончилик системасини ўрганиш мақсадида катта тадқиқотлар олиб борган. Унинг олиб борган тадқиқотлари туфайли кейинчалик деҳқончиликнинг ўт-дала системаси деб аталган Докучаев—Костищев—Вильямс комплекси вужудга келган.

Мичурин Иван Владимирович (1855—1935) — улуғ рус олими, табиатнинг буюк ўзгартувчиси. Биология тарихида биринчи бўлиб ўсимликлар организмининг тараққиётини бошқариш мумкинлигини исботлаб берган. Мичурин ташқи муҳит шарт-шароитларини ўзгартириш натижасида ўсимликнинг тараққиётини йўналишини ўзгартириш ва янги формаларни планли равишда яратиш мумкинлигини намойиш этди. У гибридлаштириш ҳақидаги таълимотини ишлаб чиқди ва қатор методларни синовдан ўтказди. Мичурин мевалида ракхатларнинг 300 дан ортиқ навини яратди. Бу навлар мамлакатимизнинг турили районларида муваффақият билан ўсиб кўпаймоқда.

35—36. Катта ашула — музика жўрлигисиз ижро этилувчи, йирик шаклдаги, патнусаки ашула. У маросим куй-қўшиқлари ҳамда аруз вазнидаги ғазалларнинг қадимги ўқилиш қоидалари заминида вужудга келган. Катта ашула ижрочилигига бадиҳа санъати кенг фойдаланилади. Бу эса ундаги речитатив ва оҳангдорликни бир-бирига мукаммал ва узвий боғланишини таъминлайди, ашулани рангба-ранг музика безаклари билан бойитади.

355-б е т.

23. *Райшёлк* — «районный шёлковый отдел» сўзларидан қисқартиб олинган. Район ижроия комитети қошидаги ипакчилик билан шуғулланувчи бўлим.

358-б е т.

13. *Черчилль* Уинстон (1874—1965) — инглиз давлат арбоби, консерваторлар партиясининг лидери (1940—1955). 1908 йилдан 1940 йилга қадар турли соҳалар бўйича министр, 1940—1945 йилларда эса ҳукумат бошлиғи. 1951—1955 йилларда яна премьер-министр. Черчилль ҳарбий министр ва авиация министри сифатида 1918—1921 йилларда советларга қарши интервенциянинг ташкилотчиларидан бири бўлган. 1942—1943 йилларда Европада иккинчи фронт очишига қарши қаратилган сиёсат олиб борган. Урушдан кейинги даврда эса СССР ва халқ-демократик давлатларга қарши ташкил этилган турли агрессив блокларнинг ташаббускорларидан бўлган.

21. *Сталинград* (1925 йилга қадар Царицин) — РСФСРдаги ша-

Ҳар ва область маркази; Қуи Волгадаги порт ва йирик темир йўл узели. XVI асрда пайдо бўлган. Улуғ Ватан уруши йилларида Сталинградда катта ҳарбий операциялардан бири бўлиб ўтган. 1942—1943 йиллардаги Сталинград жанги иккинчи жаҳон урушида тубдан бурилишин бошлаб берган. Сталинградда душманинг 330 минг солдат ва офицерлари асир қилиб олинган. 1962 йилдан Волгоград деб аталади.

35. Чкалов Валерий Павлович (1904—1938) — атоқли учувчи, Совет Иттифоқи Қаҳрамони, СССР Олий Совети депутати. 1936 йилнинг 20—22 июляда Москва — Франц Иосиф ери — Челюскин бурни—Петропавловск-на-Камчатке—Удд (ҳозир Чкалов) ороли маршрути билан 9,374 км масофани ерга қўнмай учиб ўтган. Бу парвоз пайтида 56 соату 20 мин. ҳавода бўлган. 1937 йилнинг 18—20 июнянида эса Г. Ф. Байдуков ва А. В. Беляков билан биргаликда Москва—Ванкувер (АҚШ) маршрутида 9 минг км дан ортиқ масофани ерга қўнмай учиб ўтган. Янги самолётни синаш пайтида ҳалок бўлган.

38. Покришкин Александр Иванович (1913) — синовчи учувчи, генерал майор, уч марта Совет Иттифоқи Қаҳрамони, СССР Олий Совети депутати. Улуғ Ватан уруши йилларида ҳарбий-ҳаво жангларида Покришкиннинг шахсан ўзи душманинг 59 жанговар самолётини уриб туширган. Ҳозир СССР ДОСААФининг бошлиғи.

360-б е т.

42. Маяковский Владимир Владимирович (1893—1930) — улуг совет шоири, социалистик реализм адабиётининг асосчиларидан бири, шеърий форма новатори.

362-б е т.

12. «Пиковая дама» — П. И. Чайковский (1840—1893) ижодига мансуб тўққиз операдан бири. 1890 йилда ёзилган. «Пиковая дама» рус операси репертуаридаги энг теран психологик музикали драма ҳисобланади. 1947 йилнинг 27 апрелида Навоий номидаги академик опера ва балет театрида биринчи марта ўзбек тилида саҳнага қўйилган.

Ролларда: Лиза — Сора Самандарова, Графиня — Ксения Давидова, Герман — М. Муллахонов, Елецкий — Карим Зокиров, Полина — Шаҳодат Раҳимова, Чекалинский — М. М. Давидов.

Спектакли Э. И. Юнгвальд-Хилькевич постановка қилган. Дирижер Н. А. Гольдман. Рассом В. А. Рифтин.

Либретто таржимони — Ҳамид Ғулом.

13. Аштар қоқи — катта ғўлон ўригининг ичини очиб, мағзи билан қуритилгани.

33. Йроқи — нақш услубида бадний тикиш; тағдӯзи — ипак билан ёппасига тикиш усули, масалан, ироқи дўппининг оқ фонини тикиб чиқиш.

364-б е т.

24—25. Тимирязев номидаги Москва қишлоқ хўжалик академияси — СССРдаги энг кекса олий қишлоқ-хўжалик ўқув юрти. 1865 йил 9 декабрда асос солинган. 1923 йилгача «Петровская земледельческая и лесная академия» деб юритилган. Академияда агрономия, агрохимия ва тупроқшунослик, зоотехника, иқтисод ҳамда мева-сабзавот факультетлари, шунингдек 6 та ўқув хўжалиги, аспирантура ва марказлашган илмий кутубхона бор.

366-б е т.

24. *Студабеккер* — Улуг Ватан уруши ва урушдан кейинги йилларда фойдаланишда бўлган оғир юк машинаси. Америка Кўшма Штатларида ишлаб чиқарилган.

377-б е т.

31 *Дарди харина* — қарғиш. «Дардисар», «дардга йўлиққур» маъноларида қўлланади.

382-б е т.

20. *Валати* — сўкиш. Арабча «валад» (бала) сўзидан олинган бўлиб, «ҳароми», «отасиз бола» маъноларини англатади.

398-б е т.

33. *Миколай* — Николайнинг бузиб талафғуз этилиши. Николай II Александрович (1868—1918) — сўнгги рус императори, оқ подшо.

399-б е т.

35. *Макка* — Саудия Арабистонининг ғарбидаги шаҳар, мусулмонлар ҳаж қиласиган жой. Маккага асос солинган йили номаълум. Дастлаб Замзам қудуғи атрофида аҳоли пунктлари пайдо бўлган. Макка биринчи марта Птоломей асарларида Макараба деб эслатилган. Ислом пайдо бўлишидан илгари Шарқ билан Ўрта дениз бўйидаги давлатлар ўртасидаги савдода муҳим ўрин эгаллаган. Арабистон ярим оролидаги мажусийларнинг диний маркази бўлган. Маккада Муҳаммад пайғамбар туғилган. Макка VII асрдан бошлаб мусулмонларнинг муқаддас жойи ҳисобланиб келади.

406-б е т.

10. *Навоий*, Алишер (1441—1501) — улуғ ўзбек шоири ва мутафаккири, ўзбек классик адабиёти ва адабий тилининг асосчиси.

14-сатрдан бошланган «*Ёр-ёр*» қўшиғи Янгийўл район Калинин номли колхозда истиқомат қўйувчи Зилол Қорабоева ва Бўка район «Ленинизм» колхозида истиқомат қўйувчи Олтинои Воҳидовлар оғзидан филология фанлари кандидати Музайяна Алавия ёзиган.

11. *Самарқанд* — ЎзССРдаги шаҳар ва область маркази. Ўрта Осиёнинг энг қадимий иқтисодий ва маданий марказларидан бири. Самарқанд Сўғдиёнанинг пойтахти Мароканда номи билан эрамизогача бўлган IV асрдан бери маълум. 1220 йилда Чингизхон томонидан вайрон этилган. XIV асрнинг охири ва XV асрнинг бошларида Самарқанд темурийлар давлатининг пойтахти сифатида гуллаб яшиаган. Шаҳарда ҳозиргача сақланиб келаётган ўтмиш архитектураси ёдгорликлари — масжид, мадраса, мақбара ва бошқа бинолар барпо этилган. Бу даврда илм-фани ва маданият кенг ривожланниб, Самарқанд Шарқининг энг машҳур илмий ва маданий марказларидан бирига айлангган.

Ҳирот — Хуросонининг энг қадимий шаҳарларидан бири. Греклар уни Арей леб атаганлар. Ривоятларга кўра, Александр Македонский томонидан қурилган. 1222 йилда мўғуллар истилоси даврида шаҳар ҳаробага айланади. 1383 йилда шаҳарни Темур забт этади. Ҳирот Шоҳруҳ мирза даврида қайта қурилади; шаҳарда сарой, масжид, мадраса ва хонақоҳлар барпо этилади. Улугбекининг вафотидан кейин авж олган реакция йилларила Самарқанд ўзининг маданий марказ сифатидаги мавқеини йўқотиб, бу мавқеини Ҳиротга беради. Шаҳар айниқса Ҳусайн Бойкаро ва Алишер Навоий даврида ҳар томонлама камол топади. Бу ерда архитектура, музика, адабиёт, миниатюра санъати ва каллиграфия ривожланади.

411-б е т.

29. «Еши гвардия» — А. А. Фадеевнинг асари. 1946 йилда СССР Давлат мукофотига сазовор бўлган бу асарда Краснодондаги яширин комсомол-ёшлар ташкилотининг немис босқинчиларига қарши олиб борган қаҳрамонона кураши тасвирланади.

1947 йилда О. Раҳимий ва М. Исмоилий таржимасида ўзбек тилида нашр этилган.

414-б е т.

26. Барчиной — «Алпомиш» достонининг қаҳрамони, Алпомишнинг севгилиси; ишқ ва вафо тимсоли.

41—42. Катта Фарғона канали — СССРдаги йирик ирригация иншоотларидан бири. Узбекистон, Қирғизистон ва Тоҷикистон територияларидан ўтувчи, 330 км узунликдаги бу канал Норин дарёсидан бошланади ва Фарғона водийсининг жанубий ерларини сугоради. Катта Фарғона канали 500 гектар ерни сугоришни яхшилаш ҳамда қўшимча 70 гектар ерга сув чиқариш имконини берган. 1939 йилнинг 1 август — 15 сентябрь кунлари 45 кун ичida республика колхозчиларининг фаол иштирокида қурилган.

415-б е т.

19. Метрик ўлчов — метрик система асосида узунликни ўлчаш бирлиги. Тахминан Париж меридианининг 40 000 000 дан бирига тенг.

416-б е т.

25. «Полвонлар» — экскаваторлар.

420-б е т.

27. Тягач — двигатель ёрдами билан ҳаракатга келувчи транспорт машинаси. Турли прицеп инвентарларни шатакка олишда хизмат қиласди.

424-б е т.

36. «Беломорканал» — папирос маркаси. 1933 йилда ишга туширилган 227 км узунликдаги Беломор-Болтиқ канали шарафига номланган.

39—40. Тачка — замбилғалтак.

425-б е т.

5. Гидромонитор усули — гидромонитор ёрдами билан тупроқни ювиб ҳайдаш.

21. Гидромонитор — кучли сув оқимини ҳосил қилувчи аппарат. Айрим фойдали қазилмаларни олишда тупроқни ва тоғ жинсларини ювиш, шунингдек ўтириш ишларида қўлланилади.

433-б е т.

32—33. Черчиллнинг катта бир мажлисда айтган нутқи — 1946 йил марта Фультонда сўзланган нутқи. Черчилль бу нутқида СССР ва ҳалқ демократияси мамлакатларига хуруж қилган. Мазкур нутқ империалистик мамлакатларнинг урушдан кейинги йилларда СССРга қарши олиб борган «совуқ уруш» сиёсатини бошлаб берган.

436-б е т.

11. «Роҳат» — ўзбек ҳалқ мелодияси. 1948 йилда Узбекистон ССР ҳалқ артисти Муҳаммаджон Мирзаев ижросида ёзиб олинган ва қашғар рубоби билан оркестр учун қайта ишланган. Биринчи марта Москвада бўлиб ўтган ўзбек адабиёти ва санъати декадасида (1951) ижро этилган.

РАСМЛАР РУИХАТИ

Ойбек. 1948 йил фотоси «Олтин водийдан шабадалар» романининг ўзбек тилидаги биринчи нашри «Олтин водийдан шабадалар» романни қардош халқлар тилларида	33
Романнинг қўлёзма нусхасидан биринчи саҳифа. Муаллиф дастхати. Оқлама	71
Романнинг қўлёзма нусхасидан саҳифа. Муаллиф дастхати. Қоралама	132
Турсуной Каримова. Комила образининг прототипи. 1948 йил фотоси	197
Романга тайёргарлик жараёнидаги қайдлар. Муаллиф дастхати	271
Романин қайта ишлашга тайёргарлик жараёнидаги тўплланган материаллардан	331
	391
	445

МУНДАРИЖА

Олтин водийдан шабадалар	5
Вариантлар	449
Романга материаллар	507
Изоҳлар	515
Расмлар рӯйхати	543

На узбекском языке

М. Т. АЙБЕК

ПОЛНОЕ СОБРАНИЕ СОЧИНЕНИЙ
В 19 ТОМАХ

ТОМ VII

Ўзбекистон ССР ФА А. С. Пушкин номидаги Тил ва адабиёт институтининг Илмий совети, ЎзССР ФА Тарих, тилишунослик ва адабиётшунослик бўлими томонидан нашрга тасдиқланган

Редактор М. Алиева
Рассом В. С Тил
Техмуҳаррир В. Тараҳовиҷ
Корректор М. Саидова

P08338. Тезишга берилди 14/VII-76 й. Боснишга руҳсат этилди 3/IX-76 й. Формати 84×108^{1/32}. Босмахона қоғози № 1. Босма л. 28,56. Қоғоз л. 8,5. Ҳисоб-наширёт л. 31,4. Нашриёт № 1903. Тиражи 5000. Баҳоси 2 с. ёд т. Ўзбекистон ССР „Фан“ нашриётининг босмахонаси, Тошкент. М. Горький проспекти, 79. Заказ 202.

Нашриёт адреси: Тошкент. Гоголь кўчаси, 70.